

63.3/57)
C. 33.



Ҳақим САТТОРИЙ

СОҲИБҚИРОН
АБАДИЯТИ


63.3(54)
С.33.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ

II

*Тулдирилган ва қайта ишланган
иккинчи нашири*



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

TerDU ARM
№ 395940

УЎК 94(092)
КБК 63.3(5Ў)
С 33

С 33 **Сатторий, Ҳаким**

Соҳибқирон абадияти: Тўлд. ва қайта ишланган 2-нашри. 2-китоб. – Т.: «Sharq», 2016. – 464 б.

ISBN 978-9943-26-481-6

УЎК 94(092)
КБК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-26-481-6

© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2016.
© Ҳаким Сатторий, 2016.

МИСЛИ ОЙ ВА ЮЛДУЗЛАР

Амр этдимки, ўғилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз даража ва мартабаларига яраша худди ой қўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб ўлтирсинлар.

«Темур тузуклари»дан



Куч-қудратимиз ва шон-шуҳратимизга шубҳаланганлар иморатларимизга қарасинлар.

Оқсарой пештоқидаги ёзув.

БЕТАКРОР ИФТИХОР

Кейинги йилларда азалий қадриятларга тўла қайтилганлиги кўплаб ҳақиқатларнинг бутун бўйбасти билан намоён бўлишига олиб келди. Бундай ижобий ўзгаришларнинг энг салмоқлиларидан бири – бу миллий ифтихоримиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ватани, халқининг чинакам фахрига айланишидир. Тошкентнинг қоқ марказида Соҳибқиронга ҳайкал тикланиши, ҳазрат таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланганлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, бобокалонимиз туғилган куннинг 670 ва 675 йиллик саналари ҳам байрам қилинди. Ҳар йили 9 апрелда тантанали анжуманлар ўтказиш анъанага айланди.

Табиийки, бундай эътибор Амир Темурга бўлган муносабатларни кескин ўзгартирди. Унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий, бадий ва санъат асарлари яратила бошланди. Бундай ҳолдан фақат қувониш лозим, ўша камситилган, таҳқирланган замонлар ҳаққи – ифтихоримизни янада ёрқинроқ кўз-кўз қилишимиз керак...

Тарихга, тарихий шахсларга баҳо беришнинг дунё халқлари маънавиятида қарор топган мезонлари бор. Унинг бош талаби – илмий ёки бадий ҳақиқатнинг тарихий ҳақиқатга мос келишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, баъзи хориж нашрларида Амир Темур тимсолини акс эттиришда ҳамон даврни тўла тушунмаслик, воқеликни чуқур

ҳис этмаслик каби айрим қусурлар кўзга ташланиб қолмоқда.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий «Хамса»нинг энг гўзал достонини ёзишга киришар экан, зиммасидаги масъулиятини:

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусға, майли, беандоза бўлғай,
Йўқса, назм этганни халойиқ –
Муқаррар айламак сендин не лойиқ...*

тарзида ифода этган.

Амир Темур васфининг беандозалиги, фақат ўзига хослиги, халойиқ муқаррар айлаган (такрорлаб келган) гаплардан қочиб, ҳали маълум бўлмаган гўзал фазилатларини кашф этиш учун, шубҳасиз, бобокалонимиз буюклигининг асрорларини тўла тушуниб олиш керак. Бунинг учун дунёқарашда, мафкурада миллий истиқлол руҳини сингдиришга тўғри келади.

Бизнинг ижтимоий онгимиз, борлиқни баҳолаш ўлчовларимиз шўро замонида моддиюнликка асосланган таълимот таъсирида шаклланди. «Материя – бирламчи, онг – иккиламчи», деган мавҳум бир қоида тағ-заминини белгилаб берган бу таълимотнинг моҳияти шундан иборат эдики, олдин кетмон («материя») пайдо бўлган, кейин кетмон ҳақидаги тасаввур («онг») юзага келган. Эндиликда ҳушёр зеҳн билан қарайдиган бўлсак, бу сафсатага мактаб кўрмаган одамни ҳам ишонтириб бўлмайди. Ёки тарихда шахснинг ролини маҳдудлаштириб талқин этадиган, алоҳида қобилиятли кишилар дунёга келиши, улар инсоният оламида ҳайратомуз ўзгаришлар ясаши мумкинлигини рад қилувчи мафкура, эртанги ишлари тушида аён бўладиган ёхуд ёғаётган ёмғирни жиловлайдиган соҳибкаромат зотни тан олармиди?

Амир Темурнинг қайтиши, бу – юртимизга чинакам баҳорий насимларнинг уфуриши, ҳақиқий мусулмончиликнинг қайтишидир. Бизнинг буюк аждодимизга интилишимиз эса инсоният тафаккурининг нурли сарҳадлари томон парвозимиз, йигирма асрлик тараққиётга қўшилган улкан улушга меросхўрлигимиз, жаҳон ҳамжамиятида қад ростлаётган бўйимиздир.

Табиийки, яхши ният билан Соҳибқирон Амир Темур хотирасини улуглаб, ўз ҳурматини изҳор этмоқчи бўлаётган қаламкаш ва санъат аҳлининг ҳолатини ана шу мезонлар асосида баҳолаганда кўп масалаларда тасаввуримиз ҳали етарли эмаслиги, шу туфайли билмай қайноқ сувни ичиб қўйиб, оғзи куйган одам ҳолига тушиш мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Энг содда, омади гап эса Амир Темур художўй одам бўлган, Оллоҳнинг мавжудлигига шак келтирмаган ҳамда ҳар бир хайрли ишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини ҳис этиб турган. Зеро, уни «Оллоҳи таоло... саққизинчи юз йиллик бошида уни ислом динининг ёйувчиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр этди ва у турли ўлкалар ва мамлакатларда халққа Муҳаммад динини қабул қилдирди» («Темур тузуклари», Мир Саййид Шариф Журжонийнинг мактубидан).

Бу жиҳатдан Амир Темурга тарихда ўтган биронта буюк зот тенг кела олмайди. Ҳолбуки, замон тарихнавислари унинг муборак номини Александр Македонский, Чингизхон, Юлий Цезарь, Наполеон ёки Оливер Кромвель билан ёнма-ён қўядилар.

Алоҳида қобилияти билан дунёни ҳайратга солган Александр Македонский инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. «Гартия тугуни»ни ўзининг кескир қиличи билан тилкалаб ташлаган ўсмир зафарли юришлар билан ер юзининг анчагина қисмини

эгаллади. Болалик даврларидаёқ тарих сахнига чиққан жаҳонгир одамзоднинг улғайиши, маданийлашуви ва тараққиётнинг тезлашувида мислсиз роль ўйнаган бўлса-да, барибир у ҳам тақдири азал олдида ожиз қолди ва ўттиз уч ёшида дунёдан ўтди. Афсуски, ўз шавкатига арзигулик зурриёт ёки авлод қолдирмади. Фақат мислсиз қаҳрамонликлар, қирғин ва вайроналар ҳақидаги ярим рост, ярим афсона тарих одамлар хотирасида, китоблар қатида яшаб келмоқда.

Одатда, юлдузлар самода яшайди, уларга пастдан қараганда янада жозибали кўринади. Бу ҳайратимиз боиси юлдузми, осмонми – бошқа масала, бироқ уруғнинг қандай заминда униб чиққани-ю, янгликнинг қанақа муҳитда бўй кўрсатганини эътиборга олиш ҳақиқат талабларидандир. Инчунин, Амир Темурнинг улуғ ишларини эътироф этиш билан бирга унинг қандай тарихий шароитда ўз салтанатини ўрнатганини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Маълумки, жуда катта ҳудуд, жумладан, Мовароуннаҳр ҳам қарийб икки юз йилдан буён Чингиз ва Чингизийлар исканжасида инграб ётарди. Саҳройи мўғулларнинг шиори бузиш, талаш, қирғин-барот қилиш бўлиб, гуллаб турган шаҳарлар, обод қишлоқлар уларнинг оёғи остида топталди, тинч турмушга заққум аралашди, ўлкани аламли фарёд ва кўз ёши тутиб кетди. Саҳройилар истаган пайтда тинч аҳоли устига бостириб кирар, уларни қийнар, талар, асир оларди. Манбаларда уларнинг бир сафар Самарқанддан 70 нафар сайидзода мўйсафид ва 400 қизни тутқун қилиб олиб кетгани, уларни қийнаб, топтаб, хўрлаб, кейин эса тезак тутунига димиқтириб ўлдиргани ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Шунингдек, IX–XII асрларда бошланган Уйғониш даври – Беруний, Ибн Сино,

Амир Темурнинг қайтиши, бу – юртимизга чи-накам баҳорий насимларнинг уфуриши, ҳақиқий мусулмончиликнинг қайтишидир. Бизнинг буюк аждодимизга интилишимиз эса инсоният тафак-курининг нурли сарҳадлари томон парвозимиз, йи-гирма асрлик тараққиётга қўшилган улкан улушга меросхўрлигимиз, жаҳон ҳамжамиятида қад рост-лаётган бўйимиздир.

Табиийки, яхши ният билан Соҳибқирон Амир Те-мур хотирасини улуғлаб, ўз ҳурматини изҳор этмоқчи бўлаётган қаламкаш ва санъат аҳлининг ҳолатини ана шу мезонлар асосида баҳолаганда кўп масалалар-да тасаввуримиз ҳали етарли эмаслиги, шу туфайли билмай қайноқ сувни ичиб қўйиб, оғзи куйган одам ҳолига тушиш мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Энг содда, омади гап эса Амир Темур художўй одам бўлган, Оллоҳнинг мавжудлигига шак келтирмаган ҳамда ҳар бир хайрли ишида Яратганнинг ўзи ма-дадкор бўлишини ҳис этиб турган. Зеро, уни «Оллоҳи таоло... саққизинчи юз йиллик бошида уни ислом динининг ёйувчиси ва ривожлантирувчиси сифати-да ихтиёр этди ва у турли ўлкалар ва мамлакатларда халққа Муҳаммад динини қабул қилдирди» («Темур тузуклари», Мир Саййид Шариф Журжонийнинг мак-тубидан).

Бу жиҳатдан Амир Темурга тарихда ўтган би-ронта буюк зот тенг кела олмайди. Ҳолбуки, замон тарихнавислари унинг муборак номини Александр Македонский, Чингизхон, Юлий Цезарь, Наполеон ёки Оливер Кромвель билан ёнма-ён қўядилар.

Алоҳида қобилияти билан дунёни ҳайратга сол-ган Александр Македонский инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. «Гартия тугуни»ни ўзининг кес-кир қиличи билан тилкалаб ташлаган ўсмир зафар-ли юришлар билан ер юзининг анчагина қисмини

эгаллади. Болалик даврларидаёқ тарих саҳнига чиққан жаҳонгир одамзоднинг улғайиши, маданийлашуви ва тараққиётнинг тезлашувида мислсиз роль ўйнаган бўлса-да, барибир у ҳам тақдири азал олдида ожиз қолди ва ўттиз уч ёшида дунёдан ўтди. Афсуски, ўз шавкатига арзигулик зурриёт ёки авлод қолдирмади. Фақат мислсиз қаҳрамонликлар, қирғин ва вайроналар ҳақидаги ярим рост, ярим афсона тарих одамлар хотирасида, китоблар қатида яшаб келмоқда.

Одатда, юлдузлар самода яшайди, уларга пастдан қараганда янада жозибали кўринади. Бухайратимиз боиси юлдузми, осмонми – бошқа масала, бироқ уруғнинг қандай заминда униб чиққани-ю, янгиликнинг қанақа муҳитда бўй кўрсатганини эътиборга олиш ҳақиқат талабларидандир. Инчунин, Амир Темурнинг улуғ ишларини эътироф этиш билан бирга унинг қандай тарихий шароитда ўз салтанатини ўрнатганини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Маълумки, жуда катта ҳудуд, жумладан, Мовароуннаҳр ҳам қарийб икки юз йилдан буён Чингиз ва Чингизийлар исканжасида инграб ётарди. Саҳройи мўғулларнинг шиори бузиш, талаш, қирғин-барот қилиш бўлиб, гуллаб турган шаҳарлар, обод қишлоқлар уларнинг оёғи остида топталди, тинч турмушга заққум аралашди, ўлкани аламли фарёд ва кўз ёши тутиб кетди. Саҳройилар истаган пайтда тинч аҳоли устига бостириб кирар, уларни қийнар, талар, асир оларди. Манбаларда уларнинг бир сафар Самарқанддан 70 нафар сайидзода мўйсафид ва 400 қизни тутқун қилиб олиб кетгани, уларни қийнаб, топтаб, хўрлаб, кейин эса тезак тутунига димиқтириб ўлдиргани ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Шунингдек, IX–XII асрларда бошланган Уйғониш даври – Беруний, Ибн Сино,

Форобийнинг илмий кашфиётлари, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийнинг бетимсол шеърияти, Кубровия, Яссавия тариқати Чингизхон истило-си билан зулматга ирғитилди, оқибатда, маънавиятдаги бу ҳалокатни Улуғбек, Алишер Навоий ёки Нақшбандия тариқати эътироф этилгунча барта-раф этиш мумкин бўлмади. Чингизхон истилоси ривожланишда узоқ йиллик тикланмас жарликни пайдо қилди.

Ана шундай қалтис, оғир шароитда Амир Те-мур майдонга чиқди ва унинг ташрифи асрий қийноқлардан пайдо бўлган яраларга малҳам бўлди. Албатта, бобокалонимиз салтанати даврида юзага келган ҳаёт тарзини хаёлга келтирсак, тараққиёт юксалганлиги аён бўлади. «Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир» (Ҳерман Вамбери).

Рим давлатида дастлаб ғоявий раҳбар, кейин лашкарбоши сифатида Юлий Цезарь жуда катта шуҳрат қозонган. Шунингдек, унинг шафқатсизлиги ҳам жуда машҳур бўлиб, бу шафқатсизлик Спартак бошчилигидаги қуллар исёнини қонга ботиргани, Африканинг тинч аҳолисини аёвсиз қиришда раҳнамоликқилганида кўринади. Қолаверса, Цезарь бутунлай бошқача маънавий муҳит фарзанди эди. Ҳали у пайтларда никоҳ ва оила муқаддаслашмаган, эр-хотинлик фарқ қилинмасди...

Европалик тарихчилар Наполеонни Темурга нис-бат беришдан фахрланадилар. Ҳақиқатдан, катта ҳарбий истеъдод эгаси бўлган Наполеон Бонапарт ўз ҳаёти давомида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди. Корсиканинг Аяччо шаҳрида туғилган жаҳлдор, жиккак бола Франциянинг фахрига айланади. Унинг Алп тоғлари оша Италияга, кейин Мисрга

юришлари, кучлар нисбати тенг бўлмаган жангларда эришган ғалабалари, шубҳасиз, ҳарбий санъат тарихида қолди. Бироқ ғалабалардан ўта ҳаволанган бу саркарда кейинчалик эшикни тақиллатмай бировларнинг уйига бостириб кира бошлади, босқинчилик урушларига боши билан шўнғиб кетди. Бу эса кўпгина халқлар қатори фаранглар бошига ҳам оғир кулфатлар олиб келди. «Ватан уруши», деб номланган 1812 йилги Россияга юришида 420 минг, кейин яна 150 минг сараланган аскар билан чегаралардан ўтган бўлса, қайтгач, унинг қўл остидаги қўшин 30 минг кишига ҳам етмасди. Наполеон бундай даҳшатларни бир неча марта такрорлади, унинг ҳукмронлиги даврида 15–16 ёшли ўсмирлар ҳам армияга олинди. Охир-оқибатда халқлар бошига тушган бу балодан қутулиш учун бутун Европа оёққа турди ва урушқоқ жаҳонгир тизгинланиб, барча унвону имтиёзлардан маҳрум этилиб, океан қаъридаги Авлиё Елена оролига сургун қилинди. Дунёга сиғмаган Наполеон умрининг сўнгги 6 йилини ана шу кимсасиз жойда ўтказди.

Оливер Кромвель Буюк Британия ороллари – Англия, Ирландия, Шотландия ва бошқаларни бирлаштириб, империяга асос солди. Унинг хизмати кейинчалик бу мамлакатнинг «дунё устахонаси» номини олишини ёки ўз ҳудудидан бир неча ўн баравар кўп мустамлакаларни истило қилишини таъминлади. Шу билан у ўз мамлакати тарихидаги ёрқин сиймо бўлиб қолди.

Муқоясаларни давом эттириб, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида гапирганда, энг аввало, унинг ўз даври фарзанди эканини, фаолиятида ўша замон тартибларидан воз кеча олмаслигини таъкидлаш керак.

Ровийларнинг гувоҳлик беришича, Темур ўзини «адолат элчиси, одиллик тимсоли» деб билган ва

«қанча кўп ҳудудда ҳукмронлик қилсам, адолат шунча кенг тарқалади», деб ўйлаган. Уни «осмонда Худо ягона экан, ер юзида ҳукмрон ҳам битта бўлиши керак», деган ақидага суянган дейишади. Албатта, бундай улуғ мақсадни рўёбга чиқариш осон кечмаслиги ҳаммага аён. Шу ўринда гапни мухтасар қиладиган бўлсак, бизга Амир Темур юришлари, уларнинг моҳиятини тафтиш қилишдан кўра буюк аждодимиз қолдирган маънавий мерос қадрлироқдир. Зеро, инсониятнинг зўравонликдан халос бўлиб, маданийлашган тараққиёт сари юз тутганига анча вақтлар бўлди. Амир Темур ҳазратларининг эса дунёвий ва илоҳий тафаккурни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс. Ибн Арабшоҳ тан олиб айтганидек: «Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди».

Хуллас, Туронзамин фарзанди Соҳибқирон Амир Темур тарихда ўзига хос такрорланмас, ягона сиймо. Ўз ҳаёти давомида бир неча кишилар амалга ошира олмайдиган улуғ ишларни бажарди. У барпо этган, барқарор таянчга эга бўлган давлатда илм-фан, санъат, меъморчилик ва маънавиятнинг бошқа соҳалари гуллаб-яшнади, салтанат чегараларида нисбатан барқарор тинчлик ҳукм сурди, савдо-сотик авж олди, раият адолат муҳофазасида тўкин ва фаровон ҳаёт кечирди. Соҳибқирон зурриётлари сафидан дунё миқёсидаги олим, шоир, давлат арбоблари етишиб чиққанининг ўзи Амир Темурнинг яна бир бахти, сиёсатининг оламшумуллигидан далолатдир. Шу ўринда илм-фан ва тож-тахт султони Мирзо Улуғбекнинг ул зотга неварара (Темур – Шоҳрух – Улуғбек), буюк шоир, олим ва давлат арбоби Бобур Мирзонинг дувара (Темур – Мироншоҳ – Султон Муҳаммад – Султон Абусаид –

Умаршайх – Бобур) бўлишини қайд этиш ўринли. Ҳолбуки, ҳар қандай халқ шундай битта даҳоси бўлса, истаганча ифтихор қилиши мумкин.

Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида турмушда энг юксак ахлоқий қарашларга амал қилинди. Зеро, Амир Темур одамларга баҳо беришда уларнинг шахсий садоқатига эмас, балки инсоний фазилатларига қараб қадрланишини, жасур, фидойи, ҳалол одамларга ишонч билдиришни қарор топтирган эди. Олайлик, порахўрлик қилгани учун ўз вазирини ўлимга буюрган бўлса, ўзига қарши жангда ҳақиқий баҳодирлик кўрсатган, охириги икки ҳамроҳи қолгунча курашган Шоҳ Мансурнинг ногоҳ ўлдирилишидан изтиробга тушган. Одамгарчилик Соҳибқироннинг эътиқоди бўлган. Гарчи сиёсий мақсадлар устувор бўлса-да, ҳокимият тепасига келган пайтида Тўхтамишнинг отаси кўрсатган марҳамати учун ўғлини хиёнат қилганда, қасамини бузганда ҳам қайта-қайта афв этади. Ёки қайнағаси амир Ҳусайн пасткашликлар қилиб, Қуръон билан ичган қасамини бузганда ҳам уни маҳв қилмайди. Шубҳасиз, Амир Темур ҳукмронлигининг боқийлигини таъминлаган омиллар кўп. Булар орасида унинг шахсий фазилатлари муҳим ўрин тутган. Темур мислсиз жасорат соҳиби бўлиб, ўз мақсадига етишиш учун хавфу хатарни писанд қилмаган. 243 аскар билан 12 минг киши қўриқлаётган Қарши қалъасини забт этади. Хоразм юришида ортиқча талафотга йўл қўймаслик учун ҳоким Ҳусайн сўфи билан яккама-якка кураш тушишга аҳд қилади.

Ўтқир ақл-заковат эгаси бўлган Темур ҳар бир ишни тадбиркорлик билан амалга ошириш йўллариини излаган. Лашкар сонини кўпайтириб кўрсатган, душман юрагига қўрқув солган. Тадбир

ишлатиб, Ҳиндистон фатҳида даҳшатли филларни енгган ёки рақибни чалғитиб, кутилмаганда ҳужум уюштириб, ғалабага эришган.

Табиатан сирли, мураккаб феъл-атворли Соҳибқирон кенгашларда ҳамманинг фикрини эринмай тинглар экан, Ибн Арабшоҳнинг зикр этишича, бу борада бобокалоннинг нуқтаи назари шундай бўлган: «Халқнинг хос қисми масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисигача йиқилса ҳам, ёки савобнинг чўққисигача кўтарилса ҳам – фарқи йўқ, ҳеч тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот». Барча фикрларни эшитиб бўлгач, Темур яна энг яқин кишилари билан маслаҳатлашган, агар зарурат бўлмаса, ўз қарорини маълум қилмаган. Тонгда юриш бошланиб, қўшин ўз йўриғича йўлга тушганда, энг охирида ўз ҳошияларини чақириб, бошқа томонга юришларини амр этаркан. «Темур қанчадан-қанча даҳо ва хуфёна фикру заковатга эга эди» (Ибн Арабшоҳ). Шу ўринда тарихчи «Унинг азму қарорининг шиддатидан, ўзи қасд қилганига нисбатан саботининг қатъиятидан ҳамда унга қаршилиқ билдирган ва у буюрганга тескари, зидлик кўрсатган кишилар устига қасоси тушиши ҳақида ҳикоя қилганларидан», деб бир воқеани келтиради.

Ҳиндистонда бир қалъани довурак, қўрқмас хиндлар сақлаб тураверадилар. На йўл, на жанг қилиш учун майдон бўлмаган бу қалъада бойлигу озиқ-овқат ҳам йўқ, фақат Темур одамларига шикаст етказардилар. Ёмғир ёғиб турганда жаҳонгир аҳвол билан танишиш учун келади, аскарларининг қўрқоқ ва журъатсизлигидан норози бўлиб, уларни

қаттиқ койийди. Ҳовуридан тушиб, ўз фикрини маълум қилишни эп кўрмай шатранж ўйинига машғул бўлади. Муҳаммад Қовчин исмли ҳамма вазирлардан олдин тайинланган, бошқа амирларга нисбатан ҳурмати юқори, гапи тингланадиган, фикри қабул қилинадиган, ғоятда мулойим, кўриниши ёқимли вазир бор эди. Аскарлар ундан Темурни қалъани олиш фикридан қайтаришни илтимос қиладилар. Вазир пайт топиб шундай дейди: «Фараз қилайлик, бирмунча ботиру мардларимизни қурбон бергач, биз қалъани фатҳ этамиз. Бундан оладиган фойдамиз чеккан азиятимизга теңг келадими?» Темур ҳеч нарса демайди-да, Ҳиромали деган исқирт кимсани топиб келишга амр этади ва вазирнинг либосларини унга, Ҳиромалиникини вазирга кийдиради... Темур вафотигача Муҳаммад Қовчин ҳеч кимга қўшила олмай, хор-зор бўлиб юради.

Албатта, Амир Темур эришган муваффақиятлар кўламини тасаввур қилиб, бундай зафарга ўта қаттиққўллик, тадбиркорлик, ақл-заковат билан эришиш мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Қолаверса, Соҳибқирон шахсининг ҳали маълум бўлмаган, кашф этилмаган қирралари кўп. Унинг инсоният маънавий оламининг юксалишига қўшган ҳиссаси ҳам тўла ўрганилмаган. Олайлик, ўзигача ваҳший тўдаларнинг тартибсиз қирғинбароти кўринишида бўлган урушларни ҳарбий санъат даражасига олиб чиқди, таваккалчилик асосида тасодифларга суяниб, олиб бориладиган муҳорабаларнинг илмини кашф этиб, фан даражасига кўтарди. Унинг лашкари қатъий тартиб асосида ҳаракат қиладиган, яқин (тактика) ва узоқ (стратегия) мўлжалга эга бўлган мукаммал қўшин эди. Мана, унинг армиясида қўшиннинг таянчи – оддий аскар ким? Унинг икки оти, ўқ тўла садоғи,

қиличи, жанг болтаси, арраси, бигизи ва 10 дона игнаси бўлиши шарт. Унга минган отининг баҳосида маош тўланади. Қўшиннинг ташкилий тузилишида ҳам қатъий тартиб жорий қилинган, ҳар бир муҳорабанинг ўзига хос йўриғи ишлаб чиқилганки, бу қоидалар дунёда биринчи марта Амир Темур фаолиятида такомилга етганини унутмайлик.

Соҳибқироннинг ўзлари эътироф этишлари-ча, тадбир ва «шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини» эгаллаганлар. Бу мамлакатларда тинчлик, фаровонлик барқарор бўлган. Шу туфайли «ер – дунё подшоҳлари унинг паноҳи остида болалардек бўлишни орзу қилганлари» (Ибн Арабшоҳ) ажабланарли эмас.

Дунёдан ғолиб кетган, мағлубият нималигини билмаган ана шундай буюк зотнинг муборак номи озод Ватанимизда ёд этилаётган экан, маълум ҳақиқатларни бир қур эсга олганимиз фойдадан холи эмас. Зеро, «Танимасни сийламас» деганларидек, алғов-далғов замонларда тасаввурларимиз чалкашиб, ҳақиқатдан анча йироқлашиб кетганмиз. Ҳатто, буюк Темурнинг қароқларга сиғмайдиган, қалб уммони қирғоқларидан ошиб-тошиб кетувчи маҳобатини бутун бўй-басти билан ҳис этмаслик туфайли уни жўнлаштириш, нисбатан майда шахсларга тенглаштириш ҳоллари учраётгани сир эмас. Аслида, шавкатли бобокалонимиз ҳаёти ва фаолияти билан батафсил шуғулланган илм аҳлининг гувоҳлик беришича, ул зотнинг таърифи, қилган ишлари баёни юз жилдлик китобга ҳам сиғмайди. Зукко кишиларга эса бир пиёла сув орқали денгизни кўришга ҳеч нарса монелик қилмайди.

ЧАҚИНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг инсоният тарихидаги ўрни аллақачон эътироф этилган. Гарчи муҳокаманинг салбий ва ижобий қутблари ўртасидаги мунозаралар давом этаётган бўлса-да (аслида, бу қонуний ҳол), ул зоти шарифнинг одамзод силсиласида такрорланмас ҳодиса экани бор гап.

Айнан мустақил Ўзбекистон давлатининг бўй кўрсатиши билан фикрлар оламида бу борада мафкуравий инқилоб рўй бергач, ҳазратнинг таржимаи ҳолини ўрганиш учун, биринчидан, имконият юзага келди, иккинчидан, бу юмушга зарурат пайдо бўлди (ахир афкор омма фиръавн Тахмосп ёки ҳукмдор Калигулани заррасигача билиши керак-у, нега 526 йил тарих саҳифаларида зикр этилган сулола асосчиси билан ҳеч ким қизиқмайди?). Ҳар ҳолда, ана шу оламшумул саволга амалий жавоб бериш учун саъй-ҳаракатлар жадал бошланиб кетди.

Соҳибқироннинг мукаммал таржимаи ҳолини ўрганиш ва ўрганишларни ўзида жамлаган асар(лар)-нинг юзага келиши мозий ғуборлари остида чанг босиб унутилган кўплаб ҳақиқатларнинг юзага чиқишини таъминлаган бўларди. Ҳолбуки, руҳий ва моддий оламлар аро боғланиш бўлганидек, дунёда кечган ва кечаётган жами ўзгаришларда ички мантиқий боғланиш мавжуд (бўлмаса, Нострадамус ёки Ванга қандай «башорат» қилади?). Аниқ далил билан гапирадиган бўлсак, Ибн Халдуннинг асарларида қайд этилишича, 1360 йилда Туниснинг Фас шаҳридаги Каравийин масжидида мунажжим Абу Али Бадис шимоли-шарқ тарафдаги мамлакатлардан бирида Соҳибқирон туғилганини ва у ҳақда 1380-

йиллардан сўнг ер юзида хабарлар тарқалишини айтган эди!

Ха, Амир Темур ҳаётини тўла ўрганиш кўп синоатларга ойдинлик киритади.

Бу даъвонинг тош босадиган томони эса Шахнинг беназирлигидир. Замондошлар, жами алломаларнинг эътироф этишича ҳам, бугунги интеллектуал салоҳият даражасида тафтиш этишлар ҳам шуни тасдиқлайдики, ҳазратнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишораси теран мантиққа асосланган, истиқболга йўл очган.

Бир мисол. Анқара жангидан сўнг мағлуб Боязидни Амир Темур ҳузурига олиб кирадилар. Ҳазрат бўлиб ўтган ноҳуш воқеага ўз муносабатини изҳор этгач, Боязидга шундай дейди:

– Агар мен сенинг қўлингга тушганимда нима қилишинг аниқ эди, лекин мен сенга ва сенга яқин кишиларга ёмонлик қилмайман...

Бу гаплар шунчалик илтифотми ёки унинг замирида бошқа маъно борми? Қолаверса, бу танбеҳнамо лутфларда сўзловчининг кайфияти акс этганми?

Муқояса учун келтирамиз.

Қуръони каримнинг «Тавба» сурасида кўпроқ уруш, жанг, қатл тўғрисида сўз боради. Табук жанги тўғрисида оятлар ўз ифодасини топган. Суранинг 8-оятида шундай дейилади: «(Мушриклар) агар сизларни енгсалар, сизлар учун на аҳдга ва на шартга риоя қиладилар. Оғизларида сизларни рози қиладилар-у, диллари инкор этиб (жирканиб) туради».

Агар бу муборак каломни Амир Темур сўзлари билан таққосласак, Соҳибқирон оятлардан ўзига олган панд-насиҳат асосида гапирмаяптими, яъни «Мен рақибларимга жабр қилмайман – муш-

рик эмасман», демаяптими? Албатта, бу менинг талқиним, саҳв бўлса, узр, бироқ бир гап аниқки, бобомиз, аввало, Қуръони каримни дастуриламал сифатида қабул қилганлар ва Қуръони карим лафзида сўзлаганлар (бунинг учун муқаддас китобни бошдан охир ёд билган ҳамда тафаккурда бошдан охир ўзлаштириш талаб этилиши сир эмас).

Мен бу далилни буюк аждодимиз сиймосини яна бир бор тасаввур этиш учун келтирдим. Аслида, ҳазратнинг таржимаи ҳоллари ҳақида фикр юритаётган эдик.

Шу хусусда баъзи мулоҳазалар.

Маълумки, 1361 йилда Амир Темур Мовароуннаҳрни истило қилиб турган Илёсхожа ҳокимиятида сипоҳсолор (қўшин бошлиғи) этиб тайинланади. 25 ёшли йигит учун бу яхшигина мавқе эди ва у мўғулларнинг хизматини қилиб, айшини суриб яшайвериши мумкин эди. Бироқ босқинчиларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан зуғуми тўхтамайди, аксинча, авж олади. Бу ҳолдан азият чеккан Самарқанднинг ашрафу арконлари, уламолари Соҳибқиронга фатво ёзиб бериб, мўғулларга қарши жиҳодга чорлайдилар. Темурбекда айни пайтда ёв билан юзма-юз жанг қиладиган қўшин йўқ эди ва куч тўплаш мақсадида мўғуллар ихтиёридан чиқиб, Аму ортига, Бадахшон тарафларга кетишни мўлжаллайди. «Тузуклар»да ёзилади: «Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурига бордим».

Табиий савол туғилади: «Хўш, Амир Кулол ким? Нега икки ўт орасида қоврилиб юрган йигит ул зотнинг ҳузурига борди?»

Таассуфки, бу далил ҳақида «Зафарнома»ларда маълумот учрамайди. «Темур тузуклари»да берилган изоҳга кўра, Саййид Амир Кулол нақшбандия

– хожагон тариқатининг йирик намояндаларидан бўлиб, Бухоро вилоятининг Сухори қишлоғида туғилган. Кўплаб оммавий истилоҳларда эса бу зотни Шамсиддин Мир Кулол билан чалкаштириш ҳоллари ҳам учрайди.

Агар катта йўл бошида турган, юрт тақдири учун фатво олган Темурбекнинг нажот истаб, юкиниб бир киши ҳузурига келишини мулоҳаза қилиб кўрсак, бу зотнинг даргоҳи нажотбахш бўлганини, унинг ўзи ҳам мавқе жиҳатдан теварак-атрофга донг таратган киши эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Маълумотлар тасдиқлайдики, бу гап тўғри, пайғамбаримиз авлодидан бўлган бу зот ўз даврининг пешқадам машойихи бўлган. Бу ҳақда «Хожагон – нақшбандия машойихлари» рисоласи (*«Янги аср авлоди», 2003 й.*)да эътиборли маълумотлар келтирилган.

Саййид Амир Кулол тахминан 1281 йилда Сухори ёки Афшона қишлоғида туғилиб, 1370 йилда Сухорида вафот этган, қабри ҳозирги Янги ҳаёт қишлоғида. Умри давомида кулолчилик билан шуғулланган. Кураш тушган. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга мурид бўлиб, саййидлиги билан бир қаторда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат даражаларига юксалган.

Албатта, Темурбекнинг айнан нечун бу даргоҳга келиши сабаблари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бир далилни четлаб ўтиш мумкин эмас. Соҳибқироннинг она томонидан бобоси Убайдуллоҳ Маҳбубий Бухорода яшаган, шариат қозиси бўлиб турган. Демак, бобонинг нақшбандия – хожагон шайхлари билан ўзаро яқинлиги бўлгани шубҳасиз. Балки қозининг ўзи илк дафъа ёш набирасининг қўлидан тутиб шайхларнинг ҳузурига олиб боргандир.

Хожа Саййид Амир Кулол ўзларидан кейин тариқат ижозасини топширган халифалар сафида кешлик Шамсиддин Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам бор эдики, бу зотлар қайсидир жиҳатлари билан Соҳибқирон таржимаи ҳолига дахлдордирлар.

Бу жиҳатдан Шамсиддин Кулолнинг ўрни аниқ: оиланинг пири, ёш гўдакка «Темур» деб исм қўйган, ёрқин истиқболни башорат қилган мўътабар зот. Ростини, Мовароуннаҳр тарихидаги икки буюк зот – Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Темур муносабатлари ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас. Очиғини айтганда эса бир замонда яшаган бу икки йирик шахснинг бир-бирини билмаслиги мумкин эмас. Агар ташқи далилларни муқоёса қиладиган бўлсак, Темур туғилганда Баҳоуддин жаноблари 18 ёшда бўлган. Вафот этган (1389)да эса Соҳибқирон ўз давлатини мустақкамлаш учун олов кечиб юрган, шу йили шимолдан Тўхтамишнинг таҳдидлари кучайган, шарқда эса Мўғулистон тан беришни хоҳламай, интиқом учун қўзғалаётган эди.

Бу икки зотнинг юзма-юз келганини тахминлайдиган шундай далил ҳам борки, Баҳоуддин Нақшбанд айнан Насафда яшаётган Саййид Амир Кулолга бориб, мурид тушади. Ёш Темурнинг эса ўша пайтда Мовароуннаҳрда мавқеи анча баланд бўлган Насафда таълим олгани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд.

Афсуски, ҳозир истифода бўлган адабиётларда машойих ва Соҳибқирон мулоқотлари, муносабатлари ҳақида ёрқин далиллар учрамайди, аммо бундай дийдорлашувлар рўй бергани эҳтимол. Уларнинг манбаларда қайд этилмагани ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Балки айнан шундай ки-

тоблар атайлаб йўқотилгандир. Халқ тилидан эса буни ўчириб бўлмас экан. Биз 1991 йил августда экспедиция билан Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳида бўлганимизда ўша пайтда мажмуадаги масжиднинг имом хатиби Мухтор ҳожи Абдулло (бу киши кейинчалик Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раҳбари ҳам бўлиб ишладилар. Худо раҳмат қилсин) билан узоқ суҳбатлашган, ул зот кўплаб ибратли воқеалар, жумладан, бир ривоят айтиб берган эдилар. Эмишки, Амир Темурнинг элчилари келиб, шайхга хазина тугаб қолганини арз қилишибди. Шунда машойих келганларга мачит деворининг тубидан бир қоп тупроқ олиб кетишини буюрибдилар. Хулоса шуки, ихлос қилсанг, тупроқ ҳам олтинга айланади. Ривоят замиридан шундай маъно балқиб турибдики, ҳукмдор ва шайх муносабатлари сарой хазинасининг аҳволи ҳақида маълум қиладиган ва кўмак сўрайдиган даражада яқин бўлган.

Шубҳасиз, буюк зотлар ўртасидаги муносабатларни тахмин (балки башорат) қилишнинг маълум мезон ва меъёрлари мавжуд. Бу борада олимлар, ижодкорларнинг илмий, бадий салоҳияти ҳам асқотади. Агар маслаҳат илинжида пирнинг ҳузурига келган юрт халоскорининг кейинги тақдирини эсга оладиган бўлсак, «Ул зот менга Хоразмга боришимни маслаҳат берди. Агар мўғуллар устидан ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини ул зотга назр қилишни кўнглимга тугдим. У менга зафар тилаб фотиҳа ўқиганидан сўнг, кетишимга ижозат берди.

Амир Кулолнинг хизматидан чиққанимда, менга ҳаммаси бўлиб олтмиш отлиқ ҳамроҳлик қиларди» («Темур тузуклари»дан).

Эътибор берган бўлсангиз, пир Темурбекнинг йўлини бутунлай бошқа тарафга (у Бадахшонга кетмоқчи эди, пир уни Хоразмга даъват этади) буриб юборди. Бу йўл эрк ва озодлик йўли эди, Туронзаминни 110 йиллик истилодан озод қилиш сари бошланган буюк муҳорабанинг илк қадами шундай қўйилган эди. Бу шонли кураш қарийб ўн йил –

Соҳибқирон 1370 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олингунча давом этди.

Олтмиш отлик... Кейинчалик Самарқанд қўшини бундан юз, минг бора улкан кўлам касб этгани ҳақида муаррихлар ёзиб қолдирган. Суронли кунлардаги ҳар бир кичик унсур ҳам бугун тегишли масштабдаги моҳият касб этмаганми? Этган, энди фақат ўша сирни ошкор қилиш керак бўлади.

2007 йил, март.



ДУНЁ БИЛГАН «ТАМЕРЛАН»

ёки

ёлгон қачонгача давом этади?

Ушбу мавзуда фикр юритишдан олдин бир оддий ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчи эдик: тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ер юзида сирнинг ўзи қолмади, барча нарсаю ҳодисаларнинг хоссаси, хусусияти, белгиси – жами аломатлари ошкор бўлди. Инсон ақли фақат ер юзидаги сир-синоатларни кашф этиш билан чегараланмай (аслида, бу борада бирор юмуш қолмагач), замин қаърига ва тубсиз коинотга назар қилди ҳамда нигоҳи етган жойигача иншикоф этиб улгурди.

Минг афсуски, ана шундай кашфиётлар даврида одамзод ҳамон ўз вакили – бизнинг ватандошимиз – Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳақидаги чинакам ҳақиқатни билмай келаяпти. Азбаройи инсоний инсоф юзасидан холис ёзилган жуда оз битикларни ҳисобга олмаганда, кемаларга юк бўладиган даражада мўл-кўл битилган ва саҳифаларида «Тамерлан», «Темурланг», «Оқсоқ Темир» тарзида ҳақоратли дарж этилган саҳифалардаги зот бизнинг фахрли бобокалонимизнинг ҳақиқий қиёфаси эмас, балки ул улуғ сиймонинг тарашланмаган, қийшиқ кўзгудаги бадбашара аксидир. (Парадокс: «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!» – мабодо, ойнанинг ўзи қийшиқ бўлса-чи?). Яна афсуслар бўлсинки, мана, неча юз йиллардан буён афкор омма Ул зотни ана шу чапланган суратига қараб таниб келмоқда, шунга

суяниб баҳо бермоқда. Учинчи афсус шундан иборатки, баъзан далилларни чалкаштириш ҳоллари ҳозирги кунгача, ҳатто бизнинг миллий матбуотимиз саҳифаларида ҳам давом этиб келаётир. Қойил қолиш керак, туҳмат ва ёлғонларнинг қора кўланкасига эмас, ўша чўнг Қояга, мана, асрлар оша У ҳеч нарсани писанд қилмай, мағрур турибди ва ҳамон одамларни оҳанрабодай ўзига чорлаяпти.

Бундай «англашилмовчилик» (агар юмшоқ қилиб шундай аташ ўринли бўлса)нинг сабаби иккита бўлиши мумкин. Биринчиси, ният холис, шу мавзуда фикр юритишга иштиёқ кучлидир-у, бироқ мавзуга доир маълумотлар етарли бўлмаслиги (ўрганилмаганлиги) эҳтимол. Шундай йўл тутиб, хатога қўл урганларни нодон дўстга қиёслаш мумкин: нодон дўстдан ақлли душман афзал. Демак, бу мавзуда қўлда ишончли манба бўлмаса, сукут сақлаган маъқул. Албатта, бирданига ҳукм сифатида эмас, бир неча маълумотларни муқояса қилиб, тадқиқот сифатида эълон қилинаётган чиқишлар бундан мустасно.

Иккинчи сабаб эса нохолис ёндашув ёки холис ёндаша олмаслик, яъни ғаразли мақсадлар қули бўлиб, тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатиш ёхуд Шахсни ҳаракатга келтирган, унга куч ва йўналиш берган омилларни ҳис қила олмаслик туфайли тошни баҳолашга жорий этилган мезонлар билан тупроққа таъриф беришга ўхшаш масъулиятсизлик. Бундай ёндашув ҳозиргача атайлаб танлаб келинди ва унинг ҳосиласи ўлароқ, жамоатчиликда бир ёқлама тасаввур пайдо бўлди. (Чор истилоси ва шўро ҳукмронлиги даврида Соҳибқиронни қоралаш давлат мафкураси даражасида ташкил қилинди, оқибатда, халқлар ўртасида низо қўзғатувчи, маданият

ва санъат кушандаси, қонхўр ва бойликка тўймас даҳшатли бир зот тимсоли яратилди).

«Фожиа» (энди бу сафар қаттиқроқ қилиб айтганда)нинг кўламини тасаввур қилиш учун аниқ мисоллар келтиришга тўғри келади. Албатта, бу борада ватандошларимизнинг истиқлол йилларида таркиб топган холис ёндашув асосида яратилган китоблардан олган тасаввурлари асқотади, деб ўйлаймиз. Зеро, одамда тушунча бўлмаса, нимани қандай таклиф этсанг, шундай қабул қилаверарида (олайлик, умрида олмани кўрмаган одамга картошкани тутқазиб, «шу – олма», дейилса, ишониб ўтираверари). Энди эса, Оллоҳга шукур, бизнинг маънавий бисотимизда бобокалонимиз тўғрисида шаклланган холис тасаввурларимиз бор, яъни ҳазратнинг ўзлари лутф қилганларидек, «маҳак тоши»га эгамиз, унга уриб кўриб, ростни ҳам, ёлғонни ҳам ажрата оламиз.

Гапни ёлғонларнинг, алаҳсирашларнинг энг янгисидан бошлай қолайлик.

2005 йилда Москвада нашр этилган «Кто есть кто?» қомусий тўпламида минглаб машҳур кишилар ҳақида маълумот берилган (бу китобга кириш қандайдир даражада шараф ҳисобланар экан). Китоб ҳам мўъжизавор нашр этилган, телевизорнинг юзича катталиқда, оғирлиги ҳам муболағасиз 4–5 кг.ни ташкил этади. Нархи – 75 доллар экан. Унинг эгаси – ватанпарвар, зиёли зот бисотни менга тутқазар экан, оғриқ билан «Тамерлан» сарлавҳали мақолани очиб кўрсатди. Бир саҳифадан кўпроқ (нисбатан салмоқли) бу мақолани диққат билан ўқиб чиқдим-у, унда, тўғриси, бир оғиз ҳам рост гап топмадим. Эмиш, Тамерлан туғма ногирон бўлиб, бир оёғи калта, шу туфайли оқсаб юрармиш (аслида,

1362 йилда Сеистонда Зуранж қалъасини фатҳ этиш чоғида камондан отилган ўқдан захм етган эди. Кейинчалик, 1382 йилда ўша камончи – мекронлик Мамақтув билан дуч ҳам келинади...). Бу ёғи яна ҳам қизиқ: гўё Тамерлан Ўрта Осиёда Чингизхон империясини тиклаш учун курашган ва 1370 йилда Самарқандни қаттиқ жангдан сўнг ишғол қилган. Давоми эса ўша эски «дийдиё» – Афғонистон (?) да 20 минг одамни тириклай лой ва тош билан қориштириб, девор тиклаган, Ҳиндистонда 1 млн. одамни қириб ташлаган...

Муқобил қараш эгалари Соҳибқирон ҳақида сўз юритганда нуқул қурбонлар, «бошдан тикланган минора»лар ҳақида жўшиб сўйлайдилар. Тўғри, одамкушликни асло оқлаб бўлмайди. Аслида, инсоният тарихи сонсиз қирғинбаротлардан иборат. Ҳозирги тараққиёт миллионлаб одамларнинг қонидан сув ичиб ўсган дарахтга ўхшайди. Хўш, қайси ҳукмдор қўл қовуштириб ўтирган? Бир пайтлар одамнинг калласини олиб ташлаш товук сўйишдек нарса бўлган-ку! Уларнинг қай бирини эслайлик? Мана, Ўрта асрлар тарихидан бир неча мисол.

XV аср охирларида испанларнинг оёғи Америка қуруқлигига етгач, маҳаллий аҳолини аёвсиз қирди, уларнинг асрий маданиятини йўқотиб юборди. Уларнинг шиори: «Бир ўлдирилган европалик учун юз ҳиндуни ўлдириш» бўлган. Аммо бундай хунрезликнинг бошида турган Кортес ёки Писаррони ҳеч ким эсламайди.

Испанлар кучга тўлиб, денгизга ҳукмронлик қилиб олгач, Англияга таҳдид сола бошлади. 130 кемадан иборат «Енгилмас армада» билан инглиз флоти 1588 йилда Ла-Манш бўғозида тўқнашди.

Денгиздаги қонли жанг икки ҳафта давом этди. Тарафлардан қарийб 50 минг киши қатнашган бу тўқнашувдан жуда кам сонли одам омон қолди. Уруш қонунлари ана шундай шафқатсиз эди.

Машҳур Наполеон 1799 йил мартда Мисрнинг Яффа шаҳрини қамал қилганда 4 минг киши қуршовда қолади. Улар тирик қолиш шарти билан қуролларини топширадилар. Лекин қўмондон берган ваъдасини бажармайди – ёш, соғлом 4 минг жангчи қириб ташланади. Умуман, Наполеон армиясида миллионлаб одамлар ўлимга маҳкум этилди. У Россияга қарийб 700 минг лашкар билан кирган эди, қайтишда эса унинг қўл остидаги мағлуб қўшин 30 мингга ҳам етмасди...

Тарих яна қанчалаб қонхўр, ёвуз ҳукмдорларни билади. Афсуски, улар сафидан алоҳида кишиларни ажратиб олиш ва фақат уларнигина лаънатларга буркаш адолатдан эмас.

Таассуфки, шу кунларда ҳам одамлар ҳақиқатдан йироқ, ғирт ёлғон гапларни ўқиб, унга ишониб келмоқда.

Ғарбда, умуман, дунёда бундай бир ёқлама тасавурлар шаклланишининг ўз тадрижи бор. Бу ҳол ўша узоқ-узоқларга бориб тақалади ва бу ўринда ҳам биринчи қулоққа киргани, эшитгани ўзгартириш қийин кечиши ҳақидаги бугун ҳам яшаб келаётган ақидалар амал қилмоқда. Қолаверса, негадир одамлар рост гапдан кўра ёлғонга ўч бўладилар ва ёлғон тез тарқалади, узоқ яшайди. (Ҳиндистонлик файласуф Ошо бу ҳолни шундай изоҳлайди: «Ёлғон – вақтнинг бўлаги. Вақт мунтазам ҳаракатда, шунинг учун ёлғон мунтазам тарқалиб туради. Ҳақиқат эса абадият каби бир жойда собит тураверади»). Шу жиҳатдан Иоанн Шильтбергер (қисқача – Шильта)нинг

хотиралари биринчи тасаввурнинг пайдо бўлиши, ёлғоннинг туғилиши ва яшаб қолишида асос бўлди, дейиш мумкин.

Москвада нашр этилган бир тўпламда («Тамерлан», 1992) Шильтанинг «Тамерлан ҳақида» хотираларидан парча берилган. Муаллифнинг ўз эътирофича, у Анқара жанги (1402)да Боязид қўшинлари сафида бўлган, асир тушиб қолган, сўнгра 6 йил Тамерлан қўшинида хизмат қилган. Ундан кейин Шохрух қўлига ўтган, Шохрух Мирзо Курдистонни Қора Юсуфдан озод қилиб, Мироншоҳга топширганда, қўшин сафида Мироншоҳ лашкарида қолган. Ҳақиқатан ҳам худди шундай.

Маълумки, Боязид Сербияни тор-мор этгач, қирол Лазарнинг қизига уйланган ва Анқара жангида Стефан бошлиқ серб рицарлари ҳам Самарқанд қўшинига қарши жангга кирган эди. Боязид енгилгач, кўплаб асирлар қўлга олинади ва улар сафида немис Иоанн Шильтбергер ҳам бўлган.

Хизматдан бўшаб, юртига қайтгач, Шильтанинг ажойиб ҳикоялари кўпчиликни лол қолдиради ва унинг хотиралари тезда китоб ҳолида нашр этилади ҳам. Бироқ чекланган маълумотга эга бўлган Шильта воқеликни тўла ва ҳаққоний акс эттира олиши мумкин эмас эди. Ғарбда эса бу ҳолни ким инобатга олади, қизиқувчан европаликларга «ажаб-товур» осиеликлар ҳақидаги афсоналар керак. Бир томондан Соҳибқироннинг Европа эллари орасидаги мислсиз обрўси (уни чинакамига халоскор сифатида тан олишарди), иккинчи томондан хотираларнинг эртақнамо руҳи немис сарбози эсдаликларининг жуда тез тарқалишини таъминлайди ва шундай қилиб, Ғарбда қандайдир «Тамерлан» ҳақида тасаввур пайдо бўлди.

Биз, Соҳибқирон бобомизнинг ватандошлари, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва уни баҳоли қудрат акс эттирган одамнинг эсдаликларини бугунги тасаввур ва тушунчаларимиз билан таққослайдиган бўлсак, шууримизда кўлмакда акс этган ой сурати жонланиши табиий. Гарчи эсдаликлар бўлиб ўтган воқеаларга (улар ҳам чалкаштириб юборилган) асосланган бўлса-да, ҳарқалай ҳақиқатга бутунлай мос келмайди. У ўртамиёна даражадаги гувоҳнинг кўрган-кечирганлари ҳақидаги чалакамчатти қайдлари, холос.

Тасаввурларимиз аниқ бўлиши учун, гарчи бу ёлғонларни қайд этишдан хижолатда бўлсак-да, хотираларни бир қур кўздан кечириб чиқишга мажбурмиз.

Иоанн Шильтбергер номидан эълон қилинган битикларда кейинчалик Европада урф бўлган рицарлик қиссалари, романларига хос бўрттиришлар, муболағалар уфуриб туради (шунга кўра бу эсдаликлар ғарб адабиётида яратилган Гулливвер, Дон Кихот, Санчо Панса сингари қаҳрамонларнинг яратилишига туртки бўлмаганмикан, деган андишага ҳам боради киши).

«Тамерлан миллионга яқин лашкар билан Сивосга ҳужум қилди, – деб ёзади Шильта, – шаҳарга етиб олгач, кўплаб кишиларни асир олди, уларнинг сафида тўққиз минг қиз бор эди». Анқара жангига Тамерлан бир миллион олти юз минг киши билан киришган, Боязид бир миллион тўрт юз минг кишини унга қарши қўйган. Бу рақамлар тарих китобларида қайд қилинганидан бир неча баробар кўп. Жумладан, Соҳибқирон «Тузуклар»ида «Қайсар тўрт юз минг отлиқ ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди», деб қайд этган.

Бундай муболағаларни Шильта Тамерланнинг шафқатсизлигини бўрттириб кўрсатиш учун етарлича қўллайди: «Тўққиз кунлик қамалдан сўнг Айнтоб шаҳри таслим бўлди. Шундан сўнг Суриянинг Дамашқдан кейинги энг катта шаҳри Бегесна (?) томон йўлга тушилди. Унда бир улкан ибодатхона бор эдики, ташқари деворида қирқта дарвозаси мавжуд эди. Ичкарасида жума кунлари 12 минг шам ёқилар, бошқа пайтлари 9 минг шамдон ёритиб турарди. Шамдонлар аксарият олтин ёки кумушдан эди». Ҳужум бошлангач, 30 мингга яқин одам ибодатхонага қочиб киради... Ғазабланган Тамерлан барча дарвозаларни ёпиб ташлайди, ибодатхонага эса ўт қўйилади. Шундан сўнг миллион лашкар билан Вавилонга қарши (?) юрилади. Шаҳар бир ойлик қамалдан сўнг таслим бўлгач, яксон қилиниб, ўрнига арпа экилади. Сув билан ўралган қаср ичидан олдин учта, сўнгра тўртта темир сандиқ олиб чиқилади, уларнинг ичи тўла олтин ва кумуш эди.

Бу даҳшатлар Шильтанинг алахсирашидан бошқа нарса эмас, негаки, у қайд этган шаҳарларнинг баъзиси харитада йўқ ва бу бедодликлар бирон солномада қайд этилмаган.

Ёлғон яна бошқа ўзанда давом этади. Гўёки Вавилондан қайтилгач, Тамерлан қўл остидагиларга тўрт ой давомида пойтахтидан тўрт ойлик йўл наридаги Кичик Ҳиндистонга юриш қилиш учун тайёрланишга буйруқ берган эмиш. Ҳолбуки, Ҳиндистон юриши Анқара жангидан анча олдин – 1398 йилда амалга оширилган эди. Эсдалиқда ёзилади: «Ҳиндистон қироли у билан музокара бошлади ва унга икки центнер ҳинд олтини (арабларникидан аъло) тўлашга ваъда берди». Бу гапга ким ишонади? Бироқ дунё аҳли шундай ёлғонларга ишониб келди.

Шильтанинг талқинича, Ҳиндистондан қайтил-
гач, бойлик илинжида Султония, Мозондарон-
га элчилар юборилади. Шундан сўнг Исфаҳон
қироллигига йўл олинади. (Исфаҳондаги бебош
исёнчиларни жазолаш 1387 йилда юз берган эди).
Бундан муддао – мўмай бойлик орттириш эди.
Шаҳар эгаллангач, 14 ёшдан юқори бўлган фуқаро
қиличдан ўтказилади, 7 ёшдан кичик болаларни
бир майдонда тўплаб, устидан отлиқларни юри-
ришади. Шаҳарга ўт қўйиб, Самарқандга қайтади.
Унинг пойтахтдан чиқиб кетганига 12 йил (?) бўлган
эди.

Албатта, бу афсоналарга ақли расо одамнинг
ишониши мумкин эмас. Қолаверса, бундай вайрона-
гарчилик, қонхўрлик Соҳибқироннинг эътиқодига
бутунлай зид ҳолатлардир. Унинг юришлардан
мақсади бойлик тўплаш, қон тўкиш бўлмаганини
ҳазратнинг ўзи шундай таъкидлаганлар: «Давлат ва
салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим –
Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг
шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар
вақт ислом динини қувватладим». Бундай олийжа-
ноб мақсаднинг моҳиятини тушуниш, Соҳибқирон
фаолиятини баҳолаш учун киши камида маслак-
дош бўлиши лозим.

Ҳа, ровийнинг ёки носирнинг кимлиги у сўз-
лаган, баён этган ҳар бир калимада, сатрда акс эта-
ди. Насроний одамнинг ислом аҳкомларини ҳазм
қила олмаслиги табиий бўлганидек, европаликнинг
Осиё тартибларини тушунмаслиги ҳам бор гап экан.
Бўлмаса, шунча ёлгон билан қоғозни қора қилган
одам охирида бунчалар алжираб қолмаслиги мум-
кин эди. Эмишки, Самарқандга қайтгач, Тамерлан-
нинг уч хотинидан энг ёши унга хиёнат қилгани

маълум бўлиб қолибди. Кундошларнинг каттаси бу ҳақида игво қилгач, «Ишонмасанг, унинг сандиғини кўр, сандиқда ўйнаши совға қилган узук ва унга ёзган ишқий мактуб бор», дебди... Хуллас, Хитой юришидан совуқ туфайли қайтган (?) ва сеvimли хотинининг хиёнатидан азоб чеккан Тамерлан вафот этибди. Уни шод-хуррамлик билан (?) дафн этишибди. Лекин унинг қабридан бир йил давомида даҳшатли чинқирик эшитилиб турибди. Муллалар маслаҳатлашиб, барча асирларни озод қилишгач, овоз тинчибди.

Мана, тарихимиздаги энг ёрқин сиймо ҳақида ғарбда тарқалган маълумот. Бу катта ёлғон ўзидан ҳам катта кўламларда тарқалгани, китоб кўплаб тилларга таржима қилингани (жумладан, 1866 йилда рус тилига) ҳам рост. Ғарчи бу сўзларни ёзишда қозғондан истиҳола қилган бўлсак-да, гап нимадалигини тўлароқ тасаввур қилиш учун тафсилотларни муфассал келтирдик.

Инсоф билан айтганда, бундай ҳолдан унчалик хафа бўлмаслик ҳам мумкин. Ахир у пайтда (XV асрда) халқлар ўртасида маданий алоқалар шаклланмаган, бунинг устига Ғарбда Соҳибқироннинг тарафини оладиган жонкуяри кезиб юрмаган бўлса, бундан ўзга нимани ҳам кутасан?! Қолаверса, воқеликни холис ёритишга уринишлар ҳам бўлган, фақат бу эзгу мақсадлар зулмат қўйнида милтиллаган шамдек ортда қолиб кетаверган.

Тўғриси, Ғарбда, умуман, дунёда Буюк Темур шахсига қизиқиш ўша пайтларда ҳам кучли бўлган (ҳозир ҳам сусайгани йўқ). Бунинг сабаби оддий – шамолдан ҳам тез (Йилдирим) Боязид қаршисида Европа тиз чўкиб турар, энг сараланган ҳарбий кучлари унинг шиддати олдида бўрон қаршисидаги

пуфакдек дирдирарди. Темур Европани ана шу офатдан қутқарди. Уларнинг наздида Боязидга тенг келадиган куч ер юзида йўқ эди. Бироқ бирданига мўъжиза рўй берди. Хўш, бу қандай мўъжиза эди? Боязидга бас келадиган ҳукмдор ҳақидаги шовшувлар тарқалиб кетди. Унинг кимлиги барча учун ниҳоятда қизиқарли эди. Шу сабабли бу мавзудаги асарлар жуда тез тарқалган ва муттасил пайдо бўлиб турган, бошқа тиллардан иштиёқ билан таржима қилинган.

Академик Э. Ртвеладзе ва профессор А. Саидовнинг ёзишича, 1415 йилдаёқ итальян католик черковининг ходими Бернардо де Мигнанелли лотин тилида «Тамерлан ҳаёти» деган рисола ёзган, лекин у ҳозиргача деярли ўрганилмаган. 1582 йилдан бошлаб Гонзал Арагат де Молино Мадридда Клавишонинг кундаликларини эълон қила бошлади. Англияда 1587–1588 йилларда Кристофер Марлонинг «Буюк Темур» драмаси яратилди. Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» китоби 1636 йилда лотин, 1658 йилда француз тилига таржима қилинди. Албатта, бу асар ва таржималарнинг савияси турлича бўлиб, муаллифларнинг воқеликка муносабати ҳам бир хил эмас эди. Айниқса, Ибн Арабшоҳ асарининг руҳи бизга таниш бўлганидан хулоса қилиш мумкинки, бу китобнинг тарқалиши билан ғайриҳақиқий фикрлар болалаб кетди.

Гарчи Ибн Арабшоҳ эҳтиросларига зўр бериб, қора бўёқларни роса чаплаган бўлса-да, у Шахнинг ҳақиқий талъати олдида маҳв бўлади, яъни китобни ўқиган одам Соҳибқироннинг буюклигини тасаввур этиб, муаллифнинг аламзадалигини ҳис қилади, бироқ олди-қочдига ўч китобхон ҳар доим ҳам денгиздан марварид излайвермайди,

унга шов-шув керак. «Тақдир ажойиботлари»да эса у етарлича топилади. Жумладан, Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур ва унинг отаси ҳайқироқ чўпонлардан бўлиб, на ақлию, на дини бўлмаган авом кишилар тоифасидан эканлар». Яна айтишларича, «Темурнинг отаси бениҳоя фақир этикдўз бўлган». Давом этади: «Кечаларнинг бирида у бир қўйни ўғирлади ва уни елкасига ўнгариб олди. Шунда чўпон камон ўқи билан уни елкасидан уриб яралади ва яна бир ўқ билан уни сонидан жароҳатлаб, ҳолдан тойғизди». (Қиёслаш учун келтирамиз: русларнинг «Оқсоқ Темир» қиссаси халқ китобида ёзилади: «Унинг касби қора темирчилик бўлиб, хулқи бузуқ – шафқатсиз, қароқчи, зўравон, ўғри эди. У ёшлигида очликдан бир қўйни ўғирлаб қочади. Одамлар уни тутиб олиб, оёғини синдирадилар...»)

Нафсиламрини айтганда, бундай олди-қочди гапларни қандайдир тўқима қаҳрамонга нисбатан ишлатиш мумкиндир, аммо бахтли соатда туғилган уч соҳибқироннинг бири, дунёдаги 27 мамлакатни бир туғ остида бирлаштириб, ҳудудларда тинчлик, эмну омонлик ўрнатган, илм ва фан ҳомийси, ҳаётлигидаёқ «Сайф уд-дин», «Сайф ул-Оллоҳ» деб таърифланган улуғ зотга нисбатан қўллаб бўлмайди.

Шубҳасиз, ўтмиш келажак учун сабоқ. «Дунёда асло янги нарса йўқ, барча янгиликлар унутилган эскиликдир», дейишади. Агар келажак ҳар хил паст-баландликлар, мунофиқликлардан холи бўлишини истасак, ўтмишга нисбатан ҳалол муносабатда бўлиш лозим. Зеро, маълум ҳикматда айтилганидек, «Сен ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, келажак сенга замбаракдан жавоб қайтаради». Ҳазрат Соҳибқирон шахсини камситган, ёлғон

айбларни унинг бўйнига қўйиш билан тарих ҳеч нарса ютмайди ёки ўзгариб қолмайди, у ўзининг боқий ҳукмини ўқийверади ёхуд бу билан Соҳибқирон хотираси ҳеч нарса ютқазмайди, бундан келажакка ҳам наф йўқ: инсон қудратини ўз даражасида намойиш қила олган бир вакилини тан олмагани билан инсоният оламида ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Қолаверса, ҳақиқатни тан олмаслик бир чети ахлоқсизлик ҳамдир. Таассуфки, ҳамон бу жараёнга чек қўйилгани йўқ, қора чаплаш кампанияси ҳамон давом этаяпти. Демак, XXI асрда ҳам инсон ахлоқи ҳақиқатни тан олиш даражасигача юксалмабди-да?!

Тўғри, Амир Темур ўз даврининг вакили, ҳукмдори сифатида фаолият кўрсатган. Ул зотни фаришта қилиб кўрсатиш фикридан йироқмиз, бироқ замондошларимизнинг нуқул қора нуқталарни кўраётгани, нуқул ёлғонга суянаётгани кишининг шабини келтиради, холос.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Бу мавзу шунчалар бўрттириб юборилганки, бир қарашдаёқ оқни қорадан ажратиб олиш осон кечмайди. Яқинда қўлимга бир китоб тушиб қолди, у рус тилида бўлиб, Нью-Йорк (АҚШ)да нашр этилган. Китобнинг устига оқ от минган, шоҳона кийинган суворий сурати туширилган ва у «Я – Тимур, властитель Вселенной. Жизнь и деятельность Тимурлэнга, описанный им самим», деб номланган. Устидаги қўшимча ёзувлари билан мулк сифатида дахлсизлиги таъминланган: Тузувчи – Марсель Брион (Франция), Забиҳулло Мансурий билан бирга. Китобни нашр этиш бўйича барча ҳуқуқ Мостауфи кутубхонаси томонидан амалга оширилган ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланган. Ношир – Абдулжалил Абдуррашид.

2004 йилда чоп этилган бу китоб еттинчи (!) нашр экан.

Китоб билан танишиб чиқиш имкони бўлди. У қарийб 500 саҳифадан иборат, нусха кўчириш йўли билан кўпайтирилиб, чоп этилганга ўхшайди. Унда худди шунга ўхшаш бошқа китобларда бўлгани каби бир чимдим ҳақиқат бор, яъни фарзандларнинг исми, шаҳзодаларнинг таржимаи ҳолига доир баъзи унсурлар мос келади. Бироқ китобдаги айрим маълумотлар ҳақиқатдан умуман йироқлиги билан темуршунослар ғазабини келтиради. Жумладан, унда шундай маълумот келтирилади: «Темурлэнг Чиғатой маликасига уйланди ва малика уч ўғил туғиб берди». Бу далил бутунлай хато. Китобнинг ҳақиқийлик даражаси ҳам шу баландликда. Асар диний-фикҳий маълумотга эга (чунки унда Темурлэнгнинг олимлар билан Қуръон юзасидан муҳоқасалари жуда чуқур ёритилган), лекин Соҳибқироннинг ҳақиқий ҳаётидан чала хабардор киши томонидан ёзилганга ўхшайди. Таассуфки, у бевосита ҳазратнинг ўз қўли билан ёзилган, деб эълон қилинапти ва йиллар давомида бир эмас, икки эмас, еттинчи марта нашр этилапти.

Жамоанинг бу китобни чиқаришдан муддаолари нима эканлиги бизга аниқ эмас-у, бизнингча, у тижорат мақсадида чоп этилганга ўхшайди. Бу ҳам ўзига хос ёндашув.

Демак, барча машҳур кишилар ҳаётига нисбатан бўлганидек, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур шахсига қизиқиш яшаб келаётган экан, энди бу масалага муносабатда бир тўхтамга келиш фурсати етди. Негаки, афкор омма ҳар доим бўлганидек, ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни билишни хоҳлайди. Шундай экан, бу мавзудаги турли даражадаги битикларнинг ҳаммасини Соҳибқирон бобомизга нисбат бериш

инсофдан эмас. Негаки, ҳар қандай одамнинг битта, ягона қиёфаси бор – бу оддий ҳақиқат. Паканани дароз деб бўлмаганидек, ўғрини тўғри, деб ҳам бўлмайди.

Энди юз йиллар оша шаклланган фикр оқимини элақдан ўтказадиган бўлсак, ҳозиргача муносабатлар икки қутбда жамланди: 1) уйдирма (тўқима) ва 2) рост гаплар. Шунга мос равишда икки тимсол юзага келди: биз юқорида изтироб билан бўҳтонга бурканган «фазилат»лар билан безанган «Тамерлан» қиёфаси ва энди-энди маълум қилина бошланган Амир Темур, Буюк Темур қиёфаси. Шуниси аниқки, Тамерлан, бу Кешда туғилган, Ўтрорда вафот этган, Самарқандда абадий қўним топган зот – Амир Темур эмас. Тамерлан турли савия ва эътиқоддаги одамлар ижод қилган тўқима образ. Биз энди ана шу икки ҳақиқат орасидаги чегарани тан олайлик-да, кейинги ҳаракатларимизда шунга амал қилайлик. Зеро, ҳозиргача тарих ҳақиқатига қора чаплаб келингани ҳам етар. Шу далил ҳам борки, мавзуга нисбатан одилона ёндашган В. Бартольд, Г. Вамбери, Т. Грановский, Л. Зимин, М. Иванин, Л. Лянглэ, А. Якубовский ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар ўз қаҳрамонларини «Темур» деб атаганлар. Демак, Темур ва Тамерлан (Темурланг) атамаларини қориштириб юбориш (бир шахс деб талқин қилиш) ҳалол олимлар меҳнатини камситиш билан баробар, уни йўққа чиқариш демакдир. Бинобарин, энди икки тушунча орасидаги чегара (тўсиқ) қатъий бўлиши шарт.

Дунё турли тилларда ҳозиргача Тамерлан ҳақида етарлича ҳикоя тинглаб келди. Бу ҳикояларнинг аксари ёлғонга асосланган эди. Шунга мос равишда миллионлаб одамлар шуурида Соҳибқирон Амир

Темур ҳақида чалкаш тасаввурлар шаклланди. Бу чалкашликлар туфайли кўп ножоиз ҳаракатлар воқе бўлди, бу ҳол ҳамон давом этаяпти. Бу, албатта, маърифатсизлик, беҳабарлик аломати. Шахснинг чинакам бўй-бастини тасаввур қила олмаслик ёки тасаввурга сиғдира олмаслик туфайли ул зотни кимларга тенглаштиришяпти? Шундай беписанд кимсалар жилла қурса дунё харитасини тиззасига олиб, жаҳонгир отда босиб ўтган йўлларни ҳисоблаб чиққанда ҳам унинг қудратини ҳис қилган бўларди. Ёки уни кимлардир Дон Кихотдек бир суворий, деб тасаввур қилар, бироқ қарийб олти юз йил ҳукмронлик қилган авлодларни, юзлаб шахзодалар, маликаларнинг асъасаю дабдабасини кўз олдига келтирганда, ул зотнинг жўн бир шахс эмаслигини тушунган бўлардилар.

Ҳар ҳолда, биз маърифатнинг кучига ишонамиз. Буюк Темур ҳақида чинакам ҳақиқат энди баралла айтилмоқда, шу руҳ билан суғорилган китоблар яратилаяпти. Уларнинг дунё бўйлаб тарқалиши улут бобокалонимиз чинакам қиёфасини одамзодга намоён этиб кўрсатгусидир.

2006 йил, март.

«СЎЗИМДАН АНГЛА ЎЗИМНИ»

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шахсияти
юзасидан мулоҳазалар

*Ҳар вақти ки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни.*

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Буюк бобокалонимиз ҳаётини муфассал ўрганган ва мукамал тарихий-биографик асар «Зафарнома»ни яратган Шарафуддин Али Яздий бир ўринда ул буюк зот ҳақида шундай ёзган экан: «... ҳазрат Соҳибқирон шундай бир мулк (подшоҳлик, ҳукмдорлик) эгасидирки, у фаришталарнинг Оллоҳга мурожаат этиб, «Бузуқчилик қилувчи ва қонлар тўқувчи кимсани яратасанми?» саволига жавобан Парвардигорнинг «Мен ерда бир халифа (ўринбосар, вакил) яратаман» деган иноятига каромат қилинган сарвар (етакчи, йўлбошчи)дир. Унга ўзининг олдиндан билиш ва кўриш фазилати туйфайли баҳри барр (сувлик ва қуруқлик)да эгалик қилишга қудрат берилган».

Менимча, бу эътироф шарафли аждодимиз шаънига айтилган жами сифатларни ўзида қамраб олади. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ўз давридаёқ барча доираларда «Сайф ул-Оллоҳ» («Оллоҳнинг қиличи»), «Сайф уд-дин» («Диннинг қиличи») деб улуғланган эдилар.

Шубҳасиз, ана шундай муҳташам ва маҳобатли зотнинг шахсияти (ўзига хос бўлган ташқи ва ички олами) замонлар оша афкор оммани қизиқтириб келган. Шу қизиқиш ҳосиласи ўлароқ кўплаб афсоналар, ривоятлар яратилган. Гарчи уларда жиндак ҳақиқат унсурлари бўлса-да, шарқона хаёлот ва уйдирмалар ила пардозланганидан уларни та-

рихий далил сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу ҳикоятлар бобокалонимиз ҳақида у ёки бу даражада тасаввур бериши мумкин.

Агар масалага аниқ нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, унинг муаммоли, мураккаб ва чигал томонлари кўплиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳолатни ўша замон тарихчилари ҳам, ҳозирги замон тадқиқотчилари ҳам қайд этганлар. Бу, аввало, Шахс феъл-атворининг фақат ўзига хослиги, бошқа бирор зотга ўхшамаган ички дунёси ва фаолияти (унинг камёблиги ва ягоналиги ҳам шунда), ўз тўпидан баланддалиги ҳамда юксаклиги билан ўлчанадиган нодир хусусиятлари орқали белгиланса, иккинчи тарафдан, замондошлар Соҳибқироннинг маишати, дид-саъжияси, шахсий турмуш тарзи ва бошқа ички ўзига хос томонлари ҳақида махсус ёзиб қолдирмаганлари билан изоҳланади. Балки у даврларда бундай тадқиқотлар яратиш урф бўлмагандир ёки ҳеч ким жазм қилмагандир ёхуд ҳамон ўшандай асарлар асрлар ғубори ичра кўмилиб ётиб, ҳозиргача топилмагандир. Бу тарих кашфиётига ҳаддан ташқари қизиққан шўро тадқиқотчилари ҳам ҳатто қўлга илинадиган далилларга кам дуч келганлар чоғи М. Герасимов 1947 йилда «Биографлар унинг буюк юришларини тасвирлашда жами ранглардан фойдаланганлар-у, ташқи кўриниши юзасидан жуда кам маълумот қолдирганлар. Борлари ҳам зиддиятли ва мавҳум», деб ёзғирган экан.

Шахсият билан боғлиқ маълумотлар ўша давр асарларида яхлит ҳолда эмас, сочма тарзда учрайди. Соҳибқирон билан юзма-юз учрашган Ибн Халдун, Клавиho, Ибн Арабшоҳ, Иоанн ва бошқалар, шунингдек, бобомизнинг замондошлари ўз хо-

тираларида ул зотнинг ташқи кўринишини йўл-йўлакай тасвирлаганлар, саройнинг маиший ҳаёти (асосан, зиёфатлар баҳонасида) юзасидан далиллар келтирганлар, бирор аниқ воқеа муносабати билан ҳазратнинг руҳий ҳолати (шодлиги, ғам-ғуссаси, ғзаби)ни қайд этганлар. Атрофда кечган бўҳронли ҳаёт, кескин вазиятлар инсон ва ҳарбий лашкарбоши, давлат арбоби ва илм-фан, санъат ҳомийси сифатида фахрли аждодимизнинг шахсий фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритишга изн беради.

Бир ҳолни истисно қилиш керакки, Амир Темури даврининг буюк воқеаси эди ва бугунги назар билан айтганимизда, неча юз йиллар тақдирини ҳал қилувчи шиддатли ўзгаришлар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида пайкон ўқларидек унинг теграсида шувиллаб учарди ҳамда, не саодатки, ўшандай таҳликали дамларда ҳам чақмоқдек Ақл тўғри ечимлар топишдан адашмаган эди. Бобомиз шахсиятидаги жами унсурлар ўша Буюк Ақлга хизмат қилган ва замон сўроқларига асрлар тақдирини белгилаб берган тўғри жавоблар топилган. Бу мавқе шунчалик баландки, унинг моҳиятини «Буюк Темури» деб аталган икки рамзий сўз нисбатан ифодалаши мумкин ва бу чўнг ҳақиқат қаршисида Шахсга берилган жами таърифлар нисбий бўлиб қолаверади.

Шу ақидани эътироф этиб, қайд қилиш лозимки, Соҳибқирон васфи ўз даврининг даҳолари қалами ила куйланмаслиги мумкин эмас эди. Бу борада, ҳақиқатан, давомли (узлуксиз) занжир мавжуд. «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафуддин Али Яздий тўрт ёшли болакай Алишерни манглайдан ўпиб, ёруғ иқбол тилаган чол-да. Алишер Навоий ижодида бу муборак мавзунинг акс этмасли-

ги ёки хира акс этиши мумкин эмас. Ҳозирча биз даҳо шоиримизнинг Соҳибқирон ҳақида «... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдулар...» деб бошланувчи изҳорини аксарият такрорлаймиз. Бинобарин, сўз султони нафис адабиётга бағишланган махсус асарининг ижодкор Темурий шаҳзодаларга аталган алоҳида фаслини ихлос ва эҳтиром билан Соҳибқирон номи билан бошлайдими, демак, бунинг замирида теран меҳр яширин. Шоир ижодида бу буюк зот тимсолига кўп бора мурожаат қилгани шубҳасиз. Оддий бир қайд. Фарҳод образини кўп тадқиқотчилар Навоийнинг идеали, ҳатто ўзининг тимсоли, деб талқин қиладилар. Ана шу суюкли қаҳрамон севгилиси Шириннинг юрти Арманистонда тоғ қазиб, ариқ ўтказади. Ободончилик ишларини амалга оширади. Тарихда шундай иш қилган бизнинг бирор қондошимиз борми? Бор. Бу – Амир Темур ҳазратлари. Соҳибқирон Тоғли Қорабоғда бир неча қишни ўтказган. Бу заминда ариқ («Барлос ариғи») қазиб, кўплаб олий иншоотлар барпо этган. (Бу ёғини шарҳлаш муҳтарам адабиётшуносларимизга ҳавола). Ёки Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Султон Жалолиддин ва бошқалар бошлаган озодлик курашини ким охирига етказди?! Синд дарёси бўйида шафқатсиз таҳқирланган, лекин иродаси букилмай курашни давом эттирган ва бу йўлда маҳв бўлган Султон Жалолиддиннинг орини душмандан ким олди? Албатта, Амир Темур ҳазратлари! Масалага ёндашувда ана шундай кенг миқёс талаб этилади.

Шубҳасиз, Шарқ осмонининг порлоқ юлдузларидан бири, Соҳибқироннинг тўғридан-тўғри зурриёти Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва авлодлари таржимаи ҳолида шавкатли бобокалонларининг шуку-

ҳи акс этмаслиги мумкин эмас эди. «Бобурнома»да муаллиф фахр билан «Темурия салотини дастури била тўшак устида (яъни тахтда) ўлтурур эдим», деб ёзганди. Ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга битган хатида, «Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади», дея таъкидлаганди. Булардан ташқари ҳам асарда ҳазратнинг муборак номи кўп бора тилга олинади.

* * *

Маълумки, мемуар асар ёзиш анъанасини Амир Темур ҳазратлари бошлаб бердилар. «Темур тузуклари» шавкатли отанинг фарзандларга йўл-йўриғи, ҳаётий дастуридир. «Бобурнома» «Темур тузуклари»нинг мантиқий издоши, давлат арбоби ва саркарда изҳорининг дилбар шоир қалби нафосати билан ороланган, мукаммаллашган шаклидир. Албатта, «Темур тузуклари» Соҳибқирон шахсиятини ўрганишда таянч манба ҳисобланади. «Бобурнома»да эса муаллиф кўплаб замондошлари ҳақида ипга тизилган маржондек аниқ-тиниқ маълумотлар берган. Бу жиҳатдан Бобур Мирзо танлаган услубни тан олмасдан илож йўқ. Биз ҳам, аввало, тайёр анъаналарни истеъфода этиш, кейин эса авлодларнинг ўзаро меҳрига қуллуқ қилган ҳолда Соҳибқирон ҳазратлари шахси ҳақидаги қўлга киритилган маълумотларни «Бобурнома» услубида баён этишга аҳд қилдик. Беғараз саъй-ҳаракатларимиз очиқ кўнгиллик билан қабул қилинади, деб умид қиламиз.

«Бобурнома»да муаллиф ўз тақдири (асосан, тахтни қўлга киритиш ва салтанат юритиш)га бево-сита алоқадор бўлган Темурийлардан Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд (отасининг акалари), Бойсунқур

Мирзо (Самарқанд тахтини ундан олган)лар ҳамда Султон Ҳусайн (Бойқаро) Мирзони ҳар томонлама тавсифлайди. Уларнинг ҳар бирининг 1) валодат ва насаби; 2) шакл ва шамойили; 3) ахлоқ ва атвори; 4) масоф ва урушлари (масофлари); 5) вилоёти; 6) авлоди; 7) хавотин ва сарори; 8) умароси (амирлари); 9) судур (бошлиқлари); 10) вузаро (вазирлари); 11) шуаро (шоирлари)га муфассал таъриф беради (9–11 тоифалар Султон Ҳусайндагина мавжуд. Бойсунқурда 1–4 тоифа). Изоҳларнинг лўнда, аниқлиги, ифоданинг ёрқинлиги кишини лол қолдиради. Шахсларнинг бўй-басти, кийими, эътиқоди, ҳарбий ҳаёти, оиласи, фарзандлари мухтасар қайд қилиб ўтилади.

Албатта, Соҳибқирон Амир Темур шахсиятининг кўлаמידан келиб чиқилса, Бобур қўллаган 11 банднинг ҳар бири юзасидан тўла китоб ёзиш мумкин. Қолаверса, ҳазратнинг валодат ва насаби (1), масоф ва урушлари (4), вилоёти (5), авлоди (6), хавотин ва сарори (7) юзасидан шу сатрлар муаллифининг «Ҳазрат Соҳибқирон» (2005 йил) ва «Олтин силсила» (2006 йил), «Соҳибқирон абадияти» (2011 йил) китобларида ва бошқа асарларда имкон даражасида ҳикоя қилинган. Демак, бу гал нисбатан кам эътибор қаратилган жиҳатларга баҳоли қудрат тўхталиб ўтамыз. Бунда қўлимиздаги манбалар бизга ҳамдаст, ҳампоя бўлади.

* * *

Шакл ва шамойил. Ўз замонасида «Араб дунёсининг шайх ур-раиси», «машриқу мағриб тарихининг билимдони» деб улуғланган Валиуддин ибн Халдун Соҳибқиронни 65 ёшлигида кўришга муяссар бўлган. Унинг таърифи қуйидагича: «Те-

мур баланд бўйли, қоматдор, боши катта, кенг пешанали киши эди. Жисмонан ниҳоятда кучли, бадани оқ, юзи қизил, бармоқлари йўғон эди. Соқоли ҳилпиллаб турарди. Бир қўли ногирон, ўнг оёғи калта, нигоҳи чақноқ, овози жарангдор эди. Темур ўлим ваҳимаси нималигини билмай, маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаган ҳолда етмиш ёшга кирди». («Курьер ЮНЕСКО», 1966 йил, № 6).

Ибн Арабшоҳ (1389–1450) аниқ далилларга, балки ўз кўрганларига асосланиб, Соҳибқироннинг суратини шундай чизади: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, у гўё қадимий амалика (пахлавонлар) авлодидан бўлиб, кенг пешанали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин догсиз, буғдойранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли ногирон, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди: у ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга кетаётган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди».

Кўриниб турибдики, иккала шоҳиднинг таъриф-тавсифи бир-бирига яқин, уларни ўқигач, кўз олдимизга бўйи 2 метрдан кам бўлмаган, мукамал қоматли паҳлавон гавдаланади. Гарчи 26 ёшида олинган жароҳат асари гавданинг ўнг томонида қолган бўлса-да, қўл меъёрида ишлаган, фақат ўнг елка бироз паст бўлган. «Темур виқор билан отда ўтирганда бу нуқс асло сезилмас, аксинча, чап елканинг баландлиги унга ўзгача салобат бағишларди», деб ёзади тарихчилар.

Ахлоқ ва атвор. Барча даражадаги муаррихлар ҳазратнинг эътиқодда комил эканлигини фахр билан қайд этганлар. Болалиқдан исломий муҳитда улғайган Соҳибқироннинг устоз ва пирлари жами си ҳанафия мазҳабида бўлиб, ўзи ҳам шу мазҳабда эди ва барча ҳаракатида ҳанафия талабларига амал қилган. Ўзига маънавий пир сифатида саййидзода Саййид Баракани ва хуросонлик Зайниддин Тайободийни танлаган эди. Шайх Шамсуддин Кулол оиланинг яқин кишиси ва пири бўлиб, ҳазратга исм қўйган ҳамда ёруғ камолидан башорат қилган эди.

Бобомиз гарчи фаолиятида сиёсат ва диннинг мавқеини аниқ тайин қилган, уларни аралаштириб ёки қўшиб юбормаган бўлса-да, диндорларга чуқур ҳурмат билан қараган, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутган. Умрлари бўйи диний авлиёлар, ула моларнинг равзаларини обод қилишга катта эътибор берган (жумладан, Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий қабри устига маҳобатли бино қуришни амр этган). Ўзи ҳам диний арконларга тўла амал қилган. Сафарлар асносида ҳар доим ўғруқда кўчма ёғоч масжид олиб юрилган. Соҳибқироннинг бу борадаги тамойилини ўз сўзлари билан бундай ифодалаш мумкин:

«Ўз давлатим ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватладим».

Мадраса таҳсилани олган, ўз даврининг етакчи олимларини суҳбатдош тутган Соҳибқирон бобомизнинг урфоний салоҳиятлари нақадар эканини

тасаввур қилиш қийин эмас. Адабиётдан қанчалик бохабар эканлигини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»да келтирган ҳикояси орқали биламиз. Ўшанда ваҳимага тушиб, Қуръон тиловатига жаҳд қилган кишига қарата айтилган «Абдол зи бийм чанг бар «Мусҳаф» зад» (Гуноҳкор қўрққанидан Қуръонга чанг солди) мисраси 967–1049 йилларда яшаган форс шоири Абусаид Абулхайрнинг рубоий-сидан экан.

Яна Маҳмуд Шабистарий (1287–1320) деган шоирнинг «Гулшани роз» достонини ёқтириб қолиб, бошидан охир ёдлаб олгани, Табриз яқинидаги Шабистар қишлоғи аҳлига мукофот инъом этгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ёки ҳазратнинг Ҳофиз Шерозий билан мулоқоти жуда эсланадиган воқеа.

Ҳалабда (бу шаҳар даврининг илмий маркази сифатида эътироф этилган эди) олимларни тўплаб мунозарага киришган Соҳибқирон уларга турли масалаларда мураккаб саволлар билан мурожаат этади. Жумладан, ҳазратнинг «Жангда икки тарафдан ҳам одамлар қурбон бўлади, уларнинг қай бирлари шаҳид саналадилар?» сингари саволларига жавоб беришда уламолар анча қийналадилар.

Дамашқда муттасил 35 кун мулоқотда бўлган Ибн Халдун билан турли мавзуларда мунозаралар олиб боради. Хусусан, Бобил ҳукмдорлари «Навуходонасар II ва Бухтаннасар ҳақидаги баҳсда Соҳибқирон олимдан устун келади.

Бобокалонимизнинг ёрқин заковатидан дарак берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихий далиллар ҳазрат Соҳибқироннинг ҳаёт-севар инсон бўлганлигини тасдиқлайди. Гўзаллик-

дан завқланиш, одамларнинг шодлик дамларини қадрлаш ва уни узайтиришга интилиш, хурсанд одамга қўшилиб хурсанд бўла олиш салтанат юри-тиш давомида кўплаб тадбирлар ташкил қилинган-нида уйғунлашган. Соҳибқирон фарзандларининг суннат ва уйланиш тўйларини алоҳида тайёргарлик билан юқори кўтаринкиликда ўтказган. Шундай дамларда гуноҳкорлар афв қилинган, одамларга ҳадялар улашилган. Шунингдек, ҳарбий юришлар-да қозонилган ғалабалар ҳам муносиб нишонлан-ган, жангларда жасорат кўрсатган лашкарбошилар, баҳодирларни Соҳибқирон ўз дастурхонига таклиф қилиб, ўз қўли билан илтифот кўрсатган, уларга оталик, устозлик меҳрини намойиш этган. Бундай муносабат уларни ва бошқаларни янги жасоратлар-га илҳомлантирган.

Хуллас, бобокалонимиз ўз феъл-атвори билан бағри кенг, қалби тоза, мард, руҳи бардам, ҳушёр ва тадбиркор инсон тимсолини намоён эт-ган. Ул зот учун бировларнинг қайғуси, ташвиши бегона бўлмаган. Ўзи ҳам ҳаёт зарбалари, оғир йўқотишлар қаршисида тушкунликка тушиб, ҳаётдан бешиш ҳолатларини кўп бора бошидан кечирган. Айниқса, суюкли қизи Тоғайшоҳнинг вафоти (1381) унга ёмон таъсир этган, салтанат ишларида бутунлай совиган эди. Танг вазият эса уни сафга чорларди. Опаси Қутлуғ Туркон оқа-нинг далдаси билан яна жанг либосини кийишга, исён кўтарган ҳудудларга юришга мажбур бўла-ди. Шу тахлит тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мотамида лахча чўғдек куйди, Умаршайх Мирзо ҳалок бўлганда тоғдек бардош билан чидади, ва-лиаҳд сифатида танлаган набираси Муҳаммад Султоннинг вафоти эса уни бутунлай йиқити-

ши мумкин эди. Бироқ чекига тушган улкан юк унинг таслим бўлмаслигини, билъакс, салтанат қуш патидек тўзиб кетишини таъкидлаб турар эди. Шунинг учун миллат, ватан истиқболи учун шахсий дардларини унутишга мажбур эди. Ҳаёт ҳазратни оғир синовларга рўбарў қилган, у ҳаммасини енгиб, ғолиб бўла олган. Ибн Арабшоҳ ёзади: «У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди: у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди».

Ибн Арабшоҳ давом этиб, ёзади: «У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди, ... Ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз фикри билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқара оларди».

Соҳибқироннинг раият (халқ, омма) ва лашкар орасида обрўси жуда юксак бўлган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ шундай қайд этади: «Агар уларга «Темур – Худо» деса, ҳаммаси ишонарди». Албатта, бундай меҳри юксакликнинг сабаблари кўп. Уларнинг асоси, бизнингча, жами ҳаракатларнинг замирида «Куч – адолатда!» тамойилининг қўйилгани бўлса керак. Соҳибқирон Адолатидан юқори фақат Оллоҳ бор, Адолат қаршисида шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. Шубҳасиз, бу талабнинг нақадар ҳаётийлиги ҳазратнинг таржимаи ҳоли, турмуш тарзи орқали тасдиқланган. Шунча дабдабаю асъаса билан ўзига бирор имтиёз талаб қилмаган зот сафарларда лашкар билан тенг шароитда яшаган: бир хил шароитда ухлаган, бир қозондан овқатланган. Вазият талаб қилса, ўз фарзандларини одилона жазога мустаҳиқ қилган.

Жумладан, ўгли Мироншоҳ, набиралари Ҳусайн, Искандар, Халил Султон намойишкорона жазоланган. Жангда сусткашлик қилгани учун лашкарбошилар сазойи этилган, қўрқоқлиги сабаб мол-мулкидан мосуво бўлиб, бадарға қилинган.

«Темур тузуклари»да «Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим», дейилади. Демак, жами нуфус (аҳоли)ни ўн икки табақага ажратишда Соҳибқироннинг ўз талаблари бўлган. Бу талаблар пирларнинг насиҳатлари, олимларнинг маслаҳатлари, китоблардан ўрганилган илмлар ва, албатта, ҳаётий тажрибалар асосида шакллангани ҳам шубҳасиз. Жамият аъзоларига бундай аниқ муносабат изҳор қилингани дунё ҳукмдорларидан қай бирида учраганми, йўқми билмадик-у, бироқ шундай қатъий тўхтама келиниб ва мамлакатни бошқариш тизими шу асосда яратилгани – дунёда тенгсиз ҳодиса, Шахснинг чинакам беназир ва ноёблигини исботловчи ёрқин далилдир. Ана шундай юксак зотнинг феъл-атворини тавсифлашга ҳар қандай бўёқ хира тортиб қолиши, ҳар қандай сўз ожизлиги – рост гап. Албатта, улкан салтанатни бир туғ остида ушлаб туришни таъминлаган қаттиққўллик (шафқатсизлик эмас) ва талабчанлик фазилатларини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

* * *

Масоф ва урушлар. Шубҳасиз, жаҳон ҳарбий санъатида Соҳибқирон Амир Темур сингари ҳаётини ҳарбий сафарларда ўтказган, кўп ва хўб жанг қилган бошқа саркардани топиш қийин бўлса керак. Ал-

батта, бу ўринда бобокалонимиз қўмондонлик қилган жанглар миқёслари – қанча жангчи иштирок этгани-ю, қамраб олган масофалар, уларда эришилган ғалабаларнинг сирларию аҳамияти ҳақида янги гап айтиш қийин, чунки бу воқелик жуда кенг талқину тафтиш қилинган. Бу ўринда фақат бир оддий унсурга диққатни қаратмоқчи эдик. Келинг, биргаликда Амир Темур ҳазратлари отда босиб ўтган масофанинг кўламини тасаввур қилиб кўрайлик.

1360–1405 йиллар оралиғида Соҳибқироннинг қадами қаерларга тегмади? Агар чегаралар билан санайдиган бўлсак, шарқда – Юлдуз яйловлари, Қошғар – умуман, Хитой чегараси, жанубда – Ҳиндистон, Сарандиб оролигача, Афғонистон, Эрон орқали Қизил денгизгача, Сурия, Ироқ, Туркия орқали ғарбда Адриатика денгизигача, шимолда – Булғор ўрмонлари-ю Литва князлигигача бўлган ҳудудда 45 йил от сурган Соҳибқирон неча километр йўлни босиб ўтди экан? Эътиборлиси – бу манзилларнинг кўпи бир эмас, бир неча марта фатҳ этилган. Амударёнинг ўзидан ўн мартадан кўпроқ ўтилган.

Албатта, бу тарихий далилларни эслаш, уларни ўрганишга даъватда ҳеч қандай дағдаға ёки таҳдид йўқ. Булар – ўтмиш, ўтмиш билан яшаб бўлмайди. Далилларни ўрганиш истаги эса фақат бир зотнинг шахсини тўлароқ тасаввур қилиш, шу орқали инсон фарзанди нималарга қодирлигини бир чамалаб кўриш учун лозим, холос.

* * *

Хусусан, ўша замон кишиларининг либослари, таомлари ва бошқа маиший ҳаёт унсурларини ўр-

ганиш ҳам қизиқ манзараларни намоиш этиши мумкин. «Бобурнома» муаллифи ўз отасининг либослари ҳақида тўхталиб, «Тўнни бисёр тор кияр эди, дасторини дасторпеч чирмар эди. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди», деб ёзди. Афсуски, Соҳибқирон бобомиз ҳақида бундай аниқликда ёзиш имконидан хорижмиз. Бизнингча, Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» орқали намоиш қилинган Алишер Навоий ва Бобур Мирзо ҳақидаги телефильм ижодкорлари XV асрларга хос либосларни яратишда муваффақиятга эришганлар.

Албатта, илм-фан, санъат, савдо-сотик ривожланган у даврда ошхона маданиятида ҳам юксак даражага эришилган. Хусусан, Самарқандда ташкил этилган олтмиш кунлик тўй (1404 йил, ёзи)да қатнашган Луи де Гонзалес Клавихо тўкин дастурхонларни ҳайрат билан таъкидлайди: «Дастурхонга тузланган ва қовурилган, бутунлай ёки бўлиб-бўлиб пиширилган от ва қўй гўшти тортилди. Гўшtlарни доира шаклидаги зарҳал чарм суфраларда судраб олиб келдилар. Гўшт шу қадар кўп эдики, суфрани уч юзтача одам судраб олиб келди... Гўштхўрлик тугагач, устига дастурхон солинмаган хонтахталар келтирилди, унинг устига тузланган гўшт, гуруч ва бошқа таомлар, ширинлик солиб пиширилган нон қўйилди». Бу асъасалар Темурбек ҳузурида бўлаётган эди. «Улуғ амир лўлаболишга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўтирарди. Подшоҳнинг эғнида гулсиз силлиқ шоҳи яктак, бошида узун телпак, телпакнинг тепасида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган». Яна ёзади: «Дастурхонда қовурилган ва қайнатилган от гўшти, қайнатилган ва дудланган қўй гўшти, ўз удумларига кўра ҳар хил усулларда тайёрланган гуручли овқат кўп бўлди». Сайёҳнинг эсдаликлари-

дан ўша замонда ҳам тандир кабоб («дудланган қўй гўшти») ва паловхонтўра таомилда бўлганини сезиб олиш қийин эмас.

Бу сезимлар эса бизнинг бугунги ҳаётимиз билан ўша фараҳли кунлар – бундан олти юз йиллар олдинги замон ўртасида олтин кўприк мавжудлигини, бу боғланиш бугун ўзлигини қайтадан намойиш қилишга киришган халқ турмушида баралла кўзга ташланаётганини тасдиқлайди. Бир халққа хос урф-одат ва анъаналар – жами қадриятлар йиллар оша бойиб, такомиллашиб боради. Жумладан, бир пайтлар Мовароуннаҳр ҳудудларида кўчманчи мўғуллар жорий этган тартибларни бартараф этиб, бобокалонимиз шаҳарлашган ўтроқ маданиятга асос солган эди. Бу маданият дурдоналари асрлар оша сайқал топиб, бугун ўзбек халқининг менталитетини ташкил этмоқда. Асрий обидаларда муҳрланган санъат, дунёни лол қолдирган тафаккур бугун ўзи ҳақида ўзи сўзламоқда. Бу изҳор ҳали кўплаб саҳифаларда қайта-қайта дарж этилаверади.

2008 йил, март.



СОҲИБҚИРОН СОЛНОМАСИ

1336 йил, 9 апрель, ҳижрий 736 йил, 25-шаъбон – Темурбек (*Амир Темур, Соҳибқирон Амир Темур*) Кеш вилоятида Муҳаммад Тарағай оиласида дунёга келган.

Ота – Муҳаммад Тарағай нуфузли беклардан бўлиб, катта ер-мулк эгаси, ҳокимият ишларидан йироқ, маърифатпарвар, атрофида олиму фузалоларни тўплаган киши сифатида танилган. Унинг никоҳида икки хотини бўлиб, каттаси Қадақ хотундан Ширинбека туғилган.

Темурбекнинг онаси Такина хотун (*Тегина Бегим Моҳ*) Бухоро садр аш-шариаси Убайдулло ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий авлодларидан бўлган. Ҳаёти ҳақида маълумотлар кам.

Бу пайтда Алауддин Тармаширхон (*ҳукмронлиги 1326-34 й., пойтахти Бухоро*) нинг вафотидан кейин Мовароуннаҳрда Чингизийлар салтанати парокандаликка учраган, фақат 1343 йилга келиб, Қозонхон тахтга чиққач, нисбий тинчлик ўрнатилганди.

1340 – 1343 йиллар – болалик, «Подшо билан вазир» сингари ўйинлар, тенгдошлар орасида алоҳида белгиларнинг намоён бўлиши.

1343–1351 йиллар – мадрасада таҳсил. Тоғларда. Чўпонлар ҳузурида. Ов. Рўзғор юмушларини бошқариш.

*Кеча-кундуз иши эди чун шикор,
Бу иш бирла ўткарар эди рўзғор.*

Яздий

1346 йил, қиш – маҳаллий ҳукмдорлардан Қазаған (балки Қатағондир)нинг (қароргоҳи – ёзда Солисаройда, қишда – Балхда бўлган) Қозонхон устидан ғалаба қозониши ва тахтга чиқиши. Пойтахтнинг Занжирсаройдан Бухорога кўчирилиши. Мовароуннаҳрда вақтинча Чингизийлар ҳукмронлигига чек қўйилиши.

1352 йил – Муҳаммад Тарағай томонидан отабоболардан қолган одат бўйича ота мулкига эгалик қилиш, навкарларга бош бўлиш ўғли Темурбекка ўтганлигининг маълум қилиниши.

Амир Қазаған хизматида мингбоши. Хуросон ва Хоразм юришларида жасорат кўрсатди.

1354 йил – Темурбекнинг Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи Турмиш (Нурмушк) оқага уйланиши.

1356 йил – Соҳибқироннинг фарзандлари – Муҳаммад Жаҳонгир ва Умаршайх (баъзи тарихий далиллар унинг 1354 йилда туғилганини тахмин қилишга изн беради)нинг дунёга келиши.

Темурбекнинг амир Қазағаннинг набираси Ўлжой Туркон оқага уйланиши.

1358 йил – амир Қазағаннинг ўз куёви Қутлуғ Темур томонидан ўлдирилиши. Тахтга амир Абдуллонинг ўтириши.

Мамлакат пойтахтининг Самарқандга кўчирилиши.

1359 йил – Мовароуннаҳр амирларидан Баён сулдуз ва Ҳожи барлоснинг амир Абдуллога қарши бош кўтаришлари.

1360 йил – Мовароуннаҳрнинг ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетиши.

Баҳор – Мўғулистон хони Туғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга юриши.

Падарибузруквор Муҳаммад Тарағай вафот этди. Кеш ҳокими Ҳожи барлоснинг Хуросонга қочиши.

1361 йил боши – Туғлуқ Темур томонидан Кеш беклигининг Амир Темурга суюрғол (*мулк*) қилиб берилиши. Амир Темур ва амир Ҳусайн ўртасида ҳарбий иттифоқнинг вужудга келиши.

Март – Туғлуқ Темурнинг иккинчи марта Мовароуннаҳрга юриш қилиши.

Куз – Илёсхўжанинг Мовароуннаҳр хони деб эълон қилиниши, Чингизийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши.

Амир Темурнинг Туғлуқ Темур томонидан сипоҳсолор (*қўшин бошлиғи*) этиб тайинланиши.

1362 йил – сипоҳсолор Темурбекнинг мўғул қўшинидан ажралиб чиқиши. Сухори қишлоғида пир Саййид Мир Кулол ҳузурида. Бадахшонга эмас, Хоразм томонга йўл олиш.

Амир Темурнинг олтмиш навкар билан Хива ҳокими Таваккал (*Тўкал*) баҳодирнинг минг кишилик қўшинини енгиши.

Баҳор-ёз – Амир Темурнинг Мохон (*Марв*) бекларидан бири Алибек ертўласида 62 кун тутқунликда бўлиши.

Ёз – Самарқандда ва Ачиғи (*Ниёзий*) кентида (48 кундан) яшириниб юрди.

Жета лашкари Термизни талади.

Куз-қиш – Гармсир вилоятининг эгалланиши, Зуранжга ҳужум пайтида яраланиб, икки ой даволаниши. Пир, шайх Зайниддин Тайободий ташрифи ва руҳий далдаси.

1363 йил – Тошкўприк (*Вахи дарёси устида*) яқинида Илёсхўжа қўшинлари устидан ғалаба. Кешнинг эгалланиши ва Мовароуннахрнинг мўғуллардан деярли тозаланиши.

Туғлуқ Темур вафот этади.

Амир Темур ва амир Ҳусайн Ғузордаги Хўжа Шамс мозорида дўстлик учун онт ичадилар.

1364 йил, қиш – чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида фаслни Тошкентда ўтказиш.

Қурултой. Амир Темур – Кешда, амир Ҳусайн – Солисаройда ҳоким.

Ём суви атрофи (*Тошариқ, Куббаиметин мавзеси*)да Амир Темур ва амир Ҳусайннинг Илёсхўжа билан тўқнашувлари.

1365 йил – қишни Қаршида ўтказиш.

Баҳор – Илёсхўжа Жетадан қайтди.

21–22 май – Мўғулистон хони Илёсхўжага қарши Амир Темур ва амир Ҳусайннинг бирлашган қўшинлари ўртасида тарихда машҳур «Лой жанги» бўлиб ўтди.

Илёсхўжа қўшинларининг Самарқандни қамал қилиши.

Сарбадорларнинг бебошлиги, халқ норозилиги.

1366 йил, ёз – амир Ҳусайннинг синглиси, Темурбекнинг рафиқаси Ўлжой Туркон оқанинг вафот этиши билан Амир Темур ва амир Ҳусайн ўртасидаги муносабатнинг узилиши.

Мироншоҳ Мирзо туғилди (онаси – канизак Менглибека оқа).

Куз – амир Хусайннинг Амир Темурни ҳийла билан қўлга тушириш учун Чакчак дарасида уюштирган фитнасининг барбод бўлиши.

1367 йил, баҳор – Амир Темур ва амир Хусайн ўртасидаги Чакдоликда тўқнашув.

Темурбекнинг Мохонга кетиши.

Ёз – Ширкент орқали 243 йигит билан Қаршига ҳужум қилиш ва 12 минг аскар қўриқлаётган шаҳарнинг эгалланиши.

Хусайн билан Қарши, Самарқанд ва Жиззах атрофларида тўқнашувлар.

1368 йил – Соҳибқироннинг қишни Тошкентда ўтказиши. Амир Хусайн ҳузуридан уламоларнинг келиши ва ярашиш.

Балх ва Бадахшон томонларга назорат юришлари.

1369 йил – Жета ҳукмдори Қамариддиннинг Тошкентга ҳужуми.

Соҳибқирон ҳаётидаги энг оғир жанг (Қўнғуз алангида 13 киши билан бадахшонликларга асир тушган 130 отлиқни озод қилиш).

Амир Хусайннинг нобоп талаблари. Муносабатларнинг ўта кескинлашиши.

1370 йил – Хусайнга қарши ҳал қилувчи юриш. Саййид Барака Амир Темурга Термиздан 3 йиғоч беридаги Бўёйи мавзеида ҳокимият рамзлари бўлмиш ноғора ва байроқни топширди.

Март – амир Хусайннинг амир Кайхусрав томонидан ўлдирилиши.

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилиниши.

1370 йил, куз – Самарқандда қурултой чақирилди. Шибирғонга, Зиндачашм устига юриш. Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдадан элчиларнинг келиши.

1371 йил, баҳор – Жета сари биринчи юриш.

1372 йил, баҳор – Хоразмга илк юриш. Хонзодани келин қилиш шarti билан сулҳ тузилди. Салтанатда жиддий ислохотларга киришилди.

1373 йил, январь – Хоразмга иккинчи юриш. Хусайн ўрнига ўтирган Юсуф Сўфи ваъдасини бажармагани учун узр сўрайди, ярим йўлдан қайтилади.

1374 йил, март – Хонзоданинг келин қилиб олиб келиниши.

Чегараларда ҳарбий тўқнашувлар.

1375 йил баҳори ва ёзи – Қамариддинга қарши муҳофаза жанглари. Жаҳонгир Мирзо асирлар ва Дилшод оқани Самарқандга олиб келди.

Июнь-июль – Хоразмга ва Жетага қарши бир пайтда учинчи ва тўртинчи юриш.

1375 йил, 26 декабрь – мўғуллар томон юриш. Фатвон мавзесида қаттиқ совуқдан тўхташ.

1376 йил, 23 февраль – яна Қамариддин изидан. Дилшод оқа Соҳибқирон никоҳида.

Баҳор – Жета устига ҳал қилувчи юриш. Мўғуллар қаршилигининг бутунлай бартараф этилиши ва ҳудудларда тўла ҳукмронликнинг таъминланиши.

Умаршайх Мирзо – Андижон ҳокими.

Жаҳонгир Мирзо вафот этди.

Тўхтамишнинг Соҳибқирон ҳузурига келиши.
Унга Ўтрор ва Саброннинг берилиши.

1377 йил, март – Оқ Ўрда устидан зафар.

Тўхтамиш – Дашти Қипчоқ хони.

20 август – Шохрух Мирзо туғилди.

1378 йил – Боғибехишт қасри ва чорбоғи қурилди.
Соҳибқирон Туман оқаға уйланди. Қишни Занжир-саройда ўтказди.

1379 йил, февраль – Хоразм устига тўртинчи юриш.

Умаршайх Мирзо Андижонда Гулистон боғини барпо қилишга киришди.

1380 йил – Оқсарой қурилишининг бошланиши.

Мироншоҳ Мирзо қўмондонлигида 25 минг лашкар Хуросонга йўл олди.

1381 йил, февраль-апрель – Соҳибқироннинг Хуросонга юриши.

Бобо Сангу, Зайниддин Тайободий билан учрашувлар. Фўшанж қалъасининг олиниши. Хиротнинг таслим бўлиши, Қуртлар сулоласи тугади.

Тоғайшоҳ Оқабегим вафот этди.

1382 йил, қиш – яна Хуросонга юриш.

Мироншоҳ Мирзо – Хуросон ҳокими.

1383 йил – бутун Хуросон ва Мозандароннинг бўйсундирилиши.

Форсга элчиларнинг юборилиши.

Дилшод оқа ва Қутлуғ Туркон оқа вафот этди.

Тўхтамишнинг Хоразмга ҳужуми.

1384 йил, баҳор – Соҳибқироннинг амир Валига қарши Мозандарон, Ироқи Ажам, Султонияга юриши.

Райда қишлаш.

1385 йил, май – Самарқандга қайтиш.

Қиш – Занжирсаройда.

1386 йил, қиш – Тўхтамиш Табризни талади.

Уч йиллик юришнинг бошланиши. Гуржи подшоҳи Бағратнинг исломни қабул қилиши.

Форс тасхирига киришилди.

1387 йил, ёз – Соҳибқирон Табриз атрофидаги Кўкчатенгиз (*Урмуя кўли*) бўйига келиб тушди. Сароймулкхоним Самарқанддан набиралар Шохрух (*10 ёш*) ва Халил Султон (*3 ёш*) билан восил бўлди.

15 ноябрь – Исфаҳондаги кўзғолон.

Тўхтамиш Занжирсаройга ўт қўйди.

13 декабрь – Соҳибқирон Шероз яқинидаги Тахтиқорача манзилига келиб тушди. Уламолар билан машварат. Машҳур шоир Ҳофиз Шерозий (*1325–1390*) билан суҳбат.

1388 йил – Анқа Тўранинг Жетадан келиб, Сайрамга, Тошкентга ҳужум қилиши.

Февраль – Самарқандга қайтиш.

Баҳор – Хоразмга бешинчи юриш.

Шохрух, Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммаднинг уйланиш тўйи тантаналари.

1389 йил, ёз – Мўғулистон устига ҳал қилувчи юриш. Оқёр мавзеи (*Афто, Оққон, Дарбанд яқини*)да катта қурултой.

1390 йил – Мироншоҳ Мирзо Самарқандга, Соҳибқирон ҳузурига келди.

Куз – Тўхтамиш устига юришнинг бошланиши. Тошкентда қишлаш.

Қадақ хотун вафот этди.

1391 йил, 19 январь – қўшин Тошкентдан Олтин Ўрда сари йўлга тушди.

21 февраль – Қораоспонда тўхташ, Тўхтамиш элчиларининг келиши.

Апрель – Улуғ тоғда миңора тикладилар ва эс-далиқ тоши ўрнатдилар. Бу жой ҳозирги Бойконур космодроми ўрнига тўғри келади.

9 май – Соҳибқироннинг қўшинни кўздан кечириши.

Май – Тобол, Урал (*Ёйиқ*), Ик (*Ийиқ*) дарёларидан кечиб ўтиш.

18 июнь – Самара шаҳри шимолидаги Қундузча (*Кондурча*) мавзеида Тўхтамишхон лашкари билан бўлиб ўтган жанг ва қозонилган ғалаба.

Июль – ҳозирги Тольятти шаҳри яқинида қўшинга бир ой дам берилди.

Мироншоҳ Мирзога Тошкентдан Хуросонга жўнаб кетишга рухсат этилди.

Октябрь – Ўтрорга келиш. Қишни Тошкентда ўтказиш.

Декабрь – Шайх Зайниддин Сухравардий мозорига мақбара ва масжид. Ғолиб қўшин Самарқандга қайтди.

1392 йил, 21 март – Соҳибқирон Тошкентдан Самарқандга йўл олди. Сирдарё бўйларида ов.

Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо ўғлига Синд дарёсигача бўлган ҳудудлар ҳукмронлиги топширилди.

24 май – беш йиллик юришнинг бошланиши.

24 июнь – Бухорода. Соҳибқироннинг бетоблиги.

Июль – Эрон сари юриш бошланди.

Омул, Сори, Моҳон қалъалари эгалланди.

Жайҳундан ўтиб, Мозондарон вилояти қайта тасарруфга олинди. Қавмларни бирлаштириш ва ободончилик тадбирлари ўтказилди.

19 сентябрь – Астрободга етиб, Журжон дарёси яқинига тушдилар.

Куз-қиш – Журжон вилоятида муқим яшаш ва Самарқанддан маликалар ҳамда набираларни чорлаш.

1393 йил, 9 январь – қўшин яна йўлга тушди.

1 март – Дизпул кўпригидан ўтилди.

10 март – Шероз томон йўлга тушилди.

Апрель – Музаффарийларга қарши кураш. Шоҳ Мансурнинг енгилиши.

Умаршайх Мирзо – Форс мамлакати подшоҳи.

10 май – Исфаҳонга юриш. Муҳаммад Султон билан дийдорлашув.

Июнь – Исфаҳонда Ҳулогу мулкининг Мироншоҳ Мирзога топширилиши.

Август-сентябрь – Бағдодга етиб борилди ва эгалланди.

Тарихчи олим Низомиддин Шомий билан илк учрашув.

Миср подшоҳи Барқуққа хат ва элчилар юборилди.

31 октябрь – шайх Баҳлул мозори зиёрати.

9 ноябрь – Тикрит қалъасига етиб келдилар.

1 декабрь – қалъа эгалланди.

1394 йил, 3 январь – Руҳа шаҳридаги оташкадани кўрдилар.

16 январь – Умаршайх Мирзо йўлда, Курдистонда ҳалок бўлди.

22 март – Мордин қалъасининг ишғол қилиниши ва Муҳаммад Тарағай (Улуғбек) туғилгани ҳақидаги хушхабарнинг тарқалиши.

Апрель – 3–4 минг йиллик Ҳомуд қалъаси 2-3 кунда эгалланди.

26 май – Табриздан Шохрух Мирзо келиб, Марандга яқин жойда Соҳибқирон билан кўришди.

8 июнь – Соҳибқирон Султонияда турган оила аъзоларини бориб кўрди.

18 июнь – Авник қалъасига етиб келдилар ва унинг фатҳига киришилди.

1 август – қалъа ҳокими Миср (Қора Муҳаммаднинг ўғли) енгилганини тан олди. Унинг гуноҳи Муҳаммад Султонга бағишланди.

6 август – ҳожи Сайфиддинбек Самарқанддан саломлар келтирди

14 август – Иброҳим Султон туғилди.

17 сентябрь – Шоҳрух Мирзо Самарқандга ҳоким этиб тайинланди.

Октябрь – Грузияга юриш.

Қишни Кўра дарёси бўйларида ўтказдилар.

1395 йил, 28 февраль – Тўхтамиш устига юришнинг бошланиши.

Мироншоҳ Мирзо Хуросон ҳокимлигини тарк этиб, Озарбайжонга кўчди. Амирзода Умаршайх ва Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг ўғли Рустам унга ҳамроҳлик қилди.

22 апрель – Терек ва Кўра дарёлари оралиғида Тўхтамиш устидан қозонилган оламшумул ғалаба.

Май – Муҳаммад Султон – Москвада.

Рус ерларида зафарли юриш.

26 август – Андреан ва Наталиянинг илтижолари қабул бўлган кун, яъни Соҳибқирон Амир Те-мурнинг музаффар қўшини Русга шикаст етказмай, ортга қайтди.

Ноябрь – голиб қўшин Астраханда.

Сарой Берка тасхир қилинди.

1396 йил, март – Бокуга келиб тушдилар.

Рамазон оғи Ҳамадонда ўтказилди.

18 июль – Самарқанд сари йўлга тушилди.

Зафар тантаналари.

Самарқандда ободончилик ишлари. Боғишамол қаср-боғи қурилди.

Вақтинча ҳукмдор қилиб қолдирилган Оллоҳдод ўрнига Шоҳрух Мирзо Хуросон ҳукмдори этиб тайинланди. Унга йигирма нафарга яқин таниқли беклар ҳамроҳлик қиладиган бўлди.

1397 йил – Рамазон ойи Шаҳрисабзда кутиб олинди.

Куз – Тошкентга ташриф. Шоҳрухия шаҳри қурилиши билан танишиш. Ясида Хўжа Аҳмад Ясавий мақбарасини қуришга фармон.

22 ноябрь – Тўкалхоним Самарқандга етиб келди.

1398 йил, 19 февраль – Муҳаммад Султон Хитой чегарасидаги Ашпарага юборилди.

Кеш довони яқинида Тахтиқорача боғи ва кўшкининг бунёд этилиши.

Шоҳрух Мирзо отасини кўриб келиш учун Астро-боддан Кешга ташриф буюрди.

1398 йил, баҳор-ёз – Ҳиндистон томон йўлга чиқилди.

Саодатманд қўшин Амудан кечиб, Хулм, Ғазни, Саманган, Бағлонни ортда қолдириб, Андаробга тушди. Баланд чўққилардан ўтилиб, қоралибослар мурасага келтирилди.

Кейин Кобулда. Моҳигир ариғи қазилиб, шаҳарга тоза сув олиб келинди.

Дашти Қипчоқдан элчилар.

31 август – Эрёб қалъасида хоинлик. Эртаси Шанузонда.

20 сентябрь – Синд дарёси қирғоқларида.

Бир пайтлар Султон Жалолиддин кечиб ўтган жойда кўприк қурилди.

5 октябрь – Жамула ва Чиноба дарёлари қўшилган Ҳавели шаҳрига етиб, дарёга кўприк боғладилар. Бу ишни ҳеч ким эплай олмаганди.

26 октябрь – Биёҳ дарёси бўйида шаҳзода Пирмуҳаммад билан дийдорлашиш.

30 октябрь – Жанжонда Соҳибқирон шарафига Пирмуҳаммад Мирзо томонидан базм уюштирилди.

5 ноябрь – қўшинларнинг Ажуданга келиши.

6 ноябрь – Соҳибқироннинг шайх Фарид Шакарганж қабрини зиёрат этиши.

7 ноябрь – Батнир қалъасига келиш ва қалъадан рожа Долчиннинг чиқиб, итоаткорлик билдириши.

14 ноябрь – Феруз қалъасининг олиниши.

17 ноябрь – Сарасати, Ражабпур, Амаруни қалъаларининг олиниши.

18 ноябрь – Гуҳна даштида тўхташ.

21 ноябрь – Қаҳқар дарёси бўйида тўхташ.

25 ноябрь – Копла кўприги ёнида тўхташ.

29 ноябрь – Бакран кўприги ёнида тўхташ.

30 ноябрь – Сомнатда тўхташ.

2 декабрь – қўшин Асанди шаҳрида.

3 декабрь – Туғлуқпур қалъасида.

4 декабрь – Панипат шаҳрида.

17 декабрь – Деҳли атрофида жанг.

20 декабрь – Деҳлидаги жомеъ масжидида Соҳибқирон номи хутбага қўшиб ўқилди.

1399 йил, 1 январь – ортга қайтиш, Ферузободга келиш.

2 январь – Вазирободга ташриф.

3 январь – Мудулга ташриф.

4 январь – Гатага ташриф.

5 январь – Боғободга ташриф.

8 январь – Мирот қалъасида.

9 январь – Мирот қалъаси ёнида жанг.

10 январь – Ганг дарёси соҳилида тўхташ.

12 январь – Туғлуқпур қалъасида.

13 январь – Кубла довони орқали ўтиш.

14 январь – Ганг дарёсига қайтиш.

18 январь – Сувалак тоғи яқинида тўхташ.

19 январь – Пирмуҳаммад Жаҳонгир уйида тўхташ.

20 январь – Сава масканида тўхташ.

22 январь – Гандарга келиш.

23 январь – Жамму вилоятининг Байла қишлоғида тўхташ.

Февраль – Сувалак ва Карака тоғларидаги ўнлаб қалъалар мусаххар этилди, Бағроз, Ратан, Байла, Манур, Лағоварда мусулмончилик жорий қилинди.

3 март – Чиноб дарёсидан кечиб ўтиш.

Табриздан Мироншоҳ Мирзонинг аъёнлари совғалар келтиришди.

7 март – Кашмирнинг Жаҳон қишлоғида тўхташ.

8 март – Синд устидаги янги кўприкдан ўтилди. Соҳибқироннинг қўшиндан ажралиб, Самарқандга жадал йўл олиши.

9 март – Амир Темур Сомнатда.

11 март – Бонуга ўтиш жойида тўхташ.

13 март – Нагар қалъасига келиш ва қалъада таъмирлаш ишларининг бошланиши.

17 март – Шайх Муборакшоҳ қишлоғида тўхташ.

18 март – Арамак Даҳанга келиш.

19 март – Сурхоб қишлоғида тўхташ. Кобулга ташриф. Жўйинав канали соҳилига келиш.

27 март – Саманган масканида.

28 март – Тошқўрғон (Хулм)да.

29 март – Жайҳундан ўтилди. Зафарнишон қўшиннинг сарой аёнлари томонидан кутиб олиниши.

30 март – Термизга келиш.

31 март – Термиздан чиқиб, Жаҳоншоҳ ва Турки Гармоб қишлоқларида тўхташ.

2 апрель – Оби Барякда тўхташ.

3 апрель – Чакдоликда тўхташ.

4 апрель – Қўзимунчоқда тўхташ.

5 апрель – Дулбуржигга келиш.

7 апрель – Соҳибқирон – Кешда.

21 апрель – Кешдан жўнаш.

22 апрель – Чинор масканида тўхташ.

23 апрель – Қутлуғ юрда тўхташ.

25 апрель – Тахтиқорачада тўхташ.

26 апрель – Давлатободда, Қасрижаҳоннамода тўхташ.

27 апрель – Боғидилкушода.

28 апрель – Самарқандда. Соҳибқироннинг Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат этиши.

10 май – Амир Темурнинг Бибихоним жоме масжиди пойдеворига ғишт қўйиши ва қурилишнинг боришини шахсан кузатиб туриши. Боғлар бунёд этилиши.

10 сентябрь – етти йиллик юришнинг бошланиши. Муҳаммад Султон – Самарқанд ҳокими.

Соҳибқирон Озарбайжон томонга жўнади. Султонияга етиб келди. Мироншоҳ фаолиятига баҳо берилди.

Қиш – Қорабоғда. Кавказ томон юришлар.

Андижон ҳокими Искандар Мирзонинг ўзбошимчалиги.

1400 йил, ёз – Венеция савдогарлари Боязид устидан шикоят қилдилар.

Боязид Арзирум ва Арзинжонни босди.

Соҳибқирон Боязидга хат ёзиб, элчи жўнатди.

Август – Амир Темурнинг Каппадокия (*Абулстон*) ва Малатияга юриши. Соҳибқирон қўшини Сивосга келди, 17 кунда қалъа олинди.

27 сентябрь – Суриядаги Биҳешти ва Айнтоб қалъаларининг олинishi.

Султон Фаражга хат ва элчилар жўнатилди.

Куз – Ироқ ва Мисрга юриш бошланди.

28 октябрь – қўшин Ҳалабга етди. Асирликдаги Низомиддин Шомий озод қилинди, у Соҳибқиронни табриклади. Олимга китоб ёзиш топширилди.

Баалбек шахрида.

22 декабрь – Нух пайғамбар қабрини зиёрат.

1401 йил, 8 январь – Султон Фаражнинг Дамашқдан Мисрга қочиши.

15 январь – Дамашқ эгалланди. Аллома Валиуддин ибн Халдун билан илк учрашув.

17 январь – хутбага Соҳибқирон номи қўшиб ўқилди.

20 март – Дамашқдан қайтиш.

9 июль – қирқ кунлик қамалдан сўнг Бағдоднинг иккинчи марта эгалланиши.

22 июль – ҳазрат Соҳибқирон Имоми Аъзам мазорини тавоф қилди.

Куз – яна Қорабоққа қайтиб келдилар.

Самарқанддан Муҳаммад Султон келди. Йўлда амир ҳожи Сайфиддин вафот этган.

1402 йил, қиш – тўрт томонга қўшин юборилди. Шипка довори эгалланди.

Аракс дарёсидан 10 фарсах ариқ (*Барлос наҳри*) қазилди.

Европа мамлакатларидан элчилар келишди.

Боязидга яна хат ва элчилар юборилди.

12 март – қўшин Қорабоғдан қўзғалди.

Май – Камох қалъасининг олиниши.

Июнь – Сивос саҳросида ҳарбий кўрик.

20 июль – Анқара ёнида жанг ва ғалаба.

Миср элчиларининг келиши. Қора тоторларнинг Рум еридан кўчирилиши.

Август – Муҳаммад Султон – Бурсада.

Зафарнинг муносиб нишонланиши.

Халил Султонга Самарқанд томон жўнаб, бу зафар хабарини салтанат ҳудудларига етказиш, Хитой чегараларига чопқин ясаб, мухолифлардан тозалаш топширилди.

2 декабрь – Измир қалъасига ҳужумнинг бошланиши ва тезда эгалланиши.

Соҳибқироннинг давлат ишлари билан банд бўлиши.

1403 йил, баҳор – Кавказда.

Ёз – Европа ва Миср элчиларининг келиши. Мисрдан қайтган элчилар Қоҳирадаги масжидларда хутба Соҳибқирон номига ўқилганини хабар қилади.

24 июль – Каргин қалъасига ҳужум.

27 сентябрь – Абхазиядан қайтдилар.

Куз – Байлақонни тиклаш. Нахрибарлос бўйларида ободончилик ишлари.

Уламолар билан анжуман.

16 ноябрь – Соҳибқирон чорлови билан амирзода Умар Самарқанддан келди.

Қишни Қорабоғда ўтказдилар.

1404 йил, 13 март – Муҳаммад Султоннинг йиллик маъракаси ўтказилди.

26 март – Самарқанд томон йўлга чиқилди.

Қўшиннинг Аракс бўйидаги Неъматободда тўхташи.

Хулогухоннинг улуси амирзода Умар Мирзога ақд қилинди.

12 апрель – Ўғлоқ дарёси соҳилида тўхташ.

18 апрель – Мовароуннаҳрдан, Халил Султон ҳузуридан Амир Темур қароргоҳига чопар келиши. Ардабил ва Миёнадан ўтиш. Саржомада тўхташ.

1 май – Султонияга келиш.

3 май – Қазвин даштида, Совуқбулоқда тўхташ.

11 май – Сарикамиш ўтлоғида тўхташ.

19 май – Ферузкуҳ қалъаси яқинида тўхташ.

21 май – Ферузкуҳ қалъасининг эгалланиши ва у ердан жўнаш.

30 май – қўшиннинг Жиловга келиши.

2 июнь – Дайламда тоғ довонидан ўтиш.

4 июнь – Қулзум (*Каспий*) денгизи соҳилида Искандар шайх билан учрашув.

Етти йиллик юришнинг тугаши ва қўшиннинг Самарқанд томон ҳаракатининг жадаллашуви.

29 июнь – Қўшкиарғун саройида тўхташ.

1 июль – Ферузкуҳга келиш.

3 июль – Бистомга келиш.

10 июль – Нишопур орқали ўтиш ва Ишқободда тўхташ.

12 июль – Жомга келиш ва у ерда тўхташ. Жақжарон дарёси бўйида Соҳибқирон Шохрух Мирзо билан учрашди.

Жайхун орқали ўтиш. Термизда тўхташ. Кешга келиш ва Оқсаройда.

19 июль – Тахтиқорача орқали Соҳибқирон – Самарқандда.

Июль – Кастилия, Миср, Византия, Рум элчилари Самарқанд яқинидаги Миср қишлоғига келиб тушдилар.

Август – қурултой чақирилди ва унда улуғ тўй ўтказилиши маълум қилинди..

7 сентябрь – Соҳибқирон Конибилга келиб тушди. Амирзода Пирмуҳаммад етиб келди. Тантаналар бошланди.

8 сентябрь – Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг Соҳибқирон томонидан қабул қилиниши.

22 сентябрь – Боғинавда Кастилия, Миср, Шом, Византия, Рум ва Хитой элчилари шарафига зиёфат берилди.

17 октябрь – Соҳибқирон Конибилдан қайтиб, Самарқандга, Сароймулкхоним мадрасасига келиб тушди.

7 ноябрь – 60 кун давом этган тўй тантаналари хотима бўлди.

27 ноябрь – қўшин Самарқанддан Хитой сари йўл олди. Оқсулотда совуқ туфайли тўхташ.

Хиротдан, Шохрух Мирзодан вакиллар келди.

25 декабрь – Оқсулотдан йўлга чиқилди.

1405 йил, январь – Узун отага келиш.

Йўлхўжаойда тўхташ. Сутканд, Қиморшоҳ ота, Султоншайхда қисқа вақт тўхташ. Сайхун (Сирдарё)дан муз устидан ўтиб, Зарнуқда тўхташ.

9 январь – Ўтрорга етиб келинди.

Тўхтамишхондан элчилар келди. Соҳибқирон улар билан суҳбатлашди.

5 февраль – нард ва шатранж ўйинларидан бош тортиш (*Фосих Ҳавофий маълумоти*).

11 февраль – Соҳибқироннинг иситмаси чиқиб, соғлиғи ёмонлашди.

18 февраль, ҳижрий 807 йил, 17-шаъбон – ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур вафот этди.





НАСАБ

Ака-укалар:

Оламшайх. Суюрғатмиш. Жўқи.

Дастлабки юришлар тафсилотларида шундай исмлар тилга олинса-да, мазкур ўғиллар қайси онадан туғилгани, умуман, улар ҳақида ҳеч бир манбада батафсил маълумот учрамайди.

Опа-сингиллар:

Қутлуғ Туркон оқа, аввал Султон дуғлотга, унинг вафотидан сўнг амир Довуд дуғлотга турмушга чиққан. Ўғли Сулаймоншоҳ, унга кейинчалик Соҳибқироннинг қизи Султонбахтбегим узатилади. Соҳибқироннинг Жетага юришларида, бошқа муҳорабаларда фаол қатнашгани тилга олинади. Кейинчалик Шивирғон, Балх вилоятлари ҳокими бўлган.

Қутлуғ Туркон оқа 1383 йилда вафот этган. Марқади Шохизинда зиёратгоҳида.

Ширинбека оқа, манбаларда Қадақ хотундан туғилгани қайд этилган, Муаййад арлотга узатилган. Қизи Севинчқутлуғ оқа дастлаб курдлар шаҳзодаси Пирмуҳаммадга (1379), унинг ўлиmidан сўнг Умаршайх Мирзо (2)га турмушга чиққан (1390).

Ўғли Алининг қизи Жаҳонсултонбегим Халил Султон (3.3)га узатилган. Али Мирзо (Мирак)нинг дастлабки юришларда жасорат кўрсатгани (маса-

лан, 1381 йилда Фушанж қалъасини тасхир этишда; «Зафарнома», 90-бет) таъкидланган, тенгсиз жангда (Луристонда) қароқчиларни дафъ этишда (1385 йил) ҳалок бўлгани дарж этилган. Сабзавор шаҳрини бошқарган.

Яна Ширинбека оқанинг Умар исмли ўғли ҳам бўлган.

Фарзандлари:

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1.)
(2 нафар ўғлидан авлодлар).

Умаршайх Мирзо (2.)
(6 нафар ўғлидан авлодлар).

Мироншоҳ Мирзо (3.)
(7 нафар ўғлидан авлодлар).

Шоҳрух Мирзо (4.)
(5 нафар ўғлидан авлодлар).

Жаҳоншоҳ, 1367 йилда туғилган, тез нобуд бўлган.

Иброҳим, 1384 – 1385 йилда. Шарафуддин Али Яздий унинг туғилганини қайд этиб ўтган.

Яна Султон оқадан бир ўғил туғилгани ҳақида маълумотлар бор.

Тоғайшоҳ Оқабегим, (А.) 1382 йилда вафот этган. У амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка узатилган ва Султон Ҳусайн (А.1.) исмли ўғил кўрган. Султон Ҳусайн сулола тарихида қора из қолдиргани билан таниқли.

Қўшин Дамашқда турганда (1400) араблар томонига ўтиб кетади. Соҳибқирон вафотидан сўнг аҳдни бузиб, пойтахтга ҳужум қилади. Кейин Халил Султон паноҳига киради. 30 минг қўшин билан

валиаҳд Пирмуҳаммад Мирзо (1.2)га қарши борди. Йўлда Пирали Тознинг иғвосига учиб, ўзининг бекларини ўлдирди, Пирмуҳаммаднинг никоҳига кириши керак бўлган Муҳаммад Султон (1.1)нинг беваси Хоникага уйланиб олади. Пойтахтни эгаллаш учун ортга қайтганда, лашкар ундан юз ўғирди, Султон Ҳусайн қочиб, Сулаймоншоҳ ҳузурига борди... Хуллас, 1406 йил тутиб, ўлдирилди.

Султон Ҳусайн Мироншоҳ Мирзо (3)нинг қизи Қутлуғсултонбегимга уйланган эди. Бу никоҳдан Ферузабегим (А.1.А) туғилган.

Султонбахтбегим, дастлаб Муҳаммад Миракка, кейин Сулаймоншоҳга узатилган, 1430 йилда вафот этган.

Булардан ташқари, яна 6 нафар қизлар ҳақида маълумотлар учрайди.

Маликалари:

Турмиш (Нурмушк) оқа, Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи, 1354 йилда уйланган. Муҳаммад Жаҳонгир ва Тоғайшоҳ Оқабегимнинг онаси.

Ўлжой Туркон оқа, амир Мусонинг қизи (Қазағаннинг набираси), амир Ҳусайннинг синглиси. Султонбахт оқанинг онаси. 1366 йилда вафот этади.

Сароймулкхоним (Бибихоним ёки Бегимхоним) (1341–1408), Қозонхоннинг қизи, маликалар улуғи. Шаҳзодаларни тарбиялаган.

Улус оқа, амир Баён сулдузнинг қизи.

Ислим оқа, Хизр ясавурийнинг қизи.

(*Кейинги уч малика 1370 йилда Соҳибқирон никоҳига ўтган*).

Дилшод оқа, Шамсиддин дуғлотнинг қизи, 1375 йилда уйланган. 1383 йил вафот этган.

Туман оқа, амир Мусонинг қизи, 1378 йил никоҳига ўтган (1367–1432).

Тўкалхоним, Хизр хўжанинг қизи. 1397 йилда уйланган. 1408 йил вафот этган.

Яна 10 нафар маликалар ҳақида маълумотлар учрайди.

Канизаклар:

Тўлун оқа, Умаршайх Мирзо туғилган.

Менглибека оқа, Мироншоҳ Мирзо туғилган.

Тоғай Туркон оқа, Шохрух Мирзо туғилган.

Яна 20 нафардан зиёд хос канизаклар ҳақида маълумотлар берилган.

Соҳибқирон умри – 70 йил.





МУҚАДДАС ОИЛА

Мабодо, одам боласи гарчи ўз Яратувчисининг мезону таъқиқларини писанд қилмайдиган даражада ҳаволаб кетганида ҳам унга кўп нарса керак эмас. Ўша тоғларни пайхон қиладиган, денгизда довуллар қўзғайдиган истак наҳорда бир пиёла иссиқ сув ё бир тишлам нонга мутеъ бўлиши ёки инсон оламшумул исёнларидан сўнг тинч бир оғушда ором олишни энг катта истак деб билиши мумкин. Боқий қадриятларнинг гувоҳлик беришича, ана шундай тўпори ва буюк фароғатни фақат Оила бажара олади..

Оила ўз ўрнида, жаннат, бўстон...

Гапни бу даражада баланд пардада олишимизнинг боиси бор. Бугун билиб-билмай, умумий овозга жўр бўлиб такрорлайдиганимиз – тарихимиздаги улуғ сиймолардан бири Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳали жамоатчилик тўла тушуниб етмаган ва эътироф етмаган бир жиҳатлари мавжуд. (Одатда, тарих ҳақида гапирганда умумий қолиплар мавжуд бўлади, Юлий Цезар ибораси билан айтганда «Кўрдим. Бордим. Босдим» қабилида. Ҳолбуки, ҳар бир мардум каби муътабар арбобларнинг ҳам ўз қиёфаси бор ва, албатта, улар бири-бирига ўхшамайди. Яна тарихни саёз ва ялпи тушунишнинг бир ёмон томони шундаки, тўқ рангли воқеалар кўчиб юради. Масалан, бир ҳукмдор калладан минора тиклаган. Ўртача маълумотли одам бу далилни ўтмишдан кимни таниса, барчасига

тадбиқ этаверади. Шундай ҳол кўпинча фанда ҳам етакчилик қилади. Жумладан, буюк бобомизни ҳам шундай қолиплар доирасида тушуниб келишди).

Биз бу гал мулоҳаза юритмоқчи бўлган жиҳат ҳазратнинг фақат ўз фаолияти билан дунёни лол қолдиргани эмас, шу билан бирга улкан сулолани асослаганидир. Одми қилиб айтганда, Амир Темури тарих саҳнига қадалган қозик ёхуд нақшинкор устун эмас, балки инсоният чаманзорида қўр тўкиб турган азим дарахт! Бу дарахтнинг томири теран, шохлари тарвақайлаб кетган, сояси узоқ-узоқларга тўшалган, сумбатини олислардан кўриб туришади, паноҳига интилишади...

Яқинда нашр этилган «Соҳибқирон абадияти» китобида бобомизнинг ўғиллари – Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1356–1376), Умаршайх Мирзо (1356–1394), Мироншоҳ Мирзо (1366–1408), Шохрух Мирзо (1377–1447)дан тарқалган авлодларни худди синф журналидаги ўқувчилар рўйхатидек кетма-кет ёзиб чиқдим. Дунё тан олганлари икки юз нафардан етади. Уларнинг ҳар бири қайсидир хизмати билан ўз даврида эътироф этилган, ҳозир ҳам эсланади. Китобнинг олти саҳифасини эгаллаган бу ёзувлар замирида қанчалар синоатлар яширинган? Шулар ҳақида ўйланса, юрак ҳаприқади, вужудни бемисл ифтихор ҳисси чулғаб олади. Шу тупроқ ҳурмати, муҳташамликка дахлдорликдан бошинг кўкка етади.

Агар бу мислсиз ҳақиқатнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза қилиб кўрилса, унинг замирида жуда содда далил ётади. Шундай қилиб, бундай оламшумул музаффариятнинг сабаби нима, деган савол қўйиладиган бўлса, жавоби аниқ: ОИЛА. Ҳеч муболағасиз Соҳибқирон кўз очган, сўнгра фар-

зандлари дунёга келган, ундан сўнг набиралар ва бошқа зурриётлар туғилган бешик, яъни оила чинакамига муқаддас бўлган.

Энди ана шу фикрни тўла тушуниб олиш учун аниқ воқеаларга мурожаат этайлик.

Маълумки, инсон ақли ожизлик қилиб қолганда «Бу ёғи Оллоҳдан» деган ибора ишлатилади, яъни ўзимиздан ташқари тушунчаларни илоҳийликка боғлаб қабул қиламиз. Соҳибқирон тарихини битган муаррихлар ҳам ул зотнинг дунёга келишларини илоҳий ҳодиса, деб шарҳлайдилар (аслида, нима илоҳий эмас?). Бундай рух, ёндашув, айниқса, халқ китобларида жуда бўртиб туради. Масалан, Салоҳиддин Тошкандий қоғозга туширган «Темурнома» («Чўлпон», 1990) китобида Бухоро садр аш-шариаси (яъни Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий) «... дарс айтиб ўлтурур эдилар, бир қаландар келди. Айтиди: «Такина бегим Моҳ деган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул туғиладур, ани жаҳонгир ва соҳибқирон дерлар» тарзида қайд қилинади. Шундан кейин ҳали куёвхонтўра кимлиги аниқ бўлмай, тўй тадориғи бошланади. Кешда эса бошқа бир синоат воқе бўлганди: қўй суруви ичида оралаб қолган бир оҳу сайёдга тутқич бермай, қочаверади-қочаверади ва Бухорои шарифга йўл бошлайди. Шундай қилиб, илоҳий никоҳ тузилади, орадани ойлар ўтиб, саодатли айёмда бахтли чақалоқ дунёга келади. Бу гўдак атрофидаги қавми, боринги, инсоният асрлардан бери кутаётган халоскор эди. Қолаверса, унинг туғилганини олис Мағрибдаги алломалар ҳам қайд этгандилар (Валиуддин ибн Халдун бу ҳолни қайд қилиб ўтган).

Албатта, асил зотнинг дунёга келиши бир шовшув бўлса, унинг тарбияси, камолга етиши шундан

кам бўлмаган воқеа. Соҳибқирон тийнати ва фитратида яширинган оламшумул қудрат ҳазратнинг ўз фаолияти ва авлодларининг саъй-ҳаракати билан намоён бўлди.

Шубҳасиз, «Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?» деганларидек, ато этилган истеъдод шунга мувофиқ улкан ҳаракат бўлмаса, ўз асрорини намоён қилмайди. Зеро, «ҳаётнинг асоси – ҳаракатдир» (Афлотун). Аслида, вужудида пинҳон мўъжизанинг юзага чиқара олиши билан шахс ўзини намоён этади. Бу жараённинг қирралари кўп, қолаверса, инсоншуносликнинг жами илмлари шу муаммо устида бош қотиради ва ҳамон охирги тўхтам аниқ эмас. Соҳибқирон Амир Темурдан тарқаган икки юз нафардан ортиқ шахзода ва малика инсоният маънавий тамаддунида у ёки бу даражада из қолдирган экан, бугун бетимсол шараф ҳиссини яна бир туюш учун буюкликка эришиш асрорларини навбатга қолдириб, ўша ёруғ юлдузларнинг ўзини эслаб ўтайлик. Негаки, Ўрта асрлар мезони билан воқеликка баҳо бериб ўрганган маърифат дунёси ҳозиргача ана шу оддий тарихий ҳақиқатни ҳам истисно қилиб келди. Фақат бир шахс, унинг амаллари (кўпинча қора нуқталар) ҳақида сўз юритиб, зурриёдлар, уларнинг оламшумул ишлари ҳақида гапирганда бобокалонни эслатмай ёки эсламай муносабат билдириш тамойили қарор топганди. Ахир бутоқни танадан айириб бўлмаганидек, уларнинг зуваласига буюклик гардини юқтирган зотни эсламай, бор ҳақиқатни тўлиқ тушуниб бўлармиди? Яқин-яқинларгача хат таниган одамларнинг кўпи Мирзо Улуғбек ҳазратнинг набираси бўлишини ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Темурийлар-

дан эканини билмас эди. (Албатта, қай даражада билиш мезони ҳамон нисбий).

Ҳолбуки, Соҳибқирон айнан 1394 йил 22 мартда туғилган набирасига алоҳида меҳр кўрсатган, уни ардоқлаб отаси Муҳаммад Тарағай исмини нисор этган эди (суюкли набиралардан бирига отанинг исмини қўйиш ҳозир ҳам таомилимизда бор). Қолаверса, ўша пайтда жанубий ҳудудларнинг бош шаҳри бўлган Султонияда амирзода Шохрух Мирзо оиласида дунёга келган зурриёднинг хушхабарини бахтиёр бобо ўзгача хурсандлик билан кутиб олган, Мордин қалъаси фатҳида таслим бўлган жами асирларга эмну омонлик ҳадя этганди. Кейинчалик ҳам ҳазрат шу набираси тарбиясига алоҳида эътибор қилди. Уни улуғ малика Сароймулкхоним ихтиёрига берди, ҳар жиҳатдан камолга етиши учун отабеклару саркардалар, уламою фозилларнинг энг етукларини масъул қилиб қўйди. Юришлар давомида ўлжалар қаторида китоблар шу фарзанд учун алоҳида сараланди, улар пойтахт Самарқандга жўнатиб турилди. Натижада, Мирзо Улуғбек учун дунёдаги энг бой кутубхоналардан бири барпо этилди. Ҳали тўрт ёшга тўлмаган болакайни бу ажойиб юрт билан таништириш учун Ҳиндистон сафарига олиб кетди. Ўтрордаги сўнгги лаҳзаларда ҳам бу дилбанд ёнма-ён эди. Албатта, кейинчалик 40 йил тахтни бошқарган ҳукмдор, жаҳондаги санокли буюк олимлардан бирининг муваффақиятларида бундай ғамхўрликларнинг салмоқли ўрни бўлгани шубҳасиз.

Дунёда қозонган шуҳрати жиҳатидан кўплаб миллатлар ҳавас қиладиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур 47 йиллик қисқа умри давомида шунчалик саргузаштларни бошдан ўтказди, шеъриятда ва

илмда шунчалик улкан ютуқларни қўлга киритдики, дунё аҳли ҳамон у эришган ютуқларнинг тагига ета олмайди. Катта бир империяга асос солган (у Ҳиндистон заминида тўрт асрга яқин яшади), ўзи янги алифбо яратиб, ҳатто Қуръони каримни унда кўчиртирган, бетимсол ҳарбий ислоҳотчи бўлган зотнинг вақт ўлчовини яратгани, мевали дарахтларни маҳаллийлаштиргани ва бошқа амаллари бир тараф, «Бобурнома»дек шоҳ асар яратгани бир тараф. Илм аҳли ҳамон бунчалик салоҳиятли ва самимий мемуарни билмайди.

Агар бу рўйхатни давом эттрадиган бўлсак, шубҳасиз, унинг изидан илм-маърифат ҳомийси, ўзлари ҳам олим ёки шоир бўлган буюк ҳукмдорларни эслашга тўғри келади. Самарқанд ва Хуросон тахтини муттасил 50 йил бошқарган Шохрух Мирзо (1377–1447) ҳар жиҳатдан ота – Соҳибқирон меҳрини қозонди (видо айёми – Ўтроннинг қорли тунини эслайлик. Ҳазрат зурриёдларидан фақат уни қумсайди: «Магар фарзанд Шохрухниким, бу замонда уни кўрмадим»). Унинг даврида Хуросон давлати фан-маданият гуллаб яшнаган, фаровон ўлкага айланди, бу давр кўплаб буюк зотларга она бўлди. Худди шунингдек, Ҳиндистон тарихида ёрқин из қолдирган Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1542–1605) 51 йиллик ҳукмдорлиги давомида бу мамлакатни бир байроқ остида бирлаштирди, барқарор тараққиётни таъминлади. Унинг ҳукмронлиги Бобурийлар сулоласи ойининг тўлишган йиллари бўлди.

Шубҳасиз, Темурийлар ҳақида гап кетганда жаҳон тарихида камёб ҳодиса – бу сулола вакилларидан оқила, тадбиркор, илм-фан ва санъ-

ат ҳомийси бўлган кўплаб улуг аёллар етишиб чиққанини эътироф этиш лозим. Уларнинг фарзанд тарбияси, оилани бошқариш, ҳатто давлат ишларидаги иштироки беназир бўлган. Таржимаи ҳоллари ақлни лол қолдирадиган тарзда воқеаларга бой Зебуннисобегим (1639–1702) даврининг етук алломаларидан таълим олди, шоира, олима, созанда, хаттот бўлиб етишди. У ҳақда гап кетганда «Отаси Аврангзеб подшоликда эриша олмаган мавқега қизи ақли билан эришди» деган эътироф билдирилган. Жаҳоноробегим (1614–1681) тахтни бошқаришда отаси Шоҳжаҳонга доно маслаҳатлари билан кўмаклашди, ўзи кўплаб жомеъ масжидлари, карвонсаройлар, боғлар, аригларнинг барпо этилишида бош-қош бўлди, «Рисолаи соҳибия» китобини ёзди. (Шу йилларда бетимсол Тож Маҳал қурилган). Гулбаданбегим (1523–1603) нодир шахсияти ва «Ҳумоюннома» асари билан тарихда қолди. Бобур Мирзонинг суюкли фарзанди ҳар жиҳатдан камолга интилди, етти йил азият чекиб, ҳаж сафарини адо этди. Ёки Бобур Мирзо ва Ҳумоюн подшоҳнинг яқин маслаҳатчиси бўлган Хонзодабегим, шаҳзодалар тарбиясида мураббия, ўрни келганда салтанат юмушларида ўз маслаҳатлари билан қатнашган Сароймулкхоним, шу қаторда турувчи Туман оқа, Ўлжой Туркон оқа ва бошқа маликаларнинг ҳаёти салтанат тарихида ўз изини қолдирган. Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти, қисмати неча жилдли китобга мавзу бўлади.

Бўлар ҳали ҳаммаси эмас. Бир оз олдин кетиб, шу ҳақиқатни қайд этиш керакки, оқ соч тарих ҳали бунақа авлодларнинг олтин занжирини кўрмаган. Энг камида бир вилоятни бошқарган ёки шеърий девон тузган ўнлаб Темурийлар маданият тарихида

қолди. 38 йил ҳукмронлик қилган салоҳиятли давлат арбоби, ҳам шоир ва олим, шунинг билан бирга илм-фан ҳомийси Султон Ҳусайннинг Алишер Навоийдек даҳо шоирга кўрсатган ҳиммати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шу йилларда юзага келган Ҳирот маданий муҳитида кўплаб сўз аҳли, муғаннийлар, рассомлар бўй кўрсатдики, уларнинг бўйи йиллар тўфонини писанд қилмай, XXI асрда ҳам кўзга ташланиб турибди. Бу аждодларимиз билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тўғри, биз келтирган рўйхат янгилик эмас. Ҳайратланарлиси шундаки, тарихда номи қолган сулоланинг исталган вакили таржимаи ҳоли билан танишсангиз, дилингиз яйрайди. Шунда беихтиёр, дейлик, дунёвий адабиёт анъаналарини давом эттириб, «Таашуқнома» достонини яратган Сайди Аҳмад ёки Шарафуддин Али Яздийга ҳомийлик қилиб, беш йил давомида «Зафарнома» асарини ёздирган, Балх ва Шероз ҳокими бўлган Иброҳим Султон (1394–1435) ёхуд Ҳирот тасвирий санъат мактабининг асосчиси, Фирдавсий «Шоҳнома»си мукаммал нусхасини тайёрлаб, сўзбоши илова қилган, вилоятларни бошқарган, отаси Шоҳрух ҳукмронлиги даврида молия вазири бўлган Бойсунғур Мирзо (1397–1433) фаолияти замирида қандай синоатлар яширинган, уларнинг камолга етиши қандай кечган, деган андишага борасиз. Тўғри, бу авлод вакиллари сафида Султон Абусаид, Султон Ҳусайн, Халил Султон, Аврангзеб сингари мураккаб тақдир эгалари, «чархи кажрафторнинг шевалари»га учганлар, баъзан ўзини йўқотган зотлар ҳам бор, бироқ истисно шундаки, улар эришган даража ҳам ўша ҳолида унча-бунча кишига насиб этавермайди. «Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам»

деганларидек, бу «беш кунлик дунё»да подшоҳ бўлмасанг ҳам подшоҳдек яшашни ким хоҳламайди ахир?! Аслида, омманинг даражасидан бир калла кўтарилиш ҳам улуғлик.

Хуллас, Темурийлар қўлга киритган муваффақиятлар, уларнинг шон-шавкати бу тилсим устида ўйлаб кўришга даъват этади. Албатта, бундай юксакликнинг бош сабаби инсон қобилиятларини юзага чиқарадиган муътадил муҳит яратилганидандир. Бу юмушнинг бошида, шубҳасиз, ўз қудрати, талабчанлиги, ўрни келганда меҳри ва қаҳри билан Соҳибқирон Амир Темур турганидандир. Ҳазрат тажрибаси ва салоҳияти билан шундай тутумга асос солдики, у неча юз йиллар оша тароватини йўқотмай, асил инсоний фазилатларга доя бўлди, ундан баҳра олганлар инсониятнинг энг обрўли вакиллари бўлиб тарихда қолдилар. Яна ўша жўн, бироқ жозибали ҳақиқат ёдга тушади: ҳамма яхшиликлар ОИЛАда шаклланган эди. Бу далилнинг сирини очиш учун эса неча жилд китоб кўриш ва шунча китоб ёзиш керак бўлади.

Эҳтимол, орзудир ёки амалга оширган хайрли ишларининг келажагига комил ишончдир, бобокалон «Темур тузуклар»ида ўқтамлик билан шундай деб қайд этган эканлар: «Мамлакатларни фатҳ этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим салтанат тахтига ўтириб, олам элларини бошқаргай...». Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди, бунга тарих гувоҳ. Демак, Соҳибқирон ўз йўлининг тўғрилигига аввал бошданоқ ишонган ва бу ҳақиқатни тан олмаслик мумкин эмас. Зеро, унинг исботи учун ўнлаб буюклар саф тортиб

турибди. Ҳазратнинг шарафи учун улар ҳимояга шай, демак, Амир Темур ёлғиз эмас. Бу зот ҳақида мулоҳаза юритганда ҳам унинг бахтли авлодларини ёдда тутиш шарт.

ТЕМУРИЙЛАР

«Зафар йўли» деб номланган ва Амир Темур Кўрагоннинг таржимаи ҳоли, деб аталган (аслида, Соҳибқирон ҳақидаги халқ ҳикояларига кўпроқ ўхшаб кетадиган) китобда (Тошкент, «Нур», 1992) шундай воқеа келтирилади:

«Бир кун отам амир Тарағай амир Кулолнинг олдига борган эди, у отамга дебди:

– Оллоҳ сенга Темурдек ўғил бергани билан сени муборакбод этамиз.

Кейин у отамга бир ҳовуч буғдой билан майиз берибди. Отам уларни санаса, ҳаммаси уч юз етмиш дона экан.

Амир отамга дебди:

– Ана шу сон сенинг авлодларингнинг сонини билдиради» (34-бет).

Пир яна Темурнинг дунёга ҳоким бўлишини, уч юз етмиш авлоди юксак қудрат касб этиб, шундан етмиш нафари подшоҳлик даражасига етишини башорат қилади.

Шунингдек, Расулulloҳ Соҳибқироннинг тушига кириб, дейди:

– Оллоҳ мўъжизакордир: энди сенинг етмиш авлодинг ҳоким бўлади (58-бет).

«Темур тузуклари»нинг иккинчи китоби шундай улуғвор ният билан бошланади: «Мамлакатларни фатҳ этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум

бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай...»

Дарҳақиқат, тақдир бу порлоқ орзуларни ижобат этди. Ҳазратнинг таваллуд санаси – 1336 йилдан то Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган авлодининг сўнгги вакили – Баҳодиршоҳ II вафоти – 1862 йилгача – 526 йиллик тарих суронларида турли даражада мазкур сулола номи қайд этиб турилди. Бу ҳол узлуксиз такрорланди, балки узилишлар билан мазкур олтин силсила яна давом этгандир – ахир XIX асрда Қўқон хони амир Умархон ҳам девонига ёзган дебочасида (у «Амирий» тахаллуси билан ижод қилган) ўзини шу наслга мансуб эканини қайд этган. Ёки Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто ўзининг Бобур авлодидан эканини эслатган.

Қўлдаги нақд далиллар асосида мулоҳаза юритганда эса бир дарахт заминда томир ёзиб, дунёнинг тўртдан уч қисмига тарқалди, бу дарахтнинг шохларида бўлиқ мевалар етилиб, одамзод наслининг буюк эҳтиёжларини мукамал қондирди. Агар бу дарахт амал қила бошлаганида инсоният ярим ёввойилик даврини бошидан кечираётган – кўчманчилик амалда бўлган, уруғ-қабилачилик сақланиб турган, дарахт барқ уриб яшнаш босқичини бошидан кечириб, хазон фаслига кирганда ойкумена тарихида буюк ўзгаришлар содир бўлган, ижтимоий тараққиётда (ўша замон истилоҳи билан айтганда) капиталистик муносабатлар жорий бўлган, иқтисодиётда механизмларга асосланган техника даври – саноат индустрияси пайдо бўлган эди – одамзод бадавийликдан қутулиб, тўла маданий даражага эришганди. Ана шундай теран мазмунни мужассамлаштирган Те-

мурийлар сулоласининг от сурган йиллари ўзининг олмос қирралари билан ҳамон тадқиқотчиларни мафтун этиб келмоқда.

Яна бир нақд ҳақиқат шуки, ростдан ҳам ўша соҳир тилакларда баён қилинганидек – пир башорат қилган, тушда аён бўлганидек, олис тарих силсиласида бу авлоддан етмиш, балки шунга яқин нафардаги зотлар ҳукмронлик қилдилар. Уларнинг (ҳукмронларнинг) ҳар бири алоҳида, такрорланмас тақдир эгалари бўлганига эса тарихий далиллар гувоҳ.

Шубҳасиз, бу чўққининг бошида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур туради. Улуғ наҳрларга доя бўлган ойдин бир чашма (ойнабулоқ) муқаддас ҳисобланади. Соҳибқироннинг муборак шахси ҳам бу силсилада чин маъноси билан муқаддасдир.

Тақдир бундан кейинги рутбани бахтли фарзандлар – Темурбекнинг ўғилларига насиб этди. Улар буюк салтанатни ўраб-қўрғалаб турган ёки шараф тожини бошга кўтарган тўрт устун мисоли эдилар.

Муҳаммад Жаҳонғирнинг бўй кўрсатиши Соҳибқиронга беқиёс куч ато этган эди. Унинг шиддати, талъатида ўз умрининг давомини кўрган эди. Жаҳонғирнинг тўнғич фарзанди Муҳаммад Султонда жувонмарг бўлган умидлар қайта бўй кўрсатди... Афсуски, қазои қадар бошқача ҳукм ўқиди – улар дунёни жуда эрта – бири 21, иккинчиси 28 ёшда тарк этдилар.

Умаршайх Мирзо сафга киргач, ота ишончини тўла оқлади. Ҳиндувон қалъаси забтида товонини тешиб ўтган найза оғриғини писанд қилмаган 15 ёшли ўсмир кейинчалик Фаргона музофотини бошқарганда ҳам, Форсда ҳукмронлик қилганда ҳам матонатли ва истиқболли фарзанд эканини

кўрсата олди. Надоматлар бўлсинки, пистирмадан отилган ўқ ҳали 40 ёшга тўлмаган салтанат таянчи-ни қулатди.

Гарчи диловарлик ва журъатда ҳеч кимдан кам бўлмаган эса-да, Мироншоҳ Мирзо оддан йиқилиши оқибатида орттирган дардининг асоратини бир умр енголмади. Таскин берадиган томони шундаки, унинг авлоди Темурийлар тарихида энг узоқ умр кўрди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг шарафли набираларидан бири эди.

Феъл-атворда ва эътиқодда бобоси Муҳаммад Тарагайни эслатадиган Шоҳрух Мирзо муқаддас тушунчаларга алоҳида садоқати билан ном чиқарди, босиқ-вазминлик билан Хуросон тахтини 50 йил бошқарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Ҳирот салтанатнинг гуллаб-яшнаган иккинчи марказига айланди.

Агар бугунги мезонлар билан баҳолайдиган бўлсак, умуминсоният эътирофи нуқтаи назаридан бу олий мақомга яқинлашиб қолган бошқа Темурийзодалар ҳам етишиб чиқди. Айниқса, Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарагай) ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шухратини дунёнинг қайси бурчагида тан олишмайди?

Ёки салтанат юритиш бобида Султон Ҳусайн Мирзо ва Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ бу тарихда алоҳида саҳифа очдилар, деб айтиш мумкин. Султон Ҳусайннинг 38 йиллик ҳукмронлиги даврида Хуросон гуллаб-яшнаган ўлкага айланди, маданият, илм-фан тараққий топди. Айниқса, бу давр Мир Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткори вояга етгани ва ижод қилгани билан қадрли. Бобур Ҳиндистонда тамал тошини қўйган салтанатнинг муносиб давомчиси Акбаршоҳ ўзининг қарийб 50 йиллик ҳукмронлиги давомида буюк империяни

юзага келтирди. Бу юрт тарихини нурли саҳифалар билан мунаввар қилди. Унинг даври Бобурийлар ҳукмронлигининг энг тўлишган фасли бўлиб қолди.

Иқтидор ва салоҳият ҳақида гап кетганда, албатта, Носириддин Ҳумоюн подшоҳ (Ҳумоюн)ни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бобур фаолиятининг давомчиси сифатида у Ҳиндистондаги салтанатни сақлаб қола олди, укаларининг қаршилигини бостириб, давлатни қайта тиклади. Шунингдек, ўзи ҳам шоир ва олим бўлган Ҳумоюн маънавий тараққиётга жиддий эътибор бериб, ривожланишни янги босқичга олиб чиқди.

Ҳиндистон тарихида худди шундай тарзда иш юритган подшоҳларнинг яна бири – Шоҳжаҳон (шаҳзода Хуррам) бўлди. Унинг даврида улкан қурилиш ишлари амалга оширилди, шу даврда машҳур Тожмаҳал обидаси тикланди.

Айтиш мумкинки, бу авлод вакилларининг ҳар бири ўзига хос бир олам ҳисобланиб, такрорланмас феъл-атворга, саъжияга эга бўлганлар. Жумладан, Абусаид Мирзонинг ўзига хос таржимаи ҳоли бор. Донишманд ва жасур бўлган бу инсон ўз ўрнида шафқатсизлиги билан тарихда қолган. У ўз жидду жаҳди билан Мовароуннаҳр ва Хуросонни бир туғ остида бирлаштиришга эришади, шу билан бирга, бошқа Темурий шаҳзодаларга қарши аёвсиз кураш олиб боради. Уларнинг кўпларини қатл этади. Ўша замон тарихчилари Султон Абусаид ҳарамида 35 нафар маликалари бўлганини, улардан 25 ўғил, 34 қиз кўрганини қайд этадилар (Султон Ҳусайнда – 12, 21, 17), бу жиҳатдан ҳам у тенгсиз бўлган. Абусаидга хос кескинлик, шафқатсизликни кейинчалик Аврангзеб (Абузафар Муҳиддин Муҳаммад Оламгир)

намойиш этган. У отаси Шоҳжаҳонни уй қамоғига ташлайди, акаси Дорошукуҳни қатл этади. Бошқа акаси Шоҳшужоъани бадарға қилади, укаси Муродбахшни ҳам маҳв этади, қизи Зебуннисобегим ҳам унинг ғазабидан четда қолмайди.

Шубҳасиз, бундай феъл-атвор камёб ҳодиса бўлган. Умумий манзара эса жами Темурийларнинг илм-фан, санъат ҳомийси эканлигида кўринади. Энг муросасиз муаррихлар ҳам уларни яратувчи, бунёдкор, ижодкор сифатида тилга олади. Тасаввур қилиш мумкинки, саройда ўзига хос тарбия муҳити шаклланган, шаҳзодалар камолоти учун энг етук олимлар, тажрибали лашкарбошилар, оқил ва донишманд шахслар сафарбар қилинган. Шу туфайли улар баркамол бўлиб вояга етган. Аксарияти шоир, олим ва санъат аҳли сифатида тарихда қолди. Таъбир жоиз бўлса, Темурийлар даврини улкан бўстонга қиёслаш мумкин: гуллар, чечаклар очилган, боғлар гуллаб-яшнаган, олий иморатларда тўкин ва фаровон ҳаёт давом этади...

Ана шундай бўстон қучоғида маликаларнинг ўз ўрни бўлгани тайин. Тарих китобларида Сароймулк хоним (Бибихоним)нинг зукколиги, Туман ақанинг гўзаллиги кўп қайд қилинган, шу билан бирга улар ёш шаҳзодаларнинг оқила мураббиялари ҳам бўлишган. Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти – бир китоб бўлишга арзигулик. Хадичабегимнинг Ҳирот муҳитидаги ўрни-чи? Гулбаданбегим (отаси – Бобур) ҳеч муболағасиз бу шонли тарихда нурли из қолдирди. Жаҳоноробегим (отаси – Шоҳжаҳон) ободончилик ишларига ҳомийлик қилиш, «Рисолаи соҳибия» китобини ёзиш билан бирга, комила фарзанд сифатида ҳам ном қолдирди. Зебуннисобегим (отаси – Аврангзеб) ҳақида ўша даврдаё «ота-

си подшоҳлик билан эриша олмаган шон-шухратга кизи илми билан муяссар бўлди», деб ёзишган.

Умуман, бу авлод вакиллари ўз фаолиятлари билан инсон ақли, тафаккури, ҳис-туйғуси қандай чегараларни забт этиши мумкинлигини амалда кўрсатдилар. Ҳатто, уларнинг кўплари эришган натижалар забт этиб бўлмас даражада юксак саналарди.

Фикрларнинг оддий оқимидан табиий бир савол юзага чиқади: хўш, ана шундай мукамал суратга ва сийратга эга бўлган авлод яратган салтанат тарих саҳнасида кўп яшадими, кам яшадими? Яъни улар умргузаронлик қилган йиллар ўз салоҳияти даражасида эдими? Уларнинг тақдирини «завол» деб атаса бўладими? Саволлар турлича бўлмасин, нишонга олинган нуқта битта: инқирознинг сабаби нима?

Бу савол атрофида, шубҳасиз, жуда кўп муҳокамалар бўлган ва бу жараён ҳамон давом этиши табиий. Жавобни эса жуда жўн ифодалаш ҳам мумкин: ҳар қандай ибтидонинг интиҳоси бор-да!

Тарихнинг отаси Геродот эса ўз вақтида шундай ёзиб қолдирган экан: «Миллатлар (халқлар) тарихида уч босқич кузатилади: муваффақият, муваффақият туфайли – манманлик ва адолатсизлик, шундан кейин кутилган оқибат сифатида – инқироз».

Бу уч босқични баъзан шитоб билан ўн йилда босиб ўтиш мумкин. Негаки, ғалабадан сўнг қанча тез манманлик ва адолатсизлик воқеъ бўлса, инқироз кутдирмай келиб қолишини мантиқий муҳокама кўрсатиб турибди.

...Темурийлар салтанати барқ урган йилларда юртдаги осойишталик, фаровонлик, рақиблар устидан қозонилаётган мунтазам ғалабалар бошни айлантириб қўймаслиги мумкин эмасди. Шу туфайли

зед-зийнатга, маишатга зўр берилгани тарихларда қайд қилинган. Жумладан, 1507 йилда Султон Ҳусайннинг таъзиясига борган Заҳириддин Бобур Ҳиротда шундай манзара устидан чиқади ва таассуф билан қайд этади: «Бу мирзолар агарда суҳбат ва суҳбаторойликда ва ихтилот ва омизишта тавре эдилар, вале сипоҳийлик рев ва рангидин йироқ ва мардоналик ва жангу жадалдин қироқ эдилар». Ҳа, мўъжизавор пиширилган ғоз гўштини бурдалашга уста, чоғир тутишда моҳир нозик қўллар қилич сопини ушлашдан ожиз эдилар, ҳолбуки, ашаддий ёв – Шайбонийлар бу пайтда Амударёдан ўтиб, пойтахт остонасиға яқинлашиб қолгандилар.

Ана шундай ноқобиллик бир омил бўлган эса, давлатни идора қилишдаги бошбошдоқликлар, ўзаро низолар ва урушлар жараёни янада тезлаштирган. Нафсиламрини айтганда, Султон Ҳусайннинг вафоти (1506)дан сўнг салтанатнинг сўнгги қўрғони – Ҳирот мудофаасини ташкил эта оладиган довюрак йўлбошчи топилмайди. Ҳолбуки, бундай сўнгги нажот элчиси бўлишга арзийдиган шаҳзодалар – қисқа умрида ҳамманинг эътиборини қозонган мирзолар кўплаб туғилган эди. Улар турли фитналар туфайли (балки атайлаб) ўлдириб юборилган эди. Кейинги пайтда Темурийлар байроғини баланд кўтара олиши мумкин бўлган, бироқ бемаврид қатл этилган ва ўлдирилган баъзи Темурийзодаларни эслатиб ўтамиз.

Муҳаммад Мўмин Мирзо ота томонидан Умаршайх Мирзо, она томонидан Мироншоҳ ва Шохрух Мирзоларга хос аслзода шаҳзода эди. У 10 ёшида Астробод ҳокими қилиб тайинланганди. 12 ёшида эса фитна қурбони бўлди (1497).

Умаршайх Мирзонинг олтинчи ўғли Бойқаро ўз довюраклиги, шижоати билан ажралиб турарди.

Бироқ турли қутқуларга учиб, Шоҳрух ва фарзандларига қарши исёнлар уюштиради. Тароват ва жасоратда тенгсиз, деб тан олинган Бойқаро 31 ёшида Улуғбек фармони билан қатл этилди (1423).

Абусаид Мирзонинг еттинчи ўғли Абубакр шижоатли, жасур, ҳимматли бўлган. Бадахшонни бошқарган Абубакр отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн даргоҳига интиланган. Алишер Навоий илтифотига сазовор бўлган. Ўзаро низолар давомида қўлга тушиб, 22 ёшида қатл этилади (1479).

Бошқа бир Абубакр – Шоҳрух Мирзонинг набираси (отаси – Муҳаммад Жўқи) ҳам кўпларнинг эътиборига тушган эди. Хутталон, Арханг, Солисарой, Балхни тасарруфида тутган шаҳзодани Мирзо Улуғбек кўёв қилиш ниятида Самарқандга чорлайди. Ғаламислар аралашиб, 23 ёшида унинг умри Кўксаройда поёнига етказилади (1449).

Бундай шум тақдир Шоҳрухнинг бошқа бир авлоди – Иброҳим Султоннинг ўғли Абдуллони ҳам домига тортади. Ҳар жиҳатдан баркамол бўлган бу йигит 19 ёшида Султон Абусаид ва Абулхайрхоннинг бирлашган қўшинлари билан жангда ҳалок бўлади (1451).

Абулқосим Бобурнинг ягона ўғли Шоҳ Маҳмуд боболарининг муносиб давомчиси бўлиши мумкин эди, аммо у Кобулга ҳужум чоғида 14 ёшида ҳалок бўлади (1459).

Бундай йўқотишлар кутилаётган инқирознинг даракчилари бўлмаганмикан? Қолаверса, Темурийлар тарихида анча салмоққа эга бўлган Шоҳрух Мирзо авлодларининг тақдири сирли равишда бирданига, жуда тез якун топади (уларнинг сўнгги вакили – Ёдгор Муҳаммад 20 ёшида 1470 йилда маҳв этилади). Бундай фожиали ҳол тарих китобларида турлича изоҳланган.

Хуллас, бу шажара ана шундай ранг-баранг ва бетакрор. Унинг ҳар бир қатида қанчалаб инсонлар тақдири яширинган. Биз қайд этган воқеалар эса ўшаларнинг боқий яшаб келаётган аксадоларидир.

* * *

Ҳар қандай насабнома (генеалогия, родословие) да ягона умумийлик бўлган (масалан, хонлар, беклар, саййидлар дегандек). Темурийлар насабномаси ҳақида гап кетганда, Заҳириддин Бобурнинг қуйидаги қайди эътиборли: «Ушбу тариққача Темурбекнинг авлодларини бовужуди салтанат Мирзо дерлар эди...» «Мирзо» сўзига баъзи луғатларда «Ота томонидан шаҳзода бўлғуси зот» (она томонидан шаҳзода эса – Мирак) тарзида изоҳ берилган. (Баъзи туркий халқларда, жумладан, қозоқларда «мирзо» сўзи «жаноб» маъносида ҳам қўлланилмоқда). Демак, исм-шарифлари келтирилаётган барча зотларга «мирзо» нисбасини қўшиш жоиздир (бу ўринда ортиқча белгиларни кўпайтирмаслик учун «Мирзо» сўзи қўшилмади). Темурийлар исмига «Мирзо» қўшиб аташ – жорий қилинган қатъий тартиб, инчунин, бизнинг китобхонларимиз ҳам бу талабни ҳисобга оладилар.

Бобур юқоридаги қайдида давом этиб ёзади: «... Ушбу навбат буюрдимки, мени подшоҳ дегайлар». Бу ҳам истисно тариқасида муомалада бор.

Манбаларда Темурийлар насабномаси илк маротаба Шоҳрух Мирзо саройида тузилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, ўша замон тарихчилари йўл-йўлакай уларнинг қариндошлик муносабатларини қайд этиб ўтганлар. Кейинчалик ҳам бу юмуш тўхтаб қолмаган. Насабномалар тузилган, турли кўринишдаги шажаралар нашр этилган. Бу

борадаги энг кейинги мукаммал тадқиқотлардан бири сифатида йирик тарихчи олим, марҳум Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» (Тошкент, «Ёзувчи», 1995 й.) асарини кўрсатиб ўтиш лозим.

Менга раҳматлик Турғун ака билан кўп марта-лаб суҳбатлашиш насиб этган. Бу нодир инсондаги фазилатларни кўриб, илм аҳли – у тошкентликми, вилоятликми – бир хил – хоксор, камсуқум ва беозор бўлишига ишонганман. Домла чинакам фидойи, таъмаю иззатталабликдан йироқ покиза инсон эди.

«Темурийлар шажараси» китоби олимнинг эътиқоди маҳсули ўлароқ, узоқ йиллик тадқиқотлари натижасида юзага келган. У замонларда тарихий мавзулар қатағон қилинган эди. Китобнинг сўзбошисидаги «...ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурга бўлган эҳтиромим ўлароқ, «Фарзандларимга менадан хотира бўлиб қолар», деган умид билан мазкур асарни хуфиёна уйда ёзишга жазм қилдим», деган эътирофда муаллифнинг пок нияти ва порлоқ умиди акс этганга ўхшайди.

* * *

Темурийлар насабномаси «Хуррият» газетасида эълон қилина бошлангач (2006 йил, январь – апрель), «Соҳибқирон бобомизнинг тўғридан тўғри авлодлари ҳозир мавжудми?» тарзидаги саволлар пайдо бўлди. Унга жавоб беришдан олдин бир тафсилот билан танишиб ўтайлик.

Россия телевидениесининг «Время» дастури бир тадқиқот ҳақида ахборот тарқатган эди (2004 йил, 30 июнда). Эмишки, Оксфорд (Англия) университети профессори Бернан Сайкс (эшитган бўйича ёзилди) одам наслининг кўпайишига доир қандайдир қонунлар асосида таҳлил ўтказибди. Унинг натижасига кўра, ҳозирги пайтда ер юзидаги ҳар 400

кишидан бири Чингизхон авлоди бўлиши мумкин экан. Демак, айна дамда дунёда 16 миллион киши шу авлодга мансуб бўлади.

Агар бу далилни фараз деб қарайдиган бўлсак, бошқа бир ҳақиқатни тан олишимиз шарт. Соҳибқирон бобомизнинг авлодлари Чингизхон наслидан фарқ қилиб, ўтроқ, шаҳарлашган турмуш тарзига эга бўлганлар ва улар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларини тўла назоратга олган эдилар. Яна, ўшандан бери 700 йилга яқин давр ўтди, авлодлар қарийб 20 марта янгиланди. Энди оддий математик ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак ҳам, 2 (эр-хотин) сонининг 21-даражаси 2 млн 097152 га тенг бўлади, инчунин, бу миқдор ҳозирги юртимиз аҳолисининг 15 фоизга яқинини ташкил этади. Ҳолбуки, Темурийлар бир эмас, бир неча оила эдилар. Бинобарин, аниқ кўриниб қоладики, Темурийлар насли бутун Ўзбекистонни эгаллаб бўлган, яъни бизнинг ҳаммамиз қайсидир (нечанчидир) авлодимиз билан (орқали) шу улуғ шажарага бориб тақаламиз. Демак, бизнинг ҳар биримизнинг томиримизда буюк бобокалонимиз қони (бу ўринда – ген, ДНК маъносида) оқмоқда. Бу ҳақиқатни тарих ҳам, табиат ҳам эътироф этади.

Қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур от минган ва даври давра сурган заминда биз яшаб турибмиз. Биз бу аждодимизнинг чинакам ворисимиз!

2005 йил, декабрь.



ШАЖАРА

Ушбу насабномани тузишда кейинги йилларда нашр этилган барча манбалар билан матбуотда эълон қилинган янги далиллар қиёсий ўрганилиб, улардан фойдаланилди. Хусусан, таниқли тарихчи олим Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси», тарих фанлари доктори Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» китобларидаги маълумотлар улар билан солиштириб чиқилди, муқобил далиллар қавс ичида кўрсатилди. «Фарзандлар»нинг қавс ичидаги рақмлари эса манбаларда тилга олинган, бироқ жиддий амалий фаолият билан шуғулланмаган (аксарияти ёш вафот этиб кетган) зурриётларни билдиради. Уларнинг исмини келтиришга имкон даражасида ҳаракат қилинди. Албатта, бу борада ҳеч қандай мушкулот сезилмаса керак: рақамлар ўғилларни, ҳарфлар эса қизларни ифодалайди.

Ишлаш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳали аниқлик киритилмадиган, тўлдирилмадиган ўринлар кўп экан. Бу юмушлар, албатта, яқин келажакда муваффақиятли адо этилади.

(Рақамларни тушуниш учун изох: Соҳибқироннинг 4 ўғли (Жаҳонгир – 1, Умаршайх – 2, Мироншоҳ – 3, Шоҳрух – 4) бош рақамлар билан белгиланган, кейинги ҳар бир рақам эса бир авлодни билдиради. Масалан: 1. 2. 5. – Жаҳонгир(1)нинг 2-ўғлининг 5-ўғли (Бузанжар) ёки 3. 6. 2. 3. А. – Мироншоҳ(3)нинг 6-ўғлининг 2-ўғлининг 3-ўғлининг 1-қизи (Бекабегим).

1. МУҲАММАД ЖАҲОНГИР

Соҳибқироннинг малика Турмиш (Бурмиш, Нурмушк) оқа билан никоҳидан туғилган фарзанди, 1356 йил – 1376 йил.

Олийнасаб. Хоразм ва Жета юришларида қатнашган, мардлиги ва жасоратлари билан отасининг таҳсинига сазовор бўлган.

Шаҳрисабзда дафн этилган.

2 ўғил фарзанд қолган (2/3).

Умри – 21 йил.

Маликалари:

Севинчбека (Хонзодахоним). (1373 йилда уйланган).

Бахтмулк оғо (1374).

1.1. МУҲАММАД СУЛТОН

1376 йил, Самарқанд, – 1403 йил, 12 март, Туркия.

Отаси – Муҳаммад Жаҳонгир (1)

Онаси – Хонзодахоним.

Самарқанд ҳокими (1399), Ҳулоғу мулки ҳукмдори (1401 йил, март).

Фарзандлари – 3 ўғил, 1 қиз¹ (5/6)².

(**Ўғиллари:** Яхё (1400 – 1408), онаси – Хоника, Муҳаммад Жаҳонгир (1. 1. 1.), Саъд Ваққос (1. 1. 2.), Исмоил – Лаълчечак, Нуҳ – Хонсултон.

Қизлари: Оқабегим – Хоника, Мирзо Улуғбек (4. 1.)ка унаштирилган (в. 1419 й.), Азизсултон – Нигор оқа, Ойшабегим – Нигор оқа, Сайди Аҳмад (3. 7.)га турмушга чиққан, Шодмулк – Давлатсултон, Фотима – Давлатсултон, Севиндиксултон – Жонибека).

Умри – 28 йил.

¹ Бирор рутбага эришган фарзандлар.

² Фарзанд (ўғил/қиз)ларнинг умумий сони.

1.2. ПИРМУҲАММАД

1376 йил, апрель, Самарқанд – 1407 йил, февраль, Балх.

Отаси – Муҳаммад Жаҳонгир (1).

Онаси – Бахтмулк оқа.

Кобул вилояти ҳокими (1392). Валиаҳд. Гарчи бобоси таҳликали Ўтрор тунида ғойибона унга катта ишонч билдирган бўлса-да, турли сабаблар билан бу тилак ўринланмади...

Фарзандлари – 7 ўғил (9/5).

(Маликалари: Сабурсултон – музаффарий Шох Шужоъанинг ўғли Жалолиддиннинг қизи. 1384 йил бобосининг таклифи билан уйланади; Ўрдумулк. Яна 5 малика.

Ўғиллари: Довуд, Маҳди (*қолганлари ҳақида қуйида маълумот бор*).

Қизлари: Маҳдумасултон – Ўрдумулк, аввал Рустам (2. 2.), кейин Сайди Аҳмад (2. 5.)га турмушга чиққан. Соҳибжамол, Бибиҳон, Фотимасултон, Шохсултон).

Умри – 32 йил.

1.1.1. МУҲАММАД ЖАҲОНГИР

1396 йил – 1433 йил, Ҳисор.

Отаси – Муҳаммад Султон (1.1).

Онаси – Нигор оқа.

Халил Султон (3.3) Самарқандни эгаллаганда (1405) уни фахрий ҳукмдор қилиб кўтарган.

Ҳисор ҳокими (1409 йил).

1413 йил сентябрда Шохрух (4)нинг қизи Марямсултонга уланган. Малика 1441 йил 14 июнда вафот этган.

Фарзандлари – 2 ўғил (2/1).

Умри – 38 йил.

1.1.2. САЪД ВАҚҚОС

1398 йил – 1418 йил.

Отаси – Муҳаммад Султон (1.1).

Онаси – Тотлибиби.

Сароймулкхоним тарбиясида бўлган.

(Фарзанди – /1, Осиёбека).

Умри – 21 йил.

1.1.3. ЯХЁ

1401 йил – 1408 йил.

Отаси – Муҳаммад Султон (1.1).

Онаси – Хоника.

Умри – 8 йил.

1.1.1.1. МУҲАММАД СУЛТОН

1423 йил, август, Ҳисор – 1448 йил, Ҳисор.

Отаси – Муҳаммад Жаҳонгир (1.1.1).

Онаси – Марямсултон.

(Ўғли Муҳаммад – Ойша хотун. Қизи Хадичабегим – Руқиясултонбегим),

(Фарзанди–1/1)

Умри – 26 йил.

1.1.1.2. МУҲАММАД ХАЛИЛ СУЛТОН

1426 йил – 1459 йил, Ҳисор.

Отаси – Муҳаммад Жаҳонгир (1.1.1).

Онаси – Марямсултон.

Фарзандлари – 1 ўғил, 1 қиз (1/3).

Умри – 34 йил.

1.1.1.2.1. МУҲАММАД УМАР

1442 йил – 1471 йил, Қандаҳор.

Отаси – Муҳаммад Халил Султон (1.1.1.2).

Онаси – Соҳибсултон.

Султон Ҳусайн (Бойқаро) саройида мулозим,
сўнгра унга қарши исён кўтаради.

Умри – 30 йил.

1.2.1. ҚАЙДУ

1396 йил – 1418 йил, Хирот.

Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).

Онаси – Сабурсултон.

Кобул ҳокими (1407 йил).

Отасининг мулки берилган.

Шоҳрух (4) томонидан асирга олинган ва Ихтиёр-
риддин қалъасида вафот этади.

Умри – 23 йил.

1.2.2. ХОЛИД

1399 йил – 1427 йил.

Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).

Онаси – Сабурсултон.

Шоҳрух саройида мулозим.

Умри – 29 йил.

1.2.3. САЪД ВАҚҚОС

1400 йил – 1418 йил, Озарбайжон.

Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).

Онаси – Ўрдумулк.

Мироншоҳ (3)нинг қизларидан бири Ражаб-
султонбегимга уйланган. Малика оқила ва жасур
бўлган. 1414 йилда Саъд Ваққос Қум вилоятининг
ҳокими Қора Юсуф тарафига ўтиб олган.

Умри – 19 йил.

1.2.4. ҚАЙСАР

1401 йил – 1427 йил.

Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).
Онаси – Сабурсултон.
Шоҳрух (4) саройида хизматда бўлган.
Умри – 27 йил.

1.2.5. БУЗАНЖАР

1402 йил – 1422 йил, август.
Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).
Онаси – Сабурсултон.
Шоҳрух саройида хизматда бўлган.
(Фарзанди – /1).
Умри – 21 йил.

1.2.6. ЖАҲОНГИР

1402 йил – 1433 йил.
Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).
Онаси – Сабурсултон.
Шоҳрух саройида хизматда бўлган.
(Фарзанди – 1 /-. Муҳаммад – Кичкинахоним).
Умри – 32 йил.

1.2.7. САНЖАР

1403 йил – 1429 йил.
Отаси – Пирмуҳаммад (1.2).
Онаси – Сабурсултон.
Қайду (1.2.1) саройида, сўнгра Ҳиротда, Шоҳрух
хизматида бўлган. (1418 йил).
(Фарзанди – 3/2).

(Ўғиллари: (оналари – Шоҳсултон кўкалтош),
Абусаид,
Абуисҳоқ, унинг ўғиллари: Жаҳонгир –
Ҳожисултон, Пирмуҳаммад – Шаҳрбону;

Абулхайр, унинг ўғиллари: Иброҳим, ўғли – Муҳаммад Темур, Абусолиҳ, ўғли – Алиакбар, Маликқосим, ўғли – Санжар, унинг ўғли – Нуриддин)

Умри – 27 йил.

2. УМАРШАЙХ

Соҳибқироннинг Тўлин оқадан туғилган фарзанди. 1356 (1354) йил, Самарқанд (Кеш) – 1394 йил, 16 январь, Курдистон.

Ҳиндувон қалъасини эгаллаш (1370)да алоҳида жасорат кўрсатган, Андижон ҳокими (1375). Хизрхўжанинг лашкарбошиларидан Анқа Тўрани чегарада бартараф этади (1388). Уч йиллик ва беш йиллик юриш давомида мислсиз қахрамонликлар кўрсатади. Форс ҳукмдори (1393 йил).

6 нафар ўғил қолган (12/5).

(**Ўғиллари:** Исфандиёр – Маликат оқа, Муҳаммад – Бекмулк оқа, Бистом – Бахтсултон, Али – Меҳрнуш, Умар – Меҳрнуш, Достон – Текиш хотун. *Қолган ўғиллар ҳақида қуйида маълумот берилади.*

Қизлари: Насабсултон – Султон оқа, Бобобека – Бекмулк оқа, Зубайдасултон – Бахтсултон, Саодатсултон – Меҳрнуш, Жаҳонсултон – Қутлуғ Туркон).

Умаршайх Мирзо Кеш (Шаҳрисабз)да дафн этилган.

Умри – 39 (41) йил.

Маликалари:

Мулкат оқа – Хизр Ўғлоннинг қизи. Умаршайхнинг вафотидан сўнг Шохрух (4)га турмушга чиққан.

Қутлуғ Туркон оқа, 1 ўғил, 1 қиз.

Султон оқа, 1 қиз.

Бекмулк оқа – хожа Юсуф ибн Улжайту апардининг қизи, 1 ўғил, 1 қиз.

Бахтсултон – Ясовур жалойирнинг қизи, 1 ўғил, 1 қиз.

Туғлуқсултон.

Меҳрнуш, 2 ўғил, 1 қиз.

Текиш хотун, 1 ўғил.

Севинчқутлуғ оқа (1390) – Соҳибқироннинг синг-лиси Ширинбека оқанинг қизи.

Ўғиллари:

2.1. ПИРМУҲАММАД

1379 йил – 1410 йил, Кермон.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Мулкат оқа.

Форс ҳукмдори бўлган. (1394–1400, 1403–1410).

Ўзи шарбатдорликдан амирлик даражасига кўтарган Хожа Ҳусайн томонидан сафарда заҳарлаб ўлдирилади.

Фарзанди – 2 ўғил (7/1).

Умри – 32 йил.

2.1.1. УМАРШАЙХ

1398 йил – 1429 йил, Хирот.

Отаси – Пирмуҳаммад (2.1).

Онаси – Нигор оқа.

Бувиси Мулкат оқа қўлида тарбияланган.

Исфаҳон ҳокими (1408). Искандар (2.3) хизматида. 1411 йилдан Шоҳрух саройида мулозим.

Умри – 32 йил.

2.1.2. СОЛИХ

1406 йил – 1452 йил, Ҳирот.

Отаси – Пирмуҳаммад (2.1).

Онаси – Нигор оқа.

Шоҳрух саройида мулозим. Абдуллатиф (4.1.4)га нисбатан кек сақларди.

Фарзанди – (4/3).

(Ўғиллари: Абулайс – Шоҳсултонбека, Султон Халил – Шоҳсултонбека, Пирмуҳаммад, Умаршайх.

Қизлари: Руқиясултон, Фотимасултон, Шарифасултон, оналари – Шоҳсултонбека).

Умри – 47 йил.

(Яна Пирмуҳаммад (2. 1.)нинг ўғиллари: Дарвиш Муҳаммад – Нигор оқа, Илонгир – Нигор оқа, Абуисҳоқ – Нигор оқа, Жонқобил – Одилсултон оқа, Бузанжир в. 1422 й.)

2.2. РУСТАМ

1381 йил – 1424 йил, Исфаҳон.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Қутлуғ Туркон оқа.

Исфаҳон ҳокими (1405). Акаси Пирмуҳаммад (2.1)га қарши курашади. Искандар (2.3)ни қатл этади. Ироқ ва Форс ҳукмдори (1415).

Фарзанди – 2 ўғил (9/-).

Умри – 44 йил.

2.2.1. ПИРМУҲАММАД

Отаси – Рустам.

Онаси – Маҳдумасултон.

Фарзандлари – 3/5.

2.2.2. СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

Отаси – Рустам.

Онаси – Маҳдумасултон.

Фарзандлари – 4/1.

(Ўғиллари: *Рустам* – Бекажон оқа, унинг ўғиллари: Султонали – Ёдгорбегим, Султон Масъуд, унинг ўғли – Мирзажон; *Жаъфар*, унинг ўғиллари: Фаррухзод, Маҳмуд Султон, Санжар, Аҳмад, Турди Муҳаммад, унинг ўғли Али; *Умаршайх*, *Бойқаро*).

(**Яна Рустам (2. 2.)нинг ўғиллари:** Усмон (1400–1424) – Дилшод қипчоқ, унинг ўғиллари: *Султонали*, унинг ўғли Султон Хусайн; *Султон Муҳаммад* – Ойшабека, унинг ўғиллари Саъд Ваққос ва Умар; Олимшайх – Саодатсултон, Султон (1404–1423) – Саодатсултон, Жаъфар – Дилшод қипчоқ, Муҳаммад Қочули – Исан мўғул, Суюрғатмиш – Исан мўғул, Муҳаммад Султон – Бахтсултон).

2.3. ИСКАНДАР

1384 йил – 1415 йил.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Мулкат оқа.

Яздий «Зафарнома»сида катта ёшида ҳам сут эмгани қайд этилган.

Андижон (1399), Хамадон (1403) ҳокими. Жуда чалкаш ва қизиқ тақдир соҳиби. Ундан Пирали исмли ўғил қолган (1400–1415).

(Фарзандлари – 3/1).

(Ўғиллари: Пирали – Жонмалик, Султонали – Жонмалик, Маҳди – Шерзодмалик).

Умри – 32 йил.

2.4. АҲМАД

1388 йил – 1425 йил.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Мулкат оғо.

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Кони-гилда уйланиш тўйини ўтказган эди. Шоҳрух (4) саройида, Фарғона ҳокими (1409). Улуғбек билан зиддиятлардан сўнг Қашқарга ўтиб кетади (1414). Шоҳрух даъвати билан қайтади ва шаробга ружу қўяди.

(Фарзандлари – 8/5).

(Ўғиллари: Муҳаммад Али – Тожмулк, Султон Маҳмуд – Хуршид оқа, Санжар (в. 1459 й.) – Тожмулк, Султон Иброҳим – Хуршид оқа, Султон Боязид – Хуршид оқа, Султон Муҳаммад – Хуршид оқа, унинг ўғиллари – *Исфандиёр, Аҳмад, Ориф*, оналари – Саодатсултон; Султон Муҳаммад – Давлаткелмиш оқа, Султон Муҳаммад – Фотима)

Умри – 38 йил.

2.5. САЙДИ АҲМАД

1391 йил – 1429 йил.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Туғлуқсултон жалойир.

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Кони-гилда уйланиш тўйини ўтказган эди. Шоҳрух (4) саройида. Шибирғон суюрғол қилинган.

Фарзандлари – 2 ўғил.

Умри – 39 йил.

2.5.1. АҲМАД

1420 йил – 1498 йил, Хирот.

Отаси – Сайди Аҳмад (2.5).

Онаси – Маҳдумасултон оқа.

Султон Ҳусайн Хуросонни олгач, Ҳирот шаҳрининг доруғаси бўлган.

Умри – 78 йил.

2.5.1.1. МУҲАММАД СУЛТОН (Кичик Мирзо)

1458 йил – 1484 йил.

Отаси – Аҳмад (2.5.1.)

Онаси – Оқабегим (2.6.3.Б) (Султон Ҳусайн (2.6.3.2)нинг кичик опаси).

Ақлли, билимдон йигит бўлганидан тоғаси Султон Ҳусайн (2.6.3.2) саройида соҳибихтиёр бўлган. Ёшлик ғурурига бориб, мавқеини йўқотади. Хожа Абдулло Ансорий мазоридан қайтишда шаҳаншоҳ (тоғаси)га одобсизлик қилгани учун Ихтиёриддин қалъасига ташланади.

(Фарзандлари – 3/4).

Умри – 27 йил.

2.5.2. УСМОН

Сайди Аҳмад (2.5)нинг ўғли, маълумот сақланмаган, фақат ундан Абдулбоқи (2.5.2.1) исмли ўғил қолгани маълум. Унинг онаси оққўйли туркманлардан экан.

Шайбонийга қарши жангда (1507) ҳалок бўлган.

2.6. БОЙҚАРО

1393 йил – 1423 йил, Самарқанд.

Отаси – Умаршайх (2).

Онаси – Мулкат оқа.

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Кони-гилда уйланиш тўйини ўтказган эди. Тароват ва жасоратда тенгсиз бўлган. Дастлаб Форс ўлкаси ҳукмдори (1412), сўнг бу жойларни Шохрух (4) эгаллайди.

Шоҳрух 1414 йилда Ҳамадонни суюрғол қилиб беради. Искандар (2.3)нинг қутқуси билан Шоҳрухга қарши бориб, Шероздан Иброҳим Султон (4.2)ни қувиб чиқаради. Қайду (1.2.1)га суиқасд уюштиради. Улуғбек (4.1) фармони билан қатл этилади.

Фарзандлари – 3 ўғил (6/6).

Умри – 31 йил.

2.6.1. МУЗАФФАР

1409 йил – 1429 йил.

Отаси – Бойқаро (2.6).

Онаси – Қутлуғсултонбегим.

Умри – 21 йил.

2.6.2. МУҲАММАД

Маълумот учрамайди.

Отаси – Бойқаро (2.6).

Онаси – Офоқ оқа.

Ўғли – Султон Увайс (2.6.2.1) Султон Абусаид (3.6.2) хизматида бўлган ва унга қарши исён кўтарган.

2.6.3. ГИЁСИДДИН МАНСУР

1413 йил – 1445 йил, Ҳирот.

Отаси – Бойқаро (2.6).

Онаси – Қутлуғ Туркон оғо.

Ҳукмронлик қилмаган, оддий одамлардек яшаган.

Фарзандлари – 2 ўғил, 2 қиз (5/5).

Умри – 33 йил.

(Яна Бойқаро (2. 6.)нинг ўғиллари: Музаффар – Одилсултон оқа, Темурбек – Меҳрнуш оқа, Аҳмадқора – Меҳрнигор оқа.

Қизлари: Саодатсултон – Бекасултон, Саодатсултон – Лаълбека, Хонсултонбека – *Мироншоҳнинг ўғли Муҳаммад Темурга* турмушга чиққан, Марямсултонбека – Одилсултон оқа, Жаҳонгир (1. 2. 6.)га турмушга чиққан, Бека – Офоқ оқа, Фотимасултон – Бекасултон).

2.6.3.А. БАДИУЖЖАМОЛБЕГИМ (Бадакабегим, Бадржамолбегим)

Отаси – Ғиёсиддин Мансур (2.6.3).

Онаси – Ферузабегим (А.1.А).

Султон Ҳусайн (2.6.3.2.)нинг опаси.

Дашти Қипчоқ султонларидан Пирбудоққа, у ўлдирилгач, Олтин ўрдалиқ Аҳмадхонга турмушга чиққан. Унинг қизи Хонзодабегимни 1487 йил Султон Ҳусайн (2.6.3.2) суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн (2.6.3.2.6)га никоҳлаб беради. Султон Маҳмудхон, Баҳодир Султон исмли ўғиллари ҳам бўлган.

2.6.3. Б. ОҚАБЕГИМ

Отаси – Ғиёсиддин Мансур (2.6.3).

Онаси – Ферузабегим (А.1.А).

Сайди Аҳмад (2.5)нинг ўғли Аҳмад (2.5.1)га узатилган. Уларнинг никоҳидан ягона ўғил – Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) (2.5.1.1) туғилган.

(Ғиёсиддин Мансур (2. 6. 3.)нинг ўғиллари: Дарвиш Муҳаммад, Муҳаммад Бади, Муҳаммад Музаффар, оналари – Зубайдасултон, Аҳмад (2. 4.)нинг қизи). *Қолган ўғиллар ҳақида қуйида маълумот келтирилади.*

Қизлари: Шаҳрбону, Меҳрнигор, оналари – Зубайдасултон, Ўрунсултонхоника – Ферузабегим).

2.6.3.1. БОЙҚАРО

1430 йил – 1487 йил.

Отаси – Ғиёсиддин Мансур (2.6.3).

Онаси – Ферузабегим (А.1.А), Соҳибқироннинг катта қизи Тоғайшоҳ Оқабегим (А.)дан набираси Султон Ҳусайн(А.1)нинг қизи бўлган. (У 1469 йил июлда вафот этади). (Султон Ҳусайнга Мироншоҳ(3)нинг қизи Қутлуғсултон узатилган эди.)

Бир неча муддат Балхни бошқарган.

Фарзандлари – 3 ўғил (3/4).

Умри – 58 йил.

2.6.3.1.1. СУЛТОН МУҲАММАД

1449 йил – 1483 йил

Отаси – Бойқаро (2.6.3.1).

Онаси – Зубайдасултон

Султон Ҳусайн (2.6.3.2.) саройида хизматда бўлган.

Умри – 35 йил.

2.6.3.1.2. СУЛТОН УВАЙС

1451 йил – 1491 йил.

Отаси – Бойқаро (2.6.3.1).

Онаси – Саодатсултон.

Султон Ҳусайн (2.6.3.2) катта қизи Зайнабсултонимбегим (2.6.3.2.А)ни унга никоҳлаб берган. 1 қиз, 1 ўғил кўрган. Ўғли – Муҳаммад Султон кейинчалик Бобур хизматида бўлиб, Куннуж вилоятини бошқарган.

Умри – 41 йил.

2.6.3.1.3. ИСКАНДАР

1455 йил – 1502 йил.

Отаси – Бойқаро (2.6.3.1).

Онаси – Саодатсултон.

Султон Ҳусайннинг еттинчи қизи Султоннажод-бегим (2.6.3.2.Ё)га уйланган.

Умри – 48 йил.

2.6.3.2. СУЛТОН ҲУСАЙН (Шаҳаншоҳ)

1438 йил, июль– 1506 йил, 5 май, Ҳирот.

Отаси – Ғиёсиддин Мансур (2.6.3).

Онаси – Ферузабегим (А. 1. А.).

Абулқосим Бобур саройида (1452), унинг Абусаид (3.6.2)га қарши Самарқандга юришларида қатнашди, ҳибс этилди. Санжар Мирзо (2.4.3) ҳузурида, унга куёв. Хивани эгаллаган (1467). Хуросон ҳукмдори бўлган (1469 йил, 24 мартдан). Давлати чегаралари – шимолда Хоразм, жанубда Қандаҳор, шарқда Ғазни ва Балх, ғарбда Домғон ва Бистом. Унинг даврида Ҳирот маданият ва санъат марказига айланган. Буюк шоир Алишер Навоийнинг дўсти, «Ҳусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Темурийлар сулоласининг энг ёрқин намояндаларидан бири бўлган.

Фарзандлари – 14 ўғил, 11 қиз (21/17).

Умри – 69 йил.

Маликалари:

Бекасултонбегим, 1457 йил уйланган, Аҳмад Мирзо (2.4)нинг набираси, 1 ўғил фарзанд кўрган.

Чўлибегим, қозоқ бекларининг қизи, 1 қиз.

Шаҳрибонубегим, Султон Абусаид (3.6.2)нинг қизи. Талоқ қилган.

Пояндасултонбегим, Султон Абусаид қизи, 1 ўғил, 4 қиз.

Ҳадича оқабегим (1451), амир Муҳаммад Сарик қизи, 2 ўғил.

Попо (Бобо) оқачабегим, 5 ўғил, 4 қиз.
Офоқбегим, Попооқачабегимнинг эмакдоши.
Менглибий оқача, ўзбек хонимларидан. 3 ўғил, 2 қиз.

Латифасултон оқача, канизаклардан, 2 ўғил.
(2/1)

Бегимсултон оқача.

Зубайдабегим, 1 қиз.

Тўлакбегим, Хусайн сўфи қизи.

Султон Хусайннинг ўғиллари:

2.6.3.2.1. БАДИУЗЗАМОН

1458 йил – 1515 йил, Истанбул.

Онаси – Бекасултонбегим.

Астробод, Балх ҳокими. Хулқ-атвори гўзал, маънавияти етук шахс бўлиш билан бирга туркий ва форсий тилда шеърлар ёзган. Таъб назмини Алишер Навоий юқори баҳолаган.

Фарзанди – 2 ўғил (2/1).

Умри – 58 йил.

2.6.3.2.1.1. МУҲАММАД МЎМИН

1486 йил – 1497 йил.

Отаси – Бадиуззамон (2.6.3.2.1).

Онаси – Ўринсултонхоникабегим (Абусаид (3.6.2)нинг Шохрухнинг набираси Алоуддавла (4.3.1)нинг қизи Руқиясултонбегим никоҳидан туғилган қиз).

Астробод ҳокими. Бобоси Султон Хусайн фармони билан Ихтиёриддин қалъасида қатл этилган.

Умри – 12 йил.

2.6.3.2.1.2. МУҲАММАД ЗАМОН

1496 йил – 1539 йил.

Отаси – Бадиуззамон (2.6.3.2.1).

Онаси – Таҳматинбекнинг қизи.

Эрон шоҳи мулозиматида, Астробод ҳокими бўлган (1515). Шайбоний билан жангда асир тушиб, қочган. Кобулга ҳужум қилади, сўнгра Бобур (3.6.2.4.1) хизматида бўлган. Бобур ўз қизларидан бири – Маъсумани никоҳлаб берган. Биҳар вилояти ҳокимлигига тайинлайди. «Бобурнома»да ҳурмат билан тилга олади.

Умри – 44 йил.

2.6.3.2.2. ШОҲҒАРИБ

1471 йил – 1496 йил.

Онаси – Хадичабегим.

Ҳирот шаҳри ҳокими. Жасур, табиати чиройли, сўзлари ёқимли, бироқ букри бўлган. «Ғарибий» тахаллуси билан шеърлар ёзган, девон тузган. Иқтидорини Алишер Навоий юксак баҳолаган, «Фарҳод ва Ширин» достонининг 53-бобини унга бағишлаган. Қабрига Султон Ҳусайн ўзи учун тайёрлатган «Санги ҳафт қалам» қора тош ўрнатилади.

Умри – 26 йил.

2.6.3.2.3. АБУТУРОБ

1472 йил – 1498 йил.

Онаси – Менглибиби оқача.

Ўғли – Суҳроб (1490–1509) Бобур маълумоти-ча, «ғариб бадҳайъат, бир кўзи кўр эди». Абутуроб Ироққа кетади ва дарвешликни ихтиёр этади.

Умри – 27 йил.

2.6.3.2.4. АБУЛМУҲСИН

1472 йил – 1507 йил.

Онаси – Латифасултон.

Умри – 36 йил.

2.6.3.2.5. МУҲАММАД МУҲСИН (Кепак Мирзо)

1474 йил – 1507 йил.

Оналари – Латифасултон оқача.

Султон Ҳусайн Абулмуҳсинга Марв, Муҳаммад Муҳсинга Обивард вилоятини берган эди. Мўмин Мирзо қатлидан сўнг улар ғазабланиб, оталарига қарши исён кўтардилар, қаттиқ зарбалар берадилар. Кўп ихтилофлардан сўнг муросага келдилар. Уларга Тус, Машҳад, Обивард, Нисо вилоятлари берилади. Шайбонийхон тунда Машҳадни босади, кучли қаршилик кўрсатадилар. Енгилиб, ака-укалар қатл этилади.

Умри – 34 йил.

2.6.3.2.6. МУЗАФФАР ҲУСАЙН

1473 йил – 1509 йил, Астробод.

Онаси – Хадичабегим.

Астробод ҳокими (1497). Оғир дард билан вафот этади.

Умри – 37 йил.

2.6.3.2.7. МУҲАММАД ҲУСАЙН

1476 йил – 1503 йил.

Онаси – Менглибиби оқача.

Отаси касаллигида Абутуроб (2.6.3.2.3.) билан Ироққа қочади. 1498 йил қўшин билан Астрободни эгаллайди, умрининг охиригача бошқаради. Ҳасба касалидан вафот этади. «Рофизийликни қабул қилган, шоирлиги бор эди» (Бобур).

Умри – 28 йил.

2.6.3.2.8. ФАРИДУН ҲУСАЙН

1478 йил – 1510 йил.

Онаси – Менглибиби оқача.

Акаси Муҳаммад Ҳусайндан сўнг Астробод ҳокими бўлган. Шеърлар ёзган.

Шайбонийхон томонидан қатл этилади.

Умри – 33 йил.

2.6.3.2.9. ҲАЙДАР МУҲАММАД

1479 йил – 1502 йил.

Онаси – Пояндасултонбегим.

Машҳад ва Балх вилоятларини бошқарган. Ўз ажали билан вафот этган. Ягона фарзанди – Шодибегим Бобур саройида бўлган.

Умри – 24 йил.

Попоқачабегимдан туғилган ўғиллар:

2.6.3.2.10. МУҲАММАД МАЪСУМ

1476 йил – 1501 йил.

Қандаҳор берилган эди. Бошқара олмайди.

Умри – 26 йил.

2.6.3.2.11. ИБРОҲИМ ҲУСАЙН

1478 йил – 1505 йил.

Балх ҳокими. Дарвеш Али (Навоийнинг укаси) унга қарши исён кўтаради. Қойин вилояти берилди. Ичкиликка ружу қўйиб, вафот этиб кетади.

Умри – 28 йил.

2.6.3.2.12. ФАРРУХ ҲУСАЙН

1480 йил – 1503 йил.

Ҳукмдорлик қилмаган.

Умри – 24 йил.

2.6.3.2.13. МУҲАММАД ҚОСИМ

1482 йил – 1507 йил.

Шайбонийларга қарши Машҳадда курашмоқчи бўлади. Енгилади ва қатл этилади.

Умри – 26 йил.

2.6.3.2.14. ИБН ҲУСАЙН

1486 йил – 1513 йил Ироқ.

Жасур ва шижоатли бўлган. Акаси Иброҳим Ҳусайдан сўнг 1504 йили унга Қойин вилояти берилган.

Умри – 28 йил.

Султон Ҳусайннинг қизлари:

2.6.3.2. А. ЗАЙНАБСУЛТОНБЕГИМ, онаси – Чўлибегим.

Султон Увайс (2.6.3.1.2.) (вафоти – 1491) ва Абдулбоқи (2.5.2.1.) Мирзоларга никоҳланган (1502). Ўтқир сўз устаси бўлган. 1520 йил Бобур хузурига кетаётганда Нилобда вафот этган.

Пояндасултонбегимдан туғилган қизлар:

2.6.3.2. Б. ОҚБЕГИМ

Қизи – Қоракўзбегим Бобурнинг иниси, Ғазни ҳокими Носир (3.6.2.4.3)га узатилган. 1504 йилда вафот этган.

2.6.3.2. В. БЕКАБЕГИМ

Холаси Робиясултонбегимнинг ўғли Бобур (Мироншоҳ (3)нинг авлодларидан бири)га узатилган. 1502 йил вафот этган.

2.6.3.2.Г. ОҚАБЕГИМ

Холаси Р.нинг бошқа ўғли – Султон Муродга узатилган.

2.6.3.2.Д. КИЧКИНАБЕГИМ

Султон Масъуд (3.6.2.3.1)га онаси бермаган. Отаси ҳаётлигида вафот этиб кетган. Сайид ота авлодларига турмушга чиққан эди.

Попооқачабегимдан туғилган қизлар:

2.6.3.2.Е. САОДАТБАХТБЕГИМ (Бегимсултон)

Султон Маъсуд (3.6.2.3.1.)нинг кўзига мил тортилгач, унга узатилган. 1 ўғил, 1 қизи бўлган. Каъбатуллоҳга ўғли билан кетиб, ўша ерда қолган.

2.6.3.2.Ё. СУЛТОННАЖОТБЕГИМ

Искандар (2.6.3.1.3.)га узатилган.

2.6.3.2.Ж. МУНАВВАРСУЛТОНБЕГИМ

Андхўй сайидларидан Сайид Мирзога узатилган.

2.6.3.2.З. БАЙРАМСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – Менглибий оқача.

Сайид Абдулло Мирзога узатилган. Ўғли Сайид Барака Бобур Самарқанддалигида хизматида эди, Астрободда қизилбошлар қўлида ҳалок бўлган.

2.6.3.2.К. ФОТИМАСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – Менглибий оқача. Мироншоҳ наслидан Ёдгор Мирзо (Сайди Аҳмад (3.7)нинг набираси)га узатилган.

2.6.3.2.Л. ОЙШАСУЛТОН ОҚАБЕГИМ

Онаси – Зубайдабегим. Ўғиллари Қосим Хусайн Султон (Бадовун ҳокими) ва Абдулло Султонлар Бо-
бор хизматида бўлган.

3. МИРОНШОХ

Соҳибқироннинг Менглибека оқа Жониқурбо-
нидан туғилган фарзанди, 1366 йил, Мовароун-
наҳр – 1408 йил, Озарбайжон (Сардруд мавзеси).

14 ёшида Хуросон ҳукмдори, Хулогу давлати
ҳудудлари подшоси (1393). 1396 йил отдан йиқилиб
шикастланади, бу унинг ҳаётига кескин таъсир
этади. Сўнгра соғлиғи тикланиб, давлат ишларида
фаол иштирок этади. Унинг авлоди Темурийлар су-
лоласида энг узоқ даврон сурган.

7 нафар ўғил ва бир неча қиз (12/6) қолган.

Умри – 43 йил.

Маликалари:

Давлатқолди – Пояндасултонбегим авлодидан.

Севинбека (Хонзодахоним) – Жаҳонгир Мирзо
(1) вафотидан сўнгра уйланган.

Ўринсултонхоника – Суюргатмишхон қизи.

(Жами – 10 нафар).

Қизлари:

Фотимасултон.

Бекасултонбегим – Умаршайхнинг ўғли Искан-
дар (2.3)га узатилган.

Қутлуғсултонбегим – Соҳибқироннинг қизи
Тоғайшоҳ оқабегим (А.)дан набираси Султон
Хусайн(А. 1.)га узатилган.

Саодатсултон.

Ражабсултонбегим – Саъд Ваққос (1.2.3)га, унинг вафотидан сўнг укаси Санжар (1.2.7)га узатилган.

Робиясултон.

Ўғиллари: (Муҳаммад Қосим – Севинчбека, Жамшид – Мурод, Қарочар – Руҳпарвар, Муҳаммад Темур – Давлатбахт. *Қолган фарзандлари ҳақида қуйида маълумотлар берилди.*)

3.1. АБУБАКР

1382 йил – 1417 йил.

Отаси – Мироншоҳ (3).

Онаси – мўғул маликаси Ўринсултонхоника.

1399 йилда отаси ўрнида ҳоким қилиб тайинланади, бироқ рад этади. Укаси Умар (3.2) билан бир умр ихтилофда бўлган. Яздий «Зафарнома»сида Абубакрни хожи Сайфуддиннинг қизи Шодмуллка, Боязиднинг қизига (1402), Мардин ҳокими Султон Исонинг қизига бобосининг таклифи билан уйланиганини ёзган.

(Фарзандлари – 5/7).

Ўғиллари: Али – Дурсултон оқа, Усмон Жадий (1401–1408) – Дурсултон оқа, Чўлпонмулк оқа тарбиясида бўлган, Илонгир (1396–1409) – Жаҳон хотун, Сухроб – Гулмулк, Афросиёб.

Қизлари: Ойшасултон – Шоҳмулк оқа, Ўгасултон – Шоҳмулк оқа, Зоҳидасултон – Шоҳмулк оқа, Зухрасултон – Дурсултон, Одилсултон – Жаҳон хотун, Ҳабибасултон – Гулмулк, Кермонсултон – Шоҳмулк оқа).

Умри – 36 йил.

3.2. УМАР

1383 йил – 1407 йил, Хирот.

Отаси – Мироншоҳ (3).

Онаси – Ўринсултонхоника.

Самарқанд ҳокими (1398, март). 1399 йилдан отаси ўрнида ҳоким – Хулогу давлати ҳудудлари подшоси. Бобоси вафотидан кейин бек атка Жаҳоншоҳ билан ихтилофи мавқеига путур етказди. Амакиси Рустам (2.2.) кўмагида Султонияда турган акаси Абубакр (3.1.)га ҳужум қилади. Бироқ натижа бўлмагач, Шоҳрух (4) хузурига боради.

(Фарзандлари – 2/1)

(Ўғиллари: Ясугей – Пояндабека, Бахшойиш – Лаълбиби, қизи Султонбадржамол – Лаълбиби).

Умри – 25 йил.

3.3. ХАЛИЛ СУЛТОН

1384 йил – 1411 йил, Рай.

Отаси – Мироншоҳ (3).

Онаси – Хонзодахоним.

15 ёшида Ҳиндистон юришида жасорат кўрсатиб, бобосининг таҳсинига сазовор бўлади. Етти йиллик юришда ҳам фаол қатнашади. Соҳибқироннинг синглиси Ширинбека оқанинг ўғли Алининг қизи Жаҳонсултонбегимга ҳам уйланган.

Соҳибқирон вафотидан сўнг Самарқанд тахтига ўтиради. Канизак Шодмулк билан ишқий можаролар бошланади. Шоҳрух унга Рай вилоятини беради, шу ерда вафот этади.

(Ўғиллари: Муҳаммад Бурғул (1399 й.) – Жаҳонсултонбегим, Муҳаммад Баҳодир – Жаҳонсултонбегим, Муҳаммад Боқир (1406-1434) – Шодмулк оқа, Али – Тўқмоқ.

Қизлари: Ширинбека оқа – Жаҳонсултонбегим, Кичик оқа – Жаҳонсултонбегим, Султонбадрулмулк – Шодмулк оқа, Мирзо Улуғбек (4. 1.)га турмушга чиққан, Сароймулк оқа).

Умри – 28 йил.

3.4. ИЙЖАЛ

1387 йил – 1415 йил, Рай.

Отаси – Мироншоҳ (3).

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Кони-гилда уйланиш тўйини ўтказган эди.

Дастлаб Бадахшон, сўнг Рай (1411) ҳокими.

(Ўғиллари: Мироншоҳ – Ўринсултон оқа, Музаффар – Шоҳмулк оқа.

Қизлари: Пояндасултон – Ўринсултон оқа, Саодатсултон – Шоҳмулк оқа).

Умри – 29 йил.

3.5. СУЮРҒАТМИШ

1399 (1386) йил – 1411 йил.

Отаси – Мироншоҳ (3).

Ҳукмронлик қилмаган.

Умри – 13 (26) йил.

(Ўғиллари: Муҳаммад Бади, унинг ўғиллари: Умар, ўғли Шоҳ Ҳусайн; Усмон, унинг фарзандлари: Рустам, Санжар, Муҳаммад Бади, Темур, Дурсултон, Оқабек, Пояндасултон; *Муҳаммад Қосим*, унинг фарзандлари: Бобур, Султонмурод, Абулқосим, Оқбек, Мехрбону, Бекабек, Оқабек, оналари – Робиясултонбека;

Қосим;

Баҳор, унинг фарзандлари: Жаҳонгир, Суюрғатмиш, Саъд Ваққос (ўғли Муҳаммад Мироншоҳ) –

оналари – Гулбекабека, Султон Муҳаммад – Мунис-султон, Меҳрбонубека, Шаҳрбонубека, яна 2 қиз).

Ийжил, фарзандлари: Абдулла, Абдулжаббор, Саодатсултон, Бахтсултон).

3.6. СУЛТОН МУҲАММАД

Яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган.
Отаси – Мироншоҳ.

У Мироншоҳнинг қизларидан бирининг ўғли ҳам бўлиши мумкин (*олим Турғун Файзиев изоҳи*). Бошқа бир манбада Мироншоҳ Мирзо (3)нинг ўғиллари қаторида 8–9 ўринда қайд қилинган. Сухроб курдининг қизи Шоҳислимга уйланган, ундан 2 ўғил, 1 қиз кўрган, дейилади.

(Онаси – Меҳрнуш).

Фарзандлари – 2 ўғил (2/1).

3.7. САЙДИ АҲМАД

Яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган.
Отаси – Мироншоҳ.

Онаси – Давлатқолди.

Амакиси Шоҳруҳ замонида фақир ва дарвишона ҳаёт кечирган. Шоир сифатида танилган. Навоийнинг хабар беришича, ўзбекча ва форсча девон тузган. «Салим таъб ва пок зеҳн киши эрди. Хили машхур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор» (*Алишер Навоий*). Дунёвий адабиётда машхур бўлган Хоразмий «Муҳаббатнома»си руҳида «Таашшукнома» (1436) дostonини ёзган ва уни Шоҳруҳ Мирзо (4.)га бағишлаган.

(Фарзандлари – 10/2)

(Ўғиллари: Абулмаолий – Ҳожи хотун. Абу-солиҳ – Қутлуғсаодат.

Фаррухзод – Қутлуғсаодат, унинг ўғиллари Фаррухқадам, Султон Муҳаммад, Ёдгор, Фаррухбек, унинг ўғиллари Султон Мансур, Султон Мурод, Бобур, Фаррухнажот;

Султон Аҳмад (Маҳмуд) – Ойшабека, ўғли Муҳаммад Султон;

Муҳаммад Боқир – Руқиясултон. Усмон – Руқиясултон. Зайнилобиддин – Руқиясултон. Музаффар – Руқиясултон. Ғазанфар – Соҳибсултон. Суҳроб – Соҳибсултон.

Қизлари: Давлатқолди, Асилсултон, оналари – Руқиясултон).

3.6.1. МАНУЧЕҲР

1418 йил – 1469 йил, Рустамдор.

Отаси – Султон Муҳаммад (3.6).

Онаси – Шоҳислим.

Укаси Абусаид (3.6.2) хизматида бўлган.

Султон Ҳусайн (2.6.3.2)га қарши фитнада қатнашгани учун қатл этилади.

Ўғли – Малик Муҳаммад (1458(1448) – 1494) Султон Маҳмуд (3.6.2.3) Самарқанд тахтига ўтиргач, ўз қайнотасига қарши қўшин тортади. Жангда асир тушиб, Кўксаройда қатл этилади.

Қизи – Қоракўзбегим Султон Абусаиднинг тўртинчи ўғли Умаршайх (3.6.2.4)га узатилган.

Умри – 52 йил.

3.6.2. СУЛТОН АБУСАИД

1424 йил – 1469 йил.

Отаси – Султон Муҳаммад (3.6).

Онаси – ?

Самарқандни эгаллашувчундастлабки ҳаракатларида (1449) Мирзо Улуғбек (4.1)дан зарба ейди.

Абдуллатиф (4.1.4) қатлга етказилганда (1450) Туркистон унинг қўлида эди. Ўзбек хони Абулхайрхон кўмагида Абдулло (4.2.3)ни енгиб, Самарқандни эгаллайди. Хожа Аҳрор Валини Тошкентдан Самарқандга чақиртириб, ўзига яқин олади. Абулқосим Бобур (4.3.3) вафотидан сўнг Хуросонни ҳам фатҳ этади. Ўз донишмандлиги, бир вақтнинг ўзида шафқатсизлиги билан машҳур. Кўплаб шахзодаларни қатл этган. Узун Ҳасанбек бошлиқ оққўйли туркмонлар Қорабоққа бориш йўлини тўсиб, Ширвонда маҳв этади.

Фарзандлари: 11 ўғил, 14 қиз (25/34).

(Ўғиллари: Муҳаммад Жаҳонгир, Султон Жаҳонгир, оналари – Давлатбахт оқа, Султон Иброҳим – Канизакбегим оқа, Бойсунғур (1456) – Руқиясултонбегим, Султон Санжар – Дилшод оқача, Абдулло – Боймулк оқача, Султон Муҳаммад (в. 1494) – Ҳанифасултон оқача, Искандар – Давлатсултон оқача, Шоҳмансур – Бўлғон оқача, Мироншоҳ – Гавҳарсултон оқача, Рустам – Гулшоҳ оқача, Султон Усмон – Сабурсултон оқача, Музаффар – Бибисултон оқача. *Қолган ўғиллари ҳақида қуйида маълумот берилади.*

Қизлари: Пояндасултонбегим – Дилшод оқача, Султон Ҳусайн (2. 6. 3. 2.)га турмушга чиққан, Робиясултонбека – Дилшод оқача, Суюртғатмиш (3. 5.)нинг набираси Муҳаммад Қосимга турмушга чиққан, Шаҳрибонубека – Боймулк оқача, Султон Ҳусайн (2. 6. 3. 2.) га турмушга чиққан. Яна 31 нафар қизлар). Отаси вафотидан сўнг 7 нафар қизи Бобур (3.6.2.4.1) ҳузурига боради.

Умри – 46 йил.

Маликалари:

Хонзодахоним – Абулхайрхон қизи.

Робиясултон – Мироншоҳ(3)нинг ўғли Муҳаммад Темур қизи.

Ўтабегим (Оқабегим) – Мирзо Улуғбек (4.1)нинг қизи.

Руқиясултонбегим – Шохрух (4)нинг Бойсунғур ўғлидан туғилган Алоуддавла (4.3.1)нинг қизи.

Офоқ оқача кўкалдош – Алоуддавла (4.3.1)нинг ўғли Иброҳимнинг қизи.

Маликсултонбегим – Ўрдабуға тархоннинг қизи.

Хонзодабегим – Тожиддин Термизийнинг қизи.

Шаҳзодабегим – Шох Муҳаммад Бадахшонийнинг қизи.

Боймулк оқача – Жон Дарвишнинг қизи.

Хадичабека – Мавлоно Насриддиннинг қизи.

Нусратсултон оқа – Шохвали сулдузнинг қизи.

Бибисултон оқача – Ферузшоҳ қавчиннинг қизи.
(Малика ва канизақлари жами – 35 нафар.)

3.6.2.1. СУЛТОН АҲМАД

1451 йил, Самарқанд – 1494 йил, Оқсув.

Отаси – Султон Абусаид (3.6.2).

Онаси – Ўрдабуға тархоннинг қизи (Маликсултонбегим).

Отаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларини, кейинчалик Хўжанд ва Ўратепани берган. Шижоатли, мерган, ҳаёли (оёғини уй ичида ҳам ёпиб юраркан) одам. Ичкиликка ружу қўйса, 20–30 кун тинимсиз ичган. Тўрт бора жанг қилиб, ҳаммасида енгган. Куёви, мўғул ҳукмдори Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузиб, Умаршайх (3.6.2.4)га қарши Андижонга хужум қилади. Бобур (3.6.2.4)га тахтни инъом этиб, қайтаётганда йўлда вафот этади.

Фарзандлари – 2 ўғил, 5 қиз (-/6).

Ўғиллар ёшлигида вафот этган.

(Қизлари: Робиясултонбегим (Қарокўзбегим) – Қутлуғбегим, Солиҳасултонбегим (Оқбегим) – Қутлуғбегим, Султон Масъуд (3. 6. 2. 3. 1.)га турмушга чиққан, Ойшасултонбегим – Қутлуғбегим, 5 ёшлигида Бобур (3. 6. 2. 4. 1.)га унаштирилган, Самарқандни иккинчи марта олганда уйланган, Фахринисо исмли қиз туққан, Бобур никоҳидан чиққан; Султонбегим – Қутлуғбегим, Султон Али (3. 6. 2. 3. 3.)га турмушга чиққан, Маъсумасултонбегим – Ҳабибасултонбегим, Бобурга (1507) турмушга чиққан, Гулбекабегим, Суюрғатмиш (3.5.)нинг ўғли Баҳорга турмушга чиққан).

Умри – 44 йил.

Маликалари:

Меҳрнигорхоним – Юнусхоннинг катта қизи.

Тархонбегим.

Қутлуғбегим. Ошиқ бўлиб олган, суюкли малика бўлган, феъли эркаксифат шаддод аёл, май ичар экан. 4 қиз туққан.

Хонзодабегим, Термиз хонзодаларидан.

Латифабегим.

Ҳабибасултонбегим.

3.6.2.2. СУЛТОН МУҲАММАД

1452 йил – 1467 йил.

Отаси – Султон Абусаид (3.6.2).

Онаси – Хонзодабегим.

Отасининг Ироқ юриши (1467)да бирга бўлган.

Умри – 16 йил.

3.6.2.3. СУЛТОН МАХМУД

1453 йил – 1495 йил.

Отаси – Султон Абусаид.

Онаси – Ўрдабуға тархоннинг қизи (Маликсултонбегим).

Астробод ҳокими. Таъби назми бўлган, газал ёзган.

Султон Аҳмад (3.6.2.1) вафотидан сўнг Самарқанд ҳукмдори. Султон Ҳусайн (2.6.3.2) билан икки бора урушиб, енгилган. Зулм, фискага зўр берган, дуойибад қилинган. Отаси вафотидан сўнг халқ тахтдан Мосуво қилиб, пойтахтдан ҳайдаб чиқаради.

5 хотинидан 5 ўғил ва 11 қиз кўрган (5/9).

Умри – 43 йил.

Ўғиллари:

3.6.2.3.1. СУЛТОН МАСЪУД

1475 йил – 1506 йил.

Онаси – Хонзодабегим Термизий.

Ҳисор ҳокими. Отаси вафотидан сўнг укаси Бойсунғур (3.6.2.3.2)га қарши кўшин тортади, натижа бўлмагач, Султон Ҳусайн (2.6.3.2) ҳузурига боради.

Ўз отабеги Хусравшоҳ унинг кўзига мил тортади. Ҳусайн (2.6.3.2) қизи Бегимсултон (2.6.3.2.Е)ни никоҳлаб беради.

Умри – 32 йил.

3.6.2.3.2. БОЙСУНҒУР

1477 йил, Ҳисор – 1499 йил.

Онаси – Пошшабегим.

Устози – Саййид Маҳмуд шиа мазҳабидан эди. «Одилий» деб шеър ёзган. Бухоро, Самарқанд

ҳокими. Укаси Султон Али (3.6.2.3.3) ва Бобур (3.6.2.4.1)га қарши курашади. Самарқандни Бобурга олдириб, Ҳисорга, Ҳусравшоҳ ҳузурига боради. Ҳарбий юриш асносида Ҳусравшоҳ бўғиб ўлдиради.
Умри – 23 йил.

3.6.2.3.3. СУЛТОН АЛИ

1483 йил – 1500 йил, Қўлба.

Онаси – Зухрабегим.

Қарши, Бухоро ҳоими. 1498 йил эрта баҳорда Самарқандни эгаллайди. Бобурга қарши туриш учун онаси Шайбонийга хат ёзиб, уйланишни таклиф қилади. Шайбоний шаҳарни эгаллаб, Султон Алини ялангликда қатл қилади.

Умри – 18 йил.

3.6.2.3.4. СУЛТОН ҲУСАЙН

1481 йил – 1493 йил.

Онаси – Хонзодабегим (Мир Бузрукнинг набира-си).

Ўратепа вилояти ҳоими бўлган.

Умри – 13 йил.

3.6.2.3.5. СУЛТОН УВАЙС (Мирзохон)

1485 йил – 1526 йил, Бадахшон.

Онаси – Нигорхоним (Юнусхоннинг қизи, Бобурнинг холаси).

Отаси вафот этганда тоғаси, Тошкент хони Султон Маҳмудхон саройида эди. Кейин Бобур ҳузурига боради. Бобур Султон Ҳусайн таъзиясига фотиҳа учун Ҳиротга кетганда Султон Увайсни Кобул тахтига ўтқазадилар. Азл этиб, Бадахшонни беради.

Умри – 42 йил.

(Ўғли Сулаймон (1514–1589), унинг ўғли Иброҳим (1534–1559), унинг ўғли Шохрух (1557–1592), унинг ўғиллари: Муҳаммад Замон (1576–1613) ва Ҳасан (1580–1605).

3.6.2.3.5.1. СУЛАЙМОН

1514 йил – 1590 йил, Лоҳур.

Отаси – Султон Увайс (Мирзохон).

Отаси вафот этгач, Бобур Бадахшонни беради.

«Зукко» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Гарчи мижози суст бўлса-да, ҳокимият иштиёқида ҳаракати жадал бўлади. Муҳаммад Ҳаким (3.6.2.4.1.1.2)га қарши Кобулни олиш учун 4 марта ҳужум қилади. Набираси Шохрух (3.6.2.3.5.1.1.1) билан кўп курашади, Абдуллахондан ёрдам сўрайди. Акбар саройида вафот этади.

Умри – 77 йил.

Султон Маҳмуд (3.6.2.3)нинг қизлари:

3.6.2.3.А. БЕКАБЕГИМ

Хонзодабегимдан туғилган қизи. Султон Ҳусайн (2.6.3.2) Ҳисорни қамал қилганда Бекабегимни келинликка сўрайди ва Пояндасултонбегимдан туғилган ўғли Ҳайдар (2.6.3.2.9)га никоҳлайди (1495).

3. 6. 2. 3. Б. Исми номаълум. Онаси Пошшабегим. Малик Мурод (Муҳаммад) (3.6.1.1)га турмушга чиққан.

3.6.2.3.В. ОҚБЕГИМ

Онаси – Хонзодабегим.

3.6.2.3.Г. ОЙБЕГИМ

Онаси – Хонзодабегим, Умаршайх (3.6.2.4)нинг ўғли Жаҳонгир (3.6.2.4.2, Бобурнинг укаси)га узатилган (1504).

3.6.2.3.Д. ЗАЙНАБСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – Хонзодабегим. 1504 йил Бобур никоҳига олган.

3.6.2.3.Е. МАХДУМАСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – Зухрабегим. Бадахшонда яшаган.

3.6.2.3.Ё. РАЖАБСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – канизаклардан.

3.6.2.3.Ж. МУҲИБСУЛТОНБЕГИМ

Онаси – канизаклардан.

3.6.2.3.3. ОЙБЕГИМ – Хонзодабегим Термизий.

3.6.2.4. УМАРШАЙХ

1456 йил, Самарқанд – 1494 йил, Андижон (Ахси).

Отаси – Султон Абусаид (3.6.2).

Кобул, Андижон ҳокими. Тошкент ва Сайрамни ҳам бошқарган.

Фарзандлари – 3 ўғил, 5 қиз.

Умри – 39 йил.

Маликалари:

Қутлуғнигорхоним, Юнусхоннинг 2-қизи, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхоннинг синглиси.

1526 (1505) йилда вафот этган. 1 ўғил, 1 қиз (Бобур ва Хонзода)нинг онаси.

Улус оқа.

Фотимасултонбегим, ўғли – Жаҳонгир Мирзо
(3.6.2.4.2)

Маҳдумасултонбегим.

Қоракўзбегим – Манучехр (3.6.1)нинг қизи.

Оқасултонбегим.

Умидхоним, андижонлик канизаклардан.

Қарокўзбегим.

Турсун (Тун)султонбегим.

Қизлари:

3.6.2.4.А. ХОНЗОДАБЕГИМ

1478 йил – 1544 йил.

Онаси – Қутлуғнигорхоним.

Шайбонийхонга асир тушиб қолади (1501), ундан туғилган ўғли Хуррамбек ёшлигида вафот этади. Кобулга, Бобур ҳузурига қайтиб, умр кечиради. Оқила, Ҳумоюн (3.6.2.4.1.1) саройида маслаҳатчи.

Умри – 67 йил.

3.6.2.4.Б. МЕҲРБОНУБЕГИМ

1481 йил туғилган.

3.6.2.4.В. ШАҲРБОНУБЕГИМ

1491 йил туғилган.

3.6.2.4. Г. ЁДГОРСУЛТОНБЕГИМ

Оқасултонбегим исмли канизакдан вафотидан сўнг туғилган. Шайбоний авлодларига тушиб кетган.

3.6.2.4. Д. РУҶИЯСУЛТОНБЕГИМ

Маҳдумасултонбегимдан 1494 йилда туғилган. Шайбонийларга келин бўлган.

3.6.2.4.1. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД (БОБУР) ПОДШОҲ.

1483 йил, 14 февраль, Андижон – 1530 йил, 25 декабрь, Агра.

Отаси – Умаршайх (3.6.2.4).

Онаси – Қутлуғнигорхоним.

Андижон ҳокими (1494 йил, июнь). Бойсунгур (3.6.2.3.2.)га қарши Самарқанд устига юриш қилган (1496 йил, ёз). Самарқандга иккинчи юриш (1497 йил, май) ва тахтни эгаллаган, Бобур Соҳибқирон тахти вориси (1497 йил, ноябрь), 100 кун ҳукмронлик. Андижон қўлдан кетади. Андижон тахтига иккинчи ўтириш (1499 йил, июль). Султон Али (3.6.2.3.3) Шайбонийга таслим бўлди (1500 йил, боши). Бобур яна Самарқандда (1500 йил). Кобулни эгаллаш (1504 йил, сентябрь). Шайбоний вафотидан сўнг Шоҳ Исмоил (Эрон) билан иттифоқликда Самарқандни яна қўлга киритиш ва 8 ой ҳукмронлик (1510 йил). Бешинчи юришда Панипат жангида ғалаба (1526 йил, апрель) ва Ҳиндистон фатҳининг бошланиши. Деҳлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилди (27 апрель).

«Бобурнома», «Мухтасар», «Вақфнома» сингари асарлар муаллифи. Фавқулодда жисмоний қудрат эгаси бўлиш билан бирга гулдек нозик қалб соҳиби – гўзал шеърлар ёзган шоир, таржимон. Хатти Бобурийни кашф қилиб, Қуръонни кўчиртирган...

Темурийлар сулоласининг энг ёрқин юлдузларидан бири. Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар империяси асосчиси.

Фарзандлари – 9 ўғил, 9 қиз, 11 нафари болалигида вафот этган. Бобур дунёдан ўтганда 3 ўғил, 4 қизи ҳаёт эди.

Умри – 47 йил.

Маликалари:

Ойшасултонбегим, Султон Аҳмад (3.6.2.1)нинг қизи, 5 ёшлигида бешиккerti қилинган.

Зайнабсултонбегим (3.6.2.3.Д).

Моҳимбегим, энг ўқтам, оқила, 5 фарзанд кўрган (Ҳумоюн, Борбўл, Меҳржаҳонбегим, Эшондавлатбегим, Форуқ. Ҳумоюндан ташқари ҳаммаси болаликда вафот этган).

Гулруҳбегим, Бобур 1508 йилуylanган. 5 фарзанд кўрган (Комрон, Аскарый, Шохруҳ, Султон Аҳмад, Гулизорбегим. Кейинги уч нафари болаликда вафот этган). 1534 йил 23 апрелда оламдан ўтган.

Дилдорбегим (фарзандлари – Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Ҳиндол, Гулбаданбегим, Олур Мирзо).

Маъсумасултонбегим – Султон Аҳмад (3.6.2.1)нинг қизи, туғиш пайтида вафот этган ва қизига исми берилган.

Меҳрибегим, Меҳржон исми қиз туққан.

Афғоний оқача (Биби Муборака) – Малик Мансур Юсуфзайнинг қизи, пуштунлардан.

(Ўғиллари: Олур (1508–1556) – Моҳимбегим, Султон Аҳмад (1517–1523) – Гулруҳбегим, Борбўл (1518–1521) – Моҳимбегим, Форуқ (1526) – Моҳимбегим, Шохруҳ (1522–527) – Гулруҳбегим). *Қолган ўғиллари ҳақида қуйида маълумотлар бор.*

Қизлари: Фаҳруннисо (1501 – Ойшабегим, Маъсумасултонбегим, онасининг исмига қўйилган, Муҳаммад Замон (2.6.3.2.1.2)га турмушга чиққан,

Гулрангбегим (1514 - ?) – Дилдорбегим, Гулбаданбегим (3.6.2.4.1.В), Гулчеҳрабегим (1515/17–1560) – Дилдорбегим, Гулзорбегим – Гулруҳбегим, Меҳржаҳонбегим – Моҳимбегим, Эсондавлатбегим – Моҳимбегим).

3.6.2.4.2. ЖАҲОНГИР

1485 йил – 1508 йил.

Отаси – Умаршайх (3.6.2.4).

Онаси – Фотимасултонбегим.

Отаси вафотидан сўнг Ахси тарафдаги ерларни бўлиб олади. Ака-уканинг ўзаро низолари ва сулҳ (1500 йил, февраль). Бобур (3.6.2.4.1) 1504 йил Жаҳонгирга Ғазни вилояти ҳокимлигини берган. Бобур Султон Ҳусайн (2.6.3.2.)нинг таъзиясига борганда (1507 йил) бирга эди. Вафоти ҳақида «Бобурнома»да маълумот йўқ.

Умри – 24 йил.

3.6.2.4.3. НОСИР

1487 йил – 1525 йил, Ғазни.

Отаси – Умаршайх.

Онаси – Умидхоним.

Бобур 1504 йил Нинглаҳар тумани, Мандировар, Дарайинур, Қунар, Нурал ва Жиғансаройни инъом қилади. Қандаҳор (1508), кейин Ғазни вилояти ҳокими. Ичкиликка ружу қўйиб, вафот этади.

Умри – 38 йил.

3.6.2.5. СУЛТОН МУРОД

1456 йил, Самарқанд – охирги тақдири номаълум.

Отаси – Султон Абусаид (3.6.2).

Онаси – Боймулк оқача.

Гармсир, Қандаҳор вилоятлари инъом қилинган.
Отаси вафотидан сўнг Султон Хусайн (2.6.3.2)
саройида бўлади.

Умри – ?

3.6.2.6. ШОҲРУХ

1458 йил, Ҳирот – 1493 йил.

Отаси – Султон Абусаид.

Онаси – Руқиясултон. Алоуддавла Мирзо (4.3.1)
нинг қизи.

Отасининг Ироқ юришида акаси Султон
Муҳаммад (3.6.2.2) билан асир тушиб қолади ва
ғарибликда яшайди.

Умри – 36 йил.

3.6.2.7. АБУБАКР

1458 йил – 1479 йил.

Отаси – Султон Абусаид.

Онаси – Шаҳзодабегим (бадахшонлик).

Шижоатли, жасур, ҳимматли бўлган. Бадахшон
ҳокими эди. Отаси вафотидан сўнг Султон Хусайн
(2.6.3.2) илтифотига интиланган. Алишер Навоий
Ҳиротга олиб келади. Кўп ўтмай яқин маслаҳатчиси
Жалолиддин Мажид арғунни ўлдиради. Акаси Сул-
тон Маҳмуд (3.6.2.3) ва Кермон доруғасига қарши
курашади. Ҳиротга ҳужум қилади. Астрободда
қўлга тушиб, қатл этилади.

Умри – 22 йил.

3.6.2.8. УЛУҒБЕК (Қобулий)

1460 йил, Ҳирот – 1501 йил.

Отаси – Султон Абусаид.

Кобулда ҳукмдор. 2 ўғил, бир неча қизи бўлган.
(Бир қизи Бекабегим (Султон) Муҳаммад Маъ-
сум (2.6.3.2.10)га турмушга чиққан).

Умри – 42 йил.

3.6.2.8.1. АБДУРАЗЗОҚ

1480 йил – 1525 йил, Ғазни.

Отаси – Улуғбек (3.6.2.8).

Бобур тортиб олган Зуннун арғунгача Кобул-
нинг ҳокими бўлган. Сўнг Бобур хизматида. Ука-
си Носир Мирзо (3.6.2.4.3) бошқарган ҳудудларни
Абдураззоққа берган.

Умри – 46 йил.

3.6.2.8.2. МИРОНШОҲ

1484 йил – 1507 йил.

Отаси – Улуғбек (3.6.2.8).

1498 йил отаси билан жанжаллашиб, Ҳазорага,
ундан Ҳисорга, Хусравшоҳ ҳузурига кетади. Сул-
тон Масъуд (3.6.2.3.1) ҳам шу ерда эди. Бомиёнга
жўнатади, кейинги тақдири номаълум.

Умри – 24 йил.

3.6.2.9. СУЛТОН УМАР

Маълумот йўқ.

Отаси – Султон Абусаид (3.6.2).

Онаси – Қутлуғбека оқа.

Акаси Султон Аҳмад (3.6.2.1) Мовароуннаҳрдан
чиқариб юборади. Бадахшонда, сўнг Ҳиротда умр
кечирган.

3.6.2.10. ВАЛАД

Маълумот йўқ.

Отаси – Султон Абусаид.

Онаси – Нусратсултон оқа.

Арлот умаролари сафида оддий ҳаёт кечирган.

3.6.2.11. СУЛТОН ХАЛИЛ

Маълумот йўқ.

Отаси – Султон Абусаид.

Онаси – Давлатбахт оқа.

Отаси вафот этгач, Султон Хусайн Ҳиротдан Мовароуннахрга жўнатиб юборган.

3.6.2.4.1.1. НОСИРИДДИН ҲУМОЮН подшоҳ

1508 йил, Кобул – 1556 йил, Деҳли.

Отаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ
(3.6.2.4.1)

Онаси – Моҳимбегим.

У дастлаб Бадахшонга, сўнгра Сумбулга ҳоким қилиб тайинланган эди. Касал бўлгач, кемада Аграга келтиришади ва отаси унинг касалини ўзига «олади»... 1530 йил декабрда ота тахтига ўтиради. Бихар ҳокими Шерхон (Шершоҳ)га қарши қатъиятли жанглар олиб боради, тахтни йўқотгач, Эрон шоҳи Тахмосп (1524–1576) ёрдамида укаларига қарши курашади ва Сур сулоласини енгиб, 1555 йил июль ойида Деҳлини қўлга киритади.

Кутубхона зинапоясидан йиқилиб тушади, шикастланиб, вафот этади.

Туркий ва форсий тилда ғазаллар битган, маърифатли, меценат киши бўлган. Бобурийлар миниатюра мактаби (Кашмир ва Лоҳур мактаблари) асосчиси.

Фарзандлари: 5 ўғил, 6 қиз (5/9).

Умри – 49 йил.

Маликалари:

Ҳамидабонубегим. Моҳичучукбегим. Хониш оқабегим. Бекабегим. Бибигуннарбегим. Шонбегим. Меважонбегим, Шоҳим оқа.

(Ўғиллари: Ал-Омон (1528) – Моҳичучукбегим, Фаррухфол (1547–1552) – Моҳичучукбегим, Муҳаммад Ҳаким (3. 6. 2. 4. 1. 1. 2), Иброҳим Султон (1533) – Хониш оқа, Акбар (3. 6.2.4.4.1).

Қизлари: Бахтинисобегим (1530) – Моҳичучукбегим, Аминабонубегим – Моҳичучукбегим, Сакиабонубегим – Моҳичучукбегим, Ақиқабегим (1551) – Бекабеги, Бахшибонубегим (1540-?) – Бибигуннарбегим, 1550 йилда Иброҳим Мирзо (?)га турмушга чиққан, Жаҳонсултонбегим (1545-1547), Фаҳрулнисобегим – Моҳичучукбегим, 1565 йилда Абулмаолий Термизликка турмушга чиққан, Нажибулнисобегим (1547–1607), Ҳамидабонубегимнинг кизи, исми ? 1544 йил т.).

3.6.2.4.1.2. КОМРОН

1509 йил, Кобул – 1557 йил, декабрь, Макка.

Отаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Онаси – Гулруҳбегим.

Кобул ва Қандаҳорда ҳукмрон бўлган. Укаси Аскарӣй (3.6.2.4.1.3) билан Ҳумоюн (3.6.2.4.1.1)га қарши курашган. Кўзига мил тортилган (1553). Каъбатулло зиёратига жўнатилади. Хадичаи Кубронинг оёқ тарафларига дафн қилинган.

Комрон Мирзо турк, форс тилларида шеърлар ёзган. 15 минг мисрадан иборат девони 1556 йилда кўчирилган бўлиб, у Ҳиндистондаги Худобахш кутубхонасида сақланади. Ўзбекистонга китобдан фотонусха келтирилган.

Фарзандлари – 2 ўғил ва 2 қиз (2/3).

Абулқосим (1528–1559), Иброҳим Султон (1530–1553), Хадичабегим (эри – Оқсултон, қайнотасига қарши гапиради), Ойшасултонбегим.

Умри – 49 йил.

3.6.2.4.1.3. АСКАРИЙ (Муҳаммад)

1512 йил, Кобул – 1558 йил, Макка.

Отаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Онаси – Гулрухбегим.

Меваб, Қандаҳор вилоятларини бошқарган. Ҳумоюн (3.6.2.4.1.1)га қарши жангларнинг бирида асир олинади, гуноҳи кечирилиб, ҳаж сафарига кетади.

Умри – 47 йил.

3.6.2.4.1.4. ҲИНДОЛ

1518 йил, Кобул – 1551 йил.

Отаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Онаси – Дилдорбегим.

Ҳумоюн (3.6.2.4.1.1) Бадахшонга ўз ўрнига Ҳиндолни қўйиб келганди. Сўнгра Бобур саройида, Ҳумоюн Меваб ва Олур (Алвар) вилоятларини берганди. Комрон (3.6.2.4.1.1)га қарши жангда яраланиб, вафот этади.

Умри – 34 йил.

3.6.2.4.1. В. ГУЛБАДАНБЕГИМ

1523 йил, Кобул – 1603 йил, Деҳли.

Отаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Онаси – Дилдорбегим.

Ҳизр Хўжахонга турмушга чиқиб (1539), Саодатёр исмли ўғил кўради. 1556 йилдан Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1) саройида «Ҳумоюннома» асарини яра-

тади. Кўплаб илмий марказларнинг эътироф этишича, Ўрта асрларда аёллардан чиққан ягона тарихчи. Ҳаж зиёратини адо этган (1575–1582).

Умри – 81 йил.

3.6.2.4.1.1.2. МУҲАММАД ҲАКИМ

1544 йил – 1585 йил.

Отаси – Ҳумоюн.

Онаси – Моҳичучукбегим.

Кобул ҳокими. Дастлаб онаси кўмагида бошқаради. Отасининг бекларидан термизлик Абулмаоли синглисига уйланиб, кейинчалик қайнонаси ва нуфузли бекларни ўлдиради, мустақиллик эълон қилади. Сулаймон Мирзо (3.6.2.3.5) А.ни қатл этади. Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1) яна Кобулни эгаллаб, укасига беради ва умрининг охирига қадар Кобулни бошқаради. Охирида майхўрликка ружу қўйиб, тўсатдан вафот этади.

Умри – 42 йил.

Фарзандлари – 2 ўғил.

Афросиёб (1571–1597), Қайқубод (1574–1591). Акбаршоҳ саройида мулозим.

* * *

«Темур тузуклари»нинг «Ҳиндистонни забт этиш учун қилган кенгашим» бобида қайд қилинишича, Соҳибқирон навбатдаги юриш олдидан катта ҳарбий кенгаш чақирган. Унинг муҳимлиги ва нуфузи шу даражада бўлганки, машваратда ўша пайтда Ғазни вилоятини бошқариб турган Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Андижондан Муҳаммад Султон ва Хуросон ҳукмдори Шохрух Мирзо таклиф этилган ва улар ҳам Самарқандга етиб келган.

Кун тартибидаги масаланинг моҳияти шундан иборат эдики, Соҳибқиронни Хитой фатҳи безовта қилар ва беш йиллик юриш (1392 йил, июнь – 1396 йил, июль) зафарли якун топган, демак, Хитой азми амалга ошиши мумкин эди. Бироқ Ҳиндистондан келаётган ташвишли хабарлар (чунончи, Мўлтон қалъасини олишнинг чўзилиб кетгани) катта режани ўзгартиришга олиб келади. 1398 йил март ойида Соҳибқироннинг Ҳиндистон юриши бошланади.

Орадан йиллар ўтиб, ҳазратнинг шавкатли авлодларидан Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни яна фатҳ этади. 1526 йил 27 апрелда Деҳлида Бобур номига хутба ўқилади (1398 йил 20 декабрда Соҳибқирон номи хутбада зикр қилинган, 1399 йил 1 январда Деҳлидаги Ферузобод масжидида икки ракаат намоз ўқиб, ортга қайтилган эди).

... Соҳибқирон чақирган ҳарбий кенгашда шаҳзодалар, тажрибали амирлар Ҳиндистон юриши юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртага ташлаган эдилар. Жумладан, «Ҳиндистонни олсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, ҳатто тиллари ҳиндча бўлиб кетади», қабилида ташвишлар билдирилган экан. Не ажабки, бундай қисмат, тилга олинганидек, Соҳибқирон эмас, Бобурнинг фарзандларига ато этилган экан. Бобур фатҳидан 43 йил ўтиб, эвара – шаҳзода Салим (отаси – Акбаршоҳ) туғилади. Унинг онаси ражпут рожасининг қизи эди. Шундан кейин бу авлоднинг маҳаллий аҳолига қўшилиб кетиш (ассимиляция) жараёни бошланади. Гарчи кейинги Бобурий шаҳзодалар исломий эътиқодларини сақлаб қолган бўлсалар-да, энди уларни тўла маънода туркий қавмдан, деб аташ қийин эди.

Биз насабномада масаланинг техник томони (рақамларнинг жуда чўзилиб кетгани)ни

ҳисобга олиб, Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1)дан бошлаб, янги шартли белги (А – 0)ни қўлладик ва бундан кейинги авлод А – билан давом этади. Бу ҳол асло бўлиниш чегарасини билдирмаслиги керак, негаки, Бобурийлар, демак, Соҳибқирон авлоди ягона илдиздан тарқагани ҳақиқат, буни ҳеч ким рад эта олмайди.

(А–0) 3.6.2.4.1.1.1. ЖАЛОЛИДДИН МУҲАММАД АКБАРШОҲ (Буюк Акбар)

1542 йил, 15 октябрь (12 август) – 1605 йил, 17 октябрь.

Отаси – Ҳумоюн подшоҳ (3.6.2.4.1.1).

Онаси – Ҳамидабонубегим.

Панжоб ҳокими бўлган (1555), 1556 йил 14 февралдан эътиборан ота тахтига ўтириб, давлатни бошқарган. Деярли бутун Ҳиндистон ярим оролини ягона империя таркибига бирлаштиради. Жумладан, давлатни бошқаришда кўплаб сиёсий-маъмурий ислохотларни амалга оширди. Ислом, ҳиндийлик, оташпарастлик, жайнийлик динларининг илғор томонларини олиб, «илоҳий дин»ни жорий этган. Вафотидан сўнгра мусулмон одатларига мувофиқ дафн этилган. Бобур, Ҳумоюн каби Самарқандга Амир Темур мақбарасини моддий таъминлаш учун бир фил кўтарадиган миқдорда олтин юборган. Унинг 50 йиллик ҳукмронлиги даврида Бобурийлар давлати нури сарҳадларга чиқиб олди. Бу давр Ҳиндистон тарихининг шонли саҳифаларидир.

Фарзандлари – 3 ўғил (5/4).

Умри – 64 йил.

(Малика ва канизаклари: Руқиябону (1542–1626), Ҳиндол қизи. Қимобону, Арабшоҳ қизи, 1574 йилда уйланган. Ман Кахан қизи, 1579 й. Шамсжон

қизи, 1592 й. Бибидавлатшод. Салимасултонбегим (1550–1612).

(Ўғиллари: Мирзо Ҳасан (1564), Мирзо Ҳусайн (1564), Султон Салим (А – 1/ 3.6.2.4.1.1.1), Султон Шохмурод (1570–1599), унинг ўғли Султон Рустам; Султон Дониёл (1571–1601), унинг ўғиллари: Таҳмурас (в. 1627й.), Ҳушанг (в. 1627й.), Бойсунғур..

Қизлари: Дурударо (1569), Оромбонубегим (1584–1624) – Бибидавлатшод, Шукрулнисобегим – Бибидавлатшод, 1593 йил Шохрух Мирзо (?) никоҳига кирган, Шаҳзодахоним (1569), 1593 йил Музаффар Ҳусайн Мирзо(?)га турмушга чиққан.

(А–1) 3.6.2.4.1.1.1. САЛИМ (Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ)

1569 йил, 30 (10) август, Агра (Фатҳпур) – 1627 йил, октябрь, Лоҳур.

Отаси – Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1)

Онаси – ражпут рожасининг қизи Марямизамонбегим (Хара Кунлари).

Арзанда ўғил Оллоҳобод вилоятини мустақил бошқаради (1601) ва отасини тан олмайди. Ниҳоят, 1603 йилда сулҳ тузилади. 1605 йил 27 октябрда ота тахтига ўтиради. Бош кўтарган катта ўғли Хусравга қарши аёвсиз курашади. Отаси йўлини давом эттириб, Бенгалияни (1612 йил), уч уринишда Мевар вилоятини (1615 йил), Нагаркот тош қўрғонини (1620 йил), Декан вилоятини қайта қўлга киритади.

Табиатан мураккаб бўлган бу зот кўплаб ислохотлар ўтказган. «Тузуки Жаҳонгирий» («Жаҳонгирнома») китобини яратган. Қуръонни рехтаҳиндистоний тилига таржима қилган.

Кашмир саёҳатидан қайтаётганда йўлда вафот этади.

Маликалари ва хос канизлари – 16 нафар.
Фарзандлари – 5/6.

(Ўғиллари: Султон Хисрав (1587–1622) – рожа Баҳгавандас Качваҳа қизи, унинг ўғиллари: *Баланд Ахтар, Доварбахш Булоқий, Гиршосп*;

Султон Парвез (1589–1626) – хожа Ҳасан қизи.

Султон Хуррам – Шоҳжаҳон (1592–1666) – рожа Уди Сингҳ қизи (А. – 1. 3).

Султон Жаҳонгир (1605) ва Султон Шаҳриёр (1605–1627), оналари – хос канизаклардан.

Қизлари: Султоннисобегим (1586–1646) – Качваҳа қизи. Давлатнисобегим (1589) – Дарбо Балханас қизи. Баҳорбонубегим (1589–1646) – Гисудас Радхур қизи, 1625 йилда Султон Дониёлнинг ўғли Таҳмурасга турмушга чиққан. Бегимсултон (1589) – рожа Муна. Шукрулнисобегим (в. 1653й.) – Кичик Тибет ҳукмдори қизи).

Умри – 59 йил.

1611 йилда 35 ёшли Меҳринисо (Нуржаҳонбегим) исмли жувонга уйланади. Салимнинг аждоди эронлик бўлган бу аёлга уйланишига отаси Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1) қарши эди. Барибир бир неча йил ўтказиб, бева қолган жувонни никоҳига олади. Аёлнинг отаси Эътимодуддавла – бош вазир, акаси – Осафхон сарой бошқарувчиси эди. «Нурмаҳал» номи билан машҳур бўлган Меҳринисо 1645 йил вафот этади.

А – 1.1. ХУСРАВ (Шаҳзода)

1587 йил – 1622 йил, Агра.

Отаси – Салим (Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ).

Онаси – рожа Баҳгавандас Качваҳа қизи.

Салим тахтга ўтиргач, Хусравни ушлатиб, Аграда маҳбусликда сақлайди. У ердан қочиб чиққан Хусрав қўшин тўплаб, отасига қарши боради. Енгилгач, қочиб кетади. Кема қумга тиқилиб, қўлга тушади. Ғазабланган ота ўғлининг кўзига мил торттиради. Укаси Хуррам (А– 1.3) акасини бўғиб ўлдиради.

Доварбахш исмли ўғли Эронга кетган.

Умри – 36 йил.

А – 1.2. ПАРВЕЗ (Шаҳзода)

1586 йил – 1626 йил.

Отаси – Салим (Жаҳонгиршоҳ).

Онаси – хожа Ҳасан қизи.

Меварни қўлга олишда бош бўлган. Оллоҳобод вилояти ҳокими. Шаҳзода Хуррам (А– 1.3) исёнларини бостиришда фаол иштирок этади. Валиаҳд эди. Тўсатдан вафот этган.

Умри – 41 йил.

А – 1.3. ХУРРАМ (Шаҳзода) – ШОҲЖАҲОН

1592 йил, январь, Лоҳур – 1666 йил, Агра.

Отаси – Салим (Жаҳонгиршоҳ).

Онаси – рожа Уди Сингх қизи Манмати (Билқийс макони).

1612 йилда Осафхоннинг 19 ёшли қизи Аржумандбону (Мумтозмахал)га уланади. Тахт учун зимдан кураш олиб боради, гуруҳбозлик кучаяди. Отаси хуш кўрмас эди. Тахт валиаҳдларининг вафот этиши унга шоҳликни инъом этади. 1628 йил февралида Аградаги ота тахтини эгаллайди. Бухоро амирлиги билан алоқаларни мустаҳкамлайди. Декан, Қандаҳорни қайтариб олади.

1637 –1638 йилларда Яманда қўлга киритилган «Темур тузуклари»ни Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий томонидан мукаммаллаштиради.

Ўғиллари ўзига қарши туради. 1658 йилдан уй қамоғида сақлайдилар.

Бобоси Акбаршоҳнинг меҳрини қозонган Шоҳжаҳон (Хуррам) қурилишга зўр берди. Пойтахтни Аградан Дехлига кўчирди. Аграда машҳур Тожмаҳал обидасини барпо этди. Бу мақбара унинг севимли маликаси Аржумандбону (Мумтозмаҳалбегим) хотирасига (у 1631 йилда ўн тўртинчи фарзандини туғиш чоғида вафот этган эди) бунёд қилинган.

Фарзандлари: 4 ўғил, 1 қиз (6/6).

(Ўғиллари: *Дорошукуҳ, Шоҳишужоға, Аврангзеб, Муродбахш ҳақида қуйида маълумотлар бор.* Яна: Умидбахш (1619-1624 – Мумтозмаҳал, Жаҳонафруз (1619–1620) – Шаҳнавозхон қизи).

Қизлари: Хурилнисобегим (1613–1616). Жаҳоноробегим (1614–1681), Бобурийлар сулоласининг ифтихорларидан бири (А – 1. 3.А). Равшаноробегим (1617–1671). Сурайё (1621–1628), Гавҳароробегим (в. 1706), Хусноробегим (1603–?). Оналари – Мумтозмаҳалбегим).

Умри – 75 йил.

А-1.4. ШАҲРИЁР (Шаҳзода)

1596 (1605) йил – 1627 йил.

Отаси – Салим (Жаҳонгиршоҳ).

Онаси – хос канизаклардан.

Нуржаҳонбегимнинг аввалги эри Шарафкандан бўлган қизи Лодилабегимга уйланган эди. Ирода-сиз ва қатъиятсиз Шаҳриёр қўғирчоқ бўлиб қолади. Осафхон унинг кўзига мил торттиради.

Умри – 32 йил.

А-1.3.1. ДОРОШУКУҲ

1616 йил – 1659 йил.

Отаси – Шохжаҳон (Хуррам).

Онаси – Мумтозмаҳалбегим.

Аллоҳобод, Панжоб, Мўлтон ҳокими. «Қодирий» тахаллуси билан бадиий-ирфоний асарлар ёзган, таржималар қилган. Унинг тасаввуф назарияси, қадимги ҳинд ва ислом тарихига доир қарашлари (бу мавзуда ўндан зиёд рисоалар ёзган), хаттотлик, умуман, китобатчиликдаги фаолияти, таржимонлиги умумбашарий аҳамиятга эга.

Отаси касал бўлиб қолганда (1657) тахтни бошқаради. Укалари бирлашиб, унга қарши курашадилар. 1658 йил 29 майда Аграга яқин Самугархдаги ҳал қилувчи жангда енгилади (у эрка ўсган, иқтидорсиз раҳбар эди). Қочиб, белужларнинг Дедар вилояти султони Малик Жевондан бошпана сўрайди (уни бир пайтлар ўлимдан олиб қолган эди). Малик Жевон эса уни тутиб, Аврангзебга топширади. Синглиси Равшаноробегимнинг қатъий талаби билан қатл қиладилар, кесилган бошини отасига киритадилар.

Ўғли Сулаймоншукуҳ нажот тополмай, Аврангзеб қўлида вафот этади (1662).

(Фарзандлари – 4/2).

(Ўғиллари: Сулаймоншукуҳ (1635–1662), Сепахршукуҳ (1644), унинг ўғли Аъло Табор; Махршукуҳ (1638), Мумтозшукуҳ (1643), оналари – Султон Парвиз қизи)

Умри – 44 йил.

А–1.3.2. ШОҲШУЖОЪА

1617 йил – 1661 йил.

Отаси – Шохжаҳон (Хуррам).

Онаси – Мумтозмаҳалбегим.

Бенгалия ҳокими, 1659 йил январда Ҳажвда Аврангзеб ўнганмас зарба беради. Оиласи ва 40 нафар навқари билан Бенгалиядан чиқиб, Бирмадаги Агракан ўрмонига қочиб боради. Маҳаллий магх қабиласи ўлдириб юборади.

(Фарзандлари – 2/1).

(Ўғиллари: Султон Зайниддин (1639) ва Султон Баланд Ахтар (1645) – рожа Утарсин Каштвара қизи).

Умри – 45 йил.

А–1.3.3. АВРАНГЗЕБ (Абузафар Муҳйиддин Муҳаммад Оламгир)

1619 йил, 24 сентябрь – 1707 йил, Аҳмадод.

Отаси – Шохжаҳон (Хуррам).

Онаси – Мумтозмаҳалбегим.

Декан вилояти ҳокими (1636), 1644 йилдан отасига қарши ҳаракатларни бошлаб юборган, ниҳоят, 1658 йил июнда ота тахтини эгаллайди. 49 йиллик ҳукмронлиги даврида шафқатсиз сиёсат олиб борди, айрим ислохотлари маҳаллий амалдорларга ёқмади, мамлакатда гуруҳбозлик ва тарафкашлик кучайди. «Фатавойи Оламгирий»ни жорий этди. Девон ишларида ўзбек тили мақомини кучайтирди, жумладан, Русь князи Иван Vга ўзбек тилида ёзган хати Москвадаги давлат кутубхонасида сақланади. Унинг подшолиги Бобурийлар салтанати ойининг тўлишган пайти эди.

(Фарзандлари – 5/5).

(Ўғиллари ҳақида қуйида маълумотлар бор).

Қизлари: Зейбуннисобегим (А – 1. 3. 3. А), Зийнатулнисобегим (1643–?) – Дилрасбону, Бадрулнисобегим (1647–1670) – Раҳматулнисобегим,

Зубдатулнисобегим (1651–1707) – Дилрасбону,
Меҳрулнисобегим (1661–1704).

Умри – 88 йил.

А–1.3.А. ЖАҲОНРОБЕГИМ

1614 йил – 1681 йил, Агра.

Отаси – Шохжаҳон (Хуррам).

Онаси – Мумтозмаҳалбегим.

Онаси вафотидан сўнг сарой юмушларини ўз зиммасига олади. Оқалари ўртасидаги ихтилофларни юмшатишга интилади. Аграда жомеъ масжиди, Деҳли, Сураат, Амбола, Баҳол, Панипатда карвонсаройлар, Лоҳурда катта боғ, Кашмирда Паримаҳал боғи, Шахдхонободда Али Мардонхон ариғини бунёд этишда бош-қош бўлади. «Рисолаи соҳибия» китобини ёзади. Умрининг охирини нотавон отаси хизматига бағишлайди.

Умри – 68 йил.

А–1.3.4. МУРОДБАХШ

1621 йил – 1661 йил.

Отаси – Шохжаҳон (Хуррам).

Онаси – Мумтозмаҳалбегим.

Гужарот ҳокими. Аврангзебнинг макрига учиб, акаси Дорошукуҳга қарши курашади. 1657 йил ўзини Оллоҳободда подшоҳ деб эълон қилади. Аврангзеб тахтни олгач (1658 йил, июнь), Муродбахшни ушлатиб, Гвалиор зиндонига ташлайди ва қатл эттиради.

(Ўғиллари: Муҳаммадёр (1646). Яздбахш, в. 1706й.), унинг ўғиллари: Додарбахш ва Доварбахш).

Умри – 41 йил.

А–1.3.3.1. МУҲАММАД СУЛТОН

1637 (1639) йил – 1672 (1675) йил.

Отаси – Аврангзеб.

Онаси – Раҳматулнисо.

Амакиси Шоҳшужоъани таъқиб қилиб, Бенгалияга борганди. Шоҳшужоъа қизи Гулруҳбегимни унга бермоқчи бўлган. Кейинчалик отаси лашкарбоши Миржумладан буни билиб қолади ва Муҳаммад Султонни зиндонга ташлайди. Эътироз билдирган қизини ҳам акаси ёнига қамайди. Шу ерда вафот этишади.

Умри – 36 йил.

А–1.3.3.2. АЪЗАМШОҲ

1643 (1653) йил – 1707 (1705) йил, Агра.

Отаси – Аврангзеб.

Онаси – Дилрасбону.

Декан ҳокими бўлиб турган Аъзамшоҳ отаси вафот этгач, 65 минг отлиқ, 45 минг пиёда билан Аграга бостириб келади. Укаси Муаззам (Шоҳ Олам) (А–1.3.3.3)дан енгилиб, ҳалок бўлади.

Умри – 65 йил.

А–1.3.3.3. МУАЗЗАМ (Шоҳ Олам, кейинчалик – Баҳодиршоҳ I)

1645 йил – 1712 йил.

Отаси – Аврангзеб.

Онаси – Раҳматулнисо.

Қўрқоқ, қатъиятсиз бу одам отаси вафот этганда Кобулда эди. 110 минг қўшин билан Аграга яқинлашиб, Аъзамшоҳ (А–1.3.3.2)ни енгади ва тахтни эгаллайди (ҳукмронлиги 1707–1712 йиллар). Мамлакатда парокандалик бошланади.

Фарзандлари – 4 ўғил (6/1).

(Маликалари: Руп Санга Ратхур қизи, 1661 й., Абдулмўмин қизи, Санжар Нажмисонийқизи Нурилнисобегим, Фахрулнисобегим.

Ўғиллари: Султон Муъизиддин (1661–1713), унинг ўғиллари Иъзаддин, Аъзиддин (Оламгир II), унинг ўғли Жалолиддин Али Гавҳар (1727–1806), у (Шоҳ Олам II)нинг ўғиллари: Муҳаммад Жавонбахт ва Абулнаср Муъиниддин (1760–1837), Муъиниддин (Акбаршоҳ II)нинг ўғиллари: Муҳаммад Жаҳонгир ва Абулмузаффар Сирожиддин (1775–1862), Сирожиддин Баҳодиршоҳнинг ўғиллари: Мўғул Мирзо (1796–1858) ва Хизр Сулаймон Мирзо (1799–1858), Хизрнинг ўғли Абубакр Мирзо (1821–1858);

Султон Иъзаддин (1664);

Муҳаммад Аъзим (1664–1712) – Руп Санга Ратхур қизи, унинг ўғиллари: Муҳаммад Карим (1679) – Киср Санга қизи, Муҳаммад Фаррухсияр (1688–1719), унинг ўғиллари: Жаҳонгиршоҳ (1713) ва Жаҳонмуродшоҳ (1716) – Содотхон қизи; Ҳусайнбахт; Рухулқудс (1695) – Олиябегим, Исми ? (1709) – Олиябегим).

Рафиушшаън (1670–1712) – Нурилнисобегим, унинг ўғиллари: Рафиуддаражот (1692–1719), *тахтда 1719 й.* Рафиуддавла (1696–1719), *тахтда 1719 й.* Муҳаммад Иброҳим (1699–1721).

Муҳаммад Хўжаста Ахтар (1674–1712) – Фахрулнисобегим, у (Жаҳоншоҳ)нинг ўғиллари: Фархунда Ахтар ва Равшан Ахтар (1702–1748), у (А – 1.3.3.3.5.1)нинг ўғли Аҳмадшоҳ (1728–1774), у (А – 1.3.3.3.5.1.1)нинг ўғли Бедорбахт (1788 йилда *тахтда*).

Муҳаммад Ҳумоюн (1677–?).

Умри – 68 йил.

А-1.3.3.4. МУҲАММАД АКБАР

1647 (1657) йил – 1705 (1707) йил.

Отаси – Аврангзеб.

Отаси ҳаётлигида маҳаражларга қарши юришларга бошчилик қилади. Ражпутларга келиб қўшилади ва 1681 йил ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Аврангзеб бостириб келгач, маратхлардан паноҳ топади. Охири Эронга ўтиб кетади.

(**Ўғилари:** Абдулваҳоб, Хўжаста Ахтар, Нигусияр (1679–1719), *тахтда 1719 йил.* Муҳаммад Аскар).

Умри – 59 йил.

А-1.3.3.5. КОМБАХШ

1667 йил – 1709 йил, январь, Ҳайдаробод.

Отаси – Аврангзеб.

Онаси – рой Удипурий қизи.

Деканда турди. Муаззам (Шоҳ Олам) (А – 1.3.3.3) тахтга ўтиргач, Комбахшга қарши ҳужум қилиб, жангда ҳалок бўлди.

(**Ўғиллари:** Умидбахш, Маҳиуссуннат (1689–1707), Фирузманд, Бораққулоқ – в. 1709.).

Умри – 43 йил.

А-1.3.3. А. ЗЕБУННИСОБЕГИМ (Зейбулнисобегим)

1639 йил, февраль– 1702 (1707) йил, Деҳли.

Отаси – Аврангзеб.

Онаси – Дилрасбону (Бобур (3.6.2.4.1)нинг Гулбаданбегим (3.6.2.4.1.В) исмли қизи авлодидан).

Замонасининг алломаларидан Ҳафиза Марям, Ашраф Исфаҳоний, мулло Жевондан таълим олган. Шоира, олима, созанда ва хаттот бўлиб етишган. «Зеб ат-тафосир» (769 варақ), «Зеб ан-нашаот»

асарларини ёзади, «Фатавойи Оламгирий»ни форс тилига таржима қилдиради.

Ёлғиз ўтади. Дейдиларки, опасининг тўлғоқ азобидан қўрққан эмиш. Ёшлигида Оқилхон Розий билан севгиси Аврангзеб туфайли барбод бўлади.

Зарзари қабристонида дафн этилган.

Шогирдларидан бири Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1721)нинг қизи эди.

Умри – 64 йил.

А–1.3.3.3.3.2. ФАРРУХСИЯР

1688 йил – 1719 йил.

Отаси – Азимушшаън (Муҳаммад Аъзим) (1670 (1664) – 1712) Муҳаммад Баҳодиршоҳ (А – 1.3.3.3) ўғли.

Онаси – Киср Санга қизи.

1713 йилда ҳокимиятга келади. Истеъдодсиз, бўшанг, қўрқоқ бу одам ўрнида саййидлар етакчи эди. Ниҳоят, Бархий саййидлари уни қатл этади. Аврангзеб бу ҳақда «Аҳкоми Оламгирий» асарида жуда тўғри башорат қилган экан.

Умри – 32 йил.

А–1.3.3.3.4.6.2. РАВШАН АХТАР (Муҳаммадшоҳ)

1692 (1702) йил – 1748 йил.

Отаси – Муаззам (Шоҳ Олам) ўғли Муҳаммад Хўжаста Ахтар.

Ака-ука саййидлар (Ҳасан ва Ҳусан Али) таъсирини барбод қилади, бироқ бўлиниш бошланади. 1739 йил Эрон подшоси Нодиршоҳ Ҳиндистонга бостириб киради. Муҳаммадшоҳга қайтадан тож кийдиради. Деҳлини қўлга киритиб, қимматбаҳо

Кўҳинурни, Шоҳжаҳоннинг «Товус тахт»ини ва бошқа бойликларни талаб кетади.

Таназул бошланади.

Умри – 57 йил.

А-1.3.3.3.6.2.1. АҲМАДШОҲ

1711 йил – 1754 йил.

Отаси – Равшан Ахтар (Муҳаммадшоҳ).

Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтиради (хукмронлиги – 1748–1754 йиллар). Бупайтда Нодиршоҳ ўлдирилган (1747), афғон қабилалари кучаяётган эди. Ниҳоят, Аҳмадшоҳ Дурроний Афғонистонни ажратиб олади. Лоҳур, Кашмир ҳам қўлдан кетади.

Умри – 44 йил.

А-1.3.3.4.2. ОЛАМГИР II (Аъзиддин)

1727 йил – 1760 йил.

Отаси – Султон Муизиддин (Шоҳ Олам ўғли).

Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтиради (хукмронлиги – 1754–1788 йиллар). Дурронийлар яна ичкари силжийди, маҳаллий аҳоли мустақиллик курашини бошлайди.

Умри – 34 йил.

А-1.3.3.3.4.2.1. ШОҲ ОЛАМ II (Жалолиддин Али Гавҳар)

1743 (1727) йил – 1806 йил.

Отаси – Оламгир II.

1788–1806 йилларда тахтда. Маратхлар ва сингхлар кураши кучаяди, Дурронийлар яна кўп вилоятларни босиб олади. 1757 йил Бенгалияда Ост-Индия (Англия) компанияси ҳаракатини бошлайди, молия ишларини ихтиёрига олади. Инглизлар

махаллий аҳоли қаршилигини бостиришда Шох Олам II ҳокимиятидан фойдаланмоқчи бўлади, унга нафақа тайинлайди. Фақат Дехли қўлда қолади. 64 йил умр кўриб, вафот этгач, ўрнига ўғли

АКБАР II (Абулнаср Муъиниддин, 1760–1837)
(ҳукмронлиги – 1806–1837 йиллар, 31 йил, умри – 78 йил)

Ўтиради. У номигагина тахт эгаси эди, барча юмушлар, хусусан, молия масалалари инглизлар қўлида эди. Дехли ҳам қўлдан кетган, фақат Қизилқалъа уларнинг ихтиёрида эди.

(Ўғиллари: Муҳаммад Жаҳонгир, Абулмузаффар Сирожиддин (1776–1862).

БАҲОДИРШОҲ II

1776 йил, Дехли – 1862 йил, Рангун.

Отаси – Акбар II (Шох Олам II ўғли).

1837 йилда тахтга ўтиради. Сипоҳийлар уни подшоҳ деб эълон қилиб, қўмондонлигида инглизларга қарши курашмоқчи бўлади. Катта ўғли Мўғул Мирзо (1796–1858) бош қўмондон, ўғли Хизр Султон Мирзо (1799–1858) ва набираси Абу Бакр Мирзо (1821–1858) қўшин бўлимларига раҳбарлик қилади. Бироқ улар уқувсиз кишилар эди. 1857 йил июлда сипоҳийлар Бахтхон бошлиқ Дехлига кирадилар, аммо улар етарлича кўмак ололмайдилар. 65 минг сипоҳий 6 минг инглиздан енгилади. 21 сентябрда Баҳодиршоҳ II ва авлоди асир олинади. Ўзи Рангун (Бирма)га бадарға қилинади, болалари отиб ташланади...

Умри – 87 йил.

«Бобурийнома» китобининг муаллифи, таниқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг қайд этишига кўра, шу қирғинда Баҳодиршоҳ II нинг ўғли Қуёш Мирзо тасодифан омон қолади ва унинг авлодлари ҳамон барҳаёт яшаб келмоқда. Яна бошқа ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистон, айниқса, Покистон, Бангладеш давлатлари худудларида Бобурийларнинг кўплаб авлоди ҳозир ҳам умргузаронлик қилади. Ҳатто Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто (унинг отаси Зулфиқор Бхутто ҳам узоқ йиллар Покистон ҳукуматини бошқарган) ҳам ўзини тўғридан-тўғри Бобурнинг авлоди, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Чингиз Айтматов ва Мухтор Шаханов ёзганлар. (**Қаранг:** «Чўққида қолган овчининг охи зори». Тошкент. «Шарқ», 1998 йил. 311–312-бетлар).

4. ШОҲРУХ

Соҳибқироннинг Тоғай Туркон оқадан туғилган фарзанди. 1377 йил, 20 август – 1447 йил, 12 март, Ҳирот.

Сароймулкхоним тарбиясида улғайган. Ҳарбий юришларда қатнашган. 1394 йил 17 сентябрда отаси Самарқанд шаҳри ҳокими этиб тайинлаганди. 20 ёшдан (1397) Хуросон ҳукмдори. 50 йилдан ортиқ тахтни бошқарди. Шаҳаншоҳ, буюк давлат арбоби, меценат.

«Насабнома»ни туздирган.

Унинг ҳукмдорлиги даврида Хуросон гуллаб-яшнаган, илм-фан ва санъат юксалган ўлкага айланди, боқий қадриятларнинг тамал тоши қўйилди.

Фарзандлари: 7 ўғил, 2 қиз (9/6).

Умри – 71 йил.

Маликалари:

Гавҳаршодбегим, Гиёсиддин тархоннинг катта қизи. 1388 йилда уйланган. Давлатни идора қилишда фаол аралашган. 3 ўғилнинг онаси. 1457 йилда Абусаид (3.6.2)нинг фармони билан чопиб ўлдирилади.

Тўтибегим.

Мулкат оқабегим, Хизр Ўғлоннинг қизи. Умаршайх (2) Мирзо вафоти (1394)дан сўнг Шохрух никоҳига ўтган. Кўплаб обидалар бино этган. Конида ўтган машҳур тўйда Шохрух номидан қатнашган. 1440 йилда Кобулда вафот этган, Балхда дафн этилган.

(Маликалар жами 6 нафар).

Қизлари:

Марямсултон оқа – Муҳаммад Жаҳонгир (1.1.1) га турмушга чиққан. 1441 йил вафот этган. Саодатсултон оқа. Қутлуғ Туркон оқа. Пояндасултон оқа. Тоғай Туркон оқа. Қутлуғсултон оқа.

Ўғиллари:

(Жаҳоншоҳ – Мулкат оқабегим, Бекўғли – Оқсултон, Жонўғлон (1403–1411) – Оқсултон, Муҳаммад Ёрдий (1404–1409) – Лаълтегин (Беруйи, Бозуйи, Ёрути).

4.1. МУҲАММАД ТАРАҒАЙ (Улуғбек)

1394 йил, 22 март, Султония – 1449 йил, 25 октябрь.

Отаси – Шохрух (4).

Онаси – Гавҳаршодбегим.

Сароймулкхоним ва машҳур олим шайх Ориф Озарий (5 ёшидан) тарбиясида улғайди.

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Конида уйланиш тўйини ўтказган эди.

Ҳарбий юришларда, чунончи, Соҳибқироннинг Хитой сафарида бирга эди. 1409–1449 йилларда Самарқанд ҳукмдори.

Самарқандда обсерватория қурдирган, улкан кутубхонаси бўлган. «Зижи Кўрагоний» асарида 1018 осмон ёритгичлари ўрнини ўта аниқлик билан акс эттирган. Ўз даврининг Фанлар академиясига асос солган.

Дунё масштабидаги энг буюк олимлардан бири. Темурийлар сулоласининг фахри.

40 йил муттасил подшолик қилди, аммо бетим-сол илмий салоҳиятини ҳукмронликда намойиш эта олмади, офтобдек чароғон ақл шаъми сарой зулмати қуршовида хира тортиб, тафаккур ва истеъдод ҳокимият хуружлари қаршида чорасиз қолди, хуллас, бир қинда икки қилич – олим ва подшо сиғмади, бир қўлда икки кемани тутиб туриш имкони бўлмади. Ўғли – валиаҳд Абдуллатиф бу инқирозни бартараф этишда ожизлик қилди, аксинча, ўзи ҳам шу фитнанинг қурбонига айланди. Буларнинг бари эса бебаҳо ҳаётининг, азиз умрининг бемаҳал хазон бўлишига олиб келди. Буюк олим Муҳаммад Тарағай – Улуғбек Мирзонинг қисмати одамзод оламининг энг даҳшатли фожиаларидан биридир.

Фарзандлари: 5 ўғил, 7 қиз (13/10).

Умри – 55 йил.

Маликалари:

Оқабегим – Муҳаммад Султон (1.1)нинг қизи (1395 йил – 1449 йиллар). 1404 йил уйланган. Ҳабибасултон исмли қиз (4.1.А) туққан.

Оқсултонхоника – Маҳмудхоннинг қизи. Севимли малика эди, лекин талоқ қилади.

Хусннигорхоника – Шамъижаҳонхон қизи, чиғатойи малика.

Султонбадрулмулк – Халил Султон (3.3)нинг қизи.

Хуллас, ҳарамда 5 малика, 6 канизак (16) бўлган.

Қизлари:

Ҳабибасултон (Беғика, Ҳасиба).

Ўтабегим (Оқабегим) – Султон Абусаид (3.6.2)га турмушга чиққан.

Робиясултонбегим – Абусаиднинг қистови билан Абулхайрхонга узатилган (1451). 2 ўғил кўрган: Кўчкинчихон, Суюнчихон. Марқади Туркистон шаҳрида, Аҳмад Яссавий мақбараси қаршисида, баланд гумбаз кўтарилган.

Яна бир қизининг Абдулло Мирзо (4.2.3)га турмушга чиққани ҳақида маълумот бор. (Бу Робиясултонбегим бўлиши мумкин).

Ўғиллари:

Ибодулло 1412 йил туғилиб, 1417 йил вафот этади.

Абдулло 1420 – 1433 йиллар.

Абдурахмон 1421 – 1432 йилларда яшаган. (Яна: Абдулсамад, Абдулжаббор, Темур, Абдумалик, Абдуразоқ ва Султонмалик оқадан 3 ўғил).

4.1.4. АБДУЛЛАТИФ

1428 йил – 1450 йил, 9 май.

Отаси – Муҳаммад Тарағай (Улуғбек).

Онаси – Руқия хотун.

Ҳиротда бувиси Гавҳаршодбегим тарбиясида улғаяди. 1441 йилдан – Самарқандда. Истеъдодли, бироқ шухратпараст одам бўлган. Балх ҳокими (1448). Шохрух (4) вафотидан сўнг Ҳиротни эгаллай-

ди. Отасини жангда енгади, Улуғбекни Самарқандга киритмайдилар. Абдуллатиф шафқатсиз сиёсат олиб боради. Бобо Ҳусайн баҳодир камондан ўқ узиб, ҳалок қилади.

Умри – 23 йил.

Фарзандлари – 5 ўғил.

Абдураззоқ (4.1.4.1). Аҳмад (4.1.4.2). Маҳмуд (4.1.4.3). Муҳаммад Жўқи (4.1.4.4). Муҳаммад Боқир (4.1.4.5).

Дастлабки 4 ака-ука Абусаид (3.6.2) қўлида ўлим топади.

4.1.5. АБДУЛАЗИЗ

1430 йил – 1449 йил.

Отаси – Муҳаммад Тарағай (Улуғбек).

Эркатоӣ ва арзанда ўғил отаси Абдуллатиф (4.1.4)га қарши жангга кетганда Самарқандда аслзода гўзаллар билан ишратни авж олдиради, бу эса Улуғбекка қарши исёнга сабаб бўлади. Абдулазиз Юнусхоннинг синглизига уйланган бўлиши мумкин.

Умри – 20 йил.

4.2. ИБРОҲИМ СУЛТОН

1394 йил, август – 1435 йил, май.

Отаси – Шоҳрух.

Онаси – Тўтибегим.

Туман оқабегим тарбиясида улғаяди.

Бобоси Соҳибқирон 1404 йил сентябрда Кони-гилда уйланиш тўйини ўтказган эди.

Хитой юришида бобоси билан бирга эди. Балх ҳокими (1409). Ўқимишли киши бўлган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»ни унинг саройида тугатган.

Фарзандлари – 3 ўғил (4/2).

Султон Абу Исҳоқ (1419–1427), Исмоил (1423–1432) болалигида вафот этади.

Умри – 42 йил.

4.2.3. АБДУЛЛО

1433 йил – 1451 йил, Булунғур.

Отаси – Иброҳим Султон (4.2).

Онаси – Меҳрсултон хотун.

2 ёшидан отаси тахтида. Яхши муҳитда улғаяди. Улуғбек (4.1.) ўзига куёв қилади.

Абдуллатиф (4.1.4)дан сўнг Самарқанд ҳукмдори. Султон Абусаид (3.6.2) ва Абулхайрхоннинг бирлашган қўшинлари билан жангда ҳалок бўлади.

Умри – 19 йил.

4.3. БОЙСУНҒУР

1397 йил, 15 сентябрь – 1433 йил, декабрь.

Отаси – Шоҳрух.

Онаси – Гавҳаршодбегим.

Астробод вилояти ҳокими (1414), вазир (1416–20). Эрон Озарбайжони ҳокими (1421–31). Ҳукмронликда омади келмаган – отаси Самарқанд тахтига ўтиришида хайрихоҳлик кўрсатмаган. Гавҳаршодбегим (момолари)нинг аралашуви билан укаси Суюрғатмиш (4. 4.) ўртасида ихтилофлар юзага келиб турган. Бу ҳоллар ҳаёт тарзига жиддий таъсир кўрсатган.

Унинг толеъи маданият-маънавият жабҳасида порлади. Санъат, айниқса, адабиётни жуда қадрлаган. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг мукамал нусхасини тайёрлаб, сўз боши ёзган. Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос солган. Ўз қўли билан кўчирган ва олтин сувида безатилган Қуръон бобо-

си Сохибқирон Амир Темурнинг қабри устида турарди.

Фарзандлари – 3 ўғил (3/10).

Умри – 37 йил.

4.3.1. АЛОУДДАВЛА

1417 йил – 1460 йил, сентябр.

Отаси – Бойсунғур (4.3).

Онаси – Жонмалик оқа.

Бувиси Гавҳаршодбегим унга алоҳида меҳр билан қарар ва тахт вориси деб биларди. Шохрух (4) вафотидан кейин Ҳирот тахтини эгаллайди. Абдуллатиф (4.1.4) бошлиқ Самарқанд қўшинини енгиб (1447 йил, 27 апрель), Абдуллатифни асир олади. Улуғбек (4.1)нинг аралашуви билан Абдуллатиф озод этилади. Улуғбек Мирзо ва ўғли 90 минг кишилиқ лашкар билан Алоуддавлага қарши келиб, 1448 йил баҳорида Тарноб мавзесида уни енгишади. Хуросон Абусаид (3.6.2) тасарруфига ўтгач, Мўғулистон тарафларда, сўнг Хоразмда яшайди. Касалланиб, вафот этади. Ҳиротда дафн этилади.

Умри – 44 йил.

Фарзандлари – 2 ўғил, 1 қиз (2/2).

(Ўғиллари: Абулҳорис Бойсунғур (1435–1456) – Зайнаб, Иброҳим (1440–1458) – Муродсултон).

Қизи – Руқиясултонбегимни Абусаид (3.6.2) никоҳига олган, фарзанди – Шохрух (3.6.2.6).

4.3.1.2. МУҲАММАД ИБРОҲИМ

1440 йил – 1458 йил, август.

Отаси – Алоуддавла.

Онаси – Муродсултон.

Амакиси Абулқосим Бобур (4.3.3)га қарши Хуросон тахти учун курашда асир тушиб қолади.

Абулқосим Бобур. вафотидан сўнг Ихтиёриддин қалъасидан қочиб, қўшин тўплайди, Шоҳ Маҳмуд (4.3.3.1)ни енгиб, Ҳиротни эгаллайди. Туркмон ҳукмдори Жаҳоншоҳга қарши курашда Абусаид (3.6.2) уни алдайди ва енгилади.

Асаб касали билан вафот этади.

Умри – 19 йил.

4.3.2. СУЛТОН МУҲАММАД

1418 йил – 1451 йил, Ҳирот.

Отаси – Бойсунғур (4.3).

Онаси – Хандон оқа.

Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятлари ҳукмдори Султон Муҳаммад бобоси Шоҳрухга қарши қўшин тортади, Исфаҳонни босиб олади. Шерозни қамал қилади (1446). Исённи бостириб қайтаётганда Шоҳрух Мирзо бетобланиб, вафот этади.

Хуросонга ҳужум қилиб (1449), укаси Абулқосим (4.3.3) билан тўқнашади. У ўн йиллик ҳукмронлиги даврида укаси билан уч марта тўқнашади ва охири қатл этилади.

Умри – 34 йил.

Фарзандлари – 2 ўғил. Саъд Ваққос (1437–1452) ва Ёдгор (4.3.2.2).

4.3.3. АБУЛҚОСИМ БОБУР

1422 йил, Ҳирот – 1457 йил, март, Машҳад.

Отаси – Бойсунғур.

Онаси – Гавҳарнасаб оқа Хоразмий.

Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг Улуғбек (4.1), Абдуллатиф (4.1.4) ва Султон Муҳаммад (4.3.2)га қарши тахт учун жанглар олиб борди. 1451 йилдан Хуросон тахтини қўлга киритди. Шеърят мухлиси, илм-

фан ҳомийси бўлган. Ёш Султон Ҳусайн ва Алишер Навоийга илтифот кўрсатган.

Фарзанди – 1 ўғил.

Умри – 36 йил.

4.3.3.1. ШОҲ МАҲМУД

1446 йил – 1459 йил.

Отаси – Абулқосим Бобур (4.3.3).

Отаси вафотидан сўнг уни Машҳадда шоҳ деб эълон қиладилар. Ҳирот сари юришда Муҳаммад Иброҳим (4.3.1.2)дан енгилади.

Кобул ҳукмдори амир Бобога қарши жангда ҳалок бўлади.

Умри – 14 йил.

4.4. СУЮРҒАТМИШ

1398 йил – 1426 йил, ноябрь.

Отаси – Шоҳрух (4).

Онаси – Мулкат оқа.

Кобул ҳукмдори (1418).

Фарзандлари – 2 ўғил (6/2).

Отасининг ўрнига дастлаб Масъуд (4.4.1), сўнг Қорачар (4.4.2) ҳоким этиб тайинланади.

Ўғиллари: Султон Масъуд (1413–1443) – Шодбахт, ўғли Алиасқар (1428–1446). Султон Маҳмуд – Ферузбахт, Муҳаммад Султон – Бахтсултон, Қорачар (1414–1439) – Бахтсултон, Муҳаммад Султон – Саодат, Султон Маҳмуд – Ашура.

Қизлари: Руқиясултонбегим, Муҳаммад Жаҳонгир (1.) авлодидан Муҳаммад Султонга турмушга чиққан. Улуғ оқа.

Умри – 29 йил.

4.5. МУҲАММАД ЖЎҚИ (Жоку)

1403 йил – 1445 йил.

Отаси – Шоҳрух.

Онаси – Гавҳаршодбегим.

Мўғулистон хони, марҳум Шамъижаҳоннинг қизи Меҳрнигор оқани никоҳига олади (1419). Гармсир (1433), Балх (1443) ҳукмдори. Улуғбек (4.1), Бойсунғур (4.3) билан ҳаммаслак бўлган. Онаси ёқтирмаган. Асаб касали билан вафот этган.

Фарзандлари – 3 ўғил (1/2).

Умри – 43 йил.

4.5.1. АЛИ (1423–1424) – Бўлгон мўғул, болалигида оламдан ўтган.

4.5.2. МУҲАММАД ҚОСИМ

1422 йил – 1448 йил.

Отаси – Муҳаммад Жўқи (4.5).

Онаси – Меҳрнигорхоним (Бахтдавлат).

Отасининг мулки унга теккан эди.

Укаси Абубакр (4.5.3)га қарши жангда ҳалок бўлади.

Умри – 27 йил.

4.5.3. АБУБАКР

1427 йил – 1449 йил.

Отаси – Муҳаммад Жўқи.

Онаси – Меҳрнигорхоним (Бахтдавдат).

Ҳар жиҳатдан мукамал бўлган Абубакр Хутталон, Арханг, Солисаройни бошқарарди. Балхни эгаллаб, ҳарбий қудратини яна мустаҳкамлайди. Улуғбек Мирзо (4.1) куёв қилиш ниятида чорлайди. ғаламислар аралашиб, фитна чиқарадилар. Кўксаройда қатл этишади.

Умри – 23 йил.

4.3.2.2. ЁДГОР МУҲАММАД

1451 йил – 1470 йил.

Отаси – Султон Муҳаммад (4.3.2).

Онаси – Тундибека.

Аммаси Пояндасултонбегим тарбиясида ўсади. Маишатни яхши кўрадиган, ҳарбий салоҳиятсиз йигит эди. Туркмон ҳукмдори амир Ҳасанбек кўмагида Астробод, сўнг Ҳиротни эгаллайди. Талончилик авж олади. Тунда Алишер Навоий ва бошқа беклар шахзодани кўлга олишади. Султон Ҳусайн (2.6.3.2) нинг фармони билан қатл этилади. У Шоҳрух Мирзо авлодидан ҳукмронлик қилганларнинг сўнгги вакили эди.

Умри – 20 йил.

* * *

Соҳибқирон бобомиз таваллудига 670 йил тўлган санада саъй-ҳаракатимиз билан у зоти шарифнинг насабнома (генеалогия)си тузиб чиқилди ва «Хуррият» газетаси саҳифалари орқали жамоатчиликка маълум қилиб борилди. Гап шундаки, бундай юмуш мустақиллик йилларида биринчи марта адо этилди. «Темурийлар» сарлавҳаси остида эълон қилинган маълумотлар бошдан-охир бир сидра ўқиб чиқилса, кишининг кўз олдида ажиб бир манзара пайдо бўларди.

Бу – ўша, қарийб олти юз йил тарих саҳнасида ҳаракатда бўлган улкан салтанатнинг шукуҳи. Насабномада таърифланган 300 га яқин шахзода ва маликанинг ҳар бири бир дунё. Уларнинг ҳар қайсиси ҳақида алоҳида китоб яратса бўлади. Бир сўз билан айтганда, улар одам наслининг қай даражададир камолга етган бир вакили. Зеро, ҳаммага ҳам салтанат юритиш, юрт сўраш насиб этавермайди.

Ана шундай шавкатли силсиланинг бош ҳалқаси – ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурдир. Бугунги кунда ҳам бобомизнинг оламшумул шуҳрати ғайрларнинг бошини айлантириб, ул зотга қарши ахборот уруши эълон қилишган экан, майдонда улуғ саркарда ва унинг ортидаги уч юз чоғли лашкарни кўриб, рақибларнинг юрагига ғулғула тушса, ажаб эмас. Улар аввало ўзларининг кичкина хонадонини эпақага келтирсин-да, сўнг майдон талаб айласин. Насабнома уларга муносиб жавобдир.

Шубҳасиз, бу шонли тарих, хусусан, насабнома-лар устидаги изланишлар давом этаверади. Йил-лар ғубори ичида яширинган бу синоат ўз жамо-лини тобора кўз-кўз қилиб бораверади. Иншоол-ло, тадқиқотчиларни бу уммондан жавоҳир излаш истаги тарк этмагай, деган эзгу ният билан мазкур мавзудаги илк қадамларга якун ясаймиз.

*2005 йил июль, Фарғона –
2006 йил апрель, Тошкент.
(2015 йил январда қайта кўриб чиқилди ва
тўлдирилди).*





ОЛТИН СИЛСИЛА

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ БАҲОДИР (x – 1360
йилда вафот этган)

Ўғиллари:

Темурбек, Оламшайх, Суюрғатмиш, Жўки.

Қизлари:

Қутлуғ Туркон оқа (x – 1383), Ширинбека оқа.

Темурбек (СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР)
(1336–1405)

Қизлари:

Тоғайшоҳ Оқабегим (x – 1382) (А)

А.1. Султон Ҳусайн (x – 1406)

Султонбека оқа (x – 1430)

Ўғиллари:

1. МУҲАММАД ЖАҲОНГИР (1356 – 1376)

1.1. Муҳаммад Султон (1376–1403)

1.2. Пирмуҳаммад (1376–1407)

*1.1.1. Муҳаммад Жаҳонғир (1396–1433)

*1.1.2. Саъд Ваққос (1400–1418)

*1.1.3. Яхё (1401–1408)

**1 1.1.1. Муҳаммад Султон (1423–1448)

**1.1.1.2. Халил Султон (1426 – 1459)

***1.1. 1. 2. 1. Муҳаммад Умар (1442–1471)

- *1.2.1. Қайду (1396–1418)
- *1.2.2. Холид (1399–1427)
- *1.2.3. Саъд Ваққос (1400–1418)
- *1.2.4. Қайсар (1401–1427)
- *1.2.5. Бузанжар (1402–1422)
- *1.2.6. Жаҳонгир (1402–1433)
- *1.2.7. Санжар (1403–1429)

2. УМАРШАЙХ (1356–1394)

2.1. Пирмуҳаммад (1379–1410)

- *2.1.1. Умаршайх (1398 –1429)
- *2.1.2. Солиҳ (1406–1452)

2.2. Рустам (1381–1424)

- *2.2.1. Пирмуҳаммад
- *2.2.2. Султон Жалолиддин

2.3. Искандар (1384–1415)

2.4. Аҳмад (1388–1425)

2.5. Сайди Аҳмад (1391–1429)

***2.5.1. Аҳмад (1420–1498)**

****2.5.1.1. Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) (1458–1484)**

***2.5.2. Усмон**

****2.5.2.1. Абдулбоқи**

2.6. Бойқаро (1393–1423)

***2.6.1. Музаффар (1409–1429)**

***2.6.2. Муҳаммад**

***2.6.2.1. Султон Увайс**

***2.6.3. Ғиёсиддин Мансур (1413–1445)**

***А.1.А. Ферузабегим**

****2.6.3. А. Бадиулжамолбегим**

****2.6.3. Б. Оқабегим**

- **2.6.3.1. Бойқаро (1430–1487)
- ***2.6.3.1.1. Султон Муҳаммад (1449–1483)
- ***2.6.3.1.2. Султон Увайс (1451–1491)
- ***2.6.3.1.3. Искандар (1455–1502)
- **2.6.3.2. Султон Ҳусайн (1438–1506)
- ***2.6.3.2.1. Бадиуззамон (1458–1515)
- ****2.6.3.2.1.1. Муҳаммад Мўмин (1486–1497)
- ****2.6.3.2.1.2. Муҳаммад Замон (1496–1539)
- ***2.6.3.2.2. Шоҳғариб (1471–1496)
- ***2.6.3.2.3. Абутуроб (1472–1498)
- ***2.6.3.2.4. Абулмуҳсин (1472–1507)
- ***2.6.3.2.5. Муҳаммад Муҳсин (Кепак Мирзо)
(1474–1507)
- ***2.6.3.2.6. Музаффар Ҳусайн (1473–1509)
- ***2.6.3.2.7. Муҳаммад Ҳусайн (1476–1503)
- ***2.6.3.2.8. Фаридун Ҳусайн (1478–1510)
- ***2.6.3.2.9. Ҳайдар Муҳаммад (1479–1502)
- ***2.6.3.2.10. Муҳаммад Маъсум (1476–1501)
- ***2.6.3.2.11. Иброҳим Ҳусайн (1478–1505)
- ***2.6.3.2.12. Фаррух Ҳусайн (1480–1503)
- ***2.6.3.2.13. Муҳаммад Қосим (1482–1507)
- ***2.6.3.2.14. Ибн Ҳусайн (1486–1513)
- ***2.6.3.2. А. Зайнабсултонбегим
- ***2.6.3.2. Б. Оқбегим
- ***2.6.3.2. В. Бекабегим
- ***2.6.3.2. Г. Оқабегим
- ***2.6.3.2. Д. Кичкинабегим
- ***2.6.3.2. Е. Саодатбахтбегим (Бегимсултон)
- ***2.6.3.2. Ё. Султоннажотбегим
- ***2.6.3.2. Ж. Мунавварсултонбегим
- ***2.6.3.2. З. Байрамсултонбегим
- ***2.6.3.2. К. Фотимасултонбегим
- ***2.6.3.2. Л. Ойшасултон Оқабегим

3. МИРОНШОҲ (1366–1408)

3. 1. Абубакр (1382–1417)

*3.1.1. Илангир

*3.1.2. Усмон Жадий

3.2. Умар (1383–1407)

3.3. Халил Султон (1384–1411)

*3.3.1. Муҳаммад Бакр (х–1434)

3.4. Ийжал (1487–1415)

3.5. Суюрғатмиш (1399–1411)

3.6. Султон Муҳаммад

3.7. Сайди Аҳмад

*3.6.1. Манучеҳр (1418–1469)

**3.6.1.1. Малик Муҳаммад (1448–1494)

*3.6.2. Султон Абусаид (1424–1469)

**3.6.2.1. Султон Аҳмад (1451–1494)

**3.6.2.2. Султон Муҳаммад (1452–1467)

**3.6.2.3. Султон Маҳмуд (1453–1495)

***3.6.2.3.1. Султон Масъуд (1475–1506)

***3.6.2.3.2. Бойсунғур (1477–1499)

***3.6.2.3.3. Султон Али (1483–1500)

***3.6.2.3.4. Султон Ҳусайн (1481–1493)

***3.6.2.3.5. Султон Увайс (Мирзохон) (1485–1526)

***3.6.2.3.5.1. Сулаймон (1514–1590)

***3.6.2.3. А. Бекабегим

***3.6.2.3. Б. Оқбегим

***3.6.2.3. В. Ойбегим

***3.6.2.3. Г. Зайнабсултонбегим

***3.6.2.3. Д. Махдумасултонбегим

***3.6.2.3. Е. Ражабсултонбегим

***3.6.2.3. Ё. Муҳибсултонбегим

**3.6.2.4. Умаршайх (1456–1494)

***3.6.2.4. А. Хонзодабегим (1478–1544)

***3.6.2.4. Б. Меҳрбонубегим
***3.6.2.4. В. Шаҳрбонубегим
***3.6.2.4. Г. Ёдгорсултонбегим
***3.6.2.4. Д. Руқиясултонбегим
***3.6.2.4.1. Заҳириддин Муҳаммад (Бобур)
(1483–1530)

***3.6.2.4.2. Жаҳонгир (1485–1508)

***3.6.2.4.3. Носир (1487 – 1525)

** 3.6.2.5. Султон Мурод (1456 – х)

**3.6.2.6. Шоҳрух (1458–1493)

**3.6.2.7. Абубакр (1458–1479)

**3.6.2.8. Улуғбек (Кобулий) (1460–1501)

***3.6.2.8.1. Абдураззоқ (1480–1525)

***3.6.2.8.2. Мироншоҳ (1484–1507)

**3.6.2.9. Султон Умар

**3.6.2.10. Валад

**3.6.2.11. Султон Халил

****3.6.2.4.1.1. Носириддин Ҳумоюн (1508–
1556)

****3.6.2.4.1.2. Комрон (1509–1557)

****3.6.2.4.1.3. Аскарӣ (Муҳаммад) (1512–1558)

****3.6.2.4.1.4. Ҳиндол (1518–1551)

****3.6.2.4.1.А. Гулрангбегим

****3.6.2.4.1.Б. Гулчеҳрабегим

****3.6.2.4.1. В. Гулбаданбегим (1529–1603)

*****3.6.2.4.1.1.1. (А–О) Жалолиддин Муҳаммад
Акбаршоҳ (1542–1605)

*****3.6.2.4.1.1.2. Муҳаммад Ҳаким (1544–1585)

*****3.6.2.4.1.1.2.1. Афросиёб (1571–1597)

*****3.6.2.4.1.1.2.2. Кайқубод (1574–1591)

А. – 1. Салим (Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ) (1569–1627)

А. – 1.1. Хусрав (Шаҳзода) (1587–1622)

А. – 1.2. Парвез (Шаҳзода) (1586–1626)

А. – 1.3. Хуррам (Шаҳзода)– Шохжаҳон (1592–1666)

А. – 1.4. Шаҳриёр (Шаҳзода) (1596–1627)

А. – 1.3.1. Дорошукуҳ (1616–1659)

А. – 1.3.2. Шохшужоъ (1617–1661)

А. – 1.3.3. Аврангзеб (Абузафар Муҳйиддин Муҳаммад Оламгир) (1619–1707)

А. – 1.3.4. Муродбахш (1621–1661)

А. – 1.3. А. Жаҳоноробегим (1614–1681)

А. – 1.3.3.1. Муҳаммад Султон (1637–1672)

А. – 1.3.3.2. Аъзамшоҳ (1643–1707)

А. – 1.3.3.3. Муаззамшоҳ (Шох Олам I, Баҳодиршоҳ I) (1645–1712), тахтда 1707–1712

А. – 1.3.3.4. Муҳаммад Акбар (1647–1705)

А. – 1.3.3.5. Комбахш (1667–1709)

А. – 1.3.3. А. Зебуннисобегим (1639–1702)

А. – 1.3.3.3.1. Жаҳондоршоҳ (1668–1713), тахтда 1712–1713

А. – 1.3.3.3.2. Султон Иззатдин

А. – 1.3.3.3.3. Азимушшаън (1664–1712)

А. – 1.3.3.3.4. Рафиушшаън (1672–1712), тахтда 1719

А. – 1.3.3.3.5. Хўжаста Ахтар (1674–1712)

А. – 1.3.3.2.1. Фаррухсияр (1688–1719), тахтда 1713–1719

А. – 1.3.3.3.4.1. Рафиъуддавла, Шохжаҳон II (1692–1719), тахтда 1719

А. – 1.3.3.3.4.2. Рафъиударажот (1699–1719), тахтда 1719

- А. – 1.3.3.4.1. Нигусияр (1679–1719), тахтда 1719
- А. 1.3.3.3.5.1. Равшан Ахтар (Носирриддин Муҳаммад, Муҳаммадшоҳ) (1692–1748), тахтда 1719–1748
- А. – 1.3.3.3.5.1.1. Аҳмадшоҳ (1711–1754), тахтда 1748–1754
- А. – 1.3.3.3.4.1.1.1. Оламгир II (Аъзиддин) (1727–1759), тахтда 1754–1759 ва 1760–1788
- А. – 1.3.3.3.5.1.1.1. Бедорбахт, тахтда 1788
- А. – 1.3.3.3.5.1.1.1.1. Шоҳ Олам II (1743–1806), тахтда 1788–1803 (1806)
- А. – 1.3.3.3.5.1.1.1.1.2. Акбар II (1760–1837), тахтда 1806–1837
- А. – 1.3.3.3.5.1.1.1.1.2.1. Баҳодиршоҳ II (1776–1862), тахтда 1837–1858

4. ШОҲРУХ (1377 – 1447)

4. 1. Муҳаммад Тарағай (Улуғбек) (1394–1449)

- *4.1.1. Ибодулло (1412–1417)
- *4.1.2. Абдулло (1420–1433)
- *4.1.3. Абдураҳмон (1421–1432)
- *4.1.4. Абдуллатиф (1428–1450)
- **4.1.4.1. Абдураззоқ
- ***4.1.4.2. Аҳмад
- **4.1.4.3. Маҳмуд
- **4.1.4.4. Муҳаммад Жўқи
- **4.1.4.5. Муҳаммад Боқи
- *4.1.5. Абдулазиз (1430–1449)
- *4.1.А. Ҳабибасултонбегим
- *4.1.Б. Ўтабегим (Оқабегим)
- *4.1.В. Робиясултонбегим
- **4.1.В.1. Кўчкинчихон

****4.1.В.2. Суюнчихон**

4.2. Иброҳим Султон (1394–1435)

***4.2.1. Султон Абу Исҳоқ (1419–1427)**

***4.2.2. Исмоил (1423–1432)**

***4.2.3. Абдулло (1433–1451)**

4.3. Бойсунғур (1397–1433)

***4.3.1. Алоуддавла (1417–1460)**

****4.3.1.1. Абулхорис Бойсунқур**

****4.3.1.2. Муҳаммад Иброҳим (1440–1458)**

***4.3.2. Султон Муҳаммад (1418–1451)**

****4.3.2.1. Саъд Ваққос (1437–1452)**

****4.3.2.2. Ёдгор Муҳаммад (1451–1470)**

***4.3.3. Абулқосим Бобур (1422–1457)**

****4.3.3.1. Шоҳ Маҳмуд (1446–1459)**

4.4. Суюрғатмиш (1398–1426)

****4.4.1. Масъуд**

****4.4.2. Қорачар**

4.5. Муҳаммад Жўқи (1403–1445)

***4.5.1. Али (1423–1424)**

***4.5.2. Муҳаммад Қосим (1422–1448)**

***4.5.3. Абубакр (1427–1449)**

4.6. Жонўғлон (1403–1411)

4.7. Муҳаммад Ёрдий



АЛИФБО ТАРТИБИ

4.1.5.	Абдулазиз
2.5.2.1.	Абдулбоқи
4.1.4.	Абдуллатиф
4.1.2.	Абдулло
4.2.3.	Абдулло
4.1.4.1.	Абдураззоқ
3.6.2.8.1.	Абдураззоқ
4.1.3.	Абдурахмон
3.1.	Абубакр
4.5.3.	Абубакр
3.6.2.7.	Абубакр
2.6.2.3.4.	Абулмуҳсин
4.3.3.	Абулқосим Бобур
2.6.3.2.3.	Абутуроб
А-1.3.3.	Аврангзеб
3.6.2.4.1.1.1.	Акбар – Жалолиддин
(А-0)	Муҳаммад Акбаршоҳ
А-1.3.3.3.4.1.1.1.1.	Акбар II
4.3.1.	Алоуддавла
3.6.2.4.1.3.	Аскарӣ
3.6.2.4.1.1.2.1.	Афросиёб
А-1.3.3.2.	Аъзамшоҳ
2. 4.	Аҳмад
2.5.1.	Аҳмад

4.1.4.2.	Аҳмад
А-1.3.3.3.4.1.1.	Аҳмадшоҳ
2.6.3.А.	Бадиужжамолбегим
2.6.3.2.1.	Бадиуззамон
2.6.3.2.3.	Байрамсултонбегим
А-1.3.3.3.4.1.1.1.1. 1.	Баҳодиршоҳ II
2.6.3.2. В.	Бекабегим
3.6.2.3. А.	Бекабегим
4.3.	Бойсунғур
3.6.2.3.2.	Бойсунғур
2.6.	Бойқаро
2.6.3.1.	Бойғаро
1.2.5.	Бузанжар
3.6.2.10.	Валад
3.6.2.4.1.В.	Гулбаданбегим
А-1.3.1.	Дорошукух
4.3.2.2.	Ёдгор Муҳаммад
3.6.2.4. Г.	Ёдгорсултонбегим
1.2.6.	Жаҳонгир
3.6.2.4.2.	Жаҳонгир
А-1.3. А.	Жаҳоноробегим
2.6.3.2.А.	Зайнабсултонбегим
3.6.2.3. Д.	Зайнабсултонбегим
3.6.2.4.1.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур
А-1.3.3.А.	Зебуннисо

4.1.1.	Ибодулло
2.6.3.2.14.	Ибн Ҳусайн
4.2.	Иброҳим Султон
2.6.3.2.11.	Иброҳим Ҳусайн
3.4.	Ийжал
3.1.1.	Илонгир
4.2.2.	Исмоил
2.3.	Искандар
2.6.3.1.3.	Искандар
2.6.3.2. Д.	Кичкинабегим
А-1.3.3.5.	Комбахш
3.6.2.4.1.2.	Комрон
3.6.1.	Манучеҳр
4.4.1.	Масъуд
3.6.2.3. Д.	Маҳдумасултонбегим
4.1.4.3.	Маҳмуд
3.6.2.4. Б.	Меҳрбонубегим
3.	Мироншоҳ
3.6.2.8.2.	Мироншоҳ
А-2.3.3.	Муаззамшоҳ
А-1.3.3.3.	Муаззам (Шоҳ Олам)
2.6.1.	Музаффар
2.6.3.2.6.	Музаффар Ҳусайн
2. 6.3.2. Ж.	Мунавварсултонбегим
А-1.3.4.	Муродбахш
2.6.2.	Муҳаммад
А-1.3.3.4.	Муҳаммад Акбар
4.1.4.5.	Муҳаммад Боқи

- 4.3.1.2. Муҳаммад Иброҳим
1. Муҳаммад Жаҳонғир
- 1.1.1. Муҳаммад Жаҳонғир
- 4.5. Муҳаммад Жуқи
- 4.1.4.4. Муҳаммад Жуқи
- 2.6.3.2.1.2. Муҳаммад Замон
- 2.6.3.2.10. Муҳаммад Маъсум
- 2.6.3.2.5. Муҳаммад Муҳсин
(Кепак Мирзо)
- 2.6.3.2.1. Муҳаммад Мўмин
- 1.1.1.2.1. Муҳаммад Умар
- 1.1. Муҳаммад Султон
- 1.1.1.1. Муҳаммад Султон
- 12.5.1.1. Муҳаммад Султон (Кичик
Мирзо)
- 2.6.3.1.2.1. Муҳаммад Султон
- A-2.3.1. Муҳаммад Султон
- A-1.3.3.1. Муҳаммад Султон
- 4.1. Муҳаммад Тарағай (Улуғбек)
- 4.5.2. Муҳаммад Қосим
- 2.6.3.3.3. Муҳаммад Қосим
- 3.6.2.4.1.1.2. Муҳаммад Ҳаким
- 3.6.3.2.7. Муҳаммад Хусайн
- 3.6.2.3. Ё. Муҳибсултонбегим
- 3.6.2.4.3. Носир
- 3.6.2.4.1.1. Носириддин Хумоюн подшоҳ –
Хумоюн
- 2.6.3.2. Л. Ойшасултон Оқабегим

3.6.2.3. В	Ойбеғим
А-1.3.3.3.4.2.	Оламғир II
2.6.3. Б.	Оқабегим
2.6.3.2. Г.	Оқабегим
2.6.3.2.Б.	Оғабегим
3.6.2.3.Б.	Оғабегим
А-1.2.	Парвез
2.3.1.	Пирали
1.2.	Пирмухаммад
2.1.	Пирмухаммад
2.2.1.	Пирмухаммад
А-1.3.3.4.	Равшан Ахтар
3.6.2.3. Е.	Ражабсултонбегим
2.2.	Рустам
3.6.2.4. Д.	Руқиясултонбегим
2.5.	Сайди Аҳмад
3.7.	Сайди Аҳмад
А-1. (3.6.2.4.1.1.1.1.)	Салим (Нуриддин Мухаммад Жаҳонгиршоҳ)
1.2.7.	Санжар
2.6.3.2. Е.	Саодатбахтбегим
1.1.1.	Саъд Вағғос
1.2.3.	Саъд Вағғос
2.1.2.	Солиҳ
3.6.2.3.5.1.	Сулаймон
2.6.3.2.Ё.	Султоннажотбегим
3.6.2.	Султон Абусаид

- 4.2.1. Султон Абу Исҳоқ
- 3.6.2.3.3. Султон Али
- 3.6.2.1. Султон Аҳмад
- 2.2.2. Султон Жалолиддин
- 3.6.2.3.1. Султон Масъуд
- 3.6.2.3. Султон Маҳмуд
- 3.6.2.5. Султон Мурод
- 3.6. Султон Муҳаммад
- 4.3.2. Султон Муҳаммад
- 2.6.3.1.1. Султон Муҳаммад
- 3.6.2.2. Султон Муҳаммад
- 2.6.2.1. Султон Увайс
- 2.6.3.1. 2. Султон Увайс
- 3.6.2.3. 5. Султон Увайс (Мирзохон)
- 3.6.2.9. Султон Умар
- 3.6.2.11. Султон Халил
- 2.6.3.2. Султон Ҳусайн
- 3.6.2.3.4. Султон Ҳусайн
- 3.5. Суюрғатмиш
- 4.4. Суюрғатмиш
-
- 3.6.2.8. Улуғбек
- 3.2. Умар
- 3.6.2.9. Умар
2. Умаршайх
- 2.1.1. Умаршайх
- 3.6.2.4. Умаршайх
- 2.5.2. Усмон
- 3.1.2. Усмон Жодий

2.6.3.2.8.	Фаридун Ҳусайн
A-1.3.3.2.1.	Фаррухсияр
2.6.3.2.12.	Фаррух Ҳусайн
A.1.A.	Ферузабегим
2.6.3.2. K.	Фотимасултонбегим
3.6.3.1.	Халил
3.3.	Халил Султон
1.1.1.2.	Халил Султон
1.2.2.	Холид
3.6.2.4. A.	Хонзодабегим
A-1.3.	Хуррам (Шоҳжаҳон)
A-1.1.	Хусрав
3.6.2.4. B.	Шаҳрбонубегим
A-1.4.	Шаҳриёр
4.	Шоҳрух
3.6.2.6.	Шоҳрух
4.3.3.1.	Шоҳ Маҳмуд
A-1.3.3.3.	Шоҳ Олам
A-1.3.3.3.2. 1.	Шоҳ Олам II
A-1.3.2.	Шоҳ Шужоъа
2.6.3.2.2.	Шоҳғариб
1.1.3.	Яҳё
1.2.1.	Қайду
3.6.2.4.1.1.2.2.	Қайғубод
1.2.4.	Қайсар

4.4.2. Қорачар

2.6.3.3.4. Қосим

2.6.3. Гиёсиддин Мансур

2.6.3.2.9. Ҳайдар Муҳаммад

3.6.2.4.1.4. Ҳиндол



ТЕМИР ЗАНГИ

... Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.

Абдулла ОРИПОВ

Кейинги пайтда шеършунослар орасида Абдулла Орипов шеърятининг муваффақияти сирлари (яъни шоир маҳорати)ни таҳлил қилишга мойиллик кучаймоқда. Бу ҳолни илмнинг бир қадам олға силжиши деб тушунмоқ керак. Негаки, ҳозиргача кўплаб тадқиқотларда масаланинг ташқи томони (мавзу, мусиқийлик, халққа яқинлик, анъанавийлик сингари)га эътибор қаратилган бўлса, эндиликда шоир қўллаган усуллар, у яратган тимсоллар, бадий кашфиётлар ҳақида кўпроқ гап бўлаяпти: энди қофия жарангидан туғилган завқ чинакам заргарона чашнагирик билан алмашмоқда – моҳиятга назар ташланаётир. Шоирнинг эсда қолган мисралари, фавқулодда закийлик билан ижод этилган метафоралар ҳақида мақолалар, китоблар пайдо бўлди.

Жумладан, «Менинг ҳам қонимда қилич занги бор» мисраси нимани ифодалайди? «Арманистон» (1967) шеърининг ёзилиш сабаби мухлисларга маълум. Шоир қардош халқ тарихи билан ўз халқи тарихининг ҳамоҳанглигини қайд этиш мавриди келганда шу мисрани қўллайди. Демак, қилич (темир) занги, бу – қилич ёки болта каби оҳан қурооллар билан кесилган бошларга ишора. «Биз қирғинларни бошидан кечирган одамларнинг зурриётимиз»,

демоқчи шоир. Бу оддий ҳақиқат сурати бадий маҳорат билан чизилмоқда шу мисра орқали.

«Занг темирни емиради» – бу ҳам оддий ҳақиқат. Занглаган темир қайсидир даражада ўз мустақамлигини йўқотади. Мабодо, йиллар оша қонда қолган занг кўлмак, биқиқ, борингки, мустабид муҳитда вужудга ҳам таъсир қилмасмикин? Яна у қон соф ҳаволарда, илоҳий кароматлар-у, даврнинг суронларида тозаланмаган бўлса, вужуд эгаси одам сифатида пода, оломон шаклида кун кўришга чормихланган бўлса-чи?

Занглаган туйғу қайсидир даражада (балки бутунлай) ўз шукуҳини йўқотар экан. Бўлмаса, бугун аниқ кўзга ташланиб қолаётган (одатда, ўғил отадан ажралиб, мустақил рўзгор тута бошлагач, кимлиги билинади) мутеълик («қуллик» десак, қуллар хафа бўлиши мумкин) қачон бунчалар чуқур томир отиб улгурган экан?! Ёки одамларимиз шунча лоқайд, боқибегам, ҳасадгўй, мунофиқ эканми? Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имконини бергач, бироз бошимиз айланиб қолмадимми?

Ҳа, одам ўзини овутиб, ўтмиш аждодлари панасида яшириниб юравериши мумкин. Бироқ ҳар бир даврнинг ўз сўроқлари бўладики, уларга фақат бугун (кеча ҳам эмас, эртага ҳам эмас) – бугун жавоб бермоқ лозим. Жавоб бериш учун эса арзийдиган қавм бўлиш шарт.

Албатта, ҳар лаҳзада кўнглимиздан суверен давлат фуқароси эканимиздан шукрона кечади. Бизнинг бу бахтга эришганимизга 25 йил тўлаяпти. Бироқ 150 йиллар давом этган тартибларнинг оқавалари ҳамон кўпчиликни қарахт қилиб турибди, деб хулоса қилсак, хато бўлмас. Айниқса, тоталитар тартибларни бутун вужуди билан қабул

қилган, унинг устуворлиги йўлида хизматда бўлган ва, демак, нашъу намоларидан етарлича ҳаловат топган зотлар нафақат у кунларни унута олмаяптилар, балки мустақиллик неъматларини қабул қила олмаяптилар. Ўша темир занги қон томирларининг деворларига кўчмас бўлиб тармашиб қолганга ўхшайди.

Бу ҳолатнинг воқе бўлиш лаҳзаларини Соҳибқирон Амир Темур шахсига муносабат кўзгусида бир қур назардан ўтказайлик.

Аввало, Амир Темур тарихининг халқимиз меросига айланиши мустақилликнинг энг катта тухфаларидан бири бўлганини қайта-қайта такрорлаш лозим. Давлатимиз раҳбарининг қатъияти, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан бу ноёб хазина маънавий мулкимизга айланди. Энди бу ҳақда гапиришдан чўчиш эмас, гапиришга рағбат кучайди. Ўрганаман, ёзаман, деганга бирон ўринда тақиқ йўқ. Энди ҳозиргача ўз юртида қадр топмаган, эъзозланмаган бу бойликни чинакамига истифода этиш, бутун инсониятга кўз-кўз қилиб кўрсатиш фурсати етди ва бу борада сезиларли ютуқлар бор. Шу ўринда кўнгилдан бир андиша кечади: ана шу оламшумул юмуш маълум тоифа кишиларининггина ташвишига айланиб қолмаяптими, бу ғурурни, ифтихорни юртнинг жами катта-кичиги туяяптими? Албатта, ишончли жавоб бериш оғир, эҳтимол, ҳаммадан буни кутиб ҳам бўлмас. Лекин шундай бўлиши шарт – шу юртда яшаётган ҳар бир одам ўз вужудидан ўша кунлар шукуҳини ўтказиб кўрсин.

Афсуски, бу жўн нарса эмас экан...

Мустақиллигимизнинг илк мевалари кўзга ташланиб қола бошлаган кунлар. Пойтахтнинг қоқ марказида қад ростлаган муҳташам ҳайкал кўзларни қувонтирмоқда. Одамлар сўзсиз ички

бир туйғу билан беихтиёр унинг қошига интиладилар. Кўнгиллардан боқий қадриятлар бўй кўрсатади, таҳқирланган, хўрланган кунлар қийноғи таскин олади унинг қаршисида. Гарчи бетимсол бўлса-да, баъзан шахсий майлларга эрк берилиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади баъзилар. Биз ҳам унга яқин жойда эдик ва тилимизда шукрона янграрди – озод кунлар учун. Шу пайт суҳбатдошлардан бири – савлатли, кўркем чехрали одамнинг залворли овози ҳаммани хушёр торттирди. У шундай дер эди:

– Менга қолса, ўттиз метр чуқур қазардим...

Бу гапда асло хафа бўладиган маъно йўқ эди ва кўпчилик умри партиявий топшириқларни бажариш билан ўтган бу одамдан жўяли фикр кутди. Эҳтимол, ҳайкал тағ-заминини шунча чуқурликдан ишлаб чиқиш ҳақида ўз лойиҳасини баён этар!

Аmmo... у жуда нобоп гап айтди.

Унинг қонидаги «темир занги» хуруж қилган эди.

* * *

Қийшиқ мўридан – қийшиқ тутун.

Халқ мақоли

Русларда бир гап бор экан: «Агар одамни ўн кун «Сен чўчқасан» десанг, ўн биринчи куни хуруллаш бошлайди».

Одам зотининг табиати қизиқ-да (бу гапни олдин ҳам жуда кўпчилик айтган). «Қизиқ»лигининг бир қирраси – бир ушлаб олган жойини унча-бунчада қўйиб юбормайди. Айниқса, онт ичган коммунистлар шундай бўлса керак. Уларни ўлдириб ташласалар ҳам, агар айтмайман деса, партком котибининг фамилиясини айтмаган ва хожаси нимани мияси-

га қуйган бўлса, ўшандан бошқасини тан олмаган. Бу ҳолни «коммунистик эътиқод» деб аташган, бундай эътиқод йўлида фарзанд отасини сотган, ота ўз ўғлини қўли билан осган ва бундай ҳолатлар ибрат қилиб кўрсатилган.

Хўш, шу эътиқод талаби билан бизнинг тарихимиз қандай талқин қилинган эди? Бу ҳақда тасаввурларимиз бор, бу сафар гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Зеро, бугунги авлод учун оталари, боболарининг дунёқараши қандай маънавият асосида шаклланганини билиш жуда муҳим.

* * *

Отнинг ўлими – отнинг байрами.

Халқ мақоли

«Номи совет тарихий романчилиги солномасида олтин ҳарфлар билан ёзилган» («Ўзбекистон» нашриётида 1981 йил 200 минг нусхада чоп этилган «Звезды над Самаркандом» китобида шундай қайд этилади) **Сергей Петрович Бородин** 1902 йилда Москвада туғилган эди. Унинг «Дмитрий Донской» (1940) романи катта шухрат қозонади, Давлат мукофоти билан тақдирланади. У 1950 йилда Тошкентга кўчиб келади ва бутун иқтидорини «Ўрта Осиё тарихи, босқинчи Темур образини бадиий акс эттириш»га йўналтиради. У «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» деб аталган «қўппланли тарихий эпопея» устида жадал иш бошлайди. 1955 йилда унинг биринчи китоби «Оқсоқ Темур», сўнгра «Сафар гулханлари», «Йилдирим Боязид» деган қисмлари эълон қилинади. Москвалик ёзувчининг бу саъй-ҳаракатлари Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан сарафроз этилади. Мабодо, у эпопеянинг навбатдаги қисми – «Оқ тулпор»ни ёзиб тугатганида, бундан-да

юқори сийлиқларга муяссар бўларди, лекин қазои қадар унга ҳам шафқат қилмайди, китобни тугатолмай вафот этади.

Бу ўринда мақсад «кўппланли эпопея»нинг авра-астарини ағдариб, таҳлил қилиш эмас, балки шунчаки ракурс йўли билан бу «монументал асар» нимадан баҳс юритади, унинг хиди қанақа – шулар тўғрисида муъжаз тасаввур ҳосил қилиш ва шу орқали совет мафқурасининг йўналишини ёдга солиш, холос. Ахир бу «эпопея»ни ўқиган бор, ўқимаган бор, шунингдек, унинг муаллифининг номи нега «олтин ҳарфлар билан ёзилиш»га лойиқ топилгани ҳам кўпларни қизиқтиради. Қолаверса, ҳали «кўркем чехрали» одам чуқур қазиб, нима қилмоқчи эканини сизга айтмадик ҳам.

Эътироф этиш керак, Сергей Бородин иқтидорли ёзувчи бўлган. Ижодий руҳи тарихга ҳамоҳанг бўлган бу қаламкаш қайси мавзуга қўл урмасин, воқеалар гирдобида боши айланиб қолмайди, калавасини учини йўқотиб қўйиб, алжирамайди, аксинча, давр ва воқеани маҳорат билан акс эттиради. Унинг ўша замон адабий ҳаётида қозонган обрўси тасодиф бўлмаган. Хусусан, нашриёт эскартишида қайд этилганидек, «рус қуролининг қудрати ҳақидаги «Дмитрий Донской» романи она халқи, унинг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан ёзилган». Асар баҳор ёмғиридан тозаринган Москва тасвири билан бошланади, унинг ҳар бир сатрида ёзувчининг меҳри сезилиб туради. Бу – табиий ҳол. Ёзувчи-адиб ўз халқининг фарзанди ва уни васф этишни фарзандлик бурчи деб билади. Китобда саҳифама-саҳифа зоҳир бўлган меҳр кучайиб бораверади ва, ниҳоят, Куликово жанги (аслида бу издиҳомда томонлар лашкарининг ўндан тўққиз қисми қирилиб кетган, бироқ ғолиблар аниқланмаган эди) тасвирида бу меҳр душ-

манлар – татарлар, яъни Олтин Ўрда вакилларига нисбатан оловли нафрат билан алмашади. Ёзувчи Дмитрий Донской кўшини тарафида туриб ёв билан жанг қилади. Эҳтимол, ана шу руҳ роман энг ватанпарварона асар сифатида баҳоланишини таъминлагандир.

Ўз шаҳрида ватанпарвар ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Бородин Тошкентга юборилади. Бу ерликларга ватанпарварликдан дарс (сабоқ) бериш учунми? Балки! Балки харидор сифатида ташриф буюриб, ватанни қандай сотиш кераклигини ўргатиш учундир?! Нима бўлганда ҳам, ўшанда Ўрта Осиё унинг бадий салоҳияти қаршисида тиз чўқди, унинг ижод фабрикасидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миллион нусхаларда зудлик билан истеъмолчиларга етказиб берилди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё тарихининг энг зулмат ва қоронғу нуқталари дунё афкор оммаси кўз олдида яққол намоён бўлди. Гўё дунё тўкилган жами қонлар учун ўч олиш мақсадида фурсат пойлар, ҳапқириб ўша қонхўрни изларди. Сергей Петрович одамзотнинг ана шу эҳтиёжини бир зумда «есть» қилди. Унинг қаламидан бемисл ёвуз бир зот тимсоли жонланиб, саҳифалардан дунёга таҳдид сола бошлади.

Сергей Петрович энди бу ўринда ватанпарвар эмас эди. Эҳтимол, у тарихий далилларни ўрганиш жараёнида дунёни ларзага солиб, йўқсилларни бирлашишга даъват этаётган, дину диёнатдан йироқ социализмнинг мафкураси – коммунистик ғоянинг ашаддий душманига дуч келгандир ва шу туфайли саҳифаларни сиёҳ билан эмас, заҳар билан ёзгандир, бироқ нима бўлганда ҳам, у ўрганаётган давр билан у яшаётган давр кун билан тун эканлигини ҳис қилгани шубҳасиз. Билъакс, ҳақиқатга бунчалик қора чаплаш, асоссиз бир тарзда бир зотга бунчалик ғазаб сочиб бўлмас эди.

Шундай қилиб, «Самарқанд осмонидаги юлдузлар»нинг биринчи китоби ҳақиқатнинг юзига тупуриб, сўзнинг ҳам уволдан кўрқмай мислсиз нафрат (нега?) руҳи билан ёзилди. Мен сизга айтиб қўяй, китобнинг биринчи сатриданок бадбўй ҳид келади: «Самарқанд туни қоронғу, лоҳас». Табиий, ана шундай ёвқараш саҳифалар оша кучайиб бораверади, оқибатда, бугунги тасаввурларга солиштирганда бутунлай тухматдан иборат лавҳалар чизилади.

Албатта, ёзувчиликнинг ҳеч жойда қайд қилинмаган ахлоқ мезонлари бўлади. Масалан, бизнинг боболаримиз йирик асарларини ҳамду наът билан бошлаб, Оллоҳ ва пайғамбарлар номи билан ёлғонни ёзмасликка сўз берганлар. Сергей Бородин жаноблари ҳам қайсидир нуқталарда тарих ҳақиқатига амал қилади – у ўша даврни қўлидаги манбалар асосида пухта ўрганган. Аммо ҳамма ўринда ҳам одил қола олмайди. Қандайдир кўрсатмаларга суяниб, тақлиф қилинган қонунлар асосида ҳаракат қилганга ўхшайди. Ёқимсиз таассурот туғдирувчи воситаларни топишга интилиши ҳам зўрма-зўраки. У арзимаган унсурга ҳам салбий оҳанг ёпиштираверади. Жумладан, унинг қахрамони – Темур гап қотмайди, пўнғиллайди («проворчал»), гапирмайди – вайсайди («пробормотал»). Эшигини тепиб уй ичига киради, «қонга белаб, тутунини чиқарган бу мамлакатда ўзига нима ёққан-ёқмаганини ҳеч кимга айтмайди». Шу хилдаги жон куйдириб қора чаплашлардан сўнг, табиий, китобхон кўз олдида ҳар қандай кишини кўрқувга соладиган даҳшатли бир зот тимсоли пайдо бўлади. Энди унинг тарафини олиш мумкин эмас, энди уни яхши кўриш – ваҳшийликни рағбатлантириш билан баробар. Эҳтимол, ўша пайтдаги совет мафқурасига худди шу нарса керак бўлгандир. Эҳтимол, моҳир ёзувчи бу вазифани сидқидилдан уддалаб, хожалари-

нинг тузини муносиб оқлагандир. Ахир унинг иссиқ жойини совутиб, чекка ўлкага бекорга юборишмаган бўлсалар керак.

Роман фақат Темурни бадном қилишгагина хизмат қилмайди, балки қамров яна ҳам кенгроқ олиниб, бутун Ўрта Осиё тарихи остин-устун қилинади. Ёзувчининг салбий муносабати персонажларига ном танлашда ҳам билинади. Мана улар: Қийшиқ, Дағал, Дангаса, Айёр – хуллас, бу ўлкада яхши нарсанинг ўзи йўқ. Воқеалар шундай талқин қилинадик, ўша пайтдаги «кўпмиллатли совет оиласи»нинг ҳар бир аъзоси лаънати ўтмиш учун ўзбек халқига маломат тошини отиши мумкин эди. Айниқса, бобокалоннинг Кавказ юришлари тасвирида иғво шундоғ билиниб турибди. Эпопеянинг катта ғисми «Арманистон тошлари» деб номланган. Бородиннинг талқинича, қанча балоларни бошидан кечирган Кавказ ҳеч вақт Темур отларининг туёғи остидачалик эзилмаган. (Ҳолбуки, тарих бошқа далилни тасдиқлайди: ҳали Грузия ёки Арманистон деган мамлакатлар ҳозирги чегараларида воқе бўлмаган ўша пайтда бу ҳудудларни дастлаб Қора Муҳаммад, сўнгра ўғли Қора Юсуф бошлиқ қорақуюнли туркманлар идора қилар, Соҳибқирон илк юришидаёқ уларга зарба бериб, босқинчилик, йўлтўсарликни жиловлашга киришган эди. Кейинчалик ҳам қорақуюнлиларнинг тажовузидан бу ҳудудларни ҳимоя қилди, улар билан охиригача курашди. Энди ўзингиз ким дўст, ким душманлигини ажратиб олаверинг). Бу ҳаракати билан эса «сўз санъаткори» халқларимиз ўртасида фитна уруғини сочгани аниқ. Шулар қаторида Сергей Петрович Амир Темурнинг Кўҳна Урганч қалъасини бузиб, арпа эккани ҳақидаги афсонага ҳам ҳадеб урғу бераверади. Бундан ҳам кўзда тутилган мақсад аниқ бўлган. Ўша иғвонинг оқоваси ҳамон давом этмоқда. Баъзи хоразмликлар Бородинни ҳамон унутгани йўқ. Асли-

да Урганчни эгаллаш Қарши (1367) ёки Балх (1370) калъаларини буйсундиришдек ҳол бўлган.

Эпопеянинг «фазилатлари» шу билан тугамайди. Ёзувчи ўзига ортиқча бино қўйиб, халқнинг шаъни, қадриятларига ҳам бемалол тош отаверади. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун иккита мисол келтирамиз.

Асосий шахсни ёмонотлиқ қилиб олгач, билибми-билмайми, унинг атрофидагиларни ҳам ҳақорат қилаверади. Мана, гап ҳазратнинг пири муршиди Саййид Барака ҳақида кетаяпти. Соҳибқироннинг бу зотга муносабатини Гўриамирда оёқ сарисидан жой олганидан билса бўлади, лекин Бородин бу даража билан ҳисоблашмайди, андишасизлик билан шундай деб ёзади: «Саййид Барака мункайиб, соқолли итга ўхшаб кўринар, унинг соқоли сув оқими ичида бир-бирига чирмашган бўз илонларга ўхшарди.» (*Малик Раҳмон таржимаси*). Ёки араблар дунёсида мислсиз шуҳрат қозонган, шариат қозиси деб ном чиқарган Валиуддин ибн Халдунга шундай тухмат қилади: «... кулоллардан бирининг ювошгина қизини ибн Халдун оқсоч қилиб олди. Оқсочнинг бўйида бўлиб, ўғил туққанида боланинг отаси ибн Халдуннинг ўғли эканлиги маълум бўлиб қолди. Муаррих ўғлини шу оқсочга уйланишга мажбур қилди». (*Мирқарим Осим таржимаси*).

Сергей Бородин шу руҳдаги ижодга қарийб 25 йиллик умрини бағишлаган. Эпопеяни ўқиш жараёнида унинг ҳам инсоний туйғулардан маҳрум эмаслигига, баъзан инсоф билан қалам сурганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳатто воқеалар ривожи, ҳаёт тўлқини, қолаверса, тарих ҳақиқати баъзан унинг ғазабини ҳам кўмиб кета олган. Гоҳида Соҳибқироннинг бунёдкорлиги, илм-фан аҳлига ғамхўрлиги ҳақида лавҳалар битган. Ҳолбуки, у лаънатлаган одамда заррача эзгулик бўлмаслиги керак эди. Шундай қилиб, атоқли

ёзувчи ўзини-ўзи фош этиб қўяди, балки шу билан ўзига буюртма берганларнинг темир қолипига норозилигини ифодалагандир. Хусусан, 3-китоб гарчи «Йилдирим Боязид» деб номланса-да, унда гап асосан ибн Халдун ҳақида боради. Демак, ёзувчи ёлғонни ёзайвериб, чарчаган, охирида парокандаликка йўл қўйганга ўхшайди.

Катта ижодий меҳнат эвазига юзага келган бу асар кўпминг нусхада қайта-қайта нашр этилди, дунё тилларига таржима қилинди. У муаллифига беқиёс шуҳрат олиб келди ва унинг номи «солномаларда олтин ҳарф билан ёзилиш»га лойиқ топилди.

Қисқа шарҳимизда «атомдан ҳам кучли бўлган» адабиётда ҳаракат қилган «сўзотар» қуроллардан бири ҳақида тўхталдик. Инсоф билан айтганда, ана шундай ғоя тузоғида бўлган, тоталитар мафкура исканжасидан чиқиб кетолмаган одам ўзини Амир Темура ватандошман (ҳеч қуриса), деб айта олармиди? Ва шундай маънавият таъсирида шаклланган одамдан нима кутиш мумкин, яна у ўша идеологиянинг солдати ҳисобланган бўлса?!

Лекин дунёда ўзгармайдиган нарса йўқ, тошларнинг шакли-да ўзгариб туради. Афсуски, фикрни ўзгартириш қийин экан.

* * *

Яна тажрибамда (амир Хусайн мисолида – Х.С.)

кўрдимки, ақлли душман

жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан.

«Темур тузуклари»дан

Энди узилиб қолган гапимизни давом эттирсак бўлади.

Ўша дилкаш суҳбатда чуқурни обдон кавлашни таклиф қилган зот ниятини шундай изҳор этди:

– ... Ўша чуқурга уни...

Ол-а! Ҳамма каловланиб қолди, у жуда нобоп гап айтган эди. Бир оздан сўнг аранг сўрадим:

– Нега?

Жавоб шундай бўлди:

– У одамларни қирган.

Рости, бу даъво биринчи марта айтилаётгани йўқ эди. Мозий билимдонлари, урушлар табиатини ўрганган мутахассислар мазкур даъвонинг нечоғлик тош босишига ўз муносабатларини билдиришган. Бироқ суҳбатдошимизнинг булардан беҳабарлиги бизни ҳайрон қолдирди. Уни маърифатсиз одам деб ҳам бўлмасди. Уйда жуда бой кутубхонаси бор, ундан кўплаб ноёб китоблар жой олган: «Жаҳон адабиёти» юз томлиги, «Болалар адабиёти» юз томлиги, «ЖЗЛ» сериясидаги жами китоблар. Жумладан, Сергей Бородин... У шуларни ўқиган, тасаввури, дунёқараши ҳам шу руҳда эди.

Орадан 6–7 йил ўтди. Кўп нарса ўзгарди. Мен ўша ватандошимизнинг ҳам фикри ўзгарганига ишонаман. Инсон эътиқодини адашишлар, хатоликларни кечириб, топади-ку!

Дунё кўрган, кўплаб китоблари чоп этилган бир ижодкор нукул «Амир Темурдан Чингизхон зўр» деб такрорлашни хуш кўрарди. (Бошқа бир болалар шоири эса аламзадалиқ билан «Чингизхон қариб қолганида Темур пайдо бўлди-да, бўлмаса, бўйнини суғуриб олар эди», дейди. Ҳолбуки, Соҳибқирон Чингизхон вафотидан 109 йил кейин туғилган). Унинг қайси мезонлар асосида бундай хулосага келгани қоронғу эди-ю, лекин қалбида ватанпарварлик туйғуси сустлигидан ажабланардим. Ахир одамлар ҳатто юртининг футбол жамоаси билан фахрланади, уни қувватлаш учун ўзга ўлкаларга боради. Наҳотки, Амир Темур шавкати бир футбол жамоасига тенг бўлмаса? Зиддиятли

ҳислар оғушида юртдошларнинг бетайинлигидан хафа бўлиб юрган эдим, кўп ўтмай гап нимадалигини тушуниб олдим. Ижодкор танишим бир сафар тўлишиб келди-да, жўшиб нималарнидир гапирди, сўнг одатдагидек «Амир Темурдан Чингизхон зўр» дегач, қўшимча қилди: «Навоийдан ўзим зўр». Ҳа, у ҳамма нарсага ўз қаричи билан баҳо берар экан.

Албатта, бундай қарашлар ижтимоий салмоқ касб этолмайди. Шахсий нуқтаи назар, бир кўнгилинг майли бўлиб қолаверади. Фақат икки нарса кишини ажаблантиради: бири – кимларнингдир ҳамон ана шундай таги пуч нарсаларга ишониб келаётгани-ю, иккинчиси – бундай пуфак гапларни миллатга, халққа маънавий дурдоналар ҳадя этиши лозим бўлган айрим зиёлилар байроқ қилиб юргани. Бундай чекланганлик, аввало, воқеликни – Амир Темурнинг қандай шароитда тарих саҳнасига чиқиб келгани-ю, ул зотга тақдир насиб этган шон-шавкатнинг кўламини ҳис қила олмасликдан пайдо бўлмаептимикан? Негаки, бобокалонимиз бир туман (муниципалитет), ҳатто қитъа даражасидаги эмас, дунё масштабидаги сиймо. Уни ер юзининг ҳамма нуқтасида танишади. Мабо-до, ана шундай улуғворликни ҳис қилиш бўлганида, Самарқандга туташ қишлоқлардан бирида туғилиб, ақлини таниган бир юртдошимиз ҳаммага жар солиб, «Менинг Темурга ҳеч қандай дахлдорлигим йўқ» деб юрмаган бўларди.

Аслида ҳазрат Соҳибқирон алоҳида шахсларнинг марҳаматига муҳтож эмас. Уни севувчи, кадрловчи, эътиқод қилувчи одамлар ер юзининг истаган бурчагидан чиқиб келаверади. Жумладан, асли касби мелиоратор бўлган одам тасодифан Самарқандга бориб қолади-ю, бу шаҳарни илк бор пойтахт қилган зот тарихига қизиқиши кучайиб кетади. Шу қизиқиш туйфайли сеvimли касбидан воз кечади, араб ёзуви

ва тилини ўрғанади, бутун умри бўйи Самарқанд ҳукмдори Амир Темурнинг мухлиси ва тарғиботчиси бўлиб қолади. Гап Франция фуқароси Люсьен Керэн ҳақида кетаяпти. Дўст ва душманлик, садоқат ва хиёнат чегара ҳам, миллат ҳам танламас экан.

* * *

*Эл нетиб топгай мениким,
мен ўзимни топмасам.
Алишер НАВОИЙ*

Тақдир бизни бебаҳо, неъмат билан сийлади: қанчалаб аждодларимизга насиб этмаган мустақиллик бизга муяссар бўлди. Ўтган йиллар бу юкнинг нечоғлик залворли эканини, бу масъулиятнинг нақадар жиддийлигини кўрсатди. Ҳар доим ғалабага эришиш осон бўлмаган. Уни сақлаб қолиш – қўлда ушлаб туриш эса яна ҳам қийин бўлган ёки ғалабадан кўра уни йўқотмаслик оғир кечган. Зиммамизда улкан қарз турибди: мустақил юртимизни гуллаб-яшнаган диёрга айлантириш. Ана шу оламшумул вазифани уддалашда ўтмиш тажрибаси асқотади, негаки, бу йўлни шавкатли аждодларимиз босиб ўтган. Бунинг учун улуг мақсад йўлида жами имкониятларни бирлаштириш талаб этилади. Парокандалик арзмаган сабабдан, исталган лаҳзада бошланиши мумкин, бирлашиш эса қийин. Ўз шахсий майлларини, эҳтиросларини ягона ғояга бўйсундира олган кишиларгина бирлашадилар. Одамларнинг бирлашишида тимсоллар, табиат ҳодисалари, хаёлий-афсонавий шахслар образлари восита бўлиб келган.

Бугун биз, Ўзбекистон фуқаролари, ана шундай воситага эгамиз. Агар ҳар бир шахс Соҳибқирон Амир Темурни билса, таниса, албатта, унга нисбатан ўзида бир чимдим меҳр туяди. Бу меҳр ҳаммамизда

жўш урса, машъалага айланиб, йўлимизни ёритғуси, манзилларимизни яқин қилгусидир.

Истиклол кўкрагимизга шамол тегизди, ҳам бўлган бошимизни кўтарди, тарихимизни қайтариб, ўзлигимизни бор этди. Хуррият насимлари билан руҳлар тозариниб, қонлар занг қуйқаларидан халос бўлиб, тиниқлашгани майда хаёллар исканжасидан қутулишга олиб келмоқда. Энди давр шиддати, ҳаёт мазмуни ўз қадрини билиб, ўзини ҳурмат қилиб яшашни кун тартибига қўйган. Бизлар эса бу борада ҳийла бахти кулган халқмиз.

... Энди-энди эсини таниб, ул-булни ажрата бошлаган болажон онажонисини уй тўрига қистайди, деворга осилган зарҳал ромдаги суратни кўрсатиб ширин тили билан сўрайди:

– Аяжон, бу ким?

Гўдагининг бийрон саволидан энтиккан она фахр билан жавоб беради:

– Бу зот сенинг катта бобонг.

– Катта бобом, – такрорлайди болакай, – катта бобом нима иш қилганлар?

– Буни катта бўлганингда билиб оласан, – тагдор қилиб жавоб беради бахтиёр она.

Шу тахлит мурғак кўнгилга умид уруғи ташланади, у шу умидга эргашиб улғаяди. Умиднинг этагидан тутиб, Инсон улғаяди, Ватан улғаяди.

2006 йил.

ҲАЛИ ЮМУШЛАР КЎП

(Мақолалардан сатрлар)

Ўғирланган кўзгу парчалари

Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар даврида маданиятнинг барча турлари, жумладан, халқ амалий санъати ҳам жуда ривожланди, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорликнинг энг мукаммал намуналари яратилди. Таъбир жоиз бўлса, битта китобнинг ўзига такрорланмас санъат намунаси даражасида тартиб берилади. Кулоллар оддий лойдан ясаган уй-рўзгор буюмларига маҳоратларини шу даражада сингдирар эдиларки, пиёла, коса ёки товоқ ҳар қандай кўзни қувонтирарди. Мақбара ва мадрасаларга ўрнатилган эшиклар нақшинкорлиги билан ақлли лол этарди. Қимматбаҳо металлдан бадиий безак бериб ишланган кўзалар, шамдонлар, қандиллар, қадаҳлар, баркашлар унча-мунча подшо саройига насиб этавермасди. Чет элларга кўпроқ кандакорлик ва заргарлик буюмлари олиб кетилган.

Аждодларимиз томонидан яратилган бетакрор санъат ва маданият дурдоналарининг кўпчилик қисми Британия музейида сақланади. Жумладан, 1497 йилда Султон Ҳусайн (Бойқаро) учун металлдан ишланган кўзача ва Мирзо Улуғбекнинг номи ўйиб ёзилган нефрит қадаҳ музейнинг энг ноёб буюмларидан. Кўзачада йили (903 ҳижрий) кумуш ҳал билан нозик араб хаттотлигида битилган ва чиройли нақшланган. Бостон музейида эса 1386 йилда уста Ризо Али ўғли ясаган бир қанча рўзгор ашёлари – патнис, қадаҳлар, гулдонлар, кўзачалар, сиёҳдон ва калит сақланади. Уларга тилла ҳал билан кумушдан нақш берилган. Шотландиянинг Эдинбург қирол музейида 1444 йилда Машҳадда ясалган сопол туфдон,

Римнинг Шарқ санъати миллий музейида сополдан ишланган 2 та кўзача мавжудки, улар шунчаки буюм эмас, балки ҳақиқий санъат намунаси сифатида нодир ашё ҳисобланади.

Булардан ташқари узук, билагузук, медальон каби аёллар тақинчоқлари, муҳр, пичоқ, қилич, ханжар дасталари сингари қимматбаҳо заргарлик буюмларидан беҳисоб ташиб кетилган. Улар турли музейларни беаб турибди. Бундай бетакрор санъат ёдгорликлари ҳатто Америкагача етиб борган.

Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида XV асрда ясалган, ўша давр учун анъанавий бўлган аждар калласи шаклида ишланган 2 та билагузук, нефрит тошидан Мирзо Улуғбек учун ясалган қумғонлар, қадахлар, Султон Хусайн (Бойқаро)га аталган мис кўза, агат тошидан ишланган ва сарой мулозими Беҳбуднинг исми ёзилган зиёфат идишлари ва яна бошқа нодир буюмлар мавжуд. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темурнинг «Рости-русти» сўзлари ёзилган хос узуги ҳам шу ерда сақланади, деган маълумотлар бор. Булардан ташқари олимлар Н. Содиқова ва Қ. Инояттов аниқлаган «асирлик»даги тарихий ашёларимиз рўйхатида Лиссабон (Португалия), Техрон, Истанбул каби шаҳарлар нигорхоналарини беаб турган зебзийнат буюмлари, нодир китоблар ва уларнинг остига қўйиладиган лавҳлар, ҳарбий либослар батафсил тавсифланади. Биз эса ҳозирча бу ёдгорликларни кўриш ҳам насиб этмаётганидан таассуф билдирамиз ва бу орзуимиз рўёбга чиқишига умид қилиб қоламиз.

Бу ёдгорликларнинг ташқарига чиқиб кетиш йўли турлича бўлган. Олайлик, 1740 йилда юртимизни босиб олган Эрон шоҳи Нодиршоҳ бобомиз Амир Темур мақбарасидан қабр устидаги яшм тош (уни тезда қайтаради), Шоҳи Зинда дарвозаси, мақбара ичига қўйилган олтин сопли қилич ва қалқонлар, Қуръон

китобини олиб кетади. Кўпчилик сайёҳ қиёфасида келиб, талончилик билан шуғулланган. Ёки нодир ашёлар хорижликларга совга қилиб берилган.

Туркистоннинг Россия томонидан истило қилиниши бу жараёни ниҳоятда тезлаштирди. Бу масала бўйича шуғулланувчи маслаҳатчиларга генерал-губернатор раҳбарлик қилди.

Таниқли шарқшунос олимлар осори атиқаларни ўрганишга жалб этилди. Турли жамиятлар ниқоби остида иш кўрган, араб, форс, турк тилларини мукамал эгаллаган «илмий» ходимлар эса ёдгорликларни Петербургга жўнатиб турган. Бу талончилик ишига баъзи маҳаллий кишилар – бойлар ҳам онгсиз равишда иштирок этганлар. Улар ўзлари узоқ йиллар давомида тўплаган нодир буюмларини «бу ерда йўқолиб кетади» деган сохта ташвиқотга ишониб, Россияга жўнатаверганлар.

Талончиликнинг авж олишида айрим «фидойи» кишиларнинг алоҳида ташаббуслари жуда асқотган. Йирик шарқшунос олим Н. Веселовскийнинг мунтазам ва узоқ муддат Туркистонда «илмий изланиш»лар олиб бориши Петербург музейларини бениҳоя бойитади. У, айниқса, Темур ва Темурийлар даври бойликларини Эрмитажга юборилишида фаол бўлди. Унинг ҳаракати билан 1895 йилда Гўримир мақбарасининг нафис безакли нақшинкор эшиги ҳам Петербургга жўнатилади. У ҳозир Эрмитажни безаб турибди. Мақбаранинг ўғирлаб кетилган ғарбадаги эшиги Лондондаги Виктория музейида сақланмоқда. 1903 йилда мақбарадаги ойна кўпорилиб, император Александр III музейи учун жўнатилади. Кейинроқ 1905 йилда мақбара пештоқидаги тарихий «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, уни Худо раҳмат қилсин ва жойи абадий жаннатда бўлсин», деган муборак битиклар ёзилган лавҳа ҳам ўғирланиб,

Эрмитажга келтирилади. Шу йили қабр тошлари устидаги битиклар, Аштархона, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек мадрасасининг деворларидан кўчириб олинган нақшинкор парчинлар, лавҳалар, кошинлар, Амир Темур мақбараси шифтидаги олтиндан ясалган юлдузсимон шаклдаги қандиллар, қурол-аслаҳалар, Аҳмад Яссавий мақбарасидаги тилла ва кумуш аралашмасидан ишланган шамдонларнинг остки қисми Эрмитажга ташиб кетилган.

Бу музей хоналарининг бирида Олтин Чўку тоғидан (Қозоғистоннинг Қарсақпай шаҳарчасига яқин) келтирилган катта харсанг тош қўйилган. Унда шундай сўзлар битилган (мазмун): «Турон мулкининг султони Темурбек баҳор ойида (1391 йил, апрель) икки юз минг аскар билан Тўхтамишга қарши юришда шу ерга келиб, тошдан қўрғон кўтарди. Тангрига маъқул бўлса, ҳақлик қилур, умматлар эса эсга олур, деб тошга ёздирдим». Мазкур тош бир томондан тарихий далолат бўлса, иккинчидан, хаттотлик ва тоштарошлик санъатининг мукамал намунаси. Энг қимматлиси – бобокалонимиз шавкатли юришларининг ўчмас ёдгори.

Сўхбатдошларимиз бундай маълумотларни келтирар эканлар, халқимизнинг муқаддас мулки ҳисобланган барча маънавий бойликлар ва тарихий ёдгорликлар Аҳмад Яссавий мақбарасидаги мисқозон каби эгаларига қайтарилиши адолатли иш бўлишини таъкидладилар.

– 1969 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқандда Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиум бўлганди, – дейди Нафиса Содиқова, – унда халқ амалий санъати кўргазмаси ташкил қилинди ва мен бу юмушда қатнашганман. Кўргазмада 104 та экспонат қўйилган бўлиб, 70 дан ортиғи Эрмитаж фондидан, қолганлари

Грузия, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон музейларидан келтирилган эди. Уларнинг ҳар бири бетакрор гўзаллиги билан ҳаммани лол қилдирган. Демак, тарихимизга доир ашёлар яқин кўшниларимиз бисотида ҳам мавжуд.

Мана бу воқеа талончиликнинг энг сўнги ҳамласига мисол бўлса ажаб эмас: 1989 йил февралда Яккабоғ туманидаги хўжаликлардан бирининг ҳудудидан ер ковлаётиб, 16 кг оғирликдаги икки хум кумуш танга топилади. Уни туман молия бўлимига топширишади ва топилмалар зудлик билан Москвага, «Госхран» деған ташкилотга жўнатиб юборилади. Тангаларнинг намуналарини ўрганиш уларни Темур даврида тоза кумушдан зарб этилган қимматбаҳо тарихий ёдгорликлар эканини тасдиқлади. Уларни қайтариб олиш ҳозиргача мумкин бўлмапти...

«Халқ сўзи», 1996 йил 4–5 апрель.

Кўзмунчок

Пойтахтда Шаҳрисабз кўчаси борлигини кўпчилик билмаса керак. Худди шундай, мен ҳам тасодифан шу йўлдан ўтиб қолдим-да, девордаги кўнглимга яқин ёзувни кўриб (гарчи унинг имлоси ғалатиноқ бўлса ҳам – «Шаҳризияб»), кўзим чақнаб кетди. Кейин йўлни тез-тез шу томондан оладиган бўлдим. (...)

Бу кўчага ким қачон «Шаҳрисабз» номини берганини билмадим-у, бироқ вақти-соати келиб кўчанинг яқинида шу шаҳар бағрида улғайиб, халқимиз шуҳратини дунёга танитган буюк зотга мангулик обида тикланади, деб ким ҳам ўйлаган эди? (...)

Биз бир гапни такрорлашдан эринмаслигимиз керакка ўхшайди: истиқлол, энг аввало, халқимизнинг ўзлигини қайтариб берди. (...)

Амалда ўтмишга ўт қўйишга киришилган, фарзанд отага қарши тезланган 30-йиллардаги талотўпларни кўрганлар ҳам, эшитганлар ҳам унута олмайди. Иқтисод фанлари доктори Тоҳиржон Эминов икки-уч воқеани ҳаяжон билан сўзлаб бергандилар.

Қатагон йиллари шўро муштумзўрлари, айниқса, китобларни йўқотишга зўр бердилар. Ўзи, тарихда бедодликнинг ўта бедодлиги худди шу – маърифатни ўтда куйдириш. Бу билан босқинчилар ҳам ўтмишимизни, ҳам келажагимизни барбод қилмоқчи бўлганлар. Андижонда Салимжон Ниёзов деган маърифатли одам нажот илинжида минглаб китобларни сувга оқизган, деворга қўшиб суваб ташлаган (бундай ҳол ҳамма жойда бўлган). Шаҳардаги Оразий қабристонига кечаси одамлар қошлаб китобларни девордан ошириб ташлаб кетган. Уларни ота-бола гўрковлар йиғиб, хонақоҳда асраб келган. Урушдан кейин, қандай хабар топган бўлса, 4 европалик шахс милиционерлар билан келиб, яширилган китобларни талаб қилади. Топиб, 10 кун тит-пит қилади, саралайди. Сўнгра 6 та четан аравага жойлаб, поезд билан олиб кетишади. Қолганларини ёқиб юборишади.

Табиий савол туғилади: номаълум ёқларга олиб кетилган китоблар нималардан сўзларди? Эҳтимол, бутун дунё асрорининг калити бўлгандир ёки ҳеч бўлмаса бир қавмимизнинг тарихи ёзилгандир қай бирида. Ахир шавкатли бобомиз Амир Темур тўплаган ва янада бойитилган Мирзо Улуғбекнинг дунёга машҳур кутубхонаси тақдири ҳамон номаълум-ку. (...)

Бир гуруҳ фуқаролар номидан таҳририятга хат йўллаган Шухрат Аҳмаджонов Германиянинг Потсдам шаҳридаги Цецилиенхоф саройида сақланаётган XV

асрда яшаган италян рассоми чизган нодир сурат ҳақида сўз юритиб, Соҳибқирон ҳаётига дахлдор бўлган бу асарни ўз юртида кўриш хоҳишини билдиради. (...)

Бир кун ишхонамизга катта қоп кўтариб олган отахон кириб келди. Куттириб қўйганимдан гина қилиб, гап бошлади. 65 ёшни қоралаб қолган Наметов Аҳмадниёз ота Қозоғистоннинг Сайрам туманидан келаётган экан. Кексаларга хос тафсилотларни роса тўкиб солгач, муддаога ўтди. Асли касби тарих фани муаллими бўлган отахон Амир Темурнинг ўта мухлиси экан. Ўша ерда чоп этиладиган «Сайрам садоси», «Дўстлик байроғи» газеталарида мақолалари чиққан, фахрийлару ўқувчи-талабаларга Соҳибқирон бобомиз ҳақида ҳикоя қилиб беришдан чарчамаскан. Чимкентда ҳам тўйга ҳозирлик катта эмиш: деворий газеталар, шиорлар, плакатлар, мусобақалар, суҳбатлар.

– Қашқадарёга кетяпман, – деди отахон ёйиб ташланган бисоти – газеталару турли суратларни халтасига жойлар экан, – Шаҳрисабзга бориб, Оқсаройни зиёрат қиламан-да, бир кеча тунаб қайтаман.

Ҳар қандай изоҳ ортиқча. Фақат эътиқод учун қуллуқ қилиш лозим бўлади. (...)

Халқимиз ўз иқболини асрлар оша неча балолардан тилининг остида, юрагининг устида, қалбининг тубида омон асради. Бугун эса уни бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Неча асл фарзандлар ҳаёти эвазига, дарё бўлган кўз ёшлару йўқотишлар эвазига қўлдан кетмаган эътиқод энди кўкка бўй чўзган ҳайкал бўлиб, кўзмунчоқ мисол юртимизни асрлар оша омону эсонликда сақлагай!

«Халқ сўзи», 1996 йил 18 сентябрь.

Қайтар дунё

Бобокалонимиз умр йўлларининг баъзи доиравий айланишларга тўғри келиб қолиши (юз йил, саккиз юз йил), ярим ҳақиқат, ярим афсонавий тафсилотлар мушоҳадани фақат моддий дунё асрорлари қобиғида эмас, анча кенг олишни, ҳатто хулосалар чиқараётганда, ҳукм юритаётганда масаланинг иккинчи, ана шу (руҳоний-илоҳий) томонига ҳам эътибор беришни тақозо этади.

Бу жиҳатдан қорақалпоғистонлик 60 ёшли халқ тарихчиси Турғунбой Жулдузбоевнинг мулоҳазалари эътиборли. Асли касби молия ходими бўлган Т. Жулдузбоев матбуотда тарихий мавзудаги мақолалари билан тез-тез қатнашиб туради. Ихтиролари, асосан, техника соҳасида тан олинган, коинот сирлари ҳақидаги фаразлари илмий-тадқиқот институтлари томонидан эътироф этилган. Суҳбатимиз давомида «Темурнинг 12 сири», «Хива – ер маркази» деб номланган китоблар тайёрлаганини маълум қилди.

Т. Жулдузбоев кўпчиликка яхши маълум воқеа – Самарқанддаги Ғўримири хилхонасининг очилиши билан боғлиқ воқеаларни шундай шарҳлайди:

– Ўша ташвишли 1941 йилнинг 15 июнь куни хилхонани очиш учун тузилган давлат комиссияси Самарқандга етиб келади ва Ғўримирида амалга оширилиши мўлжалланган ишлар тайёргарлигини кўради.

Шу куни гитлерчилар ҳам СССР чегараларига яқинлашади, фронт қўмондонлари, генераллар олдинги линияга келади.

20 июнда ҳужум қилиш билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари тугайди. Самарқандда ҳам Темур қабрини очишга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилади.

Шу куни Гитлер ҳал қилувчи кураш олдидан шаҳар четидаги ўз қароргоҳига бориб дам олади, атрофидагилар билан сўнгги маслаҳатлар қилади.

Самарқандда ҳам шундай: комиссия аъзолари дам олади.

21 июнда қабр очилади.

Шу куни Берлинга қайтган Гитлер инсоният тарихидаги энг қабих юришга фатво беради.

21–24 июнда қабрдаги жасад қолдиқлари бўлак-ланиб, яшиқларга жойланади.

Фронтда ҳам Қизил Армия қисмларининг тит-пители чиқади, алоқалар узилади.

25 июнда суяклар 250 километр шарққа олиб кетилади ва Тошкентга келтирилади.

Гитлер қўшинлари ҳам ҳеч қандай хавф-хатарсиз 200–250 километр шарққа кириб борадилар.

Москва суяк қолдиқларини Ленинградга, Эрмитажда абадий сақлаш учун олиб кетишни мўлжаллаган эди. Афсуски, бу пайтда Ленинград даҳшатли қамал ичида қолганди. Вақтинча Москвада сақлашга қарор қилишади, бироқ душман тезлик билан Москвага яқинлашиб қолади.

9 декабрда комиссия дастлабки хулосаларини маълум қилади, Темурнинг Герасимов томонидан ишланган суратини таништиради.

Бу воқеа Москва остонасида қарши ҳужум бошланган кунга тўғри келади.

1942 йил 16 декабрда Темур қабри қайтадан очилади, 19–20 декабрда жасад қолдиқлари яна жойига қўйилади.

1942 йил 16 декабрда совет қўшинлари Сталинград ёнида ҳал қилувчи қарши ҳужумга ўтадилар.

Амир Темур руҳини безовта қилиш ана шундай катта фалокат олиб келган эди, қачонки, хато тўғрилангач, ҳаммаси жойига тушди. Буюк Темурнинг

кўринмас руҳи собиқ СССРни фашизм босқинидан асраб қолди.

Албатта, бу маълумотларга ишонмаслик мумкин эмас. Аслида ҳам тарихда марҳумлар (айниқса, буюк шахслар) руҳига шаккоклик қилиш, уларнинг қабрларини очиш беҳосият эканлигига мисоллар кўп.

1922 йилда инглизлар эрамизгача бўлган XIV асрда яшаган Миср фиръавни Тутанхамон қабрини очиб, кўп миқдорда (40 тоннага яқин) олтин буюмларини ва фиръавн дафн этилган олтин саркофагнинг олиб кетадилар. Бироқ экспедиция аъзолари бир йил ичида турли сабаблар билан вафот этишади.

1973 йилда қирол Казимир қабрини очган польяк олимларини ҳам шундай қисмат қарши олади.

Ҳозир уруш оловлари тинмаётган Ироқ, Афғонистон тарихи варақланса, бу жойларда ҳам катта бойлик илинжида қабрлар очилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Бу масаланинг бир томони. Хуллас, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Амир Темурнинг буюк қудрати ҳақида ўз замонасида ҳам, ҳозир ҳам сидқидилдан айтилган эътирофларни эшитиш мумкин.

Темурнинг заковатли набираси Иброҳим Султон саройида 25 йил давомида «Зафарнома» китобини ёзган Шарафуддин Али Яздий бутун меҳри билан қайд этади: «... ҳазрати Соҳибқирон шундай бир мулк эгасидирки, у фаришталарнинг Оллоҳга мурожаат этиб, «Бузуқчилик қилувчи ва қонлар тўкувчи кимсани яратасанми?» деган саволига жавобан Парвардигорнинг «Мен ерда бир халифа яратаман» деган иноятига каромат қилинган сарвардир. Унга ўзининг олдиндан билиш ва кўриш фазилати ту-

файли баҳри бар (сувлик ва қуруқлик)да эгалик қилишга қудрат берилган».

Соҳибқирон шахсига унчалик майли бўлмаган Ибн Арабшоҳ бу зот ҳақидаги китобини «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деб номлади. Унда бобокалон ҳаётидан ёрқин лавҳалар келтириб, унинг шижоатидан, тадбиркорлигидан, баҳодирлигидан чинакамига ҳайратланди. «Қачонки, у Сивос яқинига келиб тушганда, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, – Сивосни ботир ва шиддатли қўшинлар мустаҳкам қўриқлаб тургандилар. Ўз аскарига: «Ҳийла ишлатинглар, биз бу қалъани 18 кечада фатҳ қиламиз», деди». Бу ўринда бобокалон азми қарорининг нақадар қатъийлиги билан бирга оқибатни олдиндан аниқ кўра олиши ва идрокига тан бериш керак бўлади. Қалъа фатҳига айнан 18 кун (!) белгиланиши нимадан? «Натижада, мана шу тарзда бўлди», деб гувоҳлик беради муаррих. Белгиланган муддатда аниқ мақсадга эришилган, бу Амир Темур даҳосининг беназирлигига кичкина бир мисол.

«Темур тузуклари»да бобокалон ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, бетимсол куч-қудрати билан бирга ул зотнинг теран руҳий олами ҳам кўз олдимизда гавдаланади. Чигал вазиятларда пирларига хат ёзиб мадад сўрайди, иккиланиб қолган пайтда Қуръон очиб фол кўради. Азиз-авлиёларни, улуғ кишиларни тушида кўради, айнан улар унга маслаҳатлар беришади. Бундай далиллар Соҳибқироннинг моддий-дунёвий тасаввурлари билан ботиний-руҳий сезгилари қўшилиб кетганини, нозик ички туйғу билан моҳиятни ва оқибатни кўриб туришини таъкидлайди. Шунингдек, қалби уйгоқ, закий кишилар ҳам кўрмасдан Амир Темур ҳақида тасаввурга эга бўлганлар, беихтиёр унинг хизматига ўтганлар.

Китобларда ёзилишича, Хуросон вилоятининг волийларидан бири Темур ҳақида номаъқул гаплар тарқатиб, одамларни унга қарши курашга чорлайди. Ўша тунда тушига пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом кириб, унинг бу қилиғидан норозилигини билдиради. Тақводор зот ушбу синоатдан қаттиқ қўрқади, эртасига улусдан узр сўраб, ўзи Соҳибқироннинг ҳузурига тиз чўкиб боради.

«Тузуқлар»да шундай дарж этилган: «... тун билан тоғ устида ухламай, Тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу муҳтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам, унинг яқинлари ва саҳобаларига салавот айтиш билан машғул бўлдим. Ярим уйқу ва ярим уйғоқлик орасида қулоғимга аллакимнинг: «Темур, фатҳу зафар сенга ёр бўлади!» деган овози эшитилди». (...)

Тақдир ҳам Соҳибқирондан ўз иноятини аямади. Тузган салтанати ер юзининг турли бурчакларида қарийб 600 йил ҳукмронлик қилди. Фарзандлари ҳам инсоният учун улуғ, эзгу ишларни амалга оширдилар. Бобокалон умрининг сўнггигача буюк мақсадлар билан яшади. Охириги нафасигача ҳақиқий жангчилар орзу қиладиган саодат тарк этмади: қуролини қўлидан туширмай, ҳарбий сафар пайтида ҳаётдан кўз юмди. Хотираси ҳам муносиб эъзоз топди: дафн этилган хилхонаси – Темурийлар хонақоси ер юзидаги энг мўътабар зиёратгоҳлардандир.

Ҳолбуки, Хитой чегараларидан йўл олиб, Италиягача фатҳ этиб борган машҳур жаҳонгир Аттила жадини дарё тубига дафн этишларини васият қилган. Бошқа бир жаҳонгир – Чингизхоннинг қаерда ерга топширилгани ҳамон номаълум. Бу ҳолнинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин, бироқ улар сўнгги нафасда ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, кела-

жак ҳукмидан чўчиғандирлар. Юлий Цезарь ёки Олевир Кромвелнинг ўз сарой аъёнлари томонидан қатл этилганларини эсласак, тарихчи Ибн Арабшоҳнинг мана бу эътирофи ёрқин тақдирдан гувоҳлик беради: «Темурнинг ўз лашкари ўртасида обрўси жуда баланд эди. Мабодо, у «Мен пайғамбарман ёки Худоман» деса, ҳамма ишонарди». (...)

... Зулматдан йўл топиб юриш учун фақат ёруғлик зарур. Тарихимиздан, бобокалонимиз Амир Темурдан бизни зим-зиё зулмат билан ажратиб қўйишган эди. Оқибатда, биз бегоналашиб, ўзлигимиздан адашиб кетаёзган эдик. Бугун эса қўлда машъала тутиб, эзгу ниятлар билан ўша буюк Ёруғлик сари бораётимиз. Фақат нурли нуқталарни кўраётганимиз, фақат ижобий мисоллар келтираётганимиз шундан. Бу асло ул зоти шарифни илоҳийлаштиришга интилишдан эмас. Ҳолбуки, «Ойда ҳам доғ бор» дейдилар. Амир Темурнинг ҳаёти улкан дорилфунун, уни қанча ўқиган билан сабоғи тугамайди. Зеро, бобокалонимиз набираларига таъкидлаганларидек: «Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг».

«Халқ сўзи», 1996 йил 10 октябрь.

Голливуднинг орзуси

... АҚШ ва Канада туб жой халқлари маданий марказининг президенти, профессор Эндрю Уигет йирик олим, Москва давлат университетининг фахрий доктори. У мустақил ҳамдўстлик давлатларида империя парчалангандан кейинги ўзгаришларни диққат билан кузатиб боради. Юртимизда Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган тадбирлар, эълон қилинган илмий маълумот-

лар америкалик олимда катта таассурот қолдиради ва Голливуд устахонасида продюссер бўлиб ишлаётган таниши билан ҳамкорликда буюк бобокалонимиз ҳақида фильм яратиш устида ўйлай бошлайдилар. Қолаверса, Эндрю академик Рустан Раҳмоналиевнинг бу мавзудаги илмий ишлари билан таниш эди.

Тарих фанлари доктори Р. Раҳмоналиев Амир Темур ҳақида узоқ йиллар изланишлар олиб борган ва «Буюк Темур: Шахси ва шухрати жаҳон тарихи кўзгусида», «Буюк Темурнинг таржимаи ҳоли», «Темур: Давр. Шахс. Фаолият» китобларини ёзган. Бу асарлар илмий жамоатчиликда ва мухлисларда яхши таассурот қолдирган эди.

– Шундай қилиб, мен, продюссер ва олим учлигига кейинчалик ёзувчи ва расом Скотт Мамадей ҳам қўшилди, – дейди Рустан ака, – асли Американинг туб жой халқи – ҳиндулар вакили бўлган Скотт буюк бобокалонимиз тарихи билан танишиб, биздан кам ҳаяжонланмади, иштиёқ билан сафимизга қўшилди. Унда узоқ аждодларимиз қони гупураётгани сезилиб турар, бўлаётган гап-сўзларда ўз тақдирини кўраётгандек бўларди.

Бироз чекиниш қилиб, Скотт Мамадей ҳаяжонига изоҳ бермоқчи бўлсак, тарихий далиллар тасдиқлайдики, бундан 10–20 минг йиллар олдин одамларнинг катта кўчиши рўй берган ва Американинг туб аҳолиси Сибирь томонлардан океан ортига кетиб қолган. Бу замонларда бизларнинг аждодларимиз ўша манзилларда яшаган. Кино мухлисларига яхши таниш Джеймс Фенимор Купер асарлари асосида суратга олинган «Сўнгги могикан», «Оқ бўрилар» фильмларидаги қўрқмас жанговар кишилар узоқ қондошларимиз бўлишади. Бу айни пайтда қон ва суяк таркибларини таҳлил қилиш, турмуш тарзи (уй қурилиши, чорвага муносабати), маи-

шати (овқатланиши, ҳатто мусиқа асбобларининг ўхшашлиги)даги ҳамоҳанглик билан тасдиқланган.

Голливуд киноустахонасида Соҳибқирон бобомиз ҳақида фильм яратиш ғоясини кўпчилик қўллаб-қувватлайди. Ҳамма гап фильм хамиртуруши – сценарийга қолган эди. Бу вазифани уддалашни Рустан Раҳмоналиевдан илтимос қилишди. Айни пайтда Эндрю Уигет унинг китобларини инглизчага таржима қилишни жадал бошлаб юборди.

Маълумки, Голливуд ҳақли равишда дунёнинг саккизинчи мўъжизаси деб тан олинган кино саноатининг жаҳондаги энг йирик устахонасидир. Бу ерда ҳаёти афсоналарга айланиб кетган, мислсиз катта бойликка эга бўлган «юлдуз»лар ижод қилади. Голливуднинг суратга олиш павильонларини кўрганлар уларни улкан шаҳарларга қиёслашади. Ана шу мўъжизавий санъат марказида кўплаб йирик шахслар – Македонский, Цезарь, Клеопатра, Спартак, Чингизхон, Пётр, Наполеон, ҳатто Екатерина ҳақида фильмлар яратилган ва улар беқиёс маҳорат маҳсули сифатида миллионлаб томошабинлар меҳрини қозонган. Агар шу туркумда нега Амир Темур ҳақидаги фильм йўқ, деб сўралса, жавоби оддий – бобокалонимиз ҳақидаги ҳақиқат қизил империянинг темир сандиқлари ичида яширинган ва уни маълум қилиш тақиқланган, аксинча, тескари талқин қилинган эди. Фақат мустақиллик туфайлигина Амир Темур овозаси Голливудгача етиб борди.

– Мавзуга бутун инсоният тарихий тажрибаси мезонларидан туриб ёндашиш лозим, – дейди Р. Раҳмоналиев, – Амир Темур – тарихда такрорланмас ҳодиса, фильм ана шу ҳақиқатни томошабинга етказадиган даражада юксак бўлиши шарт.

Сухбатдошимизнинг таъкидлашича, Голливуд маъмурияти фильм харажати учун 100 миллион

долларгача ажратишни мўлжаллаган. Ижодкорлар асарни, асосан, Ўзбекистонда – жаҳонгир туғилган, шаклланган ва умргузаронлик қилган заминда суратга олишни назарда тутяптилар. Машҳур кино юлдузларидан – мухлисларга «Агент – 007» каби фильмларда яхши таниш Шон Оъ Коннори ва асли мисрлик, Франция фуқароси Омар Шариф Соҳибқироннинг турли йиллардаги сиймосини кинода гавдалантиришга розилик беришган. Албатта, Англияда «миллий қаҳрамон» деб эътироф этилган Конноридек буюк истеъдод эгаларининг ижросига эришиладиган бўлса, ҳозирданок фильм муваффақиятига кафолат берса бўлади. Шунингдек, ота-бобоси бухоролик бўлган, «Анжелика» фильмида бош қаҳрамон ролини ижро этган Голливуд юлдузи Робер Осейн ҳам фильмга қизиқиш билан қарамоқда. (...)

...Мақолани тайёрлаш жараёнида юртдошимиз – Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ҳайъатининг аъзоси Рустан Раҳмоналиев билан телефон орқали боғланиб, ишларнинг бориши юзасидан қизиқдик. У доимгидек ишчанлик кайфиятида жавоб бериб, «Турклар империялари тарихи» монографияси устидаги жиддий тадқиқотини тугатганини ва шу ойнинг охирларида АҚШга бориб, фильм сценарийсининг дастлабки варианты устида Голливуд ижодкорлари билан маслаҳатлашмоқчи эканини билдирди. Демак, жаҳон кино қаҳрамонида бобокалонимиз тимсолини гавдалантириш ғояси кун тартибида турибди.

«Қишлоқ ҳаёти», 2001 йил 13 февраль.

МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

**...кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим
салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни
идора этгай.**

«Темур тузуклари»дан.





ҚУЁШНИ ЕЛКАЛАГАН ЧҰҚҚИГА БОҚИБ

Ерда жонланиш, тириклик тонг отишидан бошланади. Уфқда қуёшнинг кўриниши билан жами ҳаракатларда суръат ва шиддат пайдо бўлади. Қуёш зарралари ўз ҳарорати билан борлиқдаги мавжудотга илҳом бағишлайди.

Ҳаммамиз, эҳтимол, қуёш чиқишини турли нуқталардан турли вазиятларда кузатгандирмиз, бироқ болалиқда, онамиз бағрида тонг оттириб, ҳали тафти совимаган тўшакни эринганча тарк этиб, бўғот остида тиззани қучоқлаган кўйи бобо қуёш сайрини кузатган лаҳзалар мурғак вужуднинг катта йўл бошида чуқур ўйга ботиб турган ҳаяжонли дамларига ўхшайди энди.

... Етти болорли уй, ундан даҳлизга чиқилади. Даҳлиз олди очиқ. Бино қирлиқда жойлашгани учун айвон тизза бўйи тош тахтлаб кўтарилган. Одатда, ота-онам қўй-эчкини сурувга ҳайдаб кетган бўларди. Хилват ҳовлида ҳали бугунги ўйинларини чўтлаб олмаган, ҳали жўралари ҳам уйқудан уйғонмаган бола мук тушиб, бошини тиззалари орасига бекитиб, офтобнинг Бовурчи чўққиси ортидан чиқиб келишини кузатади. Секин уйғонаётган тоғ тизмалари кўкимтир ғубор ичида жимирлайди, миллиард чақиримлаб наридан ташриф буюраётган ҳарорат баданга хуш ёқади. Бутун ёз, кузнинг аксарият иссиқ кунлари шу ҳолда бошланади, шу тарзда кечади.

Йиллар ўтиб, зеҳним уйгонгач, бу қўл етмас жойларга оёқ етиши мумкинлигини идрок эта бошладим. Қолаверса, бизнинг ва қариндошларимизнинг ёзлик яйлови шу томонларда экан. Энди чўққи этагидаги қияликлар тубида, харсанглар бағрида, зовлар, даралар қаърида яширинган сир-синоатлар ўзига чорларди. Бу жойларнинг номлари ҳам қизиқ эди: Хўжапирпир, Ҳусанўлди, Чўпонучди, Ғўтала, Ёғтўқилди, Ахтабулоқ, Зоғчахона ва Қалъаи шерон. Кичикқалъа деган жой ҳам бор эди. У Бовурчига яқинроқ, анча баландликда, унинг оппоқ тошлари бағридан оқиб чиқувчи жидга қуйига палахмон тошидек интилар ва Ғўлмараша орқали Қалъасуви дарёсига қўшиларди. Ғўлмараша уч чақиримлар давом этувчи тор дара бўлиб, икки томондаги тоғлар деярли бир-бирига тегиб тургандек яқин, шунданми, ерга кам қор тушар, пана жойлари қиш бўйи қупкурук бўларди. Ғўлмараша орқали Қалъаи шеронга кириларди. Ғўлмараша Кичикқалъа ва Қалъаи шеронни ўткир бурчак тарзида бир-бирига туташтирарди. Болалик, ўсмирлик йилларим шу жойларда ўтган. Ҳар бир арча, ҳар бир бурум, сакиртма таниш ва қадрдон, бу жойларнинг соғинчи юракни асло тарк этмайди.

Айниқса, қуёш ҳар кунги сайрини бошловчи чўққининг биз томондан қараганда ўнг тарафидаги Қалъаи шерон дарасининг қуюқ ғубор ичида элас-элас кўринувчи мавҳум ва сирли манзараси кўз олдидан кетмайди. Дара сидирға тоғ тизмасини улкан ангишвонадек ўйиб тушган, ундаги қор сувларидан пайдо бўлувчи дарё кун ботиш тарафни банд қилган тоғни тилимлаб, канъон ҳосил қилганча ўзига йўл очган эди. Эрталабки қуёш ёғдусида дара кулранг ғуборга тўлиб тургандек туюлар, Сарингул тарафдан беш юз метрча тик тушган силлиқ қоялар

офтобда ялтиларди. Ёзи билан қори эримайдиган Ҳисор тоғлари бағридаги бу гўша ҳар қандай ошуфта дилни ўз оғушига чорлар, унга суқланиб қараган киши беихтиёр висолига ошиқ бўлиб қоларди. Аслида, инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги экан, унинг ижоди табиатга тақлид бўлиб қолаверади, гўзалликнинг, нафосатнинг, ҳатто эзгуликнинг энг нодир тимсолларини фақат табиатдан топиш мумкин. Бу даврони соҳир гўшаларда юз, минг йиллар билан ўлчанувчи тарих, ўша жойларга инсон зотининг қадам ранжида қилгани, паноҳ ва ором топгани далили ҳам исботлайди. Ана шу дарада, ялтироқ тик қоянинг қарши тарафида бир ғор борки, у чинакамига гўзал табиат ва боқий тарихнинг муштарак рамзига айланиб улгурган.

... Бола улғайди, уни мактабга бердилар. Эсини танигунча 3–4 синф ўтиб ҳам кетди. Ногаҳон, ёзги таътил бошланган илк кунларда мактаб ҳовлисида катта йиғин бўлди ва директор табиатга экскурсия уюштирилишини эълон қилиб қолди. Экскурсия табақали этиб ташкил қилинганди. Энг кичкинтойлар қўл етадигандек жойлар – Намозгоҳ, Хишайни ёки Дехворонга, ўрта ёшлилар Қиннок, Шоғолоғзи ёки Гўриморга, катта болалар (улар энг бахтли эди) – Қалъаи шеронга, яъни Амир Темур ғорига боришадиган бўлди!

Ғорларни ҳеч ким қўл билан қовламаган, улар Яратганнинг ўзи жумлаи жаҳонга тартиб бераётганда пайдо бўлиб қолган. Ғорлар турли табиий офатлардан табиий ихоталанган, бегона кўзлардан йироқжойлар. Шунданми, одамзод таржимаи ҳолига доир энг нодир ҳужжатлар (ашёлар), инсон қўли ва оёғининг ўчмас ҳароратлари ғорларда яшириниб қолган. Агар йўлингиз тушиб, Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги Амир Темур ғорига бориб қолсангиз, бу

хақиқатни дастлабки лаҳзадаёқ ҳис этасиз: одам қадамидан холи, узоқ-узоқларда айқириб ётган дарада, аниқроғи, ғорнинг кириш қисмида тош тахтлаб ясалган улкан супа бор. Баландлиги 7–8 метр, узунлиги 20–25 метр келадиган бу супанинг умри Самарқанддаги Хўжаи Хизр масжиди билан тенгдир-ов. Негаки, бу ғорда VII–VIII асрларда умргузаронлик қилган Ҳошим ибн Ҳаким – Муқанна қадам ранжида қилгани ҳақида тарих китобларида аниқ-тиниқ маълумотлар бор. Бугунги кунда бу ғор Муқанна эмас, Амир Темур номини география хариталарида дарж этиб турибди.

Шубҳа йўқки, болаликнинг қизиқишларга тўла дунёсида мактаб ҳовлисидаги ўша йиғилиш кичиклар қалбига ғалаён олиб киради. Энди тезроқ улғайиш, тезроқ «ғор сафарини азимат қилиш» учун шошади. Менда ҳам шундай ҳис бор эди. Ғорга бориб келган акаларимга ҳавас билан қарар, уларнинг ҳикояларини тинғлар, саволлар берар эдим. Ростини, у пайтда бизни табиат экзотикаси, ғор қизиқтирган, бошқа нарса эмас.

Ниҳоят, кутилган кун келди. VIII–X синф ўқувчилари бирга экскурсияга чиқадиган бўлдик. Қийқириқ, шовқин-сурон билан йўлга тушилди. Кимлардир эшак миниб олган, кўпчилик пиёда. Болақадамбилансекин-секинкетяпмиз. Қишлоқдан чиқиб, тоққа ўрлагач, йўл қийинлашиб бораверади. Тор, эгри-бугри тошлоқ сўқмоқдан юриш осон эмас, яна нуқул юқорилаб кетиш керак. Бироз юриб, терлагач, ҳафсала ҳам пир бўла бошлади. Бу орада кимдир сирпаниб, 2–3 йиқилган, бошқаси онаси белбоққа тугиб берган нонни аллақачон еб олган, бировнинг эшаги тўқимини ташлаган. Хуллас, олақуроқ «лашкар» йўлда давом этарди. Кун нишаблаганда аранг Хўкизбурунга етдик. Бу ҳолда

қоронғу тушганда ҳам ғорга етиб боролмаслигимиз аниқ. Устозлар маслаҳатлашиб, сафарни шу жойда якунлайдиган бўлишди. Шовқин-сурон билан ортга қайтилди. Ғорни кўриш орзуси яна бир йилга кечи-кадиган бўлди.

Мактаб болалари ҳар йили ғорга чиқаверишмасди. Баъзи йиллари тоғларга ҳаддан ташқари кўп қор тушар, дарё сувлари баҳор-ёз ойлари шаштидан қайтмас, шундай паллада эҳтиёт шарт, болалар дарага бошлаб борилмасди. Йил бўйи ғор иштиёқи жунбушга келганда, кўнглимизда устозларимиз фикри ўзгармай қолишини-ю, ғор сафари амалга оширилишини илтижо қилардик. Ўқувчиликда кичикларнинг катта оламида ўқитувчи мутлақ ҳукмдор ҳисобланади. Унинг хоҳиши, азму қарори бола тақдирида туб ўзгаришлар ясайди. Биз ҳам синф раҳбаримизга, география, биология муаллимларимизга чуқур умид билан боқар, уларга зимдан иштиёқ ва ғайрат тилар эдик.

Ҳар ҳолда, бу йил ҳам орзуимиз армонга айланмайдиган бўлди. Устозларимиз қатъиятли ва биз эса қайсарроқ эдик. Май ойининг охирларида мактаб жамоаси яна сафарга отланди. Назаримда, бу гал ўқувчилар яна ҳам кўп, қизиқиш яна ҳам баланд, шовқин-сурон янада авжида эди. Табиатнинг бетимсол гўзаллиги завқимизни баттар жўштирди. Атроф тип-тиник, тоза, баҳор гулларининг муаттар ҳиди борлиқни тутган. Бир бора ўтган йўлдан такрор юрилса, машаққат тенг бўлинар экан, чунки қаерга қадам қўйишингни, қачон бошингни эгиб, қоя ёки дарахт тагидан ўтишингни, олдинда текислик, ўр ёки нишаб келишини биласан, шунга ўзингни тайёрлайсан ва, демак, қувватинг кам исроф бўлади. Бу гал ўтган йилги маррага тез ва барвақт етиб келинди. Ғорга етиш тайиндек эди.

Шундай ҳам бўлди, бироқ қоя бағрида қорайиб турган ғор оғзига кўзимиз тушганда қанчалик шодланган бўлсак, унга етиб олгунча шунча кунимизни кўрдик.

Илонизи йўл қияликдан келади-да, кафтдек текис жойдан чиқиб қолади, шу ердан ўн қаватли бинога тикилгандек тепага қаралса, ғор кўринади. Унга етиш учун, аввало, кўприкдан ўтиш лозим экан. Кўприк ўрнида ётқизилган 4–5 арча устунлари турар, улар орасидаги шох-шаббаларни сув ювиб кетган, болдирлари ҳам омонат эди.

У шу кўринишида жуда жулдур туюлса ҳам, олис йилларга дахли бордек эди. Уни ким қурган, биринчи бўлиб ким ўтган – бундай саволлар устида бош қотириш кишини ўтмиш билан вобаста қилиб кўяди. Ёғочлар орасидаги ёриқларга тош, шох ташлаб, кўприк эпақага келтирилди-да, «лашкар» ундан ўтиб, юқорига ўрлади. Энди майда қийирчоқ тошли тик қияликдан деярли ўрмалаб, бир чақиримлар тепага кўтарилиш керак. Ҳар қадамда арчалар, улар қумурсқадек ёпирилиб келган оломоннинг шахдини сокин кузатади. Арчани минг йил умр кўради, дейишади, шу ҳолда у қандай сир-синоатларга гувоҳ, кимларга паноҳ бўлган, кимларни кузатган, афсуски, бу асрорлар на унинг танаси ёки барглари-га, на бағрида ёнбошлаб ётган супа тошларга ёзилган. Тарих, гарчи бизни ўраб турса-да, биз уни кечиб юрсак-да, сирлилигича, мавҳумлигича қолаверади.

Ғор оғзидаги супага етиб олишнинг завқи Эверестни забт этиш қувончидан кам эмас эди. У ердан ҳозир ўтилган йўлга, кўприкка, қояларга, дарага бемалол назар солиш, бу соҳир манзарани қароқларга жойлаш, ўпкани тўлдириб нафас олиш ва ўзингни бир қадар бахтли ҳис қилиш мумкин эди. Кимки шундай баландликларга кўтарилса, унга бир

улуғворлик юқади, ҳар қандай ҳаёт ҳодисасига юксакликдан назар ташлайди, унинг тасавури, идрок доираси кенг бўлади, таъбир жоиз бўлса, уларга «назари баланд»лик насиб этади. Ҳа, турмуш икирчикирларидан бир зум силтаниб чиқиб, тоғларга бориш, чўққиларга кўтарилиш керак. Шунда одам излаб юрган нарсасини топар, яшаш ҳикматини англр. Албатта, мен илк дафъа ўша жойда кечирган ҳиссиётларимни тиклашга ожизман, бироқ хотираларга қулоқ тутганимда шу эътирофлар беихтиёр қоғозга тушди.

Ростдан, ғор саҳнига кўтарилиш гаштли, сурурли эди. Бу ерда тириклик излари шундоқ билиниб турарди: чала ёнган ўтин, сомонли лой, тутундан қорайган шифт. Демак, кимлардир барқарор яшаган, ғор уларга бошпана бўлган. Ғорнинг оғзи маҳобатли эди: супа билан шифтнинг ораси тўрт қаватли уй баландлигича бор. Йўлак кун чиқишга қараб давом этар, фақат эллик қадамлар наридаги улкан тошлар ғор давомини бекитиб турар, нигоҳ шу ерда тўхтарди. Супага ҳамма етиб кела олмаган, қолганлар йўлда давом этарди. Вақт ўтиб, эт жунжика бошлади, совуқда тер қотган эди.

«Амир Темур ғори» деб аталувчи бугўша турли тоифадаги қизиқувчиларни ўзига жалб қилиб келган. Унга узоқ-узоқлардан гоҳ илмий мақсадларда, гоҳ саёҳат илинжида ташриф буюришган. Гувоҳларнинг эслашича, 50–60 йиллар олдин ердан ва шипдан ғор жавоҳирлари – сталактик-сталакмитлар етарлича чиқиб-осилиб турган (айни кунларда уларни туморга ҳам тополмайсиз), китоблар топилган. Ғорнинг биринчи қисми – Отхонада охурларнинг ўрни, қозиклар бўлган. Минг машаққат билан етиб борган сайёҳлар «арзирли» совға сифатида бу ашёларни талаб кетаверишган...

Ғорни шартли равишда икки қисмга бўлишади. Супадан ичкарилаб, 150–200 қадам жилгач, яна очик жойга чиқиб қолинади. Шу қисми «Отхона» деб аталади. Бу галги сафаримиз шу жойда яқунланган.

Бу сирли масканнинг чинакам жозибаси билан ошно бўлиш учинчи уринишда – X синфда ўқиб юрган пайтларимизда, аниқроғи – мактабни битириш арафасида насиб этди. Бу гал фақат биз, синфдошлар раҳбар Ўткир Кўчимов ва биология муаллими Жўра Ҳалимов «кўмондонлиги»да йўлга чиққанмиз ва ғорда анча ичкарилаганмиз. Тўрт қаватли уй баландлигида бошланган ғор торайиб-торайиб, бир киши аранг ўтадиган каваккача ингичкалашади (тораяди).

... Отхонадан сўнг асосий қисмга ўтишда тош териб, зиналар қилинган, бироз юқорига кўтарилиб, ғорга кириб кетилади. Ичкаридаги манзара – чинакам мўъжиза. Зим-зиё қоронғулик, қўл фонари оёқ остини аранг ёритади, нам ҳаво, сирпанчиқ ингичка сўқмоқ, тошлар туртиб чиққан, йўлни тўсган, юқоридан дўлайган. Бирдан ҳаммаси тугаб, боши берк жойга бориб қоласиз. Билмаган киши «Ғор тугади» деб шу жойдан ҳам қайтиши мумкин, билганлар эса бўри уясидек тор кавакни топадилар ва йўлни давом эттирадилар. Биз ҳам кавак яқинида тўпландик. Ким биринчи бўлиб бошлайди? Шунда мен биринчи бўлиб бошлаганман, 10–15 метрлар судралиб боргач, кенг, тубсиз жойга чиқиб қолганмиз.

Шундан сўнг ҳам бу ғаройиб масканга жуда кўп марта ташриф буюрдим. Гоҳ узоқдан келган ишқибозларга йўл бошловчи бўлиб, гоҳ улфатлар билан «маёвка»га чиқиб. Бу сафарлар давомида қисилмадан бемалол ўтиб, кўлгача етганмиз. Кўл йилнинг бир мавсумида қуриб қолар экан. Сўнгра

кўлдан кейин ҳам йўл топганмиз, имкон даражасида ичкарилаб, ғорнинг яна давоми бўлишига ишонганмиз.

Хуллас, муболағасиз айтганда, бир кўринмас куч бу сирли гўшага чорлайверган, қолаверса, кўнгилочар жойлардан мосуво тоғлар орасида иштиёқни қондирадиган, иродани чархлаб олишга кўмаклашадиган, умрингни тасодифлар билан безайдиган бошқа воситалар бўлмагани учун ҳам «тўлишиб кетган» пайтларда истак шу хилват жойларга етаклагандир. Энг кейинги сафарим – 1991 йил 7–8 август кунлари «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» ёшлар экспедицияси билан қадам ранжида қилганим. Унча-бунча одамнинг қадами етавермайдиган олис ва кимсасиз бу жойларга жамоатчилик вакилларини бошлаб келишим, умуман, экспедициянинг ташкил этилиш тарихи жуда қизиқ.

Руҳшунослар, педагогларинсонтарбиясидатурли омилларнинг таъсир даражасини роса ўрганганлар. Бирор-бир омил (воқеа, шахс) бир кишининг бутун келажагини белгилаб бериши мумкинлигини улар эътироф этадилар. Мабодо, мен туғилиб, улғайган муҳит бошқачароқ бўлганда, эҳтимол, мен бутун вужудим билан темуршунос бўлиб кетардим. Фақат ўсмирлигимдаёқ қалбимга ўйилган бу кадрдон мавзуга бироз кейинроқ қайтишимга тўғри келди. Ғорга сафар, унинг таассуротлари бутун ўсмирлик йилларимни, улғайиш давримни марвариддек безаган. Ота шахримиз Шаҳрисабзда Соҳибқирон бобом қурдирган Оқсарой борлигини билгач, умуман, у зоти шариф шу шаҳарда туғилиб, шу атрофларда вояга етганидан хабар топгач эса ўзимни бу мўъжизага эшлигимни, пайваста эканлигимни сезганман. Бу туйғу қалбимда меҳр бўлиб, ишқ бўлиб парвариш топган.

Орадан йиллар ўтгач, экспедиция уюштириш фикри қачон, қандай вазиятда пайдо бўлганини тиклашга уриняпман. Бир ён дафтаримда: «Ният. Амир Темур излари бўйлаб экспедиция. Тошкент – Самарқанд – Шахрисабз (Оқсарой) – Хўжаилғор қишлоғи – Тошқўрғон (Амир Темур ғори). Бир газета редакцияси, масалан, «Ёш ленинчи» оталиққа олиши мумкин. 17.08.90» деган ёзувлар бор экан.

Эсласам, айтини ўша пайтларда «Қашқадарё ҳақиқати»дан бўшаб, Тошкентга келаман, деб юрган чоғларим эди. Ўшанда гоҳ иш, гоҳ уй-жой масаласида Қарши – Тошкент оралиғида ўнлаб марта поездда қатнаганман. Ҳар сафар турли кайфиятда вагон деразасидан атрофни кузатиб кетганман ва темир йўл ўтган жойлар қанчалик серкўлам тарихга шоҳидлигини ҳис этганман. Эҳтимол, шундай чоғларда юқоридаги сўзлар қайд этилгандир. Боз устига 90-йилларда, Горбачёвнинг ошкоралик сиёсати туфайли тарихга қизиқиш кучайган, баъзи бировлар оғзига келганини гапириб, кўнглига хуш ёққан ишни қилиб ётган кунлар эди. Шундай шароитда «Амир Темур» мавзусининг акс-садо бериши тасодифий бўлмаган (бошда изоҳладим) ва бу кайфият анча безовта қилганга ўхшайди: 1990 йилнинг 30 июнь – 15 июль кунлари Андижондаги «Шаҳрихон» санаторийсида дам олганман ва кундалигимда «Амир Темур излари бўйлаб» деб сарлавҳаланган мақоланинг режаси баён этилган.

Хуллас, «қайта қуриш» жадал кетаётган ўша талотўп кунларнинг бирида 1990 йил 19 сентябрь куни паспортимга муҳр босилиб, мен ҳам тошкентликлар сафига қўшилдим ва шу куни «Саодат» журнаliga бўлим муҳаррири сифатида ишга қабул қилиндим. Энди «нима ҳунарим, қандай иқтидорим бўлса, кўрсатишим» мумкин эди. Жур-

нал топшириқларидан вақт ажратиб, ҳали тўла жиҳозланмаган хилват хонада якка-ю ягона «гарнитур» – омонат қўйилган стол-стулга ўтириб, хаёлимда пишитган режа асосида «Шахсий мулоҳаза: Амир Темур излари бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, йўл оғир бўладими?» деб номланган мақолани қоғозга туширдим. Оддий сарғиш машинка қоғозида 7 саҳифада тигиз қилиб ёзилган бу «асар»да ҳали бу юртларда ҳеч ким тилга олишга журъат этмаган фикрлар, мавзу қаламга олинган эди. У «Биз мустамлака азобларидан қутулиб, ўзлигимизни бироз англаш сари интилаяпмиз», деб бошланарди. Мақолада Амир Темур талъатини гавдалантирмоқчи (шу орқали ўқиганларда унга нисбатан меҳр уйғотмоқчи) бўлганман. Жумладан, унда кейинги барча нашрларда тушириб қолдирилган шундай гап бор: «Амир Темур инсониятнинг улуғ алплари – Юлий Цезарь, Александр Македонский, Петр I, Наполеон билан тенг турувчи зот». Бундай қиёс фақат тарихдан билимим саёзлигини эмас, ўша пайтларда биз буюк аждодимизни умуман билмаслигимизни кўрсатади.

Яна бир мисол. 1992 йил «Наврўз» нашриётида юз минг нусхада чоп этилган «Амир Темур ўғитлари» китобида айтилади: «Амир Темур ҳам Искандар Зулқарнайн ва Қутайба ибн Муслим, Доро ва Маҳмуд Ғазнавий, Чингизхон ва Боту, Иван Грозний ва Петр Биринчи, Наполеон ва Михаил Фрунзегга ўхшаш одам бўлган». Йирик тарихшунос олимга тегишли бу фикр билан бугун бемалол баҳслашиш мумкин ва аниқки, тўғри, Амир Темур умуман одам наслига ўхшаш бўлган, бироқ унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ва фақат ўзига хос такрорланмас қирралари бор – моҳият ана шу қирраларни билишда, идрок этишда. Мен экспедиция ташкил

этишни таклиф қилиб мақола ёзганимда, балки эски, титилиб кетган тасаввурларни ўзгартиришни, Буюк Темурнинг улуғворлигини табиат гўзаллиги, тоғлар маҳобати ва йўл азоби орқали ҳиссиётларга сингдириш, ҳиссиётлар таъсирида мияни тозалашни кўзда тутгандирман.

Умуман, ўша пайтларда юзага келган вазият нимадир жиддий бир нарса содир бўлишини шивирлаб турарди: марказ жиловни қўлдан чиқариб юборган, қуйида эса турли даражадаги бошбошдоқликлар авж оларди. Ана шундай таҳликали вазиятда фарқ бўлган одамнинг хасга илашгандаги илинжи билан киши интиутив бир тарзда ўз ўтмишига, қайиғи йўл олган соҳилга қарар эканми, менинг Соҳибқирон бобомиз тарихига мурожаат этишимда ҳам шундай кайфият бўлгандир. Ҳатто шу мавзудаги кейинги мақолаларимнинг бирида: «Ўзи айтсин ва кўрсатсин, нажот қайда?!» тарзидаги илтижолар қайд қилинган.

Профессонал жиҳатдан қараганда биринчи гап – руқн, қолганлари сарлавҳа ва тагсарлавҳа қилиб бериладиган узун сарлавҳали мақолани «Ёш ленинчи»га олиб борганимда, бош муҳаррир Жаббор Раззоқов ишонч билан қабул қилди-ю, бироз иккиланди ҳам чамамда, чунки эртанги кунни ҳеч ким башорат қилолмасди, давлат тепасига бирор зolim келиб қолса, мамлакатни қонга ботириб бўлса ҳам совет диктатурасини ўрнатиши мумкин эди. «Ёш ленинчи» газетаси (ҳозирги «Туркистон») ўша пайтларда ўзбек матбуотининг байроқдорларидан бўлиб, ҳаётга дадил ёндашар, ўз нуқтаи назарига эга нашр эди.

У ҳамманинг сеvimли газетасига айланиб улгурган, айниқса, яқин ва узоқ тарихга доир чиқишлари яхши кутиб олинарди. Шунинг учун

мен уни танлаган эдим. Газета таҳририятига келадиган материаллар кўплигидан камина октябрнинг бошларида топширган мақола ноябрда ва декабрда ҳам эълон қилинмади. Бу ҳолдан бўлим муҳаррири, бугунги кунда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раҳбари бўлиб ишлаётган Амирқул Каримов ҳам ҳайрон. Ниҳоят, бош муҳаррир ҳаммаси кўнгилдагидек эканини, мақола яхши ният билан газетанинг янги – 1991 йилдаги биринчи сонидан эълон қилинажагини айтди. Шундай қилиб, бугун тарихимизда олтин ҳарфлар билан ёзилган йилнинг 4 январидан «Соҳибқирон ўтган йўллар бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, сафар оғир бўладими?» сарлавҳали мақола эълон қилинди ва экспедиция тайёргарлигига «старт» берилди.

Тайёргарлик жараёни турлича кечган. Аввало, ўша пайтлари миллатдошларимиз руҳиятида пайдо бўлган уйғонишни таъкидлаш жоиз, газетада эълон қилинган ўша мақолага бирон киши бепарво бўлмаган, дейиш мумкин. Ҳамма қўллаб-қувватлаган, кўмакка шошилган. «Ёш ленинчи» мақолага нисбатан ижобий фикр билдирилган чиқишлар, экспедицияда иштирок этишни хоҳловчиларнинг хатларини мунтазам эълон қилиб борган. Жумладан, мен ҳам 21 майда «Иккинчи қадам қўйилладими?» сарлавҳали мақола эълон қилиб, тайёргарликнинг боришини шарҳлаганман, юртдошларимизни яна ҳам фаолроқ бўлишга чақириб, ғайратларини жўштирганман. Мақолада шундай фикрлар борки, уларни бугунги кун тасавури билан ўқисангиз, ўшанда кўнгилга жо бўлган ёруғ туйғулардан ҳаяжонланиб кетасиз. Унда шундай ёзилади: «Ҳозиргача маломатлар остида қолиб келаётган буюк инсон руҳи олдидаги қасам шуки, Уни таниганларни У асрайди». Яна: «Истак отига

қамчи уриб, тоғдан тоққа сакраб юрган ўсмир Те-
мурга бошпана берган муаззам ғор остонасидаги
табаррук супа устида кутиб олинган тонг янги за-
мон йўриғидан дарак берса ажаб эмас».

Бу – нақт 100 кундан сўнг ташриф буюрадиган
1991 йил 1 сентябрь – Мустақилликнинг хабари
эмасмикан?!

Эсимда, биз ғор ҳудудига 7 август оқшом пайти
етиб бордик. Ҳамма чарчаган, аксарият сафардош-
лар сайҳонликда тонг оттирмоқчи бўлишди. Фақат
5–6 киши айрилиб чиқиб, супага кўтарилган. Ўзи-
миз билан дарёдан 20 литрлик идишда сув олвол-
ганмиз. Супани супуриб-сидириб, ўт ёқдик, идиши
билан сувни қайнатдик, унинг тор оғзидан қуруқ
чой ташлаб чой дамладик. Тун зулмати, бепоён ва
номаълум чексизлик бағрида оловда ялтилаган ғор
тошларигина кўзга ташланади. Гулхан атрофидаги
одамлар ўз дунёсига ғарқ, баъзан таассуротларини
юзага чиқаради, хотиралар тилга киради. Мен беҳад
ҳаяжондаман, ҳислар шунчалик туғёнга келганки,
фақат уларни ичга ютиб, сукут сақлаб енгиш мум-
кин. Сухбатдошларга она қишлоғим – Тошқўрғон
ҳақидаги шеъримни ўқиб бермоқчи бўламан:

Турнанинг кўзидек оҳанраболи...

Эҳтирослар жунбушга келиб, сатрлар чалкашиб
кетеди. Тун яримлагач, сафар қопга кириб, уйқуга
чўзиламиз. Лекин мен бир зум ҳам ухлай олмай-
ман, ўзимни муаззам бўшлиқда сузиб юргандек
ҳис қиламан, атроф сут рангидаги оқлик билан
қопланган. Уйқу ва уйқусизлик орасида тонг отади.

Сафар манзилларини муваффақиятли босиб
ўтиб, 18 август куни Самарқандга, Гўри Амирга
ташриф буюрганмиз. Шу қутлуғ даргоҳда ҳар бир
иштирокчи ҳисоб берган, ўз муножотини сўзсиз

ифодалаган. Худди шу лаҳзаларда Қримдаги Фарос оролида Горбачёв ва Раиса дунёдан ажратилиб, янги одамлар ҳокимият тепасига келган ва шу билан СССРнинг тагига сув кетган экан. Кейинги кун Жиззахда телевизор орқали ГКЧПнинг йиғилишини кўрганмиз. 20 августда Тошкентда, бизни карнай-сурнайлар билан кузатиб қўйган майдончада ҳеч ким кутиб олмаган – мамлакат таҳлика ичида, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Хайрият, тақдир ёзуғи нурли экан, юртимизга озодлик ташриф буюрди.

Бизнинг 1–20 августдаги сафаримиз жаҳон тарихининг ана шундай кескин бурилиш палласига тўғри келиб қолган. Бу кунларнинг шарҳи неча тилда неча минг варақларда битилмоқда. Мен ҳам сафаримиз ҳақида батафсил ёздим, ёзганларим «Хотира карвони» деган ном билан китоб ҳам бўлиб чиқди. Шундан бери бу мавзу қалбимнинг тотли ва соғинчли қўшиғига айланган.

Одам боласи ҳардоим ҳам таваккал қилавермайди ва қисқа умрини безайдиган теран мазмунни топавермайди. Ўша автобусда қарийб 2500 км. йўл босиб ўтилган, таассуротлар 1,5 минг метр кинолента, 9 та видеокассетада муҳрланган 20 кунлик сафарда турли вазият ва манзилларда жами иштирокчиларни, шу жумладан, мени ҳам бир нур йўлимизни, нафақат йўлимизни, балки дилимизни ҳам ёритиб юргани сезилган эди. Биз тонгда-ю тунда, далада-ю шаҳарда, булоқ бўйида-ю ғор тубида Соҳибқирон бобомизнинг муборак номларини такрорлар, ундан мадад олар эдик. Ана шу ҳис менинг болалик туйғуларим билан вобаста бўлди, Қалъаи шерон сўқмоқларидами, зилол дарё қирғоғидами, кўл бўйидами учратган сеҳрга яна дуч келдим ва уни кўнглимга солдим. Бу жуда катта бойлик, олтин ёмби эдики, мендек бир

оддий қаламкашга илҳом бериб, муборак мавзуда қоғоз қоралаётганимнинг кучи шунда.

Холисанилillo айтганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти чинакам мўъжиза, бир инсон нималарга қодир эканини кўрсатувчи олтин тарози. Бу мўъжизадан баҳраманд бўлиш, бир-биримизни баҳраманд қилиш, дунё аҳлига унинг асрорини намоён этиш инсониятга жуда кўп эзгуликлар армуғон этиши мумкин. Афсуски, ғофил одамзот бу мўъжизага юз бурмаяпти. Демак, ҳали маърифат аҳлига кўп эҳтиёж бор. Биз ана шу йўлдамиз.

Бу мавзуда ёзган мақолаларим турли жанрларда бўлиб, энг қувончлиси – барча нашрлар уларни очиқ чеҳра билан кутиб олган, бажонидил саҳифаларида ёритган. Айниқса, «Халқ сўзи»да ишлаган йилларим бош муҳаррирлар – Аҳмаджон Мухторов (раҳматлик) ва Анвар Жўрабоев кўп илтифотлар кўрсатишган. Жаббор Раззоқов-ку бундай мавзудаги мақолаларимга ўз газетасининг тўрт саҳифасини ҳам бўшатиб беришга доим тайёр эди. Улардан жуда миннатдорман.

Тўғри, шу пайтгача кўплаб мақолаларим, эссе-роман ва яна бошқа китобларим нашр этилди. Ношукурлик бўлмасин-у, булар ҳали ҳаммаси эмас. Уларнинг энг саралари дунё халқлари тилларига таржима қилинишини хоҳлайман. Ҳали саккизинчи мўъжиза сифатида тан олинган кино санъатида амалга оширилажак юмушлар етарли. Бу ниятларнинг ҳаммаси вақт-соати ва навбати билан амалга ошади, иншооллоҳ!

Қалб токи борлиқни тийрак ва зийрак акс эттирар экан, унинг оҳанглари, кўшиқлари ҳам муттасил таралаверади.

2007 йил, сентябрь

МАҲАК ТОШИ

Уни Соҳибқирон Темурбек тавсия қилган эдилар,
бугун ҳам унга эҳтиёж сезилмоқда

Соҳибқирон «Темур тузуклари» асарида Тангри таоло даргоҳидан мамлакатларни фатҳ этувчи кўплаб бахтли фарзандлари, авлоди салтанат тахтига ўтириб, эл-юртни идора этишини умид қилган жаҳонгир ўзлари яратган бошқариш тизимини батафсил изоҳлар эканлар, энг сўнгги лаҳзада (яъни, гуноҳкор одамларни ўлимга буюришдан олдин) ҳам шошмасликни тайинлаб, «... балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъволарининг рост ёлғонлигини маҳак тошига уриб текшириб кўрсинлар» (73-бет) дея ҳикмат келтирган эканлар. Алҳамдулиллох, бугунги сафоли кунларда буюк аждодимизнинг умри, ҳаёти ҳам, маънавиятию фаолият тарихи ҳам халқимиз хазинасига қайтди. Бу хулосамизга мазкур йилда жаҳонгирнинг мавлуд кунлари (8–9 апрель) муносабати билан ўлкада чирой кўрсатган умумхалқ кайфияти сабаб бўлди. Амир Темур байрамлари, илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Хўжаликлар, жойлар бу улуғ зотнинг исм-шарифлари билан қайта номланмоқда, бадийий, илмий, саҳна асарлари кўплаб яратила бошланди.

Албатта, ҳар қандай хайрли ишни бошлашдан олдин унинг кўлами ва мавқеини аниқ белгилаб олиш эзгу амалларга йўл очади. Бинобарин, Темурбек ҳақида айтиладиган энг оддий таъриф-тавсифлардан мукаммал қомусий асаргача бу зоти шарифнинг асл қиёфасига мос келиши керак. Шунинг учун ҳам Маҳак тоши эсланди. Зеро, бобо-

калон ҳақидаги жами ёлғонлар (аксарият, ҳозирча ҳукм сурган қарашлар) билан бирга ул киши шахсига тўғри келмайдиган мақтовлар ҳам бу ҳақиқат мезонига тегиб чил-чил бўлгусидир. Қолаверса, миллатимиз ўз қадриятини қайтадан кашф этмоқда, динимиз талабларини дил эҳтиёжи сифатида қабул этаяпмиз. Қуръони карим, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадислари маънавий мулкимизга айланди. Уларда шундай қоидалар кашф этилиб, бизга армуғон қилинганки, тафаккурнинг бу дурдоналари биз ҳозиргача амал қилиб келган баъзи сохта эътиқодларни ғубордек тарқатиб юборади, кўз олдимизда мусаффо яшилликни намоён қилади.

Динимизнинг биз, бандаларга марҳамати шунчалик беқиёски, инсоннинг имкониятларини, у интилувчи нур («идеал») чегарасини чексизликка қадар улғайтиради. Яратганнинг висолиға етиш учун хайрли юмушларга бел боғлаган ҳар бир кимса тириклик лаҳзаларини «Фалончиевга тақлид» қилиб ёки ўртак олиб эмас, ўз йўли, аъмоли билан ўтказди. «Ҳеч ким Ленин бўла олмайди, бироқ Ленин бўлишга интилиш керак» (*Луначарский*) сингари сийқа фалсафаларнинг миси чиқди, аслида, бу тарзда фикрлашнинг ўзи Оллоҳга шаккоклик эди. Яъни, буюк ислом таълимоти инсонни илоҳийлаштиришга йўл қўймайди! Пайғамбаримизнинг ҳадисларида «628. Оллоҳдан бошқага қилинган қасам ширкдир» («Минг бир ҳадис», 1991) деб кўрсатилган. Илоҳийликка фақат Парвардигорнинг Ўзилойикдир, қалбда эса Унинг ишқигина ҳукмрон бўлмоғи лозимдир.

Амир Темур, Темурбек, жаҳонгир, Соҳибқирон дея улуғланган Амир Темурбек (Темур) Тарағай Баҳодир ўғли ҳам Худонинг бир бандаси, қанчалаб

жонзотларга ризқ-рўз, бошпана бўлган курраи заминда ўзига хос умргузаронлик қилган зот. Бир кишини ҳамду санолар билан еттинчи фалаккача чиқариб улуғлаш қанчалар хато бўлса, унга бутун бир даврлар, асрлар юкини ортмоқлаб ёки жама талабларнинг ҳаммаси билан ёндашиб тафтиш қилиш ҳам хато.

Хуллас, Америка, Англия, Франция каби йирик, тараққий этган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам Амир Темури шахсига қизиқиш кучайди. Дастлабки тахминлар бу мавзу, фаннинг шу соҳаси «қулоқ чўзма» бўлиб кетиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳол, албатта, қувончли. Дастлабки қадамлар қўйилса, кейингиларини Оллоҳнинг ўзи кўрсатаверади. Бажарилиши керак бўлган ишлар эса жуда кўп. Олайлик, биттагина Шаҳрисабз шаҳри билан боғлиқ кўпгина муаммолар навбатда турибди. Бу нарса Амир Темури таваллудининг 656 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман давомида яна бир бор кўзга ташланиб қолди. Шаҳар буюк фарзандига муносиб бўлишини хоҳлар, бироқ танидаги жароҳатлар туфайли тўшақдаги бемор сингари инграрди.

Биргина Оқсарой билан боғлиқ қанчалаб сир-синоатлар кечган? Мабодо, ҳозир у ҳақда гувоҳларнинг хотиралари ёзиб олинса ҳам бир неча жилдли «Оқсаройнома» пайдо бўларди ва унинг ҳар бир сатри кўз ёшлари билан ёзиларди. Бу сафар кўплаб милтиқ ўқлари тешиб ўтган «шинаклар» қаторида тўп ўқининг изини ҳам кўрсатишди. Унга кўп-да парво қилмай, шунчаки ўпирилишдан кейинги кавак деб ўйлаш мумкин. Мабодо, уни қандайдир Бембин («тўпга тутиш» маъракасининг бошида турган лашкарбошининг номи шундай деб аташди, у ҳамон тирик эмиш) фармони ила

узилган замбарак ўқининг ўрни эканини билгач, киши аллақандай бўлиб кетар экан.

Маълумки, машҳур обидадан остона – кириш қисмигина сақланиб қолган. Унинг маҳобати ҳақида эса турли тахминлар юради. Жумладан, эрталаб қуёш чиқаётган пайтда уни Бухородан кўриш мумкин бўлган. Тепасида улкан ҳовуз бўлиб, Тахтиқорача довонидан қувурлар воситасида сув олиб келтирилган, пойдевори 38 метр чуқурликда, беш қиррали юлдуз шаклидаги асосга мустаҳкамланган ва ҳоказо. Жонли гувоҳ – Клавиҳо унинг узунлиги 300 қадам деб кўрсатган. Бу жойда узоқ йиллар археологик қазилар ва илмий тадқиқот ишларини олиб борган олим Хайрулла Султоновнинг фаразига, саройнинг узунлиги 120–125 метрдан кам эмас, у ҳатто қўш ҳовлили бўлиши ҳам мумкин. Демак, унинг эни 125, бўйи 250 метрлар атрофидадир.

Маҳаллий мусаввир ўз ҳаёлотини кучи билан Оқсаройни холстда тиклабди, суратни кўриб оқ тенгсиз, маҳобатли кошонани ҳис этасиз. Ҳозирча эса у юпун ҳолда, сўнгги бойликларини ҳам талаб кетишмоқда. Баъзи «ақлли» раҳбарларнинг таклифи билан рангин кошоналари қўпорилиб, Самарқанддаги биноларни таъмирлашда ишлатилган. Маҳаллий раҳбарлар азбаройи эзгуликдан Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатмоқчи, бироқ танланган жой анжуман қатнашчиларига маъқул тушмади. Уни Оқсаройнинг олд томонида – Самарқанд тарафига қўйиш маслаҳат берилди. Негаки, Худо ёрлақаб, саройни тиклашга киришилса, ҳайкални кўчиришга тўғри келади. Собиқ раис Абдурашид Жамолов ҳозир Мозори шарифда яшаётган бир шахрисабзлик фуқарода Оқсаройнинг лойиҳаси

сақланаётганини, у терига чизилган, каттагина китоб ҳолида эканини айтиб қолди.

Шаҳрисабзда тарихий ёдгорликлар қаровсиз ҳолда, ҳатто шу соҳага масъул меъмор йўқ экан. Темур даврида ёгин-сочинли кунларда гумбазларга ниқоб кийдириб қўйиларкан, шу туфайли улар кўркини йўқотмаган. Ҳозир эса... Жаҳонгир Мирзо мақбарасига киришда чиройли эшик киши диққатини тортади. Маълум бўлишича, ғайридинлардан бири уни печкага ёқиш учун қўпориб олган. Буни сезиб қолган бир муслим анчагина ўтин бериб, эшикни олиб қўйган. Узоқ йиллар ўзида сақлаб, 60-йилларда мачит ташкил бўлгач, келтириб жойига ўрнатишган... Шаҳрисабзга йўлингиз тушса, ҳақиқий санъат дурдонасига тенг шу эшикни атайлаб бориб кўринг, шунда, эҳтимол, бизнинг қанчалаб бойликларимиз кунпаякун қилинганини тасаввур қиларсиз. Эшикни асраб қолган номаълум инсонга тасаннолар айтиб, ҳамма ҳам шунчалар ҳиммат кўрсатавермаганига афсусланиш лозим, холос.

Илмий анжуманда қулфлоғлик сандиқларда сақланиб келинаётган кўплаб янги маълумотлар илк марта тилга олинди. Тасодиф шунчалар кучли эдики, нима бўлаётганини тезда илғаб ололмайсан: тўрда улкан сурат, оқ шоҳига қайноқ дил сўзлари ёзилган, нутқлар – жўшқин, овозларда титроқ ва ҳаяжон бор. Ҳамма ўзлари оёқ тираб турган шу тупроққа таъзим қилишади. Бу – юрт эгаларининг ўз юртидаги байрами эди, илло, шодликлар бундан кейин яна ҳам баравж бўлғай.

Шу куни Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида ҳам тантаналар бўлган. Ўйингоҳда тўпланган минглаб кишилар кўз олдида тулпорини ўйнатиб Соҳибқироннинг

пайдо бўлиши (актёр – Толиб Каримов) кишиларда ўзгача кайфият пайдо қилган. Одамлар ҳайқириқлар билан суворийни олқишлашган, гўё Турон «урҳо»си яна бир жаранглаган. Ҳамза номли театрда уюштирилган байрамда эса эсда қоладиган воқеа ижодкорларнинг тортишуви бўлган.

Дарҳақиқат, тортишувлар ҳақида. Ҳозир шунчалик имкониятга эришилганки, бу келгусида улуғ ишларга парвоз бериши шубҳасиз. Хусусан, Темур ва Темурийлар даври мероси улкан хазина. Ҳозиргача ундан истеъмолчилик кайфиятида фойдаланиб келинди, яъни кимга нима керак бўлса, ўшани олди. Энди бу бойликни чинакам ватанпарварлик туйғуси билан атрофлича, муфассал ўрганиш бошланган экан, турли мунозаралар, бошбошдоқликларга йўл қўймаслик мақсадида жиловни эртароқ қўлга олиш лозим. Шундай бир нуфузли, обрўли илмий марказ тузилсаки, у нафақат муайян давр, балки бутун тарихимизга оид ривоятдан тортиб, ҳайкал лойиҳаси-ю диссертация мавзуси, экспедиция йўналиши-ю китоб нашр этиш – хуллас, барча икир-чикирни мувофиқлаштириб турса. Темур ва Темурийлар даврини комплекс тадқиқ этиш махсус илмий текшириш институтигагина эмас, бутун бошли Фанлар академиясига етарли мавзу беради, келажакда, албатта, темуршунослик илмгоҳлари пайдо бўлади. Шундай экан, қурилажак иморатнинг биринчи ғиштлариёқ унинг истиқболига мос келса, бинонинг кўрки беқиёс бўлади. Зеро, уфқлар ортидаги ёрқин келажакни кўра олган, Тангри таолодан барҳаётликни умид қилган улуғ бобомизнинг ўзлари яхшини ёмондан, олтинни мисдан беҳато ажратадиган Маҳак тошини – ҳақиқат мезонини тавсия қилганликларини унутмаслик жоиздир.

Амир Темур шунчалик буюк шахски, бу улуғликни фақат «Рост» сўзгина ифодалай олади.

1992 йил, апрель

ҚОРАЧИҚҚА ЖОЙЛАШАР ҚУЁШ

Ўшанда, сабзалар қўйнидаги шаҳарга мустақиллик баҳори энди кириб келаётганда, қўл етгудек яқин Ҳисор тизмаларининг бағрида қорлар қиш уйқусида эди. Тошкентдан 507-рейс бўйича учган ҳаво лайнери Соҳибқирон таваллуд топган муборақ заминдаги аэропортга қўнганда, қуёш чиқиш тарафдан эсаётган шабада баданни жунжиктирсада, бироқ серёғин, инжиқ кўкламнинг шу кунлари кутилганидек чароғон ва очик, жануб офтоби чилла захмини енгиб, сахийлик билан нур сочиб турибди. Гарчи бизга пешвоз чиққан мезбонлар меҳмонларнинг озчилигидан бироз кўнгиллари тўлмаган бўлса-да, нуфуз жиҳатдан бу делегация анча салмоқли эди: Шаҳрисабзга Амир Темур туғилган кун – 9 апрель муносабати билан ўзига хос мўъжаз «академия» ташриф буюрган эди. Албатта, жамоатчилик бу тадбирнинг илк марта бўлаётганини сезиб турарди. Хушёқар хотираларни қоғозга тушира туриб, кейинги қадамларни мушоҳада қиларкансан, хаёл тўзиб кетади. Хусусан, йирик олим, академик Аҳмадали Асқаров билан шу мавзуда суҳбатлашгандан кейин ҳали муносабатлар тўла аниқланмаганини (яъни, муз ўрnidан бутунлай кўчмаганини) ҳис қилдим.

Аҳмадали Асқаров йирик археолог-олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, академия Тарих институтининг директори, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти «Ипак йўли» экспедициясининг илмий раҳбари ва бош маслаҳатчиси экан-

лигини эслатиб ўтмоқчиман. Олим шахсий дарди ва кўплаб ташвишларини бир четга йиғиштириб, Шахрисабздаги маъракада қатнашишга имкон топди. Мусоҳаба ўша таассуротларни эшладан бошланди.

А. АСҚАРОВ: – Шахрисабз учрашувлари – катта ишнинг бошланиши. Биз 1996 йил, яъни, Соҳибқирон Амир Темур дунёга келганига 660 йил тўлиши арафасида турибмиз. Вақт шамол каби бир зумда ўтиб кетади, бироқ бизнинг зиммамизга улкан тоғлар залворидек юк ортилган: Турон фарзанди Темурбек ҳақидаги уйдирмаларни фош қилиш, унинг тўғрисидаги холис, тарихий ҳақиқатга мос гапни жаҳон афкор оммасига (биринчи навбатда – ўз халқимизга) айтиш, шундан кейин барча туҳматлардан фориғ этиш фарзандлик бурчимиздир. Муддат – нисбатан қисқа, юмушлар эса кўп. Демак, фурсатни қўлдан бермаслик керак.

Шахрисабзда ўтказилган илмий анжуман ҳам ана шу тадбир доирасида ташкил қилинган, унинг дебочаси эди (негадир, матбуот чиқишларида шу нарса таъкидланмади). Шаҳар ҳокими Ф. Ҳотамов ҳузуримга келди, анжуман йўналиши ва мавзусини бамаслаҳат ҳал қилдик. Уларнинг бу саъй-ҳаракатини табриклаш лозим, бироқ унинг тўлқини бутун республика, ҳатто Мовароуннаҳрни қоплаб олмаяпти. Негаки, яна таъкидлайман, қилиниши керак бўлган ишнинг кўлами ниҳоятда кенг, унга бутун илмий, ижодий жамоатчилик қувватларини сафарбар қилиш, улкан ҳудуд (Темур давлати чегаралари)га ёйиш лозим.

МУХБИР: – Илк қадамлар, дастлабки натижалар кишида умид уйғотади. Инсон табиатан ўз кўнгли истакларини қондириш учун қандайдир илоҳийликка, ҳатто, мавҳумликка талпиниб яшар

экан. Мен ўз ватандошларимда шундай талпиниш Амир Темур шахсиятига нисбатан жуда кучли эканига қайта-қайта ишонаяпман. Буни энг содда инсоний ҳисга менгзаш мумкин. Маълумки, чанқаган, ташна одамнинг энг биринчи истаги – бир пиёла сув. У ўша мавҳумликка илтижо қилиб сўрайди: «Бир пиёла сув бўлсайди...» Ул зотни билганлар (маърифатсизлар бундан йироқ) турмушда турли ноҳақликлар, тенгсизликларга дуч келганда, ўша илоҳий кучга ёлвориб, «Амир Темур бўлсайди» дея сўраса, ажаб эмас. Шундай бўлгач, уни халқ хотирасидан, меросхўр авлод маънавий хазинасидан ўчириб ташлаш мумкин эмас. Халқимизнинг Темур давридан кейинги суронли кечмиши ягона ҳақиқат излаш йўлидаги жангу жадалларга ўхшайдики, олис уфқда бир ёруг юлдуз нур сочиб турганини, уни кўпда кўравермаганларини тасаввур қиласан. Бугун «Бир туғ остида бирлашайлик» (уни дастлаб қўтос овига чиққан ярим ёввойи одамлар топган бўлса ажаб эмас) деган шиор қалблардан отилиб чиқаётган экан, ўша туғ аслида бобокалоннинг боқий шавкати эмасмикан, дея ўйлаб қоласан, киши...

Шаҳрисабз анжуманида кўплаб амалий таклифлар ўртага ташланди. Унда сизнинг «Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби», филология фанлари доктори, профессор А. Ҳайитметовнинг «Темурийлар даври адабиёти», Шарқшунослик илмгоҳининг директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоевнинг «Амир Темур ҳақида ёзилган тарихий асарлар ва уларни нашр этиш муаммолари», тарих фанлари доктори А. Аҳмедовнинг «Амир Темур даврида илм-фан равнақи» мавзуидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, фан номзодлари У. Уватов, Ҳ Султонов, О. Бўриев ҳам янги илмий маълум

мотларга бой нутқлар сўзлашди. Булар жамланиб, кишида қандайдир номаълум сеҳрли дунё ҳақида ривоятлардек таассурот қолдирди. Ҳолбуки, «Америка кашф қилинмаган», аслида бизнинг зуваламиз олинган шу тупроқ мадҳ этилаётган эди. Ҳозир эҳтиросларга берилиш мавриди эмас, албатта, олимлар билдирган амалий таклифлар эса инобатга олиниши шарт. Жумладан, саёҳатчилардан тушаётган маблағлар янги ресторан ёки барлар қуришга эмас, таъмирлаш ишларига сарфлансин. Шаҳарда қабр тошлари, турли тарихлар ёзилган лавҳлар сочилиб ётибди, уларни бир жойга тўплаб очиқ музей ташкил қилиш мумкин. Дунё аҳамиятига молик обидалар аҳоли уй-жойлари, маъмурий бинолар қуршовида қолиб кетган. Бу таъмирлаш ва тарғибот-саёҳат ишларини қийинлаштирмоқда. Келажакда шаҳар маркази музей-қўриқхонага айлантирилиши лозим.

А. АСҚАРОВ: – Темур ва Темурийлар даврида қурилган бинолар даврнинг мангу тарихлари. Жаҳонгир меъморчиликка жуда катта эътибор берган, ундан ўз сиёсий, ҳарбий мақсадларида ўринли фойдаланган. Пештоқига «Кимки бизнинг қудратимизга ишонмаса, иморатларимизга қарасин», деб ёзилган бино – Оқсарой ҳам Шаҳрисабзда қурилган.

Буборада Амир Темур жуда беназир бўлган. Пойтахт Самарқандни ер юзининг энг гўзал шаҳрига айлантириш орзуси билан яшаган ва бунга эришган ҳам. Атрофдаги қишлоқларга дунёнинг катта шаҳарлари – Фориш (Париж), Бағдод, Дамашқ, Султония номларини қўйиш билан Самарқанднинг мавқеини юқори кўтармоқчи бўлган.

Гап номлашга тақалди – биз жаҳонгир шарафини ўзига хос юксак даражада эъзозлашимиз керак.

Унинг номини колхозга ёки бир тор кўчага қўйишга қаршиман. Бу тадбир бирор мазмунни ифодаласин, масалан, унинг буюк саркардалиги рамзи сифатида Ҳарбий академияни аташ эътироз туғдирмайди. Ёки шаҳарнинг энг катта майдони, энг олий иморатига қўйилса, бобомизнинг ободончилик ишларига ишорани ифодалайди. Амир Темур номи билан камида шаҳар (масалан, Темурбек шаҳри) ёки район аталиши мантиққа тўғри бўлади. Хуллас, ҳамма ишлар буюк ватандошимиз шахсиятига мос тушмоғи шарт. Темур Цезар, Искандар ёки Наполеондан катта фарқ қиладиган даҳо, у дунёдан енгилмай, ғолиб кетган. Улкан сулолага асос солган ягона жаҳонгир. Буюк шахсларнинг тарих саҳнасига келиши тараққиётни юз йиллар олдинга силжитиб юборади.

Амир Темур давлатининг келажагини кўз ўнгига келтириб, Ўрта Осиёда яшовчи барча қавмларни бирлаштириб, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик хўжаликларининг ривожланишига кенг имкониятлар яратди. У дунёқарашда ўта диндор ҳам, ўта даҳрий ҳам бўлмаган, доим оддий халқдан ажралмаган. Табиатан эса байналмилалчи бўлиб, одамларни миллатига қараб эмас, ҳалоллиги, ботирлиги каби фазилатларига кўра қадрлаган. Энди жаҳонгир Темур ҳақида «хат танимасди», «шахмат ўйнарди» сингари бачкана гапларни йиғиштириш керак. У Шаҳрисабз беги Тарағай Баҳодирнинг ўғли бўлган ва болалигидаёқ аслзодаларга хос тарбия кўрган.

Дунёдаги камдан-кам ҳукмрон Темурдек ўз салтанати хавфсизлигини таъминлай олган. У қўл остидаги ва атрофидаги воқеалардан хабардор бўлиб турган, яъни разведка ва контрразведкага катта аҳамият берган. Буни оддий подшолик шартти, деб билган. Бошқа юртларга зўравонлик билан

бостириб боравермаган. Уруш бошланмасдан олдин уч марта ўз нияти ҳақида турли йўллар билан рақибига хабар берган. Дастлаб совға-саломлар билан «менинг тасарруфимга ўт, ўғлим бўл» мазмундаги хат юборган. Агар ижобий жавоб келса, мамлакатни бошқариш, уни мудрофаа қилишга маблағ кераклигини эслатиб, бож тўлаб туришни талаб қилган. Агар таклифи рад этилса, «кечирим сўра» деб мактуб жўнатган. Бунга ҳам жавоб келмаса, учинчи – уруш эълон қилганлиги ҳақидаги хатни юборган...

МУХБИР: – Бундай ҳикоялар жуда мароқли, ҳар сафар улардан эшитганда ёки янги маълумотларни ўқиб қолганда олмоснинг навбатдаги қиррасини кашф қилгандек бўламиз. Афсуски, биз ана шундай хазинадан тўла баҳраманд эмасмиз, ҳатто бу соҳадаги маълумотимиз океан ортидаги маърифатли америкаликдан ҳам кам. Хайрият, анча кечикиб бўлса-да, шу йўлга кирдик. Нима бўлганда ҳам ташаббусни бошдан қўлга олиш керакка ўхшайди. Яхши амаллар бошланди, бу табриклашга лойиқ, бироқ халқда «қош қўяман деб кўз чиқаради» деган нақл бор. Темур ва Темурийлар мавзуси Шаҳризода эртаклари эмас, уни тадқиқ қилиш, ҳатто қисқа таъриф беришда ҳам ўзига хос салоҳият, илмий тайёргарлик керак. Хуллас, бу борадаги нуқтаи назар «Маҳак тоши» мақоласида («Халқ сўзи», 23 апрель) қисман ифодаланган. Шунга сизнинг муносабатингиз, келажакда қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан йўл-йўриқларингиз, албатта, жамоатчиликни қизиқтиради.

А. АСҚАРОВ: – Ҳақиқатан, бу теран мавзуни тадқиқ қилишга киришилди. Темур ва Темурийлар даврининг илмий тадқиқи, улуғ сиймоларни бадий акс эттириш дадил бошланди. Албатта, айтиладиган ҳар бир гап тарих ҳақидаги ҳақиқат ме-

зонларига мос келиши керак. Ҳолбуки, бу борада ҳозиргача кўплаб чалкашликларга йўл қўйилган, маълумотлар бузиб талқин қилинган. Ҳатто ҳар қадамда саналарни хато кўрсатиш ҳоллари учрайди. Сизнинг мақолангизда ҳам Жаҳонгир Мирзонинг ҳаёт йиллари (уни мақбарадаги мрамор тахтадан олдим, деяпсиз) 1380–1404 тарзида хато кўрсатилган. Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир 1356 йилда туғилиб, 1376 йилда вафот этган. (*P.S. 1380–1404 – мақбара қурилган йиллар*). Жаҳонгир ўлиmidан кейин унинг ўғли Муҳаммад Султонни, яъни бу суюкли набирасини ўзига ворис сифатида танлаган эди, афсуски, у ҳам 1403 йилда дунёдан ўтади ва Самарқандда дафн этилади. Бундай ҳар хилликлар ҳамон давом этапти.

Шу ўринда барча ишларни мувофиқлаштириб турувчи махсус илмий марказ бўлиши ҳақидаги таклиф жуда ўринли. Афсуски, бу юмушни бизнинг Тарих институтимиз зиммасига ололмайди. Бунга бизнинг қонуний, ҳуқуқий имкониятларимиз етишмайди. Республикада эса бундай юмушлар билан шуғулланиш бевосита вазифасига кирувчи эътиборли муассасалар анчагина. Улар масъулиятни ўзларига олиб, раҳбарларга аҳволни тўғри тушунтирсалар, бир ишора билан ишлар юришиб кетади.

Кўп нарса жамоатчиликка боғлиқ. Турли тadbирлар ўтказилиб турилса, матбуотда, радиотелевидениеда чиқишлар бўлаверса, муз кўчиб қолса ажаб эмас. Асосийси, халқнинг қўллаб-қувватлаши керак. Ҳар ҳолда тарихчи олимлар ҳам қараб туришгани йўқ. Бизнинг институтимизда алломалардан иборат Темур – Улуғбек даври тарихини ўрганиш гуруҳи тузилди, улар шу йўналишда tadқиқотлар олиб борадилар, оммабоп рисоалар яратадилар.

... Демак, хурсанд бўлишга ҳали эрта. Ҳаммасини Самарқанду Бухоро, Хива-ю Шаҳрисабз шуҳратидан мағрурланиб юрган, улкан миноралар соясида улғайган, ўзлигини йўқлаб овоз бераётган халқнинг иродаси ҳал қилади.

Йигирманчи аср сўнгги чораги – тараққиётнинг навбатдаги давомий босқичи. Инсоният бу босқичга мислсиз кашфиётлар билан бирга гегемонлик ёки улўф давлатчилик васвасаларидан воз кечган ҳолда етиб келди. Чегаралар олиб ташланмоқда, халқлар ва маданиятлар қўшилиб бораяпти. Шундай вазиятда бирор халқ буюк аждодларини тўлароқ билишга қизиқса, бу асло ўтмишни қўмсаш эмас, балки ўз маълумотини бойитиш истаги, тарихни чуқурроқ билишга интилиш, холос. Ўтган кунлар шуҳрати билан мақтаниш эмас, унга муносиб бўлиш кўпроқ фойдалидир.

Умид қиламизки, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги республикада кенг миқёсда нишонланади. Мустақил Ўзбекистон халқи ҳам ўз қадриятларини муносиб тарзда эъзозлашга ҳақли, албатта.

1992 йил, май

КЎЗЛАР КЎП, ҚАРАШЛАР КАМ

Бу борада Хожа Аҳмад Яссавий беназиру бокарам

Осмон сингари заминнинг ҳам нурли юлдузлари бўлади. Уларни қиблагоҳ, пир, устоз ва бошқа ардоқли сўзлар билан аташади. Юлдузлар жамоли олислиги билан сирли, фусункор, уларни ер бандалари тўйиб томоша қилишлари, ҳатто имконлари

қадар «кашф» этишлари мумкин. Осмон ёриткичлари – барчанинг мулки, эл-улус назаридаги мўъжиза. Афсуски, тафаккур шуълаларини кўз билан кўриб бўлмайди, уларни қалб ила англаш лозим. Нақадар пок ва сезгир бўлиши шарт англайдиган қалб. Шунданми, ҳаммамиз оёқ тираб турган заминда умргузаронлик қилган, қалб шуъласи билан сонияларнигина эмас, йиллар, асрлар зулматини ёритиб турган «ер юлдузлари» ҳақида кам, жуда кам биламиз.

Жавобсиз саволлар – қуруқ риторика ҳам толдирди. Лекин бир сўроққа рухсат этинг: Аҳмад Яссавийни танийсизми? Умрнинг ўтқир қирраларида – мақсад чўққиси сари азимат этиб, галаба қучганингизда ёки бошингиз тошга тегиб, бурнингиз қонаганда ул ҳазратни бир бора эслаганмисиз? Балки бу ихлосмандлик таомилини буюк бобокалонимиз Амир Темури ҳазратларидан ўрганишимиз керакмикан?! Ҳа, ҳа, ўша биз таний бошлаган ва таниганимиз сари салобати тобора юксалиб, очилиб бораётган зотдан ибрат олсак бўларди.

1894 йилда туркийдан таржима қилиниб, Тошкентда рус тилида нашр этилган «Таржимаи ҳол»да эсланишича, Рум мамлакатининг пойтахтини забт этишга жазм қилган Темури тақдирини олдиндан билиш мақсадида Аҳмад Яссавий мақбарасига бориб, илтижо қилади. Шунда қулоғига тўрт қатор шеър чалинади. Унда хоҳласа қора кечани ёруғ кундузга айлантирадиган, хоҳласа ер юзини гулларга кўмиб ташлайдиган, барча мушкулотларни осон қиладиган Оллоҳдан олдида турган қийин юмушни енгиллаштириш сўралган. Соҳибқирон бу тўртликни ёдлаб олади ва Қайсар билан бўлган тенгсиз жангда ичида 70 марта такрорлайди. «Шундай қилиб ғалабага эришдим», деб ёзган эканлар бобокалон. Бу воқеа 1402 йил ёзида бўлган. Ёки ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам эсланадиган

Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда – Хўжа Аҳмад деган ибора ёхуд Мадинага ҳаж қилишга қурби етмаганлар Туркистонни тавоф қилсалар савоби тенг бўлади, деб эътироф этишнинг ўзи ҳам Хўжа Аҳмад Яссавий даҳосининг улуғворлигини кўрсатиб турибди. Албатта, ялтироқ мақтовлар билан мақсадга эришиб бўлмайди, бировнинг таъриф-тавсифисиз бу беназирликни ҳар ким ўз вужудида, қалбида ҳис қилиши, сезиши керак.

Зоҳирий таассуротлар асирлигида Туркистон шахрига, муборак зиёратгоҳга қадам қўйган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий сафарнинг иштирокчилари қарама-қарши туйғуларни бошдан кечирдилар. Ер юзининг ана шу нуқтасида бутун туркийларнинг тақдири туташгандек туюлди бизнинг назаримизда. Бу муштараклик эса буюк бобокалонимиз Аҳмад Яссавий хотираси билан боғлиқ.

Дунё маданияти тарихига тасаввуф шоири ва янги тариқат асосчиси сифатида кирган Аҳмад Яссавийнинг таваллуд санаси баъзи адабиётларда 1103 йил деб кўрсатилган, лекин олимлар бу маълумотни унчалик аниқ эмас, дейдилар. У Сайрамда туғилган, отаси Иброҳим Фотима она авлодидан, онаси Ойша хотун (Қорасоч она) Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит зурриётларидан деган фарзлар мавжуд. Тиниқ булоқлар покиза масканларда мавжуд бўлади ёки асил мевалар тоза палакларда етилади, деганларидек, насл-насаби улуғ бўлган Аҳмад улғайиб шундай ҳаёт кечирдики, унинг умр лаҳзалари ҳақиқат ва афсоналарга қоришиб кетди. Унинг туғилиши 500 йил олдин аниқ бўлган. Ўшанда 300 ёшли Арслонбобга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир омонат бериб, уни, албатта, эгасига топширишни тайинлаганлар. Арслонбоб омонатни тилининг остида сақлаб юрган.

Аҳмад Сайрамда Оқота бобо қўлида савод чиқаради. Баъзи манбаларда «ўн бир ёшида» дейилса-да, «Ҳикматлар»да «Етти ёшда Арслон бобо излаб топди» деб ёзади. Биз Сайрамда бўлганимизда пир ва шогирд учрашган жой – Хонкўприкни кўрсатишди. Шу ерда кетаётган чолнинг олдига ёш бола югуриб келади-да, Худо тилига солгандек, «Омонатимни беринг», деб сўрайди. Пайғамбаримиз каромат қилган назаркарда гўдак шу эканлигига ишонган Арслонбоб тили остидаги хурмони олиб, Аҳмаднинг оғзига солади...

Таҳсилни ўша замоннинг илмий марказларидан бўлган Бухорода давом эттирган ҳазрат Юсуф Ҳамадоний сулукига киради ва дарвишликни қабул қилади. Иқтидорли шогирд ҳисобланган Хўжа Аҳмад устози Юсуф Ҳамадоний вафоти (1140 йил) дан кейин мазкур сулукка ўзи етакчилик қилади, бироқ орадан кўп ўтмай, Яссига қайтади ва бир умр шу ерда қолиб кетади. Шавгар (X асргача), Ясси (XVI асргача), Туркистон деб аталган кичкина шаҳар бу улуг зот туфайли машҳур бўлиб қолади.

Аҳмад Яссавий дунёга ўз назари билан қарай олган буюк зот. Унинг қаламига мансуб тўрт ярим мингга яқин ҳикматларда ўз нуқтаи назари – дарвишлик сулуки асослари ифодаланган.

Маълумки, йирик тариқатлардан бири – ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йўлининг шиори «Дил – ба ёру, даст – ба кор», яъни «Дил – Худода-ю, қўл – ишда» бойлик, ёруғ дунё ҳузур-ҳаловатини рад этмайди. Ундан анча олдин пайдо бўлган ва мислсиз шуҳрат қозонган Яссавий тариқати инсонни зоти шариф даражасида улуғлайди, унинг ҳар қандай мол-дунё, давлат ва бойликдан устун туришини таъкидлайди. Қуръони каримда: «Ким (ўз амали билан) охират экинини (яъни савобини) истар экан, биз унга

экини(нинг ҳосилини) мўл, зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандай (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!» («Шўро» сураси, 20-оят) дейилди. Аҳмад Яссавий ҳазратлари бутун умрини, ижодини шу йўлга бағишлади ва жаҳоншумул шуҳрат қозонди.

Ислом оламининг Соҳибқирони, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур ҳазратларининг Аҳмад Яссавийга муносабатлари ҳақида жуда қизиқ маълумотлар мавжуд. Баъзан Олтин Ўрда хонлигини фатҳ этиб қайтаётган жаҳонгир Ясида тўхтаган ва Хўжа Аҳмадқабри устида мақбара қуришни амр этган дейилса, баъзи ривоятларда ҳарб юришларида бир кеча тушларига он ҳазрат кириб безовта қилади, шундан кейин бу жойни обод қилишга киришадилар, тарзида баён этилади. Нима бўлганда ҳам Соҳибқирон ўзига пир деб тутган зотнинг руҳини шод қилишга жиддий киришгани аниқ. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да ёзишича, мақбара қурилишига девонда ободончилик ишлари билан шуғулланувчи вазир мавлоно Убайдулло Садрнинг шахсан ўзи мутасадди қилиб тайинланади. Тарҳини – кесими – 41 газ, айланаси – 130 газ, мусамман (саккиз қиррали юлдуз) шаклида бўлишини Соҳибқироннинг ўзи белгилаб берган, деб ёзади тарихчи. Махсус фармон билан вақф ерлар ажратилади, улардан келаётган даромадлардан қандай фойдаланиш белгилаб қўйилади. Тушумлар, асосан, таъмирлаш ишларига ва хизматкорлар маошига сарфланади. Амир Темур имзолаган вақфномада мақбарада фаолият кўрсатиш учун мутавалли, хатиб, 2 нафар қори (Қуръон тиловат қилувчи), мешкоб, фаррош ва 2 нафар боғбон бўлиши белгилаб қўйилган. Мазкур табаррук ҳужжат кираверишда ойна ичида турибди.

Албатта, иморатнинг ҳар томонлама бетакрор ва гўзал бўлиши мўлжалланган, ғиштларга ишлатиладиган соз тупроқ 40 чақирим наридаги Саврон тепалигидан топилган, ўша жойда тайёрланган ғиштлар қўлма-қўл ташилган. Лойиҳаланган 35 хонанинг ҳар бири ўзига хос безатилган. Дошқозонхона ва мачит деворлари олтин суви билан жилоланган, ёнувчи тошчалар билан нақшланган. Ташқи деворга гўзал ва сирли безаклар чизилган. Бир қарашда Қуръон оятларини илғаб олиш қийин эмас. Шунингдек, ромб ёки тўртбурчак шаклидаги нақшлар ҳам маълум маънони англатувчи ёзувлар экан. Мутахассислар улардан баъзиларини ўқишга муяссар бўлишган. Жумладан, шимол тарафдаги девор сатҳига «Оллоҳ – рабби, Муҳаммад – наби», «Оллоҳу акбар», «Субҳон Оллоҳ» каби сўзлар ёзилган экан.

Айни кунларда баъзи манбаларни қайта ўрганиш кўплаб усталарнинг исм-шарифларини аниқлаш имконини берган. Қурилишнинг бош меъмори – Хўжа Ҳасан Шерозий, дошқозоннинг устаси – Абдулазиз ибн Шарафиддин Табризий, шамдонлар Изуддин ибн Тождиддин лойиҳаси асосида қуйилган бўлса, хилхонадаги фил суяклари ва анъанавий безаклар билан жилоланган эшикларни уста Сафар ясаган.

Афсуски, Яссавий мақбарасининг қурилиши битмай қолган. Кейинчалик ҳам бу иморат бошидан оғир савдолар ўтди. 1864 йилги чор босқини даврида унинг пештоқига 11 та снаряд тушиб зарарланади. Орадан 6 йил ўтгач, ҳатто бузиб ташлаш ҳақида фармон чиқди. Хайрият, эзгулик тантана қилиб, бу кўргилик рўй бермади. 1872 йилда дастлабки таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу «таъмирлаш» ичкаридаги рангли нақшларни, қимматбаҳо тошчаларни кўчириб ташлаб, сидирға оқлаш ва чиқиндилардан тозалаш бўлди. Хуллас, маҳобатда Оқсарой ва Бибихоним масжидига

монанд бу иморат неча сиру синоатларни ўтказиб, бизнинг кунларимизгача етиб келди. Икки хил либос кийган юпун ҳолидаги бу мўъжиза меҳр-шафқатга муҳтож. Уни, азалий миллий қиёфасини сақлаган ҳолда бошдан-охир таъмирлаб, муқаддас зиёратгоҳга айлантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Бир вақтлар мавқеи ислом дини пайдо бўлган жойлар билан тенглаштирилган муқаддас масканга муносабатни араблардан ўргансак, ёмон бўлмайди. Улар Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадаги ҳар бир ашёни қандай асрашини миллионлаб сайёҳлар ва ҳаж сафарига борувчилар кўриб келишяпти.

Аҳмад Яссавий мақбараси икки буюк зот – шоир Хўжа Аҳмад ва Соҳибқирон Амир Темурни руҳан ва жисмонан бирлаштириб турувчи табаррук обида. У шу табарруклиги даражасида эъзозланмоғи шарт.

1993 йил, январь.

МАНГУ УСТУВОР ҲАҚИҚАТ

Ҳозирги кунларимизнинг моҳияти нималарда зухур бўлмоқда? Албатта, мазкур саволга тўла жавоб бериш даб-дурустдан қийин, бироқ бир нарса аниқ: руҳий уйғониш бошланди. Гарчи бу ибора содда ва сиқик бўлса-да, улкан тарихий ўзгаришни ифодалайди. Табиий, уйғониш осон эмас, унинг азоблари бор, аммо кўз олдини тўсиб турган қора парданинг кўтарилиб, онг ва зеҳнларни қамраб турган кўланканинг тарқай бошлагани – катта муваффақият. Ана шундай пайтда чўнг ҳақиқатлар, буюк кўтарилишлар, миллатнинг гуллаган ўтмиши ҳақида бор овоз билан, ҳайқириб гапириш керак, токи тош қотган қулоқлар очилиб, гунг забонлар тилга кирсин.

Минг бир эҳтиром ва ихлос ила яна ҳазрат Соҳиб-кироннинг муборақ исмини дарж этарканман, кўз олдимда улкан бир қоя, чўққи гавдаланаверади. Туронзаминдаги қавмларни неча юз йиллар аробаси неча юз чақиримлар нарига олиб кетмасин, бу улусни неча афъюнлар билан бошини айлантирмасинлар, тўпларга ем қилиб, лошини узоқ-узоқларга ирғитмасинлар, биз ўша қоядан – чўққидан нарига кета олмас эканмиз. Юз бурсак, орқамиздан таъқиб қилади, тикилсак, бағрига чорлайди. Бу тилсимот – Темурийлар ва мазкур сулоланинг асосчиси улуғ Амир Темурдир. Ҳозирги кунларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, бир гапни зўриқмай, кучанмай, балки «Отамни соғиндим» дегандаги юрак дарди, «Бизлар буюкликка дахлдормиз» дегандаги ички ифтихор билан оҳиста айтсак бўлади: «Амир Темурни ўрганиш керак». Бусиз маърифатли одам бўлиш, бусиз ҳаётни тушуниш мумкин эмас. Буюк Амир Темурсиз бизнинг тарихимиз етим, ўтмишимиз қоронгу, осмонимиз – тунд, заминимиз – шукуҳсиз. Негаки, ўзигача бўлган давр XIV–XV асрларнинг ўша фараҳли кунларида бутун борлиғи билан синтезланган (муҷассамлашган), кейинги даврнинг шакл-шамойили эса ўша фараҳли кунлардан ҳомила бўлган. Амир Темур даҳоси инсониятнинг мазмунсиз ҳаётига жон бахш этган, дунёни сирсинаотга тўлдириб, бетимсол ибрат, сабоқ ва намуна қолдирган, тирикликнинг мақсад-моҳиятини кашф қилган мўъжизалардан бири...

«Чинакам эҳтиросларсиз ҳақиқатга эришиб бўлмайди», дейдилар файласуфлар. Мавзу қамрови қанчалик кенг, ҳаяжонларга исталганча ўрин бўлмасин, фикрни таҳлиллар, қиёслар, далиллар билан исботлашга нима етсин. Зеро, кўпинча Ақлга мурожаат қиладилар. Бу гал йирик тарихчи олим,

фидойи инсон Бўрибой Аҳмедовни мусохабага таклиф қилдик.

– Ҳурматли Бўрибой ака! Сизнинг илмий жасоратингиз алоҳида бир мавзу. Агар муддаога ўтадиган бўлсак, илдизи теран ва бақувват дарахтнинг кўрки, салобати ҳам шунга мос бўлади, дейишади. Шу маънода олиб қаралса, туркий қавмнинг тарихи ва бугунги борлиги нуфуз жиҳатдан бетимсол, ўзига хос. Бу эл даҳолари, буюклари сони ва ўрни жиҳатидан дунё мезонида ҳам салмоқли ўрин тутади. Соҳибқирон Амир Темур туфайли эса биз унча-мунча халққа насиб этмаган бахтга сазовор бўлганмиз. Бироқ воқеалар уммонида қалқиб турган дунёда тоғлар бошини баъзан туман қоплаганидек, жаҳонгир бобомиз турли муносабатлар гирдобида умргузаронлик қилиб бизнинг кунларимизгача етиб келди. Амир Темурга турлича муносабатлар тарихи ва унинг сабабларини баён этиш билан суҳбатни бошласак.

– Жаҳондаги бошқа халқлар, масалан, араблар, форслар, ҳиндлар ва хитойлар сингари туркий халқларнинг ҳам катта тарихи, маданияти, дунё силсиласида ўзига яраша тутган ўрни бор. Туркий халқлар жуда катта чегарада – шимолда Олтой, Сибирдан то жанубда Мармар ва Ўрта Ер денгизлари, Ҳиндикуш тоғларигача, шарқда Хитой ва Мўғулистон ҳудудларидан ғарбда то Кавказорти ерларигача бўлган катта музофотда қадим-қадим замонлардан бери истиқомат қилиб келадилар. Ана шу жойларда улар катта-катта шаҳарлар бунёд этдилар, ўзларидан жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек маданий ва маънавий ёдгорликлар қолдирдилар. Мўғулистон, Сибирь, Қирғизистон ва Фарғона ҳудудларидан топилган ёдгорликлар турклар тарихи ҳам асрлар қаърига чуқур томир от-

ганидан гувоҳлик беради. Муҳими шундаки, улар қадимдан мустақил давлат бўлиб келганлар. Масалан, туркларнинг Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Жўжи улуси, Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар каби жаҳонга довруғи кетган давлатлари бўлган. Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Хусрав Деҳлавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва Муҳаммад Шайбонийхон сингари жуда кўп даҳолар шу туркий халқлар орасидан етишиб чиққан.

Лекин туркий халқларнинг тақдири бир қадар бошқача бўлди. Улар хитойлар, ҳиндлар, инглизлар, французлар, олмонлар ва русларга ўхшаб миллий бирлигини сақлаб қололмадилар. Тўғри, Кичик Осиёдаги турклар XVI асрда мустақил давлат бўлиб олдилар, миллий мустақиллигини сақлаб қолдилар. Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистондаги турклар эса XVI, XVIII асрларда Русия билан Хитойнинг тасарруфига тушиб қолдилар. Ўрта Осиё билан Қозоғистонда истиқомат қилиб турган туркийзабон халқлар эса ўзаро феодал курашлар оқибатида XVI аср бошида аввал икки давлатга – Бухоро ва Хива хонликларига ажралиб кетдилар. XVIII аср бошида (1709 й.) Фарғона ўлкаси Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиқди. Бу давлат ўзини Қўқон хонлиги деб эълон қилди.

«Бўлинганни – бўри ер!» деб бежиз айтишмаган эканлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳар учала хонликни Русия империяси босиб олди. Кейинчалик бундан ҳам баттар бўлди. Асримизнинг 20-йиллари ўрталарида большавой ҳукмдорлар Ўрта Осиё билан Қозоғистонни беш бўлак қилиб ташладилар. Бу бўлақларга Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон,

Тожикистон ва Туркменистон Республикаси деб ном қўйдилар. Шундай қилинганда уларни идора қилиш осон бўларди-да!

Мустамлакачиликнинг ўзига яраша қонунқоидаси, сиёсати бўлади. Мустамлакачи давлат деб аталмиш эзиш машинаси фақат милтиқ ва замбаракнинг кучи билан халқни, миллатни итоатда тутиб туролмайди. Бунинг учун ўша халқни дину эътиқодидан, тариху маданиятидан маҳрум қилиш зарур бўлади. Етук зиёлисини миллатчи, халқ душманига чиқариб, маҳв этиб ташлаш керак. Мустамлакачилар Туркистонда шунақа сиёсат юргиздилар. Оқибати бугун ҳаммага маълум. Биз туркийзабон халқлар тарихимиз, тилимиз, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиздан тамоман ажраб қолишимизга бир баҳя қолди. Яқин-яқинларда ҳам Амир Темурни, Аҳмад Яссавийни, Навоийни, Бобурни ҳар на деб бадном қилиб келдик. Сабаби маълум: охир-оқибат тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиздан воз кечиб, чор босқинчиларини қабул қилишимиз керак эди.

СССР деган давлат парчалангач, унинг таркибига кирган республикалар, шулар қатори Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳам миллий мустақиллик ва истиқлол йўлига ўтиб олдилар. Лекин бу ҳали том маъноси билан тўла мустақиллик эмас. Бунинг учун ҳали кўп курашишга тўғри келади. Биринчи галда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бирлашиши керак. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг шу йил 3–4 январь кунлари Тошкентда йиғилишиб, Марказий Осиё иттифоқини барпо этиш тўғрисида қабул қилган қарори ўз вақтида қилинган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Тарих орқага қайтарилмайди, лекин эски сиёсат такрорланиб қолиши мумкин. Сабаби

ганидан гувоҳлик беради. Муҳими шундаки, улар қадимдан мустақил давлат бўлиб келганлар. Масалан, туркларнинг Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Жўжи улуси, Чиғатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар каби жаҳонга доғруғи кетган давлатлари бўлган. Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Хусрав Деҳлавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва Муҳаммад Шайбонийхон сингари жуда кўп даҳолар шу туркий халқлар орасидан етишиб чиққан.

Лекин туркий халқларнинг тақдири бир қадар бошқача бўлди. Улар хитойлар, ҳиндлар, инглизлар, французлар, олмонлар ва русларга ўхшаб миллий бирлигини сақлаб қололмадилар. Тўғри, Кичик Осиёдаги турклар XVI асрда мустақил давлат бўлиб олдилар, миллий мустақиллигини сақлаб қолдилар. Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистондаги турклар эса XVI, XVIII асрларда Русия билан Хитойнинг тасарруфига тушиб қолдилар. Ўрта Осиё билан Қозоғистонда истиқомат қилиб турган туркийзабон халқлар эса ўзаро феодал курашлар оқибатида XVI аср бошида аввал икки давлатга – Бухоро ва Хива хонликларига ажралиб кетдилар. XVIII аср бошида (1709 й.) Фарғона ўлкаси Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиқди. Бу давлат ўзини Қўқон хонлиги деб эълон қилди.

«Бўлинганни – бўри ер!» деб бежиз айтишмаган эканлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳар учала хонликни Русия империяси босиб олди. Кейинчалик бундан ҳам баттар бўлди. Асримизнинг 20-йиллари ўрталарида большавой ҳукмдорлар Ўрта Осиё билан Қозоғистонни беш бўлак қилиб ташладилар. Бу бўлақларга Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон,

Тоҷикистон ва Туркменистон Республикаси деб ном қўйдилар. Шундай қилинганда уларни идора қилиш осон бўларди-да!

Мустамлакачиликнинг ўзига яраша қонун-қоидаси, сиёсати бўлади. Мустамлакачи давлат деб аталмиш эзиш машинаси фақат милтиқ ва замбаракнинг кучи билан халқни, миллатни итоатда тутиб туrolмайди. Бунинг учун ўша халқни дину эътиқодидан, тариху маданиятидан маҳрум қилиш зарур бўлади. Етук зиёлисини миллатчи, халқ душманига чиқариб, маҳв этиб ташлаш керак. Мустамлакачилар Туркистонда шунақа сиёсат юргиздилар. Оқибати бугун ҳаммага маълум. Биз туркийзабон халқлар тарихимиз, тилимиз, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиздан тамоман ажраб қолишимизга бир баҳя қолди. Яқин-яқинларда ҳам Амир Темурни, Аҳмад Яссавийни, Навоийни, Бобурни ҳар на деб бадном қилиб келдик. Сабаби маълум: охир-оқибат тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиздан воз кечиб, чор босқинчиларини қабул қилишимиз керак эди.

СССР деган давлат парчалангач, унинг таркибига кирган республикалар, шулар қатори Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳам миллий мустақиллик ва истиқлол йўлига ўтиб олдилар. Лекин бу ҳали том маъноси билан тўла мустақиллик эмас. Бунинг учун ҳали кўп курашишга тўғри келади. Биринчи галда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бирлашиши керак. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг шу йил 3–4 январь кунлари Тошкентда йиғилишиб, Марказий Осиё иттифоқини барпо этиш тўғрисида қабул қилган қарори ўз вақтида қилинган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Тарих орқага қайтарилмайди, лекин эски сиёсат такрорланиб қолиши мумкин. Сабаби

– гегемон мамлакатларда улуғ давлатчилик кайфияти ҳали йўқолиб кетганича йўқ. Шундай сиёсат юргизмоқчи бўлганлар эса ҳали бор. Уларнинг шарпаси ахён-ахёнда эшитилиб турибди.

– Сухбатимизга қайтиб, чет элларда Амир Темур шахсига муносабатни эслаб ўтсак...

– Амир Темур – буюк тарихий шахс. Йирик давлат арбоби, мохир саркарда. Шу боисдан ҳам унинг тарихда, хусусан Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни ва роли бениҳоят катта. Бу бугун кўпчилик олимлар, хусусан, ғарб тарихчилари эътироф этган ҳақиқат. Ғарбдан сўз кетганда далилларга мурожаат қилайлик. Маълумки, Амир Темур шу пайтгача ўз юртида кадр-эътибор топмади – замонасозлик туфайли уни тупроқ билан тенг қилиб келдик. Ғарбда эса Амир Темурга муносабат тамом бошқача бўлди. Бунинг аввало, Соҳибқироннинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган ва ўша узоқ юртларда нашр этилган китоблардан ҳам билса бўлади. Бундай китоблар Европа мамлакатларида XV асрдан бери мунтазам чиқиб турибди. Форест (1543), Перондино (1553) ва Мексия (1564) нинг «Буюк Темур» деган китоблари, Сильвестр де Саси, Шармуа, Элайес-Фармер, Мигнапелли, Феридунбей ва яна ўнлаб бошқа шарқшунос ва тарихчи олимларнинг Соҳибқиронга аталган асарлари шулар жумласидан. Фақат кейинги беш йил ичида Амир Темур ҳақида Франция, АҚШ ва Олмонияда бешта катта китоб чоп этилди. Мен бу ерда француз олимлари Лусьен Керэн, Жан Поль Ру, америкалик шарқшунослар Беатрица Форбес, Манз Жон Вудс ва машҳур немис олими Генри Рёмерларнинг китобларини назарда тутаётиман. Яна бир муҳим далил – Европа мамлакатларида XVI асрдаёқ Амир Темур ҳақида сахна асарлари яратилди. Улуғ инг-

лиз драматурги, Шекспирнинг замондоши Кристофор Морлонинг «Буюк Темур» асари ўша пайтдаёқ Қирол театрида сахналаштирилган эди. Франция ҳайкалтарошлари эса Амир Темурнинг олтиндан ҳайкалчасини яратдилар. Бизда-чи?

– Собиқ СССРда бунинг бутунлай тескариси бўлганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Сталиннинг ўзи «СССР тарихи» дарслигидан «Темур давлати» деган бўлимни олдириб ташлагани ҳам бор гап. Бир гурунгда шундай латифанома воқеа эсланди: БМТнинг йиғилишларидан бирига борган А. Косигиндан (у СССР Министрлар Советининг раиси бўлган) қандайдир воқеа муносабати билан (балки Самарқанднинг 2500 йиллиги арафасида) «Сизларда Темурга муносабат қандай?» деб сўраб қолишибди. Мамлакатимиз (?) ҳукуматининг бошлиғи Амир Темурнинг номини ҳам эшитмаган экан(!), довдираб қолиб «яхши» деб юборибди. Кейин Москвага, КПСС МКга телефон қилиб, «қандайдир Темур ҳақида» сўрашганини етказди. У маҳкама СССР Фанлар академиясига Темур ҳақидаги маълумотлар тўплашни топширади. Ўз навбатида бу топшириқ Тошкентга берилади. Буни илтифот деб тушунган бизнинг раҳбарларимиз: «Биз томонга ҳам илиқ шамоллар эсиб қолибди», деганча қувониб ишга киришиб кетадилар. Қўлёзмалар жамланади, манбалар ўрганила бошланади. Ҳатто академик Иброҳим Мўминов «Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни» деган рисоласини эълон қилади. Оқибати эса маълум. «Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради» дегандек, гап нимадалигини билган «юқори» ҳамма нарсани тақиқлайди, олимларимизнинг бошига кўплаб шўришлар тушади. Мана шу далилнинг ўзиёқ кўп нарсаларни тушуниб олишга ёрдам беради. Мустамлакачилар бизнинг улуг бобо-

калонимизни таниб, ғуруримиз уйғониб қолишидан ўлгудек кўрққанлар. Бизни мудом бошимизни эгиб, қулларча меҳнат қилишга мажбурлаганлар, шунинг чораларини кўрганлар. Хўш, энди муносабат ўзгардимиз, бу борада қилинаётган қандай хайрли ишларни таъкидлаб ўтишни истардингиз?

– Яна уч йил ўтгандан кейин 1996 йилда Амир Темурнинг таваллуд топганлиги (1336 йил 9 апрель) га 660 йил бўлади. Мазкур катта байрамга тайёргарлик бошланганига анча бўлди. Бунга, шубҳасиз, Соҳибқироннинг ҳамюртлари – қашкадарёликлар жиддий тайёргарлик кўраётибди. Соҳибқирон асли шахрисабзлик. Шу кўҳна шаҳарга қарашли Хўжайлғор қишлоғида (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ тумани ҳудудида) таваллуд топганлар. Ишончли манбаларда, Соҳибқиронга узоқ-яқин замондош бўлган Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ ва Фасиҳ Аҳмад Хавофийларнинг китобларида шундай деб кўрсатилган.

Албатта, муносабат ҳақида бирор гап айтишдан олдин Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилинганига жуда оз вақт бўлганини назарда тутиш керак. Икки йил кўҳна тарих учун бир сониядек фурсат. Аммо узоқни кўзлаб хайрли ишлар қилиняпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси Раиси сифатида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга имзо чекканлари кишида умид уйғотади.

Маълумки, эътиқод юракдан бўлса, уни ҳар қандай таъқибу тазйиқ йўқота олмайди. Ўша тоталитар тузум шароитида ҳам Соҳибқироннинг чинаяк мухлислари меҳрларини дариғ тутганлари, чўчиб, қараб ўтирганлари йўқ. Фикримизнинг исботи – қисқа давр ичида Амир Темур ҳақида кўплаб

китоблар нашр этилди, асарлар ёзилди. Бу 1–2 йилнинг маҳсули эмас, узоқ тайёргарлик самараси. Марҳум профессор Очил Тогаев анча олдин Клавихо ва Вамберининг Амир Темур ҳақидаги мемуарларини илк бор ўзбекчалаштирган эди. Олим ва таржимон Убайдулло Уватов бир неча йил олдин услуби жуда мураккаб, ҳали бирон тилга тўла таржима қилинмаган Ибн Арабшоҳнинг китобини тилимизга ўгириб, изоҳлар билан тайёрлаб нашр қилдирди. «Туркистон» газетаси қошида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедиция ташкил бўлиб, фаолият бошлади. Бу фидойи жамоа Шаҳрисабз (1991) ва Туркистон (1992) йўналишларида сафарда бўлиб, жуда улуг ишларни амалга оширишди. Поён Равшановнинг саъй-ҳаракати билан 1990 йилда мулла Салоҳиддин қори Тошкандийнинг нақл-ривоятлар асосида ёзган ва 1894 йили чоп этилган «Темурнома» асари халқимиз мулкига айланди. 1992 йили ҳазрати Соҳибқироннинг таваллуд кунлари илк марта оммавий равишда нишонланди. «Амир Темур» маърифий жамияти тузилди. Яқинда Амир Темурнинг ўзи тартиб берган таржимаи ҳоли «Зафар йўли» номи билан китоб қилиб чиқарилди. Матбуотда, радио-телевидениеда кўплаб мақолалар, чиқишлар эълон қилинди. Албатта, булар ҳали жуда кам, катта ишнинг бошланиши, холос. Олдинда жуда улуг режалар бор, катта ишлар кутмоқда. Биз ғайрат камарини белга маҳкам боғлаб, тайёр бўлиб туришимиз керак, токи мустақил мамлакатимизда бобокалонимиз етарлича иззат-эътибор топсин.

– Жаҳон киноюлдузлари иштирокида кўп серияли фильм ишланади, деб эшитган эдик.

– Эшитганингиз рост, Ҳакимжон. Амир Темур ҳақида кўп серияли фильм яратиш ҳаракати бундан тўрт-беш йил муқаддам – 1988–1989 йиллари

бошланган. Бу мушкул, лекин хайрли ишга кинорежиссёр Али Ҳамроев бел боғлади ва италиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишга тушди. Ҳар қандай фильмнинг муваффақияти, авваламбор, сценарийнинг савиясига боғлиқ. Агар уни билган ва тажрибали одам ёзган бўлса, фильм яхши чиқади, уни томошабин қабул қилади, акс ҳолда ундай фильмнинг умри қисқа бўлади. «Амир Темур» фильмининг сценарийси (уни Али Ҳамроевнинг ўзи олмониялик кинорежиссёр Фридрих Горнштейн ва италиялик Анжело де Жента билан ҳамкорликда ёзган) дастлаб муваффақиятсиз чиқди чамаси, чунки олимлар ва мутахассисларнинг муҳокамасидан ўтмади. Ўшанда мен республика ҳукуматининг қарори билан бош илмий маслаҳатчи этиб тайинландим. Биз Али Ҳамраев ва фильм муҳаррири Х. Булгаков билан сценарийни бир неча бор қараб чиқдик ва унга жиддий тузатишлар киритдик. Фильмни суратга олса бўладиган эди. Лекин шундан бери қарийб икки йил вақт ўтди, бироқ ҳали ишга киришилганича йўқ.

– Аҳмад Югнакий бобомиз «Буюкларга ўзингни ула» деб ёзган эканлар. Бизнинг тарбия усулимизда ҳам улуғлар, пирлар, устозларга қуллуқ қилиш, уларнинг хизматида бўлиш алоҳида таъкидланганки, бу беҳуда гап эмас. Агар ихлос билан яхши одам яшаётган кўчадан ўтса ҳам кишида бирор эзгулик пайдо бўлар экан. Шахсий кечинмаларни баён этсам, Соҳибқирон бобокалонимиз излари бўйлаб икки дафъа ҳам сафарда бўлдим. Орттирганим шуки, мунаввар бир оламда яшайсиз, руҳ – тоза, ғурур – уйғоқ, қалб – сахий. Яна шуниси борки, ўзингни қандайдир илоҳий куч ҳимоясида ҳис қиласан, шу билан бирга улуғ бир тилсимот олдида жавобгарсан, масъулсан. Бундай туйғулар, шубҳасиз, кишини бе-

мисл даражада улғайтиради, куч бағишлайди. «Ҳар бир муслим ўзига ёққан нарсани бошқа муслимга раво кўрсин», дейилади муборак ҳадисларда. Шунга кўра мен бутун миллатдошларимни ана шундай эътиқодга даъват этаман. Бундай эътиқод, албатта, амалий ишларда воқеъ бўлиши лозим. Ҳурматли устоз, энди бу борадаги жами эзгуликларни ўзида жамлашга интилаётган «Амир Темур маърифий жамияти» хусусида фикр юритсангиз.

– Кўриб турибсиз, Темур ва Темурийлар даври тарихи баъзи сабабларга кўра яхши ўрганилмай қолди. Ваҳоланки, бу давр, яъни XV аср Туркистон халқлари тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фанвамаданият мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Муҳими, бу тарих биргина Темур ва авлодларининг тарихи эмас, балки биринчи навбатда икки азим дарё – Ўқуз (Амударё) ва Инжу Ўқуз (Сирдарё) оралиғида ва ўша дарёларнинг теварак-атрофида истиқомат қилган халқлар тарихидир. Сирасини айтганда, биз, тарихчи олимлар, Амир Темур, унинг авлоди ва даври тарихини ёзиб беришимиз, ҳеч бўлмаса бир қисмини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, халқимизга етказишимиз керак. Ундан ташқари, Темур ва Темурийлар даврида яратилган амалий санъат асарлари ва халқ ҳунармандчилик буюмлари (манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда Туркистон заминида ҳунармандчиликнинг 100 га яқин тури мавжуд бўлган)нинг жуда кўп турлари йўқолиб кетган: кўп меъморчилик ёдгорликлари нураб, йўқ бўлар даражасига етиб қолган. Биз, олимлар ана шу санъат асарлари ва ҳунармандчилик турларини тиклашда мутахассисларга илмий маслаҳатлар бериш, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда баҳоли қудрат иштирок этишимиз керак. Шу кат-

та ва савобли ишда фаол иштирок этиш мақсадида бир гуруҳ зиёлилар: олимлар, ёзувчилар, рассомлар, журналистлар ва ўқитувчилар 1992 йилнинг 17 майида «Амир Темур маърифий жамияти»ни туздик. Республика Адлия вазирлиги мазкур жамиятни рўйхатга олди.

Хулласи калом, яхши ният билан катта ишга қўл урганмиз. Амир Темур маърифий жамияти Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш, халқ орасида кенг тарғиб қилиш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин. Фақат олийҳиммат одамлар бизни моддий жиҳатдан бир оз қўллаб-қувватлаб юборсалар, бас.

* * *

«Амир Темур маърифий жамияти»нинг тузилиши катта мақсад йўлидаги дастлабки қадамлардан. Соҳибқирон ўтган йўллар бўйлаб ҳаракат қилувчи экспедиция ҳам ўз тадбирларини мазкур жамият билан ҳамкорликда амалга оширмақда. Шуниси қувончлики, бундай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватловчилар тобора кўпаймоқда.

Ўтмишимизни безаб, келажагимизга шуъла сочиб турган буюк воқелик олдида турибмиз. Чўққи сари очилган сўқмоқлар ўчган чироқларни ёқади, қуриган булоқлар кўзини очади. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз халқига қайтади. У кунлар узоқ эмас.

1993 йил, январь.

ЮРАКДАГИ ЁДГОРЛИК

Тарихнинг ўлмас ҳақиқатлари турли хил муносабатлар чиғириғидан ўтиб яшашга ҳукм қилинганга ўхшайди. Қолаверса, йилларнинг бундай шафқатсиз синови ёлғондан ростни, яхшидан ёмонни ажратиб олишда маҳак тоши бўлиб хизмат қиларкан. Орадан олти аср ўтгач, Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи тилларда ўзгача меҳр ва самимият билан зикр қилинаётган экан, бу ҳол тақдирнинг тасодифий инояти эмас, балки қонуний, адолатли муносабат эканини яна бир марта таъкидлашга тўғри келади. Албатта, ўтган 600 йил ўз равиши билан кечган, табиийки, бу даврларда Темур ва Темурийларга қарашлар ҳам турлича бўлган. Узоққа бормай кечаги кунларимизни эсласак кифоя. Шўро замонида юзага келган таъқиқларнинг илдизи қаерда? Шубҳасиз, бу саволга дабдурустдан жавоб бериш қийин. У жиддий таҳлил ва тадқиқотларни талаб этади. Ҳар ҳолда ўша воқеларни бошидан кечирган, бугунги кунда ижобий ўзгаришларни жондилдан қувватлаб, хайрли ишларга бош-қош бўлиб турган Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг хотиралари манзарани умумий тасаввур қилишга ёрдам беради. Н. А. Муҳиддинов ўтган асрнинг 50–60-йилларида ЎзССР Министрлар Советининг раиси, кейин Ўзкомпартия МК нинг биринчи секретари, Москвада КПСС МК секретари бўлиб ишлаган, Сиёсий Бюро аъзолигига номзод ва аъзо бўлиб сайланган. Кейинчалик ҳам иттифоқ даражасида масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Айни пайтда тарихий ва маданий осори-атиқаларни сақлаш республика «Ёдгорлик» жамияти бошқарувининг раиси.

– Нуриддин Акрамович, Сиз билан суҳбатлашишга ундаган сабаблар кўп. Уларнинг биринчи-

си – Сизнинг йирик давлат ва жамоат арбоби сифатидаги хотираларингиз мустақил республикамиз келажаги бўлган ёшлар учун, ҳамма учун ниҳоятда қадрли экани бўлса, яна буюк бобокалонимиз Амир Темурга нисбатан қарор топган бир ёқлама муносабатларнинг қандай кўринишларда зуҳур бўлганини билиш, қолаверса, дунё кезган одам сифатида Сизнинг эсдаликларингиз орқали аҳволни таққослаб, баъзи хулосаларни чиқариш истагидир. Негаки, Сиз шўро замонасининг йирик арбоблари Сталин, Хрущев, Брежнев, Андропов, Горбачёв билан ишлагансиз...

– Менга тақдим этган саволларингиз билан танишиб чиқдим. Жуда яхши. Уларнинг ҳаммасига бажонидил, батафсил жавоб беришга тайёрман. Ўйлаб қарасам, бу мавзуда айтадиган анча-мунча гапларим бор экан.

– Бўлмаса, аввало Сиз раҳбарлик қилаётган жамият Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги билан боғлиқ тантаналарда қандай иштирок этишни мўлжаллаётганини баён қилишдан бошласак.

– Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги тегишли қарори биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳар бир бандида аниқ вазифалар белгилаб қўйилганки, уларни бажаришда бизнинг жамиятимиз ҳам бевосита дахлдор. Аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, вилоят бўлимлари аллақачон ишга киришиб кетганлар. Қолаверса, мазкур жамият тузилган кунидан бошлаб фаолиятини Амир Темур ва Темурийлар даврисиз тасаввур қилмаган. Ҳатто вақтида унга «ишонч билдиришиб», масъулиятли юмушларни топширишган. Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтишга тўғри келади.

Ўтган асрнинг 40-йиллари бошида Москва Амир Темур хилхонаси билан қизиқиб қолади. Албатта, ғоянинг муаллифи ким, қандай мақсад кўзда тутилгани ҳақида аниқ гап айтиш қийин, бироқ улар гўрларда қимматбаҳо бойликлар яширинган бўлиши мумкинлигини, ҳатто уларда ростдан ҳам жасадлар дафн этилганлигига шубҳа қилиб, аксинча бўлса, дафн қилиш қайси урф-одатга асослангани, марҳумларнинг миллати ва қиёфаларини аниқлашни вазифа қилиб, қабрларни очиб кўришга жаҳд қиладилар. 1941 йил бошларида Самарқандга махсус комиссия келиб, икки ҳафта давомида аҳволни ўрганadi. Масала ЎзКП МК бюросида кўрилади ва қабрларни очишга қарор қилинади. Т. Қори-Ниёзий раислигида турли соҳа олимлари: М. Ошанин, А. Семёнов, М. Герасимов, В. Шишкин, Ҳ. Зариповдан иборат комиссия тuzилади. Улар 16 июнда иш бошлашади. Амир Темур, Мироншоҳ, Шохрух, Муҳаммад Султон, Улуғбекнинг қабрлари очилади. 22 июнда уруш бошланади. Жасад қолдиқларини Москвага олиб кетиш режаси амалга ошмайди. Комиссия 24 июнда Тошкентга қайтиб келади, яшиқларга жойланган суяқларни ўша пайтда «Эски ва санъат ёдгорликларини сақлаш комитети» деб юритилган, ҳозирда «Ёдгорлик» жамияти жойлашган бинонинг оմборларига топширишади. Олимлар мўлжаллаган ишларини чала-чулпа бажариб, суяк қолдиқларини 1942 йил августда қайта дафн этадилар. (Маълумки, шу экспедиция вазифасидан келиб чиқиб, антрополог олим М. Герасимов Амир Темурнинг бюстини ишлаган эди. Бу жараёнлар сир-синоатга тўла, улар махсус тадқиқотни талаб этади. Бу юмушлар қандай тартибда амалга оширилганини ҳеч ким билмайди.

Хуллас, жамиятимизнинг машҳур тарихий шахслар тақдири билан пайвасталиги бир зум ҳам

сусайгани йўқ. 1991 йил августида «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетаси ташкил этган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» ёшлар юришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турдик. Ёки 1992 йилда ташкил этилган Бобур номидаги халқаро экспедициянинг фаолиятини йўлга қўйишда бево-сита раҳнамолик қилганмиз. «Амир Темур тарихи», «Зафар йўли», «Сомон йўли», «Великий Темур» каби китоб ва тўпламларнинг нашр этилишида ҳиссамиз бор. Албатта, улуг тўй муносабати билан бу борадаги ишлар кўтаринки руҳда давом эттирилади. Олайлик, 14 қисмдан иборат «Аждодлар нидоси» киносериалида Темур ва Темурийларга салмоқли ўрин ажратилади.

– «Ўтмишсиз келажак йўқ» деганларидек, ҳар бир маърифатли одам хайрли ишларда аждодлари руҳига сиғинади, улардан кўмак ўтинади. Масъу-лиятли лавозимларда ишлаб турган киши сифа-тида, шубҳасиз, Сиз ҳам бундай ҳолларни бошдан кечиргансиз. Жумладан, Сизнинг ўзингизча Амир Темурни кашф этиш жараёнингиз қандай кечган? Қолаверса, тоталитар тузум шароитида яшаган зи-ёлилар учун миллат тарихини ўрганиш, буюк зот-ларни таниш турли зиддиятлардан холи бўлмаган.

– Биз бугун ўтмишда ўтган шавкатли боболари-миз номини фахр билан тилга олаяпмиз, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганаёпмиз. Бу истиқлол ҳадыя этган имконият, катта бахт эканини унутмас-лик керак. Тарихни бузиб кўрсатиш, ўтмиш ҳақида гапирганларни таъқиб қилиш, тазйиқ ўтказишлар бўлгани рост. Мана, Ҳабиб Абдуллаев, 50 ёшга тўлишига етти ой қолганда оламдан ўтиб кетди. Ёки Иброҳим Мўминовнинг бошига қандай шўришлар тушди? Уларнинг «гуноҳи» фақат ўзлигини англаш-га интилгани эди. Будалилларни ёддан чиқармаслик

лозим, замонасозлик қилиб, қувғинлар, қатағонлар ҳақида сукут сақлаш мумкин эмас. Бундай қараш истиқлолнинг аҳамияти ва обрўсига соя ташлайди. Ўзбекистон мустақиллиги халқимиз неча юз йиллар кутган порлоқ орзу эканлигини баралла таъкидлаш шарт. Бироқ таъқиблар қанча кучли бўлмасин, юракдан жой олган муҳаббатни сугуриб ололмас экан. Ахир Туронзаминда яшаётган бирор зот Амир Темурнинг номини эшитмаган бўлиши мумкинми? Темур, унинг юришлари ҳақидаги ҳикоялар болалигимиздаёқ Алпомиш, Гўрўғли каби халқ достонлари, Або Муслим, Қайқубот сингари қаҳрамонлик қиссалари воқеаларидек қалбимизга сингиган эди.

... Катта бобом Шоёқуб маърифатли одам бўлиб, «Зафарнома»ни ўқиган, унинг мазмунини ўғли – бобом Акромшога айтиб берган. Қиш кечалари танчада ўтириб, бобом, бувим менга турли-туман эртақлар сўзлаб беришар, эртасига билимимни имтиҳон қилишарди. Ана шунда илк марта ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур жаҳонгир билан «танишганман». Кейинчалик бу улуғ зотга у ёки бу маънода дуч келавердим.

1946 йилда фронтдан қайтиб, Марказқўмда лектор бўлиб ишлай бошладим. Хизмат сафари билан Қашқадарёга бордим-да, зиёлилар ҳузурида совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси ҳақида эҳтирос билан маъруза ўқидим. Саволжавоб бошланганда кимдир даб-дурустдан «Сиз лашкарбошилар ҳақида яхши маълумотлар бердингиз, аммо Амир Темур деган буюк жаҳонгир ўтганини биласизми?» деб сўраб қолди. Саволга боболаримдан эшитганларим асосида нари-бери жавоб бердим-у, бу ҳақда кўп нарса билмаслигимни сезиб қолдим. Тошкентга қайтгач, «Амир Темурни

анча яхши биледи», деб эътироф этилган Т. Қори-Ниёзийнинг хузурига бориб (у ўшанда республика Фанлар академиясининг президенти эди), анча суҳбатлашдим. Тошмуҳаммад Ниёзович бир нарсадан жуда афсусланди. «Ҳаётимда балки хатоларим бўлгандир, – деганди ўшанда Қори ака, – лекин уларнинг энг каттаси комиссия раиси бўлиб, Амир Темур мақбарасидаги қабрларни очишга бош қўшганим. Руҳим ўзимда йўқ. Тушларимга ҳам кираиб чиқади».

Амир Темур ҳақидаги учинчи муаллимим Садриддин Айний бўлган. 1952 йилда Самарқанд обкоми саркотиби телефон қилиб, Айний домла оғриб қолганларини, мени сўраётганларини айтиб қолди. Икки врачни ёнимга олиб бордим. Аҳволлашдим. Суҳбатимиз қўр олиб кетди. Айний бағоят ақлли, донишманд одам экан. Мен кейинчалик Курчатов, Королев каби мислсиз ақл ва тафаккур эгалари билан ҳам мулоқотда бўлдим, лекин ўшанда Айний домланинг чуқур мулоҳазалари, теран билими олдида қойил қолганман. Икки-уч соатда қайтаман, деган одам икки кун қолиб кетганман. Шунда Айний Самарқанд тарихи, Темур ва Темурийлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган. У воқеликка фақат оқ ва қора ранг билан баҳо берадиган киши эмас эди. Аждодларимизнинг бемисл шуҳратлари ҳақида ҳам, Темурийлар империясининг емирилиши сабаблари тўғрисида ҳам андиша билан мулоҳаза юритган.

– Сиз шўро даврида масъул лавозимларда ишлаб турган пайтингиз Темур ва Темурийларга муносабат қандай кўринишларда намоён бўлган? Ўзингиз гувоҳ бўлган воқеалардан эсласангиз.

– Шўро тартиблари ҳамма ишни ими-жимиди, сопини ўзидан чиқариб ҳал қиларди. Эндиликда колониал тузум шароитида халқларни ўз тарихидан

махрум қилиш не учун кераклиги очиқ айтилмоқда. Жумладан, Темур ва Темурийлар ҳам қатағонга, ҳатто бошқалардан кўра қаттиқ қатағонга дучор бўлдики, бу ҳолнинг сабаблари маълум. Ҳар ҳолда ҳақиқатни қарор топтириш, одамларга бор гапни айтиш учун ҳаракатлар бўлган.

1957 йилда бу масалани кун тартибига жиддий қўйишга ҳаракат қилинган. Ўшанда шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш ҳақидаги қарор чиққан, турмушда бир оз рўшнолик бошланган эди. 1956 йили Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойини тайёрлашга киришилди. Унда, жумладан, Сталин қатағонларига муносабат ҳам кўриб чиқилиши керак эди. 30-йиллари Ўзбекистондан 40 минг киши таъқибга учраган, шундан бир неча минги отилган эди. Бюро йиғилишида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратни оқлаш масаласи анча тортишувлар билан маъқулланганди. Навбат Амир Темурга келди. Бу жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Бюро аъзоларининг кўпчилиги маъқулламади. Москвадан ташриф буюрган Поликарпов (МК да бўлим мудир) ва Михайлов (министр) ҳам олдин тилга олинган шахслар республика миқёсидаги кишилар эканини, Темурни эса дунё билишини ва унга юқорининг фикрини олиш шартлигини уқтириб, алоҳида кўриб чиқишни таклиф қилишди. Шундай қилиб, Амир Темур ҳақидаги фикр маърузага қўшилмади. Масала очиқ қолди. Сўнг Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Мақсуд Шайхзода, С. Толстов, Ҳ. Турсунов, М. Мусаевлар билан биргаликда ҳар томонлама муҳокама қилиб, Соҳибқиронни таърифлаб, 3,5 бетлик хат тайёрлаб Москвага юборилди.

Навбатдаги бир йиғилишда Никита Хрущёв мамлакатнинг олий даражали арконларига қарата:

«Мана бу ўзбекларнинг хатини ўқиб чиқдингларми?» – деб мурожаат қилди-да:

– Улар ўз аждоди Темурни оқлаш масаласини қўяпти? – деб давом этди. Сўнг:

– Уларга шу нимага керак? Ўзи аллақачон ўлиб кетган экан. Балки уларнинг тасаввурлари бўйича жаннатда юргандир? – деб қўшиб қўйди.

Мен «Одамлар Македонский, Наполеон ёки Пётрни билишади, шулардан хабардор, биз эса Темур ҳақидаги аниқ ҳақиқатни билмаймиз. Хўш, уни ўрганишнинг нимаси ёмон?», қабилида фикр юритиб, даъволаримни исботлашга уриндим. Муҳокама тўполонга – жиддий тортишувга айланиб кетди. Охирида Хрущёв менга: «Тошкентга бориб яна батафсилроқ маълумотлар тўплаб, жўнат», деб топширик берди.

Кейинги сафар Президиумдаги муҳокама тинчроқ ўтди. Бироз ён бергандек бўлишиб, «Тадбирларни ўзларингча ўтказаверинглар, яқинда бир шахсга сиғинишдан қутулиб, энди иккинчи жабҳани очмайлик. Ҳозирча иттифоқ, жаҳон миқёсида бирон нарса дейиш имкони йўқ», деган фикр билдирилди. Келиб, Иброҳим Мўминов бошлиқ гуруҳ тузилди, ишлар бошланиб кетди. Бу орада мени Москвага ишга таклиф қилишди. Мафкура оламида «ягона совет халқи» деган тушунчалар пайдо бўлиб қолди. Улуғ олим Иброҳим Мўминовнинг вафоти ва бошқа сабабларга кўра ишлар тўхтаб қолди. Шу билан яна Амир Темур унутилди.

– Одамлар орасида «Эрмитажнинг махсус залларида бобокалонимиз Амир Темурнинг шахсий буюмлари, унга тегишли нодир жиҳозлар сақланади ёки Испанияда Клавихо чизган суратлар бор, уларни Нуридин Акрамович кўрган», деган гаплар юради. Булар ҳақиқатга қанчалар тўғри?

– Бу гапларда қанчалик даражададир ҳақиқат бор. Тўс-тўполон йиллари шу заминда яратилган энг нодир ёдгорликлар, осори-атиқалар олиб чиқиб кетилгани ҳаммага аён. Мен бундай ашёларни Ватикан, Франция, Англия, Италиядаги музейларда кўрганман. Иш шу даражага етганки, миллатнинг маънавий камолотини намойиш этадиган, тарихийлик жиҳатдан бебаҳо ашёларнинг сўнгги нусхаси ҳам йўқолган. Яқинда Хоразмда бўлганимда зиёлиларнинг вакиллари билан суҳбатда ер юзидаги энг қадимги битиклардан ҳисобланмиш 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган хоразм, суғд ёзувларининг намуналари сақланган-сақланмаганлиги билан қизиқдим. Ҳеч ким тайинли гап айтмади, аслида, уларнинг бирор белгиси ҳам қолмаганга ўхшайди. Ҳолбуки, Еревандаги Матендаран кутубхонасида бу ёзув намуналари имло қоидалари билан ёнма-ён ҳамманинг кўзи тушадиган жойда, ойнанинг тагига бостириб қўйилган.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. 1991 йил 27 мартда Президент кенгаши йиғилишида чет элларда сочилиб ётган тарихий ёдгорликлар рўйхатини тузиш, уларни қайтариб олиб келиш ҳақида жиддий гаплар бўлганди. Топшириқнинг биринчи қисми бажарилди – рўйхат тузиб чиқилди. Бироқ уларни қайтариш борасидаги юмушлар фақат йиғилишлар, қарорлар доирасида қолиб кетди. Ўтмишга дахлдор осори-атиқаларни қайтариб олиш вақти келди.

Тажрибада эса олиб кетилган тарихий ашёларни юртига қайтариш ҳодисаси учрайди.

Москвада ишлаб турган пайтим Қозоғистоннинг бир газетасига орден топшириш учун бордим. Қардошларимиз бир замонлар Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасидан Амир Темур махсус

тайёрлатган қирқ қулоқли улкан қозон Ленинградга олиб кетилганини, шу нодир ашёни қайтариб олишга кўмаклашишимни астойдил илтимос қилишди. Тўрачилик замонида юқори поғонадаги раҳбарлар билан анча тортишишга тўғри келган. Эрмижада бўлиб, музей маъмурияти билан алоҳида музокара ўтказганмиз. Шунда сиз эслатган нарсаларга ёки «олтин қутичада сақланаётган Соҳибқироннинг киприклари»га дуч келинмаган, бироқ қозон қайтарилиб, махсус эшелонда Туркистонга жўнатиб юборилган.

Кейинчалик Туркистон шаҳрида бўлдим. Мақбаранинг тепасига чиқиб қаралса, Бойқўнғир космодроми, у ернинг ракеталар учирадиган жойидан эса мақбара кўриниб турар экан. Олимлар ҳам Туркистон – Бойқўнғир – Тўратом уч бурчаги ер юзининг алоҳида хислатли жойларидан деб тан олишади. Бу ўринда шу манзилда макон тутган Аҳмад Яссавий ҳам, унинг қabri устига мақбара қурдирган Амир Темур ҳам кўп илмлардан хабардор одам бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Клавиho чизган суратлар ҳақида ҳам қизиқ гаплар бор. Министрлар Советининг Савдо-саноат палатасида ишлаб юрган йилларим Испаниянинг жанубий вилоятлари – Андалузия, Валенсияга сафар қилишга тўғри келиб қолди. Мезбонлар буқалар жанги – корридони, тарихий жойларни, айниқса, Сервантес ва унинг қаҳрамони Дон Кихот билан боғлиқ манзилларни ифтихор билан кўрсатишди. Менинг ўзбеклигимни билиб қолишиб, «Биз сизлар билан эски танишлармиз» дея фахрланиб, бир сафар Испания қиролининг элчиси Руи де Клавиho Гонзалесни эслаб кетишди. Маълумки, Клавиho Темур саройида яшаган, Соҳибқироннинг ва малика Бибихонимнинг илтифотига сазовор бўлган ягона

европалик зот. Ўзи олим, дипломат, ҳарбий бўлган бу одам сафари давомида жуда кенг қамровли юмушларни адо этгани шундан ҳам кўринадики, қайтиб боргач, Испаниядан ташқари Франция, Италия, Англия, Голландия ҳукуматларининг олий мукофотларига сазовор бўлган. Бу борада гаплар кўп, асосли далилларсиз бирор нарса дейиш қийин. Аниғи шуки, у умрининг охирида сирли одам бўлиб қолган, ички-ташқили каттакон темир сандиғи бўлиб, ундаги жиҳозларни ҳеч кимга кўрсатмаган экан. Уларда ҳақиқатан инсон қиёфаси туширилган расмлар сақланган. Маълумки, ислом одатларида одамнинг расмини чизиш қатъий таъқиқланган. Клавиҳо Самарқандда бўлганида суратлар ҳам чизган бўлиши мумкин. У вафот этаётганда ҳам яқинларига сандиқни очмасликни, бўлмаса ундаги суратлар охиратда ундан ўз жонларини талаб қилишини таъкидлаган экан...

– Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, унга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар (жумладан, Лаъл Баҳодир Шастри) билан боғлиқ тафсилотларни эслай оласизми? Чет эл сафарларида бўлганингизда тарихимизнинг улуғ сиймоларига қандай кўз билан қарашган? Хорижда яшаётган миллатдошларимиз ҳам Соҳибқирон номини қалбларининг тўрида эъзозлашар экан. Сиз шунда ифтихор туйганмисиз? Бу ҳол шўро тартибларига муносабатингизга, қолаверса, ўз мавқеингизга таъсир қилганми?

– Ҳақиқатан, Самарқанд Осиёнинг ўзига хос қаъбаси ҳисобланади. Мамлакатимизга келган чет эллик меҳмонлару расмий делегация аъзолари бу шаҳарга, албатта, ташриф буюрадилар, бетимсол ёдгорликларни зиёрат қиладилар. Бу анъана кўпдан буён давом этиб келяпти, унда жуда чуқур маъно яширинган.

Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари Тошкентда учрашганда, Шастри ташриф буюрганда мен Сурияда эдим, унинг тафсилотларидан беҳабарман. Бироқ давлат раҳбарларининг Самарқанд зиёрати ҳақида кўплаб хотиралар қалбимда сақланиб қолган.

Ҳиндистон мустақиллигининг олтинчи йилида Жавохрлаъл Неру қизи Индира Ганди билан Самарқандга ташриф буюрди. Мен унга ҳамроҳлик қилдим. Ўз халқи истиқлолининг меъморларидан бири Ж. Неру Амир Темур мақбарасини ихлос билан зиёрат қилди, расадхонани бориб кўрди, Афросиёб тепалигига ташриф буюрди. Регистонда бир неча минг кишилик шаҳар аҳли иштирок этган митингда қатнашиб, нутқ сўзлади. Шундан кейинги суҳбат жараёнида йирик сиёсий арбоб ва олим ҳисобланмиш Неру Амир Темур ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бормаган бўлса-да, буюкжаҳонгир ва унинг авлодлари инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшгани ҳақиқат эканини эътироф этишини таъкидлаб ўтди. «Бобур ва унинг фарзандлари Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеб Ҳиндистоннинг тараққиётида мислсиз роль ўйнадилар, улар нима яратган, қандай хайрли иш қилган бўлса, ҳинд тупроғида абадий қолди», деди Неру. Айниқса, 50 йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилган Акбаршоҳнинг хизматлари унутилмас эканини тан олиб, таъкидлаганди. «Амир Темур ва унинг авлодлари яратувчи, бунёдкор зотлар бўлишган», деган эди ўшанда олий мартабали меҳмон ишонч билан.

Чет эл сафарлари давомида бу фахрли аждодларимиз ҳақидаги хотираларга кўп марта дуч келганман. Ҳар гал миннатдорчилик ёки эътироф туйгуларининг гувоҳи бўлганман, бундан қалбим фаҳрга тўлган. Қизиқ бир ҳолатки, олис Европада Те-

мурга муносабат жуда самимий, яқин қўшниларда аҳвол бошқачароқ (бунинг ҳам сабаби аниқ).

Тарихимизга ҳурмат билан қараганим, халқимизга қайишганим ҳаётимда турлича из қолдирган. Бу суҳбатда улар ҳақида гапириш ўринли бўлмаса керак. Қолаверса, худди шу масалаларни мемуарларимнинг ҳозир ёзишга киришган учинчи китобида батафсил изоҳлашга аҳд қилганман.

– Катта ҳаётий тажрибага эга арбоб сифатида 660 йиллик тўйга тайёргарлик жараёнида кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз? Шахсий мулоҳазаларингизни баён этсангиз.

– Бу муборак айём жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганининг беш йиллиги билан бир вақтда нишонланади. Бунда ўзига хос рамзий маъно борга ўхшайди. Танлаб олган йўлидан дадил бораётган юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилиши, дастлабки беш йил буюк келажакка олтин зина бўлиб қолиши шубҳасиз. Амир Темур юбилейига ана шу мезонлардан келиб чиқиб, энг юқори даражада тайёргарлик ишлари олиб борилишини истайман. Темур бутун фаолиятини миллатни бирлаштиришга, унинг жаҳоншумул шон-шавкатини таъминлашга қаратди. Албатта, унинг бу орзулари қутлуғ сана муносабати билан янгича аҳамият касб этади. Зеро, буюк тарихга эга, энг қулай табиий шароитга, кучли ақлий салоҳиятга эга ўзбек халқи дунёнинг энг илғор халқлари қаторида туришга ҳақли. Ана шундай улуғ мақсадга эришиш учун эса астойдил фидойилик кўрсатишга тўғри келади. Бинобарин, имкониятдаги салоҳият алоҳида тушунча, уни тўғри истифода эта билиш алоҳида тушунча. Ҳамма гап маъқул ёндашувларни топиб, тараққиёт суръатини таъминлай олишда. Зеро, бой захираларнинг ўзи

мақсадга етишни таъминлайдиган асосий восита эмас.

Мустақиллик шарофати билан Амир Темури ҳаёти ва фаолиятини турли шаклларда тадқиқ қилиш жадвал бошлаб юборилган эди, энди шу ишлар суръатини яна ошириш лозим. Бу борада олимларимиз анча иш қилишди. Хусусан, Бобур Мирзо ва Мирзо Улуғбек юбилейлари муносабати билан кўплаб юмушлар уддаланди. Энди эса қулочни кенгрок ёзиб, халқаро миқёсда Ватанимиз, халқимиз эришган (албатта, ҳозирча – ўтмишда) ютуқларни намойиш этиш фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарориди ҳам Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихонаю ваколатхоналарида юбилей тадбирлари ўтқариш белгилаб қўйилган. Амир Темури даҳоси, унинг мислсиз шон-шухрати бунга асос бўла олади. Шунингдек, аллақачон бошланган ҳаракатларни ҳам давом эттириш керак. Жумладан, «Амир Темури ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедиция 1991 йилда Ўзбекистонга, 1992 йилда қўшни Жанубий Қозоғистон вилоятига сафар уюштирганини жамоатчилик билади. Эндиликда мазкур экспедицияни халқаро доирада ташкил этиш лозим. Бу тадбир жуда катта самара бериши мумкин. Сир эмас, дунёнинг ҳали кўп мамлакатларида Ўзбекистон ҳақида аниқ тасаввур йўқ. Сафар давомида ташвиқот ишлари олиб борилиши, бундан ташқари зиёрат қилинган жойлар ҳақида кино, видеолар ҳалар тайёрланиб, халқимизга кўрсатилиши, китоблар ёзилиши мумкин.

Тақдир шамоллари ўзбек халқи вакиллари ни дунёнинг турли нуқталарига сочиб ташлаган. Савдо-саноат палатасида ишлаб юрган пайтим Италиянинг Пули штатида катта халқаро кўргазмада иштирок этганман. Шу ерда ўзбекча либос кий-

иб, қўл қовуштириб турган кишиларга дуч келиб қолдим. Улар уч авлод – бобо, ота ва ўғил савдогарлар бўлиб, кўргазмаларда турли гиламлар намоёиш этишар, унинг савдоси билан шуғулланишаркан. Идорасининг тепасига «Амир Темур ширкати» деб ўзбекча ёзиб қўйишибди. Албатта, хонадонларига таклиф қилишди. Одатларида ўзбекчиликнинг энг кичик унсуригача ҳам сақлашган. Улар ўзларини «Амир Темур авлодлари» деб аташаркан...

Чехославакиядан Венгрия орқали машинада қайтаётганимизда ҳамроҳлар бир қишлоқдан ўта туриб, «Сиз ўзбексиз, ўзбеклар юртига ташриф буюрмайсизми?» деб қолишди. Бир кўчадан бурилиб ичкарига кирсак, ҳақиққий ўзбекона маҳалла, оқсоқоли тўн, дўппи кийиб ўтирибди. Улар ҳам Амир Темур авлодларимиз, ота-боболаримиз ўша суронли йилларда келиб қолишган, деб айтишди.

Ватандан йироқда яшаб, қалбида миллат руҳини сақлаб келаётган пок ниятли, кўнгли тоза юртдошларимизни ҳам юбилей муносабати билан йўқлаб қўйсак яхши бўларди.

Биламизки, биз ва олдинги аждодлар Амир Темур ҳақидаги тўғри ва тўла маълумот олиш имкониятидан маҳрум этилдик. Бу камчиликнинг ўрни ҳамон тўлдирилгани йўқ. Айниқса, Соҳибқирон ҳақида ҳамма тушунадиган оммабоп асарга эҳтиёж сезилмоқда. Олайлик, Наполеон ҳақида минглаб китоблар ёзилган бўлиши мумкин, лекин у ҳақидаги академик Е. Тарленинг китоби эътироф этилган. Одамлар Пётрни Алексей Толстойнинг романини ўқиб таниганлар. Ёки Ойбекнинг «Навоий» романи улуғ шоир ҳақида энг муносиб асар. Ҳолбуки, Амир Темур таржимаи ҳолидаги жузъий унсурлар устидан тортишишлар тугагани йўқ. Туғилган қишлоғини талашиш фанга нима беради? Ёки Темурнинг ши-

кастланишини тўрт хил изоҳлашганини ўқидим, қайси бири тўғри?

Баъзан қош қўяман деб кўз чиқаришга ўхшаган ҳоллар учраяпти. Масалан, Темур сохта мақтовга, улуғлашга муҳтожми? Унинг ҳақидаги тўғри маълумотнинг ўзи энг олий мақтовдир. Бу борада камтарликни Темурнинг ўзидан ўргансак, яхши бўларди. У исмига оддий қилиб, «амир» – лашкар-боши сўзини қўшиб айтишни жорий қилган-ку! Гоҳида Темурнинг феъл-атвориға тўғри келмайдиган сифатлар ёпиштирилмоқда. Гўё «Хитойни забт этсам, пойтахтни Шаҳрисабзга кўчираман» деган эмиш. Мақсадини қаттиқ сир тутган кишининг бу гапни айтганиға ҳеч ким ишонмайди. Бир қаламқаш «Навбатдаги подшонинг ҳарамини қўлга киритгач, жорияларнинг тўрт нафарини ўзига олиб қолиб, қолганларни навкарларига бўлиб берди» деб ёзаяпти. Ҳой, биродар, бу қўй бозорими? Бу борада фарзандларига ҳам шафқатсиз бўлган зот наҳотки шу ишни қилади. Билмаслик ҳам эви билан-да.

Хуллас, юбилей муносабати билан Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳақиқий қиёфаси ҳар бир ўзбекнинг қалбига кириб бориши керак. Бу борада тезроқ фильм ишлаб намойиш қилишнинг аҳамияти беқиёс. Ана шу масалада ҳукумат комиссиясининг қаттиққўллик қилишиға тўғри келади, чоғи. Негаки, фильм юзасидан ишлар изчил амалға ошмаяпти...

...Мана шундай кунларнинг насиб этгани биз учун катта шараф. Унга имкон қадар ҳисса қўшиш эса ўтмиш ва келажакимиз олдидаги қарзимиздир. Болалигимда зеҳнимға дostonлар, қиссалар орқали юрт, халқ меҳрини сингдирган бобом бир калимани қайта-қайта такрорлар эди: «Аждодларға – ҳурмат, эл-юртға – муҳаббат». Бу менға ҳам насиҳат, ҳам

васият эди. Ўйлайманки, бобомнинг бу гаплари юрагимни бир лаҳза ҳам тарк этмади, бутун умрим давомида ана шу ақидага амал қилдим, эътиқодимдан чекинмадим. Ана шундай йўл тутиб, шукур қиламанки, кам бўлмадим. Мен бугун истиқлолимиз туғини маҳкам тутиб турган келажакимиз эгалари – ёшларимизга ҳам мустаҳкам эътиқод ёр бўлишини тилайман. Айниқса, миллат қайтадан қад ростлаётган, жаҳонда ўз муносиб ўрнига даъво қилаётган, уни излаётган пайтларда боболар номини дилга тугиб, бугуннинг синовларига тайёр туриш жуда-жуда зарур.

* * *

«Мен агар узоқроқни кўраётган бўлсам, бу кимнингдир елкасида турганимдан». Ҳар ҳолда бизда «узоқроқни кўриш» имкони бор. Ўтган кунларимиз тарихда беиз кетмаган. Қолаверса, кечаги тоталитар тузум, унинг камситувчи, хўрловчи тартибларини босиб ўтиб, бугунги истиқлол кунларига эришдик. Ҳар қандай шароитда ҳам миллий руҳнинг бардам яшагани, эртанги кунга умиднинг сўнмагани маънавиятимиз илдизларининг теранлигидан бўлса керак. Шубҳасиз, олти аср ўтиб тантана қилган ҳақиқат бугунги кунларимизни мунаввар этиб, келажакнинг ойдин йўлларида мангу ҳамроҳ бўлиб қолади.

1995 йил, февраль.

ВОРИСЛИК – КАМАРБАСТАЛИК

Ҳаётда шундай бўйсунмас кучлар борки, уларнинг олдида дунёга сиғмай юрган инсон ҳасдек ожиз бўлиб қолади. Шунда жами тафовутлар ҳам

унутилиб, ҳамма жонини асраш илинжида ғуж бўлиб олади. Олайлик, кийикнинг пайига тушган бўри ундан устунлигини сезгани ҳолда таъқиб қилишдан завқланса, тирик қолиш илинжидаги ҳайвон фақат ўзини ўйлайди. Мабодо, уларнинг иккисидан ҳам кучлироқ бошқа бир хавф пайдо бўлса, ўлжа иштиёқи-ю, ўлим қўрқуви қўшилиб кетади. Чингиз Айтматовнинг: «Кунда» романида худди шундай лавҳа бор: чўлда сайғоқларни овлаб юрган қашқирлар осмонда вертолётнинг даҳшатли гулдуриси пайдо бўлгач, саросимага тушиб қоладилар, кейин эса таъқибдан қочиб, барханлар бўйлаб сайғоқлар билан аралашиб қоча бошлайдилар. Кўкдан пайдо бўлган даҳшат ҳайвонларнинг умумий қўрқувига айланади, яшаш учун кураш уларни беихтиёр бирлаштириб, бир поданинг сафига қўшади.

Ҳозир ер юзининг қайси бир бурчакларида миллий низолар-у, чегара можаролари оловланиб турган бўлиши мумкин, бироқ одам зотининг умумий муаммолар исканжасида боши айланиб қолгани ҳам сир эмас. Бундан ўн йил олдинги маълумотларда ер юзида тўпланиб қолган қурол-яроқлар Галактикадаги бу мўъжаз сайёрани ўн беш марта парчалаб ташлаш учун етарли экани қайд қилинганди. Шундан бери ҳам бу пойга тўхтагани йўқ, қайтанга ажал неъматининг кимёвий-бактериологик-у автоматик бошқариладиган ёки компьютерлашган турлари яратилди. Хуллас, одамзод порох тўлдирилган бочка устида ўтиргандек ҳолат юзага келиб қолди. Табиатга инсофсизларча муносабат туфайли пайдо бўлган танглик-чи? Унинг кўринишларидан бири – Орол денгизи қуришининг Ер куррасининг тескари томонидаги Америка иқлимига таъсири кузатилаётган экан, бу – фожианинг кўлами дунёни

камраб олганидан. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот оламидаги бухронлар ҳам изсиз кетмайди. Бугун ҳеч ким ўйлаб ўтирмайдиган ичимлик суви билан таъминланиш, эҳтимол, кейинги асрнинг бош муаммосига айланар ёхуд инсоний муносабатларнинг нақадар чиғаллашиб кетгани ҳар қандай қолипга сиғмайди. Ҳеч бир қонунда ёзилмайдиган, бирор жиноят кодексида жазо белгиланмаган оддий бир ҳасад туфайли қанчалаб истеъдодлар бевақт ҳазон бўлаяпти, қанчалаб ихтиролар ёруғлик юзини кўрмаяпти...

Бундай ташвишли ҳолатларни афкор омма кўриб турибди ва улардан ўз вақтида безовталиқ изҳор қилинмоқда. Турли доираларда хатарнинг олдини олиш, дунёни келажак авлод қўлига бутунича топшириш йўлида тадбирлар кўрилаяпти. Буларнинг ичида ҳаммадан ҳам кўпроқ маънавиятни бутлаш, алоҳида инсонларни ва бутун инсониятни ҳар хил васвасалардан халос қилиш мақсади олдинги ўринларда турибди. Аввало, дунёнинг тўқислигига заҳа етказмай, одам зотида яшаш завқини кучайтириш омили сифатида турли йўللардан, жумладан, тарих тажрибасидан фойдаланиш эндиликда яққолроқ кўзга ташланаяпти. Ўтмишда эса узоқ йиллар ҳар қандай зўравонликдан холи яшаб, одамлар дориломонликда кун кечирган ва инсоният солномасининг ёрқин саҳифаларини ташкил этган даврлар бўлган. Хўш, ўшандай нурли замонларга қандай эришилган? Агар ҳозирги қуролланиш-у табиат бўҳронлари аро кечаётган ғала-ғовур ҳаётни кўз олдимизда келтирсак, бу саволнинг моҳияти янада ойдинлашади.

Ўтмишни қўмсаш, унга қайтишга даъват фикридан бутунлай йироқ туриб, шуни қайд этиш жоизки, буюк бобокалонимиз Амир Темур ва ав-

лодлари ҳукмронлиги йиллари тараққиётнинг мўъжизаларга бой босқичларидир. Бу – ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, бир қуруқликда – умумий хонадонда яшаётган, эртанги кунга умид билан қараётган ҳар қандай халқ ёки миллат у хоҳ Америка ёки Филиппинда, хоҳ Франция ёки Японияда яшамасин, тарихнинг бу ёрқин маёқига қизиқиш билан қараши табиий. Ўтмиш келажакнинг дояси экан, шу билан бирга эртанги кун тараққиёти учун кечаги кун мактаб ҳамдир. Эҳтимол, айна пайтдаги низоларни барта-раф этиш-у, ижтимоий муаммолар ечимида боболар тажрибаси қўл келиб қолар. Хуллас, тарихимиздаги бир халқ доирасидан чиқиб, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланган аجدодларимизнинг ҳаёти ҳаммани баравар қизиқтириб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Жумладан, фахрли аждодимиз Амир Темур ҳақида қарийб етти асрдан буён ёзишади. Уларнинг айримларини Соҳибқироннинг ўзи айтиб ёздирган ёки назардан ўтказган бўлса, айримларини турли тоифадаги замондошлар кашф этган. Котиб ва мир-золар сафида чинакам мухлислар-у ашаддий душманлар бўлгани ҳам рост. Шуниси таажжублики, Шарқдан бошланган тараққиёт шамоллари ғарбга кўчиб, Амир Темур ҳақида ўз ватанидан кўра Европада кўпроқ қалам тебратишди. Узоқ йиллик мустамлака шароити эса меросхўрликдан бутунлай маҳрум этди, ҳатто тарих ҳақиқатини бузиб талқин қилиб, миллат ғурурини ўзига ёв қилиб кўрсатди. Соҳибқирон феъл-атворидаги ҳаракатларни қалбан ҳис қиладиган, миллий, руҳий унсурларни чуқур тушунадиган ватандошлар эмас, балки унинг юртини умрида кўрмаган, ҳатто қайси динда эканини билмайдиганлар бобокалонимизни ўз дидларига

мослаб тавсифлаб келдилар. Уларнинг ёзганларида ҳамма нарса бўлиши мумкин эди, аммо қалб ҳарорати, юрак чўғи бўла олмасди ва ўқиган кишида илиқлик (меҳр) уйғота олмасди. Бу табиий ҳол ва бунинг учун ҳеч кимдан хафа бўлмаслик керак.

Ҳозирги авлод бир нарасдан ифтихор қилиши мумкин: биз юртимиз Ўзбекистон мустақиллигини кўра олдик. Бу буюк ҳақиқат ўзбек халқини бутун борлиғи билан кашф этишга йўл очди. Жумладан, тарихимиз, буюк боболаримиз ҳаётини ўрганиш чинакамига бошланди. Инчунин, Амир Темур ҳам энди турли тухмат ва қора чаплашлардан покланиб, бутун бўй-басти билан жаҳон афкор оммаси кўз олда намоён бўлгусидир.

Ҳа, Амир Темурни ҳақиқий ўрганиш энди – таваллуд топганидан 660 йил ўтгач бошланди. Бу жараён қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлиши табиий. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақиқат биз тарафда бўлади, фикрлар курашида эса бобокалонимизнинг пок сиймоси, барҳаёт руҳи бизни қўллади. Дунё ҳамжамияти олда ўз қиёфаси, ўз сўзига эга бўлиб бораётган ўзбек халқи, унинг зиёлилари зиммасига тақдир яна бир шарафли хизматни юклади.

Шундай қилиб, мустақиллик берган бахт – Амир Темур ва Темурийлар ҳаёти-фаолиятини қайтадан ўрганиб, эзгуликка ташна инсониятнинг маънавий хазинасига тухфа этиш биз, ворисларнинг тарихий бурчимиздир. Бу йўналишдаги ишлар, эҳтимол, икки жабҳада олиб борилар – янги маълумотларни излаб топиш ва олдинги фикрларга изоҳ бериш. Албатта, бу ёғини илм аҳлининг ўзи ҳал қилади, лекин бир нарса аниқки, ҳар икки соҳада ҳам юмушлар етарли.

Ростдан ҳам огриқли дунё ўз дардларига шифо излаяпти. Ижтимоий ҳаётнинг бир йўналиши –

давлатлараро муносабатларни кўздан кечирганда, айна пайтда ер юзидаги ўнлаб оловли нуқталар пайдо бўлиб қолган. Бу можароларда ўлим қуроллари ишлатилмоқда ва юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлаяпти. Табиийки, бундай ҳолнинг юзага келишида давлат бошлиқлари, сиёсий арбоблар бурчлидирлар. Ҳолбуки, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Урал тоғидан то Арабистон саҳроларигача бўлган катта ҳудудда мутлақ тинчлик ҳукмрон бўлган. Бундай осойишталикка баъзилар талқин қилганидек, фақат қон тўкиш, ҳаққини талаб қилганни қириш (буларнинг ўзи аслида – нотинчлик) билан эришиб бўлмаган. Ҳокимиятни адолатли тартиблар бошқарган, жилов эса инсофли, диёнатли одамлар қўлида бўлган. Нафсиламрини айтганда, бу «сир» шунчалар теранки, уни изоҳлаш учун ўнлаб жилдлар етмайди. Бобокалон таълимотининг оламшумуллиги ҳам шунда. Қолаверса, ана шу ҳақиқатни англаш йўлида асрлар оша интилиб келинди.

Темур ва Темурийлар даври ҳақидаги тадқиқотлар форс, инглиз, немис, француз, хитой, рус, испан, япон – умуман дунёдаги барча йирик халқлар тилларида яратилди. Муаллифлар ўз маълумотлари ва савиялари даражасида асарлар ёздилар. Лекин уларнинг жуда оз қисмида фикрлар тарих ҳақиқатига мос келади. Аксариятида эса қаламнинг ихтиёри ғаразли кишилар қўлида бўлганидан воқелик бузиб талқин этилди. Ҳатто баъзи муаллифлар ҳар қандай андишани унутиб қўйиб, очиқча ҳақорат йўлини тутганлар. Бундай ҳолнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Аввало, биринчи манбалар (асосан, эски ўзбек ва форс) тилини билмаслик туфайли жонли гувоҳларнинг асарларидан беҳабарлик, иккинчидан эса илмий ҳолислик ва инсоний ҳалолликнинг етишмаслигидан ана шундай

нохушликлар юзага келган. Афсуски, даражалари турлича бўлган асарлар қайта-қайта нашр этилган ва шулар асосида жамоатчилик фикрлари шаклланиб қолган.

Темур ва Темурийлар давлатининг ҳарбий санъати, давлатни бошқариш тартиблари, илм-фан ёки дипломатия масалалари академияларда, олий ўқув юртларида ўқитилгани туфайли жамиятнинг юқори табақаси – маърифатли ва маълумотли кишилар тасаввури тўлароқ бўлиши мумкин (лекин улар ҳам сиёсий нўқтаи-назардан ҳақиқатни тан олмасдилар), кўпчилик эса халқ китоблари, тушунилиши осон бўлган эртакнамо асарлар орқали хабардор бўлганлар. Улар, табиийки, ўз халқининг баҳодирлигини улуғлаш, ёв (бу ўринда Темур ва Темурийлар)га қарши курашган паҳлавонларини кўкка кўтариб мақташ руҳида бўлган. Бундай китобларда энг оддий унсурлар ҳам атайин ёки билимсизликдан бузиб кўрсатилган.

Жумладан, «Қадимги Русь адабий ёдгорликлари» тўпламига киритилган «Оқсоқ Темир ҳақида қисса»да Темур ҳақида «энг паст табақадан чиққан, касби қора темирчи бўлган, қилиғи ҳам шунга яраша – шафқатсиз, қароқчи, зўравон, ўғри» қабилида нотўғри маълумот берилади. Ёлғоннинг буюғи жудаям қизиқ – ана шу бола бир кун очликдан кимнингдир қўйини ўғирлайди. Одамлар тутиб олиб роса калтаклашади, оёғини (қўлини ҳам эмас) синдиришади, кейин «ўлди» деб, итларга ташлаб кетишади. Ҳушига келиб, оёғига темир қоқлайди-да, юриб кетади. Унинг номи шу воқеа билан боғлиқ эмиш. Албатта, бу бир халқнинг ўша пайтдаги кайфиятини ифодаловчи, илмий қиммати ҳеч нимага арзимайдиган нарса. Унда фольклорга хос муболағага эрк берилгани, сўзловчининг ўз рақибини ўта қора

бўёқларда акс эттиргани кўриниб турибди. Афсуски, ана шундай сохта маълумотлар кўп йиллар давомида дунё халқлари орасида тарқалиб келди ва бутунлай тескари тасаввур ва таассуротлар пайдо қилди.

Барибир ҳеч ким, жумладан, юқоридаги адабий ёдгорлик ижодкорлари ҳам ойна этак билан ёпа олмас эдилар. Қиссанинг давомида ана шу ўтда ёнмас, сувга чўкмас мингбиржон ўз ёмонлигини ташламай, дунёнинг ярмини «босиб олгани», ҳатто Москвани остин-устин қилган Тўхтамишни енгиб, пойтахт остоналарига яқинлашиб қолгани, бундан ўтакаси ёрилган улуғ князь Василий Дмитриевич худога илтижо қилгани, шундан кейин епископлар ва поплар, монахлар ва князлар, боярлар ва мужиклар – ҳамма черковларга бориб, Исодан мадад сўрагани ва ... Темир оқсоқ қайтиб кетгани ҳикоя қилинади. Бу ўринда кечаги қароқчининг қандай қилиб буюк бир давлатни ларзага солиш даражасига етгани қиссахонни қизиқтирмайди ва эҳтиросли ҳикоясининг замирида қирқ ёлғон яширинганини ҳам бекитмайди. Рост гапни эса тарих билимдонлари дарж этмоқда: «Амир Темур Тўхтамишни жиловлаб, Русь давлатини ҳалокатдан қутқариб қолди».

Одамзодни зулм ва зўравонликдан қутқаришга аҳд қилган, адолат ўрнатмоқчи бўлган улуғ инсоннинг хизматлари ана шундай тухматлар остида қолиб келди. Унинг шаън-шавкатини қоралаш учун турли ёлғонлар тўқиб чиқилаверди. Эски тилларнинг бирида ёзилган Мецопский Фоманинг «Тамерлан» китоби «Самарқанд шахрида Тимур-Ланка деган шайтон пайдо бўлди» каби сўзлар билан бошланади. Баъзи тарихий шахслар ва шаҳарларнинг номлари, саналар қайд қилинганини ҳисобга олмаганда уйдирма-эртакка ўхшовчи бу «асар»да энг

муҳим тарихий далиллар ҳам бузиб кўрсатилади. Гўёки Тимур ёлғон ваъдалар билан ёки подшоҳларга қизларини ҳадя этиб, уларнинг ерларини эгаллаб олган. У шоҳ Мансурнинг элчиси кўзи олдида кўзичокни сўйдириб, қонини ичади...

Халқда «Мевали дарахтга тош отадилар» деган нақл бор. Шунингдек, осмонга тупурган кишининг ўз юзи булғанади. Вақт – малҳам, вақт – энг олий ҳакам. Бундан 500–600 йил олдинги нақлларни эсга олиш билан кимнидир айблаш фикримиз йўқ. У суронли йилларда аламзадалик билан кимлар нима демаган? Уларни бир қур эшлаш билан эса фахрли аждодимизнинг муборак номи қандай туҳматларни енгиб, бугунги саодатли айёмларга етиб келганини таъкидлаб ўтишдир. Зеро, одам моҳият (илдиз) ни тушунсагина ҳар бир нарсани тўлароқ ҳис этади. Мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказидаги одамларга эмин-омонлик тилаб турган суворийнинг муҳташам ҳайкалига яна бир бор қаранг: у адл қоматини асрлар шамоли йиқита олмаган сизнинг буюк бобокалонингиз бўлади!

Мабодо, Амир Темур ҳақидаги асарларнинг барчасида қора чапланган десак, инсофдан эмас. Илмда ҳақиқатни байроқ қилган, ўз виждонини сотмаган кўплаб олимлар Соҳибқирон ҳақида чуқур ҳурмат ва эҳтиром сақлаб қалам тебратдилар. Бу ҳолни А. Якубовский, В. Бартольд, Л. Зимин ва бошқа ҳозирги замон хорижлик тарихчилар ижодида кўриш мумкин. М. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий саркардалик санъатини махсус тадқиқ қилган бўлса, Л. Лянглэ Соҳибқирон ҳаётидаги чалкаш ўринлардан бири – Йилдирым Боязид билан муносабатларини анча ишончли ёритди. Унинг французчадан таржима қилинган «Темурнинг ҳаёти» асарида шундай маълумот бор: «Темур 1336 йил 7 май, сешанба куни

кечаси Кеш шахри деворлари яқинидаги Сабз деган жойда туғилди». Албатта, олимнинг бу далилни қайси манбадан олгани эътиборли.

Айрим олимлар, адиблар Амир Темур ҳаётига қанчалик ихлос билан ёндашмасинлар, уларнинг асарлари баъзан ғализликдан ҳоли эмас. Бирида воқеалар бузиброқ талқин қилинса, бошқасида тарихий шахслар чалкаштирилади ёки ҳодисаларнинг ботиний асослари нотўғри шарҳланади. Шу нуқтаи назардан 1587–88 йилларда яратилган Кристофер Марлонинг «Буюк Темур» драмасини эсга олайлик. Бу далилни – инглиз драматурги, буюк Вильям Шекспирнинг замондоши К. Марлонинг эътибори ва қирол театрида бизнинг аждодимиз ҳақидаги асарнинг қўйилишини қувонч билан қайд этиб юрдик. Бу гап ташқи томондан ҳақиқатан эътиборли, бироқ ўша давр ҳаётининг акс эттирилиши, тарихий адолат тамойилига кўра эса анча мунозарали.

Оддий этикдўзнинг ўғли Кристофер ўз иқтидори билан қуйи табақадан шоир ва драматург даражасига кўтарилди. Кембридж университетини тугатиб, бакалавр илмий даражасини олди. Лондонга келиб, театрда актёрлик қилди, драмалар ёзди. У «Фауст», «Эдуард II» каби асарларини яратди. Бирданига тарихий солномалардаги Самарқанд ҳукмдори тимсоли уни ўзига жалб этди. Амир Темур шахсидаги буюк қудрат, енгилмас куч, даҳо ақлга мафтун бўлди. Марло Европа тараққиётига кучли туртки берган зотнинг тимсолини саҳнага олиб чиқди. Қирол театри узоқ йиллар ўз мавсумини унинг асари билан бошлади. Булар яхши, бироқ, эҳтимол, ишончли манбалардан беҳабарлик туфайли драмада кўп маълумотлар нотўғри талқин этилди. Муаллиф Темурни скифлар йўлбошчиси сифатида кўрсатган, ҳолбуки, ўртада қарийб минг йиллик давр ётибди.

Ёки Боязид билан муносабатларини чалкаш талқин этади: гўё уни темир қафасга солиб ўзи билан олиб юрган, шу қафаснинг устига чиқиб отга минган... Бундай ғалати тасвирлар туфайли икки қардош халқ – ўзбек ва турклар ўртасида совуқлик тушиб қолгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, асирликдаги Боязидга Темур шоҳларга хос муносабатда бўлган, давлатини ўғилларига қайтариб берган, ўзини ҳам озод қилиши арафасида бевақт ўлим туфайли Боязид вафот этган. Бу икки шахс муносабатларини нотўғри акс эттириб, хусуматни кучайтириш, ўзбек ва туркларнинг бирлашишини хоҳламаган, улардан қўрққан кишиларнинг ҳийласи эканини билиб олиш қийин эмас.

Тарихни тушунтиришдаги бундай чалкашликларга чек қўйишнинг фурсати етди. Энг тўғри гапни, оқилона хулосани шу халқнинг, миллатнинг ватанпарвари айта олади.

Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш мустақил мамлакат халқларининг маънавиятини бойитишда муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун ҳар хил андишаларга боравериш жоиз эмас. Буюк бобокалонларимиз бу дунёни тарк этганларига неча юз йил бўлди. Бу орада олам неча бор ўзгарди. Қанча фотиҳлар, жаҳонгирлар ўтди, подшоҳлар салтанати-ю, ғоялар ҳукмронлиги кечди. Ана шу олис тарих уфқида боболаримиз жисмоний шахс сифатида эмас, халқнинг, миллатнинг тимсоли сифатида порлаб турибдилар. Уларнинг пок руҳлари қийин кунларда мададкор бўлди, бало-қазолардан миллатни асради ва бугунги мустақиллик айёмларга етишдик. Ана шундай пайтда тарихга мурожаат қилиш фақат ўзлигини англаш, ўтмиш хазинасидан баҳраманд бўлиб, бугунги маънавиятни бойитишга интилиш, холос. Боболаримиз бир замонлар истак

отига қамчи уриб, элларни фатҳ этган, шу йўлда қон тўккан бўлсалар, бу ўша замон тартиб-қоидалари билан изоҳланади.

Ўн икки ёшида Қуръони каримни ёд олиб, ислом дини қоидаларини заррама-зарра ўрганган, ўзи ҳам «Форсий қуръон» деб шуҳрат қозонган «Маснавий» асарини яратган мавлоно Жалолоддин Румий «Фиҳа ма-фиҳи» асарида ёзган эканлар: «... кўнгил аҳли ва жавҳар эгаси бўлган зот ўзга бировни уриб, бошини ёрса, ҳамма калтакланганни мазлум дер. Аслида эса урган мазлумдир. Золим ҳеч қандай хайрли ва фойдали иш қилмаган кимсадир. Шунга кўра ҳалиги таёқ еган ва боши ёрилган золимдир, калтаклаган эса шак-шубҳасиз – мазлум. Чунки у (калтаклаган) жавҳар соҳиби ва у қилган ҳар бир иш Тангрининг ишидир. Сабаб – у Тангрида фоний бўлгандир. Тангрини золим демайдилар». (У. Абдулваҳоб таржима-си). Бизнинг жўн тасаввурларимизни остин-устун қилиб юборадиган бундай қоидаларни чуқурроқ изоҳлашда ожизмиз. Аниқ гап шуки, бизни ҳеч ким ўтган ишлар учун шоҳидликка чақирмайди, бизнинг вазифамиз – ўша жаҳду жадаллар туфайли эришилган бойликдан тўла баҳраманд бўлишдир. Қолаверса, ҳаётининг бош мақсадини аниқ билган Соҳибқирон бобомиз бутун фаолиятини Яратганининг амрига ихтиёр этган эдилар:

«... давлатим ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватладим». («Темур тузуклари»дан).

... Йиллар шамоли жанглар сурони-ю, тож-тахт таҳликаларини учуриб кетди. Қўлларда ўйнаган қиличлар чириб битди. Гўзал шаҳарлару дунёни лол қолдирган илм, даврнинг барча саволларига жавоб

топган тафаккур шуъласи-ю ўша фараҳли кунларнинг танҳо шоҳиди – қуёш боқий турибди. Қўлимиз тарихнинг узоқ сарҳадига етмайди, бироқ боболардан қолган улуғ мерос илкимизда.

Нодир нарса ҳамманинг кўзини ўйнатади. Дунёда эса ранглар қоришиқ. Бутун илмий фаолиятини ана шу ҳақиқат ҳимоясига бағишлаган ва унинг рўёбини кўролган, муҳтарам нуруний аллома ҳозирги баъзи ноилмий гаплардан зада бўлиб, ўз эътиқодининг келажагига ташвиш билдиргандек, безовта шивирлайди: «Амир Темуримизни асрашимиз керак».

Эндиликда буюк бобокалонимизнинг муборак номи аниқ шахснинг исм-шарифидан улғайиб, катта бир маданиятнинг рамзий атамасига айланыпти. Бу икки сўз замирида қарийб беш юз йиллик тарихимиз ва дунё тараққиётининг ёрқин саҳифалари мужассамлашган. Уни халқимиз маънавий меросининг энг улкан бўлаги, деб атаса ҳам бўлади. Дунёга юз тутаётган мустақил Ўзбекистоннинг ўзлигини намойиш этишида бу мерос шоҳсупа бўлиши шубҳасиз. Бугунги умуминсоний муаммолар ечимида ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилишга лойиқ мумтоз хазина ҳали келажак авлодларга ҳам умрбоқий хизмат қилаверади. Шундай бўлгач, ҳаммамизнинг зиммамизда бир масъулият турибди:

«Амир Темуримизни асрашимиз керак».

1995 йил, октябрь.

ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН ИЛҲОМ ТУҲҒАСИ

Улуғ саркарда ва буюқ давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан ўлкамизда қизғин тайёргарлик кечаётган бир пайтда академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» асари босмадан чиқди. Илм аҳлига яхши таниш бўлган олимнинг кўплаб тадқиқотлари тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифаларини жамоатчиликка маълум қилишда биринчи қадамлардан бўлган. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида оммавий нусхада чоп этилган мазкур асар ҳам бу йўналишдаги илк уринишлардандир.

Албатта, ҳар бир йирик асар узоқ тайёргарлик маҳсули сифатида дунёга келади. Шу жиҳатдан мазкур китобнинг яратилиши ва унинг муаллифи таржимаи ҳолида мантиқий боғланиш мавжуд. Таниқли олим ижодий ва илмий фаолиятининг муҳим маҳсули бўлмиш «Амир Темур» асари юзасидан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Ҳурматли Бўрибой ака, мана, навбатдаги асарингиз ёруғлик юзини кўрди. Гарчи янги китоб қувончини биринчи марта кечирмаётган бўлсангиз-да, бу йирик асарга сўнгги нуқта қўйгач, қалбингиздан қандай ҳислар кечди?

– «Амир Темур» асарини бошда бадиа деб атаган эдим, чунки роман ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаса керак. Хусусан, мен бу жанрда тажриба қилиб кўрмаганман. Асар қўлёмаси билан муфассал танишгандан сўнг атоқли адибимиз Одил Ёқубов асарни тарихий роман деб аташни тавсия қилди. Лекин китоб шу жанр талабларига жавоб бериш-бермаслиги муштарийларга ҳавола. Бу – биринчидан, иккинчидан, «Амир Темур» менинг адабий жанрда Мирзо Улугбек

ҳақидаги эсседан кейин ёзган иккинчи асарим. Роман Темурдек буюк шахс ҳақида ўзбек тилида ёзилган биринчи китоб. Буюк аждодимиз ҳақидаги асарни бақадри имкон ёзиб, уни нашр эттириш шарафига муяссар бўлганимдан қувончим чексиз.

Маълумки, Амир Темур мустамлака ва шўролар даврида қаттиқ қатағонга учраган шахс. Сирасини айтганда, тарихимиздаги бошқа сиймолар ҳам қораланган эди. Бой маданий меросимиз, ажойиб анъана ва урф-одатларимиз ҳам йўққа чиқарилганди. Мана, миллий истиқлол шарофати билан тарихимизни, илмий ва маданий меросимизни ўрганишга йўл очилди. Менинг асарим ҳам ана шу имконият натижасидир. Бироқ бу борада ҳали кўп ишлар қилишимизга тўғри келади. 1864 йилдан 1991 йилгача қарийб 130 йиллик тарихимиз ва қадриятларимизга етказилган зарар-зиённи бартараф этиш учун кўп йиллар керак бўлади.

– Бу асарни бутун илмий фаолиятингизнинг йиғма ҳосиласи деб баҳолаш мумкинми? У ҳажман анча катта. Ана шундай йирик асарнинг яратилиши ҳақида тўхталсангиз?

– Саволнинг биринчи қисмига изоҳ берадиган бўлсам, «Амир Темур» романи менинг фақат Амир Темур ва Темурийлар тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш йўналишида кўп йиллардан бери олиб бораётган илмий изланишларимнинг бир йўналиши ва дастлабки натижаси, холос. Илмий фаолиятимда бундан бошқа яна уч йирик мавзуда – ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи, тарихий ва адабий манбаларни ўрганиш ва чоп этиш, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини таҳлил этиш йўналишларида ҳам қалам тебратиб келаман.

«Амир Темур» тарихий романининг яратилиш жараёнига келсак, бу – узундан-узун қисса. Мен 38

йилдан бери Шарқ тилларида битилган тарихий манбалар – қўлёзма асарларни ўрганаман. Улар орасида Темур ва Темурийлар даври тарихига оидлари ҳам бир талай. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»си, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-макдур фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари»), Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг учрашув ўрни ва икки денгизнинг қуйилиш жойи»), Мир Ховандшоҳнинг «Равзат ус-сафо» («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ул-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли»), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират аш-шуаро» («Шоирлар зикри») шулар жумласидан. Ана шу муборак манбалар шарофати туфайли Темур ва Темурийлар даври билан танишиб, бу даврни ўрганишга бел боғладим. Афсуски, айна куч-қувватга тўлган пайтларимиз таъқиблар замонига тўғри келиб қолди, бирон китоб ёзиш имконияти бўлмади. Шу ўринда бир муҳим гапни қайд этиб ўтмоқчиман.

1966 йили ёз кунларининг бирида Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриётининг директори Юнус Юсупов чақиртириб қолди. Борсам, у ёлғиз эмас экан. Ҳузурида профессор Х. Иноятов билан академия бош илмий котибининг ўринбосари Кабир Комиловлар бор экан. Юнус ака мендан Амир Темур ҳақида тўрт-беш босма табоқ ҳажмида ўзбек ва рус тилларида китоб ёзиб беришимни илтимос қилди. Худо ҳаққи, суюниб кетдим ва бел боғлаб ишга киришдим. Хайрият, Темурга ҳам навбат келибди, деб қувондим. Астойдил ишладим ва бир йил деганда унинг ўзбекчасини ёзиб тамомладим. Бироқ 1967

йилнинг куз пайтида бир куни кечкурун «Фан» нашриётининг бош муҳаррири ўринбосари Ҳабибулла Бектемиров бизникига кириб келди. Бир фурсат у ёқбуёқдан сўзлашиб ўтирганимиздан кейин Ҳабибулла: «Бўрибой ака, сиз «Амир Темур» китобини ёзишдан фориғ бўлдингиз. Бу юмушни катта домланинг ўзи бажарадиган бўлди», – деди. Ростини айтсам, бошида хафа бўлдим. Ҳабибулла кайфиятимни англаб, мени овунтирди: «Шундай бўлгани яхши, ака. Катта домланинг таги мустаҳкам, унга тегишмасалар керак. Сизнинг бўлса ҳеч кимингиз йўқ. Белингизни букиб қўйишлари мумкин». Афсуски, замон носоз экан. Иброҳим Мўминов Темур ҳақида икки босма табоқ ҳажмида бир рисола ёзиб, 1968 йили чоп эттирди. Лекин марксизм-ленинизм ғоясининг бандалари уллуғ зотнинг бошига кўп савдолар солишди.

– Баъзан киши бир ишга қаттиқ киришиб кетса, тушларида ҳам ана шу ташвиш билан яшайди, дейишади.

– Гапингиз тўғри. Амир Темур ҳақида ёзиш жараёнида менда ҳам шунақа кайфият бўлди. Тўғрисини айтсам, асар устида ишлаган йилларим ётганда ҳам, турганда ҳам, юрганда ҳам шу ташвиш билан яшадим. Темур – улуғ, мураккаб шахс. Давр ҳам анча чигал ва зиддиятли. Буларнинг ҳаммасини қоғозга тушириш, воқеаларга тўғри ёндашиш, уни ҳаққоний акс эттириш осон иш эмас аслида. Мен кўпроқ шундан чўчидим. Булар қўлимдан келармикин, бундай ишни уддалай олармиканман, деган андиша бир зум хаёлимни тарк этгани йўқ. Шу саволлар баъзан ўйлантириб қўярди...

– Романда кўзлаган мақсадингизга тўла эришдингизми?

– Йўқ, албатта. Биринчидан, Ватикан ва Европа давлатларининг ташқи сиёсати очилмай қолди.

Ваҳоланки, Ватикан ва Европа давлатлари: Венеция, Испания, Франция ва Англия Амир Темур билан Боязид Йилдирим муносабатларида, хусусан, уларнинг уришиб қолишларида катта роль ўйнадилар. Улар бу билан икки ютуқни қўлга киритдилар: биринчидан, Европанинг катта қисми қудратли турк армияси томонидан босиб олинишининг олдини олдилар; иккинчидан, Амир Темур билан Боязидни уриштириб қўйиб, икки қудратли турк давлатини кучсизлантиришга эришдилар. Бу икки омил эса Европа давлатларининг Шарқ мамлакатларига кириб олишига йўл очди. Масалани пухта ўрганиш керак эди. Хусусан, Темур билан Венеция, Испания, Франция, Англия подшоҳлари ўртасида олиб борилган ёзишмаларни кўриб чиқиш, ўша вақтларда Европада бу ҳақда битилган асарларнинг асосийлари, ҳеч бўлмаганда Ж. Деловиланинг «Европа давлатларининг Туркияга қарши салб юришлари», Сильвестре де Сасининг «Мироншоҳнинг Франция ва христиан мамлакатлари подшоҳлари билан ёзишмалари» ҳақидаги асари, Марина Санудонинг «Венеция дождларининг ҳаёти», архиепископ Иоаннинг Темурнинг ҳаётига бағишланган муҳим китоблари билан батафсил танишиб чиқиш зарур эди. Иккинчидан, асарда баён этилган ҳамма воқеалар ҳам тўла очиб берилган деб айтолмайман. Кўпгина ҳодисалар, тарихий жараёнлар шунчаки қайд этиб ўтилган, холос.

– Китобхонлар бу муборак мавзуда яна қандай асарларингизни ўқишлари мумкин?

– Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданияти кўп минг йиллик ўтмишимиз шодасида қуёшдек порлаб турган дурдир. Бу дурнинг ҳали бирон қирраси тўла очилганича йўқ. Биз мазкур давр тарихини ўрганишга энди қўл уряпмиз. Тўғри, кей-

инги йилларда Темур ва Темурийлар ҳақида бир-иккита йирик асар яратилди. Мен бу ўринда изланувчан атоқли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг Бобур ва шоҳ Акбар ҳақидаги «Юлдузли тунлар», «Ҳумоюн ва Акбар» романларини назарда тутаяпман. Ишончим комилки, бу ҳақда катта-катта китоблар, тадқиқотлар энди яратилади. Ўсиб келаётган истеъдодли ёшларимиздан умидим катта.

Ўзимга келсам, «Амир Темур» романининг тўлдирилган нашрини амалга оширсам, дейман. Муштарийларга, айниқса, ёшларга айтадиган битта гапим бор. Ўтмишда буюк мавқедаги давлатларимиз бўлган. Темур тузган буюк салтанат ҳам шулар жумласидандир. Ана шундай қиёфадаги улуғ давлатни, иншооллоҳ, сизлар қурасизлар. Бизлар эса унга ғишт қўйиб кетяпмиз. Бу улуғ мақсадга, аввало, бирлик ва ҳамжиҳатлик билан эришиш мумкин. Уммондек теран ақл эгаси буюк бобокалонимиз Амир Темур шундай таъкидлаган эди: «Агар сизлар тарқоқ ҳолда бўлсаларингиз, душманларингиз худди ҳовузга шўнғигандек қон дарёларингизда сузадилар». Иттифоқликда гап кўп. «Агар фикрларингиз иттифоққа келиб, орзу-ҳавасингиз бир бўлса, – деб айтган эди бобомиз, – фарзандларингиз улғайиб, душманларингиз мағлуб бўладилар». Сўнгра эса мамлакат фаровонлиги ҳар бир кишининг ўз ўрнида ҳалол ва сидқидилдан тиришиб меҳнат қилишига боғлиқ.

«Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл тортма», деб уқтирган ҳазрат Амир Темур. Шунингдек, мутелик, лоқайдлик, ҳасад ва маҳаллийчилик балосидан қутулишимиз керак. Маҳаллийчилик кайфияти кучайган пайтларда ўзгаларнинг асоратига тушиб қолганмиз. Лоқайдлик

эса охир-оқибат кишини иродасиз қилиб қўяди ва кулга айлантиради. Бунинг ўрнига мустақил фикрлашга ўрганишимиз, ўзлигимизни англашимиз зарур. Энг ёмони – ҳасад ёки, бошқача қилиб айтганда, ўзганинг ютуқ-муваффақиятларини кўролмаслик. Бу ёмон иллатдан қанча тез қутулсак, шунча яхши.

Яна бир гап: республикада сизларнинг ўқишларингиз, билим асосларини ўрганишингиз учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шунга яраша яхши ўқинг, кенг билимли бўлинг, илм-техника асосларини пухта эгалланг. Ҳаммамизнинг улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек: «Билаги зўр – бирни йиқар, билими зўр – мингни».

* * *

Одатда, йирик тарихий сиймолар ҳақида бир эмас, бир неча ўнлаб асарлар яратилади, зеро, уларнинг кўп қиррали фаолияти ана шундай эътиборга асос бўлади. Бироқ уларнинг қаторида санокли намуналаргина муштарийлар ёдида сақланади. Худди шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам тўла шаҳодат берадиган асарларнинг бири китобхонлар мулкига айланган бўлса, ажаб эмас.

1995 йил, декабрь.

ЎЗИНИ ИЗЛАЁТГАН ОҚСАРОЙ

Ҳар сафар Шаҳрисабзга борсам, қайси нуқтадан бўлмасин нигоҳларим билан Оқсаройни излайман. У баъзан дарахтлар, иморатлар панасида кўзга ташланмайди. Шундоқ қаршимда пайдо бўлиб қолганда эса беихтиёр бошим қуйи эгилади. Менга унинг ҳозирги ҳолати қароқчилар қўлига тушиб, бор бисотидан айрилган кишини эслатади.

Тарих китобларида эса Оқсаройни тўлиб-тошиб таърифлашган. Соҳибқирон зафарли юришлари билан Чиғатой улусини олдинги чегараларида бирлаштиргач, туғилган шаҳрида олий иморат қуришга фармон берди: «Бизнинг мазкур иморатимизда мингта хона бўлсин, уларнинг безатилиши бири-бирига ўхшамасин. Баландлиги эса осмон гумбази билан рақобатлашсин...» Шундан кейин Самарқанду Бухоро, Балху Урганчдан, Бағдоду Шероздан энг яхши меъморлар тўпланди, жой танланиб, қурилиш бошланган. Унга 50 минг киши сафарбар этилди, Бадахшондан лаъл, Кобулистондан нефрит, Китобдан мрамор келтирилди, саройни тиклаш учун 20 йилдан кўпроқ вақт талаб қилинди. У битгач, кўрганлар ҳали Шарқда бундай гўзал иморат бунёд этилмаганини эътироф этишди. Ҳа, буюк жаҳонгир волидаи муҳтарамалари Такинабегим Моҳ шарафига тиклаган бино ўз таровати билан ягона эди.

Оқсаройни ўз кўзи билан кўрган испан сайёҳи Руи Гонзалес уни ҳайрат билан таърифлайди. Ифодаларидан ўзи ҳам қониқмай: «Бу сарой шунчалик бетимсолки, уни батафсил акс эттириш учун айланиб кўришга бир ой ҳам етмайди. Оқсарой подшоҳ Темур ҳозиргача қурдирган биноларнинг энг яхшисидир», деб эътироф этади. Ундаги хоналар ва айвонлар бир-бирига ўхшамаганидек, ташқи кўриниши ҳам ўзига хос бўлган. Қуръон оятлари жимжимадор нақш этилиб, такрорланмас санъат яратилган, бундан ташқари, «Султон Оллоҳнинг ердаги соясидир» деган гапнинг ҳар бир ҳарфи отдаги чавандознинг бўйича катталиқда олтин суви билан ёзилган. Бу олий иморатнинг пештоқига эса машҳур «Куч-қудратимиз ва шон-шуҳратимизга шубҳаланганлар иморатларимизга қарасинлар

(Ман шакка валоятина ва кароматина фа анзар ила иморатина)» деган ишончнома дарж этилган.

Кейинчалик олиб борилган археологик қазишмалар туфайли тағзаминнинг ўрганилиши саройнинг тўрт мажмуадан иборат бўлганини кўрсатмоқда: кириш қисми, девон, хосхоналар ва тантаналар зали.

Тепасида ҳовуз бўлган, унга Тахтиқорача дово-нидан қувурлар билан сув келтирилган, ҳовлида эса фаввора отилиб турган. Унинг ҳовузи ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шу парчани кўриб ҳам Оқсаройнинг гўзаллигини тасаввур қилиш мумкин. Шитоб билан тепага отилиб турган фаввора камалак ҳосил қилишдан ташқари қуёш нурида деворлар акси билан қўшилишиб, бетимсол чирой кашф қилган. Ҳовуз ва фавворанинг сатҳи доим бир хил турган.

Ана шу кошона бошидан қанчалар сиру синоатларни ўтказиб, бизгача унинг кичкина бир қисми етиб келди. Уни тўпдан ўққа тутганлари, бузиб, ғиштини олиш учун умумхалқ ҳашарлари уюштирганлари одамларнинг ёдида. Ҳатто деворларини безаб турган гулдор ғиштлар бошқа ёдгорликларни таъмирлаш учун атайлаб қўпориб олинган. Фақат дунёдаги маърифатпарвар кучларнинг саъй-ҳаракатлари билан Амир Темурнинг юрти сифатида Шаҳрисабз жаҳон сайёҳлик тизимига киритилгач, муносабат бироз ўзгарди.

Шубҳасиз, Оқсаройнинг ҳозирги юпун ҳолати ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Ҳар бир ватанпарвар киши унинг тикланишини, дастлабки ҳолига келтирилишини хоҳлайди. Бу – катта вазифа, келажакда удаланиши мумкин бўлган юмуш. Ҳозир эса гап бошқа ёқда.

Боболаримиз бу олий иморатни барпо этишди, неча йиллар у дилларни лол қилиб, дунёнинг мўъжизаларидан бири сифатида ўз бунёдкорлари ақлий тафаккурини кўз- кўз қилиб турди. Кейин душманлар уни ғорат қилишди, одамзод бир гўзалликдан маҳрум бўлди. Биз эса худди ярадор қўшиқни тинглагандек, унинг қолдиқлари олдида мулзам бўлиб, бошимизни эгамиз. Бир-бирининг дийдоридан маҳрум бўлган икки пештоқ нажот кўзларини тикаётгандек, тобора йўқлик қаърига чўкаётгандек туюлади кишига.

Аслида ҳам менинг бу мулоҳазаларим соғинчли кўнгил ифодаси эмас, балки бор гап. Одамзод қўли билан вайрон этилган кошона қолдиқларини табиат ҳам аямай кемирмоқда. Бу ҳақда Халқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Қобул Абдурашидов шундай дейди:

– Минг афсуски, биз энди эс-хушимизни таниб, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо меросни қадрлай бошлаганимизда, қодир табиатнинг ўзи шафқатсиз ҳукмини аллақачон ўқиб қўйган экан. Табиат устидан қилинаётган ҳар бир тантана инсоният учун қанчалик қимматга тушаётганини ўтмиш меъморий обидаларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда архитектура санъатининг ноёб дурдоналари ҳисобланган тарихий ёдгорликлар емирилиш, ёрилиш, қулаш арафасида турибди. Оқсарой аркида геолог ва гидролог мутахассислар томонидан қазиштекшириш ишлари олиб борилганда, бу фикримизни далилловчи яна бир аччиқ ҳақиқатга дуч келдик. Маҳобатли Оқсарой қолдиқлари пойдеворига ер ости суви ниҳоятда яқинлашиб қолибди. Бундан 15 йил бурунги текшириш ишларида эса ер ости сувининг кўтарилиш хавфи ҳақида ҳеч қандай фикрлар юри-

тилмаганди. – Олим келтирган бошқа далиллар ҳам анча ташвишли: – Устига-устак сарой аркининг жанубий пештоқи кун сайин оғиб, нураб боряпти. Бизнинг кузатишларимиз тасдиқлайдики, пештоқнинг ёриғи 67 сантиметргача кенгайиб, 74 метр баландликдаги обида чўкиб, ўпирилиб, ҳозир 38 метрга тушиб қолган.

– Демак, вазият тезда чоралар кўришни тақозо этади. Шу ўринда бу йилги юбилей муносабати билан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари айни муддао бўляптими?

– Бундай ёндашув бир воқеани эсга солади, – дейди Қобул Абдурашидов сўзини давом эттириб, – 70-йилларда Самарқанддаги Тиллакори мадрасасини таъмирлашга киришилди. Унинг гумбазини тиклаш учун катта маблағ, куч сарфланди, лекин кутилган натижага эришилмади. Аксинча, мадрасанинг чўкиши тезлашди. Негаки, обиданинг тарҳи, техник ҳолати, тебраниши ва юк кўтариш қуввати аниқланмасдан туриб, унинг тепасига қарийб 600 тоннагача темир-бетон ҳамда қурилиш ашёлари чиқарилганди. Бунинг қанчалик қимматга тушганини кўпчилик унутмаган бўлса керак.

Тошкент қурилиш-архитектура институти кафедре мудири, «Қурилишларнинг сейсмик бардошлилиги сифати ва уни оширишни ўрганиш» лабораториясининг мудири Қобул Абдурашидовнинг мулоҳазалари илмий изохланганлиги билан кишини ишонтиради. Олимнинг ташвиши ҳам бежиз эмас. Маълум бўлишича, республикамизда иншоотлар конструкцияси ва тарҳини ўрганиш, уларнинг «умрини узайтириш» муаммолари билан шуғулланувчи ўнлаб фан докторлари мавжуд экан. Бироқ уларнинг бошини кўшиб, илмий изланишла-

рини мувофиқлаштириб турувчи бирон марказ тузилмаган. Ҳолбуки, ҳудудида нодир тарихий обидалар сон-саноксиз бўлган юртимизда мутахассис олимларнинг фикри жуда зарур.

Албатта, барча масалаларга янгича ёндашувлар қарор топаётган, тарихимизни ўрганишга жиддий киришилган шароитда баъзи ҳолатлар тўғриланади, мақбул ечимларга келинади. Аммо вақт кутиб турмайди. Зудлик билан кўрилиши керак бўлган чораларни кечиктириш қимматга тушиши мумкин. Шу ўринда суҳбатдошимнинг Оқсаройни сақлаб қолиш билан боғлиқ, умуман, тиклаш-таъмирлаш ишларида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

– Аввало, палапартиш иш олиб бораётган таъмирлаш-тиклаш гуруҳлари фаолиятини бир нуқтага бирлаштириш тарафдориман, – дейди Қобул Абдурашидов. – Тўғри, бундай гуруҳлар озми-кўпми иш қиляпти. Уларнинг фидокорликларини ҳар жиҳатдан қадрласа арзийди, лекин масаланинг энг асосий томонига аҳамият беришмаяпти. Ҳар қандай тарихий ёдгорликни қайта таъмирлашдан олдин, албатта, унинг муҳандислик тарҳи, техник ҳолати, ёрилиш-оғиш тезлиги, юк кўтариш ва тебраниш кучи чуқур ўрганилиши зарур. Ана шундан сўнг қурилиш имкониятларидан келиб чиқиб, конструкцияни яратиш мумкин. Агар шундай қилинса, аминманки, саъй-ҳаракатлар зое кетмайди. Бунинг учун, назаримда, унча кўп маблағ ҳам, ишчи кучи ҳам сарф қилинмайди. Ҳаммаси илмий асосланган, пухта ўйланган режа бўйича силлиққина бажарилади.

Мамлакатимизда ёдгорликларнинг муҳандислик таҳлили, техник ҳолатини аниқлаш ва асбоблар би-

лан кузатиш оқибатида уларни сақлаб қолиш билан бирга олдиндан ички мустаҳкамлиги, иншоотнинг қаерида қандай «касал» борлигини башорат қилиш мумкин. Манбаларни чуқур таҳлил қилиш, архив ҳужжатларини ўрганиш ҳамда архитектура ёдгорликларида олиб борилаётган кузатишлардан олинган хулоса шундай: ёдгорликларнинг архитектура, археология, тарих, санъатшунослик соҳалари чуқур ўрганилган бўлиб, конструктив ва муҳандислик масалалари ўрганилмаган. Ахир асосий юк кўтарувчи иншоотнинг мустаҳкамлиги, асрлар оша яшаши конструкциясига боғлиқ-ку!

Қобул Абдурашидов тиклаш-таъмирлаш ишларида ҳар бир ҳаракат чуқур ўйланган, илмий асосланган бўлиши тарафдори. У халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб, конструкция соҳасида йирик мутахассис саналган италиялик профессор Л. Кроче, профессор Мустафо Эрдин (Туркия), Алфео Тонеллотто (Франция) сингари ҳамкасбларининг фикрлари билан танишиб, ёдгорликларни сақлаб қолиш чораларини изламоқда. Шунингдек, у Оқсаройни ҳозирги ҳолатида таъмирлаш юзасидан ўз дастури мавжудлигини маълум қилди. Бу дастур босқичма-босқич амалга ошириладиган мукамал режа бўлиб, арк пештоқининг оғишини тўхтатибгина қолмай, унинг мустаҳкамлигини тиклаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

– «Оқсарой аркининг ёрилиб, оғиб бораётган 1300 тонналик қисмини тик турган 11000 тонналик асосий бўлагига қўшиб, махсус қотишмалар орқали беркитиб, пайвандлаб қўйиш, менинг назаримда, кўп куч ва меҳнат талаб қилмайди», – дейди Қобул Абдурашидов ишонч билан.

Албатта, бу фикрларга мутахассислар ўз муносабатини билдиради. Нима бўлганда ҳам аждодла-

римиздан қолган табаррук ёдгорлик боқий турса, деймиз. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида 40 мингдан ортиқ тарихий-меъморий обидалар бор экан, энди улар 10 мингтага тушиб қолибди. Шулардан атиги 434 таси ЮНЕСКО ҳисобида экан. Оқсарой – буюк бобокалонимиз шавкатининг меъморий ифодаси, шу азиз зот хотираси сингари абадий яшаб қолмоғи лозим.

1996 йил, февраль.

МАХСУС ҚОМУСГА ЭҲТИЁЖ БОР

Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш юзасидан қилинаётган ишлар кундан-кунга янги-ча суръат касб этипти. Албатта, ўтган вақтни қайтариб бўлмаганидек, ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларни бор бўй-басти билан тиклашнинг ҳам имкони йўқ. Бунинг бизга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган томонлари кўп. Масалан, Амир Темур ҳақидаги китобларда воқеаларнинг хилма-хил талқинларига дуч келамизки, бу ҳол Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли, унинг авлод-аждодлари, тарихий шахслар, жуғрофий номлар талқинида жуда кўп учрайди. Ҳатто Амир Темур ҳаётидаги муҳим воқеалар изоҳида ҳам турли-туманлик мавжуд. Бу ҳолни табиий деб қараш мумкин. Аммо ҳақиқат мезони фақат битта, тарихий ҳодиса эса ана шу мезонга мос келиши шарт.

Масаланинг худди ана шу томонларини ҳисобга олган ҳолда буюк саркарда, илм-фан ва санъат ҳомийси Амир Темур ҳаётини тўла қамраб олган маълумотларга суяниб битилиши керак бўлган му-

каммал қомусий китобга эҳтиёж туғилаётганини таъкидлаш жоиз.

Турли манбаларни кўздан кечиришдан шундай фикрга келиш мумкинки, ҳали Амир Темурнинг тўла таржимаи ҳоли ёзилмаган. Тўғри, бобокалон ҳақида жуда кўп маълумотлар бизгача етиб келган, бироқ улар ҳар хил қўлёзма, босма китобларда сочилиб ётибди. Шунингдек, уларнинг ҳаммасини ҳақиқатга мос ва ишончли деб ҳам бўлмайди. Бу ўринда муаллифнинг шахсий муносабатига кўп нарса боғлиқ экани шак-шубҳасиз. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар қандай мафкурадан ҳоли туриб, қарийб 70 йиллик ҳаёт мазмунини бир ипга тизиш шарт. Бунда, эҳтимол, битта рақамнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ўнлаб китобларни титиш керакдир.

Соҳибқироннинг авлод-аждоди ва оилавий шажараси юзасидан ҳам баҳсли фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, бир муаллиф Темур завжаси сифатида Яккабоғ бегининг қизи Норчучик оқани эсласа, бошқаси бу исмни ҳатто тилга олмайди. Ёки Соҳибқироннинг Музаффарийлар авлодига мансуб бўлган Шоҳ Мансурга муносабати, Тўхтамишхоннинг қисмати ёхуд олим Ибн Халдун билан мусоҳабалари ва бошқа ўринлар турли кўринишларда акс эттирилган. Буларга шунчаки бадийий тўқима деб қараш тўғри эмас, тарихий мавзудаги бадийийлик, ҳаёт ҳақиқатини ўзгартириб акс эттириш ижод одобига зид ҳолат экани хусусида, умуман, тарихий асарда тўқиманинг меъёри тўғрисида олимлар жуда кўп ёзишган. Уларда юқоридаги ўхшаш ҳолатлар инкор этилган.

Қомуснинг ушбу бўлимида Темур ва Темурийлар шажараси шу кунгача изчил акс этса, нур устига аъло нур бўларди.

Маълумки, буюк бобокалонимизнинг шавкатли ҳаёти жуда кўплаб тарихий шахслар даврасида кечди. Булар «Тузук»ларда таърифланган 12 тоифа вакиллари – амирлар, баҳодирлар, олимлар, элчилар, сарой аъёнлари, оддий халқ вакиллари эди. Олайлик, амир Ҳожи Сайфуддин ёки Шайх Нуриддин, Жоку барлос ёки Бердибек ҳаётнинг аччиқ-чучукларини жаҳонгир билан дастлабки дақиқаларданоқ бирга тоттишди. Улар турли даражада Темурнинг эъзозига сазовор бўлдилар, меҳрини қозондилар, маслаҳатлар бердилар – улуғ салтанатнинг узоқ йиллар пойдор бўлишига ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бирининг қаҳрамонлиги алоҳида асарларга мавзу бўлиши мумкин, лекин улуғ тўй муносабати билан исмлари ва қисқача маълумотни бугунги авлод билиб қўйса, бу ўтмиш ҳақидаги тасаввурларимизнинг янада бойишига хизмат қиларди.

Ўша давр ўлчовлари билан баҳолаганда, жаҳонгир Амир Темур кўплаб давлатни бир туғ остига бирлаштирди. Бу улкан салтанат Осиё, Европа, Африка қитъасининг поёнсиз ҳудудларида ястаниб ётарди. Гарчи дарёлар, тоғлар ўз жойида собит турган бўлса-да, давр ўтиши билан жой номлари, чегаралар бир неча марта ўзгарди. Олти асрлик муддат давомида мамлакатлар, шаҳарлар, қалъа-ю қўрғонлар янги-янги тарих билан бойиди. Бу ўзгаришларни бобокалоннинг зафарли юришлари билан боғлаб изоҳлаш, шарҳ битиш, ўша вақт ва ҳозирги кунлардаги хариталарни илова қилиш мавҳум тасаввурни ойдинлаштиради, шу билан бирга бугунги тарихий жараёнларни тушунишга хизмат қилади. Қолаверса, бу тайёр илмнинг ўзи.

Шубҳасиз, Амир Темур ва унинг авлодлари фаолияти шулар билангина чегараланмайди, бу ум-

моннинг уфқи ниҳоятда кенг. Ҳеч бўлмаганда яна асосий тарихий воқеалар (масалан, «Лой жанги», «Мордин қалъасининг олиними»), ҳарбий юришлар (уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик), ўша даврда барпо қилинган боғлар, иншоотлар, олий бинолар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳаммани қизиқтиради. Ибн Арабшоҳ китобида Темур саройидаги мусиқашунослар, фикҳ олимлари, мунажжимлар ҳақида жуда аниқ ва қизиқарли фикрлар билдирилади. Булар ҳам бир ипга тизилиши лозим. Ёки Темур ва Темурийлар ҳақидаги асарлар библиографияси, бу соҳа билан шуғулланган олимлар ҳаётининг ўзи катта бир мавзу. Хуллас, қомусда Амир Темур фаолиятининг барча йўналишлари қамраб олинмиши керак.

Албатта, мулоҳаза тариқасидаги бу фикрларни рўёбга чиқариш бирданига бўлмайди. Аслида эса бу юмушни уйдлаш учун маънавий асосга тамаал тоши аллақачон қўйилган. Шунингдек, етарли илмий, техник, полиграфик ва асқотадиган бошқа салоҳиятлар мавжуд. Қомусни бир жамоага уюшган, забардаст олимлардан тузилган махсус таҳририят нашрга тайёрлаши мумкин. Мабодо, бунга эришилса, халқимиз маънавий хазинаси яна бир нодир бойлик билан тўлган бўларди.

* * *

Академик Бўрибой Аҳмедов фикри: – Қомус нашр этишнинг ўзига хос нозик ва масъулиятли жиҳатлари кўп. Танланган соҳа ёки мавзу юзасидан маълумотлар ҳаммага тушунарли тилда, лўнда ва мукамал баён қилинган бундай китоблар кўпчиликнинг, асосан, олимлар жамоасининг меҳнат маҳсулидир. Қомуслар шартли равишда «Кат-

та», «Кичик» турларга бўлинган, алоҳида йўналишда (масалан, уй-рўзгор ёки бола тарбияси бўйича), шунингдек, маълум фан соҳалари (табобат, адабиёт-шунослик), шаҳарлар тарихи юзасидан чоп этилган. Қомусчилик фаолиятининг маълум йўналишини ҳам ташкил этган илм аҳлининг шундай вакиллари борки, улар бутун умрини шу соҳага бағишлаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Брокгауз – Ефрон тузган мукаммал луғат фидойиликнинг намунаси, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам қомус нашр этиш борасида етарлича тажриба тўпланган. 14 жилддан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси» ва алоҳида фан соҳалари юзасидан чиқарилган луғатлар ана шу тажриба маҳсулидир. Тўғри, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятини оммавий ўрганиш ва бу маълумотларни халққа етказиш ҳар томонлама ишончли ва мукаммал манба бўлишини тақозо этади. Аслида ҳам Темур ва Темурийлар даври ҳақида салмоқли қомусий асарлар яратиш ҳам фарз, ҳам қарз. Мабодо, мазкур мавзуда махсус қомус тартиб берилса, бу маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўларди. Негаки, дунёда бу зоти шарифдек кенг кўламли тарихий шахс ўтмаганидек, ҳозирча алоҳида сиймо фаолияти юзасидан қомус тузиш ҳам кам учрайди. Агар бу юмуш уддаланса ва унинг бошқа тилларга таржимаси ҳам таъминланса, халқимизнинг ҳозирги даврдаги салоҳиятининг яна бир намунаси, бой тарихий меросга дахлдорлигининг амалий исботи сифатида эътироф этилиши шубҳасиз.

Бу салмоқли ишга фаннинг барча соҳа мутахассисларини жалб этиш лозим. Олайлик, қарийб беш аср ер юзида барқарор яшаб турган салтанатда таъ-

лим қай тартибда йўлга қўйилгани ёки солиқ тизими каби давлатни бошқаришнинг энг кичик унсурлари ҳақида маълумот беришга тўғри келади. Ёхуд нашрнинг ҳаммага бир хил тушунарли бўлиши, фактларнинг ниҳоятда тўғрилиги ва бошқа талаблар ҳам анчагина масъулият юклайди. Албатта, бундай кенг кўламли юмушни тезда охирига етказиш қийин, бироқ бу хайрли иш «Амир Темур йили»да бошланса, яқин икки-уч йилда поёнига етиши мумкин.

Олимларимизнинг илмий салоҳияти, тўпланган тажриба, техник жиҳатлар бўйича етарли базамиз мавжудлиги «Соҳибқирон Амир Темур қомуси»ни тузиб, нашр этиш имконини беради.

1996 йил, май





ҚАЛБ ВА ҚАНОТЛАР

Туронзамин бағридан кўплаб буюк зотлар етишиб чиққан. Хусусан, Султон Жалолиддин ва Амир Темур ҳақида ўйлаганда, кишининг кўз олдидан ҳаётнинг турли ҳикматлари кинолентадай ўтаверади. Зеро, бу икки инсон таржимаи ҳолида тирикликнинг жами синоатлари, одам боласи кечирishi мумкин бўлган барча кушойиш ва оройишлар, табиатда мавжуд, илмий тилда Homo sapiens деб аталувчи энг мукаммал икки оёқли жонзотнинг нималарга чидаши-ю, нималарга қодирлиги, хуллас, ер юлдузининг ноль нуқтасидан чексизликкача бўлган ўлчами мужассамлашган, десак, хато бўлмайди. Шубҳасиз, бундай теран мазмунни, худди таёқнинг икки учини бир қўлда ушлаб бўлмаганидек, ягона қамровда тутиб бўлмайди. Бинобарин, аслида ҳам шундай, бу икки шавкатли аждодимиз ҳақида неча юз йиллардан буён неча юз саҳифали тарихлар ёзиб келинмоқда. Бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз эса Турон осмонининг мазкур икки ёруғ юлдузини ёнма-ён тасаввур қилиб, улар ҳаётидаги муштарак жиҳатларни таққослаб, шу орқали зеҳнимизни ёритиш, унутилаёзган ва ҳамон ғуборлардан тўлиқ покланмаган қадриятларимизни ёдга олиб, бугун дунёга «Мустақил Ўзбекистон» номи билан дадил танилаётган юртнинг ўтмиши ҳам, тарихи ҳам, демак, келажаги ҳам ягоналиги, яхлитлигини яна бир бора эсга солишдир. Озод юртимиз туғросида акс этган Хумо тимсоли эртақлардаги афсонавий қушдан олинмаган, балки унинг қалби, ўнг ва чап

қанотлари аждодлар тарихининг чигириқдан ўтган чўнг мазмунини ифодалаб турибди.

Гўдакликдаги номлари Жалолиддин (бобоси Жалолиддин Отсиз шарафига) ва Темур (Қуръони каримдаги «Мулк» сураси, 16-оятдан) бўлган боболаримизнинг туғилиш санасида 139 йил фарқ бор. Жалолиддин Урганчда дунёга келди, унинг отаси Аловиддин Муҳаммад 1077 йилдан ҳукмдорлик қилиб келаётган Хоразмшоҳларнинг еттинчи вакили эди. Онаси Ойчечак қайнатаси, ўша пайтда тахт соҳиби (1193–1200 йиллар) Аловиддин Текиш истагига мос равишда тўнғич набирани ҳадя этганди. Шаҳрисабзда таваллуд топган Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай улуснинг обрўли бекларидан бўлиб, диндор ва маърифатли киши эди. Онаси Такина хотун Бухоро шариат қозиси Убайдуллоҳ Маҳмуд ал-Маҳбубийнинг қизи эди. Жалолиддиннинг туғилишини табриклаб, шайх Нажмиддин Кубро дуолар қилган бўлса, Темурга шайх Шамсиддин Кулол исм қўйиб, ёруғ иқбол тилаганди.

Даврининг нуфузли, баланд мартабали оилаларида кўз очган шахзода ва бекзода болалик ва ўсмирлик йилларини тўқис муҳитда ўтказганлари, замонасининг таниқли кишиларидан сабоқ олиб, ҳарб илмида ҳам, маърифатда ҳам баркамол даражага етганлари тарих китобларида ишончли қайд этилган. Улар тийнатидаги жисмоний устунлик қилич чопиш, найза улоқтириш, мерганлик сингари жанговар машғулотларда тенгсиз бўлишларини таъминлаган, уларнинг зуваласида аввалбошиданоқ буюк саркардалик салоҳияти камол топаётган эди. Ишончли манбаларда Жалолиддин ҳам, Темурбек ҳам икки қўлда икки қилич билан баравар чопишгани, бундай маҳорат камдан-кам ҳарбийларга насиб этиши таъкидлаб ўтилган.

Улар улғайиб, сафга киргач, замоннинг оғриқли саволларига рўпара келдилар. Бири издиҳом (бу шароитни юмшоққина қилиб «маърака» ҳам деб аташ мумкин)нинг бошида турди ва, ниҳоят, кейингиси босиб келган тун зулматини парчалаб, ватанни озодликка олиб чиқди – Султон Жалолоддин бошлаган оламшумул юмушни Амир Темур охирига етказди.

Султон Жалолоддин тарих саҳнасига чиққанда шарқдан қўзғалган бало чумоли галаларидек Хоразмшоҳлар салтанатини пайҳон қилиб келар, бу бухронни тўхтатадиган куч майдонда йўқ, шоншухратдан боши айланган ҳукмдорлар жиловни қўлдан қочирган эди. Жалолоддин тақдирнинг барча зарбаларига чидаб, ҳам ички ёв билан, ҳам ташқи душман билан муросасиз курашди. Босқинчиларга қарши муҳорибасининг энг чўққисива шафқатсизи – Синд дарёсининг Нилоб кечуви яқинида толеъ унга бир кулиб боққанди. Жасорат билан душманнинг темирдан ҳам мустаҳкам мудофаасини ёриб борди, Чингизхонга қилич сирпаб, белига арқон ташлаб, судраб жўнади. Фақат қисмат қиличи арқонни кесиб юборди, Чингизхон омон қолди. Лекин занғар голиб бўлгач, шафқатсиз қасос олди...

Амир Темур камолга етган паллада Чингизийлар авлодидан бошлиқлар ўзгарган, бироқ зулм, истибдод бурунгидай қолган, балки баттар кучайган эди. Ўша пайтда Мовароуннаҳрни идора қилиб турган Туғлуқ Темур Чиғатой улусини бошқарган Чингизхоннинг олтинчи авлоди эди. Темур вазиятни чамалаб, фурсат келишини кутиб, унинг хизматига боради. Худди шу йили у Жалолоддин сўнгги бор Чингизхон билан тўқнашган ва дарёдан ўтиб кетган ёшда эди. Тарихдаги эврилишни қарангки, ёвга қарши бир қасоскор ўйиндан чиқди ва ордан 139 йил ўтиб, ўша ёшда яна ўша завол топган

мақсадини байроқ қилиб, қасос ўти билан пайдо бўлди. Бу тасодифларда қандайдир ички мантиқ борга ўхшайди ва у ўз ҳақиқати билан Султон Жалолиддин ва Амир Темурнинг ягона воқелик эканини, ягона халқ армонларининг ибтидоси ва интиҳоси – зулмга қарши курашнинг бошланиши ва охирга етказилишидаги икки нуқталигини тасдиқлаб турибди. Ҳақиқатан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши қоронғулик тугаб, ёруғлик бошлангани аломати эди. Султон Жалолиддин вафот этганига 139 йил тўлгач, Амир Темур унинг орзусини рўёбга чиқарди. Мовароуннаҳрда туркийлар давлатини тиклади (1370 йил).

Соҳибқирон Амир Темур, кейинчалик Темурийлар ҳукмронлиги даври миллатнинг, ватаннинг барча орзулари амалга ошган йиллар бўлганини бугунги хулосалар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бу давр мўғуллар истилоси туфайли узилиб қолган ва яна тикланган (бугунги истилоҳ билан айтганда) ўзбек давлатчилигининг қад ростлаши ва изчил давом этиши даври бўлди. Амир Темур бир пайтлар Хоразмшоҳларнинг ҳам пойтахти бўлган Самарқандни ўз давлатининг маркази сифатида танлади. Соҳибқирон салтанати даврида Хоразм воҳасининг мавқеи юксалди, юрт обод бўлиб, гуллаб яшнади. Амир Темурнинг бу ҳудудга алоҳида эътиборини шундан ҳам билса бўладики, Хоразм тўғридан-тўғри марказий бошқарувга қараган ва хазинадан маблағ ажратилганда пойтахт билан тенг мавқеда турган. Хоразм маликаси Хонзодахонимнинг тўнғич келин сифатида танланишида ҳам айрича меҳр уфуриб турибди.

Айни шу ўринда фикрдаги бир стереотипга муносабат билдириб кетишга тўғри келади. Кўпчилик Амир Темур Кўхна Урганч қалъасини вайрон

қилган, деган фикрга ортиқча урғу беради. Бугунги маълумот даражасида мазкур қарашга батафсил изоҳ бериш мумкин (негаки, тарихимизда оқ доғлар бўлмаслиги лозим)!

Маълумки, Амир Темур Самарқанд тахтига ўтирганда Хоразмда Сўфийлар авлоди ҳукмронлик қиларди. Улар мўғулларни Худосидек кўрар, уларга сажда қиларди. Шу кайфият таъсирида кўп қутқуларни юзага келтирдилар, Амир Темур беш марта Хоразмга келиб, музокаралар олиб борди, лекин улар бузғунчиликларни авж олдиравердилар. Ана шундай шароитда қатъий чора кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Қолаверса, Кўҳна Урганч қалъасининг бузилиши Соҳибқироннинг суронли юришлари масшабига солиб кўрилса, оддий воқеа бўлиб қолади. 1367 йилда Қарши, 1370 йилда Балх қалъаларига ҳам ҳарбий мақсад нуқтаи назаридан зарба урилган эди. Кўҳна Урганч қалъаси орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аҳвол ўнгангач, олдингисидан ҳам баланд ва мустаҳкам қилиб қайта тикланган. Бу воқеага урғу бериб кўпиртирилишининг сабабини қидириб, узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Бу иғвони шўро мафкурачилари ўйлаб топган ва халқни бўлиб ташлашнинг бир усули сифатида қўллаган. Аслида ким Султон Жалолиддинни ҳурмат қилса, Амир Темурни ҳам яхши кўради, негаки, бу икки улуғ зот бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмайдиган ҳодисадир.

Ҳақиқатан, қарийб бир ярим аср давом этган мўғиллар истилоси ва босқинчиларга қарши эрк кураши тарихини чамалаб кўрсак, йўллар бир неча жойда кесишганини, лашкар бир кўприқдан бир неча марта ўтганини ҳис қилиш қийин эмас. Чунки топталган замин нажот кутар, унинг шер йигитлари майдонда от суриб, истибдоддан қутилиш йўлини

излашарди. Гўёки улкан сахнада ҳарбий ҳаракатлар давом этар, сахна кўринишлари, томоша иштирокчилари ўзгариб турса-да, моҳият битта эди: ватан озодлиги! Демак, ўз-ўзидан воқеаларнинг такрорланиши кузатилади. Султон Жалолоддиннинг изи қолган манзиллардан эрк истагида ёниб Амир Темур ҳам ўтган.

Мана, бир мисол.

Амир Темур Ҳиндистон сафари давомида (1398 йил) Синд дарёси қирғоқларига яқинлашиб боради. Бу ҳақда тарихчи Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади: «Соҳибқирон... Бонудин кўчуб, жумъа куни муҳаррам ойининг саккизинда (20.09.) Синд суйига етиб тушди. Ва ўшул ердаким, Султон Жалолоддин Хоразмшоҳ Чингиздин қочиб ўзини сувгаташлаб эрди, Чингизхон сувдин ўтмай қайтди, Соҳибқироннинг чодирини анда тиктилар». Бу жой ўша таҳликали 1221 йил 23 ноябрь куни Чингизхон аскарлари Жалолоддинга етиб олган ва мурасасиз жанг бўлган Нилоб кечуви эди. Шу жойда уч кун ҳаёт-мамот кураши давом этади, кучлар тенг бўлмаган жангда Жалолоддин қўлга тушмай, дарёдан ўтиб кетади. Бу музаффар тарих, Чингизхондай тошюрак инсонни ҳам ҳайратга солган жасорат Амир Темурга маълум бўлмаслиги мумкин эмас эди. Узоқ аждоди, қолаверса, салафи (маслаги бир ўтмишдоши)нинг тақдирида ўчмас нуқта бўлиб қолган қирғоққа яқинлашар экан, Соҳибқирон бобомиз қандай кайфиятни кечирган, билмадик, лекин шу ўринда ўз дастхатини қолдиришга аҳд қилганини тарихчи шундай ифодалайди: «Ва ҳукм бўлдиким, «Синд суйига кўфрук боғласунлар!» Бу қарор Жалолоддинга нажот берган сўқмоқдан авлодларга кенг йўл очилгани таъминланганига ишора эмасми?! «Ҳукм била Соҳибқироннинг

черики икки кунда кўфрук боғладилар». Лашкарга яна икки кун дам берилади, албатта, хотирлаш тадбирлари ўтказилгандир ва Соҳибқирон шу ерда бир қанча элчиларни қабул қилади. 24 сентябрда янги кўприкдан ўтиб, лашкар чўлга етиб боради. «Ва ул чўл асру йироқ чўл турур ва ани Жалолоий чўли дерлар, ул сабабдинким, Султон Жалолоиддин Хоразмшоҳ Чингизхондин қутилиб, сувдин кечиб, бу чўлга кириб халос бўлди», деб ёзилади Муҳаммад Али Бухорий таржима қилган «Зафарнома»да. Шунингдек, ҳазрат Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтишда ҳам бу жойда тўхтаб (1399 йил 10 март), ўз ҳурматини изҳор этади: «Соҳибқирон келиб, кўфрукдин ўтуб, тушгача анда тушуб ўлтурди».

Неча юз йиллар олдин воқе бўлган бу саъй-ҳаракатлар орадаги вақт масофасини енгиб, бизга сассиз-садосиз гўзал тарихни сўзлайди. Табиатида қаҳрамонлик ва жасоратни қадрлаш ҳисси бўлган, ўзи ҳам қаҳрамонлик ва жасоратда тенгсиз зот умрнинг шиддатли лаҳзаларига гувоҳ бўлган заминда туриб, балки ўтган кунларни, озодликнинг машаққатли йўлларини кўз олдидан ўтказгандир, балки ўз аждодининг аянчли қисматини эслаб, умр мазмунини тарозига қўйгандир, бироқ бир нарса аниқки, ўша лаҳзаларда Соҳибқироннинг тафаккурида ва тасаввурида Жалолоиддин тимсоли пайдо бўлган, у билан хаёлан учрашган, балки бу дийдорлашув ўзаро розирозлик кайфиятида ўтгандир, балки Султон ўз халафи (ўринбосар авлоди) Амирга Турон заминининг шуҳратини янада юксалтириш йўлида истакларини изҳор қилгандир... Нима бўлганда ҳам шундай руҳдаги мулоқот бўлиб ўтганига кишининг ишонгиси келади. Зеро, Амир Темур тузган салтанат теран илдизга асосланган эди, унда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна

сингари Туронзаминнинг шерюрак баҳодирлари орзу қилган эрк ва озодлик руҳи мужассам эди. Ана шундай руҳ амалда пароканда бўлиб кетган давлатнинг тимсолига айланган Султон Жалолиддинга ўн йиллар давомида куч бериб турди ва у озодлик йўлида сўнги нафасигача курашди. У 33 йил умр кўрди. Ўз мақсади йўлида қаттиқ жидду жаҳд қилган бўлса-да, унга толеъ кулиб боқмади. Балки Салжуқийлар билан зиддияти, ўз қондошлари билан тил топиша олмагани уни номурод этгандир. Соҳибқирон Амир Темур эса бу таҳликали кунларга чек қўя олди. Ватанни озод этиб, унда 35 йил музаффарона ҳукмронлик қилди, шу даврда 27 мамлакатни бирлаштириб, улкан салтанат яратди. Бобомиз асослаган давлат қарийб олти аср тарих саҳнасида собит турди...

Ҳа, Синд дарёси, ундаги Нилоб кечуви (гузари) икки буюк саркарданинг мангу хотирасига ўхшайди. Кейинчалик бу йўллардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрди.

Инсон болаларига кўпда насиб этавермайдиган фазилат эгаси – Эрк ва Озодликка қалби ташна бўлган Бобур ўз истаги йўлида «Ҳинд сари юзланар» экан, бу юртнинг қай бир гўшаларида ёвқур ватандошларининг изи қолганини биларди. Ўзининг машҳур асари – «Бобурнома»да турли муносабат билан Синд дарёси (суйи)ни 15 ўринда қайд этиб ўтади: «Синд суйининг уч гузаридан ўтиб, бу йўллар била келурлар. Нилоб гузаридин ўтганлар», «Синд суйини ёқалаб, сув қуйига боқа кўчулди», «Қобул суви била Синд сувининг қотилишидин қуйироқ кўҳна Нилобдин юққорроқ...», «Карк... Синд суви жангалларида... қалин бўлур» каби ва бир рубой:

*Юз шукр де, Бобурки, кариму ғаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.*

*Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор.*

Ҳам шукрона, ҳам изтироб ифодаланган бу рубоий Бобурнинг Ватан согинчи ила ёзилган дардли шеърларидан бир намуна, Бобур ўз ижоди, ватанпарварлиги билан халқимизники, озод юртимизникидир. Бу ҳуқуқни бизга ажодларимиз минг йиллар оша орзу қилиб келган Мустақиллик хатлаб берди. Истиқлол кўплаб қадриятлар қатори халқимизнинг буюк фарзандлари қадрини жойига қўйди. Агар бир замонлар уларнинг номини тилга олиш ҳам тақиқланган бўлса, мустақил юртда уларга муҳташам ҳайкаллар тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги халқаро доирада кенг нишонланди.

Ватан озодлигидек буюк ҳикмат кўплаб шарафли ажодларимиз қатори тақдири бир-бирига анча ўхшаб кетадиган бу уч нафар бобомизнинг бошини ҳам бир жойга қовуштирди. Яна уларнинг чамбарчас барҳаёт руҳи озод юртимиз ҳудудларини ҳам ягона жисм сингари бирлаштириб турганга ўхшайди: агар Жалолиддин Мангуберди ғарбий ҳудудларимиз рамзи бўлса, Бобур Мирзо шахсида шарқий вилоятларимиз мужассамлашган, Соҳибқирон Амир Темур эса бу яхлит асарнинг қалбини ташкил этади.

Мустақил юртимиз гербида Ҳумо қуши акс этган. Бу жуда чуқур маънога эга. Агар мен расом бўлсайдим, шундай бир улкан полотно яратган бўлардим. Унда Ҳумо қуши тасвири узоқдан кўриниб турар, унинг бағрида – бир қанотида Султон Жалолиддин, иккинчи қанотида Заҳириддин

Муҳаммад Бобур ва, албатта, ўртада Соҳибқирон Амир Темур жой оларди. Ва, шубҳасиз, бу манзарани мустақил юртимиз – Ўзбекистон харитаси беаб турарди. Эҳтимол, бу сурат тарих, бугун ва келажакнинг энг мукаммал ифодаси бўларди.

2008 йил, март-апрель.

ИККИ КЎЗГУ

1. СОҲИБҚИРОН ШАРАФЛАГАН ШАҲАР

Тарихда буюк ҳақиқатлар ёнма-ён яшайди. Бугун дунё нигоҳида турган азим Тошкентнинг ўтмишини кўз олдимизга келтирсак, унда Соҳибқирон Амир Темур таржимаи ҳоли билан вобаста кўплаб ўринларга гувоҳ бўламиз. Азалдан, инчунин, XIV – XV асрларда ҳам Мовароуннаҳр ҳаётида муҳим стратегик нуқта бўлиб келган Чоч – Шош – Тошкент билан мустақил давлат тузиш йўлида ўн йиллар жадал курашган саркарда, худди шунингдек, босқинчиларни бартараф этиб, халқнинг қаддини кўтарган, жаҳондорлик фаолиятини давом эттириб, ер юзининг 27 мамлакатини бир байроқ остида бирлаштирган буюк давлат арбоби фаолияти билан муҳим қарвон йўллари чорраҳасида жойлашган, замонавий тамаддун унсурларини бутун бўй-басти билан ўзида мужассамлаштирган йирик мегаполис тараққиётини бир-биридан ажратиб, тасаввур қилиш мантиқсизлик бўларди. Амир Темур турли вазият ва сабаблар тазйиқи, баъзан кўнгил хоҳиши билан бу табаррук остонани кўп бора тавоф қилган. Дунё чопқини ҳатто икки қондош ўртасига ғулу солганда, уни тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган жўмард шу заминдан топилди. Ҳарбий сало-

ҳиятини намоёиш этишни вазият тақозо қилган шароитда унинг кенгликлари навқирон лашкарбошига муҳориба майдони бўлди. Жони оғриб, сиҳати ёмонлашганда унинг нажоткор фуқароси захмига малҳам қўйди. Йил фаслларини азбаройи тароватидан тўйиброқ баҳраманд бўлиш учун унинг бағрида ойларни ўтказди. Қудрати кўҳна оламни лол қолдириб, унинг тинчликбахш ташрифини дунёнинг қай бир безовта нуқтаси кутаётганида, шаҳарнинг сарҳадларида юз минглаб мукамал қуролланган лашкарни тўплаб, ҳаёт-мамот курашига отланди. Хуллас, шундай таъбир қилиш мумкинки, Соҳибқирон улуг мақсадларни юрагида жойлаган шижоатли йигит бўлса, Тошкент унга камол тилаб дуо қилган мўътабар пирлардан бири эди.

Бобокалонимиз шонли ҳаётининг кўплаб нурафшон лаҳзалари Ўзбекистоннинг бугунги шавкатли пойтахти билан боғлиқлигини ўша замон муаррихлари ҳам, кейинги давр тадқиқотчилар ҳам кўп ва хўб таъкидлаганлар. Эндиликда муаззам Шарқда ўз салоҳияти билан алоҳида балқиб турган шаҳарнинг 2200 ёши халқаро миқёсда кенг нишонланадиган паллада тарихнинг бу табаррук лаҳзаларини ёдлаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги замондошларимиз илк бора Тошкентни қай йўсин тавоф қилганларини кундаликларида батафсил қайд этиб қўйгандирлар, бироқ Соҳибқироннинг биринчи марта бу заминга қачон қадам босганини аниқ айтиш, ҳатто башорат қилиш қийин. Шуниси маълумки, Мовароуннаҳр ҳудуди бир неча бекликларга бўлиниб кетган ўша пайтларда 24 ёшли навқирон йигит ўз мақсади йўлида Тошкент ҳокими Хизр ясовурийни ҳамкорликка чақирган, уларнинг бирлашган қўшини Амударёдан ўтиб, Ҳусайн (Темурбекнинг қайнағаси)га ёрдамга

борган эди. Мақсад ҳосил бўлгач, сафардан қайтиб, ҳам биринчи зафар, ҳам тошкентлик меҳмон шарафига Кеш яқинидаги Улуғмайдон деган жойда (ҳозир Ҳожимайдон қишлоғи бор) зиёфат уюштирилганди. Албатта, бу ҳамкорлик бирдан юзага келмаган, шунгача Темурбек Хизр ясовурий, демак, Тошкент билан ҳам яқиндан танишишга улгурган, деб тахминлаш мумкин. Икки бекнинг бундай ҳамкорлиги кейинроқ ҳокимият васвасаси душманга айлантирган амаки – Ҳожи барлоснинг қаршилигини бартараф этишда ҳам асқотади. Қийин шароитда «Туғишгандан тутинган афзал» деган ақида исботини топади.

Замон бевафо, тож-тахт муаллақ эди. Бугунги дўстнинг бир думалаб душманга айланиб қолиши ҳеч нарса эмас эди олатасир дунёда. Ана шундай қийин ва бетайин шароитда Темурбек нажот изларди. Бу пайтда мўғиллар хавфи ҳали батамом бартараф бўлмаган, фақат ички низоларнинг авж олганлиги туфайли чингизий ҳукмдорларнинг боши гангиб қолганди. Ниҳоят, ўн йилдан ошган осойишталик даври тугайди ва 1361 йил баҳорида Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга юзланади. Энди вазият ўзгарган, майдонга янги кучлар чиққан эди. Жумладан, маҳаллий беклар ўртасида яхшигина мавқе қозонишга улгурган Темурбек билан ҳам мўғуллар ҳисоблашишга мажбур бўладилар ва уни сипоҳсолор (қўшин бошлиғи) лавозимига тайинлайдилар.

Орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтади. Беқарор дунё яна баттар ўзгаради. Ички аҳвол мўғул ҳукмдорларни яна қайтиб кетишга мажбур қилган, бу ёқда эса икки қўчқор – Темурбек ва Ҳусайннинг боши бир қозонга қайнамай, амалда икки ҳокимиятчилик юзага келган эди. Рамзий чегара – Амударё. Ана шундай шароитда 1364 йил қишни Те-

мурбек Тошкентда ўтказади. Албатта, бу муқимлик шимолий чегарадаги йирик марказ сифатида шаҳарнинг мудофаа қувватларини кучайтириш, шарқдан келиши муқаррар бўлган хавфга тўсиқ ҳозирлаш, атроф-теваракни назардан ўтказиш каби мақсадлар билан ҳамоҳанг эди.

Мўғулларнинг Жетадан келиши билан боғлиқ йирик воқеа – «Лой жанги» (1365 йил 22 май) тафсилоти кўпчиликка маълум. Темурбек назорат қилиб турган ҳудудда – Чиноз яқинида содир бўлган бу муҳорабада Ҳусайн атайлаб фаоллик кўрсатмаган.

1368 йилда Соҳибқирон Тошкентда уюштирган бир ойлик тўй тантаналарининг тафсилоти га муфассалроқ тўхталишга тўғри келади. Хутталон ҳокими Кайхусрав укаси Қайқуботнинг хуни учун Ҳусайн билан ёвлашиб қолган эди (ўз вақтида Ҳусайн амакиси амир Абдулло учун ўч олганди). Унинг мўғул аслзодаларидан туғилган қизи Робия хоникани Темурбек тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзога сўраган эди. Тўй шу муносабат билан ташкил этилганди. Шуниси борки, бу никоҳ амалга ошмаган. Сабаби эса олис ўтмиш ғуборлари аро мавҳум бўлиб қолган.

Ҳаёт жангу жадаллар билан давом этар эди. Ҳар бир жумбоққа ечим топиш, кутилаётган саодатли айём – юрт мустақиллигини таъминлашнинг таянч нуқталарини қидириш, уларни қувватлантириш лозим эди. Шу маъракалар суронида амир Ҳусайн чинакам бош оғриқ бўлди: на гапга кўнади, на тизгинни топширади. У Балхда муаззам қалъа тиклашга киришди. Темурбек шу билан андармон бўлиб қолар, деган илинжда ёрдамга шошилди. Бироқ мўғулларнинг навбатдаги ҳукмдори Қамариддиннинг Тошкентни босгани хабари тарқалди. Темурбек амир Мусони ёнига олиб, чегара

сари яшиндек қўзғалди ва оёғини ерга теккизмай ёвни ҳайдаб чиқарди. Ватан меҳри билан ёнган шунқор учун икки дунё бир қадам эди.

Шундан кейинги воқеалар бутунлай бошқа ўзанларда давом этди. Тақдир Соҳибқиронга кулиб боқди, у 1370 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида тан олинди. Бу эътироф узоқ вақт кутилган орзуларнинг мустажоб бўлиши билан бирга улкан юмушларнинг бошланиши эди. Хароб бўлган мамлакатни тиклаш, асрлар оша томир отиб кетган кек ва адоват, ўзаро низоларга чек қўйиш, миллатни бир туғ остида бирлаштириш лозим эди. Шу мақсадда Соҳибқирон ўн-йигирма йиллар давомида шарқу ғарб, шимолу жануб орасида чарх урди. Ана шу кезишлари давомида Тошкент ҳам унга бир неча марта эшикларини очгандир, унинг безовта қалбига ором ва қувват бўлгандир.

Соҳибқирон тузган давлат чегаралари дастлабки йилларда Дашти Қипчоқ билан шимолда Сайрам, Сигноқ, Ясси шаҳарларидан ўтарди. Жуғрофий жиҳатдан Тошкент салтанат ҳудудидаги энг йирик ва таянч чегара шаҳарларидан бири эди. Яшил водийлар, тараққий этаётган аҳоли масканларидан бепоён чўлларга чиқиб кетаётган ва чексиз саҳролар бағридаги карвон йўлларида серсув ва барокатли гуллаган воҳага кириб келаётган йўлчилар Тошкентда, албатта, тўхташарди. Ана шундай муҳим марказнинг тараққийси янги давлат меъморининг диққат марказида турмаслиги мумкин эмас эди. Ўша йилларда унинг мудофаа қуввати бир неча баробар ошгани, дарвозалари яна ҳам мустаҳкамлангани, хунармандчилик, савдо-сотик ривожлангани бор гап. Айниқса, машҳур Чоч камонининг довуғи яна ҳам ошгани айни ҳақиқат. Шу билан бирга шаҳар Соҳибқирон сафарлари давомидаги қўналға, жид-

дий ҳарбий юришларига бошмайдон, ободончилик ва бунёдкорлик марказларидан бири бўлиб қолаверди.

Бобокалонимиз таржимаи ҳолида инсон зоти кечириши мумкин бўлган жами сир-синоатлар мужассамлашган. Шунданми, мана, етти асрдирки, афкор омманинг бу зоти шариф ҳаётига қизиқиши сусаймайди. Ҳазратга кутилмаган жойдан ғойибона кўмак келар ва деярли мумкин бўлмаган қийин шароитлардан чиқиб кетарди. Билъакс, бундай кутилмаган илтифотлар ёмонлик мақсадида ҳам бўлар, Соҳибқирон бу тузоқлардан ҳам омон қоларди. Жумладан, чингизий хонзодалардан Тўхтамиш билан шундай бўлганди. Ўғли мақомида тутган кўрнамак бир неча марта унинг салтанатига тиф кўтариб келган, тинч аҳолини босиб, шаҳарларни талаган, вайрон қилган эди. Бу нобакор билан ҳисоб-китоб қилиш фурсати етган, уни пайсалга солиб бўлмасди. Шарқий чегаралар осойишталигини таъминлаб, Мўғулистон ҳудудларидан қайтган Амир Темур катта қўшин билан шимолга юришга азим этди. Лашкаргоҳ сифатида Тошкент танланди. Ўшанда 200 минг аскар жамланган ва 1391 йилнинг 19 январида қўшин Тошкентдан чиқиб, Тўхтамишни излаб, йўлга тушган эди. Тарихдан бу издиҳом Соҳибқирон фаолиятидаги энг оғир, шу билан бирга шонли муҳораба сифатида маълум. Қарийб олти ой давомида турли иқлим ва табиий шароитда кечган сафар чинакам ҳаёт-мамот юриши бўлган, қиш қаҳратони-ю ёз жазирамаси, тубсиз саҳро, тоғ ва ботқоқликлардан ўтган йўл азоби, сувсизлик ёки баъзан озиқ-овқат танқислиги сингари синовлар Соҳибқирон салоҳиятини чинакамага кўрикдан ўтказган (ахир 200 минг кишининг тирикчилигини таъминлаш, уларни йўлга солиш

ўзи бўладими, ҳолбуки, бир одам 3–4 одам фитнесининг қурбони бўлиб кетиши мумкин), ҳар ҳолда ҳаммаси бахайр бўлган, муаззам Тошкентнинг руҳи мададкор бўлиб, қўшин зафар билан қайтган эди. Қундузча мавзеида қўлга киритилган бу тарихий ғалаба фақат Русни эмас, бутун Европани зир титратиб турган даҳшатли кучнинг тиззасини букди, қуёшини ботишга оғдирди.

1397 йил. Соҳибқироннинг хаёлида Хитойга юриш чарх урарди. Бу муҳорабанинг даҳшати хаёлда ҳам юракни орзиқтирарди. Бутун ҳарбий, иқтисодий, қолаверса, руҳий салоҳиятни сафарбар этиш талаб қилинарди бу оламшумул сафарга. Ана шундай масъулиятли юмушга қўл уришдан олдин Самарқандда ободончилик ишларига авж бағишлаб, рамазон ойини ота юрти Шаҳрисабзда ўтказиб, кузда Тошкентга ташриф буюрилади. Албатта, ўшанда бобокалонимиз кечирган туйғуни башорат қилиш қийин, бироқ шу келиш асносида амалга оширган ишларни санаб, ўшандаги кайфиятни тасаввур қилиш мумкин. Аввало, Шоҳрухия шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишилди, сўнгра Занги ота (Ойхўжа Тошхўжа ўғли) қабри устига мақбара тиклаш амр этилди. Ясси шаҳрида эса Аҳмад Ясавий хотирасига улкан мажмуа бунёд этишга киришилди. Ўткинчи дунё ташвишларини охират олдида синов деб билган буюк ҳукмдор замон кун тартибига қўйган мислсиз салмоқли юмушларга киришишдан олдин борлиқда ўз сўзини шу тахлид айтган эди. Кейинчалик инсон иродасига бўйсунмас кучлар режаларга ўз таҳририни киритди. Дастлаб Ҳиндистонга боришга мажбур бўлинди. Сўнгра эса вазият тақозоси билан жанубий-ғарбга йўналган издиҳом бошланди. Бу қарийб етти йил давом этди. Яна Хитой масаласи қўзғалганда улкан ва мислсиз

лашкарнинг сўл қаноти (жавонғор) Туркистон ва Сабронда, ўнг қаноти (баронғор) Тошкентда макон топган эди..

Хуллас, Соҳибқирон Амир Темур тарихи ҳақида гап кетганда, турли ёқимли муносабат билан Тошкент номи кўп бора тилга олинади. Пойтахтимиз замини ҳам бобомиз қадам изларини сақлаб келмоқда. Шаҳарни турли йилларда кўплаб Темурий шаҳзодалар бошқардилар, улар ҳам Тошкентнинг гуллаб-яшнашини таъминладилар. Шаҳардаги анчагина тарихий обидалар уларнинг номи билан боғлиқ.

...Ниҳоят, истиқлолимизнинг иккинчи йили пойтахтимизда Соҳибқирон ҳайкали қад ростлади. Ҳайкалнинг очилиши муносабати билан сўзлаган нутқларида Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бутун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди». Бу тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, миллатнинг ўз тарихига эҳтироми рамзи эди. Зеро, «Мамлакатимиз марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улўф бобокаланимиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар».

2. ОШУФТА ДИЛЛАР МАСКАНИ

Одамлар сингари шаҳарларнинг ҳам таржимаи ҳоли бўлганидек, ўзига хос қиёфаси, табиати, ҳатто феъл-атвори ҳам мавжуддир. Шунданми, уларни «Тинчлик шаҳри», «Гуллар...», «Банклар...», «Опера...», «Фестиваллар шаҳри» сингари қўшимча номлар билан атайдилар. Ер юзида яна шундай шаҳарлар борки, азбаройи тарихида ўчмас воқеалар кўп рўй берганидан ҳар қандай таърифга

сиғмайди. Уларни фақат ўз номи билан атагандагина ҳамма ҳақиқатлар яхлит намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, Тошкент ана шундай шарафланадиган шаҳарлар жумласига киради.

«Кундалик»дан: 197... йил 28 июль. Уйдан кўнгилга жуда катта ниятни жо қилиб чиққанмиз. Узоқ-яқинга доврўғи кетган, тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб қолган Тошкентга бормоқчимиз, унинг сўлим хиёбонлари, боғ ва кўчаларини сайр этмоқчимиз, тошкентлик ошпазлар тайёрлаган овқатлардан татиб кўрмоқчимиз. Кўплаб фан даҳолари яшаётган шаҳарда бўлиш, улар билан бир ҳаводан нафас олиш, неча буюклар ўтган замин тупроғига оёқ босиш қандай катта бахт, қандай ажойиб саодат!

Саҳар туриб ҳозирландик. Аммо машина кутиш кўп бемаза иш, қани эди ишимиз юришиб, тезроқ автостанцияга бора қолсак. Шаҳрисабздан Тошкентга бир марта автобус бўлар экан, соат 8 да. Қайрағоч деган чекка қишлоқда бир ярим соат машина кутиб қолдик. То етиб боргунимизча автобус ўтиб кетибди. Жуда алам қилди. Соат 5 дан турибмиз-а. Шу куни меҳмонхонада тунаб қолдик.

Автостанцияга тонг саҳарда бориб олиб, 8 гача кутдик. Яна автобус йўқ. Бугун бўлмас экан. Энди Самарқанд орқали кетишдан бошқа илож қолмаган эди. Ўн яримда Самарқандда бўлдик. Билет олиб, бир соатдан кейин жўнадик. Йўлимиз Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Жиззах каби янги шаҳарлардан ўтар эди. Мен улар ҳақида китоблардан ўқиган эдим, мана, энди ўзларини кўриш бахтига муяссар бўлдим. Шаҳарлар ташқи кўриниши билан ҳам, қурилиш услуби билан ҳам бир-бирига ўхшайди. Зотан, уларни бунёд этган кишилар ҳам бир хил тақдир, бир хил мақсад билан яшайди.

Қарийб уч минг йиллик узоқ масофани бир қур сарҳисоб қилсак, бу тарих саҳифаларида жангу жадаллар сурони аро бир шаҳарнинг тикланиши, ривожланиш босқичларида қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришнинг гуллаб яшнаши ва шу баробарида савдо йўллари кесишган нуқтада йирик маданий марказнинг қад ростлаши жараёни кўз олдимизга келади. Бу тараққиёт турли муносабатлар силсиласида муттасил давом этди ва ниҳоят унга улкан мамлакатнинг бош шаҳри бўлиш шарафи насиб қилди. Шаҳарнинг узоқ тарихида 1991 йил 31 август санаси алоҳида қайд қилинишга арзийди. Шу кун унинг бағрида бир неча юз йиллик армонларнинг ижобати сифатида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди.

Бу қайдлар бугун Тошкент ҳақида аксарият кўпчилик биладиган маълум ҳақиқатлар. Дунёдаги катта шаҳарлар рўйхатида у шунга ўхшаш умумий тавсифлар билан дарж этилса-да, Тошкентни биладиган ҳар бир инсон қалбида унинг бир-бирига ўхшамаган алоҳида сурати яшайди. Бу суратларнинг умумийлиги шундаки, шубҳасиз, уларнинг ҳаммасида ёқимли таассуротлар мужассамлашган.

«Кундалик»дан: Автобус маршрути жуда узоқ, кун жуда иссиқ, лекин ҳеч зерикаш, чарчаш бўлмади. Учраган ҳар бир одам, кўринган ҳар бир манзара мен учун янгилик. Йўл бўйларида яшил пахтазорларни, ғалласи ҳозиргина йиғиштириб олинган экинзорларни, боғларни, ошхона-ю истироҳатгоҳларни кўриш мумкин. Достонларда куйланган Зарафшон дарёси устидан ўтдик. Сангзар шундоқ йўлимиз ёнидан оқар экан. Ғаллаорол экинзорлари бўйлаб мавжланиб ётган дарё узоқ масофагача кўзимизни

қувонтириб, йўлимизни салқин қилиб турди. Асфальт ва темир-бетон йўллардан, кўтармалар остидан ўтиб, машҳур Тошкент отчопари ёнидан кечқурун 6 лар чамаси шаҳарга кириб келдик. Автовокзал жуда катта жой экан, лекин қатъий тартиб ҳукмрон. Радиодан қандай маршрутга қайси йўлакдан нечанчи автобус жўнаши тинимсиз эълон қилиб турилибди. Ҳозиргина майдонга сув сеппилган, салқин, одам кўп. Азим Тошкент шаҳрида кўрган биринчи манзарам шу бўлди.

* * *

Ҳа, бу шаҳарга яхши ният билан келган ҳамма му-родига етган, у ўзига тавоф қилган, сиғинганларни фарзанди сифатида ардоқлаган. Шундай жойлар, масканлар борки, у ерларга одамлар бадарға қилинади. Тупроғига қадам босган ҳар зотни эъзозлаш, унинг қалбида ёқимли хотиралар қолдиришнинг ўзи мислсиз саховат. Тошкент ана шундай ҳимматга қодир шаҳар, десак муболаға эмас. Бу эътироф котибнинг қайсидир матбуот нашрлари ёки тарих китобларидан ўқиб олган сабоқлари эмас, балки ўз таржимаи ҳолида кечириб, атрофида рўй бераётган воқеликни кузатиб, яқиндан билган одамлари шахсий ҳаётини таҳлил қилиб, чиқарган хулосаларидир.

«Кундалик»дан: Шундай қилиб, Тошкент тупроғида миз. Эрталаб нонушта ҳам қилмай, шаҳар қучоғига шошилдик. 9-трамвай билан «Россия» меҳмонхонаси бекатигача бордик. Ер ости йўлидан ўтиб, меҳмонхона ёни билан бир кўчадан пиёда кетдик. Жуда ажойиб манзаралар. Ҳамма ерда яшиллик, фонтанчалардан сув зарралари буғ каби пориллаб чиқиб турибди. Ўртада гулзор, икки томондан қатнов йўли. Йўлнинг айрим жойлари тахталар би-

лан тўсилиб, «М» деб ёзиб қўйилибди. Бу жойларда метро қурилиши бормоқда.

Ниҳоят, марказий универмаг олдидан чиқиб қолдик... Бу ердан 13-трамвай билан кетдик. Оқшом «Пахтакор» стадионига бордик. Одамлар оқимига қўшилиб, стадион минбарлари томон кетар эканмиз, ўзимни катта денгизга тушиб қолгандек ҳис этардим. Қуйида яшил майдон кўринди. Бу ер мен ўша телевизорда ахён-ахёнда кўрадиган футбол жанггоҳи эди. Қўшиқ янграрди. («Пахтакор» – «Динамо»(Тбилиси) ўйинида 2:1 ҳисоби қайд қилинган). Тошкент қўйнидаги биринчи кун мароқли ўтди. Фақат ошхоналарда европача таомлар. На илож...

* * *

Турмуш ташвишлари ичида йўқолиб, Яратган бахш этган яшаш ҳуқуқини қарзга топшириб, беному нишон ўтиши мумкин бўлган ёки ҳаёт сўқмоқларида қаттиқ зарбага учраб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум қилинган қанчалаб тақдир жабрдийдаларига нажот бўлган бу шаҳар. Чекка қишлоқда кундалик маъракага ҳам таклиф қилинишгача эътибор қозона олмаган зотларга раҳбарлик рутбасини муяссар кўрган, уни шу даражагача тарбиялаган, улғайтира олган мураббий замин у. Турли ҳудудларда туғилиб, тақдир учраштираган кишиларни муқаддас оилага бирлаштириб, томир отиб, уларга бир умр ёнма-ён яшаб қолиш бахтини инъом этган дийдор манзили у. Полапон орзуларга қанот бериб, уларни парвозга йўллаган ва мақсад кенгликларида ёруғ нуқталарни муяссар этган саховатли даргоҳ у. Ҳа, табаррук бу заминнинг энг оламшумул миссияси, бизнингча, қалби улкан ниятлар билан лиммо-лим бўлган минглаб эмас, ҳатто миллионлаб

ёшларни бағрида асраб, уларнинг иштиёқини алангалатгани, юксак марраларни забт этишида елкасини тутиб берганида бўлса, ажаб эмас. Бугун ўзбек миллати номидан дунё сахнида сўз айтиб турган вакилларимизнинг юз фоизи таржимаи ҳоли Тошкент билан боғлангани шубҳасиз бўлса керак.

Албатта, бу эътирофлар республикамиздаги бошқа шаҳарлар обрўси, тарихи ва бугунги кунига соя ташламайди. Халқимизда «Ўнта бўлса, ўрни бошқа», деган пурҳикмат гап бор. Шаҳарларимизнинг бирида қарор топган гўзал турмуш тарзи бошқасида ўзгачароқ намоён бўлади, бирининг қиёфаси бошқасига ўхшамайди. Бундай бетакрорлик, хилма-хиллик Ўзбекистон деб аталган ягона тожни турли жавоҳирлар билан безайди. Халқимизнинг қудрати, теранлиги шунда. Нафсиламрини айтганда эса ана шу улуғворликнинг барчаси Тошкентда мужассамлашган, чунки бу шаҳар юртимизнинг пойтахти, бош шаҳри. Пойтахт сифатида дунё тамаддунининг сўнгги намуналари, фантехника янгиликлари, илғор маданият нишонлари илк бора Тошкентда пайдо бўлади, хорижий мамлакатлар элчихоналари шу ерда жойлашган, унга чет эллардан мартабали меҳмонлар ташриф буюради. Мамлакат Президенти ва ҳукумат аъзолари пойтахтда яшаб, фаолият кўрсатадилар.

«Ватан остонадан бошланади», дейдилар. Тошкент – юртимизнинг остонаси, ҳаммамиз учун бош ҳарф билан ёзиладиган Ватаннинг бошланишидир. Ғуруримиз шундан, ифтихоримиз шу туфайли. Бу туйғу юртимизнинг олис-олис нуқталаригача етиб борган. Ҳамма жойда Тошкент ҳақида алоҳида меҳр, севги билан гапиришади. Тошкентдан келган ёки Тошкентга бориб келган кишилар бориб кўрилади, тавоф қилинади, унинг эсдаликлари жон қулоғи

билан тингланади. «Еган-ичганингиз ўзингизники, Тошкентда кўрган-эшитганларингиздан гапиринг», дейди отахонлар гурунг авжида лўлаболишни тир-сакка олиб. Тансиқ хотиралар эсланганда, «Тошкентга борган йилим» ёки «ўшандан икки йил кейин» тарзида мўлжал олинади. Ота-оналар суюкли фарзандларини ардоқлаб, «Тошкентжон» деб исм кўядилар. Имкон топса, далада кўкарган ўзбек Тошкентни бир кўришни орзу қилади, унга интилади, у томон шошади. Бу ҳавас қилса, ҳаммага юқтирса арзийдиган кайфият, зеро, ҳар бир ўзбек қавм учун унинг пойтахти мезбонликка тайёр, даргоҳи фуқаролари учун очик. Бинобарин, тобора гўзаллашаётган чиройида уларнинг ҳам улуши бор...

«Кундалик»дан: Кейингикунлардатахририятларда, музейларда бўлиб, мириқиб томоша қилдим. Бирдан сафарни яқунлаш нияти туғилди менда. Ҳамроҳлар қаршилиқ қилишмади, илтифот ҳам кўрсатишмади. Ҳа, шундай бўлди. Охири йўлга тушдим. Тошкент – Бухоро автобуси билан жўнадим. Мароқли саёҳат энди ортда қолди. Яна қанча кунлардан кейин тўғри келади бундай давр?!

* * *

...Яқинда ушбу хотираларни қайта назардан ўтказар эканман, ўшанда йиллар ўтиб бу шаҳарда ўқишимни, уйли-жойли бўлиб яшаб қолишимни ўйлаганмидим, деб мулоҳаза қиламан. Ҳар ҳолда бундай фикр хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган бўлса керак. Негаки, борига ризолик, пешонага ёзилгани шу экан, сингари тақдирга тан бериш кайфияти тўла устуворлик қилганди ўша йилларда. Фақат Қарши чўлининг кенгликлари қалбга парвоз иштиёқини солдими ёки ўқитувчиликда эришил-

ган жузъий ютуқлар ўзимга ишончни оширдими, Тошкент ишқи юракка тушди ва қўлдаги юздан бир имкониятдан фойдаланиб, унинг даргоҳига келдим. Ҳаётда нима мўъжизалар рўй бермас экан. Талабаликка қабул қилиниш, беш йиллик таҳсил заррача моненьликсиз ўтди. Мен Яратганнинг чинакам илтифотига сазовор бўлган эдим. Бундай масрурликдан тўлқинланиб, ўша йилларда шундай мисраларни қоғозга туширгандим:

*Тошкент мени ардоқлайди, ўз ўғлидек билади,
Бир кун олий мақсадимга у юзма-юз қилади.
Мўъжизага бой бу шаҳар чаманлари соз бирам,
Машҳур олим ёки шоир бунда учраган одам...*

1980 йил, ноябрь.

Ҳали кўи нарсалар аниқ бўлмаган кунларда Онажонимга ёзган шеърий хатимдаги бу мисралар келажак аъмолимни белгилаб берган экан.

Меҳнат фаолиятимни туғилган юртда бошлашга тўғри келди, бироқ Тошкент хаёли фикр-ўйимни бир зум тарк этмасди. Унга қайтишим ҳам заррача муаммоларсиз ҳал бўлди. Бир кунда яшаш жойидан рўйхатдан ўтиб, шу куни ишга қабул қилиндим. Мана, қарийб йигирма йилдирки, унинг фуқаролари сафидаман. Шу йиллар давомида бу табаррук шаҳарнинг корига қанчалик ярадим – билмайман, бироқ унинг менга кўрсатган илтифоти учун сидқидилдан, бутун имкониятимни ишга солиб, зиммамдаги вазифамни бажаришга интилганим рост. Қўлимдан келгани шу бўлди.

Бугун кўз олдимда ажойиб манзара намён бўлмоқда. Бундан ўттиз йиллар олдинги таассуротларни ҳозирги ҳаёт билан муқояса қилинса, қанчалик улкан ривожланиш босқичини ўтганимизни тасаввур қилиш қийин эмас. Вилоят

марказидан кунда бир марта (у ҳам доимий эмас) автобус қатнайдиган даврлар, бир хил қурилган уйлардан иборат шаҳарлар манзараси, яна бегона тилда муомала қилинган ва хорижийларга алоҳида илтифот кўрсатилган «пойтахт»да кўрганларимиз билан бугунги мустақил давлатнинг дунё нигоҳидаги бош кенти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу юксалиш Тошкентни ер юзидаги энг гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Пойтахтимиз кейинги йилларда чирой очиш билан бирга унинг имкониятлари ҳам ўсди. Мувофиқ равишда унинг меҳри ошуфта дилларни яна ҳам кучлироқ забт этди. Яқинда шундай манзарага гувоҳ бўлдим. Юбилей тантаналари тугагач, у одамлар кўзини шамғалат қилди-да, бино ортига ўтди. Ям-яшил майсани қўли билан тараб очди, бўз ерга манглайини босиб, тупроқни ўпди. Лаблари беихтиёр шивирларди: «Мендек кимсасиз, ёлғиз йигитни шу даражада улуғлаганинг учун тупроғингни ўпаман, Тошкент!». У етарлича эъзоз кўрганди. Зеро, эъзоз эъзозга лойиқ. Ҳа, ҳар бир қалбда Тошкентнинг бир-бирига ўхшамаган сурати, ишқи яшайди.

*Томчи гар уммонга дохил, томчида уммон зоҳирдир.
Уммонда томчи муттасил уммондек кучга қодирдир.*

*Интилар ҳар битта жилға баҳри уммонлар томон.
Ҳамма йўлчи, босган олға манзилга етмоғи гумон*

*Мен кўз очган кўҳна тупроқ беркинган тоғлар бағрида
Толёнинг рухсори ,бирок юз очди Тошкент шаҳрида..*

*Чўнг дуолар мустажобми, эш бўлдим уммонга мен.
Ҳам қўшалок кулди толеъ –етдим озод замонга мен.*

*Қалбим ифтихорга тўлса, бугун камолимга қараб.
Гар иқболим кулган бўлса, барига Тошкентдир сабаб.*

*Қанча урфону ободлик – бағрингдадир, азал Тошкент.
Барча ҳайрат, барча шодлик сенда қулди, гўзал Тошкент.*

Илҳом манбаи, бахт-иқбол каъбаси жонажон
Тошкентимиз камоли бундан ҳам сарбаланд бўла-
версин.

2009 йил, май – август.

БУЮК «ТУЗУК»

Тарихда ўчмас из қолдирган атоқли шахслар-
нинг мероси кўп қирралилиги билан ажралиб ту-
ради. Масалан, қомусий аллома Абу Райҳон Бе-
руний ҳақида гап кетганда, кўпинча бир таъриф
келтирилади: «Унинг фанда шуғулланган соҳасини
санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш
осонроқдир». Бундай кўп қирралиликни буюк дав-
лат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари фа-
олиятида ҳам кўриш мумкин.

Бобокалонимиз ҳақида гап кетганда, аксарият,
ул зотни умри жанг-жадалларда ўтган, от устида
ухлаб, от устида уйғонган саркарда сифатида та-
саввур қилишади. Ҳатто баъзи тарих китобларида
ғаразгўйлик билан дарж этилган «унинг илму маъ-
рифат, ободончилик билан шуғулланишга вақти
бўлмаган» сингари уйдирмаларга ҳам дуч кела-
миз. Ҳаётий далиллар эса бошқа ҳақиқатларни
тасдиқлаб турибди. Бобомиз нафақат ҳарбий сар-
карда, балки диний ва дунёвий илмларнинг зукко
билимдони, илм-фан ва санъат ҳомийси, шу билан
бирга кўрган-кечирганларини тафаккур элагидан
ўтказиб, теран хулосалар чиқарган мутафаккир
ҳам бўлганлар. Ҳазратнинг ўз таржимаи ҳолларини
қоғозга тушириб, тартиб берганлари ёки турли му-

носабатлар билан ёзилган битиклар ўз назарларида бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Бугунги кунда ҳам қўлдан қўйилмай ўқиладиган, ўз даврида дунё ҳукмдорларининг кутубхоналарини беэбаб турган «Темур тузуклари» эса фикримизнинг ёрқин далилидир.

«Тузуклар»нинг кўпроқ тарихга бағишланган биринчи қисмини «Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим» деган сўзлар хотималайди. Шу ва бошқа ишоралар китоб 1400 йилдан сўнг, аниқроғи, етти йиллик юриш асносида қоғозга туширилганини тасдиқлайди. Маълумки, шу йилларда Соҳибқирон кетма-кет беш қишни Қорабоғда ўтказган. Кавказ тоғлари бағридаги бу сўлим гўша бобомизда айрича меҳр уйғотганини таъкидлаш керак. Ана шу йиллар давомида бир неча муддат юришлардан холи, осойишта дамлар бўлганини солномалар кўрсатади. Жумладан, 1399 йил қишни, 1400 йил бошидан ёзгача (тахминан 6 ой), 1401 йил кузидан 1402 йил 12 мартгача (7 ой), 1403 йил кузидан 1404 йил мартгача (7 ой) – жами 25 ойлар чамаси Самарқанд қўшини, унинг олий ўрдуси муқим, оила-рўзғор, фуқаролик шароитларида яшаган. Демак, ана шу осойишта кунларда тинч фаолият билан шуғулланиш имконияти бор эди. Бу фаолиятнинг баъзи қирралари бунёдкорлик, ободончилик, олий анжуманлар тузиш, хорижий элчиларни қабул қилиш бўлгани маълум. Шубҳасиз, ана шу ранг-баранг юмушлар силсиласида ўтган умрни сарҳисоб қилиб, китоб тузиш (ёзиш)га ҳам навбат етгандир «Тузуклар»да шундай қайдга дуч келамиз: «Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим». Дарҳақиқат, салтанатда девони хос ва девони кабир мирзолари ҳар қандай катта-кичик ўзгаришларни махсус солномаларда қайд қилиб борганлар.

Албатта, ҳазратнинг ўзлари назардан ўтказган китобнинг бизгача етиб келиши алоҳида тадқиқот мавзуси. Шунинг билан айтиш керакки, «Темур тузуқлари» («Тузуқи Темурий»), «Темурнинг айтганлари» («Малфузоти Темурий»), «Темур хотиралари» («Воқеоти Темурий») сингари номлар билан юритилган бу асар дастлаб туркий тилда яратилган ва сўнгра форс ҳамда бошқа тилларга таржима қилинган. Унинг руҳи, унда воқеаларнинг акс этиши «Тузуқлар» шу ҳаёт ичида яшаган, унинг барча изтиробларини ўз қалбидан ўтказган одамнинг оригинал асари эканлигини кўрсатиб турибди. Бунинг баъзи кўчирмалар ҳам тасдиқлайди. «Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим» мақоласида ёзилади: «Ўша кеча жума эди, тонг отгунча Худодан мадат сўраб ухламай чиқдим. Тонг отгач, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланди. Юрагим бўшашиди. Тангри таолога ёлвориб, мени бу сарсонликдан қутқаришини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узоқдан бир тўп одам кўринди». Ўша таҳликали дамларни, ҳаётини гаровга тикиб, Оллоҳга таваккал қилиб, ватан озодлиги учун майдонга чиққан инсоннинг ички кечинмаларини фақат ўша одамгина бунчалик юракдан ҳис этиши мумкин. Парчанинг давоми билан танишсак, у бизни яна ҳам воқеаларнинг ичига олиб киради, ўша кунлар манзараси бутун моҳияти билан кўз олдимизда намён бўлади: «Кўзлари менга тушгани ҳаманоқ, ўзларидан кетаёзиб отдан тушдилар. Тизза уриб, узангимни ўпишди. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туғлуқхожанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопоним-

ни Тубак баҳодирга кийдирдим». (Асарни бадий салоҳиятига кўра ўзбек насрининг дастлабки намуналаридан, дейиш мумкин).

Шуни очик эътироф этиш жоизки, «Тузуклар» шунчаки саёҳатнома эмас, унга оламшумул шухрат олиб келган фазилат бошқа ёқда. Агар унинг пайдо бўлиш даврини кўз олдимизга келтирсак, катта тарих саҳнасида одамзот илк ибтидоий тартибларни такомилга етказиб, янги босқич (буни бадавийликдан маданийликка ёки қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан механизмларга ўтишга тайёрланиш)га кўтарилган пайт эди. Энди ҳарбий соҳада ҳам, давлат бошқарувида ҳам тартиблар эскираётган эди, яъни тараққиёт қуроли оломоннинг бетартиб сўқишиши ёки одамни тириклай терисини шилиб қўрқитиш сингари усулларни рад этган эди. Энди инсониятга янги мафкура, янги тизим керак эди. «Тузуклар» ана шундай эҳтиёжга лаббай деб, ҳозиржавоблик билан яратилган дастурлардан бирига ўхшайди.

Албатта, буюк кашфиётлар қандайдир буюртмалар асосида яратилмаганидек, муаллиф – ҳазрат Соҳибқирон мамлакатни идора қилишда ўз қарашларини тиқиштириш мақсадларида бу асарни яратмадилар, балки у зот кўтарилган юксаклик шунга изн берди. Шубҳасиз, бошқа бир тадқиқотчи дунё кутубхоналаридаги бор китобларни мутолаа қилиб, уларнинг маъзини чаққанида ҳам бундай ҳаётий қўлланмани ярата олмаган бўларди. «Тузуклар»га улуғворлик мавқеини, абадийлик тожини кейинги авлодлар унинг қоидаларини ўз фаолиятларида қўллаб, эътироф этганларидан кейин, нисор этдилар. Келажакнинг қуллуғи эса улкан салтанат яратган, янги цивилизациянинг пойдеворини қўйган мислсиз зотнинг чакмоқдек ақли билан шу хизматни эртан-

ги кун учун зарурлигини ҳис этганида ва тафаккурда айланиб юрган пурҳикмат сўзларни қоғозга тушириб, моддийлаштира олганида, уларга боқийлик мақомини ато этганидадир. Ҳолбуки, тарихда юз йиллар ҳукм сурган салтанатлардан эслашга ном ҳам қолмаган ҳоллар учрайди. «Тузуқлар» бобокалонимиз қолдирган мероснинг олтин тарозисида жуда катта салмоқни ташкил этади.

Энди «Тузуқлар»нинг қанчалик беназирлигини тўлиқроқ тасаввур этиш учун уни шу руҳдаги баъзи асарлар билан таққослаб, таҳлил қилайлик.

Мазкур асарнинг «Вазир тутиш тузуғи» бўлимида Соҳибқирон Маликшоҳ Салжуқий (ҳукмронлиги – 1072–92 йиллар) саройида вазирлик қилган Низомулмулкни ҳурмат билан тилга олади ва уни «ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди» деб эътироф этади. Салжуқийлар саройида 30 йил масъул вазифада ишлаган Абу Али Ҳасан Тусий – Низомулмулк (1018–92) Шарқда энг адолатли сарой хизматчиларидан бири сифатида тан олинган, унинг номи афсонаю ривоятларга қўшилиб кетган. Ана шу муътабар зот ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, «Сиёсатнома» (1091) китобини яратган. У эллик фаслдан иборат бўлиб, муаллиф бир фикрни маълум қилар экан, унинг исботи учун ўз тажрибасида кўрганлари шарҳи ва шарқона ҳикоят ҳамда ривоятларга мурожаат этади. Асарнинг «Давлат мушрифлари ва уларнинг маошлари ҳақида»ги фаслида ашрофларни таърифлаб, сўнгра «... улар ўз мартаба ва билимларига кўра маош олишлари зарур» деб таъкидланади. «Тузуқлар»да бу ҳолнинг яна ҳам аниқ манзарасини кўрамиз, яъни Амир Темур салтанатида ҳар бир хизматчига жуда аниқлик билан улуфа (маош) тайинланган эди. Масалан, «Сипоҳга улуфа бериш тузуғи»да белгиланган: «Баҳодирларнинг

маоши икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин қилинсин (оддий сипоҳийга минган оти баҳосича маош тайинланган. – Ҳ. С.). Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларидан ўн баробар ортик бўлсин. Юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлсин».

Ёки «Сиёсатнома»да «Подшоҳ ҳазратларининг надимлари ва яқин кишилари ҳақида» деган фаслда бу зотларга қўйиладиган талаблар умумий тарзда санаб ўтилади. «Тузуклар» да эса бундай талаблар жуда аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, салтанатда жуда муҳим мавқега эга вазир лавозимига тайинланадиган арбоблар ҳақида шундай дейилади: «Амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан тайинланишлари лозим: биринчиси – асиллик, тоза наслилик; иккинчиси – ақл-фаросатлилик; учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлиш; тўртинчиси – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик».

Албатта, «Сиёсатнома» ҳам, «Тузуклар» ҳам тафаккурнинг нодир маҳсуллари, одамзотни, жамиятни камолотга етказишни ният қилиб яратилган бебаҳо асарлар, уларнинг такрорланмас ўринлари, мавқелари мавжуд. Бири узоқ йиллар бир соҳада самарали фаолият кўрсатган давлат арбобининг шахсий кузатишлари маҳсули, ҳаётий тавсиялари бўлса, иккинчиси олимнинг фикрини амалиётда қўллаб, тажрибадан ўтказган буюк давлат арбобининг чиқарган хулосалари, фойдалари, тафаккурининг дурдоналаридир. Бу асарларни теран қиёсий ўрганиш уч юз-тўрт юз йил давомида давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлар, умуман, тафаккур қанчалик ва қандай тенденциялар асосида ўсганини тасаввур қилишга кўмаклашган бўларди.

Шубҳасиз, бундай ўрганишлар ғарб дунёқарашини мисолида олиб борилса ҳам янада комиллик касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ҳаёт кескин ислохотларни талаб қилиб турган паллада, орадан бир неча ўн йиллар ўтиб, Европада ҳам тафаккур уйғониши кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолни Италия маънавий муҳитида юзага келган кўтарилиш, адабиёт, санъат, меъморчиликдаги уйғониш нафаси фалсафада, давлатшуносликда яққол намоён бўлганида кузатиш мумкин. Шу йилларда Никколо ди Бернардо Маккиавеллининг «Хукмдор» (1513) асари дунёга келди.

Шоир, ёзувчи сифатида танилган Маккиавелли (1469–1527) узоқ йиллар Флоренция республикаси девонхонасида давлат котиби (1497–1512) бўлиб ишлади. У зиддиятли қарашлари билан жамиятдаги турли табақаларда турлича тассурот қолдирди. Мамлакат келажагини республика бошқарувида, деб билгани ҳолда абсолют монархияни тарғиб қилди. Бугун ҳам тилдан тушмай келаётган «Мақсад воситани оқлайди» ёки «Қаерда тинчликни хоҳласалар, ўша ерда урушга тайёргарлик кўриш лозим» сингари шиорлар унга тегишли бўлиб, унинг асарлари ўша даврда ҳам, ундан кейин ҳам қўлма-қўл ўқилган, ўзи мутафаккир сифатида катта шуҳрат қозонган. Албатта, шоҳ асари «Хукмдор» туфайли «Уйғониш даврининг давлатни бошқариш фалсафасини ишлаб чиққан биринчи мутафаккир» сифатида эътироф этилди, унга «Тафаккур ва маданиятнинг яратувчилик анъаналарини бирлаштирди» қабилида юксак баҳолар берилди, бироқ у илгари сурган ғоялар билан «Тузуклар»да улуғланган қарашлар ўртасида кескин фарқлар мавжуд.

Маккиавелли хукмдор-шаҳс билан хукмдор-хукмдорни бошқа-бошқа тасаввур этади. Масалан,

у «сахий ҳукмдор номини қозониш албатта яхши деб таъкидлайман. Бироқ билиб қўйиш лозимки, шундай номни қозониш учун сахийлик қилиш зарардир» деб ёзади. Бу гапнинг тагида нима маъно яширинганини тушуниш учун олимнинг зиддиятларга тўла қарашлар фалсафасини тўла ўрганишга тўғри келар балки. Коса тагидаги ним косани эсанинг яна ҳам йирикроқ маънисидан тушуниб олса бўлади: «Ҳукмдоряхши хислатларнинг эгаси бўлиши шарт эмас, бироқ шу хислатларнинг эгасидек овоза тарқатиши шарт. Яна бир қўшимча қилишга журъат этай: яхши хислатлар эгаси бўлиш ва ҳамиша уларга эътиқод қилиш – зарарли; лекин яхши хислатларга эгадек ном чиқариш ва унга амал қилмаслик – кони фойда».

Албатта, ғарбона муҳитда шаклланган, маслаги ҳам бутунлай фарқланувчи олимнинг қарашларини бутун моҳияти билан ҳис қилиш қийиндир, бироқ муаззам Шарқ фарзанди, олам ва одам тилсимотини ҳақ сўз билан баён этган, лафзни, субутни биринчи рақамли фазилат билган кишилар бу фикрлар билан муроса қила олмасликлари турган гап. Азалдан бизнинг аждодларимизда сиёсатда эмас, ҳатто ёш болага муносабатда ҳам қаллоблик қилмаслик урф бўлган. Шуниси борки, Маккиавеллининг қарашлари ўз вақтида танқидга учраган, маккиавеллизм олдиға ҳеч қандай мақсадни қўймайдиган бетайин фалсафа сифатида баҳоланган эди. Ажабланарли томони – ҳозирги бошқарув тизимида бундай ёндашув тарафдорлари мавжуд.

Бу фикрлардан бир асрдан ҳам ортиқроқ вақт олдин баён қилинган ва неча авлодлар шу ақидалар билан яшаган қарашларни кўз олдимизга келтирсак, аждодларимиз қанчалик олийжаноб ғояларни байроқ қилганларини, улар инсонни

ва инсонийликни на қадар юксак улуғлаганларини тасаввур қиламиз. Негаки, бугун эзгуликка ташна, жароҳатлардан титилиб кетган дунё шу эътиқодларга қайтаяпти. «Тузуқлар»да ҳукмдор – Соҳибқирон Амир Темур салтанатни ўз қўлида сақлаш учун амал қилган қоидалар шундай баён қилинган (қисқача): ўз сўзига эга бўлиш; адолатпешалик; буйруқ ва фармон беришда эркин бўлиш; қарорида қатъий туриш; ҳукми жорий этилиши даркор; эркини бериб қўймаслик; ҳар кимнинг сўзини эшитиш; шошмай, мулоҳаза билан иш тутиш; ҳайбатидан ҳамма ҳайиқсин; сўзида қатъий турсин(!); салтанатда ўрни ягона; мажлис аҳлидан огоҳ бўлсин.

Бу талаблар фақат Соҳибқироннинг ўзигагина хос қоидалар бўлмаган, балки ҳудудларда ҳукмронликка тайинланган фарзандлари ва бошқа аҳли ҳашамлар учун ҳам дастуруламал ҳисобланган. Демак, бу салтанатда марказнинг тоталитар сиёсати эмас, билъақс, куйида эркин фикр ва қатъий амалга асосланган бошқарув тизими қарор топганини тасдиқлайди. Бундай муҳит эса етакчи шахс беш йил, ҳатто етти йиллаб сафар ҳолатида юрганида ҳам пойтахтда ёки давлатнинг бошқа ҳудудларида сиёсий бухронлар, силкинишлар зоҳир бўлмаганини таъминлаган. Шунингдек, бу бошқарувнинг синовларга бардошлилиги туфайли юз йил давомида Хуросон ва Мавороуннаҳрда мутлақ тинчлик ҳукмрон бўлди. Юз йил қисқа давр эмас, бу фурсатда авлодлар уч-тўрт марта янгиланади.

* * *

Ўз вақтида ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган ва турли даражада нашр этилган «Темур тузуқлари»нинг танқидий матнини тайёрлаш фикри айтилган эди ва бунга ҳам йигирма

йиллар бўлиб қолди. Маълумки, бу асар, юқорида таъкидланганидек, дастлаб туркийча ёзилган, амалий эҳтиёждан келиб чиқиб, кейинчалик форсчага таржима қилинган. Бу ҳақда араб олими Мазҳар Шиҳабнинг халқаро даражадаги фан доктори илмий унвонини олиш учун тақдим этган, Ливандаги Қуддийс Юсуф университети томонидан ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилинган «Темур» фундаментал тадқиқотида шундай гувоҳлик берилади: «Тузуқлар»нинг муқаддимасида «Амир Темурнинг «Ушбу эсдаликларимни аجدодларимдан содир бўлаётган амр ила туркий чиғатой тилида китобат этдим» деган сўзлари битилган». (*Убайдулла Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. 132-бет*). Афсуски, бу нусха топилгани йўқ, жамоатчилик эса Яман ҳокими Жаъфар Пошо кутубхонасидан қўлга критилган форсча нусхадан қилинган таржималар билан танишлар. Ҳозирча «Тузуқлар»нинг жаҳон тилларидаги биринчи таржималари француз (1787), инглиз (1830), рус (1894), урду (1855) да турли даражада амалга оширилган ва бу жараён давом этмоқда.

Юртимизда бобокалонимиз маънавий меросининг шоҳ асари «Тузуқлар»ни нашр этиш борасида ҳам кўплаб турли хилликлар учрамоқдаки, эндиликда бу тажрибаларни умумлаштириб, ягона тўхтамга келадиган пайт етишди. Аввало, бу нодир асарнинг муҳтарам Юртбошимиз сўзбошиси билан нашр этилганини алоҳида мамнуният-ла таъкидлаш лозим. Давлат раҳбари муқаддимаси билан китоб нашр этиш ноёб ҳодиса. Шуниси борки, бу китобнинг «саргузашти» – бизгача етиб келиши катта бир монографияга мавзу бўлади. Ҳозирча бу нўқтани истисно қилиб, унинг нашрлари билан боғлиқ мулоҳазаларга навбат берсак.

У бир неча марта ўзбек тилига ўтирилди. Бу юмуш дастлаб 1858 йилда Хивада, шу йилларда Қўқонда амалга оширилган. Кейинчалик Алихон тўра Соғуний таржимаси юзага келди ҳамда матн шарқшунос Ҳабибулло Кароматов томонидан мукаммаллаштирилди ва китоб ҳолига келтирилиб, 1991 йилда нашр этилди (1). Бу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, яна бир неча марта, жумладан, 1996 йилда (2) (инглизча ва французча матн билан) биргаликда (иккала нашрда ҳам сўзбоши ва изоҳлар муаллифи академик Бўрибой Аҳмедов) ҳамда 2011 йилда (3) (масъул муҳаррир профессор Ашраф Аҳмедов) китобхонларга тақдим этилди. Ана шу нашрлар қиёсланганда, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишга арзийдиган баъзи мулоҳазалар пайдо бўладики, уларнинг илмий таҳлили кейинги нашрларда амалий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Хусусан, услубий ва изоҳлардаги хилма-хилликлар ҳали бу борада изланишлар изчил давом этиши лозимлигини кўрсатади. Зеро, бу табиий ҳолат, негаки, мазкур улкан меросни чинакамига ўрганиш энди бошланди.

Мустақиллигимиз арафасида ёруғлик юзини кўрган «Темур тузуклари»нинг биринчи нашри маънавий дунёмизда катта воқеа бўлганди, чунки бир пайтлар ундан парчалар эълон қилишга жаҳд қилган «Гулистон» журнали бошига тушган шўришларни кўпчилик билишарди. Илк (1) нашрга ёзилган сўзбошидан ҳали шубҳалар бутунлай тарқамаганини, қолаверса, масалага муносабат тамоман шаклланиб улгурмаганини сезиб олиш қийин эмас. Истиқлолнинг зафарли одимлари халқимиз аъмолини узил-кесил тасдиқлаганидек, тафаккурдаги ғуборлар ҳам тозараниб борди. Бу ҳолни учала нашрни чоғиштириб, ишонч ҳосил қилиш мум-

кин. Йиллар ўтган сари муътабар асарнинг сатрлари силлиқланиб борган, кўплаб англашилмовчиликлар бартараф этилган. Бу ўринда фақат юзага келган хилма-хиллик ва қайси шакл илмий-тарихийликка яқинлиги юзасидан мулоҳазалар изҳор қилинади.

Бўлимларни «Мақола» ўрнига «Китоб» (3) деб ўзгартирилишини асарнинг мавқеини эътироф этувчи адолатли муносабат тарзида баҳолаш мумкин. Шунингдек, «Тадбирлар ва кенгашлар» сарлавҳасини «Кенгашлар ва тадбирлар» тарзида берилиши ҳам мантиқан ўзини оқлайди: кўлам жиҳатдан кенгашлар мамлакат ҳаётида бир киши ёки гуруҳлар томонидан қўлланилувчи тадбирлардан салмоқли, унинг биринчи қайд этилиши бутунлай ўринли. «Сипоҳий» ўрнига туркийча «аскар»нинг қўлланиши ҳам маъқул.

Форсчадан ўгирилганда маълум сўзнинг қатор муқобиллари мавжуд бўлади ва уларнинг қайси бири тўғрилиги контекстда аниқланади. Баъзан «бошбилмоқ» (1), кейинги сафар эса «ош балмоқ» (3) сўзлари ишлатилган ва унга «атала» тарзида изоҳ берилган. Қайси бири тўғри – барибир бир тўхтамга келиш керак. Юртимиз жанубий туманларида унни ёғда қовуриб, сув аралаштириб тайёрланадиган «булмоқ» деган овқат бор. Балки бу ўшадир. Шунингдек, «давлатим корхонасининг ўн икки ойи» деб таржима қилинган. «Ой» ўрнида «устун» сўзи ишлатилса, мантиқлироқ бўлармиди? Ёки «Тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради» дейилади. «Иш буюриш»да кишининг қобилиятлари тўла намоён бўлмайди, ҳолбуки, бу иборани «сафарбар қилади», «таъминлайди», «бошқаради» тарзида ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки «Қуръон устида қасам ичди»дан «Қуръон тутиб қасам ичди» дейиш тўғрироқ.

«Тузуқлар»да Соҳибқирон таржимаи ҳолига доир кўплаб далиллар келтирилган ва улар манбалар асосида тўғри изоҳланган. Фақат икки ўринга диққат қаратиш лозим бўлади. Асарда «Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурларига бордим» дейилади. Бу ерда тилга олинган Амир Кулол тарихий шахс бўлиб, у зотни Шамсиддин Кулол билан чалкаштирмаслик лозим. Саййид Амир Кулол (1281–1370) Бухоро яқинидаги Сухори қишлоғида яшаганлар, қабрлари ҳам шу ерда. Ул зот Темурийлар хонадонининг пири Шамсиддин Кулолга, шунингдек, машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбандга ҳам устозлик қилганлар. Озодлик илинжида чарх уриб юрган ёш Темурбек шу зотнинг ҳузурига боради. Бу далил нашрларда турлича, баъзан бутунлай хато шарҳланган.

Қарши қалъасини эгаллаш асноси (1367 йил) да рақиблар – амир Ҳусайн ва амир Мусони чалғитиб, Хуросонга эмас, Мовароуннаҳрга юрилади. «Тузуқлар»да «Ширкент аталмиш ерга етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, яна йўлга тушиб, Қарши қалъасидан бир фарсанг (6–7 километр. Ҳ. С.) масофага келиб тушдим» дейилади. Эътиборлиси, кўплаб нашрларда ҳеч иккиланмай «Ширкент Қарши туманининг ҳозирги маркази Бешкент» тарзида шарҳланади. Ҳақиқатан, туман маркази Бешкент Қаршига яқин йирик аҳоли манзилгоҳларидан бири, у ғарб томонда жойлашган. Бироқ жанубий ғарб томонда айнан Ширкент қишлоғи ҳам бор-да. У ҳозирги Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида, 4–5 минг аҳолига эга, турмуш тарзи жиҳатидан Бешкентдан бутунлай фарқ қилади. Қолаверса, йирик мутасаввуф шайхи Абул Муъин ан-Насафий (1027–1114) қабри шу жойга яқин. Бизнингча, бу икки масканни фарқламаслик ҳам тўғри эмас.

Албатта, кейинги нашрларда олдинги хатолар бартараф этиб борилиши табиий. Шу жиҳатдан яна икки мисол келтирамиз. «Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларга махсус фахрли ўтоға, камар ва таркаш тақдим этиб, мартабаларини кўтардим» деган гапдаги «таркаш» кейинроқ «ўқдон» (2) тарзида ўзгартирилган. «Ўтоға»га «бош кийимга тақиладиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги, мансаб ва мартаба рамзи» деган тушунтириш берилади. Охирги нашрда эса «ўтоға» сўзи «ўтоғ» деб ўзгартирилади, унга «яъни, ўтов, бу ерда махсус жиҳозланган ўтов назарда тутилади» қабалида шарҳ берилади. Агар «ўтоға» (яъни, какарда) билан «ўтов» (турар жой) ўртасидаги фарқни назарда тутсак ва Соҳибқирон давлат тутумида ҳар доим қатъий меъёрлар амал қилганини ҳисобга олсак, бу икки хил шарҳ алоҳида изоҳланиши лозим эди. Чунки ўтов тақдим этиш ҳам ўша давр ҳаётида учраган. Масалан, Амир Темури томонидан Елдириш Боязидга султонларга хос оқ ўтов тақдим этилганди.

Вазирлар салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлиб, уларга жазо белгилашда ўта даражада эҳтиёт бўлиш алоҳида тайинланади. Хусусан, уларни кўра олмайдиган ҳасадчилар кўп бўлиши ёки сиёсатидан норозилар учрашини назарда тутиб, вазирларга қарши хабар берувчиларнинг даъволари «рост-ёлғонлигини маҳак тошига уриб, текшириб кўрсинлар» дея таъкидланади. Бир нашрда эса бу гап «даъволарининг рост-ёлғонлигини синчковлик билан синаб кўрсинлар» тарзида жўнгина ифодаланади. Соҳибқирон маҳак тоши («кумуш ва олтиннинг тозаллигини аниқлаб берадиган қора тусли тош» деб изоҳланган) орқали жазо тайинлашда яна бир бўғин – қарор чиқарувчи маҳкамани таклиф этаяптилар. Бун-

дай тизим айбсизлик призумпциясини таъминлашда асқотишини юристлар яхши билади. Моҳиятни тўла тушунмасдан қилинган таҳрир орқали эса ҳуқуқ илмидаги яна бир эҳтиёт чораси олиб ташланыпти.

Худди шундай, урушдан юз ўгириб қочган сипоҳийлар ҳақида айтилган «даргоҳимга киритмасинлар (сўзма-сўз – унга «кўриниш» бермасинлар)» ёки «илтифотимиздан маҳрум этсинлар» категорияларининг қай бири ўша давр давлат тизими учун хослигини ҳал қилиш учун балки махсус илмий анжуман чақириш лозимдир. Негаки, айнан бир жазо тури таржимада икки хил берилган ва уларга юкланган интизомий мажбурият ҳам икки хил.

Хуллас, бу мероснинг беназирлиги шундаки, ундаги ҳар бир белги, ишора теран мазмунга эга ва муомала қилганда ана шу юксак мавқе эътиборда турмоғи шарт. Ўз сирларини очаётган улкан бойлик – халқимиз тарихини тадқиқ қилганда ватанпарварлик ва миллатсеварлик туйғуси билан теран илмийлик талаби ҳамоҳанг бўлиши лозимга ўхшайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг инсоният тарихидаги ўрни ҳар доим юксак бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Эҳтимол, «Тузуклар»ни қайта-қайта ўқиш ва таҳлил қилиш, уни бошқа манбаларга қиёсан ўрганиш бу мўъжизани тўлиқроқ англашга ёрдам беради.

ТАРИХНИ ЗАР, ЎЗНИ ЗАРГАР БИЛСАЛАР...

Бир далилдан хурсанд бўлиш лозим: бутун ўтмишимизга қизиқиш кучайди. Энди боғча дастурларидан университет битириш ишларигача бу бойликка мурожаат қилинади (бу табиий жараён, чунки мустақиллик берган чинакам саодат ҳам шу –

ўтмиш тажрибасидан келиб чиқиб бугунги кунимизни баҳолаш ва келажак йўлимизни белгилаб олиш). Бу маънавий эҳтиёжни қондириш учун эса ижодкорлар ва олимлар самарали қалам тебратаяптилар. Муболағасиз айтиш мумкинки, истиқлол йилларида тарихий мавзуда ҳозиргача яратилганидан кўп асар ёзилди. Тажриба эса бошқа муаммони кун тартибига қўймоқда: сон масаланинг ташқи томони, моҳият эса мазмунда намоён бўлади. Юзаки ўнта китобдан кўра теран мазмунли битта асар кўпроқ наф келтиради.

Нафсиламрини айтганда, тарихий мавзу, жумладан Темур ва Темурийлар даври жуда оммалашиб кетди (қайси маънодаки, саводи бор ҳар қандай киши бу ҳақда нимадир ёза олади), бу эса ўз-ўзидан жўнликка олиб келмоқда. «Дунё ва давр» деган газетанинг 2012 йил 27 сентябрь сонида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси Бахтиёр Исҳоқовнинг «Сарбаланд Соҳибқироннинг соҳир сабоқлари» давомли мақоласининг аввали босилган. Ҳурматли юртдошимизни бундай мақола ёзишга туртки берган омил, унинг қандай манбалардан фойдалангани каби саволларни муаллиф ҳукмига ҳавола қила қолайлик, ҳеч ким бировга «Ўни ёз, буни ёзма» тарзида насиҳат қилмоқчи эмас, бу масала қалам тутган кишининг ихтиёрида, бирор мавзуни танлабдими, ўшани қойил қилиб ёритса, қандини урсин. Аммо мазкур мақола билан танишиб, муаллиф ҳали мавзуга доир эълон қилинган адабиётлар билан чуқур таниш эмаслигига амин бўлдик. Ҳолбуки, миллий ифтихоримиз сифатида улуғланаётган муътабар зот ҳақидаги ҳар бир сўзни ўйлаб айтиш керак.

Аввало сарлавҳанинг ўта тумтароқлигини таъкидлаган бўлардик: ундаги «сарбаланд», «соҳир»

сўзлари ташиган маънолар мақсадга хизмат қилмайди. Кейин эса мақолада келтирилган мана бу фикрга эътибор беринг: «... у мавжуд анъанага кўра аввал Суюрғатмишни (1370–1388), сўнгра унинг ўғли Султон Маҳмудни (1388–1402) расмий хон қилиб кўтариб, ҳатто умрининг охиригача улар номидан ёрликлар чиқартирган, пул зарб эттирган». Ҳолбуки, муътабар тарихий китобларнинг гувоҳлик беришича, 1401 йил январь ойида Дамашқ шаҳри эгалланади, 17 январь кунини шаҳардаги энг катта жомеъ масжидидаги намозда Соҳибқирон номи хутбага қўшиб ўқилади. Ва «шу ерда биринчи марта Соҳибқирон номига юз, эллик ва ўн мисқоллик тангалар зарб қилинди, бу ҳақда фатҳномалар битиб, Эрону Туронга чопар билан жўнатдилар» («*Ҳазрат Соҳибқирон*», 2005 йил, 164-бет). Аллақачон эълон қилинган далилни ордан етти йил ўтиб, жамоатчиликка нотўғри тақдим этишни кашфиёт деб бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай мавзуда қалам тебратганда ҳам шунга доир ҳамма (камида энг муҳим) маълумотларни билиш талаб қилинади, билъакс, «кашф қилинган велосипедни қайта кашф қилиш»дан наф йўқ. Бундай «қайта кашфиёт»ларни эса ҳар қадамда учратишга тўғри келаяптики, бу борада бирор дастурий қўлланмага зарурат сезилмоқда. Тўғри, фахрли аждодимизга ҳаммамизнинг қалбимизда оташин меҳримиз бор, бироқ бу дегани ҳамма нарсани ёзавериш мумкин дегани эмас. Билъакс, энди-энди ҳақиқий талъати чинакам намоён бўлаётган бобокалонимиз тарихи чалкаш талқинлардан қутила олмайди.

Ҳолбуки, мустақиллик йилларида тасдиғини топган тўғри далилларни чалкаштириш эмас, шунгача хато, баъзан тескари талқин қилинган тарихий адолатни тиклаш кун тартибида турибди.

Бундай ўринлар эса талайгина. Олайлик, Темурий шаҳзодалар ва маликалар таржимаи ҳоли, уларнинг фаолияти билан боғлиқ далиллар муаллифлар истамаган тарзда, холис шароитлар туфайли аралашиб кетган. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Айниқса, жўн бир гап – шаҳзодалар исмининг бир хиллиги улар фаолиятини ёритишда муаллифларни кўп қийнаган. Миллий удумларримизга кўра, Темурийлар хонадонида фарзанд туғилса, уларга катта боболари, момоларининг исми берилаверган. Шу туфайли «Муҳаммад» нисбаси қўшилган 30 га яқин шаҳзода, шунингдек, Муҳаммад Султон (6 нафар), Умаршайх, Умар (5 нафар), Муҳаммад Жаҳонгир, Жаҳонгир (4 нафар), Султон Муҳаммад (4 нафар), Аҳмад, Аҳмадшоҳ (4 нафар), Абубакр (3 нафар), икки нафардан исм қўйилган Абдулло, Бекабегим, Бойсунғур, Бойқаро, Зайнабсултонбегим, Искандар, Мироншоҳ, Сайди Аҳмад, Халил Султон, Шохрух номлари уларнинг фаолиятларини ёритишга жаҳд қилган кўплаб тадқиқодчиларнинг бошини қотиргани шубҳасиз.

Кўпчилик Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан Бобур Мирзонинг отаси, Абусаид Мирзонинг ўғли Умаршайхни фарқлай олмайди. «Бобурнома»да муаллиф Андижонда ўн йилдан зиёд ҳокимлик қилган биринчи Умаршайхни ҳурмат билан «Улуғ Умаршайх» деб атайди ва падари бузруквори ҳақида гапириб, Амир Темурдан кейин Самарқанд ва Ҳирот тахтини бирлаштира олган ягона Темурий ҳукмдор, бобоси Абусаидни ўз ҳаракатларида бобокалони Амир Темурга тақлид қиларди ва шунинг учун Фарғона тахтини Умаршайх исмли ўғлига нисор этди, деб ёзади.

Албатта, бу гапларнинг катта илм учун унчалик аҳамияти йўқдир, бироқ улуғ сулола тарихига до-

хил ҳар қандай кичкина унсур ҳам катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ҳолбуки, муаззам боғнинг ҳар бир гиёҳидан ўша боғнинг нафаси уфуриб турганидек, буюк салтанат ҳаётининг битта жузъий ишораси ҳам ўша салоҳият ҳосиласидир.

Тахт эгалиги – ҳукмдорликдан ташқари илм-фан, адабиёт-санъатнинг турли соҳаларида оламшумул ютуқларга эришган Темурийлар сафида шоирликда даврининг йирик вакили даражасига кўтарилган Сайди Аҳмаднинг номи алоҳида қайд этилади. У кўплаб ғазаллар ва бошқа жанрдаги мумтоз шеърият намуналарини яратиб, девон тузган, дунёвий адабиётнинг гўзал намунаси ҳисобланган Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони руҳида «Таашшукнома» асарини яратган. Темурийлар сафида эса Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли (ҳаёт йиллари – 1391–1429) ва Мироншоҳ Мирзонинг еттинчи ўғли (яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган) Сайди Аҳмад номи билан аталган. «Таашшукнома» достони манбаларда 1435–36 йилларда яратилгани ва у Шоҳрух Мирзога бағишлангани айтилади. Демак, дoston иккинчи Сайди Аҳмадга тегишли бўлиб чиқади.

Масаланинг яна бир томони – мазкур мавзуда йирик насрий асарлар яратилаяпти, дунё адабиётидан таржималар қилинаяпти, бу, албатта, яхши, бироқ бундай уринишларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли бўлмаяпти. Ҳукмчиқаришни академик илм эгаларига қолдирайлик-да, кўпчиликнинг назарида бўлган бир мавзуга диққатингизни жалб этайлик.

Эҳтимол, сиз ҳам «Менким, соҳибқирон-жаҳонгир Темур» китобини ўқиган чиқарсиз. «Янги аср авлоди» нашриёти 2011 йилда чоп этган бу асарни мутолаа қилганлар ўз ҳаяжонларини яшира олма-

яптилар: «Китоб дегани бундоқ бўлибди!». Нима ҳам деймиз, ҳар кимнинг ўз диди бор. Гарчи бу асар ҳақида 2006 йил ўз муносабатимизни билдирган бўлсак-да («Дунё билган «Тамерлан» ёки ёлғон қачонгача давом этади?», «Хуррият», 2006 йил, 5 апрель), баъзи мунозарали ўринларни яна қайд этиб ўтиш ортиқчалик қилмайди, деб ўйлаймиз. Негаки, ўз вақтида йирик шарқшунос олим В. Бартольд таъкидлаганидек, «бу давр (яъни Темур ва Темурийлар даври) тадқиқодчилари материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган ва, энг аввало, танқидий ўрганишни, кейин эса танқидий нашр этишни тақоза этадиган материалларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади» (*Соченение. Т. 11 (2), стр. 189*). Инчунун, ҳамма нарсани Соҳибқирон Амир Темурга нисбат беравериш бир томондан ғайриилмийлик бўлса, иккинчидан, шусиз ҳам чалқаш ва зиддиятли тарихий воқеликни баттар мавҳумлашлаштириш бўлиб қолади. Мустақил юртимизда бу борадаги уринишлар битта ҳақиқатга: ҳозиргача турлича талқин қилинган фахрли аجدодимизнинг ростакам қиёфасини дунё аҳлига намойиш этишга хизмат қилиши керак, деб ўйлаймиз.

Хуллас, француз солномачиси Марсель Брионга нисбат берилган асар аслида халқ китобларидан бири бўлиб, бундай битиклар қарийб етти асрдан буён форс, араб, туркий, рус ва бошқа тилларда яратилиб келинган. Ўзбек китобхонлари ҳам Салоҳиддин Тошкандий томонидан ўтган асрнинг бошларида қоғозга туширилган «Темурнома» китоби билан танишлар. Бу юмушлар қандай эҳтиёжларни қоплаш учун амалга оширилгани фақат унинг бошида турганларга аён. Бир далил аниқки, уларда васф этилган буюк давлат арбоби, илм-фан ва

санъат ҳомийси Амир Темур шахси муаллифлар иқтидори даражасида, боз устига анча эркин (та-рихийлик нуқтаи назаридан), субъектив талқин қилинган ва турли даражадаги нуқсон ва хатолик-ларга йўл қўйилган. Очиги, бу буюк зотнинг шах-сияти шунчалик маҳобатлики, уни бутун кўлами билан қамраб олиш анча мушкул (ҳатто имкондан ташқари) – бу ҳолни очик эътироф этиш лозим. Шу туфайли мазкур мавзудаги асарлар Соҳибқирондан кўра кўпроқ муаллифлар – уларнинг иқтидори, мас-лаги, эътиқоди, илмий ҳалоллиги, ватанпарварли-ги ҳақида маълумот беради. Теран уммонда қулоч ёзиб сузишга киришган қаламкаш ўзи хоҳлайдими-йўқми, кимлигини кўрсатиб қўяди: унинг мажоли бу маънавият денгизидан ё бир пиёла сув олишга етади ёки қўлига бирор хас-хашакни илаштириб чиқади ёхуд чуқур сузиб, ботиндаги синоатни кашф этишга муяссар бўлади. Иккинчи томондан эса ўша ўлжасини жамоатчиликка қай йўсинда – борлигича-ми, оёғини осмондан қилибми ёки тўғридан-тўғри қора чаплабми, тақдим этиши мақсад ва моҳиятни ифодалайди. Ҳозиргача шундай бўлиб келган ва шу туфайли бобокалонимиз шахсияти жуда зиддиятли ҳамда қарама-қарши қиёфа касб этиб қолган. Эн-дилиқда чинни ростдан ажратиш учун ҳамманинг ўзида олтинни мисдан фарқлайдиган маҳак тоши бўлиши лозим.

Мулоҳаза юритмоқчи бўлган халқ китоби билан 1991 йилда рўй берган воқеа кўпчиликнинг хоти-расида бўлса керак. Ундан боблар қайсидир йўллар билан таржима қилинган ва «Шарқ юлдузи» журна-лининг 1-сонидан «Мен – фотиҳ Темур» деган ном билан чоп этишга киришилган эди. Бундан хабар топ-ган чинакам илм аҳли бу номукамал асар эндигина ҳақиқий қиёфаси халққа маълум бўлиб бораётган зот

ҳақидаги тасаввурларни яна ҳам чалкаштириб юборишидан ташвишга тушиб, бу ишга қарши турган ва журналда чоп этиш тўхтатилган эди. Ўшанда йирик тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг қанчалик жон куйдирганларига гувоҳман. Ҳатто ўз қарашларини ҳам тафтиш қилиб, тарихимизнинг бу ёрқин сиймосига чинакам ватанпарварлик назари билан ёндашаётган олим сидқидилдан «Энди Амир Темуримизни асрашимиз керак» деб қайта-қайта такрорлаганди.

Бундай безовталиққа эса асослар бор эди. Мазкур китоб дастлаб форс тилида иншо этилган ва кейинчалик рус тилига таржима қилинган – бу аниқ. Биз танишишга муваффақ бўлган 2004 йилги Нью-Йорк нашрида Марсель Брион (Франция) тузувчи (Забиҳулло Мансурий билан бирга) деб кўрсатилган (бизнинг бағри кенг таржимонларимиз эса уни э-йўқ, бе-йўқ муаллиф деб эълон қилишган ва китоб муқовасига ўз меҳрларини ўқлоқдек ҳарфлар билан муҳрлашган). Интернет маълумотларидан маълум бўладики, 1895–1984 йилларда яшаб ўтган Марсель Брион ҳақиқатан Франция Фанлар академиясининг аъзоси қилиб сайланган ва кенг жамоатчилик уни санъатнинг турли соҳаларида машҳур бўлган кишилар ҳақидаги «Моцарт», «Дюрер», «Микеланжело» сингари биографик хроникалари орқали кўпроқ танийди. Унга машҳурлик тожини кийгизган асар ёки тадқиқотлар рўйхатида Шарқ тарихи, хусусан, Амир Темур ёки Темурийлар даври билан боғлиқ бирор китоб қайд этилмаган. Демак, уни бу мавзунинг йирик тадқиқотчиларидан деб эътироф этиш тўғри эмас. Очиги эса мазкур муаллифнинг фанцуз тилида ўзбекчада нашр этилган китоб ҳажмидаги асари йўқ.

Дастлаб «Мен – фотиҳ Темур» номи билан жамоатчилигимизга таништирилмоқчи бўлган асар ўз мавқеи жиҳатидан илмийликка даъво қилолмайди.

Шунингдек, уни Амир Темур солномаларидан бири, ҳатто, шу йўналишдаги китоб, дейиш ҳам инсофдан эмас. Албатта, бу даъвони тасдиқлаш учун ҳар бир далил тарихий ҳақиқат билан солиштириб чиқилиши даркор. Шунингсиз ҳам фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим нўқталарга тўхталамиз. Китобга илова қилинган муқаддимада «Темурлэнг (китобнинг чинакам қиёфасини тасаввур қилиш учун унинг бош қаҳрамони исмини «таржима қилиб» эмас, қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтирдик, чунки Тамерлан ёки Темурлэнг, у – Амир Темур эмас) Чиғатой маликасига уйланди ва малика уч ўғил туғиб берди» деган маълумот келтирилади. Бу маълумот бирор тарихий далилга мос келмаслигини бугун юртимизда мактаб ўқувчиси ҳам билади.

Бундай далилий хатоларнинг сон-саноғи йўқ. Жумладан, иштирокчилар қаердан ўйлаб топилган ёки воқеаларни ким тўқиган, бари ўйдирма. Китобда Амир Темур «Соҳибқирон» дея улуғланган илоҳий зот, кейинчалик буюк давлатнинг асосчиси ва қўплаб умуминсоний муаммоларга ечим топган мислсиз ислоҳотчи сифатида эмас, арзимаган ҳақ эвазига бойларнинг қўй сурувини йўлтўсарлардан қўриқловчи тўда бошлиғи ёки мақсадсиз бир шаҳарга ҳужум қилиб, унинг шаккок қавмининг таъзирини бериб қўядиган зўравон сифатида акс эттирилган. Жиддий нуқсонлардан бири шуки, ўйдирмачилар Амир Темурни муқаддас қадриятларга, жумладан, Қуръон каримдек илоҳий китобга таҳрир киритишга журъат этган оми қиличбардор сифатида кўрсатишдан ҳам тортинмаганлар. Бу, яъни муқаддас илоҳий каломга заррача тил тегизиш ўта шаккоклик эканини «тузувчилар» билган, шундай талмовсираш билан диний ақидапарастларнинг

ғазабини қўзғашга жаҳд қилгани маълум бўлиб қолади.

Китобда келтирилишича, Амир Темур Ҳалаб (Алеппо)да турган вақтида бу шаҳарда тўпланган диний алломаларни йиғиб, Қуръон оятларининг ҳозирги анъанавий тартибини «бузиб», уларни ваҳий қилинган вақтига кўра тизиб чиқишга амр этади. Ҳолбуки, бу ақлга тўғри келмайдиган иш эди ва ўз «Тузуқлари»да «Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузугим ер юзида Оллоҳ таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига ривож бериш бўлди. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватладим» дея таъкидлаган зотнинг бундай таваккалчиликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. Маълумки, муқаддас китобнинг тартибини ўзгартириш эмас, ундаги битта белгини бузиш ҳам гуноҳ ҳисобланади, шундай хатога йўл қўйилганда, бундай китоблар йўқотилади, чунки Оллоҳнинг каломи асил ҳолида бандаларига етиб бормоғи ҳукм қилинган. Тартибни ўзгартириш ҳақидаги фикр қанчалик хато эканини Соҳибқирондек буюк зот билмаслиги мумкин эмас эди. Қолаверса, бундай хатти-ҳаракат бирон диний ёки дунёвий адабиётда тилга олинмаган. Демак, бу ҳам «тузувчи»ларнинг навбатдаги ўйдирмаси.

Умуман, «Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур» китоби Амир Темурга нисбат бериладиган бўлса, ҳар бир гапини тушунтириш учун ундан ҳам кўра кўпроқ шарҳ ёзишга тўғри келади. Шунга кўра, китоб ташаббускорлари бош қаҳрамонларини «Йўлбарсхон» ёки «Арслонбек» деб номлаганларида эди, уни фантастик бир асар деб қабул қилса бўларди. Аммо ташриф қоғози сифатида «Амир Темур»нинг жуда оммабоплигини ҳисобга олиб, ундан тижорат мақсадида фойдаланганлар. Омади гап шу.

Албатта, мутаржимлар – Ф. Рўзиев ва Ф. Тилова-тов бу юмушни яхши ниятда, хайрли мақсадларни кўзлаб, бобокалонимиз шахсиятига бутунлай тухмат бўлган ўринларни қисқартириб, ўз дидлари даражасида амалга оширганлари шубҳасиз. Уни «Амир Темур ҳақида ким қандай ёзар эди?» қабилдаги оммавий танловда қатнашган бир иншо тарзида қабул қилса бўлади. Негаки, баъзан қандай ёзишни ўз салоҳияти билан қандай ёзмаслик керак бўлганлигини кўрсатиб қўйган китоблардан ҳам ўрганадилар-ку. Асарнинг зиддиятларга бойлиги, бу мавзуда етарли маълумоти бўлмаган одамни чалкаштириб қўйишини ҳисобга олиб, баъзи истисно ўринлар китобга ёзилган муқаддимада очиқ айтилиши лозим эди. Шунда оммавий китобхонлар ҳайрон қолиб юрмасдилар. Негаки, мустақиллик йилларида бу мавзуда турли жанрларда кўпгина асарлар яратилди. Ана шу асарлар билан «машҳур француз ёзувчиси Марсель Брион» талқинидаги образ ўртасида ихтилофлар бор. Шундай бўлгач, китобхоннинг боши қотиши аниқ.

Албатта, тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимиз ҳақида севиб ўқиладиган китоблар қанча кўп бўлса, шунча оз. Фақат улардаги бадиий тўқималар тарихий адолат мезонларига мос келиши шарт. Билъакс, бу шарафли исмларни суистеъмол қилмай, исталган ном ва қаҳрамонларни жонлантириш ижодкорларнинг ихтиёрида.

Демак, бу улкан меросга, аввало, чуқур ҳурмат билан, кейин эса тарихий адолат ва илмий ҳақиқат нўқтаи назаридан қараш ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.

ТОҒ ҚАЪРИДАГИ СИНОАТЛАР

Ўтмиш шарпалари биз билан ёнма-ён яшайди, биз уларни гоҳида пайқаймиз, гоҳида йўқ. Ахир бу сокин тоғлар қанчалаб суронларни кузатмаган, чексиз текисликларда қанчалаб отлиғ-у пиёданинг изи қолмаган. Бугун ҳам шовқин солиб оқаётган дарёлар қирғоғига кимлар келмаган, лоқайд кўлларга турли кайфиятда термулганларнинг саногини қаердан биламиз?

Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги хотиралар ҳам у зоти шариф қадам қўйган ҳудудларда сочилиб ётибди. Шундай масканларнинг бири ҳозирги Яккабоғ тумани ҳудудидаги Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган ғордир. Унга халқ қасоскори Ҳошим ибн Ҳаким – Муқанна қадам қўйгани ҳақида маълумотлар учраса-да, халқ хотирасида «Амир Темур ғори» номи билан яшаб қолган. Қолаверса, ҳазрат Навоий «Сабаъи сайёр» достонида бу гўшани тилга олади, васфига ўн байтга яқин шоҳ сатрлар бағишлайди (учинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикоясида). Кўплаб тарихий манбаларда, жумладан, Муҳаммад Наршахийнинг асарларида бу ғорнинг таърифи келтирилади.

Кейинчалик ҳам бу сирли маскан турли тоифа кишиларининг диққат-эътиборида бўлган, уни илмий мақсадларда ўрганиш учун экспедициялар ташкил этилган, табиат ишқибозлари унинг мўъжизаларини ўз кўзлари билан кўриш учун узоқ-узоқлардан ташриф буюришган, бу хотиралар тотли бир тарзда қалбларида яшаган, таассуротларини тўлиб-тошиб сўзлаб юрганлар. Мухлислар республика телевидениеси орқали бот-бот намойиш

қилиб туриладиган кўп қисмли «Амир Темур ғори» телефильмини яхши эслайдилар. У томошабинда маълум таассурот уйғотади, гўзал ва мафтункор тоғ манзаралари билан таништиради.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, мазкур ғорда кўплаб синоатлар яширинган. Тарих ва табиат ҳамоҳанглигида пайдо бўлган мўъжиза шукуҳини қуйида рус тилидан таржима қилиб келтираётган парчани ўқиб, яна бир бор ҳис этиш мумкин:

«Шукроналар бўлсинки, тоғ манзараларини томоша қилиш, уларнинг ажойиботларидан баҳраманд бўлиш учун икки марта Тошқўрғон амлокига бордим. Сафаримнинг бирида мўъжизали Қалъаи шерон ҳақида эшитиб қолдим ва уни кўришни ихтиёр этдим. Маҳаллий аҳолидан ишончли кишиларни атрофимга тўплаб, Қалъаи шеронга йўл олдик. Менга йигирма уч киши ҳамроҳлик қилди. Бир кеча йўлда тунадик. Офтоб қисқичбақа буржида бўлишига қарамай, кун ботиши билан чодирда олов ёқилди ва унинг атрофида жипс ўтирдик. Ҳаво шундай совиб кетдики, таннинг оловга терс томонлари музлаб қолаёзди, шунинг учун иссиқ кадобга зўр берардик.

Тонг отиши билан йўлга тушдик ва чошгоҳга яқин манзилга етиб бордик. Икки чўққи орасидан кўриниб турган тоғ пойида йигирма танобча майдон кўзга ташланарди. Икки тоғ орасидан дарёча жўшиб оқарди, у Яккабоғ дарёнинг боши ҳисобланади. Бу ерда ёввойи зардоли, гилос, олма, олча каби мевали дарахтлар чаппар уриб ётардики, уларнинг саноғига етиб бўлмасди. Тоғнинг бир тарафидаги дарахтлар энди гуллаган, бошқа ёқдагилари эса мева тугиб қолганди (зардоли довчаларини еса бўларди). Бир-бирига қарама-қарши турган тоғ қоялари шунчалик ялтирардики, уларга кимдир сайқал берганга ўхшарди.

Ўнг томондаги тоғнинг ўртасида тўртта кунда устига ўрнатилган дарвоза турарди. Дарвозанинг устига рандаланган тўртта ходадан мезана кўтарилган. Унинг бир ёғочи қулаб ётибди, учтаси ўз ўрнида турибди. Дарвоза ўз мезанаси билан ердан ўттиз-қирқ газ баландликда, тоғ чўққисидан эса қирқ-эллик газ пастда. Қуйида туриб, бу иморат нима учун, ким томонидан қурилган ва унга йўл қаердан эканлиги ҳақида қанча бош қотирмайлик, ҳеч нарса тушунмадик. Сафимизда икки-уч тошқўрғонлик кўп китоб кўрган (ўқиган) одамлар бор эди, улар ҳам бу иншоотнинг қачон пайдо бўлганини билишмади.

Тоғнинг яна бир мўъжизаси шу эдики, чап томондаги қоя бағрида юқори баландликдан сув отилиб тушарди. Тарвудан каттароқ тешиқдан кучли оқим билан чиққан сув ёйилиб-ёйилиб пастга тушар, ерга тушгунча муштдек пуфак ҳосил бўларди. Пуфаклар кейинги оқимда товук тухумидек кичраяр, ерга тушгач, тошлоққа сингиб, йўқ бўлиб кетарди. Унга яқинроқ бориб, манзарани мириқиб томоша қилдик, тушаётган майда томчилар шудрингга ўхшарди. Анча сув пастга тушиб, дарёга қўшилиб кетади.

Бу жойдан ўтгач, кўз олдимизда саноғига етиб бўлмайдиган дарахтлардан иборат ёввойи чорбоғ ва каттагина ирмоқ пайдо бўлди. Баландлиги ўттиз-қирқ газ бўлган кўк ва совур арчалар осмонга интилган, атроф кўм-кўк, гўзал манзара. Шу жойда отлардан тушдик ва овқат тайёрлашга киришилди.

Тушлик ва дам олишдан кейин қарийб йигирма киши Қалъи шерон (бу ерда гап ғор ҳақида кетаяпти шекилли. *Муҳаррир.*)ни томоша қилишни бошладик. Биз эллик-юз қадамча кўтарилдик. Бу ерда катта дарвозанинг қолдиқлари ётарди, ундан ўтиб, ичка-

рига кирдик. Юз қадамча оралиғида юқориси ёпилган, отхонага ўхшаган иморат турарди. У тоғдан ўйилган. Иморатнинг кесими ўттиз газга тенг. Деворнинг иккала томонига тарашланган тош қалаб чиқилган... Иморатнинг баландлиги отлик қўлида қиличини кўтариб юрганда ҳам шипга етолмайдиган даражада эди. Бу хона тоғ қатламини кесиб қуриб олинган.

Бинони томоша қилиб, бошқа эшикдан чиқиб қолдик ва қаршимизда шаҳарларда бўладиган катта дарвоза турарди. Аммо тавақаларнинг ўрни билиниб турса-да, ўзи жойида йўқ эди. Дарвозадан кирдик ва ўнг томонда тошдан тахланган зинага дуч келдик. Кимнидир кўтарилиб, қарашга таклиф қилдик. Юқорида тахт ва тошдан қилинган бир неча кенг супалар бор экан.

Ҳар эҳтимолга қарши ўзим билан икки-уч фонус, уч-тўрт темир машъала, икки коса зиғир ёғ ва икки-уч қадоқ шам олиб келган эдим.

Шу ердан ичкарига йўл олдик. Шипнинг баландлиги отхона даражасида. Бинонинг юқори кесими тахминан йигирма газга тенг. Юқори ёпиқ. Унинг томи ва айланаси баланд тоғлар, албатта. Деворининг ички қисми ислимий нақшлар ва қабарик тасвирлар билан безатилган. Иккала деворда ҳам ўйилган катта-кичик токчалар бор. Токчаларнинг кўп қисми тош панжаралар билан ўралган. Турли жойларда тошдан ясалган катта шамдонлар турарди. Икки-уч жойда ёрғичоқлар ётарди. Ёрғичоқларнинг қуйида яшаётганлар ва чўпонлар олиб кета олмаганлари синдирилган.

Хуллас, машъалани ёқиб, ўзимиз билан нон, гўшт, сув ва бошқа егуликларни олиб, икки юз қадамча юрдик ва гумбази Бухоро заргарлик устаналарига ўхшаб кетадиган, йўлаклари бор кенг

жойга чиқиб қолдик. Ўртада ёқутдек тусланувчи катта оқ мрамор устун осилиб турар, одамлар унинг баъзи қисмларини синдириб олгандилар.»...

Сафарнома 1893–98 йилларда Яккабоғ беги бўлиб турган, Бухоро амирлигида катта мавқега эга бўлган олим ва адиб Мирза Салимбекка тегишли. Дастхат сифатида ўтган асрнинг 50-йилларида илмий экспедицияларнинг бирида қўлга киритилган араб имлосидаги бу манбани тарихчи олим Наим Норқулов (1935–2005) форс тилидан русчага ўтиради ва йирик шарқшунос А. К. Арендс раҳбарлигида номзодлик иши сифатида ҳимоя қилади. Уч юз саҳифадан ортиқ салмоқли ҳажмга эга бўлган сафарнома Бухоро тарихига доир бошқа манбаларда кўп ҳам учрамайдиган маълумотлар борлиги билан қадрлидир. Инчунин, унда Амир Темур фаолияти билан боғлиқ ғор ҳақида ҳам қизиқ далиллар келтирилган. Агар тафсилотларнинг бундан бир аср олдин қозоғга туширилганини ҳисобга олсак, манзарани бугунги кун билан таққослаганда кўплаб хулосаларга асос бўлади.

Нафсиламрини айтганда, лавҳада шавқ билан тасвирланган табиат кўринишлари бугунга келиб йиллар шамоли таъсирида анча хиралашган. Водийни тўлдириб ётган мевали дарахтлардан асар ҳам қолмаган. Ғорнинг кириш қисмидаги иморат таг-туғи билан йўқ бўлиб кетган. Тош тахтлар, девордаги токчалар, уларни ўраб турган панжараларни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. «Бухоро заргарлик устахоналари»нинг гўзаллигини эслатган сталактит ва сталагмитлар кўпориб олиб кетилган, «ислимий нақш»ларнинг тақдири номаълум. Хуллас, қаровсиз муҳит, назоратсизлик ўз касрини қолдирган, даврининг салоҳиятини ва руҳиятини намоён қилиб турувчи ашёлар талон-тарож қилинган, табиий гўзалликка заха етган. Албатта,

атроф-муҳит муҳофазаси борасида жиддий тадбирлар кўрилатган, тарихий манзилларни асраб-авайлаш учун жон куйдирилатган даврда бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Очиғи, гарчи биз эслатган ғор манбаларда қайд қилинган, кўплаб меҳмонларда ўчмас таассуротлар қолдирган бўлса-да, у миридан-сиригача ўрганилмаган. Тўғри, ўтган асрда ва шўро тузуми даврида унга кўплаб экспедициялар уюштирилган, маълумотлар халқаро каталогларга киритилган, бироқ бу жой соф миллий-тарихий нўқтаи назардан тадқиқ қилинмоғи лозим. У ҳақидаги тасаввурлар эса шунчаки ишқибозларнинг ҳаяжонли ҳикоялари ёки қаламкашнинг таъриф-тавсифи даражасида қолиб кетмоқда, ҳақиқий мутахассисларнинг асосли хулосалари етишмаяпти.

Шундай таассуротларга суяниб дадил айтса бўладикки, бу ер ости йўлагиди қанчадан-қанча синоатлар яшириниб ётибди. Ғор ичида дарахт шохларини, ҳайвон суяқларини кўплаб учратиш мумкин. Дарахт қолдиқларига қараб тахмин қилиш мумкинки, бир пайтлар сув сатҳи шу даражада баланд бўлган ва бу кавак жой сув билан лик тўлган, шунда ўрмон қолдиқлари оқиб, ичкарига кирган. Суяқлар эса балки миллион йиллар олдин яшаган диназаврларга тегишлидир. Негаки, ғорга элтувчи йўлдаги қоятошда ҳақиқатан йирик ҳайвоннинг йигирма учта излари қотиб қолган...

Ғорни республикада энг узун – 616 метр деб таърифлашади. Агар ҳозирги тасаввурлар билан шу хулосага келинган бўлса, бу далил унчалик тўғри эмас. Юқорида эслатилган телефильмда ғор энг тўрдаги кўлда тугайди, деган фикр қайта-қайта уқтирилади. Ҳолбуки, кўплаб гувоҳлар, жумладан, шу сатрлар муаллифи ҳам кўлдан ўтиб, яна

20–30 қадамлар ичкарилаган. Охирига тақалиб қолган жой юқорига қараб худди мўридек чўзилиб кетган. Йўлни нарвон ёки арқонсиз давом эттириб бўлмайди. Чунки баландликка шунчаки чиқишнинг иложи йўқ, кўриниб турган йўлаклар анча баланд бўлиб, одамнинг сидирға бўйи етмайди. Шу манзара ғорнинг давоми борлигини тасдиқлаб турибди...

Бағрида кўп синоатларни сақлаб ётган маскан қачондир ўз сирларини ошкор қилади. Шунда бутун мамлакатимиз, ҳатто инсоният тарихига дахлдор янги маълумотлар топилса, ажаб эмас. Бу топилмалар болалик ва ўсмирлик йиллари нисбатан кам иншо этилган Соҳибқирон Амир Темур таржимаи ҳолини тўлдиришда ҳам асқотиши шубҳасиз.

2011 йил, февраль.

ВАТАН ШАРАФИНИ БОШГА ТОЖ АЙЛАБ

**ёхуд Соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг яна
бир қирраси ҳақида**

Бир қарашда миллий ифтихоримиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида ҳамма гап айтиб тамомлангандек, барчамиз шавкатли бобомиз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлгандек туюлади. Аммо тоққа яқинлашган сари унинг салобати ва маҳобати шунчалик ортиб борганидек, бобокалонимизни теранроқ тушуна борганимиз сари бу зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти тобора оҳорли қирралари билан кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси, тинчлик ва осойишталик таянчи, улуғ сулола асосчиси сингари қатор оламшумул таърифларга лойиқ топилган Инсон, оддий қилиб айтганда, ўз юртининг беназир ватанпарва-

ри, унинг шуҳрати-ю шон-шавкати учун оташин курашчи ҳам эди. Бу фазилатни ул зоти шарифнинг кенг қамровли оламшумул фаолияти амалда тасдиқлаб турган бўлса, гўзал шахарлардаги олий иморатлар, юксак моддий ва маънавий маданият, дунёни лол қолдирган илм ва адаб аҳли бу шарафни тарих силсиласида узоқ йиллар муҳраб, инсоният тамаддунини бир неча поғона юксалтирди. Инчунун, ўзи кўз очган заминни буюк зотларнинг хоки туроблари билан музайян этдики, бу билан она Ватан мавқеи, шуҳрати ва шарафини янада юксалтирди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаб кўрсатганидек, **«Бутун умрини иймон-эътиқод, ватанпарварлик, поклик ва ҳалоллик йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир».**

Шу мавзуда Имом Бухорий халқаро маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов билан анчайин батафсил суҳбатлашдик.

– Убайдулла ака, ривоятларда келтирилишича, баъзи шахарлардан фалакка нур кўтарилар экан. Бу ҳикматни шу жойларда мангу макон топган улуғ зотларнинг шарофатидан, дейишади. Жумладан, имом ал-Бухорий ҳазратлари вафот этганларида қабрларининг кесакларидан атрофга муаттар бўй таралиб турган экан (бу ҳолни ҳозир ҳам ҳис этиш мумкин). Ана шундай ҳолат Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларига қай даражада аён бўлган, деб ўйлайсиз?

– Бу мулоҳазаларда жон бор. Ҳатто ер юзида бир нафар маърифатли одам топилса-да қиёмат қойим содир бўлмайди, деган гап ҳам юради. Саволингизга жавобни эса бир оз узоқроқдан бошлашга тўғри келади.

Соҳибқирон ўз атрофида даврининг таниқли алломаларини тўплагани, улар билан турли масалаларда машварат ва суҳбатлар қурганидан ташқари қаерга қадами етса, ўша жойнинг машҳур кишиларига алоҳида эҳтиром кўрсатгани ҳақида қатор тарихий манбаларда кўп ёзилган. Жумладан, Шерозда шоир Ҳофиз Шерозий, Ҳалабда муаррих Низомиддин Шомий, Дамашқда қози ва аллома Ибн Халдун сингари улуғ зотлар билан қилган мусохабалари жуда машҳурдир. Шу билан бирга фатҳ қилинган диёрлардаги тарихий меъморий обидаларнинг яратилиши, исломий илмлар ва ислом дини ривожига ҳисса қўшган улуғ зотлар, азиз авлиёлар ҳақида сўраб-суриштирарди. Албатта, азизлар мақбаралари, қадамжоларни зиёрат қилар, моддий ёрдам кўрсатарди. Масалан, 1401 йилда Дамашқ фатҳ этилгач, шу шаҳарда дафн қилинган пайғамбаримиз Муҳаммад а.с. нинг завжаи мутаҳарралари Салма ва Ҳафса онамизнинг қабрларини зиёрат қилиб, муҳташам мақбаралар бино эттирганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу юмушларнинг бари бобокалонимизнинг амал қилган юксак эътиқоди, қарор топган оламшумул маънавий тамойилларидан келиб чиқиб бажарилган.

Шунингдек, ободончилик ишлари билан бир қаторда улуғ зотларнинг қабрларидан хоки турсиниб, она юртда ул зотларнинг рамзий мақбаралари ҳам бунёд этилганки, бу юмуш бир тарафдан ўша зотларга чексиз ҳурматнинг рамзи бўлса, иккинчидан, киндик қони томган заминнинг обрўсини ошириш, унинг муқаддаслигини юксалтириш, мамлакат аҳли ўртасида имон-эътиқодни мустаҳкамлаш учун қилинган саъй-ҳаракатлар ҳамдир. Бундай вазифани шу заминни бутун ву-

жуди билан севган, унинг порлоқ келажagini орзу қилган чинакам ватанпарваргина амалга ошириши мумкин. Қолаверса, ҳали бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятининг кам эътибор берилган қирраларидан бири ҳам ана шундай юмушлардир.

Маълумки, Соҳибқирон давлатининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг бетимсол шахрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракат қилди ва орзусига эришди ҳам. Шу шаҳарда узоқ йиллар яшаган ўша замон муаррихи Ибн Арабшоҳ «Самарқанд дунё шаҳарларининг келинчаги эди» дея эътироф этган. Олимнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқ мамлакатларининг улуғ шаҳарлари номи билан Миср, Бағдод, Шероз, Дамашқ, Султония деб атадики, бу билан ўз пойтахти мавқеини яна бир бор таъкидлаб кўрсатди. Ана шундай муҳаббат Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизга азиз-авлиёлар қабрларидан нишона келтирилиб, рамзий марқадаларини бунёд этишга ва бу жойларни одамларнинг муборак зиёратгоҳига айлантиришга изн бергандир.

– Ҳайтовур, Қаршидан Самарқандга келишда ўнг қўл тарафда Тахтиқорача-Жом тизма тоғлари бағрида бир зиёратгоҳ бор. Бу масканни темирчилар, ҳайдовчилар, умуман, барча табақа ва касб кишилари алоҳида ихлос билан тавоф қилишади...

– Бу жой Дониёл пайғамбар номи билан боғлиқ. Хўжа Дониёлга хайр-барака тимсоли, тинчлик-осойишталикни сақлайдиган авлиё сифатида қараганлар ва шундай кайфият билан унга сиғинганлар. Шуниси эътиборлики, бу зотни уч дин – яҳудийлар, христианлар ва мусулмонлар бир хил қадрлашган ва эътиқод қилишган. Амир Темур Ироқнинг Мосул шаҳрида бўлганида шу жойдаги Дониёл (Даниэль) пайғамбар мақбарасини

зиёрат қилади, унинг моҳиятини чуқур англаб, қабр тупроғидан олинган намунани эъзоз билан Самарқандга олиб келади ва унинг рамзий қабрини барпо қилдиради. Бу жой Соҳибқирон давлатининг барча фуқаролари учун табаррук зиёратгоҳга айланади, жами дин вакиллари ҳамжиҳатликда эзгу амаллар йўлида тоат-ибодат қилишади. Албатта, бунинг фуқаролар тотувлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлашда аҳамияти катта бўлган. Бу амаллар айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Худди шундай, асли Марв (Мари) шаҳрида туғилган, тақдир тақозаси билан Арабистон томонларга бориб қолиб, буюк муҳаддис ва фикҳшунос бўлиб етишган (ул зотни Имом ал-Бухорийгача бўлган энг катта олим, деб эътироф этишади), дини исломни ёйишда фаол иштирок этган ва динимиз ғанимларига қарши жангда мардона ҳалок бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (736 - 798) ҳам машҳур шахслардан бўлиб, Ироқнинг Ҳийт деган шаҳарчасида дафн этилган (камина бу жойни зиёрат қилишга мушарраф бўлгандим). Умри давомида Самарқанд, Бухоро, Насаф (Қарши) шаҳарларида яшаган ватандошимизнинг хоки ҳам Соҳибқирон томонидан Қашқадарё вилоятидаги Муборак тумани ҳудудига келтирилган ва зиёратгоҳга айлантирилган эди. Бундан бир неча йил олдин бу табаррук маскан қайтадан таъмирланиб, муҳташам мақбара тикланди ва буюк бобокалонимизга чинакам во-рислик намунаси кўрсатилди.

– Албатта, мустақил юртимизда эзгу амалларнинг бундай давомийлиги кўнгилда ифтихор ҳисларини жўштиради. Энди навбат Қарши шаҳридаги бирулуғ жойнинг тарихи ҳақида батафсилроқ тўхталишга келганга ўхшайди. Шаҳарнинг кунчиқар томонида машҳур Эшон Шаҳид қабристонига яқин ҳудудда

бир маскан бўлар, гарчи халқ орасида эътиборли гаплар юрса-да, яқин-яқинларгача назарга илинмасди. Айни кунларда бу жойда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

– Ҳа, ўша ер кўримсизгина мақбара тикланган, унча-мунчада одам қадам босавермайдиган назардан четроқ жой эди. Фақат «Хўжаи Жарроҳ» деган номи бор эди. Шўро замонида қадам босиш таъқиқланган, девор билан ўралган, чакалакзор, ташландиқ бир гўша бўлган. Ҳолбуки, бу масканнинг бунёд бўлиш тарихи анча салмоқли далилларга бой, замонасида Соҳибқироннинг айнан топшириғи ва назоратида обод қилинган, салтанат ҳудудларининг энг эътиборли, одамлар сиғинадиган, тавоф қиладиган бир нўқтасига айлантирилган. Мақбаранинг кўтарилиши пайғамбаримиз Муҳаммад а.с нинг юксак ҳурмати қозонган, тириклигадаёқ жаннатий деб эълон қилинган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ билан боғлиқ бўлган.

Милодий 584 йилда Маккада таваллуд топиб, 639 йилда ҳозирги Йорданиянинг Байсон деган жойида вафот этган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ Муҳаммад алайҳисаломнинг содиқ саҳобаларидан бири бўлиб, пайғамбаримиз уни «Амийн ул-уммати» («Умматимизнинг ўта ишончли кишиси») деб сийлаганлар. Бу шарафга ул зот ислом динига ошиғич садоқат билан хизмат қилганликлари, муҳорабалардаги жасоратлари, шунингдек, ўта ҳалол ва покизаликлари эвазига сазовор бўлганлар.

Имон келтириб, дастлабки мусулмонлардан бўлган қурайш қабиласи вакили Абу Убайда кейинчалик жасур лашкарбоши ва моҳир қўмондон бўлиб етишади. Ул зотда жангчиларни ғалабага руҳлантириш, ўзи ҳам олдинги сафда туриб жасорат кўрсатиш истеъдоди кучли бўлган. Тўқнашувларда

30–40 минг кишилик Византия қўшинларига 3-4 минг ислом лашкари билан қарши бориб, ажойиб ғалабаларга эришган. Ҳарбий санъатда қўшинни тузиш, мухабарот (разведка), пистирма, ҳийлалар қўллаш сингари усулларни фаол тадбиқ этган. Шунингдек, аҳолидан солиқларни ундириш, мунозарали масалаларни ҳал қилишда ўта адолатли йўл тутган. Хуллас, Расулиллоҳни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ул зотга елкадош бўлиб, садоқат билан хизмат қилган ва ишончларини қозонган. Эътиборли далиллардан бири шуки, ислом тарихида биринчи молия вазири лавозимини эгаллаган ва буюк давлат арбоби сифатида шуҳрат топган. Ана шу хизматлари эвазига пайғамбаримиз алайҳиссалом томонларидан «Ашараи мубашшара» (тириклигидаёқ жаннатий бўлган ўн буюк саҳобалар) дан бири сифатида эътироф этилган.

Муҳаммад а.с. вафотлари (632 йил)дан кейин ким халифа бўлиши юзасидан мусулмонлар ўртасида мунозара чиқади. Шунда Оиша онамиздан «Расулиллоҳ ўзларидан кейин бир халифа тайинламоқчи бўлсалар, кимни кўрсатар эдилар?» деб сўралди. Оиша онамиз «Олдин Абу Бакр, кейин Умар, ундан кейин Абу Убайдани» деб жавоб берадилар. Демак, пайғамбаримизнинг «Саҳобаларимнинг ҳар бирида ўринсиз одатлар учрайди, булардан фақат Абу Убайда холи» деганлари беҳуда эмас экан.

Абу Убайда умрининг охиригача кейинги халифаларга садоқат билан хизмат қилди. Халифа ҳазрати Умар даври (634–644)да Шом (ҳозирги Сурия, Йордания, Ливан, Фаластин ҳудудлари)да амири жуюш-исломия (ислом қўшинлари бош қўмондони) вазифасида турди. Шу йиллари вабо тарқалиб, бир ойда 20 минг мусулмон вафот этди. Абу Убайда халифа Умарнинг Мадинага қайтиш ҳақидаги таклифи-

ни рад этиб, жабрдийдалар қаторида Шомда қолди ва шу ерда бандаликни бажо келтирди. Унинг бисотини сарҳисоб қилганларида бир меш, пўстак ва қиличдан бошқа ҳеч вақо йўқ экан...

Соҳибқирон Амир Темур етти йиллик зафарли юришлари давомида ҳозирги Йорданиянинг Афвор деган шаҳарчаси ҳудудидаги Абу Убайда марқадини зиёрат қилади ва бу зотнинг ҳаёти, ҳарбий саркардалик фаолиятдан яхши хабардор бўлган бобомиз қабр тупроғидан олиб, уни Қарши шаҳрига келтиради. Бу ҳаракатда ҳам ўзига хос ҳикмат борки, албатта, кейинги талотўмларда карвон йўллари устида жойлашган бу шаҳарни ташқи душмандан муҳофаза қилишда буюк саркарданинг руҳи мададкор бўлгани рост. Қарши шаҳри яқин ўтмишимизда кўплаб жанг-жадалларга гувоҳ бўлган...

Айни кунларда бу зиёратгоҳ тамоман қайтадан қурилиб, обод масканга айлантирилмоқда. Озод ва бетакрор юртимизда яна бир қутлуғ макон пайдо бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистонимизда зиёратгоҳлар кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эгаки, бу умумий тарихимизнинг бир бўлагидир. Юртимиздаги бошқа шаҳарларда ҳам Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракатлари билан узоқ ўлкалардан азиз-авлиёларнинг хоки-туроби келтирилиб, муборақ қадамжоларга айлантирилган масканлар ҳақида маъбаларда тарқоқ маълумотлар учрайди. Очиғи, бу соҳа ҳали мукамал ўрганилгани йўқ. Шубҳа йўқки, олиму уламоларимиз ва тадқиқотчиларимизнинг умумий кўшишлари билан бу юмушга ҳам қўл урилади ва бобокалонимиз фаолиятининг яна бир қирраси маънавий мулкимизга айланади.

2013 йил, март.

ГУРУР УЙҒОНГАНДА

Миллий адабиётимизда муҳим воқеа содир бўлди: йирик бадиий полотнолар ижод қилишда ўз анъаналарига эга бўлган ўзбекнасида тўрт қисмдан иборат яхлит асар яратилди. Бу Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» тетралогиясидир. Тарихий мавзудаги мазкур эпопея ёзувчининг қарийб йигирма йиллик ижодий изланишлари маҳсули сифатида дунёга келди. Албатта, бу ҳодисанинг бадиий, маърифий, ҳатто илмий аҳамияти юксак, бироқ унинг қиммати икки нўқтаи назар билан баҳолаганда яна ҳам беназирдир. Аввало истиқлол туфайли юзага келган рўшнолик – тарихимиз ҳақида бундай кенг қамровли асарнинг яратилиши шоён диққатга сазовор. Иккинчидан эса бадиий асарнинг тур ва жанр талаблари, ёзувчининг маҳорати тадқиқи юзасидан ҳам у йирик илмий изланишларга манба бўлиши мумкин.

Асарнинг тузилиши ҳақида муаллиф тўрт рақамининг мантиғини изоҳлаб, шундай ёзади: «Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва тўрт китобнинг ҳар бири рамзий маънода бир ўғил исми билан аталиши лозим, номи «Улуғ салтанат» деб қўйилсин, деган қарорга келдим. Эпопеянинг бош қаҳрамони Амир Темурдир». Демак, гарчи китоблар ўғиллар исми билан аталса-да, бу «рамзий маънода», яъни китобларда маълум фарзанднинг ҳаёти ҳикоя қилинмайди, аксинча, воқеалар изчил, хронологик тарзда акс эттирилади. Шундай қилиб, биринчи китоб «Жаҳонгир Мирзо» («Шарқ» НМАК, 2003 йил)да 1370–1376 йил

воқеалари, иккинчи китоб «Умаршайх Мирзо» («Шарқ», 2006 йил)да 1376 йил ёзидан 1391 йил ёзигача бўлган давр, учинчи китоб «Мироншоҳ Мирзо» («Шарқ», 2010 йил)да 1399 йилгача бўлган воқеалар, тўртинчи китоб «Шоҳруҳ Мирзо» («Шарқ», 2013 йил) Хитой юриши (1405 йил) бошланишининг тасвири билан ниҳоясига етади.

Аслида ҳам амирзодаларнинг ҳар бири ҳаёти ва фаолияти алоҳида китобларга арзирли бой ва такрорланмас маълумотлар билан тўлиб-тошган.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо тўнғич фарзанд сифатида вояга етишибоқ Соҳибқироннинг қанотига кирди, ўзинингшижоатибиланотамехриниқозонди. Айниқса, унинг Жета ва Мўғулистонга юришларда, яъни ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган илк тадбирлардаги иштироқи қаҳрамонона саҳифаларга бой бўлди. Ўғли Муҳаммад Султон чинакам мард ва жасур саркарда сифатида ном қозонди.

Умаршайх Мирзо ҳам диловарликда тенгдошидан қолишмасди. Унинг Балх шахрининг Ҳиндувон қалъасини эгаллашдаги жасоратини тарихчилар юксак мамнуният билан дарж этганлар. «Ўшул кунда шайхзода Умаршайхким, ёши ўн олтида эрди, майдон ичра кириб, шижоат ва паҳлавонлик кўрсатдилар» (Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома», 66-бет). «Амир Соҳибқироннинг фарзанди дилбанди, жаҳон амирзодаси, адлу эҳсон қуёшининг шуъласи, бахтиёрлик тожининг гавҳари ўн олти ёшли Умаршайх баҳодир қалъа дарвозаси томон юрди. Уни бу ишдан ҳар қанча қайтармасинлар, фойда бермади. Шу ёшида ҳақиқий мардоналик кўрсатиб, душманларини тўхтатди» (Низомиддин Шомий. «Зафарнома», 82-бет). Кейинчалик Умаршайхга стратегик аҳамиятга эга бўлган Андижон

вилояти ҳокимлиги топширилди. Йигирма ёшли йигит отасининг ишончини тўла оқлади, чегараларни мустаҳкамлаш билан бирга вилоятни обод қилди. У барпо этган Гулистон боғини муаррихлар ҳайрат билан тасвирлашади.

Соҳибқирон 25 минг лашкарга бош қўмондон қилиб, Хуросонга юборганида учинчи ўғил – Мироншоҳ Мирзо ўн тўрт ёшда эди. Шу кетишда қарийб ўн йил узлуксиз Форс, Ироқ ўлкаларида салтанатнинг ишончли вакили сифатида тарқоқ ва бир-бири билан ёвлашиб ётган ҳудудларни бирлаштиришда, ҳокимиятни мустаҳкамлашда бошқош бўлди. У саккиз йил Хулогу улусини бошқарди. Отасининг эътиборини қайта қозониб, етти йиллик юришда кўплаб жасоратлар кўрсатди, машҳур Анқара муҳорабасида қўшиннинг сўл қанотига қўмондонлик қилди. Мироншоҳ Мирзонинг авлодлари Темурийлар салтанатини XIX асргача (Ҳиндистонда) ушлаб турди.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдорлик рутбасига эришганда жуда ёш эди. Унга Соҳибқирон ўн етти ёшида пойтахт Самарқанд тахтини инъом этган эди. Етмиш йил умр кўрган амирзода ҳаётининг охиригача салтанат жиловида бўлди. Ҳукмдорлик пайтида маданият тараққийсига алоҳида эътибор берди. Ҳирот дунё тамаддунининг бешикларидан бирига айланди. У тузган салтанат салоҳиятини тасаввур қилиш учун икки буюк зотни эслаш кифоя: Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий. Хуллас, Темурий шаҳзодалар ҳаёти алоҳида тадқиқотларга, кўплаб бадиий-биографик асарларга мавзу бўла олади.

«Улуғ салтанат» тетралогияси эса бутунлай бошқа йўналишдаги асар. У тарихий полотнодан кўра маиший-сентиментал руҳдаги романлардан тузил-

ганга ўхшайди. Эпопеяда жанглар сурони, қиличлар жаранги, фотиҳлик шиддатию лашкарбошилиқ жанговарлиги эмас, саройнинг зоҳиран осуда, ботинда эса асрорларга тўла сокин ҳаёти асосий тасвир нишон қилиб олинган. Китобхон давр руҳини, замон сурурини кўпроқ маликаларнинг ўзаро суҳбатлари, гўзал машваратлар, боғлардаги сайллар, турли муносабат билан уюштирилган тўй тантаналари ҳароратидан ҳис этади (албатта, ҳарбийлар ҳаёти, жанглар, юришлар тасвири, тарихий далиллар эпопеянинг асоси, сюжетнинг таянч нуқтаси ҳисобланади). Бундай йўл тутилганлигини ёзувчининг новаторлиги, воқеликка ўзига хос ёндашуви деб қабул қилмоқ лозим.

Албатта, бунда масаланинг икки томони бор эди. Мавзуга маиший ҳаёт кўзгусидан қаралганда, ёзувчи ихтиёрида жуда катта бадиий хазина мавжуд бўлади. Негаки, турмуш тарзини акс эттиришга бинойидек етадиган кўплаб лавҳалар ижодкор қаламини қоғозда эркин парвоз қилдиришига изн беради (дейлик, қошга ўсма тортиш ҳолатини ёки маъшуқа малика ва ошиқ амирзода кечинмаларини бир неча саҳифада ҳаяжонли акс эттирилганда ҳам китобхонга малол келмайди, ҳузур қилиб ўқийди). Иккинчи томондан эса ўз даврида замонасининг мислсиз ҳодисаси сифатида тан олинган, рубъи маскунда ҳамма ҳукмдорлар ҳисоблашишга мажбур бўлган ва бугун ҳам шукуҳи сўнмаган давр тарихининг бор улуғворлиги, нафосатию назокатини ёрқин ва ишончли акс эттириш масъулияти. Мабо-до, мақсад ҳосил бўлмаса, воқеликни жўнлаштириб қўйиш ва китобхонда «Улар ҳам биз қатори экан-да» қабилдаги нурсиз тасаввур уйғотиш хавфи. Негаки, ҳозиргача таъқиқланган ва энди кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётган мавзунинг маъ-

рифий томонини, қолаверса, бозори чакқонлигини ҳам унутиб бўлмас эди. Боз устига илк асарлар қаторида бўлган «Улуғ салтанат» эпопеяси туфайли дастлабки таассуротлар шаклланишини, кейинчалик эса уларни ўзгартириш қийин бўлишини ҳам эсда тутиш лозим бўларди.

Демак, бундай йўлни танлаган ёзувчида масъулият юки анча оғир бўлиб, одамлар маиший ҳаётини акс эттириш санъаткордан катта салоҳият талаб қилаши бадиий адабиёт тажрибасидан маълум. Зотан, кимсан дунё танийдиган, шуҳрати юз йилларни писанд қилмай, бугун ҳам кўпларни мафтун этиб келаётган улуғ сулола турмуш тарзи ҳақида сўз очишнинг маънавий залвари ҳам бор. Жўн бир гап: диққатимизни тортган кишида бирор ёқимсиз ҳолатни сезиб қолсак, тез кўнглимиз совийди, ундан ҳафсаламиз пир бўлади. Эҳтимол, тарихчининг вазмин назари саркарда, давлат арбоби ёки сарой маликасининг туруш-турмушию тутумини бир беозор ибора билан ифодалашда толиқмас, бироқ отанинг, эрнинг, фарзанднинг ёки мулозимнинг ўзаро инсоний муносабатларини, кўнгил кечинмаларини – ботиний ҳолатини сўзда ифодалаш, уларни жонлантириб, гапиртириш, йиғлатиш, кулдириш, бир марта тортилган чизиқнинг мантиғини бутун асар давомида йўқотмай, уни тугал суратга айланттириш – бу энди чинакам маҳоратни талаб қилади. Олдиндан айтиш мумкинки, муаллиф ўз асарида бу масалани муваффақиятли уддалай олган. Ҳар бир қаҳрамоннинг индивидуал қиёфасини яратишга эришган. Бу ҳолни Сароймулкхоним («ўнг чаккасидаги қоп-қора гажагини силаб қўярди»), Мироншоҳ («Энди келдук мақсудга...»), Холдона («Чучундим, чу-

чундим») ва бошқа бадий образлар характеридаги тафталогик иборалардан ҳам билиш мумкин.

Воқеа турлича даражадаги кўплаб тарих китобларида дарж этилган бўлса-да, суронлар ичидан шахсларнинг талъати кўзга баралла кўриниб туради. Воқеага омухта бўлиб кетган ёрқин шахслар оламини ёритишда фақат мантиқ – тарихий шахсларнинг бадий образга қанчалик мослиги (ёки аксинча) масаланинг моҳиятини белгилаб беради ва у асар муваффақиятининг омили ҳамдир. Бу, айниқса, тетралогиянинг бош қаҳрамони Соҳибқирон Амир Темур қиёфасини акс эттиришда кўзга яққол ташланади. Машхур тарихий шахс катта-кичик воқеалар ўрамида узоқни кўра оладиган даҳо, ақли ва тафаккури билан ҳар қандай муаммонинг ечимини топа оладиган мутафаккир сифатида намоён бўлади. Ҳазратнинг ҳаракати, сўзлаш оҳанги, фикрларининг залвори дунёни ларзага солган воқеаларнинг марказида турган Катта зот талъатини изчил тасдиқлайди.

Демак, бутун сезгиларни ишга солиб, ўша кунлар ва одамлар шуқуҳини тўла ҳис этиш нўқтаи назарнинг тўғри танлашга йўл очиши мумкин. Сир эмас, бу мавзуда турли ёндашувлар билан анча-бунча бадий асарлар яратилган. Шубҳасиз, муаллифлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, воқеалар тасвири, образлар талқинида бир-бирларини такрорламайдилар, яъни уларнинг талқинида аниқ бир ҳолат алоҳида-алоҳида кўринишларга эга бўлади. Масалан, тарихий далил – Соҳибқироннинг машхур шоир Ҳофиз Шерозий билан учрашуви бир неча шаклда тасвирланган, талқин қилинган. Олайлик, 1370 йил Балхга юришда бир мулозимнинг иғвосигина туртки бўлмаган, бу муҳорабанинг ўнлаб сабаблари бор ва доимо муроса йўлини тутиб қилинган ҳаракатлар зое кетгач, кўрил-

ган мазкур тадбир ёш ҳукмдор тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Масалага бадий муносабатнинг моҳияти шундаки, энди шавқ ва илҳом билан баробар совуққон мулоҳаза ҳам талаб этилади. Ёки Мироншоҳ Мирзонинг нохуш қилиқларидан Хонзодахоним орқали хабар топилдими ёки шунгача аҳвол Соҳибқиронга маълум эдими, деган саволга жавобда салтанатнинг бутун ички тартиби аниқ бўлади. Агар шунгача ҳеч нарса маълум эмас, фақат маликанинг саъй-ҳаракати билан вазиятга аниқлик киритилган, дейилса, дунёни ларза солган сиёсатнинг бурди қаёққа қолади?

Бундай манзарани хусусий ҳолатларда ҳам кўриш мумкин. Бир муаллиф «Уларда қўлни ўпиш одати йўқ эди» деб ёзса, ўзга бир асардаги лавҳа мулозимнинг ўз хожаси олдида тиз чўкиб, қўлини ўпиш билан бошланади. Ёки Музаффарийлар сулоласидан жасур лашкарбоши Шоҳ Мансур қисмати тарихчи ва ёзувчи нигоҳида айрича гавдаланади. Албатта, тарихчининг совуққонлиги билан ёзувчининг ҳаяжони бир хил ҳолат саналмайди, бадий асарнинг биринчи навбатда ақлга эмас, ҳиссиётга таъсир этишини мўлжаллаб яратилишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу борада юзага келадиган муҳамликларни бартараф этиш мақсадида тетралогияда бадий адабиётда кенг қўлланиладиган усул – тарихий воқеалар силсиласига тўқима образларни киритиш жуда муваффақиятли уддаланган. Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Ахий Жаббор, Сафарберган, Учқора, Йаналтекин, Айбож, Соғинчбека, Оққиз, Холдона сингари кўплаб персонажлар воқеада воқеаларнинг замиридаги теранликни қамраб олиш, мураккаб руҳий ҳолатларни ёрқин акс эттириш, қаҳрамонларнинг ички оламига,

қолаверса, интим дунёсига (ҳатто гўшангагача, ширин мулоқотларгача) кириб бориш имкони туғилади.

Нафсиламрини айтганда, асарда тарихий шахслардан кўра тўқима образлар китобхонда кўпроқ завқ уйғотади. Балки кўзда тутилган мақсад ҳам шундай бўлгандир.

Эпопея билан батафсил танишиб чиққан киши тасаввурида улуғ бир даврнинг салобати, дунёнинг ройишига нафақат сезиларли, балки кучли таъсир этган воқеликнинг шукуҳи яққол намоён бўлади. Асарни шу даражада маромга етказган ёзувчининг фидойилигини алоҳида эътироф этиш лозим. Академик Бахтиёр Назаров эпопеяга багишлаган якуний сўзида ёзади: «Улуг салтанат»дек маҳобатли асарнинг яратилиши нафақат адиб муваффақияти, балки у мансуб миллат адабиётидаги ҳодиса...Эпопея... йигирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонларни, юздан ортиқ персонажларни, уч юз атрофидаги турли даражадаги эпизодик образларни қамраб олади».

Муаллифнинг «Сарбадорлар» романи 1992 йил нашр этилган. Унинг ёзилиши 1984–1989 йилларда амалга оширилгани қайд этилган. Демак, бундан ўттиз йиллар олдин ўтмишни бадном қилишга йўналтирилган тоталитар сиёсат қиличини қайраб турганда, ёзувчининг бу мавзуга қўл уриши ўзига хос жасорат. Бу саъй-ҳаракатнинг замирида эса миллатни севиш, унинг тарихига чуқур ҳурмат билан қараш кайфияти мужассам эканини сезиш қийин эмас. Аслида адибда бундай кайфият анча олдин ниш урган. Бу ҳолни «Спитамен» манзумасида (1966), «Гумбаздаги нур» (1968) достонида намоён этган эди.

Тарихни севиш юксак гражданлик позициясидан нишона. Албатта, бу кайфиятнинг пайдо бўлишини шоирнинг таржимаи ҳолидан излайдиган бўлсак, бу империя пойтахти Москва билан боғлиқлиги сезилиб туради. Адиб шу йилларда оғизда тенг-у, амалда қарам бўлган иттифоқ республикаларидан келган ёшлар билан Москвада таҳсил олар, тенгдошларнинг ўзаро мулоқотлари жараёнида ҳар ким ўз миллатини улуғлашга тиришар, ҳам ижодда, ҳам ҳаётда кўринмас мусобақа, демак, кураш давом этарди. Ана шу муҳорабалар асносида «сарғайган саҳфалар»ни варақлашга тўғри келган ва ногоҳ нодир бойликлар юз очганга ўхшайди. Бундай хазина қаршисида, асрларни ёритган нур қаршисида сукут сақлаб туриш мумкин эмас эди. Ўзига хос ифтихорни туйган ёш ижодкорда йигитлик ғурури уйғонади, шавқ билан аждодлари зафарномасини дарж этишга киришади ва ўша саъй-ҳаракатларнинг маҳсули, тадрижий давоми сифатида тетралогия юзага келган. Ҳиссиётлар орқали жонланган ҳаёт лавҳаларини қоғозга туширишда юксак маҳорат иш беради, китобхон бундан неча юз олдинги воқеалар ичида яшайди, инсоният дунёсига қанчалаб эзгуликлар ҳадея этган давр руҳини ҳис этади. Албатта, мақсадга эришишда адабий тажриба билан бир вақтда юракда аланга янглиғ порлаб турган фарзандлик ғурури қўл келади.

Эпопеянинг яратилиши катта тадқиқотларга йўл очади. Тетралогия мисолида миллий адабиётимизда тарихий мавзунинг ишланиш тадрижи ва тажрибалар, ўтмишни акс эттиришда бадиий тўқиманинг, тарихий мавзудаги асарда шарҳ ҳамда тасвир ва баённинг ўрни сингари умумий масалалар билан бир қаторда асарнинг композицияси, тили,

«Хат» воситасининг қўлланиши ва хатларнинг ўзига хослиги сингари хусусий масалалар тадқиқ этилганда эпопеянинг бутун мухташамлиги яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Шу баҳонада ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб англашилмовчиликларга чек қўйилади, деб ўйлаймиз.

Худди шунингдек, бу ўринда бир масалага – тарихий далил ва унинг шарҳига доир бир мисолга диққатни алоҳида қаратиш лозим бўлади. Зеро, мазкур ҳолат тетралогиянинг учинчи қисмида анча кенг шарҳланган. Маълумки, Соҳибқирон ҳаётини муфассал этган котиблар турли мақсадларда ҳақиқатдан йироқ ўйдирмаларга ҳам йўл қўйганлар. Бундан «Амир Темур ҳаётида тақдир ажойиботлари» асари муаллифи ҳам четда эмас. Жумладан, Мироншоҳ Мирзонинг ўз отасига ёзган хатига эътиборни қаратайлик. Соҳибқиронга нисбатан ноҳолис муносабати илмий давраларда аллақачон тан олинган Ибн Арабшоҳ машҳур асарининг «Темур Ҳиндистонда эканида унга келган бир мактуб маъноси: гумон қилишларича, бу хатни Темурга ўғли Амираншоҳ юборган» деб сарлавҳаланган бўлимида ўзи ҳам тўла ишонмай («гумон қилишларича» деган изоҳга эътибор қаратиш лозим!), шу далилни келтиради. Таржимон ва тадқиқотчи профессор Убайдулла Уватовнинг эскартишича, «Ҳар ҳолда Амираншоҳнинг отасига мактуби ҳақида манбаларда бирор хабар учратилмаган». Яна олим ёзади: «Баъзи ўринларда муаллиф (Ибн Арабшоҳ. – Х. С.) бирор воқеани тасвирлашда бадийий безакларга берилиб кетиб, воқеликни бузиб кўрсатади. Жумладан, муаллиф ёзишича, Темур Ҳиндистонда бўлган пайтида ўз ўғли Амираншоҳдан олган мактуб фикримизга яққол далилдир». Демак, бу хатнинг рост-

дан ёлғонга яқинлиги аниқ. Таниқли тарихнавис ёзувчи ва олим Поён Равшанов иккиланмасдан «Амироншоҳ Мирзо томонидан бундай хат мутлақо ёзилган ҳам, Ҳиндистонга юборилган ҳам эмас» деган узил-кесил хулосага келади. Қолаверса, бўлиб ўтган ишлар батафсил шарҳланган, ҳар бир сатри нафрат ва тухмат билан юғрилган (бошланишига эътибор беринг: «Ёшинг улғайиб, жисмингни заифлик ва қувватсизлик қамраб олганлиги сабабли сен раёсат тартиботларини адо этиш, бошқарув ва сиёсат оғирликларини ўз зиммангда кўтаришдан ожиз бўлиб қолдинг») бу иншо айнан услуб ва оҳанг жиҳатидан Ибн Арабшоҳнинг ўз ижодига ўхшаб кетади. Шу асарида «Лашкарининг унга бўлган муҳаббати шунчалик даражада эдики, башарти Те-мур пайғамбарлик ёки худоликни даъво қилса, албатта, улар унинг даъвосини тасдиқлардилар» деб васф этган зотга нисбатан пушти-камаридан бўлган фарзандининг (ҳар қанча нобакор бўлса ҳам) бундай пасткашликка боришини ақл бовар қилмайди. Шунинг учун бу лавҳанинг романга киритилиши ўзини оқламаган. Истисно тариқасида, кейинги нашрларда ундан воз кечишни тавсия қилган бўлардик.

Умуман, мураккаб тақдир эгаси бўлган Ми-роншоҳ (Амираншоҳ) ва бошқа тарихий шахсларнинг бадиий тавсифларига фақат салбий бўёқнинг қуюқлаштирилиши ҳам манзарани ғуборлаштиради, негаки, таҳликали лаҳзаларда хато қилмаслик, адашмаслик жуда қийин эди. Гарча отдан йиқилиб, бошидан олган захми феъл-атворига қаттиқ таъсир қилган бўлса-да, кейинчалик Мироншоҳ Мирзо отасининг ишончини тўла оқлайди, юришларда фаол қатнашади, жасорат

кўрсатади, ҳатто машҳур Анқара жангида кўшиннинг жавонғорини бошқаради...

Ҳуллас, ҳозиргача ечимини топиш лозим бўлган ҳар хилликлар кўп, улар борасида бир тўхтамга келиш (яъни идентификациялаш) фурсати аллақачон етишган, негаки, жамоатчилик турлича тавсия этилаётган истилоҳ ва далилларнинг қай бирига ишонишни билмаяпти. Бундай баҳсталаб масалалар турли даражада (сўзларнинг имлосидан маълум йирик воқеа шарҳигача) бўлиб, уларнинг аҳамияти тарих учун, фан учун тенг ҳисобланади.

Масалан, Самарқанддаги хилхона форсчада «Гўримир» деб номланган. Бундай аталиши мақбарага дастлаб машҳур машойих Саййид Мир Кулолнинг ўғли Саййид Мир Умар (1400 йил вафот этган) ва Мирсаид Барака дафн этилганига ишора. Негадир кейинги пайтда ёдгорлик Гўри Амир деб юритила бошландики, бу хатоликдан ташқари жуда совуқ эшитилади.

«Навоий асарлари учун қисқача луғат» («Фан», 1993 й.)да «Мирак – она томондан шаҳзода бўлғуси киши. Мирзо – ота томондан шаҳзода бўлғуси киши» (169-бет) тарзида изоҳ берилган. Демак, Соҳибқироннинг қизи Тоғайшоҳ Оқабегимдан туғилган набираси Султон Ҳусайнни «мирзо» деб аташ тўғримики?

«Амир» сўзи фақат бобокалонга нисбатан ишлатилганда исм сифатида бош ҳарф билан ёзиш таомилга кирган, бошқа ҳолларда эса ҳарбий унвонни билдиради (худди «генерал» дегандек) ва кичик ҳарф билан ёзиш ўринли. Худди шундай «Ҳумоюн» сўзи исм ўрнида келса, бош ҳарф билан, сифатловчи (масалан, «ҳумоюн ўрду») бўлиб келса, кичик ҳарф билан ёзилади. Ёки «Шохруҳ Мирзо Хитой юриши-

дан олдин Самарқандга келиб, отасини кўрганми? Жўйизар Ғиждувондами, Шофирконда, Фаранг подшосига тухфа қилинган маликалар икки нафарми, уч нафар, Кониғилда Соҳибқирон неча нафар наби-расининг никоҳ тўйини ўтказган?» сингари майда саволларга ҳам аниқлик киритиш даркор. Бундай саволлар эса юзлаб топилади.

Валиаҳдлик масаласида «Зафарнома»ларда муносабат шу даражадаки, ҳатто бу сўзнинг ўзи йўқ, яъни салтанат йўриғида сезилмагандек. Баъзи замонавий асарларнинг эса асосий конфликти шу асосда қурилган. Ҳали чегаралар аниқ эмас, сиёсат ҳам қатъий йўриққа тушмаган, бироқ шу паллада Жаҳонғир Мирзо валиаҳд эълон қилинади, бу эса Умаршайх Мирзонинг ҳасадини кўзғайди. Кейинчалик Муҳаммад Султон шу тариқа сийланади, бундан Халил Султоннинг ичига ўт тушади. Амир Темур «Бир ишга киришсанг, ўлимни ўйлама» сингари қатъий эътиқодга эга инсон бўлгани ҳаёти давомидаги шахт ва шиддатдан билиниб турибди. Қолаверса, «Тож-тахт бир маҳбубага ўхшайди, бугун сенинг бағрингда бўлса, эртага бошқа билан» сингари ақидани сингдирган Соҳибқирон нега ҳадеб валиаҳд борасида безовта бўлаверади, шу орқали фарзандлар ўртасида қутку тушаверади? Булар қанчалик тўғри? Умуман, ўринбосарлик, издошлик, валиаҳдлик Темурийлар давлатида қандай амалга оширилгани ҳам жиддий тадқиқот мавзуидир.

Фақат воқеалар тафсилотини шарҳлаш ёки бадийий характер яратишда эмас, маънавий масалалар талқинида ҳам ўша давр руҳидан келиб чиқиб, маълум эстетик тамойилларни белгилаб олиш мантиқан тўғри бўлади. Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон салтанатида аёлларга муносабат ҳақида шундай ёзади: «...хо-

тинларга тил теккизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳамда «Бу нарсага амал қилинглар» деб доимо уқтирардилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, уни «пардали бола», «зийнат соҳиби», «мастура» ёки шунга ўхшаш иборалар билан атайдилар».

Демак, ана шундай одоб пардаси Темурийлар интим ҳаётини ёритганда мезон бўлиши лозим эди...

Муаммолар доирасининг кенглиги, баҳсталаб масалалар тўпланиб қолганлиги, турли жанрларда асарлар яратилиши сезиларли кўпайганлиги шу мавзу билан шуғулланувчиларнинг бошини бириктириш, тадқиқотларни марказлаштириш, қолаверса, бир неча йиллар олдин таклиф қилинган «Соҳибқирон Амир Темур қомуси»ни тайёрлашга киришишни тақоза қилмоқда. Билъакс, иш шу тахлид давом этаверса, ростдан ёлғонни ажратиб бўлмай, кейин тузатишлар, тузатишларга тузатишлар киритишга тўғри келиб қолади. Европада «Ҳар асрнинг ўз Наполеони бор» қабилидаги ибора юраркан. Бу жаҳонгирлар доим пайдо бўлиб туради, дегани эмас, балки ҳар бир давр ўз талқинидан келиб чиқиб, Наполеонни таърифлайди, демакдир. Бизда эса ҳар бир қаламкашнинг ўз Амир Темури бўлиши мумкин, аммо бу ижобий ҳодиса эмас. Аслида, тарихни ватанпарварларча ўрганишнинг моҳияти – уни гайриилмий ёлғонлардан, турли уйдирмалардан, сохталиклардан муҳофаза қилиш, тарихий ҳақиқатнинг борлигидай тасдиқлаш ва тақдим қилишдир. Ҳар қандай хато (у бир сўз ёки жой номининг турлича имлосими, саналар ва воқеалар талқини бўладими) ҳақиқатга мос келмас

экан, у ёлғонга хизмат қилиб қолаверади. Ҳозирги хатти-ҳаракатларнинг моҳияти эса ёлғонларга чек қўйиш. Демак, истиқлол туфайли миллий қадриятларимизнинг чинакам тароватини тиклаш, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, шу воситада ёшларимизнинг миллий ғурур ҳиссини юксалтириш имкони туғилган экан, бундан самарали ва оқилона фойдаланиш йўллари изланмоғи, бебаҳо хазина кейинги авлодларга соф ҳолда тақдим этилмоғи, етиб бормоғи лозим. Шунда ёш авлодда чинакам миллий ғурур уйғонади, тарихимиз ҳақидаги асарларни меҳр билан мутолаа қилади.

Ана шундай бир шароитда «Улуғ салтанат»дек кенг миқёсли асарнинг яратилиши кўплаб эзгу амалларга туртки бўлиши шубҳасиз. У ҳаммамизнинг севимли китобларимиздан бири бўлиб қолишига ишончимиз қатъий. Зеро, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бундай хазинадан баҳраманд бўлиши унинг маънавий такомилида юксак аҳамият касб этади. Бу тарихни билмай юртнинг чинакам фуқароси бўлиш, жаҳон саҳнида ўзгалар билан тенг мулоқот олиб бориш мумкин эмас.

МЕҲР ВА ЭҲТИРОМ ИЛА

Юртимиз мустақиллигининг энг буюк саодатларидан бири, шубҳасиз, ўтмиш меросимизга, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилгани бўлди. Зеро, шоир лутф этганидек, «шеърингга қофия излаб, ҳатто, «темир» сўзини ишлатганинг учун изоҳ талаб қилинган замонлар» ортда қолиб, бу хазинани бутун бўй-басти билан ўрганиш, истифода этиш, умуминсоний маданият бисотига қўшиш имкони

пайдо бўлган экан, бу хизматга миллий зиёлиларимиз камарбаста бўлиб келмоқдалар. Ана шундай фидойилар рўйхатининг олдинги ўринларидан бирида, шубҳасиз, қашқадарёлик таниқли олим **Поён Равшанов** туради. Устознинг ҳозиргача турли жанрларда эълон қилинган кўплаб китобларининг мавзуси мозийдан, ўтмишимизнинг фараҳли (хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин) айёмларидан баҳс этади. Муаллиф ижодида Соҳибқирон ва фарзандлари ҳаёти муҳим ўрин тутуди. Яқинда эълон қилинган «Амир Темур сулоласи» («Янги аср авлоди», 2013й.) монографияси фикримизнинг далилидир. Асар инсоният тарихида беш юз йилдан кўпроқ давр мобайнида турли даражаларда қайд этилган буюк сулола аъзоларининг қариндошлик ришталарига бағишланган. Муаллиф шу аспектдан туриб даврга назар ташлайди ва ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ўнлаб янги синоатларни кашф этишга мурасар бўлади. *Шу жиҳати билан бу китоб бутунлай янги йўналишдаги тадқиқотдир.*

Маълумки, шавкатли бобомиз Амир Темур ҳазратлари фаолияти, жумладан, шахсиятига қизиқиш ул зот ҳаётлик вақтидаёқ жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборида эди. Зотан, «Яратганнинг бир ожиз бандаси» эришган оламшумул ютуқлар дўстни ҳам, душманни ҳам бирдек қизиқтирарди. Шу маънода ҳозиргача дунёнинг қирқдан зиёд йирик тилларида васф этилган бу тарихнинг салмоғи ва кўламини тасаввур этиш қийин эмас ва бу ҳеч кимда эътироз туғдирмайди. Билъакс, ҳозирги умуминсоний бўҳронлар уфқида бу қизиқиш тобора ортиб бораётганини табиат ва кадриятлар устидан қозонилган ғалабалардан боши айланиб қолган одамзотнинг ўзи тушиб

қолган чоҳдан чиқиш учун қилаётган талвасаларига қиёслаш мумкин: бундан беш юзйиллар олдин бу фотиҳ ер юзида эмну омонлик ва тараққиётни қандай таъминлаган экан?

Таассуфки, бу тарих она заминдан узоқда, ўзга эътиқод ва маслаклар билан қуролланган котиблар томонидан ёзилди. Улар, аввало, Соҳибқирон амал қилган маслакнинг моҳиятини тушуна олмас эдилар, эътиқодлари аксар насроний эди. Мабодо, бу кемтиклик бартараф этилганда ҳам улар бошқа тилда алла тинглаган ва тийнатларида камол топган бори эзгулик ўзгача воқе бўларди. Демак, бу иншони айнан ҳамоҳанг маслак ва ялакат муҳитда улғайган котибгина муфассал ва бенуқсон ифшо қилиши мумкин эди. Тақдирга шукроналар бўлсинки, шу кунларга етишдик.

Ҳа, чинакам темуршунослик истиқлолдан кейин юзага келди. Энди унинг ютуқлари бор, тамойиллари шаклланган, йўналиши аниқ. Инчунун, «Амир Темур сулоласи» ва шу мавзудаги бошқа асарларга мустақиллигимиз ва асрий қадриятларимиз асосида шаклланган миллий тамойиллар билан баҳо берилади.

Бир нарса далил: «Амир Темур сулоласи» асари ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотлар доирасини ҳам бўйига, ҳам энига кенгайтиради, зеро, унда тилга олинган кўплаб маълумотлар ҳали илм аҳлига маълум бўлса-да, жамоатчиликка етиб бормаган эди. Муаллиф ўз асари билан, агар мавзуни уммонга қиёсласак, анча чуқур туша олган, яъни ҳозиргача бирор ғаввосга насиб этмаган теранликни инкишоф қилган, агар чўққини кўз олдимизга келтирсак, бирор альпинист забт эта олмаган юксакликка кўтарилишга эришган. Моҳиятда мана бу

ҳақиқат юғрилган: ҳозиргача яратилган аксарият тадқиқотларда далил – маълум шахсинг таржи-
маи ҳоли ёки бўлиб ўтган воқеалар юрт талашиш,
қирғин-баротлар, сурони оламини тутган жанглар
ва бошқа сиёсий ўйинлар табиатидан келиб чиқиб
талқин қилинган эди. Ҳолбуки, жами воқеликка
доя бўладиган ички мантиқ бор: оила муҳити,
қариндошлик муносабатлари, авлодлар ўртасидаги
узвийлик ва, албатта, хос таълим-тарбия. Ахир
жаҳоншумул шуҳратга ўз-ўзидан эришилмайди,
келажак учун жангларда қозонилган галабанинг
сиридан кўра бир буюк шахс (масалан, Мирзо
Улуғбек ёки Бобур)нинг камолга етиш йўли кўпроқ
асқотади. Бинобарин, ҳазрат Соҳибқироннинг
бошқа даҳолардан кескин фарқ қиладиган фази-
латларидан бири – инсоният маданий такомилига
сезиларли ҳисса қўшишга улгурган икки юз нафар-
дан зиёд Темурий шахзодалар ва маликалар сил-
силасини бошлаб берганидир! Соҳибқирон Амир
Темур тарих саҳнасига қоқилган олтин қозик эмас,
балки инсоният чаманзоридида кўр тўкиб турган
томири теран кетган, шохлари мевалардан солла-
ниб ётган улкан дарахт. Бу асар ана шу манзарани
тиниқлаштиради ва оламшумул моҳиятни тушу-
ниш, ҳис қилишга кўмаклашади.

Яъни ҳозиргача илмий муомалада муҳокамалар
асосан Амир Темур, бу зотнинг шахси, фаолияти,
дунё тан олган Мирзо Улуғбек ёки Заҳириддин Бо-
бур атрофида айланар, тарих ишқибозлари нари
борса ўғиллар: Муҳаммад Жаҳонгир, Умаршайх,
Мироншоҳ, Шохруҳ фаолияти билан қисман таниш
эдилар. Ҳолбуки, Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ на-
биралари Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад (1);
Пирмуҳаммад, Рустам ва Искандар (2); Абубакр,

Умар ва Халил Султон (3); Улуғбек ва Иброҳим Султон (4)нинг пешонасидан ўпиб, катта ҳаётга олиб кирганди. Уларни масъулиятли давлат ишларига тайёрлаш мақсадида турли даражали ҳоким қилиб қўйган, сафарларида бирга олиб юрганди. Шунингдек, мучал ёшини ўтказган бошқа набиралар: Аҳмад (2), Ийжал (3) ҳам бобосидан илк топшириқларни олиш бахтига муяссар бўлган эдилар. Қайд этилган исмлар кўпчиликка таниш, уларнинг тўла ҳаёти ҳақида маълумотлар турли воқеалар муносабати билан дарж этилган. Авлодлар ўртасидаги вобасталик изчил давом этди, бетакрор тарбия мактаби шаклланди ва у беқиёс самаралар берди. Китобда шулар ҳақида самимият билан, меҳр ва эҳтиром ила ҳикоя қилинади.

Албатта, бу муносабатларни кузатиш (яъни китобдан ўқиш) ниҳоятда мароқли. Энг юксак инсоний қадриятларга асосланган, муҳими – ҳар нўқтада адолат мезони устувор бўлган бу Каъбанинг ўз ақидалари амал қилган. Шаҳзодалар эсини таниши билан энагаларга топширилган, улғайгач эса энг тажрибали, баҳодир лашкарбошилардан устоз – бек аткалар тайинланган. Толиб ва мураббий муносабатлари жараёнида боладаги ижобий фазилатлар камолга етиб, нуқсонлардан фориг бўлиб борган. Кейинчалик Соҳибқирон тилидан айтилган ва сулола педагогикасининг олтин қондаси бўлиб қолган «Азми қатъий (1), тадбиркор (2), хушёр (3), мард (4) ва шижоатли (5) бир киши минглаб тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир» деган ҳикматда таъкидланган беш фазилатни сингдириш бу мактабнинг бош мақсади бўлгандир. Хуллас, моҳиятга ботиндан назар солиш, муваффақиятнинг илдизларини инкишоф этиш буюк мероснинг боқий

қимматини намоён этадики, бу ҳақиқатнинг тагига етишда қўлингиздаги китоб жуда асқотади. Аслида ҳам муддао шу – балки кимнинг ким билан қайси ришталар орқали боғланганини билиш сулола дарахти(шажараси)ни тасавур қилишга ёрдам берар, бироқ яқинлар ўртасида қарор топган ва амал қилган муносабатларни теранроқ ўрганиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Масалан, шундай бир воқеа рўй берган: Султон Ҳусайн (Бойқаро) **Хожа Абдуллоҳ Ансорий** мазорини зиёрат қилиб қайтарди. Ҳамроҳлар қаторида жияни Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) ҳам бор эди. Ақлли, билимдонлиги билан шаҳаншоҳнинг этиборини тортган шаҳзода йўлда кетишда ёшлик ғурурига бориб, тоғасидан олдин ўтиб кетади ва бу одобсизлиги учун ...Ихтиёриддин қалъасига ташланади.

«Амир Темур сулоласи»дан олдин ҳам бу мавзуда китоблар ёзилганди. Хусусан, Турғун Файзиёвнинг «Темурийлар шажараси» (1995) асари ўз вақтида яхши баҳо олганди. Ушбу сатрлар муаллифи истеъмолдаги маълумотлар ва ўз кузатишларини умумлаштириб, журналист сифатида «Олтин силсила» (2006), кейинчалик «Соҳибқирон абадияти» (2011) китобларини нашр эттирди. Албатта, услуб ва дастхат жиҳатдан бир-бирига ўхшамаган бу асарларнинг ўз ўрни бор. Умуман олганда эса бу изланишлар бир нарсани тасдиқлайди: ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп ва мазкур саъй-ҳаракатлар бир марказда мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилиши шарт. Билъакс, чўққига ҳар ким ўз сўқмоғи орқали йўл олаверса, бу из кенгаймайди, балки ўт-ўланлар орасида кўринмай қолаверади. Ахир муаммодан муаммо чиқариш эмас, балки мавҳум нўқталарни аниқлаштириш, маълум масалалар-

да бир ечимга келиш ва шу билан ҳақиқатга мос тушмайдиган муқобил нусхалардан воз кечиш, асосий эътиборни эса ҳали қўл етмаган, ўз шарҳи ва тадқиқотини кутиб ётган жабҳаларга қаратиш тўғри йўл бўларди. Албатта, тарихнависликни «ўтмишни башорат қилиш» деганлар ҳақ, негаки, орадан юз йиллар ўтган воқеликнинг бутун шукуҳи ва ҳароратини қайтариб бўлмаганидек, рўй берган ҳодисаларни юз фоиз тиклаб ҳам бўлмайди. Бу – табиий. Шундай бўлгач, воқеалар ривожини, давр руҳини мантиқий тафаккур кўзгусида одилона акс эттирилган тадқиқотлар қадрлидир. Бу жиҳатдан «Амир Темур сулоласи» асари жиддий муваффақиятдир.

Муаллиф далилларни қайд этар экан, уларнинг юзага келиш шароитлари, сабаблари ва, албатта, асоратлари юзасидан чуқур мулоҳаза юритади, ўз хулосаларини беради. Хусусан, Хонзода Бегим (Хонзодахоним) ёки Гавҳаршодбегимнинг салтанат ишларидаги ҳиссаси, уларнинг оқибатлари ҳақидаги фикрларга қўшилмай илож йўқ. Шунингдек, кўп англашилмовчиликлар келтириб чиқарган Мироншоҳ Мирзонинг отасига ёзган хати уйдирма эканининг исбот қилингани тарихий ҳақиқатнинг айнан тикланишидир. Муаллифнинг Шохрух Мирзо тимсолини деярли биринчи марта батафсил инкишоф қилгани алоҳида таҳсинга сазовор. Буюк қалб ва улкан салоҳиятга эга бу гениал давлат арбобининг фаолияти алоҳида махсус тадқиқотларга мавзу бўла олади. Ёки шоҳ сифатида Мирзо Улуғбекнинг саъй-ҳаракатлари баёни, унинг ички зиддиятларининг очиб берилгани бир қўлда икки қилични ушлаб бўлмаслигига китобхонни ишонтиради: буюк олим вв буюк шоҳ тушунчалари асло кесишмас экан. Воқеалар мантиқий оқимидан келиб чиқиб баҳо бе-

риладиган бўлса, Абдуллатифнинг улкан истеъдоди зое кетганидан, унинг чекига тушган шум қисмат – тақдирнинг ёрлақамагани, ниҳоят, унинг мудҳиш хатоси, инсоний фожиасидан бир одам сифатида изтиробга тушасиз.

Асар бизга кўп қадрли туйғулар ҳадя этади, равон ўқилади, тили истиораларга бой.

Албатта, бундай китобнинг маънавий дунё-мизда пайдо бўлгани ижобий ҳодиса. У, шубҳасиз, қамровни яна ҳам кенгроқ олиш, талабни кучайтириш истагини уйғотади. Зеро, айтилган пайтда бу мавзу жуда оммалашди, бундай шароитда баъзан «ростни ёлғондан ажратиш» мушкул бўлиб қоладиганга ўхшаш ҳол ҳам рўй бериши мумкин. Муаллифлар аниқ «йўл харитаси» бўйича ҳаракат қилмас эканлар, биз бош мақсад – шавкатли аждодларимиз тарихини нотўғри ёзишлари ва талқин этишларига чек қўйишимиз қийин бўлади. Барча саъй-ҳаракатлар ҳар қандай даражадаги ёлғонларнинг олдини олишга қаратилмоғи лозим, зеро, мустақилликдан кейин ўз юрти, халқига эга бўлган Соҳибқирон бобомизнинг чинакам сиймосини аниқ-гиниқ акс эттириш бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Дунё афкор оммасинингқарор топган қизиқиш кўлами шуни талаб этмоқда.

Мавзуга мурожаат қилишда қандай тамойиллар билан ёндашишнинг талабига бир мисол. Муҳаммад Жаҳонгирга Хоразмдан келин қилиб туширилган маликанинг исми – Севинчбека, уни «Хонзода» нисбаси билан атай бошлайдилар. Уни Шарафуддин Али Яздий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Бобурнома»да) «Хонзода хоним» (Хонзодахоним) тарзида ёзганлар ва бошқа кўплаб замонавий муаллифлар ҳам шу тарзда иншо этадилар. Шунингдек,

бу исмининг «Хонзода бегим» тарзидаги кўриниши ҳам асарларда учрайди. Бу ўринда хатолик борми ёки иккаласи ҳам бир нарсами? Йўқ, шу кичкина унсурда катта маъно юкланган. «Хоним – хон қизи» сифатида Олтин Ўрда маликаларига нисбатан қўлланган, «Бегим – бек қизи» маъносида бўлиб, Темурий маликалар шарафланган. Бу икки тоифа ҳар жиҳатдан фарқланади: бири кўчманчи маданият вакили, дини насроний ёки будда; иккинчиси шаҳарлашган, дини ислом. Ана шу оддий сифатлаш қўшимчасини ўрнида қўлламаслик орқали ҳаммаси аралашиб кетади.

Умуман, бу мавзуда фикр юритганда исмлар, унвонлар, даражалар – ҳамма нарсага ана шундай аниқлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Бу талаб олдиндан бор ва унга амал қилиш шарт.

Тадқиқотларда азалдан сулоланинг генеалогия (насабнома)си борасида жуда хилма-хилликлар кўп бўлган. Мазкур асарда шу анъана яна давом эттирилганга ўхшайди. Тўғри, «ҳар нарсада бошқа ҳеч бир киши кўрмаганни кўришга, ҳеч бир киши бош қотирмаган жиҳатни топишга интилмоқ лозим» (*Г. Лихтенберг*). Бироқ насабнома борасида нисбийроқ бўлса ҳам бир тўхтамга келинган эди, муаллиф эса бутунлай янги қарашларини ўртага ташлайди ва яна ҳам чуқурроқ фикрлашга ундайди.

Масалан, Темурий маликалар ва уларнинг фарзандлари борасида анъанавий қарашлар (А) ва П. Равшанов(ПР)нинг фаразларини солиштириб кўрайлик:

А.: Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг никоҳида дастлаб Қадақ хотун бўлган, ундан Ширинбека туғилган. Сўнгра Такина хотунга уйланган, ундан Қутлуғ Туркон ва Темурбек дунёга келган.

ПР.: У (Муҳаммад Тарағай)нинг биринчи аёли «Темурнома»ларда айтилгани каби, Амир Қазоннинг қизи Йукун хоним эди. Тегина Бегим вафотидан кейин Амир Тарағай Қадоқ Хотунга уйланади. Бу аёл 1390 йилгача ҳаёт бўлган ва фарзанд кўрмаган (31-бет). Тўнғич қиз Қутлуғ Туркон Оғо, Темурбек ва сингил Ширинбека Оғонинг оналари Тегина бегим Моҳ эди (32-бет).

(Изчилликка амал қилиб, китобдаги қуйидаги маълумотларни мулоҳаза қилиб кўрадиған бўлсак, далилий хатолар аниқ кўзга ташланиб қолади.)

ПР.: Қутлуғ Туркон Оғо 23 ёшга, Темурбек 18 ёшга тўлганда она (Тегина Бегим) ҳаёт билан видолашади. Муҳаммад Тарағай ҳам 1360 йилда оламдан қайтади. Ўғай она Қадоқ Хоним билан 3–4 ёшли сингил Ширинбека Оғо Темурбек қарамоғида қолади (45-бет). Ширинбека Оғо Темурбек 18 ёшга етганда 15–16 ёшларда бўлган (46-бет). Қабр тошида битилишича, Ширинбека Оғонинг вафот этиши ҳижрий 787 (1385–1386) йилда юз берган. ...У 30–32 йил умр кўрган, холос (48-бет).

А.: Турмиш (Бурмиш, Нурмиш, Нурмушк) оқа Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи бўлиб, унга Темурбек 1354 йилда уйланган. Маликадан Муҳаммад Жаҳонғир ва Тоғайшоҳ Оқабегим туғилган.

ПР.: Жаҳонғир Мирзо Ўлжой Туркон Оғодан туғилган (58-бет). Нурмиш (Турмиш) Оғо аслида Амир Жоку Барлоснинг қизи бўлиб, Умаршайх Мирзо ундан туғилган бўлиши мумкин (58-бет). Умаршайх билан Оғо Бегим бир онадан таваллуд топган (102-бет). Умаршайхнинг онаси тез ўлиб кетганидан унинг тарбияси билан Қадақ Хотун шуғулланган, дейиш мумкин (130-бет).

А.: Ўлжой (Ўлжаой, Камолой) амир Қазағаннинг набираси, Темурбек 1357-58 йилларда уйланган ва ундан Султонбахтбегим дунёга келган. 1366 йил вафот этган. Мироншоҳ Мирзо канизак Менглибека оқадан туғилган.

ПР.: Жаҳонгир Мирзо ва Султон Бахт Бегимнинг онаси – Ўлжой. Жаҳонгир Мирзо Ўлжой Туркон Оғодан туғилган, деган қарашлар жуда инобатли эканлигини таъкидлаш жоиз (58-бет). Ашраф Аҳмедов ҳам Жаҳонгир Мирзонинг онаси Ўлжой Туркон, деган (60-бет). Ўлжой Туркон Оғонинг бевақт вафоти ..учинчи фарзанд – Амираншоҳ Мирзонинг туғилиши билан боғлиқ асоратлар билан боғлиқ(?) бўлган дейиш мумкин (63-бет). Менинг тахминимга кўра, Амираншоҳ (яъни Мироншоҳ) Мирзонинг онаси ҳам Ўлжой Туркон Ого эди (68-бет).

А.: Амирзодалар Жаҳонгир ва Умаршайх бир йилда – 1356 да, икки онадан туғилгани қайд этилади. Умаршайх Мирзонинг онаси – Тўлун оқа.

ПР.: Жаҳонгир Мирзо 1354 йил туғилган бўлиб чиқади (58-бет).

Муаллиф Ҳиндувон қалъаси эгалланганда 16 ёш, вафот этганида 40 ёшда эканини инобатга олиб, Умаршайх Мирзонинг таваллуди 1354 йил эканини тўғри қайд этади.

Кўриниб қоладики, гарчи янги маълумотларни ўзлаштиришда фаразларнинг ўрни бўлсада, аммо «Фаразлар бино олдига тикланган, уй битгач, олиб ташланадиган ҳавозалардир; улар қурувчи учун керак; фақат қурувчи ҳавозаларни бино деб ўйламаслиги зарур», деган экан И. Гёте. Олимнинг фаразларида эса илмийликдан кўра тахмин (ҳавозаларни бино деб ўйлаш) кўпроққа ўхшайди.

Умуман, Соҳибқирон ўғилларининг маъқеи ҳақида гап кетганда, саройда қарор топган тартиб – малика ва канизакликни ҳисобга олишга тўғри келади. Манбаларда Жаҳонгир Мирзонинг маликадан, қолган ўғилларнинг эса канизақлардан дунёга келгани қайд қилинган. Бу ҳол ҳеч нарсага таъсир этмаса-да, фақат валиаҳд тайинлашда Соҳибқирон бу вазиятни ҳисобга олганлигини баъзи муаррихлар эътироф этган. «1370 йилда вужудга келган ҳарамнинг тўртинчи маликаси Тоғай Туркон Хотун эди (92-бет). У Хусайн Сўфининг қизи бўлиши мумкин» (93-бет) деб ёзади муаллиф. Ўз вақтида Т. Файзиев «Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шоҳрух Мирзонинг онаси Тоғай Туркон Оғо бўлиб, соҳибқирон Амир Темурнинг хос канизақларидан бўлган. Кейинчалик ўз никоҳига киритган. Хондамир мазкур маълумотни Шоҳрух Мирзонинг ўзи туздирган «Насабнома»дан олганлигига ишора қилади» деб кўрсатганди. Оғонинг Хоразм хукмдорининг қизи бўлиб чиқиши эса ушбу катта тарихдаги шов-шувли воқеа бўларди, бироқ бунинг эҳтимоли жуда кам.

Нима деймиз, бугунги кун тадқиқотчиси учун бош оғриқлар кўп бўлиши мумкин. Албатта, ҳар бир далилни талқин этишда ёзилмаган меъёрлар амал қилади: аввало, андиша, одоб, ҳурмат, қолаверса, ўша кунларга мансублик туйғуси. Дабдурустдан «Яздий... шаҳзоданинг мияси қаттиқ шамоллаганлигини, у жуда кучайиб кетиб, қутуриш аломатлари содир бўлганлигини ёзади» (178-бет) сингари сўзларни ўқиганда шошиб қолар экан киши. Наҳотки?! Яна мулоҳаза қиласан: бу икки касалликни қўзғовчи омиллар бошқа-бошқа, шекилли. Ёки «Яздий, «Амир Тарағай... қадрли шайх Шамсиддин

Кулолга сидқидилдан ихлос қиларди ва унинг мубо-
рак қабрига тез-тез бориб турарди», дейди» (30-бет)
жумлаларига дуч келганда беихтиёр Яздий китоби-
нинг Ғиёсиддин Али Жамол Яздий таржимасидаги
нашрини варақлаймиз. Унда «Тарагайбек уламо ва
сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди
ва буларнинг мажлисида борур эрди» (*фикр шу жой-
да тугайди*) жумлаларини ўқиб, ҳайратимиз баттар
ошади. Негаки, Муҳаммад Тарагай шайх Шамсид-
дин Кулолдан ўн йил олдин ёруғ оламини тарк этган
эди-да.

Мушоҳадага ундайдиган, фикр қўзғайдиган
асарнинг қадри юксак. Баъзан олис мозий асрори-
ни замон хизматига вобаста қилишда масофани та-
факкур забт этишида муаммолар бўлиши ҳам бор
гап. Зеро, муаллиф ўринли эътироф этганларидек,
«...Бу хилдаги янглишишлар олдинги тарихлар-
да кетганидек, бугунгиларида ҳам тўхтаб қолган
эмас. Бу табиий ҳол. Шажаралар, сулолалар билан
боғлиқ ришталар шунчалар чувалашиб кетганки,
кўпинча, унинг учи-қуйруғини топишда хатога йўл
қўймаслик мумкин эмас». Худди шундай. Масалан,
ёзилади: «Муҳаммад Султон Мирзо ...Оқо Бегим
билан Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли Сай-
ди Аҳмад Мирзо никоҳидан таваллуд топган эди»
(144-бет). Аслида Сайди Аҳмад 1391 йил туғилган
ва 1429 йил вафот этган, ҳолбуки, Оқо Бегимнинг
отаси Ғиёсиддин Мансур 1413 йилда туғилган, яъни
бўлажак «келин»нинг отаси тахмин қилинган куёв
вафот этганда 16 ёшда бўлган. Мантиқ? Аслида,
Оқабегим Сайди Аҳмадга эмас, унинг ўғли Аҳмад
Мирзо (1420–1498)га узатилган, бу никоҳдан 1458
йилда Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) дунёга
келган.

«Клавихо Соҳибқирон Амир Темурни салтанатни идора қила бошлаганидан йигирма беш йил ўтиб кўраётган эди» (64-бет), «Марям Султон билан Муҳаммад Жаҳонгир 18 йил турмуш қурганлар» (542-бет) каби маълумотларда ўн йилга адашилган бўлса, тарихий воқеалар шарҳи («Амир Темур ҳокимиятга келганида мўғулларнинг истибдодига барҳам берилганига 24 йил тўлаётган эди. Амир Қазағон ва амир Ҳусайнлар тахтда бўлган йилларда собиқ мустабидларнинг кучи ва таъсири қандай даражада бўлса, орадан шунча йиллар ўтишига қарамай, бу куч ва таъсир сусаймаган эди» (76-бет), «Амир Қазағон асослаган ҳокимият 1370 йилга қадар давом этди... Амир Темур тахт даъвосини қилмаган. Мамлакат аёнларининг, атоқли руҳонийларнинг фатвоси билан у ҳукмдорликни қабул қилган» (168-бет)да ички мантиқий зиддият бордек туюлади. Умуман, бундай камчиликлар ўзак аҳамиятга эга эмас, амалиётда қўлёзма китоб ҳолида тайёрланаётганда муаллиф ва муҳаррир ҳамкорлигида бартараф этиш мумкин бўлган жузъий ҳолатлар. Шу ўринда муҳаррирнинг ўз вазифасига нечоғлик масъулиятли бўлиши лозимлигини таъкидловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мана бу гапларни синчиклаб ўқисак, уларда муҳаррир қалами пардоз бериши шарт бўлган ўринлар мавжудлигини сезиб олиш қийин эмас: «Зафарнома»нинг 1394 йилда Бағдод (230-бетда «Бағдод») яқинидаги Хармату қалъасини олиш пайтида Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлганлиги воқеаси келтирилади» (57-бет). «Туркий амирлар, шу жумладан, Амир Ҳожи Барлос ҳам тахтга чиққан Абдуллоҳни ҳокимиятдан ағдардилар» (60-бет). «Амир Темур Хоразмга, бу жойга босиб

келган Тўхтамишхонга қарши юришлар ҳисобида бешинчи бор қўшин тортади» (70-бет). «Халил Султон Амироншоҳ Мирзонинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг бева қолган хотини Хонзода Бегимга уйланган ва бу никоҳдан Халил Мирзо туғилган» (203-бет). «..шаҳар доруғаси Халил Султон юришидан ҳам олиб, уларга муҳолифатчилик кўрсатади» (358-бет). «Самарқандга ўғли Бойсунғур Мирзони олиб Жайхунга қадар у бирга келган эди» (566-бет). Ёки «Умаршайх Мирзонинг ўғли Аҳмад (1387 йил)(133-бет), «Умаршайх Мирзонинг тўртинчи ўғли Аҳмад Мирзо 1388 йилда дунёга келган» (141-бет). «Саъд Ваққос 1397 йил туғилган (184-бет), «У 1399 йил туғилган» (187-бет) сингари ҳар хилликларни «бир қалам чекиш» билан бартараф этса бўларди. Шунингдек, мусаҳҳих (корректор)нинг фаромишлиги туфайли баъзи мантиқсизликлар келиб чиққан: «Амир Темур Ўтрорда, Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек саройга жон берганди (109-бет). «... арқонларини сийлади» (116-бет) (*аркон-рукндан*). «...қалъа қутлови (185-бет) (*кутвол-комендант*). «... мулкларнинг мўғуллар ва набираларга берилиши..» (300-бет) (мўғулларга эмас, *ўғилларга*). «Эрдамчи барлос» (14-бет), уч қатор пастда «Эрдумчи», «Кармина» (163-бет), тўққиз қатор пастда «Кармана». «Оланчук» (230-бет), «Алинжак» (231-бет). «Жоварчи» (47-бет), «Бовурчи» (61-бет), «Жовурчи» (153-бет) (қай бири тўғри?) каби кўплаб хатолар кетган. Албатта, буларни мисол сифатида алоҳида таъкидланаётганлигининг сабаби шуки, ҳозиргача юзага келган хилма-хиллик ва чалкашликларнинг асоси шундай майда хатоларда, улар «ўсиб» бораверган ва янги бир муқобил атама, воқеа, тарих юзага келаверган. Ахир тарихий асар учун ҳар бир кичик ун-

сур (масалан, ҳожи Сайфиддиннинг 1403 йил (314, 319-бет) эмас, 1401 йилда вафот этгани; Ҳиндувон қалъасида Ҳусайнга туясини йўқотган киши дуч келдими ёки отини, Мироншоҳ овда буғуни кўриб қолгандими ёки архарни? сингари саволлар) катта маъно ташийди. Олайлик, туя ёки буғу бутунлай бошқа табиий шароитларда яшайди ва уларнинг қаламга олиниши билан воқеа қандай муҳитда кечаётганлигини ҳис қилиш мумкин.

Хуллас, «Катта дарахтнинг сояси ҳам катта бўлади» нақлига амал қилганга ўхшаб, бошқа кўплаб тадқиқотларга асос, тағ-замин бўлишга лойиқ «Амир Темур сулоласи» асарида ана шундай катта-кичик кўплаб хатолар ўтиб кетган ва бу ҳол фундаментал асарларни нашрга тайёрлаш жараёнида муҳаррир ва мусахҳиҳнинг муаллиф билан яқин ижодий ҳамкорликда жиддий тер тўкиши шартлигини яна бир бора таъкидлаб турибди. Шубҳасиз, бундай ҳолатлар турли иккиланишларга олиб боради ва баъзан ўқувчини чалғитади. Энг хавфлиси – бир сохта «илм» юзага келишига манба бўлади. Ўтрордаги аёнлар қаторида Қора Юсуф (334-бет) ҳам қайд этилади. Маълумки, қорақуюнлилар раҳнамози Қора Юсуф Соҳибқироннинг энг ашаддий рақибларидан эди. Бирданига уни таҳликали паллада Ўтрорда тасаввур қилинг?! Аслида у зот Хожа Юсуф эди, холос. Бир сўз билан...

Шак-шубҳасиз, беғараз, самимий айтилган бу мулоҳазалар тўғри қабул қилинади, деган умиддамиз. Миллий темуршунослигимиз ўзининг тадрижий такомилени давом эттириб, яна бир жиддий асар билан бойиганлиги умумий қувончимиз. Бутунлай янги йўналишдаги бу тадқиқот зиммасига олган вазифасини муваффақиятли уддалаган. Му-

аллиф «Хотима»да таъкидлаганидек, «Соҳибқирон Амир Темур тақдир ва давр танлаган ҳукмдор эди. Унинг сиёсат юритиши бир сира, оила – хонадон фаолияти иккинчи сира». Ҳозиргача дунё қилич таққан, совут кийган жаҳонгирни танишга интилиб келди, устоз Поён Равшанов эса бу зоти шарифнинг инсон, ота, бобо сифатидаги сийратига назар солди ва кўпчиликка манзур бўладиган муносиб асар яратди. Жаҳоншумул мероснинг ҳали кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ қилган бу китоб ҳаммамизнинг қадрли мулкимизга айланиб қолиши тайин. Зеро, улкан мақсадлар билан яшаётган, бор умидини ёшларга тикиб, улардан ҳеч нарсасини аямаётган юртдошларимиз учун китобдан ортиқ совға борми?!





ШЕР ҲАМЛАГА ЧОҒЛАНАДИ

Киносценарий

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг йигитлик йилларига тўғри келадиган, 1361 йил куз – 1362 йил баҳорида кечадиган тарихий воқеалар асосида

Иштирокчилар:

Темурбек – 25-26 ёшларда.

Ўлжой Туркон – Темурбекнинг қаллиғи.

Ийгу Темур,

Жоку барлос,

Сайфиддин,

Эрбуғо – Темурбекнинг сафдошлари.

Муҳаммад Тарағай – Темурбекнинг отаси

Қози, сарбадорлар

Ҳусайнбек – тахт даъвогари

Дилшод оқа – Ҳусайнбекнинг қаллиғи

Пир

Нақиб

Уламолар

Балту

Боғбон чол

Илёсхўжа, Беккичик – мўғул ҳукмдорлари

Оламшайх, Мубашшир – Темурбекнинг мулозимлари

Қуролли аскарлар, хизматкорлар, тингчи, аъёнлар...

Тонг отиб келмоқда. Куёш масрур ястаниб ётган Ўзбекистон ҳудудларини нурга чулғаб, пойтахтдаги Амир Темур ҳайкали сиртларини ёрита бошлайди.

Тасвирда тетапоя болача кўзга ташланади, у шодон қийқиради, қўлини ҳайкалга чўзиб, ўзича гувранади. Майин эсган шабада қаердандир сарғайган қоғоз парчасини учириб келади, уни бола тутиб олади, бир четидан очмоқчи бўлади. Шу пайт орқадан келган қўл уни кўтариб олади, қоғоз парчаси ёйилиб кетади, турли ёзувлар кўзга ташланади.

Кадр ўзгариб, кинокамералар, тутқичлар, кино ускуналари кўринади. Ва воқеа бошланади.

Гулдурос овозлар, отлар кишнаши. Ҳаёт ва мамот нафаси.

Юпун эр-хотин тирикчилик билан овора: жўжа очган товугини катакка жойламоқда. Сурон солиб келган отлиқ катакни ва жўжаларни пайхон қилади, эр-хотин четга учиб кетади.

Чанг-ғубор тарқаб, нур оғушида Темурбек пайдо бўлади. У аини пайтда мўғуллар қўшинида сипоҳсолор.

Мўғуллар ўрдуси тасвири, ўзига бино қўйган Илёсхўжа кўриниш беради, бош вазир Беккичик ўдағайлаб ўтади.

Темурбек: – Ўз юртингда бегонанинг тааддиси-ни кўтариб юриш нақадар оғир. Бу ҳолга ечим борми, нажот қайда?

Самарқанднинг эътиборли ашраф-акобирлари Темурбекка интиладилар, унинг атрофида гуж бўлиб, илтижо қиладилар:

– Темурбек, бу не ҳолки, яшнаб турган чамандек шаҳар кун-паякун бўлди, элнинг фароғати йўқолди.

Атрофни бузгунчи босди. Сабр косаси тўлди, энди бу тарзда яшаб бўлмайди.

Оллоҳ кўнглингизга ҳиммат нафасини солсин, белингизга қувват, билагингизга куч ато этсин. Ўзингиз бир чорасини топинг, бутун умидимиз сиздан. Туёқлар остида тепкиланган, хор ва зор қилинган улусни бу балолардан халос этинг. Ахир сиз – Соҳибқиронсиз!

(Темурбекка мамлакат уламою машойихлари ёзиб берган, улус амирлари ва кўшин бошлиқлари ҳам маъқуллаган аҳднома ва фатвонинг матни:

«Хулафо ар-рошидин, яъни Чорёрлар, яъни Тўғри йўлдан борувчи халифалар, Оллоҳ таоло уларнинг барчасидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раъият ҳамда уламою машойих Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни «Амир Темур қутби салтанати олий» деб атасунлар ва уни Оллоҳнинг (ердаги) қудрати – салтанат тахтига лойиқ, деб билсунлар. Мусулмонларнинг ер-суви, мол-мулки, номуси ҳамда жонига зулмситам қўлини чўзган мўғуллар тоифасини даф қилишда ва умуман йўқотишда Темурбекка (ёрдамлашиш учун) ўз молу жонларини (аямай) тиришиб ҳаракат қилсунлар.

Биз ўз аҳду байъатимизга содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсак, Оллоҳнинг қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон йўлига кирган бўлайлик». («Темур тузуклари»дан)

Темурбек бу сўзларни сукут ичида ва оғир дард билан тинглайди, бирон оғиз гапирмайди. Ташвишли нигоҳлари билан самога тикилади, гўё ғойибдан мадад кутаётгандек бўлади.

Тасвир яна ташвишли лаҳзаларга кўчади, умумий планда ўтлоқлар, қирлар, тоғлар кўринади. Ғира-ширада шаҳардан чиқиб кетаётган уч эркак ва аёл.

Қир ортидан киши чиқиб келади. Уни кўриб қолган чўпон орқасидан пойлаб келиб, найза санчмоқчи бўлади. Киши (Темурбек) чапдастлик билан рақибини таслим этади.

Темурбек. – (бўғзига оёғини тираб) Наҳотки элимга эмну омонлик олиб келмоқни истасам-у, менинг бир қардошим елкамга пичоқ санчмоқчи бўлса...

Тутқун. – (ихраб)Оқа!...Мени маъзур тутинг, сизни сассиқлардан деб ўйлабман. Уларга аламим бор, улар менинг севгилимни асир қилиб, чўлга олиб кетишди. Ширин жонимни севгимга бағишлайман. Менга энди тириклик ҳаром, мен энда фақат қасос учун яшайман.

Йигитнинг шижоати иккиланиб турган Темурбекка далда бўлади, уни руҳлантиради. Одамлар секин қир биқинида тўпланмоқда.

Ўлжой ва Темурбек. Темурбек ҳаяжон билан маҳбубасининг рафторига разм солади, ундаги безовталиқ чехрасига урган, бундан Темурбек ўзини кўярга жой топа олмайди. Нима қилиб бўлса ҳам севгилисининг кўнглини овлашга интилади. «Ҳозир!» деб қуйига от солиб кетади.

Пиёда, отлиқ одамлар, улар сафида чўпон йигит – **Балту (тутқун)** ҳам бор. У икки ҳамроҳи билан, улар ирғай гаврон, ёғоч паншаха, бири чўқмор билан қурулланган. Балту душманга нафратини ифода этади, важоҳат билан чўқморни дўлайтириб, ер тепинади.

Боғ, ўз тароватини йўқотган, пайхон қилинган. Темурбек меҳр билан шохлардаги меваларга қарайди, она замин саховатидан кўнгли нурга тўлади, айни пайтдаги ташландиқ аҳволдан эзилади. Яқиндаги йўғон зардолининг танасини қучоқлаб, кўзига ёш олади. Элас-элас ихраған овоз эшитилади, Темурбек ўша томон юради. Кул ва чала ёнган ўтинлар билан тўла ер ўчоқнинг ичида соқсоқли ўсиб кетган афтода бир чол хор бўлиб ётибди. У шарпадан хушёрланади.

Чол: – Кимсан, зарра шафқатинг борми? Наҳот ҳаётим бир қилич силтовига арзимаса? Ҳойнаҳой, белингда дами ўткир шамширинг бордир, бир зарб билан бу шўрлик бошни ахмоқ танадан жудо қил. Бу нима ҳаёт?

Темурбек. – Бува, бу не ҳол?

Чол. – Қайси қавмдансан? Қон истаган қашқир эмасмисан?

Темурбек. – Кешдан. Муҳаммад Тарағай Баҳодир зурриёдиман.

Чол. – Жами баҳодирларга сичқоннинг ини бир танга бўлиб кетди. Юрт вайрон, эл-улус хор. Мана, бир умр тимирскиланиб яратган боғимга қарғазоғлар ин қўйди. Авлодим жонини қутқариш учун бош олиб қочиб кетди.

Темурбек чолга яқинлашади, унга таскин беради. Ўчоқ ичидан олиб чиқиб, чангларини тозалайди. Дарахт танасига суяб қўяди.

Чол. – Менга не учун шафқат қилдинг, ё қиличинг дамани аядингми?

Темурбек. – Бува, боғингизда мевалар фарқ пишибди. (*Ўйланиб қолади*). Яна кўп йиллар мева боғлашини, яхши кунлар қайтишини Оллоҳдан тиланг.

Чол. – (ҳаяжонланиб) Ўғлим, сенинг нафасингда бир валийлик бор. Яратган умрингни узоқ қилсин. Мен бир умр дуода қоламан.

Отда Темурбек пайдо бўлади, қўлтиғида янги пишган олма, ўрик – мевалар. Уларни Ўлжойга узатади, кийимлари ўзиникига ўхшамайди.

Ўлжой рўмолда авайлаб узатилган меваларни олади, уларни ҳидлаб, сўз қотади:

Ўлжой. – Бўйини... Жаннат чаманларининг уфориға ўхшайди. Қандоқ топдингиз? Ўзингиз ҳам қароқчиларга ўхшаб қолибсиз.

Темурбек. – Рости, сенинг кўнглингни қандай чоғ этишни билмаяпман. Биладан, дилинг хижил.

Темурбекнинг назари тўпланаётган одамларга тушади, уларнинг ношудгина туриши, тутган қурол-аслаҳалари уни таажжубга солади, «Шулар билан ёғий тиғига қарши бориладими?» деб мулоҳаза қилади. Бирдан тўнини тескари кийиб, боққа тушгани ёдига тушиб кетади. Шунини сезгандек, Ўлжой ҳам унинг либосига қараб турган эди. Тўнини ечади, астарини ағдариб силкийди-да, елкасига ташлайди. Бундан Ўлжой ҳам мамнун. Энди ўзга – сипо қиёфадаги йигит намоён бўлади.

Темурбек. – Мана, ични ташқарига ўнгардик, гўё моҳият юзага чиқди. Дунёнинг иши шунақа, жоним. Кимдир тескари кийган либосни бошқа биров ростлаб қўяди. Боққа тушганимда, гарчи у эгасиз хувиллаб ётган бўлса-да, биров шоҳона либосимни кўриб, хайрон бўлмасин, деган эдим, негаки, бу кийимда девор ошиб, бировнинг боғига тушиш жоиз эмасдир. Энди эса тўннинг астарига ҳожат йўқ, ҳаммасини чинакамига намоён этиш фурсати етишди.

Ўлжой. – Бегим, илоё, ҳозиргача ўз ройишини йўқотган дунёнинг қиёфасини ўнглаб қўйиш ҳам сизга насиб этсин...

Темурбек. – Агар сен чинакамига истасанг, илло, шундоқ бўлгай. Мен боғда бир синоатга дуч келдим, унинг шарҳини кейин айтаман...

Ўлжой. – Бизнинг умумий шодлигимиз – юртимизнинг озодлиги. Ана шу улкан юмушда Яратган мададкор бўлсин, дейман. Сизни нималар кутиб турибди, бегим? Ахир юз йиллар давомида босиб ётган тошни кўтариб ташлаш осонми?

Темурбек. – (ўйчан) Оре, рост. Бизни нималар кутаяпти? Бу йўлда бор-йўғи бир диловар бўлиш етармикан? Энди ўт келса кечиб, сув келса симириб яшашга тўғри келади. Қароқчи, дейсан, уларнинг шижоатини, журъатини, бадавий шахдини эзгуликка юғуриб, қалбимга кўчирсам, ўлжаси илинжида темир қопқонни писанд қилмайдиган йўлбарсга айлансам, ёруғ оламдаги бор қувватни вужудимда, руҳимда мужассам этсам-да, уни сафдошларимга юқтирсам, тоғларни яксон қиладиган, денгизларда бўрон қўзғайдиган бухронни босқинчини маҳв этишга йўлласам. Ана шу баҳодирлик юмушимда сен ёнимда бўлгин, Ўлжой! Сен менинг туганмас ғайратимсан, журъат ато этадиган илоҳамсан. Эҳтимол, келажак авлодлар сенинг лутфинг билан мени «қароқчи» деб атар, бундан хафа эмасман. Ғолиб келсам, мақсадимга эришсам, сени олам маликасига айлантирсам, ҳамма таъна-дашномларга розиман.

Тўлиқиб, жўшиб кетган Темурбекни Ўлжой Туркон гўзал табассуми билан сарафроз этади, унга яқинлашиб, паҳлавон кафтларини олиб, кўксига босади. Бундай илтифотдан Темурбек яна ҳам таъсирланади, унга қараб.

«Сен онамнинг, Ватанимнинг тимсолисан!»
деб хайқиради.

Мўғуллар истилосидан куйиб кул бўлган Самарқанд. Оғир вайронгарчилик асоратлари: қулаб тушган минора, йиқилиб ётган иморат, ағдарилган қалъа девори, кўримсиз лойсувоқ уйлар.

Тун. Олисдан миршабнинг шақилдоғи овози, ғала-ғовур эшитилади. Осойишталикни бузиб, четдаги ҳовлида ҳаёт қайнайди, ўртада олов ёқилган, атрофида одамлар. Қози ва аъзолари миршаблар тугиб келган шуттор (безори) ларни сўроқ қилмоқда. Уларнинг бири томорқасини қаровсиз қолдирган, бошқаси жамоат мулкидан бир кўза ёғни яширган ёки қўшнисининг молини ўғирлаган. Уларга турли жазолар берилади: дарра уриш, қулоғини кесиш, сазойи қилиш...

Қози. – Биз ахийлар жамоасида фаронлик, унинг тухфаси – тинчликни таъминламоқчи бўлсак, барчани тенг кўришимиз, умумий бойликка ҳамманинг баравар улуш қўшишини таъминлашимиз лозим. Бизда бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмайди. Оллоҳ бандаларини тенг яратган экан, ҳамма тенг, бир хил яшамоғи жоиздир. Бундан кейин ҳам бебошларга, даврабузарларга жазоимиз шафқатсиз бўлаверади.

Шаҳар кўчаларидан бирида оғир калтакланган **Эрбуғо** инқиллаб кетмоқда. У томорқасидан олган ҳосилининг бир қисмини назоратдан яширганлиги учун жазоланган.

Эрбуғо. – Бу қандоқ ҳаёт бўлди? Осмондан Худо қисса, ерда бандаси тинчлик бермаса.. Бош олиб кетай десанг, жунғорнинг қўлига тушсанг. Мўғулга

банди бўлиш дунёдаги энг оғир азоб, тириклай терингга сомон тикади. Ўзингники ундан баттар. Қайдан чиқди бу оёқяланглар ҳукумати? На пешонанг терлаб нон ея оласан, на роҳатланиб меҳнат қила оласан. Поданинг ичида бўлишинг шарт, ўлсанг ҳам кўп билан, тирик бўлсанг ҳам кўп билан эмиш...

Шарпа сезилади, Эрбуғо гапимни биров эшитиб қолдими, дегандек аланглаб атрофга қарайди: «Деворнинг ҳам қулоғи бор». Шарпа таниш, ён қўшни, у ҳам сарбадорлардан безор бўлган.

Шарпа. – Йигитлар шаҳардан бош олиб чиқиб кетаётганмиш.

Эрбуғо. – Қаерга ҳам борарди? Мўғулнинг қўлига тушиб қолса, калла-поча бўлади, ё бошига туянинг елинини ёпиштириб, қўй боқтиради.

Шарпа. – Йўқ, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас, тоғда йиғилишиб, бирор нажот йўлини излаш учун кенгашаётган эмишлар. Ёш бир йигит бош-қош эмиш.

Шаҳар атрофи манзараси. Узоқлардан от чоптириб юрган суворийлар, тирикчилик ташвишидаги одамлар кўзга ташланади. Изтиробли, ғамгин ҳолат.

Фокус бир нуқтага тўпланади ва нур оғушида Темурбек чиқиб келади. Ўйчан, жиддий, лекин қатъиятли.

Манзаралар яна ҳам ташвишли тус олади, фарёд, қичқириқлар эшитилади.

Орқадан Темурбекнинг салмоқли, дардли овози эшитилади:

«Ватан! Огриқларингга малҳам топа олсайдим, дадларингга дармон бўла олсайдим!»

У оғир ўйлар оғушида қирдан пастга тушади. Тўпланганлар гала-гала бўлиб, ўз юмушлари билан машғул. Умидвор нигоҳларга дуч келгач, Темурбекнинг чехраси ёришади, унга нажот кўзи билан боқаётганлар қаршисида ўзини дадил тутишга интилади. Беихтиёр тилига сўзлар қуюлиб келади:

Темурбек. – Йигитлар! Қандай юмушга жаҳд қилганларингизни биласизларми? (*Атрофдан маъқулловчи овозлар эшитилади*). Энди биз жами салоҳиятимиз: билак кучи, юрак ёлқини, руҳ қуввати-ю қалб муҳаббатини бир нўқтага жамламоғимиз шарт. Бизга энди бошқа аъмол йўқ. Ё нажот, ё ўлим! Келинг, фурсатни қўлдан бермайлик, ғафлатда ўтирмайлик. Тан ва руҳ қувватига қанот берайлик.

Оқам Жоку, иним Ййги Темур, иш кўрган йигитлар сифатида ўз амалларингизни шунқорларимизга ўргатинг, ҳарб ва зарб машқларига зўр беринг. Ҳар неки кўргулик бўлса, ўз ҳукмини ўқир, қисмат ёзиғини кутиб ўтирмай, толеъимизни майдондан излайлик.

Ҳарбий, жисмоний машқлар бошланиб кетади. Темурбек ҳам четга чиқиб, панада турган Ўлжойнинг хузурига яқинлашади. Либосларини тўғрилаб, камарини тортиб қўяди, қўлини қиличининг дастасига олиб боради.

Темурбек. – Энди майдонда ўзни кўрсатиш фурсати етишди. Бу қиёматлик қарз эди.

Ўлжой. – Ҳа, сабр косаси барибир тўлгай, зулм дарахти қуламай қолмас. Бегуноҳ, хўрланган мاردумнинг оҳини бир кун Оллоҳ эшитгай. (*Жилмайиб*) Бугун ҳар доимгидан ҳам жаҳдингиз бўлак, учишга шай лочиндек ғайратлисиз.

Темурбек. – Лочин... Рост, у парвозни хоҳлайди, лекин ҳозирча унинг осмони йўқ. Аниғи, ёв уни эгаллаб олган. Лочиннинг кучи нимага етади?

Шундай деб, қиндан шамширини чиқаради, ҳавода сирмаб-сирмаб, машққа киришиб кетади. Ҳам дили ҳаприқиб турган, ҳам севгилисининг ҳузурида, қулочини кенг қўйиб, сакраб, учиб машқларни бажаради.

Йигитнинг жаҳди қизга ҳам кўчади, у ҳавога рўмол ирғитади, уни Темурбек қилич билан чопади. Яна ўткир машқлар. Ўлжой ўз шамширини ҳам Темурбекка ташлайди, уни ҳавода илиб олиб, энди икки қўлида икки қилич билан машқ кўрсатади.

Бу ҳаракатлар узоқроқда шуғулланаётган бошқа йигитларнинг ҳам диққатини тортади. Олисдан кузатадилар. Ниҳоят, машқлар поёнига етади. Темурбек нафас ростлайди. Оламшайх унга от келтиради, Мубашшир – рикобдор. Ўлжой ҳам отда.

Темурбек. – Бир хумордан чиқдим.

Ўлжой. – Бу жидди-жаҳд, бу ғайрат дунёни эгаллашга етади.

Темурбек. – Сен менинг суюклимсан, шунинг учун фақат мақтов гапларни айтасан.

Ўлжой. – Ҳатто рақибларингиз ҳам буни тан олади. Албатта, бир кун. Сизга айтмоқчи бўлган гапим эса бошқа эди, агар эшитсангиз.

Темурбек. – Жон қулоғим билан тинглаюрман.

Ўлжой. – Оқам Ҳусайнбек дарёнинг нари тарафида аросатда юрибди. Агар у билан кўришмоқни ихтиёр этсангиз, балки бир-бирингизга таянч бўлиб, мақсадга эришмоқ осон кечармиди?

Темурбек. – Тўғри. Катта дарёдан кечиб ўтиб, уни топсамми, дейман. Ҳам Балх, Шивирғон та-

рафлар осуда, душман қўлидан йироқ. Куч тўплаб, улуғ ишларга киришсак. Албатта, Ҳусайнбек тахтга менадан кўра кўпроқ қонуний даъвогар. Ҳокимият меросхўри, кейин эса марҳум ҳукмдорнинг хазинаси ҳам унинг илгида. Мабодо, бағри кенглик қилиб, жами кучларнинг бошини қовуштира олса, мен унга содиқ навкар бўлишга тайёрман.

Ўлжой. – Бегим, мени маъзур тутасиз, азбаройи сизга ҳурматим рамзи, бу юмушни сиз зиммангизга олмоғингиз дуруст. Акамнинг феъли менга аён, у катта мақсадлар олдида шошиб қоладими, деган иштибоҳдаман.

Темурбек. – Сенинг ишончинг менга қанот бағишлайди. Ким ҳам бу майдонга кирса, унинг гарданидаги юк оғир бўлади, бу юкни тоғ ҳам кўтара олмайди. Аммо мақсад ўринланмоғи жоиз. Тирикликимиз расми шу бўлиб қолди.

Ўлжой. – Яна истардимки, сизнинг кенгликларга сиғмайдиган вужуд қувватингиз ақл нури билан ёллуғланса, зеро, қўл етмаган жойга ақл етур. Қилич билан бирни енгсангиз, тафаккур билан мингни енгарсиз.

Темурбек. – Жоним, сен бутунлай ҳақсан. Илк устозим Абдуллоҳ Қутб мендаги жисмоний кучдан ҳам кўра қувваи ҳофиза, тафаккур йўсинини устун кўярдилар. Билсанг, шундан билагимни бошим амрига бўйсундиришни, яъни кучимни ақлимга хизмат қилдиришни ўзимга одат қилдим. Сенга бу сирим қай тарз ошкор бўлди?

Ўлжой. – Рост, сиз кўзимга қилич таққан суворий бўлиб эмас, илм йўлидаги донишманд талъатида кўринасиз.

Темурбек. – Замона зайли, тақдир ҳукми қилич тақмоқликни ҳукм қилган экан, зулфиқор осмоқдан

камарларимиз музайян, белимиз эса сарафроздир. Эл-улус корига яраш фурсати келганда аслаҳаларни меҳнат тешасига алмаштирамиз, жоним!

Отлиқлар кенг яйловга чиқиб қолишганди. Тулпорлар силтаниб, безовта бўладилар. Икков ҳам отларни эркин қўядилар, улар елиб кетади.

Мўғуллар қароргоҳи. Оҳ-фарёдлар саси аста-секин мунгли мусиқага айланади. Саҳройиларнинг рақс куйлари янграйди. Тунги базм ва ишратдан чарчаган асира қизлар очиқ-сочиқ ерда думалаб ётибди. Уларнинг тўдасини оралаб, ширакайф Илёсхўжа чиқиб келади. Беккичик олтин-кумуш идишларни бекитиш билан овора.

Саросималик. Сипоҳсолорнинг қўшинни тарк этиб, номаълум ёққа кетгани хабари тарқалган. Илёсхўжа машварат чақирган. У дарғазаб.

Илёсхўжа. – Ота-боболар азму қарори, темирга ўйилган аҳду паймон ҳеч нарса бўлмай қолибди-да! Кўнгиллари олий ҳукмдор бўлишни тусабдимми? Мушукнинг йўлбарс бўлишини орзу қилганини қаранг. Беккичик, қопингни тўлдириш ғамида бўлгандан кўра, ўлармидинг, кўз-қулоқ бўлиб турсанг.

Беккичик. – Қўшга қўшилган ҳўкиздай миқ этмай юрувди. Одам оласи ичида ...

Илёсхўжа. – Энди чорасини ўзинг қиласан. Тез Хоразмга, Тўкалга элчи жўнат. Туз ҳаромини чўлдами, йўлдами тутиб, бир ёқлик қилсин. Нобакорнинг эти қашқирларга ем бўлмагунча кўнглим жойига тушмайди.

Тоғ, муваққат қароргоҳ. Темурбек, Жоку барлос, Ийгу Темур ва бошқалар.

Темурбек. – Мана, бир ҳафта кутдик, олтмишга яқин йигит тўпланди. Бу куч билан душманнинг 4–5 минг қўшинига қарши бориб бўлмас. Нажот йўлини излайлик, йўлда олға босайлик. Яратган бир машварат манзилига бошлар.

Йўлга тушадилар. Темурбек ўйчан.

Петро. 1. Нуруний отахон 8-9 ёшли болакайни етаклаб, пирнинг даргоҳига кириб келмоқда. Чол – Бухоро шариат қозисининг ташрифи кутилганга ўхшайди, атрофда ўзгача басаришталик, тартиб, ҳаяжон. Илм-толиблар, муридлар қаторидан ўтган йўл пирнинг хонақоҳи томон бошлайди.

Салобатли хонақоҳ. Эллик ёшлардаги пир ўрнидан туриб, меҳмонларга пешвоз чиқади, қози унинг этагини ўпмоқчи бўлади, бунга изн берилмайди. Кўзлари тийрак, тетик болача тиз чўкиб, тўн барларини кўзига суради. Катталар самимий саломлашадилар, бир-бирларини анчадан буён биладиган эски танишлардек, илтифот кўрсатадилар. Навбат ёш гўдакка етади, унга мурожаат қилинади, саволлар берилади. Ширали овоз билан Қуръон тиловат қилади, бурро-бурро жавоблар беради. Катталар юзида мамнуният, баъзан кулги.

2. Кадр ўзгаради. Муйловлари сабза уриб қолган ўсмир яна пир даргоҳида. Уй юмушларини бажариб, таҳсил олиб юрибди.

3. Ўсмир Кешда. Ота Тарағай Баҳодир пир даргоҳидан қайтган фарзандига жамоатчилик ҳузурида рўзғорни бошқариш вазифасини топширади. Маърака ўтказиб, буни жамоатга эълон қилади.

Нажот истагидаги карвон ана шу даргоҳга – Сўхори қишлоғидаги Саййид Мир Кулол ҳузурига шошилмоқда. Темурбек келажак ҳаракатларига муътабар зотдан фотиҳа олмоқчи, унинг кўрсатмаларини тингламоқчи..

Тонг отиб келаяпти. Темурбек ёлғиз, ўйчан ва изтиробда.

* * *

Сухори қишлоғи. Саййид Мир Кулол даргоҳи. Намоздан кейинги уламолар машварати. Бугун ёш мурид ва мухлис келиши кутилмоқда. Эшикдан маросимга мос кийинган Темурбек кўринади, зарур шартларни бажариб, пир қаршисида тиз чўкади.

Пир. – Темурбек, хуш келибсиз – омон келибсиз. Даргоҳимиз билан боғлиқ хотиралар ёдингиздадир. Бугун эл-юрт миннати зиммангизга тушган экан, ташрифингиз айна муддао, зеро, бу жойда кадрдонларингизнинг пой-қадами теккан.

Темурбек. – Қуллуқ. Ҳаракатларимиз кўрсатдики, ёғий билан муроса қилиб бўлмас экан. Икки қилич бир қинда ухламаслиги рост чиқди. Уни бартараф этишдан ўзга йўл йўқ.

Пир. – Мана, абадият ерида, хизмат тупроғида ўтирибсиз. Мақсадингиз – назарга тушиш. Бу балки Оллоҳ назаридан умидворликдир.

Темурбек. – Ҳузурларингизга сидқу сафо билан илтифот умидида келдим. Мени меҳру вафо уфори чорлади. Хизмат камарини боғлашга шайман. Самарқанд улаمولари жидди-жаҳд учун фатво ёзиб бердилар.

Пир. – Зулмга қарши бирлашмоқ, майдонга чиқмоқ Яратганга хуш ёқадиган амаллардандир.

Зулм йиқилишга мустаҳиқ қилинган шундай мино-
радирки, у қанча баланд кўтарилса, шунча кўп жой-
ни вайрон қилади. Темурбек, сиз ёруғ келажаги ба-
шорат қилинган йигитсиз, илло, юз йиллик тилак-
лар сизнинг воситангизда мустажоб бўлмай.

Ниҳоят, маросим шартларини адо этиш бош-
ланади. Ўтирганлардан бири арабча шеър ўқийди.
Темурбек бирданига такрорлаб, унинг маъносини
тушунтириб беради.

*Инний анал-ҳурру ва ма зиз-зайфи,
Азрибу аънақаҳум бис-сайфи,
Мин ғайри мадхали биладил-ҳайфи,
Азрибукум фа ма аро мин ҳайфи.*

Таржимаси: *Хур турурманки қилурман жон
фидо, Ҳурлуқим эмди яқин бўлди манго. Лаънат ул
малъун Язидғаким қилур, Мустафо ўғлонларинга
бу жафо.*

Форс тилидаги шеър ўқилади, Темурбек буни
ҳам қийинчиликсиз такрорлаб, шарҳлаб беради.
Мажлис аҳли ҳайратда.

*Бар ин чашма баса дам заданд,
Бирафтанд чу и нашм барҳам заданд.
Чаро дил бар ин карвонгоҳ ниҳем,
Ки ёрон бирафтанд, мо роҳем.*

Темурбек. – Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шеро-
зий ўткинчи дунё суратини шарҳлаб, шундоқ де-
мишлар:

*Бу чашма қошига кўнлар келдилар,
Бугун юмуқ кўздек ғойибдир улар.
Бу манзилга кўнгил қўйиб нетамиз?
Ёронлар изидан биз ҳам кетамиз.*

Овоз. – Шубҳасиз, шер йигит бу ашъорларни аллақачон ёдлаб, магзини роса чаққандир. Илми шарҳдан ҳам яхши хабардор эканини кўрсатди. Мана, бу шиғир эрталабки илҳом маҳсули, уни илк бор шу даврада ўқишга журъат этдим. Қани, бу ҳақда мусоҳибимиз қай фикр изҳор қилар эканлар?

*Соҳиби тахт зиммасида адолатпешалик бор,
Боқий давлатга эришгай кимки бўлса беозор.
Адолатдан мамлакат ҳам давлатингдир устувор,
Адолатпеша бўлсанг, ҳар ишинг топгай қарор.
Кимики бу ўткинчи уйда адлу имдод айлагай,
Боқий дунё уйини, билгилки, обод айлагай.*

Темурбек. – Соҳир илҳом маҳсули. (*Қироат ва оҳанг билан шеърни такрорлайди*). Унда барча халойиқда, хусусан, подшоҳу ҳокимларда бўлмоғи даркор сифат ҳақида сўзланган. Фақирнинг адолати – унинг ҳалоллигидир. Хукмдорларнинг адолати эса мазлумлар ҳақини золимлардан олиб беришдир. Подшонинг бир соатлик адолати олтмиш йиллик нафл ибодатидан афзал, дейилади. Чунки ибодатнинг савоби фақат ибодат қилувчига, адолатнинг нафи эса адолат қилганга ва барча халойиққа тегадир. Дин, давлат, мулк ва миллат фаровонлиги адолат баракоти туфайли барқарор, ботартиб бўлур.

Овозлар. – Агар бу ҳол рўё бўлмаса, оре тасанно. Бу иқтидор, бу даражадаги қувваи ҳофиза фақат закий-қурроларда учраши мумкин. Бизга тақдир кимни дуч қилди?

Пир. – Иқтидорингиз аллақачон менга маълум эди. Сиздаги ганжина яна бойибди, тўлишибди. Бу муттасил ўқиш, изланишнинг меваси.

Темурбек. – (бир оз андиша билан) Афсуски, илм таҳсили такомилига етмади. Замона зайли нажот қиличини белга тақмоқни амр этди.

Пир. – Элга хизматнинг яхши-ёмони бўлмайдир. Инайату ал-азали кифайату ал-абади. Ифъал ма туъ-мару сатажидуни. Мақсад–эл корига яраш бўлгач, қилич ҳам, қалам ҳам тенг турур. Мабодо, Муҳаммад Хоразмшоҳ қилични моҳирона ўйната олганида бу офат чекинган, балки рўй бермаган бўларди.

Темурбек. – Хоразмшоҳ рақиб кудратини етарли баҳолай олмади. Ўз имконидаги кучларни бирлаштиришни ўйламади. Унинг рақибни шу жиҳатдан устун эди. Темучин куч бирликда эканини аллақачон тушуниб етганди.

Овоз. – Айниқса, Жалолиддин Менгбурнига имкон бермагани...

Темурбек. – Ҳа, Хоразм султони белидаги камони билан ўз шунқорини маҳв қилган.

Овоз.– *Гар итларга арслон бўларкан боши...*

Темурбек. – (давом эттириб) *Бу итлар бўлади у арслон туши.*

Гар арслон тўдасига ит бўлса бош,

Бу арслонлар бўлар итнинг тенгдоши.

Анча йиллар олдин Юсуф Хос Ҳожиб айтган бу сўзлар ношуд йўлбошчиларга кунни қолган қавмларимиз қисматида аниқ исботланди. (*Атрофда маъқулловчи ва тан берувчи ишоралар, сўзлар*).

Овоз. – Дунё чопқинида қиличлар қизиб кетса, унга маърифат билан сув сепадилар. Тақсиримнинг чақиндек мулоҳазалари бизни ҳам суҳбатга илҳомлантирди. Мумкин бўлса, ибодат шартларидан малакаларини синаб кўрсак. Зеро, ибодат – қалбни поклашда мусаффо чашмадир.

Пир. – Шубҳасиз, рост. Илми қол билан заминни забт этиш мумкин, илми ҳол эса кишини осмонга олиб чиқади.

Овоз. – Тайаммумда масиҳ тортиш одобини эсга олиб қўйсангиз.

Темурбек. – Ҳанафия мазҳабида ал-йадд (қўл) калимаси билан икки тирсаккача масиҳ тортилади.

Овоз. – Ибодат пайти имом «Омин» деганда иқтидо қилувчилар ҳам такрорлайдими?

Темурбек. – Бу ҳолатга муҳаддисиёларнинг таъбири билан жавоб берадиган бўлсак, Имом Абу Ҳанифа айтадиларки, «Имом ҳам, унга иқтидо қилувчи ҳам ўз дилидан сиррий ҳолда «омин» дейди». Ал-Бухорий ҳазратлари эса «Улар икковлари ҳам «омин»ни айтадилар» деб гувоҳлик берганлар. Расулulloҳ (с.а. в.) «Агар имом «ва лаззоллийн» деса, сизлар «омин» деб айтинглар» тарзида таъкидлаганлари муфассирлар томонидан қайд қилинган. Демак, агар имом «ва лаззоллийн» деса, сизлар «омин» денглар», дейилиши мутақобил ҳолатга тушди ва иттифоқ бўлдики, улар икковларидан биридан овоз чиқарилиши талаб қилинади. Иккинчисининг дилда айтиши эса олдингисига муқобил бўлади-ю, мантиққа хилоф келади.

Овоз. – Хурмонинг набийз(шароб)и билан таҳорат олиш жоизми?

Темурбек. – Бунда икки йўл бор. Абу Ҳанифа агар сархуш қиладиган сифати бўлмаса, жоиз, деб ҳисоблайди. Имом ал-Бухорийнинг «Куллу мо аскара ҳарамун» (ҳар қандай маст қилувчи нимарса ҳаромдир) деган ҳадисни келтирганини пеш қилиб, буни рад этадилар ҳам. Ҳолбуки, сув бўлмаган тақдирда фақат хурмо суви билан (унда сархуш қиладиган сифат бўлмаса) истисно тариқасида таҳорат олиш мумкин бўлади.

Овоз. – Намоз пайтида «Ал-Фотиҳа» сурасини ўқимоқ зарурми?

Темурбек. – Баъзи имомлар (масалан, Абу Ханифа) муқтадий учун зарур эмас, деб ҳисоблайди. Аммо Имом ал-Бухорий бунинг зарурлигини икки ҳадис билан исботлаган. Келтириладики, намозхонлар Расулуллоҳ с.а.в. ўқиғондек намоз ўқисинлар.

(Тасдиқловчи, таҳсин айтувчи овозлар)

Овоз. – Мумкин бўлса, айтинг-чи, фақрнинг мақомоти нечта?

Темурбек. – Фақр валилик конидан топилган гавҳар, ҳидоят осмонида чақнаган ахтар. Фақр амал қилиши лозим бўлган амаллар тўрт юзтага етади. Аммо уни қирқтага келтирганлар ва уни ҳам ихчамлаб, қуйидаги тўрт мақомда жамлаганлар: биринчи – хизмат; иккинчи – иззат; учинчи – нафс ҳавосини тарк этмоқ; тўртинчи – таслим, яъни пир иродасига итоат ва таваккулга таъя этмоқ.

Овоз. – Таваккул дедингиз. Энди толеъингизда қилич тутиш, ундан рақибларни маҳв этмоқ, адолатни ҳимоя қилмоқ йўлида фойдаланишингизга тўғри келади. «Тиғ» сўзининг ҳарфлари маъноси недир?

Темурбек. – «Т» – тамонно (орзу)ни, «И» – тиғ билан яқдиллик ва ҳамжиҳатликни англатадики, паришон одам тиғ ушлаши лойиқ эмас, аксинча, у тиғнинг еми бўлиши мумкин, «Ғ» – ғафлатга берилмаслик ва уруш маъракасида ҳушёр, чаққон бўлишни билдиради.

Пир. – (мамнун) Бале! Қилич қабзасини тутганда қўл қиличга «Обрўйга эга бўлай десанг, интилгин» дейди. Қилич эса қўлга «Агар мени асрасанг, мен ҳам сени асрайман» дер экан. Ҳақ, озодлик йўлида тутган қиличингиз сизга вафо қилсин. Биз ҳозирча исфаҳоний қилич эмас, улкан хизматни зиммасига олган белингизга қувват бўлсин, деб белбоғ тухфа

қиламиз. Ҳар дам ва ҳар чоқ уни пирлар, уламолардан мадад деб билгайсиз.

Белбоғ боғлаш маросими:

Нақиб. – Эй, аҳли мажлис! Сизнинг гувоҳлигингизда футувват аҳли удумларига амал қилиб, бел боғлаш маросимида Темурбек Муҳаммад Тарағай ўғли шарафланур!

Пир ва Темурбек масофа сақлаб, юзма-юз турадилар. Ўртага манқалда беш шам ёниб турган шамдон келтирилади. Бир идишда сув, ликобда тоза туз; бошқа бир маҳрам кўмагида патнисда тахтланган пўта (белбоғ) олиб келинади. Маҳрам сув ва тузни ҳамманинг кўз ўнгида аралаштиради. Жимлик.

Пир уч қадам илгари босиб (бунинг маъноси – нафс, шайтони лаъин, бойлик устидан ўтиш), Темурбекка яқинлашади. Панд-насихатларни такрорлайди. Пўтанинг тагидан олдин ўнг қўлининг тўрт бармоғини, кейин чап қўлининг тўрт бармоғини юборади, бош бармоқ устида туради. Яна Темурбекнинг қулоғига охирги сўзларни айтиб, белбоғни белига бойлайди. Тузли сувни гувоҳлар айлангириб ичишади. Мажлис аҳли тарқайди. Темурбек ва пир ёлғиз.

Пир: – Қалб нури йўлингизни абадий ёритадиган чироқ бўлсин. Бу равшанлик умрингиз бўйи сўнмаслигини Оллоҳдан сўраймиз. Энди қаршингизда турли йўллар бор, уларнинг қай биридан юрмоқчисиз?

Темурбек. – Жайхунни кечиб, Балх томонларга кетсам, қайним Ҳусайнбекни топсам, дейман. У ҳам эрк истагида жавлон уриб юрибди.

Пир: – (ўйчан) Ҳусайнбекнинг садоқатига ишончингиз комилми? (Сукунат). Бунда икки хатар, бир нажот бордир. Яхшиси, сиз Бухоро томон юринг.

Балки толеъингиз шу қутбда болқир. Она шаҳрингизнинг етук аслаҳасозлари сиздан бисотларини аямас. Зеро, мўғул истилосидан энг кўп жабр кўрган шаҳар Бухородир. Йигитларингизни имкон даражасида қуроллантинг. Ёғоч паншаха билан куён ҳам овлаб бўлмас.

Темурбек пирнинг сўзларини диққат билан тинглайди. Кузатиш расми. Даргоҳни анча жиддийлашиб, ўйчан тарк этади. Кечаги дарёдек тошқин йигитнинг денгиздек кўлам касб этганини сезиш қийин эмас.

Кадрда қора либос қийган, қора отли суворий кичаб, олға интилмоқда. Бу Илёсхўжанинг мактубини Хоразмга олиб бораётган чопар.

Жоку барлос, Ийгу Темур, Сайфиддин, Тоғай барлос интиқлик билан Темурбекни кутиб турибдилар. Улар ҳам, Темурбек ҳам ҳаяжонда.

Сайфиддин. – Маърифат машъали қалбингиз кулбасини ёритгани аниқ. Чехрангизда нур болқиб турибди, дўстим!

Темурбек жим, жавоб қайтаришга истиҳола қилади, вазмин кайфиятда.

Жоку барлос. – Пирнинг сабоғи, имтиҳони чарчатиб қўймадими? Биз ҳам роса юрак ҳовучлаб ўтирдик.

Темурбек. – Дунёдаҳали биз англамаган ҳикматлар кўп. Қачонки илми-ҳикмат, маърифат кўнгилларни чароғон қилмас экан, бизнинг зулмат ичидан йўл топишимиз қийин бўлади. Уламолар машварати менга узоқдаги ёруғликни кўрсатди. Энди унга етмоқ ҳаракатида бўлмоғимиз даркор.

Ийгу Темура. – Ҳар ҳолда назарнинг нурни топгани биринчи ютуқ. Унга етишмоқ эса илгимиздадир.

Темурбек. – (қатъий) Энди сафар ройишига ҳам ўзгариш киритамиз. Йўлни Моҳон тарафга оламиз. Балки Ҳусайнбек шу томонлардан бизга пешвоз чиқиб қолар. Бу пир илми ғайбининг ғойибона пайғомидир. Яна Бухорои шариф азиматини ҳисобга олмоғимиз керакки, билада-умма (она шаҳар) аслаҳасозлари ўзларининг машҳур қиличлари, камонлари билан лашкаримизга қувват ато этиш эҳтимоли мавжуд.

Энди юмушларга жадал киришайлик.

Оллоҳ мададкор бўлиб, мўғилларни енгсак, мақсадимизга эришсак, эсларингда турсин, Самарқанднинг бир йиллик хирожини ул зотга назр қиламан.

Сухбатдошларни тарк этади. Ўзи учун ҳозирланган чодирга йўл олади. Ўлжой Туркон кутиб ўтирибди.

Ўлжой. – Пир даргоҳининг табаррук тупроғини ўпганингиз муборак бўлсин!

Темурбек. – Қуллуғ. Бу машварат, жоним, мени ердан юқорига кўтарди. Ботинимда бир қувват, интилиш борлигини билар эдим, у шифтга ирғитилган арқондек муаллақ эди. Энди унинг бошқа бир арқон билан туташганини сездим. Агар томчи бўлсам, уммонга қўшилдим. Вужудимда ниҳоясиз бир қувват кезаяпти. О, пирлар машварати! Жоним, рости, ҳозиргача ичи бўш кўза эдим, энди у кўза сувга тўлди ва ўзи ҳам уммон оғушида қолди.

Ўлжой. – Ҳаммаси яхшиликка бўлсин, бегим. Сизга жўшқинлик, улуғворлик ярашади. Мен Оллоҳимдан бу талъатни бутун дунё кўришини тилаган бўлардим.

Темурбек. – Хурсандман, жоним. Яхши кўрган кишинг кўзингга бетимсол кўринади. Биламан, сен

мени яхши кўрасан, шунинг учун ёқимли сўзларни аямайсан.

Ўлжой. – Фақат шугина эмас, сизнинг қудратингизни мендан ўзга ким ҳам тўлароқ билади. Сизда илоҳий куч борлиги рост. У миллат, Ватан камолига хизмат қилсин.

Темурбек. – Нега зирагингнинг биттаси кўринмайди? Оре, шу қулоқчанг хафа бўлиб турибдилар. Мумкин бўлса, зирагингни тақиб ол, мен гўзалликни мукамал кўришни хоҳлайман....

Тун қўйнида ҳамон елиб бораётган қора чавандоз. У Хивага шошилмоқда.

Темурбек лашкари йўлда. Узоқдан Бухоро манзаралари кўзга ташланади. Қилич ва камон, бошқа ҳарбий аслаҳалар ортилган аравалар кутиб турибди. Улардаги қуроллар ими-жимиди тарқатиб олинади. Йўл давом этади.

Кундуз. Яйдоқ чўл. Темурбек лашкарининг муваққат қароргоҳи. Чодирга тингчилардан бири яқинлашади.

Тингчи. – Ҳазратим, ижозат берсангиз, кўрганимни баён этсам.

Темурбек. – Гапир.

Тингчи. – Мохон йўли билан Соғиж қудуғи томонга ўн чоқли отлиқ келаяпти. Улар бадахшонликлар бўлиши мумкин.

Темурбек. – Сайфиддинбек, нима гаплигини аниқланг. Йигитларингиз билан айтилган тарафга бориб, вазиятни ўрганинг. Тезда мени хабардор қилинг.

Сайфиддин. – Бош устига.

Соғиж қудуғи. Бу жой анча гавжум бўлиши кўриниб турибди, тубсиз сахродаги карвонларнинг аксарияти шу улкан қудуқ атрофида дуч келади, сув ичиб, идишларини тўлдириб олади. Узоқдан 6-7 нафар навкар яқинлашмоқда. Темурбек аллақачон етиб келиб, уларни кутиб турибди. Келаётганлар сафида Хусайнбек – қотма юзли, кўзлари ўйнаб турадиган, 30 ёшлар чамасидаги йигит ва унинг завжаси Дилшод оқа бор.

Улар яқинлашгач, Темурбек отланиб келувчиларга пешвоз чиқади, ёнида хос йигитлари. Икки томон бир-бирига юзма-юз бўлиб, орада эллик қадамлар масофа сақлаб тўхташади. Темурбек отидан тушиб, пиёда Хусайн томонга юради. Тартиб ва ҳурмат нуқтаи назаридан отдан тушиши лозим бўлган Хусайн беписанд тураверади. Темурбек 2-3 қадамгача яқинлашади, руку қилади, шундан кейин Хусайн ноилож отидан (махрамнинг елкасига оёғини қўйиб) тушади ва Темурбек билан саломлашади.

Муносабатларда самимийлик йўқ. Буни сезиш ҳам қийин эмас. Аёллар – Ўлжой Туркон ва Дилшод оқа кўз ёшлар тўкиб, бир-бирлари билан кўришадилар. Темурбек жамоани айланиб кетади. Хусайн синглига яқин келади.

Хусайн: – Турмушинг яхшими, аёл бошинг билан чўлларда...

Ўлжой: – Нолимайман. Темурбек ҳиммати баланд, олийжаноб инсон.

Хусайн. – Ҳаммасини вақт кўрсатади.

Ўлжой. – У оламшумул вазифани елкасига олди. Сизнинг ялакат бўлишингизни, икки ярим бир бутунга айланиб, улуғ мақсад йўлида бақамти туришингизни хоҳлайман.

Хусайн энсаси қотгандек узоқлашади. Жамоани ҳаяжонли кайфият қуршаб олган.

Хива. Саройда тайёргарлик.

Зудлик билан қўшин отланмоқда.

Биёбон. Гулхан атрофида суҳбат. Бир четда Темурбек, қарши тарафда Хусайн. Жоку барлос такаббурлик ҳақида бир ривоят сўзлайди.

Жоку барлос. – Бир ҳавойи одам менга омад осмондан тушади, деб ўйлар ва юрган йўлида нуқул тепага тикилиб, оёғи остига қарамас экан. Баногоҳ йўлида катта ариқ тўғри келиб қолибди-да, «шалоп» этиб унга қулабди. (*Атрофда кулги*).

Ийгу Темур. – Агарки оёғинг ерда бўлса, нигоҳинг қадамингдан узилмасин, демоқчисиз-да.

Сайфиддин Никудорий. – Такаббурлик Оллоҳга ёқмайдиган биринчи нуқсон экан.

Темурбек. – (*суҳбатга қўшилиб*) Улуғлар айтмишларки, денгиздек чайқалиб, қаршингиздан келаётган фитнадан хабардормисиз? (*Ҳамма ҳушёр тартади, диққат билан тинглайди*). Эшитганлар тасдиқлабди. Шунда бир нидо келибди: «У фитна билан сизнинг орангизда бир эшик бордир».

Хусайн. – (*кибр билан*) Балки икки эшик борлир.

Темурбек. – (*вазмин, бироқ ҳафсаласи пир бўлиб*) Майли, балки иккитадир. Аммо эшиклар ёнма-ён турса, ё биридан киролмасалар, бошқасидан кирадилар, ё биридан кириб, унисидан чиқиб кетадилар. Мабодо эшиклар кетма-кет турса, муҳофаза икки баравар кучли бўлади.

Даврага нохушлик оралайди, ҳамма сукут сақлайди. Темурбек бошқа гапиришни ихтиёр этмайди. Безовталиқ.

Жоку барлос. – (сукунатни бузиб) Сел олдига тўғри келган қум-шағални ювиб кетади-ю, чўнг қояларга дахил қила олмайди...

Ҳусайн. – (яна кибр билан) Ҳаммасини майдон кўрсатади. Куч ким тарафида бўлса, ўша қолиб!

Эрбуғо. – Куч, лекин рақиб томонида. Биз титилиб ётган тупроққа ўхшамай, куч бўлишимиз, бизни босиб турган кучни синдиришимиз лозим. Бунинг битта йўли – бирлашиш.

Темурбек. – Бир юз йигирма йиллик тартибларни ўзгартириш осон эмас. Кўчати қадалганига шунча бўлган дарахтнинг томири ҳам шунча чуқур кетган бўлади. Бу вазифани удалаш учун биринчи кунданок муштни бир жойга уриш лозим. Тариқча ғайирлик аралашса, маҳв бўлиш ҳеч гап эмас. Зеро, ахмоқ дўстдан ақлли душман яхшироқдир.

Жоку барлос. – (киноя оҳангида) Феълингда неки иллатинг бўлса, кўрсатсанг манга,

Дунёнинг иши шудир, қайтарур бир кун санга.

Ҳусайнбек бу гапларни эшитмасликка олади. Гулхан атрофида чарм дастурхонлар ёзилган, устига ноз-неъматлар. Ўзига хос зиёфат давом этмоқда. Унинг охирида Темурбек ва Ҳусайнбек тўпдан ажрашиб, четга чиқадилар. Дастлаб ётсираб, кейин Темурбекнинг самимиятидан сўнг иноқлашиб, ҳатто бир-бирини қучоқлашиб даврага қайтадилар. Бундан ҳамма хурсанд тарқалади.

Тонг. Узоқдан келган тингчи ҳовлиқиб, ёв яқинлашаётганини, унинг қўшини анчагина эканини маълум қилади. Ҳусайн каловланган. Темурбек жиддий.

Темурбек. – (саросимага тушмай, босиқлик билан) Ёвни ўзимизга қулай жойда кутиб олиш тадориги-

ни кўрайлик. Барибир қисмат билан юзма-юз бўлиш фурсати яқин.

Ҳусайн. – Улар кўпчилик бўлса, бас келишимиз қийин. Балки саҳронинг яна ҳам ичкарасига кириб кетиб, йўлни адаштирармиз.

Темурбек. – Бужуда хавфли, ҳозир имконият ёғий тарафида. У бир неча кун бизни қамал қилиб, озуқа, сувимиз тугадини кутиб, силламизни қуритиши мумкин. Бу исканжадан чиқиб кетишимиз мушкул бўлмай. Ҳозир эса қўлимизда имконият – вақт бор. Душман яқинлашгунча қулай ўринни танлайлик, ўзимизга жанг майдони яратайлик.

Атрофдан овозлар. – Тўғри, тўғри. шу йўлни тутаёлик, бундан афзали йўқ.

Темурбек. – Биродарлар, баъзан Оллоҳнинг инояти билан кичик гуруҳлар катта қўшинлар устидан ғалаба қозонади. Ҳадисларда «Билиб қўйингизлар, жаннат қиличлар сояси остидадир» дейилган. Ҳар биримиз ўзимизда шер қудратини, йўлбарс шижоатини ҳис этаёлик. Сарвари коинот – Пайғамбаримизнинг «Уруш ҳийладир» деган таъкидига амал қилаёлик, ул зоти муборакнинг фатҳу зафарлари руҳи ёр бўлсин. Энди фурсатни қўлдан бермай, қисмат курашига ҳозирланаёлик.

Ҳамма тарқай бошлади. Етмишга яқин навкарлар тўпларга бўлинган, улар ўз етакчилари бошчилигида қирлар, сойлар орасидан қулай жойларни эгаллаб, пистирмада турибдилар. Жанг тактикасида ёғийни чалғитиб, бир бўлагини асосий гуруҳдан ажратиб, сўнгра ўраб олиш ва қириб ташлаш усули келишиб олинган.

Темурбек Ўлжой Туркон билан ёлғиз, туғ тикилган ўрдудан атрофни кузатмоқда. Баҳор фасли, майсалар шамолда тебранади.

Темурбек. – Ўлжой, бу майсалар... (ҳаяжонланиб кетади). Улар сенинг киприкларингга ўхшайди. Уларни... (ҳайқириб) ёвга топтатишга ҳаққим борми?

Ўлжой. – Бегим... (кўзига ёш олади).

Темурбек. – Бу гўзаллик учун жоним садақа. Севгилим, диловарлигим шу даражадаки, юрагимда заррача саросима йўқ. Фақат сен қўрқмасанг бўлди. Сезиб турибман, мен, биз зафар қозонамиз. Агар аскар енгизишга кўзи етмаса, майдонга тушмаслиги керак. Бугун фатху - зафар биз тарафимизда бўлади, иншооллоҳ! (Бир оз ўйланиб) Фақат аканг ҳовлиқмалиги билан чув тушуриб қўймаса бўлди.

Ўлжой. – Кеча очилиб гаплашдингиз-ку. Муроса йўлини топиб, келишиб олгандирсиз. (Темурбек маъқуллаб бош ирғаб қўяди). Бегим, ҳаяжонингизни жиловланг, ҳали у кўп асқотади.

Ўлжойнинг тагдор гапини яхши тушунган Темурбек уни беозор қучиб, узоқлашади. Жанг сурони эшитилади. Ёв от солиб кела бошлайди. Режалаштирилганидек, енгил тўда уларга пешвоз боради, талофат кўрмай, орқага чекинади ва тепа ортига ўтгач, асосий тўдадан ажраб қолган ёғий лашқари маҳв этилади.

Қарши тарафда Тўкалнинг ўрдуси. Унинг мўғулларга хос туғи. Бирдан от ўйнатиб, Хусайнбек икки-уч йигити билан пайдо бўлади, журъат билан қароргоҳга яқинлашади, камондан ўқ отиб, аввал туғни қулатади, сўнг Тўкалнинг отини яралайди. Душман томонда саросималик, бирдан отликлар кўпайиб қолади, Хусайнни ўраб олишади, жанг, унинг оти яраланиб йиқилади. Хусайн аранг ўзини тиклайди. Аҳволдан бохабар бўлган Темурбек шахд билан тўдани ёриб киради, асир тушиш арафасида қолган Хусайнни ёвдан қутқаради, уларни чекинтириб, қувиб кетади.

Вазиятни кузатиб турган Дилшод оқа Хусайнни отига миндириб, майдондан олиб чиқиб кетади.

Ўлжой Туркон. – Эгачи, ой кўчгандек майдонга ўзингизни уриб, оғамни олиб чиққанингизга қойил қолдим.

Дилшод оқа: – Сурон чоқлари эрларнинг ёнида турмоқ бизларга момо мерос. Момоларимиз елкасида чақалоғини опичлаб камон тортган. Ҳатто ёй отишда халақит беради деб, ўнг сийнасини кесиб ташлаган. Шунда ҳам чап кўкрагини бола боқишга олиб қолган.

Ўлжой. – Бундай жасоратни фақат аёл намоён эта олади. Тумор момомизнинг душмандан аёвсиз ўч олгани ҳаммага ибрат.

Дилшод оқа. – Аёлнинг қалбида бир вулқон бор. У меҳр ҳам бўлиши мумкин, қаҳр ҳам бўлиши мумкин. Меҳр бўлса, яшнатади, қаҳр бўлса, қақшатади.

Бош эгангизни авайланг, доим ёнида бўлинг. Унда ҳамма нарса бор, фақат қолганлар ёрдам бериши лозим.

Ўлжой. – Акам ҳам шуни тушуниб етсайди...

Дилшод оқа. – Акангиз саройда улғайган шер-бачча, унинг димоғи баланд. Хасислиги, бойликка ўчлигини ҳеч тушунмайман. Ана шу иззатталаблиги, молпарастлиги бир кун бошига бало бўлмаса эди.

Жанг қизигандан-қизийди. Темурбек танлаган йўл ўз самарасини беради, яна у майдонда яшиндек жавлон уриб, йигитларини руҳлантиради. Унинг туғи мағрур ҳилпираб турибди. Тўкалнинг қароргоҳида саросима. Ниҳоят, ташаббус Турон қўшини тарафига ўтади. Жанг зафар билан хотималанади. Тўкал эллик чоғли тирик қолган аскар билан чекинади.

Диктор овози: – Бу ғалаба ҳақидаги хабар Илёсхўжага етгач, Темурбекнинг жасоратига тан бе-

ради, «Темур ажаб эр киши экан, унга Тангрининг мадади етиб, бахту иқболи очилмиш» деб ўз иқрорини билдиради.

Темурбек атрофида ўн нафарча одам, еттитаси отлиқ. Тунда хуросонликлар уч отни миниб қочади, 7 киши(эркак) 4 от билан қолади. Яна йўлда давом этишади.

Темурбек. – (Улжой ва Дилшодга) Сизларнинг журъатингиз ҳаммамизга далда, қанот бўлди. (Дилшод мамнун узоқлашади).

Ўлжой. – Сиз чинакам шерсиз. Акамни ҳам ўлимдан қутқардингиз.

Темурбек. – Оллоҳнинг инояти, кунни битмаган экан. Фақат шу дамларни у ёдидан чиқармаса, бўлди. (Яқинлашади). Қани менга ёқадиган зиракларинг?

Ўлжой. – (хижолатомуз) Ҳарб лаҳзасида...

Темурбек. – Майдонга ... тушиб қолибдимми?

Ўлжой маъқуллаб бош ирғайди, шахло кўзларида ёш. Бундан Темурбек мутаассир бўлади. Далда беради.

Темурбек. – Хафа бўлма, жоним. Эмин замонларга эришайлик, устага ундан юз, минг баравар қимматига буюртма берамиз. Ҳар ҳолда, менинг бошим омон-ку!

Ўлжойнинг хижолати тарқалади. Эркаланади.

Темурбек. – (Ўзича) Энди бу далалар севгилим хуснини оширган балдоқни бағрида сақлаётгани учун ҳам олдингидан-да менга азиз. Унинг тафти, бўйини юқтирган гавҳар донаси – юрагим пораси! Уни ҳеч кимга бермайман!

От солиб кетади. Жангдан сўнг ҳориган дўстларига яқинлашади.

Темурбек. – Йигитлар, бошингизни кўтаринг, атрофга тик қаранг. Сиз келажак авлодлар фахр билан тилга оладиган жасорат кўрсатдингиз. Ўзидан ўн-ўн беш барабар душманни енгиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бу – чинакам ғалаба! Жангда шаҳид бўлган дўстларимизни Оллоҳ раҳматига олсин, уларнинг руҳи поклари зафар айёмларида биз билан бирга бўлади.

Темурбекнинг руҳлантирувчи сўзлари, шижоати бошқаларга ҳам ўтади, улар тетикланиб, ўзларини қўлга оладилар. Темурбек ярадор навкарга яқинлашади.

Темурбек. – Балту, сен от туёғи остида эзилишга маҳкум кумурсқа эмассан. Бошингни кўтар!. Сен Оллоҳ яратган энг буюк мўъжизасан. Тақдиринг ўз қўлингда. Айтгандинг, севгилингни ўғирлаб кетган ёвга аламинг бор. Аламинг тарқадими?

Балту: – Ўт бўлиб ёнаётган юрагим жангда таскин топди, қизиган темирга сув сепгандек бўлди...

Темурбек. – Ҳа, қасосда ҳаёт бор! Энди мақсадга етмагунча шамширни қинда ухлатиш йўқ!

Атрофдан овозлар: – Тўғри, тўғри. Қасосни охиригача олиб борамиз!

Йигитларга жанговар руҳ қайтади. Туриб, йиғиштиринадилар ва йўл тадоригини кўрадилар. Темурбек отига Ўлжой Турконни миндириб олган. Дилшод оқа ва Хусайнбек ҳам бир отга мингашиб, йўлга тушадилар.

Чошгоҳ маҳали. Темурбек нима биландир андармон. Ногоҳ қулоғига қандайдир овозлар чалингандай бўлади. Кимдир шу сўзларни айтади:

«Эй, ўғлон! Шод бўл, ғам ема. Тангри таоло сенга мадад ва зафар каромат қилди».

Атрофга қарайди, ҳеч ким кўринмайди.

Темурбек илгарилаб кетади. Узоқдан отлиқлар қораси кўринади. Хавотир олган Темурбек Ўлжойни яқиндаги эски қудуққа яшириб, ўзи ёлғиз бормоқчи бўлади.

Темурбек. – Бир замонлар Юсуф қудуқда эди, Зулайхо уни қутқарганди. Замон чархининг айланишини қараки, мен сени қудуқда банд қилиб, тақдир билан юзма-юз турибман.

Ўлжой. – Яратган азиз бошингизни асрасин. Эҳтиёт бўлинг, бегим.

Қудуққа тушуриб, устини хас-хашаклар билан ёпади, отга миниб, ортига қарай-қарай, олга кетади. Шай бўлиб, тўдага яқинлашади. Улар ҳам «тишини қайраб» келаверади. Ўн чоғли қуролланган одам. Сўқиш бошланиши олдидан тўдадан бир киши ажралиб чиқади-да, ҳамроҳларига дейди:

– Тўхтанг, бу Темурбек-ку, Амир Темур! Соҳибқирон!

Бу зот Темурбекнинг эски таниши Ҳожи Муҳаммад эди. Тиз букиб, Темурбек қаршисига келарди, бунга жавобан Темурбек мандили (бош кийими) ни унга кийгизади.

Овозлар. – Соҳибқирон, давлатингиз пойдор бўлсин!

Камера кайфияти очилаётган одамларни кўрсатади. Уларга умид қайтган. Одамлар сафида ҳассасига таяниб, узоқдан кимнидир кутаётган самарқандлик боғбон чол ва, албатта, оқ тулпор минган, оппоқ кийинган Ўлжой Туркон ҳам бор. Тантанали вазият.

Диктор. – Соҳибқирон Амир Темур содиқ йигитлари билан озодлик ва эрк илинжида қарийб ўн йил тинимсиз чарх урди. У тақдирнинг жуда кўплаб синовларига дуч келди: душманлар ғзаби, «дўст»лар мунофиқлиги, фарзандлар ташвиши.. Ҳаммасини мардонавор енгиб ўтиб, мақсадига эришди – Оллоҳнинг инояти ва ўзининг жидду жаҳди билан Турон тахтини эгаллади – 1370 йил 9 апрелда Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида тан олинди.

Кадрлар ўзгариб, яна шодон қиёфали болакай кўринади. Унинг қўлида ўқиб бўлинган «сарғайган саҳифа». Орқадан кучли қўл келиб кўтариб олади (бошланишдаги лавҳа такрорланади).

Камера аста айланиб, қўл эгасини ёрита бошлайди...

Тантанали мусиқа. Ўзбекистон харитаси, у губорлашиб, шер қиёфасига киради. Шер ҳамлага чоғланади!

2013 йил, апрель – август





ТАЪМИРЛАШГА АМР ЭТИЛГАН

(Хотима)

Ҳаётда ҳамма нарса нисбий – бу бор гап. Фақат вақт ҳукми «нисбий»ликни ҳам писанд этмай, «ҳамма нарса»габаҳоберишнинг мезонларини тайин этади. Бугун ғилдиракнинг бировнинг хаёлига келмайдиган ихтиро сифатида кашф этилгани ҳеч кимнинг диққатини тортмайди, ҳолбуки, унинг амалиётда қўллана бошланиши билан борлиқда кўп нарса ўзгариб кетди, ҳатто техника деган фан шу асосда пайдо бўлди, дейиш мумкин: машина-механизмларни турли ўлчамдаги айлана ёки доираларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, шу қисмлар уларнинг асосини ташкил қилади. Агар бу кашфиётнинг замирига назар соладиган бўлсак, ибтидоий одам дарахт танасининг бир бўлаги яхлит дарахтдан тез, ҳатто мустақил ҳаракат қилишини пайқаб қолган, ҳа, ибтидоий онги билан ниҳоят «пайқаб қолган». Кейин бу хулосасини атрофидагиларга айтган, шундан кейин ғўла билан боғлиқ бошқа янгиликлар пайдо бўлган. Албатта, ҳар бир ўзгариш йиллар, балки ўн йиллар давомида амалга оширилгандир. Ўша аждодларимизнинг саъй-ҳаракати билан яратилган ғилдирак бугун одамзотга беминнат хизматда, унинг пайдо бўлишини, ихтирочиларини эслашмайди ҳам. Гўё ғилдирак ғилдирак бўлиши керак эди ва бўлган – тамом.

Буюк ҳақиқатлар кўламини инсон шуури кўпда қамраб олавермас, балки бунга ожизлик қилар

экан, улкан кашфиётлар ҳеч қандай таъмасиз инсон ҳаётига сингиб кетаверар, беихитиёр унинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолар экан. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида мушоҳада қилганда ҳам ана шу ҳақиқат ёдга тушаверади. Одамзот наслининг бир вакили ҳаётлигида қандай бухронларни бошдан ўтказмаган; ёруғ дунёни тарк этгач эса муборак хотираси бир томондан мислсиз синову бошқа тарафдан таъриф-тавсифларга дуч келмаган. Нима бўлганда ҳам Амир Темур худди пойтахтимизда ўрнатилган муҳташам ҳайкал каби инсоният тарихи хиёбонида ҳеч нарсани писанд қилмай мағрур турибди, унинг қавмлари – инсон болалари йиллар ўтган сайин тобора ошиб бораётган қизиқиш билан унга талпинадилар, қандайдир маънода ундан кўмак ўтинадилар, турмуш ташвишларининг ечимида уни ўз қаторларида кўрадилар. Ажойиб саодат, нурафшон толей!

Бу эътирофларни самимий қабул қилганларга раҳмат, кўнглида иштибоҳ борларга, муболағада айб қўяётганларга маслаҳат эса, юқорида эслатилганидек, воқеликка вақт тарозиси орқали назар ташлашни маслаҳат берар эдик. Шунда моҳият ойдинлашади, шавкатли аждодимизнинг талъати бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Ҳа, Амир Темур от сурган пайтда дунё қандай қиёфада эди, деган сўроқ муҳокаманинг пешлавҳасида турса, гап нимадалигини тушуниш осон бўлади. Бундан 680 йил – қарийб етти аср олдинги манзарани кўз олдимизга келтирсак, одамзот бугун еру осмонни зириллатиб турган Америка материгини ҳам, АҚШ деган давлатни ҳам билмас эди. Евроосиё қуруқлигининг қай бир кунжида одамлар дарахт япроқларини ёпиниб, гарпун би-

лан балиқ, чўқмор билан айиқ овлаб қорин тўйғазиб юрган бўлса, мутараққий бошқа буржида улар молдек сотилар, кучли табақа кучсиз табақани ғажиб еб ётарди. Соҳибқирон салтанати қисқа даврда шундай даражага эришдики, золимлар жиловланди, давлатчиликда маош тўлаш, даромаддан солиқ ундириш каби бугун ҳам такомиллаштиришга муносиб тизимлар яратилди, маданият тараққий этиб, одамлар кийимларини дазмоллаб киядиган бўлдилар. Бу ҳол балки узлуксиз цивилизациянинг навбатдаги босқичидир, тараққиётга юз тутган тараққиётнинг тараққий эттирилишидир. Агар аҳвол шундай бўлганда эди, ҳеч бир қаҳрамонлик талаб қилинмас, сунъий бир даҳога эҳтиёж ҳам йўқ эди. Бироқ аслида бошқача эди. Энди тарихий далилларга қулоқ тутайлик.

Маълумки, XIII аср бошларида рўй берган мўғул истилоси туфайли ислом динининг жорий этилиши билан қарийб тўрт аср давомида тезла ниш олган тараққиёт ер билан яксон қилинди. Шаҳарлар ўрнида кул тепалар, қишлоқлар ўрнида қабристонлар пайдо бўлди. Ўша кунлар манзарасини тарихга муҳрлаган Истахрий, Натанзий, Маҳмуд ибн Вали ва бошқа муаррихларнинг қайд этишича, вайроналарни тиклаб, яна гуллаган ҳаёт тарзини таъминлаш учун камида минг йиллар(!) керак бўларди. Ҳатто мислсиз кўргуликларнинг даҳшатидан ларзага тушган олимлар бу воқеаларни кўргунча кўр бўлсам ёки олдинроқ ўлиб кетсам бўлмасмиди, сингари надоматларини қолдирганлар. Аҳвол ҳақиқатан фожеали бўлган. Ахир кейинчалик Самарқанд шаҳрини тиклашга киришганларида вайрона-

лардан ерни тозалаш имкони бўлмади ва бошқа жойда – қадимги ўрнидан ғарброқда янги шаҳар бунёд этилди. Ўз маърифати билан дунёни мафтун этган Бухоро шаҳри шунчалар кунпаякун қилингандики, шаҳарда қарийб ўн йил бирор тирик жонзотнинг яшашига имкон қолмаганди. 1330 йил Самарқандга ташриф буюрган машҳур сайёҳ Ибн Баттута ҳам қоғози ва ипак матоларининг шуҳрати оламни тутган шаҳарнинг бутунлай йўқ бўлиб кетганидан ёқа ушлаган, унинг ўрнида лойсувоқ уйларни кўриб, ўзи тасаввур қилган обод масканниг ерга киргани ёки осмонга чиқиб кетгани сирини топа олмаганди. Хуллас, Амир Темур тарих майдонига чиққанда аҳвол ана шундай эди. Эзилган, хўрланган халқнинг кайфияти, кейинги босқинларнинг жароҳатини эслатмай қўяверайлик – аҳвол шусиз ҳам маълум. Ер юзининг жаннаторо бир гўшаси вайрона ва хароб бўлган, у жароҳатлардан инграб, Яратгандан бир халоскорни кутиб яшарди. Воқеалар тарих ғалвирида сараланди, замон чархи айланиб, Темурбек – Амир Темур катта саҳнага чиқди. Унинг зиммасида оламшумул вазифа турарди, толеъ унга шундай қисматни насиб этган эдики, ё бу бухрондан зафар билан чиқади ва миллатнинг қуёшига айланади, ё тўфонлар гирдобида боши айланиб, маҳв бўлади, номи олдинги салафлари қаторида шунчаки эсланадиган соя бўлиб қолади. Тақдирга шукроналар бўлсинки, у ҳақиқий халоскорга айланди.

Соҳибқирон Амир Темур Турон давлатини бошқарган 35 йиллик ҳукмдорлик фаолиятида кўплаб оламшумул ишларни амалга оширдик, уларнинг

биттасини маромига етказган кўплаб зотларни миллати ифтихор билан эслайди. Ҳатто битта работ ёки кўприк қурганлар ҳам миннатдор авлодлари хотирасида яшаб қолган. Энди инсоният тарихида 500 йилдан ортиқ олий рутбада бўлган сулолага асос солган буюк ШАХСнинг келбатини кўз олдингизга келтиринг. Фавқулодда тасаввур торлик қилади, мушоҳада кўлами етмайди. Бундай инсон одамзот оламида нодир ҳодиса.

Самарқанд пойтахт қилиб танлангач ва Амир Темур жиловни қўлга олгач, биринчи юмуш босқинчилар ҳужумидан вайрон бўлган қалъа деворини тиклаш бўлган. Бу вазифани уддалашда суръат ва тадбиркорлик, тинчликдан сарафроз бўлган одамларнинг ғайрати, ҳашар, осойишталик шуқуҳи бахш этган кўтаринкиликни ҳаёлан тасаввур қилиш мумкин. Зиммада эса бундан ҳам муҳим ташвишлар бор эди. Икки дарё оралиғидан тортиб, Африка қуруқлигигача чўзилган ҳудудда сарбадорлар, элхонийлар, музаффарийлар, курдлар, Жўчи улуси, Дашти Қипчоқ чингизийлар ва бошқа давлат ҳамда сулолага мансуб одамлар қайнаган қозондек жунбушга келиб, бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётарди. Мовароуннаҳр ўнга яқин бекликларга бўлиниб кетган, қондошлар бир-бирига душмандан баттар муросасиз эди. Урушлардан раиятнинг силласи қуриган, қон тўкишдан қутурган зўравонлар эса ҳар қандай андишани унутганди. Тинчлик сув ва ҳаводек зарур эди. Буни чуқур ҳис этган ёш ҳукмдор чегараларни мустаҳкамлаш, бебошларни жиловлаш учун юришлар қилди. Дастлабки ўн йилликда Темурбек отда босиб ўтган йўллар ҳисоб-китоб қилинса, ҳар қандай рекорддан ҳам ўзиб кетса керак. Кейинча-

лик ҳам Соҳибқирон сиёсатининг бош йўналиши тинчлик, эмну омонлик, фуқаролар осойишталигига қаратилди. Бешафқат, ўз ўрнида сулҳпарвар юришлар оқибатида бутун салтанатда тартиб, адолат ўрнатилди. Ўша замоннинг муътабар тарихчиси «Ёш бола бошига бир табақ олтун била салтанатнинг у четидан бу четига юриб ўтса, унга қўл теккизадиган бирар одам бўлмас» деб бекорга ҳаяжон билан қайд этмаган эди.

Қолаверса, фаолияти тор масштаблардан чиқиб, сайёравий кўлам касб этган Соҳибқирон даврининг «Тинчлик кафолати» сифатида тан олинди. Ўзаро можаролар жонига теккан Ироқ, Шом, Миср, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ ва бошқа мамлакатлардан элчилар келиб, унинг кўмагига кўз тикдилар. Шу мурожаатлар боис, уч, беш, етти йилга чўзилган юришлар ташкил қилинди, оқибатда, мамлакатлар осойишталиги, қарвон йўлларининг хавфсизлиги таъминланди. Айниқса, миллионлаб нуфуснинг мафқурасига айланган муқаддас ислом дини арконларида ниш бераётган турли ноқисликларга ўз вақтида зарба берилди, динимизнинг поклиги учун чинакам жидду жаҳд кўрсатилди. Уламолар анжуманлари чақирилиб (масалан, Бойлақонда), ҳал қилиниши лозим бўлган диний муаммолар борасида машваратлар ташкил этилди.

Ободончилик, бунёдкорлик Соҳибқирон ҳаёт-севарлигининг, гўзалликни қадрлашининг, ундан завқланишининг рамзи эди. Муҳташам боғлар афсонавий Эрам ҳасад қиларли даражада ороланган. Тикланган саройларнинг гумбази эса «осмон тоқидан андаза олган, юлдузлар билан бўйлашган». Илон сирпаниб ўта олмайдигант чангалзорлар очи-

либ, кенг-катта йўллар солинган, қуш учса қаноти қуядиган сахро-биебонларда работлар, лангар жойлар, мусофирхоналар қурилган, кўплаб қудуқлар қавланган. Шаҳарларга тоза сув келтириш, кўприклар барпо этиш... Бу юмушлар Туркистон диёридан ташқари бобомиз муборак қадами етган барча ҳудудларда баравар амалга оширилган.

Энг мукамал лойиҳалар асосида қурилган мадрасаларда замонасининг алломалари ёш илму толибларга дарс ўқитар, уларга фақат диний эмас, дунёвий билимлар ҳам бериларди. Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маданият, санъат гуллаб яшнади. Бу ютуқларга ХХI аср ҳам таъзим қилади. Илмда эришилган ютуқларнинг чўққиси Мирзо Улуғбек бўлса, адабиёт-санъатдаги ёруғ юлдуз эса Алишер Навоийдир. Бу икки буюк зотнинг оламшумул шўхрати таъриф-тавсифларсиз ҳам маълум. Омади гап – мабодо, тараққиётнинг изчил тадрижи таъминлаганида, бундай буюк даҳолар инсоният учун орзу бўлиб қолаверар эди. На осмон илми кашф этилиб, планеталараро учиш аппаратларига йўл очилган, на сўз сеҳри мислсиз мўъжизалар яратган бўларди. Ўша кунларни ёритган чироқнинг пилигини бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари кўтариб қўйганлар.

Булардан ташқари давлатчиликтамоийлларининг яратилиши ва мустаҳкамланиши, ҳарбий соҳадаги ислоҳот ва натижалар катта-катта китобларга мавзу бўлади. Китоблар ҳақида эса бобомизнинг баҳоси мана бундоқ эди: «Ёзилган битиклар қурилган иморатлардан ҳам узоқ яшайди». Ўша кунлар зафарномаси ҳам китоблар орқали бизга етиб келди.

Шукуҳли кунларда қарор топган байналмилал сиёсат ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Соҳибқирон бо-

бомиз ҳам, авлодлари ҳам табиатан байналмилал зотлар бўлган. Зеро, бу фазилат қалбнинг буюклиги, юксак инсонийлик ва ўз кучига ишончнинг аломатидир. Бирор соҳада одамлар миллатига ёки динига кўра фарқланмаган, аксинча, дастурхон атрофида, зиёфат давраларида турли миллат, этникодга мансуб одамлар елкама-елка ўтирса, бу ҳол анжуманни безаган, дастурхонда сархил таомлар бўлишидан ташқари гап мувзуи ҳам бутун борлиқ, даҳри дун атрофида айланган. Бундай рангинлик фақат давраларни эмас, дилларни, маданиятларни ҳам безатган. Бундай ялакатлик турмушнинг барча жабҳасида баравар жорий қилинган. Ташвишлар ҳам, қувончлар ҳам ўртада бўлган. Эҳтимол, Соҳибқирон асослаган давлатнинг пойдорлиги, кучи, яшовчанлиги ҳам шундадир.

Салтанат яшовчанлигини таъминлашда унинг **маънавий асосларининг** на қадар инсонийлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Зеро, моддий олам ўткинчи – бинолар қулайди, йўллар беркилади, одамлар ёруғ оламини тарк этади. Руҳ эса боқийдир, у авлоддан авлодга ўтиб, тирикликнинг мангулигини таъминлайди. Амир Темур давлатининг маънавий асослари ҳақида мулоҳаза қилганда, бу даражаларга эришиш неча йиллар оша (бугун) ҳам қийин бўлаётгани, руҳий юксакликка, аввало, моддий эҳтиёжлар тўла қондирилганидан сўнг эришилажигига ишонч билдирамиз. Агар «Одамлар кўшиқни ҳам қорни билан тинглайди» деган ақидани эсласак, оч-юпун кишилар энг олижаноб ғояларни ҳам қабул қилмайди, бу борадаги гап-сўзлар қуруқ сафсата бўлиб қолаверади. Ана шундай юксакликка кўтарилишнинг калитини боболаримиз топган

эдилар: XV-XVI асрдаёқ бизнинг шарафли аждодларимиз салтанатда **адолат** тантанасига эришган эдилар – бу даражани тасдиқлайдиган кўплаб мисоллар бор. Қолаверса, буюк шахс фаолиятининг асосий мазмуни икки сўзда мужассамлашган эди: «Куч – адолатда!» Ҳақиқат қаршисида ҳамма бир хил жавоб берган. Қонун устиворлиги таъминланган. Негаки, бу тизимнинг асосчиси аллақачон «Қонун устивор бўлгандагина эркинлик таъминланиши»ни англаб, бу қонидани амалиётга жорий этганди. Эркинлик – ҳукмдорларнинг обрўси, раиятнинг эса ҳузур-ҳаловатда яшашининг кафолати бўлган.

Раият (аҳолининг солиқ тўловчи қисми, умуман, халқ) манфаатини муҳофаза қилиш давлатнинг асосий вазифаси қилиб белгилангани бор гап. «Мазлумларни золимлар зулмидан муҳофаза» қилиш Соҳибқироннинг нафақат ҳукмдорлик, балки инсоний **эътиқоди** ҳам бўлган ва кейиги авлод бу фазилатни бобонинг васияти, отамерос ақида сифатида қабул қилган. Ҳатто бугунги истилоҳлар билан айтганда, давлатнинг асосий таянчи (манбаи) бўлган халқнинг бошқарув юмушларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида уларнинг эркин фикр юритишлари, ўз муносабатларини тортинмай ва чўчимай баён этишлари учун шароитлар кафолатланган. Аввало, ҳар бир фуқаронинг шахсий нуқтаи назари бўлиши муҳим эди ва Соҳибқирон буни қадрлаган, фойдали фикр айтган, маслаҳат берган кишини етарлича сийлаган. Ибн Арабшоҳ ёзади: «У (Амир Темур) (муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин. – **Ҳ. С.**) ўз давлати арконларини, мамлакати аъёнларини,

Ўз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишилари-нинг бирортасини ҳам қолдирмасдан тўплардики, бола отанинг, ота эса боланинг ўрнини боса олмасди. Сўнгра уларга махфий тутган масаласини зоҳир қилиб, қайси томонга юриш ҳақида (улардан) маслаҳат сўрар ҳамда гап жilовини уларга ташлаб қўйиб: «Халқнинг хос қисми бу масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. майли, ҳар кимса хатонинг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам – фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса (гапирса), бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот» деярди». Қарангки, бундан юз йиллар олдин энди кенг қўлланилаётган референдум сингари машваратлар бобокалонимиз салтанатида урф бўлган экан, одамларнинг фикрига қулоқ тутиш, уларни ҳурмат қилиш, ҳур фикрлилик, плюреализм, умуман, демократия, ижтимоий фикрни шакллантириш амалда ҳаракат қилиб, эзгу мақсадларга камарбаста экан. Цивилизация бу даражани инкишоф этиш, умумжаҳон миқёсида жорий этишгача олти юз йил турли фикрлар хирмонини элақдан ўтказиб, кашфиёт сифатида тақдим этди. Бу далиллар Соҳибқирон шахсиятининг беназирлигини яна бир бора тасдиқлайди. Инсониятнинг ҳамон қизиқиши сўнмаётгани ҳам ўша айёмларда қўлга киритилган оламшумул ютуқлар сирининг ҳозиргача тўла очилмаганидир.

Салтанатнинг маънавий устунлари ҳақида гап кетганда, илм-урфон гуллаб яшнаганини, маъри-

фат барча қалблар, йўллар ва манзилларни ёритиб турганини фахр билан таъкидлаш ўринли. Эҳтимол, инсоният тарихида Темурийлар давридек маърифат улуғланган, барча масалада маърифий ёндашув қарор топган бошқа тузумни учратиш бўлмас. Агар битта буюк олим ёки шоирнинг етишиб чиқиши учун минглаб илм-фан, санъат-маданият аҳли елкасини тутиши (атмосфера ҳосил қилиши) лозимлигини эсласак, Мирзо Улуғбек ёки Алишер Навоийнинг куёшдек порлаши учун минглаб юлдузлар, саноқсиз Сомон йўллари уларнинг атрофида нур сочиб турганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маърифатга фидойилик бобокалонимиз фитрати-тийнатида бор эди ва бу фазилат авлодларида яна ҳам чарақлаб, барқ урди. Юришлар давомида қўлга киритилган хазиналар ичида энг қимматлиси китоблар бўлган. Китобларни ўз оғирлигига тенг тилла баҳосида сотиб олингани, рақиблар китоб тутиб пешвоз чиқса, улар авф этилгани, кутубхоналарни ҳимоя қилиб жанг қилганлар мукофотлангани ҳақида кўплаб далиллар қайд қилинган. Ҳатто бирор қишлоқ ёки қасабада илмли киши бўлса (бундай кишиларнинг ҳисоби Соҳибқиронда бўлган, бу муболағасиз), унга шикаст етказилмагани, аксинча, бирор эътиборли шахс ҳурмати учун ўша жой аҳолисига улүфа тарқатилгани (масалан, Табриз яқинидаги Шабистар қишлоғида тўрт мингга яқин аҳолига 5 мисқолдан олтин улашилаган) ҳолатлари ҳам кўп бўлган. Муаррихлар китобларнинг Самарқандга жўнатиш учун тайёрланган чарм хуржунларнинг таърифини роса келтирганлар. Китобларнинг заҳа тегмай етиб келиши таъминланган, уни энг ишон-

чли сарбозлар қўриқлаб борган. Худди шундай муносабатга мос равишда илм-фан, маданият-адабиёт аҳли эъзоз топган. Алишер Навоий хо-размлик бир шоирнинг ғазали маъқул тушгандан кейин уни Султон Хусайн пойтахт Ҳиротга кўчириб келтирилгани, ижодига гамхўрлик кўрсатилгани далилини келтириб ўтади. «Зар қадрини заргар биледи» деганларидек, ҳукмдорларнинг ҳаммаси яхши таҳсил олган, аксарияти шоир ёки олим, девон тuzган, ҳатто катта шеъриятда эътироф этилган (масалан, «Таашшукнома» муаллифи Сайди Аҳмад сингари) эди-да. Ўша кунлардаги юксак маданият, оламшумул шукуҳ учун таъзим қилмоқ жоиз!

Атрофимизда қандай воқеалар кечади, ҳар куни қанчалаб гап-сўз тарқалади. Майдонда пишқириб «зўр»лар пайдо бўлиб қолади. Қадам олишлари тизгинсиз, шашти ойни кўзлаган. «Охири бахайр бўлсин-да» деб турасиз, чунки китоблар орқали неча синоатларга гувоҳ бўлган пухта ақлингиз бор. Барибир «бахайр» бўлмайди, сохта даҳонинг миси чиқади. Еру осмонни фарқламай юрган зўравон қора курсида ўтирибди, қанча баланд ўрлаган бўлса, шунча қуйи қулаган. Шунда ўйлаб қоласиз: нима бало урди? Наҳот энди буюклар чиқмайди? Кейинчалик таҳлиллар кўрсатадики, у буюк бўлиши мумкин эди, фақат оддий бир талабга риоя қилмабди; у ўз мақсадида ҳалол эмас, эришган натижалари қалбаки экан. Ўтмишимизга разм солиб, бугун ҳам юракларни ҳаприқтириб юборадиган ютуқларни қайд эта туриб ҳам ўша андиша кўнгилдан ўтади: сир нимада? У зотлар биологик мавжудот сифатила бошқача бўлганми?

Йўқ, ўзимиздек индивидлар, фақат улар ҳар ишда ҳалол бўлган! Қаллобликнинг бир кун миси чиқиб қолиши ҳақидаги ибтидоий ҳақиқат уларга бегона бўлмаган. Топилган даромад ҳалол бўлган, унинг замиридаги меҳнат ҳалол бўлган. Аксинча, моддий томондан бойиб кетиш рўй бера бошласа, бундан безовта бўлиб, эҳсон, хайр-садақани кўпайтиришган. Барча юмушларда Соҳибқирон Амир Темур шу тамойилга амал қилгани, бу борада ҳатто фарзандларини ҳам аямагани ҳақида китобларда ёзилган. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида Султон Ҳусайннинг ҳалоллик талабига жавобан қари кампир олдида бошини кундага қўйганини қайд этган. **Ҳалоллик** – беш аср ҳаракатда бўлган давлатнинг энг муҳташам маънавий устунларидан бўлган.

Умуман, бобокалонимиз ва авлодларининг инсониятга қолдирган маънавий мерослари ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Дароз гапнинг қисқа хулосаси шу бўладики, аввало, ютуқларнинг бош омили бутун фаолиятда маънавият (руҳоният) улуғланган ва шу асосга таянилган. Одамнинг фикрини ўзгартирмасдан ўзини ўзгартириб бўлмайди, одамни ўзгартирмасдан оламни ўзгартириш мумкин эмас. «Тузуклар»нинг «Иккинчи китоб»и («Ўзбекистон», 2011 й.) айнан салтанатни бошқаришнинг маънавий асосларига бағишланган. Соҳибқирон томонидан яратилган ва амалиётга жорий этилган тамойиллар отанинг ўғилга насиҳатидек самимий оҳангда ифодаланар экан, кўз олдимизда буюк саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият-санъат ҳомийси гавдаланади. Ҳаётнинг минг бир чиғириғидан ўтиб, тўпланган

тажриба ифодаси (баёни) эртага мўл ҳосил бериши кутилаётган боғдек шовуллаб туради. Салтанат мартабасига **эришишда** қўлланилган ўн икки тузук, салтанат обрў-мартабасини **сақлашнинг** тўрт талаби, салтанатни **мустаҳкамлашда** таянилган ўн икки тоифа, салтанатни **тасарруфда** сақлаш учун амал қилиниши шарт бўлган ўн икки талаб шарҳи кейинги авлодлар учун жангда темир совут ёки кескир қилич қанчалик муҳим бўлса, шундай асқатгани сир эмас («Темур тузуклари» хос китоб ҳисоблаган, сулола ҳукмдорлари учун махсус кўчирилиб, махфий фойдаланилган).

Айниқса, раият ва бароият (ҳукмдорлар)нинг ижтимоий мавқеи, феъл-атвори ва салоҳияти ҳисобга олиниб, ўн икки тоифага бўлингани, эҳтимол, дунё давлатчилиги тарихида ўзига хос новаторлик бўлгандир. Бу ўн икки тоифани Соҳибқирон «салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки устуниси деб ҳисобладим» дейди. Холисона олиб қаралса, ҳар соҳа кишисининг ўз табиати, касбий қиёфаси бўлади, демак, барчага бир хил муомала қилиш маънисизлик, балки «бир гаврон билан сурувни у ён-бу ён ҳайдаган чўпон» (Алишер Навоий)нинг юмушидир.. Қуръони каримда ҳам одамларнинг бир-биридан фарқ қилувчи тоифалар ҳолида яратилгани таъкидланади, бир тоифа бошқа тоифа устидан ҳукмрон қилиб қўйилиши жоиз ҳисобланади. Ёки оддий табиий ҳол: қўлдаги бармоқлар ҳам бир хил эмас-ку. Шундай муҳим, айна пайтда нозик ҳолни идрок этган бобокалонимиз давлатни бошқаришда ҳар бир қатламга хос **сиёсат** ҳам яратгани шубҳасиз. Демак, тасниф асосида ҳар бир тоифага мансуб фуқаронинг ижти-

мой мавқеи, уларга давлатнинг муносабати (муомаласи), фаолиятини ривожлантиришнинг тизими белгилаб қўйилган бўлади. Шунга кўра, бу ҳолни давлат мафқурасининг асоси, деб баҳоласа бўлади. Уни (балки биринчи марта) Соҳибқирон Амир Темур давлат бошқарувида истифода этган. Агар тасаввурга эрк бериб, мушоҳада қиладиган бўлсак, шундай заргарона муносабат туфайли давлат механизми ўта аниқликда ишлаган, ҳеч ким ва ҳеч нарса эътибордан четда қолмаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Олтин силсилага тизилган бу қоидалар оламни бузилишлар, вайронгарчиликлардан сақлаб туришга даъват этувчи йўл-йўриқлар бўлгани шубҳасиз. Кўп машойихларнинг таъбири билан айтганда, «доимо бузилишга маҳкум, вайрона кулба» ҳисобланувчи дунёнинг боқийлигини таъминлаш, унинг шикастланган томини таъмирлаш учун тақдир инсониятга бунёдкор шахсларни ато этиб турар экан. Турон заминнинг халоскори, Темурийлар (Ҳиндистонда Бобурийлар) давлатининг асосчиси, дунё цивилизациясининг энг буюк меъморларидан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ана шундай порлоқ толеъ эгаси бўлганлар. Улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг сўзлари билан айтганда, ҳазрат Соҳибқирон фаришталарнинг «Ерда яна бир бузукчилик қилувчи ва қонлар тўкувчи кимсани яратасанми?» саволига жавобан Парвадигорнинг «Мен ерда бир халифа (ўринбосар, вакил) яратаман» деган иноятига каромат қилинган сарвар (етақчи, йўлбошчи) сифатида инсониятга ҳадя этилган даҳодир. «Унга олдиндан кўриш ва билиш фазилати туфайли баҳри барр (сувлик ва қуруқлик)

да баравар эгалик қилиш ҳуқуқи берилган» эди. Ана шу қудрат туфайли дунё иморати узоқ йиллар обод ва муҳташам бўлиб турди. Унинг шуқуҳи бугунги кунларимизгача етиб келган.

* * *

Боқий қадриятлар маънавий мулкимизга айланиши Истиқлол туфайлидир. Ана шу маҳобатли ҳақиқат илм ва қалам аҳлига илҳом берди, янги мавзулар билан қуроллантирди. «Яхшилик яхшиликка йўл очади» деганларидек, илтифот ижодга рағбатлантиради. Натижада, улуг кунлар шуқуҳини қайта ҳис этиб турибмиз.

Қадрдон Китобхон! Сиз билан саҳифалар, сатрлараро саёҳат давомида биродарлашиб қолдик. Муаллифдан ўтган ардоқли ҳислар Сизга ҳам юққан бўлса, тарихимиздаги буюк, муҳташам зот ва авлодларининг бўй-бастани тасаввур қилишга эришган бўлсангиз, бу ҳолдан айрича мамнунлигимизни изҳор этамиз.

Келинг, биргаликда бизга шундай саодатни мушарраф этган, ўша шонли тарихни битикларда муҳрлаган нуктадон аждодларимиз: муаррихлар, адиблар, шоирлар руҳи қаршисида таъзим қилайлик. Улар шундай бебаҳо мерос қолдирган эканларки, башоратли мушоҳадалари орқали неча юз йиллар олдин рўй берган суронли воқеаларни ҳатто ҳарорати билан ҳис этиш, гавдалантириш имкони бўлди. Муътабар салафларимиз биздан рози бўлишсин, саъй-ҳаракатларимизда билиб-билмай ғулу воқе бўлган эрса, маъзур тутишсин. Бизнинг уринишларимиз бепоён уммондан бир ҳовуч сув олиб, чанқоқни қондиришга интилиш мисоли жаҳддир, холос.

Мавзуга доир қимматли асарлар ёзган, фақирнинг муддаоси йўлида бетаъма хизмат қилган монументал тадқиқотлар яратган замондош адиб-у тарихнависларга ҳам ўз ҳурматимни изҳор этаман. Сизнинг қалб ҳароратингиз билан йўғрилган, кўз нурингиздан шуълаланган битиклар миллий ифтихоримизни ҳис этиш борасида шундай улкан хизмат қилмоқдаки, унга дохил бўлишнинг ўзи бетимсол бахтдир.

Мабодо биринчи қадамлар қўйилмаса, кейинги оёқ босишлар бўлмаслиги ойдин ҳақиқат. Дастлабки ҳаракатлар эса бу йўналишдаги навбатдаги уринишлар нақадар кенг қўламли ва теран бўлишидан дарак бермоқда.

Яна саҳифалар аро қадрдон учрашувлар насиб этсин.

2016 йил, январь–март.



МУНДАРИЖА

Мисли ой ва юлдузлар

Бетакрор ифтихор.....	4
Чақинли лаҳзалар.....	15
Дунё билган «Тамерлан».....	22
«Сўзимдан англа ўзимни...».....	37
Соҳибқирон солномаси.....	53
Насаб.....	75
Муқаддас оила.....	79
Темурийлар.....	88
Шажара.....	100
Олтин силсила.....	172
Алифбо тартиби.....	180
Темир занги.....	188
Ҳали юмушлар кўп.....	203



Миллат тимсоли

Қуёшни елкалаган чўққига боқиб.....	220
Маҳак тоши.....	236
Қорачиққа жойлашар қуёш.....	242
Кўзлар кўп, қарашлар кам.....	249
Мангу устувор ҳақиқат.....	255
Юракдаги ёдгорлик.....	267
Ворислик – камарбасталик (қсқ-ш).....	283
Истиқлол бахш этган илҳом тухфаси.....	296
Ўзини излаётган Оқсарой.....	302
Махсус қомусга эҳтиёж бор.....	309

- Қалб ва қанотлар.....
- Икки кўзгу
1. Соҳибқирон шарафлаган шаҳар.....
2. Ошуфта диллар маскани
- Буюк «Тузук»
- Тарихни зар, ўзни заргар билсалар.....
- Тоғ бағридаги синоатлар.....
- Ватан шарафини бошга тож айлаб
- Ғурур уйғонганда.....
- Меҳр ва эҳтиром ила
- Шер ҳамлага чоғланади (*киносценарий*).....
- Таъмирлашга амр этилган

Адабий-бадиий нашр

ҲАКИМ САТТОРИЙ

**СОҲИБҚИРОН
АБАДИЯТИ**

II

*Тўлдирилган ва қайта ишланган
иккинчи наشري*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Мухаррир *Б. Эшпўлатов*
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Д. Габдрахманова*
Мусахҳиҳ *М. Зиямухамедова*



СОҲИБҚИРОН
АБАДИЯТИ



ISBN 978-9943-26-481-6



9 789943 264816